

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЗАМОНАВИЙ ФИЛОЛОГИЯДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР”

мавзусидаги

Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

Бухоро, 2020 йил 25 апрель

Бухоро- 2020

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилди.

1. Дастурий қўмита

1. О.Х.Хамидов – университет ректори, раис.
2. О.С.Қаҳҳоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини
3. Ў.У.Рашидов – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо
4. Д.З.Ражабов – Филология факультети декани, аъзо.
5. Ҳ.П.Эшонқулов – Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, аъзо.
6. А.Р.Ахмедов – Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, аъзо.
7. О.Т.Носиров – Рус тили ва адабиёти кафедраси мудири, аъзо.

2. Ташкилий қўмита

1. О.С.Қаҳҳоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис.
2. Г.Т.Зарипов – ИТ, И ва ИТКБ бўлими бошлиғи, раис муовини.
3. Д.З.Ражабов – филология факультети декани, аъзо.
4. Ҳ.П.Эшонқулов – Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, аъзо.
5. А.Р.Ахмедов – Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, аъзо.
6. О.Т.Носиров – Рус тили ва адабиёти кафедраси мудири, аъзо.
7. Ғ.Н.Муродов – Ўзбек адабиёти кафедраси профессори, аъзо.
8. М.Қ.Абузалова – Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, аъзо.
9. З.Р.Джураева – Рус тили ва адабиёти кафедраси доценти, аъзо.
10. Н.Ж.Бекова – Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, аъзо.
11. Н.С.Қодирова – Ўзбек адабиёти кафедраси таянч-докторанти, аъзо.
12. З.Н.Соҳибова – Ўзбек адабиёти кафедраси таянч-докторанти, аъзо.
13. С.М.Нуруллаева – Ўзбек адабиёти кафедраси таянч-докторанти, аъзо.

КИРИШ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари халқлари синовли кунларни бошдан кечираётгани ҳеч кимга сир эмас. Бутун дунё бўйлаб тарқалган хавфли касаллик боис давлатларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, қўйингки, барча соҳаларида турли даражадаги ўзгаришлар содир бўлаётир. Қисқа фурсат ичида кенг ёйилиб кетган коронавирус эпидемияси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан пандемия деб

эълон қилинди. Минг афсуски, бу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Ушбу хавfli инфекция ёйилишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш мақсадида деярли барча давлатларда карантин режими жорий этилгани ҳам барчамизга маълум. Бироқ ушбу вазият илм-маърифат аҳлини ҳаракатдан тўхтаб қолишига сабаб бўлмайди.

Бугунги кунда тиббиёт ходимлари ва ҳарбийлар қаторида, таълим соҳасида фаолият юритаётган минглаб юртдошларимиз ҳам, шубҳасиз, замонамиз қаҳрамонларидирлар. Улар масофадан таълим бериб, ёшларнинг бекор қолиб кетмаслиги, билим олишлари, вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишлари, энг муҳими, мафкуравий, руҳий иммунитетларини мустаҳкамлашлари ва мантиқий, илмий тафаккурларини ривожлантиришлари учун астойдил хизмат қилмоқдалар.

2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинганлиги ҳам бугунги глобал вазиятга аниқса мос келади. Зеро бугун кўпгина давлатлар қатори, бизнинг мамлакатимизда ҳам деярли барча соҳаларда рақамли технологиялардан фойдаланиш, масофадан туриб иш олиб бориш давр талаби даражасига етди. Таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Жорий йилнинг 2 март куни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Президенти Фармони имзоланган эди. Бу йилги давлат дастури 284та банддан иборат бўлиб, унда умумий қиймати 18,2 трлн. сўм ва 10,3 млрд. АҚШ долларига тенг лойиҳалар тасдиқланмоқда. Жумладан, дастурда олий таълим соҳасида 2020/2021 ўқув йилидан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари босқичма-босқич икки барабар оширилиши (22 696 тадан 45 392 тага); талабаларга ўқув йили давомида тенг улушда камида 4 маротаба ўқиш учун пул тўлаш имконияти тақдим этилиши; Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент давлат юридик университетида тажриба тариқасида масофавий ўқитиш шакли жорий этилиши кўзда тутилган эди. Бугун онлайн дарслар ва илмий-амалий онлайн конференцияларнинг ташкил этилаётгани ушбу лойиҳаларнинг амалий босқичи ҳисобланади, десак, адашмаган бўламиз.

Бугун Бухоро давлат университети филология факультети томонидан ташкил этилган онлайн конференция ҳам илмий-амалий аҳамияти жиҳатидан фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Анжуманнинг “Замонавий филологияда интеграцион жараёнлар” мавзусига бағишлангани унинг ҳозирги глобаллашув ва технологиялар асрида нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Қолаверса, ушбу анжуман Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 4 октябрь куни имзолаган «Давлат тили ҳақида»ги (1989 йил 21 октябрь) қонуннинг 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларга муносиб жавоб бўлади, деган умиддамиз.

«Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир», — дейилади хужжатда.

Қарорга кўра, «Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусида республика конференцияси ўтказилиши, «Ўзбек тилининг дўстлари» клубларини тузиш кўзда тутилган бўлса, “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга биноан она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилгани ҳам сизларга маълум. Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб борар экан, Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бугунги анжуманда шу каби масалалар ҳамда тилшунослик ва адабиётшуносликдаги интеграцион жараёнларга оид илмий тадқиқот натижалари 3та шўба фаолияти асосида муҳокама қилинади. Ўйлаймизки, ушбу анжуман ўзининг илмий-амалий ва назарий аҳамиятини илмий мунозара ва муҳокамалар натижасида тўлақонли кўрсата олади; Давлат тили ва миллий адабиётга бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик эса мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

1-ШЎЪБА

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

КОДЛАШ - ТАФАККУР -ДЕКОДЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ ХУСУСИДА

Абузалова М.Қ. БухДУ профессори, ф.ф.д.
Фатуллаева К.Р. Бухоро вилоят ПКТМО

Ўзбек тилшунослиги истиқлол даврида жуда кўп ютуқларга эришди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбек лингвистикасининг ранг-баранг соҳалари ривож топди. Лингвоперсонология, яъни тилнинг шахс, жамият, маданият, урф-одат билан муносабатини ўрганадиган *амалий тилшунослик* равнақ топди (антропонимия, эвфемиялогия, метафоралогия...) . Бугунги кунда ўзбек тилининг ҳам дунё тиллари каторидан ўрин олишини мақсад қилиб қўйган тил корпуси ҳам ривож топмоқдаки, бу қувонарли ҳол.

Амалий тилшунослик билан боғлиқ бўлган психолингвистика ҳам нутқ ҳосил қилиш, нутқни қабул қилиш, умуман, нутқ фаолиятини ўрганадиган фан бўлиб, у нутқни идрок этиш, тилни эгаллаш каби масалалар билан шуғулланади. Шунини таъкидлаш жоизки, кишилар мулоқотидаги барча мураккаб омишлар ҳамда кодлаш ва декодлаш жараёнлари психолингвистиканинг тадқиқот предметига киради. **Код** — *хабарни сақлаш учун шартли белгилар системаси. Декодлаш кодни асл белгилар тизимига тескари ўзгартириш жараёни, яъни асл хабар(кенг маънода) ни қабул қилиш демакдир.* Маълум бир хабарни кодлаш усуллари ранг-баранг. Масалан, биз кирилл алифбосидан фойдаланган ҳолда ўзбек тилидаги матнни ёзамиз, аммо худди шу нарса латин алифбоси ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Баъзан кирилча ҳарфлари бўлмаган мобил телефон орқали "Салом, курсдошлар!" жумласини "Salom, kursdoshlar!" тарзида латин алифбосида хабар (СМС) юбориш билан амалга оширамыз.

Бу ҳам кодлашнинг оддий бир кўриниши саналади. **Декодлаш** - бу кодни дастлабки белгилар тизимига тескари ўзгартириш жараёни бўлиб, асл хабарни қабул қилиш ҳисобланади. Жумладан, С.Морзенинг машҳур алифбосида ҳар бир ҳарф учун маълум кодлар ишлаб чиқилганлиги ҳаммага маълум, ҳар бир ҳарф қисқа сигналлар (нуқта) ва узун сигналлар (тире) кетма-кетлиги билан кодланган бўлиб, ҳарфлар бир-биридан паузалар билан ажратилган. Белгилар тизими инсон (тафаккурдан), моҳиятдан ҳодисага, умумийликдан хусусийликка, имкониятдан воқеликка томон силжийди ва реаллашади.



А •—	Л •—••	Ц —•—•
Б —•••	М — —	Ч — — — •
В •— —	Н — •	Ш — — — —
Г — — •	О — — —	Щ — — • —
Д — ••	П • — — •	Ъ • — — • — •
Е •	Р • — •	Ы — • — —
Ж ••• —	С •••	Ь — •• —
З — — ••	Т •• —	Э •• — ••
И ••	У •• —	Ю •• — —
К — • —	Ф •• — •	Я • — • —
Й • — — —	Х ••••	

Сэмюэль Финли Бриз Морзе (1791–1872, АҚШ) алифбоси

Юқорида келтирилган мисоллардан субстанциал тилшуносликда аниқланган содда гап([WP_m]), кўшма гап([WP_m-WP_m]), уюшган гап([(E₁-W₂)-(E₂-W₂) P_m]), сўз бирикмаси([W→W]), сўз-гап([W^λ]) ҳамда ([WF])– сўзшаклнинг умумий лисоний колиплари код характерида бўлиб, маълум бир шакл ва мазмуннинг барқарор яхлитлиги сифатида яшайди ва хусусий ҳодиса сифатида нутқда реаллашади, яъни декодланади дейиш мумкин. Мулоқотда юзага чиқадиган сўзлардан тортиб кўшма гапларгача бўлган нутқий ҳосилалар инсон тафаккурида мавжуд кодларнинг декодланишидир.

Бугунги кунда компьютер технологияларини тилшуносликнинг илмий-назарий, фалсафий муаммолари: тил ва нутқ, система ва структура, семиотика, синтагматика ва парадигматика, типология, луғатшунослик каби муҳим ҳамда мураккаб масалалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда қўллашнинг ижобий томонларига таянган ҳолда корпус лингвистикаси соҳаси яратилди. Жумладан, мазкур соҳада ўзбек тилидаги сўзларни морфологик, семантик, синтактик разметкаш (Сотиболдининг <Сотиболди> [от], [ат. от.], [шахс н.], [қар. к.], [бирл. с.]морфологик разметка) ва лингвистик моделлаштириш усулларини ҳам лингвистик кодлашнинг кўринишлари сифатида баҳолаш мумкин. Морфологик разметка тизимига хос бўлган *теглаш* жараёнларини – сўзнинг морфологик хусусиятларини очишни декодлаш сифатлаш сифатида баҳолаш мумкин.

Демак, тил мулоқотга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Уни бу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра кодлаштирган ҳолда ахборотни маълум қилаётган киши ҳам, бу моҳиятнинг кодини очган, яъни унинг маъносини ошкор этган ва ана шу ахборот асосида ўз хулқ - атворини ўзгартирган ҳолда бу ахборотни қабул қилаётган киши ҳам тушунади. Ахборотни бошқа кишига йўллаётган киши (коммуникатор) ва уни қабул қилаётган киши (реципиент) муносабат ва биргаликдаги фаолият мақсадларига эришиш учун моҳиятларни кодлаштириш ва кодини очишнинг битта ягона тизимидан фойдаланишлари, яъни битта тилда мулоқотга киришишлари лозим бўлади.

РАЗУМНЫЙ ЧЕЛОВЕК КАК ИНТЕГРАЦИЯ МЫШЛЕНИЯ, ТРУДА, ПРЯМОХОЖДЕНИЯ И ЯЗЫКА

Муминов Ф.А., БухГУ
профессор кафедры русского языка и литературы

Существуют разные хронологии появления разумного человека, от 30 млн лет по предположению одного французского аббата до 35-40 тыс лет в наших школьных учебниках 60-х годов. В самых последних исследованиях называются более или менее конкретные цифры, о которых будет сказано ниже.

Мы полагаем, что разумный человек появился в результате интеграции его мышления, труда, прямохождения и членораздельной речи. Начнем с основополагающих понятий. Авторы «Большой психологической энциклопедии» выделяют 12 видов мышления. Сама категория разъясняется ими следующим образом: «...Мышление

характеризуется обобщенным и опосредованным отражением действительности; это анализ, синтез, обобщение условий и требований решаемой задачи и способов ее решения... Мышление — это одновременно и процесс и деятельность личности, характеризующиеся мотивациями, способностями и рядом других качеств... Классическая психология занимается изучением мышления как познавательной деятельности, выделяя различные виды мышления, обусловленные уровнем обобщения и характером используемых средств, их новизны для субъекта, степени его активности, адекватности мышления действительности... Словесно-логическое мышление — это продукт исторического развития мышления, и переход от наглядного к абстрактному мышлению составляет одну из линий этого развития»(1; 254).

Из данных рассуждений для нас является особо значимой последняя мысль, в которой говорится о том, что абстрактное мышление является продуктом исторического развития и представляет собой одно из направлений такой эволюции. Как мы говорили в других статьях, человеку свойственно трёхэтапное мышление, состоящее из получения-восприятия информации, ее мысленной проработки и языковой выдачи. При этом первые два этапа имеют спонтанный, поисковый, **иерархический** характер, а третий представляет из себя последовательную, **линейную** передачу обработанной информации в виде речи.

Перейдем к понятию «труд». «Труд, целесообразная деятельность человека, в процессе которой он при помощи орудий труда воздействует на природу и использует ее в целях создания предметов, необходимых для удовлетворения своих потребностей... Труд сыграл решающую роль в процессе формирования человека... Благодаря труду развились функции рук и органов речи, произошло постепенное превращение мозга животного в развитый человеческий мозг, усовершенствовались органы чувств человека. В процессе труда у человека расширялся круг восприятий и представлений, его трудовые действия стали носить сознательный характер... Труд как целесообразная деятельность человека начался с изготовления орудий труда (2; 696). Самыми первыми и непосредственными орудиями труда при этом были руки и ноги самого человека. А переход к разумному состоянию он начал с прямохождения. Поскольку оно, по нашему мнению, сыграло ключевую роль в формировании человека разумного скажем об этом чуть подробнее.

По нашему мнению, прямохождение стало началом предметно-иерархического мышления человекоподобных существ того времени. С какого периода проточеловеку стало свойственно прямохождение? Ходил ли он ранее на четвереньках? Скорее всего, были создания, которые до того, как стать протолюдьми, ходили на четырех конечностях. Но назвать их человекообразными все же нельзя, это были пока еще животные, которые лишь длительное время спустя станут таковыми. Последних предков человека обычно называют гоминидами.

И, что важно, как зеркалировало в своем мозге то, что оно видело, существо, которое ходил на четырех конечностях? Наверно, поначалу это была сплошная световая полоса, отражаемая на зрительных нервных волокнах, на непрерывной визуальной белковой ленте, с едва различимыми контурами. Отдельные предметы также были, и он их различал. Но в целом это была его жизненная среда и он зрительно сливался с ней полностью.

Итак, гоминидами можно назвать человекоподобных существ, перешедших к хождению на двух задних конечностях (или ногах). Гоминиды пережили очень

длительную эволюцию и, по мере развития, получали различные наименования – хабилус, эректус и т.д.

По нашему мнению, прямохождение можно связать с более или менее четко определенным предметным мышлением. Прямохождение и обусловленное им более или менее ощущаемое предметное мышление и есть начало перехода гоминид к разумному человеку.

Мы часто говорим об иерархическом и предметно-иерархическом мышлении. Пришло время сказать более ясно, что мы под ним подразумеваем. Сама идея заимствована нами из книги Н.Хомского и Р.Бервика(3). Не хотелось бы чрезмерно упрощать (вульгаризировать) мнение авторов столь престижной книги, но, видимо, другого выхода просто нет. Иначе некоторые их мысли трудно понять и изложить. Возможно, это связано не только со сложностью объекта исследования, но и с переводом их книги на русский язык. Авторы пишут: «...Ментальные операции, связанные с языком, не должны зависеть от порядка, который отражает свойства нашей сенсомоторной системы. Говорящий вынужден располагать слова в линейном порядке, потому что сенсомоторная система не позволяет выводить речевую продукцию параллельно или же выводить сами структуры. Сенсомоторная система по большей части была сформирована задолго до возникновения языка и, видимо, имеет с ним мало общего. Как мы уже упоминали, обезьяна, обладая приблизительно той же слуховой системой, что и человек, слышит только шум, когда звучит речь, а вот новорожденный младенец способен мгновенно извлекать относящиеся к языку данные из шумной среды, пользуясь присущей только человеку языковой способностью, глубоко укорененной в головном мозге» (3; 155).

Итак, упрощаем. По мнению авторов, по-разному изложенному в различных местах книги, человек мыслит в три этапа. Первый – получение, а точнее, восприятие информации, второй – ее обработка в мозге, третий – выдача результата через язык. Первые два этапа являются иерархическими, третий неизбежно линейным, иначе аудитория не поймет говорящего. Иерархическим называется стремительное, скоростное, беспорядочное мышление на разных уровнях с одновременной попыткой привести мысль к единому результату. Этот итоговый результат и выдается в форме линейной мыслеречи.

В разговоре об эволюции гоминидов для нас важным является вопрос о предметном, точнее, предметно-иерархическом мышлении. Вещное отражение и возникшее на этой основе предметно-иерархическое мышление было зеркальным отражением природных явлений и всех тех многообразных объектов, которые его окружали. Подобное вещное отражение вело к предметному мышлению, которое и стало основой иерархического мышления. Иерархическое мышление, а точнее, иерархическая структура, отдельные элементы воспринимались обособленно, привела впоследствии к типологии предметов. В конце-концов, необходимость найти единый, понятный язык с сородичами в условиях иерархического мышления и привела к необходимости общения, что неизбежно способствовало появлению линейной речи. Предварительно можно сказать, что это было предметное отражение в так называемом сознании. Называть это самосознанием еще нельзя, т.к. человек тогда пока что не обладал таковым, оно, видимо, стало присуще уже после приобретения разума.

Как были взаимосвязаны между собой прямохождение и иерархическое мышление? Мы считаем, что самым прямым образом. Возникновение и

формирование более или менее развитого иерархического мышления стало реально в результате прямохождения, именно этот шаг и стал причиной того, что данное живое существо перешло из разряда «животное» в разряд «человекообразное». Да и иерархию предметов окружающего мира на четвереньках не очень-то и увидишь.

Освобождение рук от ходьбы – величайший прогресс в истории человека. Свободные руки стали одним из первых орудий труда, которые, как свое продолжение, стали создавать другие орудия-продолжения – заточенные камни, палки, примитивные инструменты и т.д. Поэтому иерархическое мышление, пусть и затемненное и неупорядоченное, можно считать началом более или менее внятного мышления. Мысль была неясной, но она уже присутствовала и была не животной, а предчеловеческой.

Прямохождение есть и прямое, и переносное начало возвышения человека над окружающей его действительностью. Выпрямившись, человек оказался физически выше, он стал преобладать над теми, с кем раньше он был на одном горизонтальном уровне. Теперь он поднялся над ними в прямом физическом смысле, что уже вскоре привело его к преобладанию и в умственном значении. Но самым главным здесь было то, что он освободил себе руки, которые стали мощным оружием его дальнейшей эволюции. Все остальные орудия труда, а также медиа, как говорил Маклюэн, это продолжение его рук, ног, глаз, уха и т.д.

Перейдем к языку. «Язык (language), система условных знаков речи или письма, которые используются представителями одной культуры для общения друг с другом. Язык, с одной стороны, отражает способ мышления, который предписывает говорящему данная культура (соответственно, изменения в культуре влияют на развитие ее языка). С другой – язык сам влияет на этот способ мышления... Язык имеет сложную структуру, которая поддается анализу и систематизированному описанию (лингвистика). Все языки начинаются как речь, многие идут дальше и разрабатывают письменность... Главные языковые механизмы: порядок слов, внутренние изменения слов, синтаксические структуры и, в устной речи, интонация...»(4; 1249). Уже из этого изложения видно, что язык представляет собой последовательное, линейное изложение мысли, например, определенный порядок слов, синтаксические структуры и т.д.

Говоря о разумном человеке, ученые очень долгое время считали, что он стал возможен в результате приобретения им способности выполнять простейшие трудовые операции и выработки навыков членораздельной речи. Однако книга Н.Хомского и Р.Бервика, в котором приводятся данные новейших исследований, показывает, что это не так. Но начнем по порядку. Сложную эволюционную проблему языка (в его связи с мышлением) говорят авторы, можно свести «к рассмотрению трех отдельных частей, предусмотренных базовым свойством: 1) внутренней вычислительной системы, которая строит иерархически структурированные выражения, интерпретируемые определенным образом на интерфейсах с двумя другими внутренними системами; 2) сенсомоторной системы, служащей для экстернализации как выдачи синтаксического анализа (parsing); 3) концептуальной системы, служащей для формирования умозаключения (inference), интерпретации, планирования и организации действий – всего того, что нестрого называют мышлением. Важно отметить, что экстернализация включает в себя не только вокальное/моторное научение и продукцию, но и такие аспекты языка, как словообразование (морфологию) и его связь со звуковыми системами языка (фонологией и фонетикой), просодия, а также корректировка вывода для снижения нагрузки на память

в процессе продукции»(3; 24-25). Это то, что мы выше характеризовали как восприятие, обработку и выдачу готовой информации.

Когда появился проточеловек? Авторы разделяют точку зрения, согласно которой это случилось 2,5 – 3,3 млн лет назад. Они пишут: «...Самые древние найденные орудия, относящиеся к олдувайской культуре, относятся к периоду 2,5 миллиона лет до нашей эры. Не так давно были обнаружены еще более древние орудия, датируемые периодом 3,3 миллиона лет до нашей эры (их нашли в Кении, в районе Ломекви (Harmandetal., 2015) (3; 64).

Перейдем к самому важному вопросу. Когда появился язык? Ученые называют цифру, которая расходится с другими данными. Так, авторы книги «Магнавият» пишут, что до того, как язык дошел до сегодняшнего состояния, человечество прошло путь менее 3 млн лет (5; 316). В другой книге пишется: «...Язык возник одновременно с возникновением общества в процессе совместной трудовой деятельности первобытных людей» 3; 816).

У Н.Хомского и Р.Бервика другое мнение: «Имеющиеся на сегодняшний день сведения позволяют резонно предположить, что язык (или более точно – UG) возник в какой-то момент на протяжении весьма короткого отрезка времени (вероятно, около 80 000 лет назад) и с тех пор не эволюционизировал» (3; 140).

Отсюда мы можем сделать вывод исключительной важности. Человек начал пользоваться орудиями труда болеетрех млн лет назад. Говорить членораздельно он стал лишь 80 тысяч лет назад. Следовательно, приобретение трудовых навыков еще не означало его переход в разумное состояние. Скорее всего, именно овладение навыками членораздельной речи и завершило его формирование как разумного человека.

Нельзя не упомянуть и об одном важном эксперименте. Долгое время считалось, что некоторые виды человекообразных обезьян (гibbonы, шимпанзе, орангутанги и гориллы), более развитые по сравнению со своими сородичами, немного не дотянули до людей в овладении речью. Это привело к тому, что некоторые исследователи поместили обезьян в максимально удобные условия (вплоть до того, что некоторые из них жили в семьях) и работали с ними годами, пытаясь научить их говорить. Ничего не получилось. «... Животные способны соединять и обрабатывать понятия в линейном порядке (по крайней мере, до определенной степени). Однако мы считаем, что они не строят иерархически структурированных выражений, подобных нашим. Шимпанзе Ним мог запомнить комбинации из двух «слов», но ни разу не сумел построить структуру, хотя бы отдаленно напоминающую самое простое предложение (Yang, 2013)» (3; 167-168).

Выводы. Человек представляет из себя настолько уникальное и единственное в обозримом космическом пространстве существо, что его появление стало возможно только в результате интеграции самым плотным образом взаимосвязанных между собой и эволюционно обуславливающих друг друга четырех уникальных состояний: мышления, труда, прямохождения и языка. Без ставшего для него характерным на каком-то этапе развития иерархически-линейного мышления и говорения человек не стал бы разумным созданием.

Литература:

1. Большая психологическая энциклопедия. – Москва: Эксмо, 2007.
2. Философский энциклопедический словарь / Гл. редакция: Л.Ф. Ильичев, П.Н. Федосеев, С.М. Ковалев, В.Г. Панов. – М.: Сов.энциклопедия, 1983.

3. Хомский Ноам, Бервик Роберт. Человек говорящий. Эволюция и язык. – СПб: Питер, 2018.
4. Britannica. Большой энциклопедический словарь. – М.: «Изд-во Астрель»: «Изд-во АСТ», 2009.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Султонов ва бошқ. Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи, 2013.

БИОЛОГИЯ ВА ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ МАҚОЛЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Жўраева Б.М. БухДУ доценти

Ўсимликларнинг одамлар ҳаётида тутган ўрни бениҳоя катта. Улардан одамлар учун озиқ-овқат, кийим-кечак, қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа нарсалар тайёрланади. Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг бирор бир соҳасини ўсимлик маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, ўсимлик олами инсониятнинг ҳаётига қанчалик уйғунлашиб кетган бўлса, уларни атовчи номлар ҳам халқ тилига шунчалик кириб борган. Ва баъзи ўринларда, жумладан, ўзбек халқ мақолларида ўсимлик номлари ўзининг кўчма маъносини ҳам ҳосил қилишга эришган.

Ўсимлик номлари асосида шаклланган халқ мақолларини, аввало, учга бўлиш мумкин:

1. Дарахт номлари асосида шаклланган халқ мақоллари. Дарахтлар – танаси ёғочлашган, асосан, битта йўғон танали, бақувват илдизли ва кенг шох-шаббали, баланд бўйли кўп йиллик ўсимликлардир [1, 12].

Ўзбек халқ мақолларида қўлланган дарахт номларини, аввало, иккига бўлиш мумкин:

1) мевали дарахт номлари: *шафтоли, ўрик, тут, олма.*

Ёнғоқ олсанг, чақиб ол.

Ёнғоқ – бўйи 30 метргача ва танасининг диаметри 1 метргача борадиган, шох-шаббаси кенг ёйилган чодир кўринишидаги жуда чиройли дарахт. Ёнғоқ мевали дарахт сифатида юқори баҳоланади. Ёнғоғи жуда мазали ва тўйимли. Меваси таркибидаги мой кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (медицинада), полиграфия соҳасида, парфюмерия, тасвирий санъат соҳаларида кенг қўлланади. Шифокорлар ёнғоқни хотира қобилиятини тиклашда табиий восита сифатида тавсия этадилар. Мағзи қаттиқ пўчоқ қобиққа ўралган бўлиб, чақиб кўрмасдан тўқ ё пучлигини билиш қийин. Мазкур мақол билан: “Бирор нарса харид қилаётганда унинг сифатини синчиклаб ўрган, акс ҳолда, афсус ейсан”, дейилмоқчи.

2) мевасиз дарахт номлари: *терақ, тол, қайин, саксовул.*

Кўчанинг кўрки – тол,

Яйловнинг кўрки – мол.

Тол – ингичка узун баргли, сурх новда отиб ўсадиган дарахт ё бута. Тоғларнинг қуйи минтақаларида ва текисликларида, дарёлар водийларида (Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари) ўсади. Ниҳоятда нозик манзарали, намликка талабчан ўсимлик [3, 175].

Шунингдек, толлар анҳор ва кўчадаги ариқ бўйларида ҳам учрайди. Бу манзарали дарахтлар кўчаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида ўтқазилади. Яйлов эса чорва ўтлайдиган кенг майдон; ўтлоқ; ўтлов. Мақолнинг мажозий маъноси инсонларни

жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга ундашдир. Тол кўчага кўрк бўлганидек, сен ҳам яхши хулқинг билан ўзгаларга ўрнак бўл”, деган маънода қўллайдилар.

2. Бута номлари асосида шаклланган халқ мақоллари. Буталар – пояси ёғочлашган, бўйи 2-3 метрдан ошмайдиган битта ёки бир нечта поя ҳосил қиладиган шершоҳ кўп йиллик ўсимлик [1, 13].

Ўзбек халқ мақолларида қўлланган бута номларини ҳам ўз навбатида иккига бўлиш мумкин:

1) мевали бута номлари: анор, ток.

*Куркурак кўрмагунча **ток** очма.*

Ҳар бир касбнинг ўз қонун-қоидалари, сир-синоати бўлади. Боғбонлик ҳам ана шундай машаққатли, шу билан бирга, савобли ишдир.

Баҳор фаслида бободехқон ва боғбонлар янги мавсумни бошлайдилар. Об-ҳаво тез-тез ўзгариши сабабли ноқулай вазиятларга дуч келадилар. Эҳтиёткорлик, тажриба улар учун асосий қоида ҳисобланади. Масалан, баҳорда энг кеч қайтадиган кўкқарға келмагунча токни очмас эдилар. Чунки бу вақтга келиб, об-ҳавонинг ҳамма хавф-хатарлари ортда қолган. Бу кўкқарға баъзи шеваларда куркурак деб айтилган. Тажрибалар асосида шаклланган бу хулоса мақолда ўз аксини топган.

*Бир **анор** минг беморга даво.*

“Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички органларга оқишини тўхтатади. Унинг пўсти, айниқса, куйдирилгани жароҳатлар учун дори, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади, кўкракни қувватлантиради, қон тупуришда, хафаконга, меъданинг яллиғланишига, ич кетишига фойда қилади, гижжани ҳайдайди” (ИбнСино. Тиб қонунлари).

2) мевасиз бута номлари: янтоқ, шувоқ.

*Туянинг ташигани тилла, егани **янтоқ**.*

Қадимда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг асосий марказларидан бўлган. Бу савдо қарвони жуда катта ҳудудни ўз ичига олган бўлиб, тоғу даштларни, жазирама саҳроларни босиб ўтган. Бундай машаққатли сафарга эса фақат туя бардош берган. Қимматбаҳо моллар ортилган туялар гоҳида ойлаб, гоҳида йиллаб сувсиз чўлларда кезиб юрган ва саҳродаги янтоқ унинг асосий емиши бўлган.

Бу мақолни мол-дунё, бойлик орттиришга муккасидан кетган нафси бузуқ кишиларга қарата киноя ва истехзо билан айтадилар.

*Эшакка бир туп **шувоқ** ҳам озиқ, ҳам қозиқ.*

Шувоқ – чала бута, кўп йиллик ўсимлик. Поясининг узунлиги 20-150 см, ёғочланувчи, сершоҳ. Ўрама барглари 4-7 қатор, гуллари сарик, кейинчалик қизаради. Сентябрь-ноябрь ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, қумли, кулранг-кўнғир тупроқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган [2, 136].

Мақолда эшак – ақли калта, фаросати йўқ одам рамзи. Бундай кишилар иш қилишда ҳам, бирор гапни гапиришда ҳам мулоҳаза қилиб ўтирмайдилар, бош қотирмайдилар. Улар учун оддий ҳолат ҳам ечими йўқ муаммодек туюлади. Мақол ана шундай калтабин кимсаларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

Кузатишлар бута номлари асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари нисбатан озчиликни ташкил этишини кўрсатди.

3. Ўт номлари асосида шаклланган халқ мақоллари. Ўт пояси чорва моллари учун асосий озуқа бўлган яшил ўсимликларнинг ҳаётий шакли бўлиб, дарахт ва бутадан фарқли равишда танаси ёғочлашмайди.

*Экинни эрта йиққан хирмон қилар,
Кеч қолган армон қилар.*

Экин – ҳосил берадиган ҳар қандай ўсимлик. Масалан: сабзавот экинлари, полиз экинлари ва ҳ.к. Тажрибали деҳқон экинни ўз вақтида экиб, парваришлаб мўл ҳосил олади. Экинни эрта экканнинг ҳосияти бўлади. Чунки ўсимликда об-ҳаво билан боғлиқ ҳолда физиологик жараён кечади. Кеч экилган экин айна ўсиш, ривожланиш, ҳосил туғиш пайти келганда ҳаво ҳарорати кундан-кунга пасая боради, куёшдан етарли ҳарорат ололмайди. Натижада ҳосили кам ва кечки бўлиб пишар-пишмас совуқ уради, қор-ёмғир остида қолиб кетади. Мазкур мақол шунга ўхшаш ҳолларда ишлатилади.

*Қовун эксанг полизга,
Жой қилиб қўй даҳлизга.*

Полиз экинларининг бир тури саналган қовун тўйимлилиги ва шифобахшлиги билан алоҳида ўринга эга. У ҳаммага бирдек хуш ёқади. Қовун пишиб етилиши маҳалида полизга тез-тез ўғрилар оралаган. Шу боис полизнинг бир четида қоровул ўзи учун жой тайёрлаб қўйган. Кези келганда куну тун ётиб қўриқлаган. Мақолда халқнинг мана шундай турмуш тарзи ўз ифодасини топган.

Ўсимлик номлари асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг асосини, одатда, эркин боғланмалар ташкил этади. Вақт ўтиши билан булар идиомалашиб, яъни умумий кўчма маъно касб этиб мақолга айланган.

Адабиёт:

1. Пратов Ў., Тўхтаев А., Азимова Ф. Ботаника. Иккинчи нашри. Тошкент: “Ўзбекистон”. 2007.
2. Холиқов С., Пратов Ў., Файзиев А. Ўсимликлар аниқлагичи. Мактаб ўқувчилари учун қўлланма. Иккинчи нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
3. Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси. Тошкент: Ўқитувчи. 1997.

АРАБ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Астанова Г.А. БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.н.

Тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида тўпланган маълум фонемалар йиқиндиси фонемалар системасидир. Ҳар бир тилнинг, шу жумладан, араб тилининг ҳам ўзига ҳос фонемалар системаси бор.

Сўздаги бирор фонема ўзгарса, сўзнинг маъноси ҳам, шакли ҳам ўзгаради:

а) жарангли ундошни жарангсизлангирганда, масалан:

دلдалла-ишора қилмоқ

دلدللا-адашмоқ

б) чўзиқ унлилар қисқа талаффуз қилинганда, масалан:

باکر ба:кара - эрта келмоқ

بکربакара - эрта турмоқ

Эшитилиши бир-биридан фарқ қиладиган ҳамма товушлар ҳам фонема бўлавермайди. Фонеманинг вариантлари бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Ҳар қайси фонеманинг вариантлари унга ёндош товушлар таъсирида пайдо бўлади.

Айрим фонемалар бир неча тилда бир хил бўлиши мумкин, аммо шундай бўлса ҳам ҳар бир тилдаги фонемалар ўзига хос маълум тарихий системадан иборат бўлиб, бошқа тиллардаги фонемалар тизимидан фарқ қилади.

Дастлаб товушлар унли ва ундошларга ажратилади. Буларнинг миқдори турли тилларда турличадир. Масалан, рус тилида ундошлар 43 та, унлилар 6 та; француз тилида 21-13; араб тилида эса 28-6.

Арабтилининг фонемалари бир ўзакдоирасида бўлса ҳам, сўз ва вазня сашда муҳим ўрин туттади.

Масалан, қуйидаги сўз ва сўз шакллари унли туфайли бир-биридан фарқ қилади:

бир неча - عَدَّةٌ - ҳозирлик

санади - عَدٌّ - саналди

Шу ўринда араб тилидаги “ҳамза” ундоши устида тўхталадиган бўлсак, араб тилидаги ҳеч бир сўз унли товушдан бошланмаслиги, “ҳамза” ҳарфининг алфавит қаторида турмасида, унинг роли нутқда жуда муҳимлиги, мазкур ҳарфнинг ўзига хос ёзув қоидалари мавжудлиги қоидалари арабшуносларга маълум.

Араб тилида **ء** (ҳамза) ундоши аслида товуш пайчаларида пайдо бўладиган жарангсиз шовқинли портловчи ундош. Унинг ҳосил бўлиш усули қуйидагича: товуш пайчалари ўзаро жипслашиб, вужудга келтирган жуда қисқа тўхталиш натижасида тўсилган ҳавонинг сиртга интилиш кучидан яна ажралишади. Портлаб отилган ҳаво оғиз бўшлиғига ўтади ва шу аснода енгил томоқ қирилишини эслатувчи товуш талаффуз қилинади. Юмшоқ танглай кўтарилган, бурун бўшлиғига ўтиш йўли ёпиқ. Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Ҳамза сўзда бошқа ундош товушлар каби иккиланиб ҳам келиши мумкин. Мисол: *'амрун* иш, *ра'сун* бош, *ра'йсун* бошлиқ, *саййи* 'унёмон.

Ҳамза турлари ҳақида таниқли арабшунос олим А. Абдужабборов ўзининг “Араб тили” дарслигида ҳамзани қуйидагича изоҳлайди:

Сўз бошидаги ҳамза икки турли бўлади: **هَمْزَةُ الْقَطْعِ** - «қатъий ҳамза» ва **هَمْزَةُ الْوَصْلِ** - «васлалӣ ҳамза».

هَمْزَةُ الْقَطْعِ - «қатъий ҳамза» ўзак таркибида бўлади ёки шахс, сон каби муҳим грамматик маъноларни англатиш учун қўшилган бўлади. Масалан: **أَدَبٌ** - *адаб, адабиёт* («ё»-ўзакнинг биринчи ундоши), **أَخْرَجَ** - *чиқаман* («ё»-биринчи шахс кўрсаткичи), **أَشْهُرٌ** - *ойлар* («ё»-кўплик сон кўрсаткичи).

Бундай ҳамза **кўпинча** «фатҳа» билан ҳаракатланади, **ҳар доим** ёзилади ва ўқилади.

هَمْزَةُ الْوَصْلِ - «васлалӣ ҳамза» ўзак таркибида бўлмайди, бирон маъно англатмайди, фақат турли сабаблар билан сўз бошида бир бўғинда ёнма-ён келиб қолган икки ундошни икки бўғинга ажратиш учун хизмат қилади. Масалан:

امرأة → امرأة - *аёл*;

اسم → اسم - *исм*;

Васлали ҳамза **кўпинча** «каса» билан ҳаракатланган бўлади. Одатда унинг курсиси фақат «!» ёзилади ёки «!» («**васла**») белгиси билан ифодаланади:

قَالَ اكْتُبْ - «Ёз!» деди.

اجلس - *Ўтир!*

Нутқда васлали ҳамза **фақат** гап бошида ёки вақф (пауза)дан кейин талаффуз қилинади. Бошқа ҳолатларда талаффуз қилинмайди. Сўз бошидаги икки ундошнинг биринчиси эса олдинги сўзнинг охирига уланади:

مَا اسْمُكَ → اسْمُكَمَا → مَا اسْمُكَ - *Исминг нима?*

قُلْتُ اذْهَبْ → قُلْتُ اذْهَبْ → قُلْتُ اذْهَبْ - «*Бор-кет*», - дедим.

أَنْتُمْ (-هَمْ) - *сиз (сизнинг. . .)* ва هُمْ (-هُمْ) - *улар (уларнинг. . .)* олмошлари васлали ҳамзадан олдин келса, уларнинг охиридаги сукун даммага айланади:

أَنْتُمْ الْمُدْرَسُونَ → أَنْتُمْ الْمُدْرَسُونَ - *Сизлар ўқитувчисиз.*

مَدِينَتُكُمْ الْجَمِيلَةُ → مَدِينَتُكُمْ الْجَمِيلَةُ - *сўзал шаҳрингиз.*

Бошқа ҳолатларда васлали ҳамзадан олдинги сукун касрага айланади:

مَنْ ابْنُكَ؟ → مَنْ ابْنُكَ؟ - *Ўглинг ким?*

قَالَتْ اُخْرَجْ → قَالَتْ اُخْرَجْ - «*Чиқ*», - деди..

Кўрганимиздек, “ҳамза” ундошининг ўзига хос имло қоидалари ҳамда талаффуз меъёрлари мавжуд бўлиб, уни талаба осонлик билан тушуниб, ўрганиб олиши учун ўқитувчидан маълум маҳоратни талаб қилади. Маълумки, тил таълимида ҳар бир таълим босқичида маълум бир ҳажмдаги билимларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини эса ўқув дастурида кўрсатилган фонетик, лексик, грамматик маълумотлардан иборат тил материаллари ташкил қилади ва улар давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ҳолда ҳар бир таълим босқичи учун алоҳида тақсимланади. Таълим жараёнида талабаларда ушбу билимлар асосида нутқий кўникмалар ҳосил қилдириб борилади. Ушбу билимлар босқичлар ўртасида тўғри тақсимланмаса, таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигига эришиб бўлмайди.

Нутқий кўникмалар нутқ фаолиятининг 4 асосий тури: ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари орқали юзага келади ва талабаларнинг олган билимларини амалий нутқий фаолиятда собитқадамлик билан мустақил равишда қўллаш олиш қобилиятини - нутқий малакани ҳосил қилишга ёрдам беради. Таниқли психолог И.А.Зимняя таърифича, “малака машқлар натижасида ҳаракатларнинг юқори мукамалликка эришуви ва нутқий жараёнларнинг автоматлашувидир”.

Демак, нутқий жараён бири-бирига боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир қилиб турадиган қуйидаги 3 омил: тил бирликлари ва уларнинг ўзаро боғланишини ўргатувчи грамматик билимлар, ушбу бирликлар ва қоидаларни амалий қўллаш кўникмалари ҳамда ўз фикрларини янги вазиятда эркин ифодалаш учун ўрганилган билимлардан фойдалана олиш малакаларидан ташкил топади. Шу уч омил биргаликда амал қилгандагина нутқий фаолиятни юзага келтиради.

Адабиётлар:

- 1.Халидов Б.З. Учебник арабского языка. М.,1985.С.29-31.
- 2.А.Абдужабборов.Араб тили. Т.,2005.Б.-41.
3. Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно- историческом освещении. М., 2001.
- 4.Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – Москва: МГУ,1998. – 142-б.

TURKIY TILLARDA UNLILAR TARAQQIYOTI

Ahmedov A. BuxDU dotsenti

Turkiy tillarda unlilar taraqqiyoti masalasida ham undoshlarda bo'lgani kabi ikki xil qarash mavjud. Birinchi – turkiyshunoslarning asosiy ko'pchiligi qarashlari¹ – turkiy bobotilda morfemalar tarkibida unlilarning barqarorligiga va ma'no farqlash yukini o'ziga olishiga asoslansa, ikkinchi dunyoqarash bunga tamoman zid fikrni ilgari suradi – turkiy tillar morfemalarida barqaror fono-fonologik moddiy qobiq undoshlar bo'lib, unlilar moddiy shakli asosan undoshlardan iborat bo'lgan morfemalarni so'z tarkibida bir-biriga bog'lashga xizmat qilgan.

Birinchi qarash tarafdorlari turkiy bobotilda 16 unli fonemalardan iborat vokalizm tizimini tiklashadi *a, a', a; , a'; i, i', i; , i'; , o, o', o; , o'; , u, u', u; , u'*: va bu unlilarni quyidagi 4 turdagi juftliklarga birlashtiradi:

1. Qatoriga ko'ra – unlilar talaffuzi jarayonida tilning gorizontaal harakati – oldinga, tishlarga qarab (bunda old qator, yumshoq unlilar unlilar hosil bo'ladi), yoki orqaga, yumshoq tanglay tomonga qarab harakati (bunda orqa qator, qattiq unlilar hosil bo'ladi):

Orqa qator (qattiq) a, a:, o, o: , u, u: , i, i:

Old qator (yumshoqlar) a', a':, o', o':, u', u':, i', i':

2. Cho'ziqlik (unli talaffuzining davomiyligi) va qisqaligiga ko'ra.

Qisqa unlilar a, a'; o, o'; u, u'; i, i'

Cho'ziq unlilar a:,a':; o:, o':; u:,u':; i:, i':

Bu fonologik belgi ustida biroz to'xtalish lozim, zeroki cho'ziqlik~qisqalik belgisi o'zbek tilida fonologik ahamiyatli emas: o'zbek unlilarining qisqa yoki cho'ziq talaffuz etish ma'noga ta'sir etmaydi². Bu xususiyatning bo'g'inning cho'ziq/qisqaligiga tayangan aruz vazni uchun juda qulayligini ulug' bobomiz Mir Alisher "Muhokamatul lug'atayn"da alohida ta'kidlagan edilar.

Cho'ziqlik/qisqalik haqida gapirganda birlamchi va ikkilamchi cho'ziqlik/qisqalikni farqlash lozim. Birlamchi cho'ziqlik/qisqalik deganda tilning fonologik tizimi morfemalarni (so'z va qo'shimchalarni) unlining cho'ziqligi yoki qisqaligi bilan zotan, tabiatan farqlashi tushuniladi: chunonchi: *a'lam* – "bayroq", *a:lam* – "dunyo", *toj.bar* – "etak", *ba:r* – "meva, samara"... Dunyo tillarining ko'pchiligida (slavyan tillaridan tashqari barcha G'arbiy Yevropa tillarida, somiy va eroniy tillarda) birlamchi cho'ziqlik/qisqalik muhim fonologik farqlardan biridir.

Ikkilamchi cho'ziqlik/qisqalik deganda ma'lum bir fonetik holatlarda yuzaga keladigan cho'ziqlik (chunonchi, ikki bir xil unlining yonma-yon kelishi, unlilardan keyin /h/, /y/, /w/ kabi undoshlarning kelishi) yoki qisqalik (urg'usiz bo'g'inlarda unlining o'ta qisqarib – reduksiyalanib qolishi va hatto eliziyasi, vazn talabiga ko'ra unlini juda qisqa talaffuz etish v.h.) tushuniladi. Birlamchi cho'ziqlik/qisqalik tilning fonologik sathi mulki bo'lib, mustaqil fonemalarni farqlashga, fonologik yuk olishga xizmat qiladi. Ikkilamchi cho'ziqlik/qisqalik fonemalarni farqlamaydi, fonologik yuk olmaydi, ma'lum sharoit va kontekstlarda tovushlarning variantlarini beradi, xolos.

¹ E.Tenishev tahriri ostida tuzilgan umumlashmada ham shu qarash o'z aksini topgan, Qar. Сравнительно-историческая грамматика Фонетика. Москва, "Наука", В.16-65
² *qarib~qariyb, sina~siyna. qin~qiyin* kabi holatlar.

Turkiyshunoslar turkiy bobotilda b i r l a m ch i cho'ziqlik/qisqalik mavjud degan qarashdan kelib chiqqan holda yuqorida berilgan juftliklarni tiklashgan:

1. Labning ishtirokiga ko'ra:

Lanlangan unlilar: o, o', o:, o':; u, u':, u: ,u': ,

Lablanmagan unlilar a, ,a': , a: , a':, i, i':, i: ,i': .

2. Og'iz bo'shlig'ining hajmiga (tilning vertikal harakatiga, quyida/yuqorida bo'lishiga) ko'ra:

Keng (quyi) unlilar a, a', a: ,a': , o, o' , o: , o': ,

Tor (yuqori) unlilar i, i', i: ,i': , u, u' , u: , u':

Yagona bobotil nazariyasi tarafdori fikriga ko'ra, turkiy tillarda unlilarning bobotildan keyingi taraqqiyot davrida cho'ziqlik~qisqalik fonologik farqi yo'qolib, cho'ziq hamda qisqa unlilarning divergensiyasi – indifferent unlilarga birlashishi yo'nalishida bo'ldi. Bu qarash tarafdorlari fikriga ko'ra, hozirgi turkiy tillarning ayrimlarida (yoqut, qirg'iz, turkman, chuvash) doimiy fonologik belgi sifatida³, asosiy ko'pchiligida (jumladan, o'zbek, turk, qozoq, qoraqalpoq v.b.) juz'iy holatlarda – ayrim so'zlarda, yoki shevalarda, yodgorliklarda nofonologik, sof fonetik hodisa sifatida saqlangan birlamchi cho'ziqlik shuning qoldidig'idir. Haqiqatan ham, birlamchi cho'ziqlik bu belgi fonologik ahamiyatli bo'lmagan tillar, shevalar va yodgorliklarda ham ma'lum darajada qayd etilgan. Bu yozma yodgorliklar orasida eng mu'tabari, tabiiyki, Mahmud Koshgariyning "Devon"idir. Koshgariy asari lug'at qismi boshida ikki fathali alif bilan yoziladigan *a:t*, *a:z* kabi qator so'zlarni beradi. Lekin Koshgariy davridayoq /a:/ tovushi o'zining fonologik qiymatini yo'qotgan edi. Buni Koshgariyning o'zi ham ta'kidlaydi. Chunki alohida kelganda ikki fathali alif bilan yoziladigan so'zlarga boshqa turdagi qo'shimchalar qo'shib, ular ko'p bo'g'inliga aylanganda, bitta alif bilan yoziladi, ya'ni *a:t* , lekin *atlandi*. Bundan tashqari, muallifning o'zi asarining bir necha o'rinlarida turkiy so'zlardagi tovushlarni qisqa va qattiq talaffuz etish me'yor va to'g'ri ekanligini ham ta'kidlaydi. Shuning uchun turkiy tillarda cho'ziqlik/qisqalik azaliy, bobotil holatiga xos fonologik belgi bo'lganligini tasavvur etish ham, moddiy-amaliy asoslash ham qiyin.

Bobotil nazariyasi tarafdorlari unlilar tizimida qat'iy fonologik ahamiyatli belgi sifatida ajratadigan zidlanishlardan yana biri qattqlik~yumshoqlikdir. Haqiqatan ham, qattqlik~yumshoqlik bo'yicha zidlanish hozirgi turkiy tillarning barchasi uchun xos bo'lib, bu silsilada faqat o'zbek tiligina alohida ajralib turadi – uning qator shevalarida bunday zidlanish fonologik qiymatli bo'lsa-da, adabiy tilimizda va tayanch shevalardan ko'pchiligida qattqlik~yumshoqlik belgisi nofonologik, sof fonetik, pozitsiondir.

Unlilar zidlanishidagi qolgan ikki zidlanish belgisi kenglik ~ torlik, lablanganlik ~ lablanmaganlik barcha turkiy tillar uchun umumiy bo'lib, ayrim turkiy tillarda bu zidlanish darajalanadi. Jumladan o'zbek tilida har ikkala belgi ham darajalangan – keng ~ o'rta ~ tor (*a ~ e ~ i*), lablangan ~ yarimlablangan ~ lablanmagan (*u ~ a^o ~ i*) shaklda voqelanadi. Bunday holat boshqa turkiy tillarda (totor, boshqird, uyg'ur v.b.) ham ucharydi.

Turkiy tillarda morfemalarda asosiy fonologik yuk undoshlarda mujassamlashgan va unlilar, birinchidan, so'z tarkibida morfemalarni bir-biriga bog'lab, nutqiy butunlik yasash, ikkinchidan, morfemalardagi ma'nolarni, ma'lum darajada o'zgartirishga (modifikatsiya qilishga – ma'lum darajada kuchaytirish yoki pasaytirish, ixtisoslashtirish v.h.) xizmat qiladi degan fikrga asoslansak, talqin boshqacha tus oladi va turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy fonetikasi materallari

³ Shu tillarda ham bu zidlanish faqat o'zak tarkibidagi unlilarga xos bo'lib, affiksial morfemalarda unlilarning cho'ziqlik~qisqalik bilan fonologik farqlanishi qayd etilmagan.

bilan ham tasdiqlanadi. Bunda, birinchidan, unlilarda qattiq-yumshoqlik farqlanishi faqat va faqat undoshning ta'sirida bo'ladi degan fikrga, ya'ni qadimda unlilar indifferent bo'lib, (hozirgi o'zbek tilida va qator turkiy shevalarda bo'lganidek) qattiq undosh qo'shnichiligida qattiq, yumshoq undosh yonida yumshoq ko'rinishda voqelangan degan hukmga kelamiz. Bunday yondashishda keng unlilar morfemada mujassamlashgan ma'noni kuchaytirishga, oshirishga tor unlilar – uni kamaytirish, pasaytirishga xizmat qilagan⁴.

Morfemalarni biriktirish va ma'noning modifikatsiyalashga xizmat qiladigan unlilar etno-mintaqaviy xoslangan bo'lishgan deb taxmin etish mumkin, yani ma'lum bir mintaqada yashagan bir etnos (qabila, toifa, elat...) bir xil unlilardan (masalan, torlardan, yoki tor va lablanganlardan), ikkinchi etnos – boshqa turdagi unlilardan (masalan, keng yoki keng va lablanganlardan, tor va lablanmaganlardan v.h.), uchinchi yana boshqa turlardan foydalangan bo'lishi ehtimoldan xoli emas. Chunki faqat shunday yondashishgina bizga turkiy tillar morfemalarida unlilarning munchalik beqarorligi ning, mohiyatan har bir morfema nisbatan barqaror undosh tarkibning istalgan turdagi unli bilan kela olishi sababini ochib bera oladi. Bu hodisa turkiyshunoslikda va turkiy tillarda shunchalik keng ommalashgan, ma'lum-u ma'ruf hodisaki, uni atigi bir til materiallari bilan ham bemalol isbotlab bo'ladi. Chunonchi, o'zbek tilida fe'llardan ot va sifat (tarixan sifatdosh) yasovchi qo'shimchalardan biri –gan/-g'an/-kan/-qan/-g'in/-gin/qin/-kin/-g'un/-gun/-qun/-kun. Bizning tilimizda /+y/ unlisi birinchi bo'g'indan boshqa o'rinda qo'llanmaydi, shuning uchun tilimizda bu fonemaning -qo'n/-ko'n/-gho'n/-go'n variantlari mavjud emas, boshqa tillarda, masalan, qirg'iz tilida, qozoq tilida ular to'lib toshib yotibdi. Nega ayni bir morfema xilma-xil unlilar bilan kela oladi? Buning sababi bu morfemada asosiy fonologik yukni anlautdagi portlovchi tilorqa (assimilatsiya qonunlariga ko'ra o'zidan oldingi tovush bilan moslashish uchun q/k/gh/g ko'rinishli) undosh va auslautdagi sonor /n/ o'z ustiga olgan va ularning orasidagi unli bu ikki undoshni biriktirish, uning butunligini ta'minlash va boshqa so'z bilan qo'shilishga imkon berishga xizmat qilgan – biriktiruvchilik, yelimlashtiruvchilik, bog'lovchilik vazifasini o'tagan degan taxmingina ochib bera oladi. Yelimlashtiruvchi bu unlining qanaqaligining ahamiyati deyarli bo'lmagan – bir etno-mintaqaviy guruh bu maqsadda a, a', ikkinchisi – i, i', uchuchisi o, o', to'rtinchisi u, u' kabi unlilardan foydalangan bo'lishi ehtimoldan xoli emas. Bu etno-mintaqaviy guruhlar o'zaro aralashib, qorishib ketgandan keyin ayni bir morfemada istagan turdagi unlining kela olishi, bir hosilada u bir turdagi unli bilan, ikkinchi hosilada boshqa turdagi unli bilan saqlanib qolishi yuzaga kelgan. Bunday variantlilik bora-bora fonetik variantlarning ixtisoslashishiga – tarixan fonetik variantlarning o'ziga xos ma'no va vazifa kashf etishiga olib kelgan. Mana shunday faraz turkiy tillarda keng yoyilgan bu hodisa sababini ochib bera oladi, xolos.

Masalaga bunday yondashadigan bo'lsak, turkiy tillarda unlilar tizimida tarixiy taraqqiyot unlilar konvergensiya asosida emas, tamoman, boshqa hodisalar:

- eng avvalo, fonologizatsiya (fonologik qiymat kashf etish),
- ikkinchidan, divergensiya va ixtisoslashish,
- va eng keyingisi sifatida divergensiya

yo'nalishlarida borgan degan xulosaga kelishimiz kerak. Endi bu hodisalarning har birining mohiyati va turkiy tillar qiyosit-tarixiy fonetikasida tutgan o'rni hamda natijalari haqida to'xtalamiz.

⁴ Turkiy tovushlarning bu xususiyati hozirgi kunda ham taqlid so'zlarda saqlangan (qiyos: o'zb.tik-tik ~ tiq-tiq ~ taq-taq ~ to'q-to'q; chik-chik ~ chak-chak; lik-lik ~ liq-liq ~ laq-laq ~ lo'q-lo'q..) va tadqiqotchilar jumladan, Ramatulla Qo'ng'urov, Yomg'ur Abdurasulov, Nikolay Dmitriyev v.b. tomonidan atroflicha o'rganilgan.

Fonologizatsiya (fonemizatsiya, fonemalashuv) deb tovushning ma’lum bir variantining tarixiy taraqqiyot natijasida ma’no farqlash vazifasini kashf etishi va tarixiy fonetik variantdan mustaqil fonemaning rivojlanish jarayoniga aytiladi. Bu hodisa eng avvalo turkiy unilarning qattiq va yumshoq variantlaridan qattqlik ~ yumshoqlik bilan fonologik farqlanuvchi mustaqil fonemalarning rivojlanishida namoyon bo’ladi. Bu jarayon tilda tejam qonunining ta’siri va qattqlik~yumshoqlik bilan fonologik farqlanuvchi undoshlardan bu vazifaning unilarga o’tishi bilan bog’liq. Ilk bosqichda unlining qattqligi yoki yumshoqligi qo’shni *undoshning* qattqlik/yumshoqligi bilan belgilansa, asta-sekin bu yuk unli zimmasiga o’ta boshlaydi – tilda 13-15 juft undoshda qattqlik~yumshoqlikni farqlashdan ko’ra 3-4 juft unlida buni farqlash katta tejam va qulaydir. Shuning ta’sirida undoshlarda qattqlik~yumshoqlik fonologik zidlanishining mu’tadillashuvi va unilarda bunday zidlanishning ma’no farqlash qiymatini qabul qila boshlashi kuzatiladi (qattiq va yumshoq undoshlarning indifferent undoshga birlashishi – konvergensiya jarayoni unilarda ters hodisa). Divergensiya – indifferent unilardan mustaqil old qator (yumshoq) va orqa qator (qattiq) unilarning rivojlanishi bilan yonma-yon va uzviy bog’liqlikda boradi. Bu ikki hodisani birini ikkinchisidan ajratib bo’lmaydi – ular o’zaro bog’liq va yaxlit bir jarayon – turkiy tillar fonologik tizimining takomillashuvining yuzaga chiqish shakllaridir.

Hozirgi turkiy tillarda o’zbek tilidan boshqa barcha turkiy tillarda bu jarayon nihoyasiga yetgan. Shuning uchun o’zbek tilidan boshqa barcha turkiy tillarda unililar qatorga ko’ra qat’iy fonologik zidlanishga ega va yumshoq~qattiq (old qator~orqa qator) unililar alohida-alohida mustaqil fonemalarni tashkil etadi – o’zbek tilidan boshqa barcha turkiy tillarda unli fonemalar miqdori 4 juftdan *kam* emas. Bular:

Orqa qator (qattqlar)	<i>a, o, u, i,</i>
Old qator (yumshoqlar)	<i>a’, o’, u’, i’.</i>

Albatta, har bir muayyan turkiy tilda o’ziga xos boshqa unililar (o’rta keng /e/, o’rta keng /o/, yarimlablangan /a^o/, o’ta qisqa /i/ va /u/, cho’ziq unililar v.h.) mavjud. Bunday unililar har bir tilning o’zining juz’iy, o’ziga xos xususiyatlaridir. Bunday unilarning shakllanishi turkiy tillar unililar tizimida asosan unililar divergensiya bilan bog’liq. Bunday xususiy unililar turkiy tillarda amalda bo’lgan – t o r a y i sh – ma’lum tillar va mavqelarda keng unililarning torayishi va um/a’ning /a’/ va o’rta keng/e/ga, um/o’ning /o’/ va o’rta keng /o/ va /u/ga ajralishi, – buning aksi bo’lgan k e n g a y i sh um/i’ning /i’/ va o’rta keng /e/ ga, umumturkiy /u/ning /u/ va o’rta keng /o/ga bo’linishi, – l a b i a l i z a t s i y a (lablanish) – umumturkiy/a’ning /a’/ va /a^o/ga ajralishi, – diftonglashuv /w/, /h/, /y/ kabi undoshlarning ayrim unililar bilan birikib /a^d/, /a^a/, /u^d/, /u^a/ diftonglarini berishi hodisalari natijasida rivojlangan. Bunday “xususiy unililar” (chunonchi, o’zbek va bir qator boshqa tillar va shevalarda /a^o/) muayyan tillarda fonologik qiymatga ega bo’lgan alohida fonemalarning rivojlanishi bilan bog’liq.

Demak, xulosa qilib ayta olamizki, turkiy tillarda unililar taraqqiyoti undoshlar tizimi bilan uzviy bog’liqlikda sodir bo’lgan va uning asosiy yo’nalishi undoshlar taraqqiyoti bilan hamohang, lekin qarama-qarshi yo’nalishda borgan: – undoshlar qattqlik ~ yumshoqlik fonologik zidlanish xususiyatini unililarga bergan. Pirovard oqibatda 13-15 juft shunday undoshning indifferent undoshlarga konvergensiya qattqlik~yumshoqlik fonetik (nofonologik) variantlarga ega bo’lgan 4 juft indifferent unlidan 8 mustaqil fonemaning divergensiya bilan qoplangan. Bunday “almashinish”da til taraqqiyotida tejam qonuni eng yorqin shaklda voqelanishi ko’rish mumkin: 13-15 juftlikning bajaradigan vazifasi 3-4 juftlikka o’tgan!

Endi ikki og’iz so’z o’zbek tilining unli fonemalar tizimining turkiy tillar qiyosiy-tarixiy fonetikasida tutgan o’rni haqida. Tilimiz unililar tizimiga “to’lqin nazariyasi” tarafdorlari va

fonologik taraqqiyotning, asosan, undoshlar konvergensiya va unlilar divergensiya yoʻnalishidan borganligi nuqtayi nazaridan yondashadigan boʻlsak, tilimizning turkiy tillar fonologik silsilasida tamoman oʻziga xos xususiyatga ega ekanligining guvohi boʻlamiz: Oʻzbek tilida toʻrt juft umumturkiy indifferent unli – /⁺i/, /⁺u/, /⁺o/, /⁺a/ saqlangan. Tabiiyki, bu unlilarning tilimizda saqlanib qolishi tilimizda unlilarda qattqlik~yumshoqlik zidlanishining fonologik belgi darajasiga koʻtarilmagani va undoshlar tizimida qattqlik~yumshoqlik bilan fonologik zidlanuvchi /q/ ~ /k/, /gh/ ~ /g/ oppozitsiyalarining mavjudligi bilan chambarchas bogʻliq. Shu nuqtayi nazaridan tilimiz tarixini tavsiflar ekanmiz, biz tilimizdagi unlilar konvergensiya asosida hosil boʻlgan deb emas, balki tilimizda turkiy tillar uchun eng qadimiy xususiyat – unlilarda qattqlik ~ yumshoqlik belgisiga koʻra indifferentlik saqlangan va barcha boshqa turkiy tillar vokalizmini “ostin-ustun” qilgan unlilar divergensiya hodisasi tilimiz unlilarini chetlab oʻtgan degan xulosaga kelishimiz mumkin.

Adabiyotlar

1. Неъматов Х. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Т. “Ўқитувчи”, 1995.
2. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. М. “Наука”, 1984.
3. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков.-Л., “Наука”, 1970.

NUTQNING TOZALIGI VA TA’SIRCHANLIGI HAQIDA

Asadov T.H., BuxDU dotsenti

Nutqning tozaligi, avvalo, uning adabiy til meʼyorlariga muvofiq kelish yoki kelmasligi bilan bogʻliq. Nutq tozaligiga erishish ham soʻzlovchidan masʼuliyat talab etadi. Tozalik madaniy nutqqa qoʻyiladigan talablardan biri sanaladi. Maʼrifatli ota-bobolarimizning mehnati, donoligi va sobitligi tufayli oʻzbek tili oʻz sofligi, serjilo va purmaʼnoligini saqlab kelmoqda. Ayniqsa, XX asr boshlarida qomusiy olim A.Fitrat boshchiligidagi saʼy-harakatlarning tub asosida oʻzbek tilining sofligi turar edi. Fitrat tilning sofligini va tabiiyligini saqlashga bel bogʻlagan tilshunos olimlarning peshqadami edi.

Maʼlumki, har bir til shu xalqning maʼnaviyati, ruhiyati, bir soʻz bilan aytganda, oʻzligini koʻrsatib turadigan buyuk inʼomdir. Bu borada ulugʻ olmon tilshunosi Vilgelm fon Gumboldtning quyidagi soʻzlarini eʼtirof etmasdan oʻtolmaymiz, albatta. U yozadi: “Mening millatim tilining doiralari mening dunyoqarashimning doiralarini bildiradi”. Bundan koʻrinadiki, tinglovchining soʻzga, jumlagi boʻlgan loqaydligi shu tilda soʻzlaydigan xalqqa, millatga nisbatan bepisandligidan oʻzga holat emas.

Baʼzida maʼnaviyat va maʼrifat targʻibotchilari nutqida ham yot til unsurlari, toʻmtoq jumlar (Masalan: nima desam ekan, tak, znachit, haligi, prosto, vobshe, nu va b.)ning ishlatilishiga guvoh boʻlamiz. Yoshlarga taʼlim-tarbiya berayotgan pedagoglar nutqidagi bu kabi gʻalizlik, chaynalishlarni oqlab boʻladimi?!

Tilshunoslik fanining yangi sohalaridan biri boʻlgan “lisoniy madaniyatshunoslik” (lingvokulturalogiya) yoʻnalishi, amaliy filologiya, xususan, nutq madaniyati fanlari ham bevosita nutqning tozaligiga daxldor hisoblanadi, toza nutq bu kabi fanlarning oʻrganish obyekti sanaladi.

Nutq tozaligiga salbiy taʼsir koʻrsatadigan unsurlar:

Mahalliy til ko'rinishlarini. Ma'lumki, shevalarga xos so'z, iboralardan foydalanish, qolaversa, grammatik shakllar, talaffuz me'yorlarini buzib so'zlash nutq tozaligiga zarar yetkazadi. Sheva unsurlari (leksik, fonetik, grammatik vositalar) adabiy til me'yorlariga bo'sunmaganligi uchun ham nutqning tozaligini buzadi. Shevaga xos talaffuzdan butunlay qutulish qiyin bo'lsa-da, so'zlovchi, xususan, ma'ruzachilar (o'qituvchilar, jurnalistlar, diktorlar, aholi bilan tez-tez muloqotda bo'luvchi shaxslar) o'z nutqiga doimo e'tiborda bo'lishi, o'z kasb-koriga jiddiy mas'uliyat bilan yondashishi natijasida ko'zlangan maqsadga erishish mumkin.

Ba'zan o'quv va o'qitish jarayonlarida, radio-televideniye eshittirish va ko'rsatuvlarida sheva unsurlarini ishlatish uchraib turadi. Bu borada ko'pgina tanqidiy ko'rsatuvlar tayyorlangan bo'lsa-da, hali-hanuz o'zbek badiiy filmlarida sheva so'z va shakllar (asosan, Toshkent shevasiga xos unsurlar)ning qo'llanishi kuzatilib kelinmoqda.

Adabiy tilga o'zlashmagan chet so'z va iboralar. Bu kabi so'zlar til hodisasi sifatida varvarizmlar deyiladi. Tilning lug'at tarkibiga kirmagan, faqatgina og'zaki nutqda mavjud bo'lgan bunday (Masalan: otlichniy, konechno, maxan, paxan, bratan, previt, mersi, okey, babulya, kashmar, chyotkiy, poka va h.k.) ajnabiy so'zlar nutq tozaligiga katta zarar yetkazadi. Mazkur so'zlar, asosan, yoshlar nutqida uchraydi. Bu tarzda ajnabiy so'zlardan yoshlarimizni xalos etish nutq tozaligiga qo'yilgan asosiy talablardan biri. O'rni kelganda aytish joizki, badiiy matn tarkibida ijodkorning muayyan badiiy maqsadi tufayli ishlatilgan varvar so'zlarni yuqoridagi holat bilan qiyoslamalik lozim. Bu hol badiiy asar yaratish mezonlariga muvofiq keladi.

Nutqda ortiqcha takrorlanadigan "parazit" so'zlar. Ayrim kishilar nutqida, asosan, so'zlashuv jarayonida masalan, shu desangiz, misol uchun, xo'sh, demak, tak, maqsad, degancha, aytaylik, haligi, ibi, nima, nimajon va h.k. kabi so'zlarni tez-tez qo'llash odatga aylangan. Bundan qutulish qiyin kechsa-da, so'zlovchi toza nutq tarafdori ekan, bu kabi salbiy holatdan tiyilishi lozim. Bu hol, ya'ni "parazit" so'zlarni ishlatish so'zlovchi (notiq)ning o'z nutqiga e'tiborsizligi sababli yuzaga keladi va bora-bora odatga aylanib qoladi.

Nutq ta'sirchanligini ta'minlashda so'zlovchi oldida o'ziga xos mas'uliyat hamda muayyan talablar qo'yiladi. Avvalo, nutq mantiqan to'g'ri, fikran aniq, shaklan sodda, yo'nalishiga ko'ra maqsadli, qolaversa, jo'yali bo'lishi lozim.

Professional bilimga ega bo'lgan kishilar oldida jo'n, sodda tilda so'zlash maqsadga muvofiq bo'lmagani kabi oddiy, yetarli darajada ma'lumotga ega bo'lmagan tinglovchilar oldida ham ilmiy va rasmiy tilda gapirishga harakat qilish maqsadga muvofiq emas[3,34].

Ta'sirchan nutq sohibi bo'lish har kimga ham nasib etavermaydi. Buning uchun tinimsiz mehnat talab etiladi. Bunda, avvalo, nutqning to'g'riligi va aniqligini ta'minlash lozim bo'ladi. Nutq grammatik jihatdan to'g'ri shakllangan bo'lishi, orfoepik talablar darajasida talaffuz etilishi, gap qurilishida izchillik bo'lishi lozim. Shundagina tinglovchi e'tibori so'zlovchida bo'ladi.

Nutqning ta'sirchanligiga erishishda izchilikka rioya etish o'ta shart. Notiq nutq so'zlash jarayonida so'z borayotgan narsa-hodisa haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lishi nutq izchilligini ta'minlovchi birinchi mezondir. Shuningdek, doimo bir xil ohangda, bir xil tempda va ovoz balandligida nutq so'zlar ekan, mazkur nutqning ahamiyatlilik darajasi yuqori bo'lishidan qat'i nazar tinglovchi-o'quvchi zerikishi mumkin. Ta'sirli nutqda ohang ham muhim. Joiz bo'lsa, aytish mumkinki, ta'sirli nutq teran fikr mahsuli sanaladi. Fikri o'tkir, keng qamrovli,

mushohadali insonning nutqi ham shunga loyiq bo`ladi. Chunki o`ylab, fikrlab, aql tarosiga tortilib, so`ng bayon etilgan nutq tinglovchini e`tiborsiz qoldirmaydi.

So`zlovchining o`z nutqiga munosabati ham muhim. Shunday bo`lgandagina quruq rasmiyatchilikdan qochish mumkin bo`ladi. So`zlovchi va tinglovchi o`rtasida samimiyat paydo bo`ladi. Notiq fikrlarini o`zi yoki auditoriyadagi kishilar hayotidan olingan misollar asosida isbotlashga harakat qilsa, mavzuga doir subyektiv mulohazalarini bildirsa, nutq yana ham ishonarli va ta`sirli chiqadi.

Nutqda fikrni rivojlantira borib, dastlab uning sxemasini tinglovchining aqliga yetkazish, keyin uning tasavvuriga yaqqol taqqoslarni taqdim etish kerak, nihoyat chiroyli lirik tasvirlar bilan ehtiyotkorona uni tinglovchining yuragiga jo qiling, o`shanda tinglovchi – asiringiz qochib ketmaydi, hatto siz uni erkin qo`yib yuborsangiz ham sizning abadiy itoatgo`y mijozingiz bo`lib qoladi[2,21].

Nutq jozibasi-yu ta`sirchanligi ayniqsa, o`qituvchilar uchun zarur bo`lgan shartlardan biridir. Chunki o`qituvchining nutqi o`tmas, nochor bo`lsa, uning bilimi qanchalik chuqur va tugal bo`lmasin, o`ziga ham azob, o`quvchi sho`rlikka ham azob. Ona tilida puxta, lo`nda va shirador nutq tuza olish malakasi va mahorati matematika o`qituvchisi uchun ham, ona tili o`qituvchisi uchun ham birday zaruriy fazilatdir. O`qituvchi go`zal, o`zni ham, so`zni ham qiynamaydigan ravon va ifodalarga boy nutqi bilan o`quvchini mahliyo etib, bermoqchi bo`lgan bilimni yosh inson shuuriga osonlik bilan olib kiradi"[1,28].

Ko`rinadiki, ta`lim-tarbiya targ`ibotchilari nutqiga qo`yiladigan talab katta. Chunki ularning quroli so`z. So`zdan unumli, o`rinli foydalanish ularning og`irini yengil qilishda asqatadi.

Nutqning ta`sirli, jozibali bo`lishini ta`minlovchi yana quyidagi hodisalarga e`tibor qaratish foydadan xoli bo`lmaydi.

1. Nutqimizda maqol, matal, ibora (ayniqsa, frazeologik iboralar), hikmatli so`z(aforizm)lardan unumli foydalanish lozim.

O`rni bilan badiiy adabiyot yoki so`zlashuv jarayonida ba`zida adib tomonidan jo`rttaga nutq to`g`riligiga putur yetkazish holatlari ham uchrab turadi. Aniqrog`i, adib fonetik, leksik-grammatik me`yorning buzilgan ko`rinishlaridan ham kezi kelganda foydalanadi. Bunda muayyan maqsad, ya`ni ta`sirchanlikka erishish ko`zlangan bo`ladi. Abdulla Qahhorning "Bemor" hikoyasini kuzatamiz: "...[bemor] yana ko`zini yumdi, shu yumgancha qaytib ochmadi- saharga borib uzildi. Sotiboldi qizchasini o`lik yonidan olib, boshqa yoqqa yotqizayotganda qizcha uyg`ondi va ko`zini ochmasdan odatdagicha duo qildi:

- Xudoyo ayamdi daydiga davo bergin..."

Ko`rinadiki, me`yoriy noto`g`ri nutqdan maqsadli foydalanish nutq ta`sirchanlidini oshirishda qo`l kelishi ham mumkin.

Muayyan ta`sirchanlikni oshirishda ekstralingvistik vositalardan ham foydalanish maqsadga muvofiq. Ekstralingvistik vositalarga kontekst, situatsiya (ma`lum bir vaziyat), ijtimoiy muhit, ikki va ko`p tillilik, mimika va h.k. kabi omillar kiradi. Ta`sirchanlikni oshiruvchi eng asosiy ekstralingvistik vosita mimika va panta mimika hisoblanadi. Vaziyat talabi bilan ulardan o`rinli foydalanish lozim.

Ta`sirchan nutq yaratishda vaqtni inobatga olish ham muhim ahamiyatga ega. Ma`ruza so`zlashda vaqtni inobatga olish notiqlik fazilatlaridan sanaladi. Zero, so`zlash muddati oldin e`lon qilinib, bunga amal qilinmasa, tinglovchilar uchun belgilangan muddatdan keyingi nutqqa

so'zlovchi e'tiborsiz bo'lishlari mumkin. Chunki tinglovchi miyasi shu muddatgagina moslashib olgan bo'ladi. Qolaversa, nutq muddatdan oldinroq tugatilsa, ayni muddao bo'ladi.

Notiq doimiy ravishda o'z tinglovchilariga xushyor boqishi, zerikish kuzatilgan, qiziqish susaygan vaqtda vaziyatga qarab o'z nutqiga ijodiv yondashmog'i talab etiladi. Notiq muayyan bir mavzu ostida gapirar ekan, o'rni kelganda, o'z hayotidan olingan misollar bilan ma'ruzasini to'ldirishi ham mumkin. Bu ham ishonarli, ta'sirli nutq ko'rinishi bo'la oladi.

Nutqning ta'sirchanligiga erishishda tilning tasviriy vositalari, uslub yaratuvchi vositalari hisoblangan metafora, metonimiya, sinekdoxa, o'xshatish, epitet, takror va adabiy ko'chimlarning ham roli katta[3,32].

Nutqning ta'sirchanligi, o'z navbatida nutqning ifodaviyligi va obrazlilikini ta'minlashga xizmat qilishi mumkin. Aniqrog'i, nutqimizda qo'llangan ko'chma ma'noli so'z va iboralar, maqol va matallar, hikmatli so'z va aforizm, she'riy parchalar obrazlilik va ifodaviylikka keng yo'l ochadi.

Xulosa shuki, ta'sirli nutqqa erishish so'zlovchidan mas'uliyat – izlanish, o'ylov, fikrlash, topqirlik, bir so'z bilan aytganda, til bilimini talab etadi. Tafakkur, ong, aql ko'lami qanchalik yuqori bo'lsa, nutq ta'sirchanligi ham shunchalik yuqori bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. N.Mahmudov. "Ma'rifat manzillari".- T. 1999.
2. **Razumova L., Sharov V. Lektor nutqining ta'sirchanligi. – T., 1973.**
3. R.Rasulov va b. Nutq madaniyati va notiqlik san'ati. -T. 2006.

TA'LIM TIZIMIDA INTEGRATIV YONDASHUVDAN FOYDALANISH

Ashurbayeva R.Q., Buxoro davlat tibbiyot instituiti
o'qituvchisi

Maktabda o'quvchi ayni "yoshlikda olgan bilimini toshga o'yilgan nash kabi" bezashga fiziologik, psixologik, pedagogik jihatdan tayyor bo'lgan davrda ularga singdirilayotgan har bir bilim-malaka-ko'nikmani fanlararo bog'lash, o'quv predmetlari mohiyatini ijtimoiy hayotning yoki tabiatni, uning bir bo'lagi bo'lgan inson zotini o'rganishning turli qirralari deb tushuntirish kelajak avlod ongida olamni bir butun holatda "hazm qilinishi"ni ta'minlaydi. Shuningdek, maktabda o'qitiladigan o'quv predmetlarini bir-biriga yaqinlashtiradi, ularning bir-birini to'ldirishiga keng yo'l ochadi.

Muayyan fan, o'quv predmeti doirasida bo'limlararo, mavzulararo, hatto bir mavzu doirasida berilgan mashq-u o'quv topshiriqlariaro ham integratsiya bo'lmasa, ta'lim oluvchi tafakkurida assotsiativ bog'liqlikni hosil qilib bo'lmaydi. Tabiiyki, bir-biri bilan bog'lanmagan, o'zaro assotsiativ zanjir hosil qilmagan bilimlar kishi tafakkurida uzoq saqlanmaydi: ular tezda o'chadi, ba'zan izsiz yo'qolishi ham hech gap emas. Kuzatishlarimiz asosida ayta olamizki, ta'lim integratsiyasining bir necha turlarini ajratish mumkin:

- 1) ta'lim tizimi va uning tarkibiy qismlari integratsiyasi;
- 2) ta'lim maqsadi va uning mazmuni integratsiyasi;
- 3) ta'lim maqsadi, uning mazmuni va usuli integratsiyasi;
- 4) ta'lim maqsadi, uning mazmuni, usuli va vositalari integratsiyasi;

5) ta'lim maqsadi, uning mazmuni, usuli, vositalari va ta'lim oluvchi-ta'lim beruvchi munosabatlari integratsiyasi yoki

1) ta'limda ilmiy yondashuvlar, usullar, metodlar, amaliyotlar va texnologiyalarning o'zaro integratsiyasi;

–ta'lim tizimida bixivioristik, integrativ va kompetensiyaviy yondashuvlar integratsiyasi;

–ta'lim tizimida an'anaviy va noan'anaviy usullar integratsiyasi;

–ta'lim tizimida innovatsion va interaktiv metodlar integratsiyasi;

–ta'lim tizimida "Axborot banki" materiallari integratsiyasi va b.

Shuningdek, mohiyatga qaysi tomondan yondashishga qarab yana quyidagilarni ham mavzu doirasida guruhlash mumkin:

1) ta'lim tizimlari va bosqichlari integratsiyasi.

2) uzluksiz ta'lim (maktabgacha ta'lim; umumiy o'rta (boshlang'ich va umumiy) ta'lim; (o'rta maxsus ta'limi;) oliy ta'lim (bakalavriat va magistratura); oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim; kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash; maktabdan tashqari ta'lim) tizimi integratsiyasi.

3) muayyan o'quv predmeti mavzulariaro integratsiya.

4) ta'lim jarayonida nazariy ta'lim va uning pragmatikasi integratsiyasi.

5) ta'lim jarayonining turli ishtirokchi (ta'lim oluvchi~ta'lim beruvchi~ota-ona yoki maktab~ oila~mahalla~ta'limga bevosita tegishli(turli davlat va nodavlat) ijtimoiy-huquqiy tashkilotlar va h.)larni yagona tizimiga birlashtirish integratsiyasi.

6) ta'lim jarayonida (ta'lim oluvchiga nisbatan) ta'lim, tarbiya va intellektual rivojlantirish integratsiyasi.

7) Ichki milliy ta'limning yagona global jarayonga integratsiyasi va b.

Mavzularo integratsiya –bir fan doirasidagi tushunchalarni individual mavzularda birlashtirish.

Fanlararo integratsiya –faktlar, tushunchalar, prinsiplar va boshqalar sintezi; Integral darsni tayyorlashda o'qituvchi foydalanishi kerak bo'lgan ikki yoki undan ortiq fanlar.

Trans jismlararo integratsiya – (trans-mavzu) ta'limning asosiy va qo'shimcha tarkibiy qismlari sintezi. (Trans so'zining izohi: **Trans...** [lot.. trans – rqali, orasidan, ichidan; orqasida; mobaynida] Baynalminal o'zlashma qo'shma so'zlarning birinchi qismi bo'lib: 1) biron bir fazo, maydon orqali harakatlanib, uni kesib o'tish (masalan, *transatlantik*); 2) muayyan narsa ortidan, biror narsaning narigi tomonidan borish, joylashish (masalan, *transuranlar*); 3) biror narsa vositsida ko'rsatish; belgilash, yetkazish (masalan, transliteratsiya) kabi) [2].

Mazkur integratsiya turlarini darsda qo'llash, bu darsning o'z oldiga qo'ygan maqsadlariga bog'liq. Ta'lim beruvchi mavzu yuzasidan beriladigan bilimlar yuzasidan integratsiya turlaridan birini tanlashi o'rinli.

Istalgan sohada tanlangan tushuncha (birlik, voqelik, jarayon yoki tizim va b.) va u bilan bog'liq tomonlar integratsiyasining ikki jihatini – nazariy jihatlar integratsiyasi va amaliy faoliyat integratsiyasini – ajratish mumkin. Masalan, ta'lim jarayonining didaktik jihatini nazariy integratsiyani tashkil etsa, pedagogik tomoni pragmatik integratsiya bilan bog'lanadi. Tabiiyki, o'z o'rnida ham nazariy, ham amaliy integratsiya dialektik jihatdan umumiylik va xususiylik xarakteriga ega bo'ladi. Eslatib o'tish joizki, amaliy integratsiya mustahkam nazariy asosga ega bo'lishi shart, ayni paytda pragmatik qiymatga ega bo'lmagan nazariya ham "quruq"dir [1].

Maktab ta'limida omilkor va tadbirli o'qituvchining fanlararo, mavzularo aloqadorlikka asoslangan, avvaldan o'ylab, puxta loyihalashtirilgan har bir darsi o'quvchini mantiqiy

fikrlashga undaydi; dars jarayoniga bo‘lgan qiziqishini orttiradi; o‘quvchida intellektual salohiyat, keng dunyoqarashni shakllantiradi; qobiliyatli bolaning tafakkuriga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Asosiysi, o‘quvchini ham, o‘qituvchini ham bir xillikka solib qo‘yishdan uzoqlashtiradi. Ta’lim jarayonidagi o‘quv predmetlari(fanlar)ni birinchi darajali yoki ikkinchi darajali deb qarash integratsion ta’limning mohiyatiga “soya tashlaydi”. Zero, har bir fan integratsiya tamoyili asosida tashkil qilinganda, samarali natija beradi. Masalan, o‘rta umumta’lim maktablarining ona tili darslarini tashkil etishda, fikrimizcha, uni quyidagi o‘quv predmetlari bilan bog‘lab o‘qitish o‘rinli va foydali:



Ona tilining fonetika, dialektologiya, leksikologiya, morfologiya, sintaksis, uslubiyat, qolaversa, har bir mavzusini *adabiyot, tarix, chet tili, tasviriy san'at* o‘quv predmetlari bilan bog‘lab o‘qitish imkoniyati mavjud. Shuningdek, fonetika, morfemika mavzularini *fizika, informatika, anatomiya, musiqao* o‘quv predmeti bilan; so‘z birikmasi yoki gap taribini yuzaga keltirgan sintaktik aloqani *kimyo* o‘quv predmetlari mavzulari bilan bog‘lab o‘qitish muhim. Bu kabi misollarni har bir fan, har bir o‘quv predmeti doirasida keltirish mumkin.

Xulosa shuki, ona tili mashg‘ulotlarini ingertasiyalashgan ta’lim asosida tashkil etish quyidagi natijalarga olib keladi:

- ta’lim jarayonini bir xil qolipga tushib qolishdan saqlaydi va ta’lim oluvchilarning darsga qiziqishi pasayishining oldini oladi;
- ta’lim beruvchilarni o‘z ustiida ishlashini taqozo etadi va ta’lim tizimida sifatli kadrlar qolishini ta’minlaydi;
- ta’lim oluvchilarning tafakkurida borliq xususida assotsiatsiyani shakllantiradi va rivojlantiradi;
- ta’lim oluvchilarda istalgan voqelikning sabab va oqibatini mantiqiy bog‘lash hamda undan to‘g‘ri xulosa chiqarish ko‘nikmasini paydo qiladi;
- ta’lim oluvchilarda mustaqillikni kuchaytiradi, mantiqiy va ijodiy tafakkurni tarbiyalaydi, tizimga soladi;
- ta’lim jarayoni ishtirokchilarining innovatsion texnologiyalardan xabardor bo‘lishini ta’minlaydi;
- ta’lim oluvchilarga olamni, undagi turfaliklarni bir butun tarzda anglash va anglatish imkonini beradi.

Tabiiyki, ta’limda integratsion yondashuv soha mutaxassislaridan, fan o‘qituvchilaridan chuqur bilim va yuksak salohiyatni talab etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ne'matova G., Ashurbayeva R., Yo'ldasheva D.N. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog'lab o'qitish. – Toshkent: Muharrir, 2019. – 124 b.
2. Yo'ldoshev J. Xorijda ta'lim. Integratsiyalashgan va maxsus kurslar. – T.: Sharq, 1995. – 128 b.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ПОЛИСЕМАНТИК СЎЗЛАРНИ ТЕГЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ахмедова Д., БухДУ, Ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч докторанти

Сўзларнинг кўп маънолилиги, маънолараро муносабатларга мурожаат қилиш бу масала билан махсус шуғулланувчи семасиология соҳасидан ҳам анча ўтмишга бориб тақалади. Ўзбек тилшунослигида ҳам кўпмаъноlilik кўчим, маъно кўчиши, сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўлланиши каби масалалар билан боғлиқ равишда анъанавий Европа ва рус тилшунослиги ҳамда замонавий тадқиқ усуллари асосида М.Миртожиев, Ш.Раҳматуллаев, Р.Юнусов, И.Қўчқортоев, А.Ҳожиев, Т.Аликулов, Ҳ.Неъматов кабилар номлари билан боғлиқ қатор ишларда атрофлича ва батафсил тадқиқ этилган. Б.Менглиевнинг фикрича, бугунги кунда тилда лисон ва нутқнинг изчил фарқланаётганлиги, шунингдек, ўзбек тилшунослигига лисоний қиймат тушунчасининг олиб кирилаётганлиги кўп маъноли сўзлар ҳосила маъноларининг лисон ва нутққа муносабатини аниқлашни зарур қилиб қўяди.

М.Миртожиевнинг таъкидлашича, ўзбек тилида полисемия – яъни кўп маъноlilik ҳодисаси мутлақо классификация қилинмаган, умуман полисемияларга қўл урилган эмас. Гарчи полисемантик сўзлар лексик маъноларининг тараққий этиш схемаси асосида гуруҳларга ажратиб бериш баъзи ишларда қайд этилган бўлса-да, аммо уларни полисемиянинг классификацияси даражасигача кўтарилган деб бўлмайди. Улар полисемантик сўзлар структурасидаги маъно муносабатини таҳлил қилишнинг ўзидир. Шунда ҳам фақат кўчма маъно асосида вужудга келган полисемантик сўзлар маъноларининг ўзаро муносабати таҳлил қилиб берилган. Бу эса полисемантик сўзларнинг ички томони – структураси билан боғлиқдир.

С.О.Карцевский синонимия билан бир қаторда полисемиянинг тил учун табиий бир ҳол эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади: “Омофония (товушдошлик) умумий ҳодиса бўлиб, омонимия унинг хусусий кўриниши... Омофонияга қарама-қарши ҳодиса синонимиядир. Бу икки ҳодиса ҳар қандай лингвистик рамз (белги) потенциал омоним (полисемантик рамз) ва айни пайтда потенциал синоним деган умумий принципнинг икки томонидир”. С.О.Карцевскийнинг қарашлари сўзнинг семантик таркибини ажратишимиз, барча семаларини қамраб олишимиз учун турли ёндашувни келтириб чиқаради.

И.Қўчқортоев: “Умумий маъно тушунчасини рад этиш полисемантик сўзнинг турли маънолари орасида ҳеч қандай алоқа йўқ, деган фикрни англамайди, албатта. Аксинча, маънолари орасида муайян боғланиш, алоқа мавжуд бўлгани учун бундай сўзлар полисемантик сўзлар ҳисобланади. Бинобарин, гап

полисемантик сўз маънолари орасида маълум алоқа бор-йўқлигини аниқлаш устида эмас, балки бу алоқанинг нима эканлигини, унинг қандай турлари борлигини аниқлаш устида бормоғи лозим”, – деб ёзади. Дарсликларда кўп маънолиликнинг иккинчи кўриниши *занжирсимон полисемия* келтирилади. Кўп маънолиликнинг бу турида ҳосила маънолар бирдан бири кетма-кет юзага келади. Кўп маънолиликнинг учинчи типда маъно кўчишининг радиал ва занжирсимон кўринишлари қоришиқ учрайди. Полисемантик сўз маъноларининг бу типдаги боғланишини М.Миртожиев мураккаб усулдаги боғланиш деб атаган. И.Қўчқортоев бу типдаги полисемияни радиал-занжирсимон полисемия деб атайди.

Юқоридаги полисемия борасида айтилган мунозарали фикрлар тил корпусида кўп маъноли бирликларни теглашда турли ёндашувларни келтириб чиқаради. Корпус лингвистикасида кўп маъноли бирликни семантик теглаш жараёнида мунозарали қарашлардан холи, умумий принциплар ишлаб чиқиши лозим.

А.Реформатскийнинг фикрича, полисемантик сўзнинг туб (бош) маъноси маънолар иерархиясида етакчи ўрин тутаяди. Бош маъно (туб маъно) полисемантик сўз таркибидаги маъноларнинг ҳеч қайсисига асосланмайди. Бош (туб) маъно тегишли полисемантик сўз маънолари системасида мустақил ўрин тутгани учун уни ясама (ҳосила) маънолар асосида изоҳлаш, уни ясама (ҳосила) маънолардан келтириб чиқариш мумкин эмас. В.Левицкий: “Полисемантик сўзнинг семантик ҳажмида бош маъно нисбатан мустақил ўрин тутишини психолингвистик тажрибалар ҳам исботлаган. Масалан, бир неча кишидан полисемантик сўзнинг нимани англатиши сўралса, уларнинг деярли ҳаммаси ҳеч иккиланмай айтиб бир маънони – мазкур сўзнинг бош (мустақил) маъносини айтишади”, – деб таъкидлайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, полисемантик сўзни семантик теглашда, биринчи навбатда, унинг бош маъносига эътибор қаратиш муҳим; кейинги маънолари, кўчма маъноларини ҳам қамраб олиш тил корпусида мукамал қидирув тизимини ишлаб чиқишга олиб келади.

Полисемантик сўзнинг ҳосила маъноси бошқа маъно (таянч маъно) асосида юзага келгани, ўз семантик структурасида мазкур маънонинг бир қисмини мужассамлантиргани учун, ҳосила маъно таянч маънонинг ассоциатив-мазмуний майдони доирасидан чиқиб кетолмайди. Образли қилиб айтганда, ҳосила маънонинг орбитаси таянч маъно орбитаси таъсирида бўлади. Бундай қўшимча ҳосила маъно полисемантик сўз семантикасида, таянч маъно доирасидан чегаралай оладиган синтагматик элементдан, ҳосила маънони актуаллаштира оладиган сўзлардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги *айтмоқ* феълининг ҳосила маъноларидан бири *кимнидир бирон йигинга ундовчи маълумотни билдириш* тушунчасидан иборат. Бу маъно мазкур сўзнинг *бирон маълумотни кимгадир билдириш* маъноси асосида юзага келган.

А.Рустамов тил бирликларидаги полисемантик ҳодиса, маъно кўчиши асосида келиб чиққан маъноларни шундай изоҳлайди: “... таомни *дастурхон*, чойни *пиёла*, оилани *уй* деб аташимиз мумкин. Бунда биз нарсани унинг макони учун ясалган сўз билан ифодалаган бўламиз. Бутунни унинг бўлагининг номи билан, бўлагини бутуннинг оти билан, буюмни уни ясайдиган асбобнинг исми билан, натижани унинг сабабчиси билан,

сабабчисини унинг натижаси билан аташ мумкин. Тилда бир нарсанинг ўзини турлича аташ имконияти ҳам кўп. Бунда маънодош сўздан, сўзнинг кўп маънолилигидан ва янги сўз яшаш имкониятларидан фойдаланилади. Турлича таъбир бирикма, гап, фасл, боб ва китоб доирасида ҳам амалга оширилади ҳамда бу билан санъатнинг муҳим асосларидан бири бўлмиш турлилик, ранг-баранглик вужудга келади”.

Тил корпусида мана шундай маъноларни семантик теглашда қайси тамойилга амал қилиш лозим? Умуман олганда, тил корпусида лексик бирикларнинг барча маъноларини кўрсатиш мумкинми? Изоҳли луғатда берилган ҳар бир лексеманинг ажратиб кўрсатилган семалари, полисемантик маъноларини тил корпусида ҳам қамраб олишнинг имкони борми? Наҳотки кибермаҳсулот ҳисобланмиш тил корпуслари қоғоз луғатлардан бу томони билан оқсаб турса? Изоҳли луғатда бирикларнинг семалари эмас, балки унинг лексикографик талқини берилади. Шунинг учун тил корпусида изоҳли луғатдаги талқинларнинг барчасини қамраб олиш шарт эмас, балки семалар қамраб олинса бўлди.

Корпус қидируви натижасидасўзнинг барча семалари кетма-кетлик асосида эмас, пала-партиш юзага чиқади, чунки қидирув натижаси белгилар кетма-кетлиги асосида юзага чиқади. Агар тил корпусларида семантик изоҳ маълумотлар омбори мавжуд бўлмас экан, натижа фақат шакл асосида юзага чиқаверади. Семантик теглаш натижаси шундай бўлиши керакки, семалар кетма-кетликда кўринсин. Бунга фақатгина тил корпуси лингвистик таъминоти базасига ўзбек тилининг бирикувчанлик луғатини киритиш билангина эришиш мумкин. Бундай луғатнинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги ўзбек лексикографиясида яратилиши кечиктирилмаслиги лозим бўлган луғатлар қаторини яна биттага кўпайтиради. Зеро, тил корпусларининг яратилиши ўзбек лексикографияси тараққиёти билан тўғри пропорционал.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. -Т.: Фаъ, 1975. -140 б.;
2. Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланишлар ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. - 1974. -№ 1. -Б.18-22.;
3. Юнусов Р. Полисемия и синонимия имён существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. -Т., 1974. - 142 с.
4. Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланилиши. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. - Т.1998.
5. Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. Филология фанлари доктори диссертацияси. – Бухоро, 2001.
6. Реформатский А. А. Введение в языковедение, М., 1967,-76 с.
7. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М., 1973,-194 с.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ И ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРУ ОБРАЗОВАНИЯ

Бахронова К.Я., преподаватель филологического факультета, БухГУ

Саидова М.Р., доцент филологического факультета, БухГУ

В современном мире информационные технологии являются очень важным фактором. Ежедневно на IT-рынке появляются новые устройства с сопутствующим программным обеспечением, нацеленные для решения различного рода проблем в той или иной сфере жизнедеятельности человека. Кроме того, важно отметить значимость развития информационных систем и технологий в сфере образования, причём, чем больше технологические достижения, тем больше преимуществ, которые они предоставляют обучаемым на всех уровнях образования.

Однако следует отметить тот факт, что технологии в образовании являются щекотливой темой во многих странах. Многие родители считают, что информационные технологии только вредят их ребенку в процессе обучения, в то время как некоторые имеют обратную точку зрения.

Мы считаем, что технологии призваны, прежде всего, для оказания помощи, в том числе и обучаемому. Все студенты учатся по-разному, и технологии могут помочь студентам, которые не имеют возможности отправиться на учебу. Некоторые студенты просто не могут учиться в учебном заведении по ряду проблем, таких как: состояние здоровья, непростое семейное положение или что-то другое. В таких случаях информационные технологии в образовании играют огромную роль.

Информационные технологии имеют множество различных аспектов в области образования, одним из которых является повышение уровня обучения студентов, что, в конечном итоге, приведет к получению качественного образования. Важно отметить, что современные информационные технологии, совместно с различными методами обучения, могут повысить успеваемость. Положительные эффекты от такого симбиоза обнаружены во всех основных предметных областях - от дошкольного до высшего образования как обычных, так и особых групп обучаемых. Было обнаружено, что информационные технологии в образовании оказали положительное влияние на отношение обучаемого к учебе и на самостоятельное понимание и разбор материала. Внедрение информационных технологий в учебной среде позволит обучению превратиться из группового в личностно-ориентированное и поможет стимулировать увеличение взаимодействия педагога и студента. Информационные технологии показали сдвиг от акцента в заучивании информации обучаемым к решению проблем и поставленных задач с применением знаний. Благодаря использованию информационных технологий, возможности обучения стали без ограничений по времени или месту, позволяя на протяжении всей жизни учиться и развиваться. Обучаемые более склонны использовать компьютер, чтобы получить помощь, поскольку они могут обратиться к нему сами, не прибегая к помощи третьих лиц в любое удобное для них время. Информационные технологии помогают обучаемым стать независимыми.

Следует также отметить, что информационные технологии в образовании помогают решить проблемы коммуникации. Студенты с помощью компьютера могут получить знания по разным наукам.

Существует электронная почта, обмен мгновенными сообщениями и общение в чате. Студент может использовать эти функции, чтобы продолжить свое образование. Студенты могут получать сообщения из образовательного учреждения, которое они посещают, в считанные минуты.

Студенты в университете обязаны иметь адрес электронной почты, чтобы они могли посылать информацию своим преподавателям. Электронная почта позволяет

преподавателю использовать функцию ответа на электронную почту и вносить любые замечания или исправления в работы студентов. Преподаватель также может отправить всем своим ученикам задания по электронной почте, не тратя время на распечатку этих заданий в бумажном варианте.

С помощью электронной почты преподаватель может увидеть, как каждый обучаемый отвечает на его задания. Преимуществом этого является то, что в обычной группе некоторые студенты могут быть очень застенчивы, что не дает им показывать свои истинные знания. Получение заданий по электронной почте позволяет застенчивым студентам ответить, не беспокоясь о том, что о них подумают их однокурсники. Это позволяет студентам стать более открытыми.

Информационные технологии также помогают людям, которые хотят продолжить свое обучение, но не имеют такой возможности, например, по территориальным признакам. Такие люди имеют возможность пройти обучение через Интернет. Достоинство такого обучения заключается в «свободе» от расписания и географии. Кроме того, процесс обучения, в основном, основан на тестовой системе, тесты автоматически записываются и не могут быть изменены в процессе их прохождения. Также, как уже упоминалось выше, нет определенного расписания для работы; тесты могут быть пройдены в любое время суток. Это работает отлично и подходит для занятых людей, потому что при такой организации обучения они способны совмещать работу и образование, проходя курс, например, из дома.

Конечно, не всегда информация, найденная в Интернете, является правдивой и точной. Обучаемый должен сам найти какие-то максимально надежные источники. На сегодняшний день есть много крупных журналов и газет, размещенных в Интернете. Это позволяет обучаемому выходить в Интернет и искать информацию в «проверенных» журналах или газетах удаленно. Студенты могут не беспокоиться о том, есть ли в библиотеке журнал или газета, в которой они нуждаются, они могут просто зайти в Интернет и посмотреть его в архиве. Также коллекции большинства крупных библиотек в настоящее время можно легко найти в Интернете, поэтому студент может увидеть, есть ли в библиотеке определенная книга или нет, вместо того чтобы ехать туда, чтобы посмотреть.

Информационные технологии могут позволить обучаемому увидеть места, которые он никогда не видел, в которых никогда не был и, возможно, никогда не окажется. Факт ознакомления с такими местами позволит ему, как минимум, расширить свой кругозор.

Информационные технологии значительно выросли до такой степени, что они также могут помочь тем детям, которым еще предстоит начать свое обучение в школе. Есть целый ряд образовательных систем и видеоигр для маленьких детей, которые помогают им в получении базовых начальных знаний.

Информационные технологии являются основой современного мира, и они стали необходимыми в каждой отрасли нашей жизни, включая, конечно, и образование.

Литература:

1. Салмин А. А., Чернова С. В. Применение категориального анализа в профессиональной ориентации абитуриентов // Известия Самарского научного центра Российской академии наук, 2010. Т. 12. № 3-3. С. 683-688.

2. Салмин А. А., Никифорова М. А. Формирование модели управления кадровой политикой образовательного учреждения на основе имитационного моделирования// Информационные технологии моделирования и управления, 2016. Т.97. № 1. С. 45-54.

ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В ПЕДАГОГИКЕ И ЛИНГВИСТИКЕ

Бозорова Н.Х., преподаватель кафедры
русского языка и литературы БухГУ

Актуальная в XXI в. глобализация, как процесс формирования целостного мирового хозяйства, и региональная интеграция, как создание единого регионального комплекса, - это взаимно связанные явления. Под термином «интеграция» в широком смысле понимается возникновение новой общности из прежде разрозненных частей. Интеграция - это процесс объединения, сращивания частей в некоторую целостность. Интеграционные союзы оформляются в различные формы, виды и структуры международных организаций, охватывают экономическую и социальную сферы жизнедеятельности общества, образование и науку. В случае социальной и политической интеграции речь может идти как о региональной, так и о международной, связанной не территорией или государством, а общей культурой, формальными и неформальными нормами, обычаями, нравами и ценностями, иногда языком.

Функционирование языка в обществе с развитой политической и социальной структурой также подвержено изменениям интеграционного характера, проявляющимся на всех уровнях, но прежде всего на лексическом - в изменении лексического состава. Так, например, современные филологи предлагают использовать термин «интеграция» для обозначения способа образования сложных слов-неологизмов: «Интеграция - образование нового слова на базе словосочетания или целого предложения путем ликвидации пробелов между словами» . Новое слово отличается от исходных слитным написанием, например рентгеноэлектро-кардиографический.

Рассматривая многостороннее, многоаспектное отражение мировых интеграционных процессов, нельзя не признать связь, взаимозависимость и взаимовлияние политики, экономики, науки и образования, нельзя не отметить не только интеграцию наук в рамках прикладных аспектов, но и их дифференциацию. В современных условиях дифференциации знаний появляется все больше учебных дисциплин, необходимых для освоения специальности - формирования глубоких знаний, приобретения прочных практических навыков. Для создания единой эффективной образовательной системы необходимо кооперировать усилия многих преподавателей, работающих со студентами данной специальности, и находить точки соприкосновения, а по возможности, осуществлять междисциплинарную интеграцию, обеспечивающую наиболее эффективное обучение той или иной специальности. Так внутренние интеграционные процессы связали в КГМУ клинические дисциплины с русским языком как иностранным (РКИ). Эта связь на глубинном уровне обусловлена влиянием международных интеграционных процессов, в результате чего увеличился приток иностранных студентов

Для реализации использовался комплекс следующих методов: анализ и обобщение теоретических данных экономики, дидактики, методики РКИ и лингвистики; наблюдение за учебной деятельностью иностранных учащихся на занятиях по РКИ в процессе формирования у них коммуникативно-прагматической и профессиональной компетенции; педагогический эксперимент; статистико-математические методы обработки полученных данных.

Какие услуги в соответствии с заявленными потребностями коллегам клинической кафедры и иностранным учащимся могут предложить на кафедре русского языка и культуры речи? Какими программными документами необходимо руководствоваться в решении столь сложной задачи? Какие учебно-методические ресурсы обеспечат оптимальную систему обучения иностранных студентов профессиональной коммуникации? Какой же базой располагает ППС кафедры русского языка и культуры речи КГМУ для реализации социального заказа, в данном случае сформированного на кафедре акушерства и гинекологии?

В настоящее время создана единая многоуровневая государственная система оценки и контроля знаний, умений и навыков, которыми должен овладеть обучаемый, представленная в Государственном образовательном стандарте по РКИ. В основу данной дифференциации положена степень владения умениями и навыками, обеспечивающими возможность студенту удовлетворять коммуникативные потребности. В соответствии с этим сформулированы требования к уровню общего владения РКИ, конкретизировано содержание коммуникативной и языковой компетенции, которую должны продемонстрировать учащиеся, чьи знания могут быть признаны удовлетворительными: овладение системными знаниями в области коммуникативной грамматики и орфоэпии русского языка; формирование навыков реализации коммуникативных задач адекватно социальному статусу в социально и психологически значимых ситуациях: в социально-бытовой сфере - при обеспечении личных потребностей; социально-культурной сфере - при удовлетворении своих эстетических и познавательных потребностей; в официально-деловой сфере - при решении социально-правовых вопросов; реализация простых и сложных интенций, блоков речевых интенций: моделирование коммуникативного процесса; регулирование поведения и взаимодействия коммуникантов; выражение оценочной позиции; овладение системными знаниями межкультурной коммуникации: вступления в коммуникацию, инициирования диалога, изменения темы беседы, завершения ее адекватно ситуации общения; привлечения внимания, представления, прощания; благодарности, приглашения в соответствии с правилами речевого этикета; освоения правил речевого общения в устной и письменной формах

Таким образом, при решении различных коммуникативных задач учащийся должен уметь вербально осуществлять «речевые интенции, ориентироваться и реализовывать свои основные коммуникативные намерения в различных ситуациях общения, в устной и письменной формах в рамках актуальных для данного уровня тем».

В образовательных программах по дисциплинам и элективным курсам «Русский язык», в качестве целевой установки рассматриваются: профессионально ориентированное обучение русскому языку будущих педагогов как средству межкультурного общения, развитие коммуникативной компетенции, позволяющей специалисту педагогического профиля эффективно участвовать в ситуациях

профессионально-делового и социокультурного характера коллегами - представителями других культур.

Соответственно, вся система работы с иностранными студентами организована так, что к 3-му курсу и до окончания университета, в процессе приобретения и расширения профессионального опыта и практических навыков, формируются, развиваются и совершенствуются коммуникативные навыки профессионального общения, в частности - ведения диалога-расспроса на русском языке.

Именно социальный заказ на владение письменной профессиональной речью обусловил введение в учебную программу обязательных для реализации задач: ознакомление студентов с особенностями научного стиля педагогической литературы, основными видами словарно-справочной литературы и правилами работы с ними; обучение студентов чтению педагогических текстов на русском языке и умению извлекать и фиксировать полученную из иноязычного текста информацию.

Соответственно, на занятиях по русскому языку у учащихся формируются и закрепляются умения и навыки: «репродуцированной письменной речи, демонстрирующей умение выделять основную информацию, производить компрессию путем исключения основной информации; продуцированной письменной речи, относящейся к профессиональной сфере общения, позволяющей осуществлять письменное общение, вести записи на основе увиденного и прочитанного с элементами количественной и качественной характеристики, оценки, с использованием типизированных композиционных В результате целенаправленной работы такого характера студенты приобретают и закрепляют, а в процессе самостоятельной практики они готовы совершенствовать профессиональные навыки на русском языке.

При существующей предметно-блоковой системе образования оптимальной формой осуществления междисциплинарных связей могут стать интегрированные курсы или циклы по различным дисциплинам. Принципы и методы их разработки и построения могут быть различны в зависимости от целеполагания, степени включенности интегрируемых дисциплин, характера междисциплинарных связей.

Таким образом, международные и внутренние интеграционные процессы в сфере высшего образования находят отражение на всех уровнях: от международного до внутривузовско-го, от междисциплинарного до лексического. Примером эффективной, творческой и плодотворной интеграционной деятельности можно считать разработанные и апробируемые учебно-методические пособия. междисциплинарного характера, в которых были реализованы требования министерство образования различных уровней и профессионального модуля, социальный заказ вуза и нереализованные потребности студентов-педагогов, принципы интеграции как на международном, так и научном и педагогическом уровнях: «Русский язык и культура речи. Пособие по русскому языку для студентов. Этикет профессионального общения. Для осуществления целей и задач междисциплинарной интеграции в процессе обучения студентов -педагогов используются методики преподавания языка в специальных целях, инновационные педагогические методы, интерактивные формы и технические средства обучения, словари общеупотребительной и терминологической лексики.

Литература:

1. Чечурина М.Н. Международная интеграция и международные организации: учебное пособие. - Мурманск, 2012. - 269 с.

2. Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику: Учебное пособие. - Москва., 2003. - 354 с.
3. Попова Т.В., Рацибурская Л.В., Гугунава Д.В. Неология и неография современного русского языка. - Минск.: Флинта; Наука, 2005. - 166 с.
4. Ковынёва И.А., Петрова Н.Э. Междисциплинарная интеграция русского языка и профильных дисциплин в педагогическом вузе при обучении студентов языку специальности (из опыта преподавания). Современные проблемы науки и образования. - 2015. - № 1; URL: <http://www.science-education.ru/121-18541> (дата обращения:16.04.2015)
5. Андриюшина Н.П., Битехтина Г.А., Иванова А.С. Государственный образовательный стандарт по русскому как иностранному. Первый уровень. Общее владение. - СПб., 1999. - 32 с.
6. Программа по русскому языку как иностранному. Профессиональный модуль «I-II сертификационные уровни владения РКИ. - М.: РУДН, 2014. - 188 с.

ОСОБЕННОСТИ ИНТЕГРИРОВАННЫХ УРОКОВ В СИСТЕМЕ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Джураева З.Р., БухГУ, Бухара

Согласно классификации тенденций развития образовательных технологий, интегрированный урок относится к группе технологий «воспитания в процессе жизни», которая представляет собой стремление уйти от школярского подхода к образованию, крайней дифференциации предметного обучения и привести его в естественную органическую связь с жизнью [2].

В основе предметно–классно–урочной системы обучения лежит предъявление содержания образования в виде учебных предметов, построенных на науках, дифференцированно изучающих мир. Это деление познания на научные области возникло по немоги человека познать мир целиком во всех его связях и отношениях. Предметная дифференциация облегчает процесс познания, но сказывается на его качестве. У учащихся возникает фрагментарное представление о мире и его законах, в которых не всё связано и зависимо и многое существует само по себе. Такое внесистемное знание портит мышление и искажает отношение к миру и самому себе. Так возникает потребность на уровне обучения в объединении знаний разных наук об одних и тех же объектах действительности, т.е. потребность межпредметных связей учебных дисциплин [1].

Как можно заметить, в классификации уровней педагогической интеграции мало общего, нет строгой структуры, отсутствует единый терминологический аппарат, что свидетельствует об отсутствии единой позиции в решении проблемы многоуровневого подхода к интеграции.

В методике русского языка и литературы проблема интеграции особенно актуальна, так как конечной целью обучения школьников в области филологии является создание целостного представления о языковых процессах.

Таким образом, проанализировав ключевые позиции по данному вопросу, мы пришли к выводу, что в науке пока не разработана целостная интегративная система преподавания русского языка и литературы попытки ее создания предприняты, которая бы в конечном итоге привела к такому уровню развития связной речи, который бы удовлетворял основным требованиям, предъявляемым в программах по русскому языку и литературе, что, несомненно, обуславливает необходимость дальнейшего изучения проблемы и введения в практику элективных курсов по отдельным аспектам развития

речи школьников на основе созданной нами модели бипредметной интеграции русского языка и литературы.

Литература:

1. Власенков А. И. Русская словесность. Интегрированное обучение русскому языку и литературе: программы. Содержание работы по классам [Текст] /А. И. Власенков. - М: АРКТИ, 2000. - 77 с.
2. Идиатулин В. С. Естественно научная подготовка студентов в системе высшего профессионального образования [Интернет ресурс]/ В. С. Идиатулин <http://oim.ru/avtor.asp?nom=190> - 14 эл. с.
3. Коложвари И., Сеченикова Л. Как организовать интегрированный урок? [Текст] // Народное образование. - 1996. № 1. - 87 с.
4. Котовская М. В. Пришел, увидел, описал. Обучение написанию сочинений разных жанров [Интернет ресурс] / М. В. Котовская <http://www.ug.ru/issue/action=topic&toid=7068> - 28 эл.с.
5. Львов М.Р Словарь-справочник по методике преподавания родного языка. [Текст]/М. Р Львов. -М.: Изд. центр "Академия", 1999. - 200 с.
6. Львова С. И. Уроки словесности. 5 - 9 классы. [Текст] /С. И. Львова. - М.: Дрофа, 1997. - 416 с.
7. Методика преподавания русского языка в школе/ Под редакцией М.Т. Баранова. [Текст] - М.: Academia, 2000. - 386 с.
8. Программно-методические материалы: Русский язык. 5 - 9 классы. [Текст] / Сост. Л. М. Рыбчен-кова. - М., 2002. - 128 с.
9. Чапаев Н. К. Структура и содержание теоретико-методологического обеспечения педагогической интеграции. [Текст] /Н. К. Чапаев. - М., 2006 - 310 с.

ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Хикматова Д., БухГУ, филология Бухара

Интеграция и дифференциация – основные процессы исторического развития языков и основные формы их взаимодействия. Это противоположные процессы, имеющие социальную природу, так как расхождение и схождение языков объясняется экономическими, военными, политическими, культурными причинами. Воздействие общества на язык для современной науки бесспорно. В современных условиях, когда основной социальной, культурной, экономической и политической тенденцией в мире стала глобализация, рассмотрение этих процессов, анализ их активности и влияния на развитие современных языков становится особенно актуальным.

Изучением процессов интеграции и дифференциации языков занимаются многие современные учёные: О.М. Березовская, Т.Л. Божинская, Ю.С. Бокова, А.Е. Живлакова, Л.Г. Кирьянова, Э.А. Китанина, А.Т. Липатов, Т.Г. Попова, О.В. Тимофеева, В.М. Шаклеин и др. Учёными отмечается действенность и важность обоих процессов для развития языка: «Язык является средством принадлежности его носителей к определённому социуму; он может выступать как главный фактор этнической интеграции и в качестве основного этнодифференцирующего признака этноса» .

Дифференциация – разделение языка на родственные языки или диалекты, в результате чего количество языков и диалектов увеличивается. Дифференциация может быть территориальной и социальной.

При территориальной дифференциации исторической причиной разделения языка является расселение племени или народности на обширной территории, что сокращает контакты между частями племени или народа, и со временем обосновывает появление отличий в их речи. Так возникают сначала диалекты, а если разница между ними продолжает углубляться, то возникают родственные языки. Территориальная дифференциация была распространена в период существования племенных языков (в первобытнообщинном строе), так как племя довольно часто распадалось на части по нескольким причинам. Во-первых, для поиска новых, способных обеспечить потребности в пище и защиту мест проживания: люди были зависимы от географических условий и климата и в поисках пищи и защиты (в виде леса, горы, реки) мигрировали и отделялись от своего племени. Так, между германскими и славянскими племенами защитной полосой служил саксонских лес. Во-вторых, из-за вражды и междоусобиц (сын мог увести своих ближайших родственников и сторонников из-за вражды с отцом). При социальной дифференциации причиной разделения языка является деление общества на социальные группы. Как отмечает А.Е. Живлакова, «проблема социальной дифференциации языка носит сложный характер, так как в основе решения данной проблемы лежат отношения между социальной структурой общества и структурой языка. Чем более многогранной и многоаспектной представляется исследователю структура общества, тем более сложной будет её влияние на структуру языка».

Социальная дифференциация ведёт не к образованию отдельных языков, а к появлению социальных разновидностей внутри одного языка, при этом изменению подвергается не грамматика или фонетика, а преимущественно лексика и фразеология, в то время как при территориальной дифференциации изменяются все стороны языка. Примером социальной дифференциации в современных языках является существование в них жаргонов (воровского арго и молодёжного сленга), профессиональной речи и т. п. В речи плотника, например, могут найтись названия одиннадцати видов рубанка: *рубанок, шерхебель, медведка, дорожник, шпунтубель, фуганок, зензубель, горбач, штап, гальтель, калевки*.

Интеграция – объединение языков или диалектов, в результате чего происходит сближение между диалектами одного языка или даже между разными языками (родственными и неродственными). Этот процесс может быть добровольным (естественным) и насильственным.

В истории языков чаще наблюдается дифференциация, интеграция – реже. Для возникновения интеграции требуется, чтобы общественное сознание находилось на достаточно высоком уровне, требуется наличие мощных интегрирующих факторов: политических, экономических, культурных. Историческим примером интеграции может послужить взаимодействие языков при образовании племенных союзов в Древней Греции и Древней Руси. Племенные союзы образовывались по различным причинам: экономическим, политическим, культурным. В пределах племенного союза со временем увеличивались черты сходства между языками, мог даже возникнуть общий язык, существование которого поддерживалось его использованием на собраниях совета племени, в дни общих праздников, в произведениях устной народной поэзии.

Случаи насильственной интеграции языков связаны, конечно, с захватническими войнами, когда победители ассимилировали язык побеждённых. Таких примеров в истории немало. В современных высокоразвитых языках наблюдается внутриязыковая интеграция, проявляющаяся в первую очередь в постепенной утрате различий между литературным языком и диалектами. Этому способствует литература, образование, СМИ и т. п. Данный процесс может привести к тому, что со временем диалекты вообще исчезнут. Ещё одно проявление внутриязыковой интеграции – «влияние молодёжного сленга, криминального жаргона на сферу официального, делового, даже научного общения».

Наиболее наглядным проявлением межязыковой интеграции является заимствование слов, в наших условиях это «глобальное распространение английского языка и заимствование англицизмов во все сферы общения в большинстве этнических языков». Интеграционные явления на грамматическом уровне не столь заметны, это, к примеру, прогресс некоторых суффиксов (*мерчендайзинг*, *спонсировать*, *менеджмент* и под.), напрямую связанный с заимствованием. Л.В. Рацибурская и А.А. Тимофеева отмечают «активизацию использования аффиксальных морфем иноязычного происхождения, которые сочетаются с основами как иноязычного, так и славянского происхождения; трансформацию иноязычных слов и корневых морфем в особые словообразовательные элементы – аффиксоиды; активизацию нетипичных для языка-реципиента словообразовательных способов и моделей».

В этой ситуации усиление в языке и культуре процессов дифференциации, противоположных связанной с глобализацией интеграции, вполне закономерно. Экономическая и макрополитическая интеграция вызвали тенденцию к региональному разделению, к политической и культурной автономии малых и средних этносов, что отразилось и на языке. Как отмечает А.Т. Липатов, «нельзя не видеть, как за последние десятилетия возросло национальное самосознание, особенно среди малых народов». Во-первых, год от года крепнет сепаратизм в Квебеке – провинции Канады с преобладанием франкоязычного населения – «франкофонов». В Канаде при юридическом равноправии английского и французского языков фактически доминирует английский, и сепаратизм в Квебеке – закономерная реакция. Во-вторых, упрочиваются позиции гэльского (шотландского), валлийского (уэльского) и ирландского языков в Великобритании. Кроме того, «ярким примером языковой дифференциации может служить языковая политика Франции, направленная на полное изгнание заимствований, пришедших из английского языка, и употребление в речи их французского эквивалента».

В русском же языке мы наблюдаем отторжение иноязычного компонента, активное включение процесса словообразования в освоение иноязычных слов. Ярким примером этого является компьютерный сленг, который, вместо того, чтобы просто перенять англоязычный словарь, активно его видоизменяет: названия игр «бродилка» (квест), «стрелялка» (шутер), названия составных элементов компьютера «мамка» (материнская плата), «клава» (клавиатура) и под. Кроме того, на материале образной сферы сравнительных конструкций современного русского языка мы уже показывали, что в сравнения включают только те иноязычные слова, которые действительно необходимы. Небольшое количество новых заимствований, обоснованность в большинстве случаев их использования, точность и органичность образов, создаваемых посредством заимствованных слов, говорят о том, что живому русскому языку не грозит «экспансия»,

засорение. Поэтому не стоит оценивать многочисленные англо-американские заимствования как полностью отрицательное явление. В истории русского языка уже были периоды, когда приток иностранных слов казался превышающим разумные пределы и вызывал недовольство любителей и ценителей русского языка. К примеру, заимствования из французского языка в XVIII-XIX вв., когда «почти два века русской истории прошли под доминирующим влиянием французского языка, которое граничило с галломанией».

Итак, интеграция современных языков, вызванная и объясняемая глобализацией общества, сочетается на современном этапе с дифференциацией как тенденцией к национально-языковому обособлению, стремлением сохранить свой язык и культуру. Усиливающиеся процессы дифференциации демонстрируют, что полное объединение языков в прогнозируемом будущем невозможно.

Несомненно, в условиях глобализации основным процессом развития русского языка и языка вообще является интеграция, так как в глобализации по определению заложен принцип интеграции на всех уровнях: в экономике, политике, культуре, языке. Однако процесс интеграции языка вызывает противодействие в национальных языках, проявляющееся посредством укрепления процессов дифференциации. Анализ действия процессов интеграции и дифференциации в истории языка и на современном этапе его развития позволяет прогнозировать историческую перспективу: каждый язык найдёт свой путь развития, своё место в объединяемом мире, а интенсификация интеграционных процессов только будет вызывать усиление явления дифференциации применительно к языку и культуре.

ТИББИЙ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ғайбуллаева Н.И.,

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Жаҳон тилшунослигида эвфемизмларнинг социолингвистик аспекти М.Бауман, Б.Купер, Ж.Хьюз, Х.Росон, Ф.Беквит, рус тилшунослигида С.Г.Тер-Минасова, В.И.Жельвис, А.А.Реформатский, Л.Г.Лузина, Л.П.Крысинлар томонидан тадқиқ этилган¹⁹. Ўзбек тилшунослигида Н.Исмагуллаев, А.Омонтурдиев, Ф.Шарипова ишларини ҳам шундай тадқиқотлар сифатида қайд этиш ўринли²⁰. Рус ва жаҳон тилшунослигида бу борада қилинган ишларнинг аксарияти эвфемик бирликларнинг диахрон аспекти тадқиқига бағишланган бўлиб, табу ва эвфемаларнинг ҳозирги давргача бўлган тараққиёти ўрганилган. Н.В.Тишинанинг фикрича, эвфемик бирликларни ўрганишга лингвопрагматик ёндашув Г.П.Грайс ва Максим Ж.Личнинг нутқий мулоқотга

¹⁹ Лузина Л.Г. Социальный аспект лингвистических исследований (Обзор) \ \ Социолингвистика вчера и сегодня. М., 2004.; В.И. Беликов, Крысин Л.П. Социолингвистика. – М., 2001.

²⁰ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. докт. диссер. – Тошкент, 2009. – 253 б.; Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук.– Т., 1963. –19 с.; Шарипова Ф. Социолингвистические аспекты эвфемии // Актуальные проблемы филологии: материалы II Междунар. науч. конф. – Краснодар: Новация, 2016. – 74 с.

доир назарий қарашларига асосланган²¹. Ушбу назарий қарашлар Е.С.Глиос, В.И.Заботкина, Н.Ц.Босчаевалар ишларида эвфемик бирликларга татбиқ этилган²².

Эвфемизм – миллий-ментал хосликни намоён этувчи тил бирлиги. Тилларнинг эвфемизм фаол ҳосил қилинадиган лексик-семантик майдонларини қиёслаш табу тизимидаги фарқни, одоб ва одобсизлик ҳақидаги тасаввурларни, миллий тилда оламнинг лисоний манзараси акс эттирган лингвокультурологик хусусиятни кўрсатади. Халқнинг ментал хусусияти лингвомаданий асосда юзага чиқади.

Миллий-этник хусусият тил орқали намоён бўлар экан, биринчи навбатда, тилнинг лексик таркибида кўзга ташланади. Эвфемалар ҳам миллий-этник хусусиятга эгами? Буни аниқлашда профессор Ғ.Зикриллаев таъкидлаганидек, “Маданият ва тамаддун инъикоси бўлган адабий тил ва у билан боғлиқ ҳодисаларни узвли таҳлил қилиш аҳамиятга молик”.²³ Шунга мувофиқ, тиббий эвфемизмлар миллий-ментал хусусиятга эгалиги ва нутқда миллийлик омилини қай даражада ифодалашини таҳлил қиламиз.

Аёл танаси, муқуллари ва бойламлари фақат ҳомилани олиб юришига ва уни дунёга келтиришига мослашган ёки маълумки, жанубий мамлакатларда қизлар барвақт етилади ва 10 ёшданоқ ҳайз кўришини бошлайдилар

Ўзбек тилида миллий ўзига хосликни акс эттирувчи бирликлар орасида шундай бирликлар борки, ҳатто таржима луғатларида ҳам муқобилини топиб бўлмайди. Улар лингвокультурологик аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Нутқий ҳосилаларда *дунёга келтирмоқ* ибора-эвфема вариантынинг *туғмоқ* ўрнида қўлланиши, *бўйида бўлмоқ* ибора-эвфема кўриниши *ҳомиладор бўлмоқ* сўзини алмаштириши, *вояга етмоқ* ўрнида *етилмоқ* сўзининг ишлатилиши ўзбек тили лингвомаданий табиатини намоён этади. Зеро, ўзбек жамиятига хос маданият ва одоб-ахлоқ меъёрлари эвфемик маъно орқали, қандай шаклланган (сўз ёки бирикма) бўлишига қарамай, рўёбга чиққан. Бу эса айнан тиббий эвфемалар вазифасида тилнинг миллий-этник хусусияти қамраб олиниши ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Ўзбек миллатига хос маданий савия, ахлоқий меъёр ва халқона урф-одатлар, умуман, миллий-ментал хусусиятлар нутқда маълум тил бирликлари орқали акс этиши алоҳида изоҳ талаб этмайди. Тиббий эвфемизмлар ҳам шундай тил бирликларидек миллий-этник табиатини нутқий қўлланишларида намоён қилади. Лингвокультурологик ёндашувда тиббий эвфемизмлар айни вазифага хосланганлиги муҳим. Шунингдек, улар бу вазифани қандай бажариши, миллий-этник характери қай усулда ифодалашини аниқлаш

²¹Тишина Н.В. Национально-культурные особенности эвфемии в современном английском и русском языке: автореф. дисс... кан. филол. наук. – Москва, 2006. – С. 28

²²Глиос Е.С. Лингвокультурная специфика формирования и функционирования эвфемизмов в современном английском языке: на материале англоязычных Интернет-сайтов: автореф. дисс... кан. филол. наук. – Белгород, 2007. (Электрон ресурс): <https://www.dissercat.com/content/lingvokulturnaya-spetsifika-formirovaniya-i-funktsionirovaniya-evfemizmov-v-sovremennom-angl>; Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. Текст. : дис. . канд. филол. наук : -Л., 1989. – 190 с.; Босчаева Н.Ц. Роль социальных и психологических мотивов в процессе эвфемизации Текст. : (на материале соврем, англ. яз.) / Л., 1989. – 13 с.

²³Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 11

масаланинг лингвомаданий аспекти учун зарур хулосалар бериши билан аҳамиятлидир. Шундай экан, тиббий эвфемизмлар миллий-этник, миллий-маданий хусусиятларни ифодалаш вазифасини уларнинг нутқий қўлланиши ва буни таъминловчи усуллар асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги усуллар тиббий эвфемалар қўлланилишини ва уларнинг миллий-этник хусусиятларни ифодалаш имкониятларини кўрсатади:

I. Кўчма маъно асосида шаклланувчи эвфемизмлар орқали. Миллий-этник хусусиятлар тиббий нутқда кўчма маъно асосида шаклланувчи эвфемизмлар орқали ифодаланади. Бу қуйидаги нутқий далилларда ўз ифодасини топган.

Қўшинимизнинг аёли бўлмабди. (“Оила ва жамият”, 12 май 1992 й.)

Операция муваффақиятли ўтган бўлса ҳам, Исқандар дунё юзини кўролмади.

Тиббий нутқ эвфемалари кўчма маъно асосида миллий-этник хусусиятни ифодалаш ва бу алоҳида усул эканлигини мисолларда ажратиб кўрсатилган сўзлар тасдиқлайди. Чунончи, *бўлмабди* сўзи нутқда *ўлибди* сўзини алмаштириб, эвфемик ифода ҳосил қилиши маъно кўчишига асосланади. Ўзбек тилида бу сўз *аёли/ўғли// бўлмабди* кўринишида, баъзан *аёли йўқолибди/йўқолиб қолди* шаклида (Сурхондарё, Қашқадарё шевасида) қўлланиши кузатилади. Бунда *бўлмоқ* сўзининг инкор шакли ёки *йўқолмоқ* ифодаси ўзбек халқида ўлим ва у билан алоқадор тушунча ёки ахборот очик айтилмаслиги, аслида, халқнинг қадимги тасаввурлари, ўлим олдидаги кўрқув ва ожизлик асосида шаклланган табу билан боғлиқ. Айниқса, ўлим содир бўлганлиги, яъни кимдир одамлар орасидан (моддий олам//борлиқдан) йўқолиши (мавжуд бўлмаслиги//ғойиб бўлиши, яъни йўқлик//бақо//руҳий олам//боқий дунёга ўтиши//кетиши) ҳақидаги хабар нохуш, ваҳимали, салбий эмоционал таъсири туфайли юмшатиб, никобланиб айтилиши одат тусига кирган.

II. Сўзнинг ўз маъноси асосида шаклланган эвфемалар орқали.

Бу усул тиббий эвфемаларни шакллантирувчи маъно кўчиш усулидан тамомила фарқ қилишини қуйидаги мисоллар аниқлаштиради:

Қабзият – ич тутилиши. *Қабзият, геморрой, орқа чиқарув тешигида ёриқлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.* (“Doktor press”, 2016. №26, 8-б.) *Спираль – бачадон ичи воситаси.* **Бачадон ичи воситасининг қисман ёки умумий жойдан силжishi ҳомиладорликка олиб келади.** (“Шифо-инфо”, Мисолларда ажратиб кўрсатилган бирликлар ўзбек тилида миллий, маданий ва ментал хусусиятлар сўзнинг ўз маъноси шакллантирган эвфемалар воситасида юзага чиқишини далиллайди. Ҳар бир нутқий қўлланишни тиббиётга оид тушунчаларнинг ўзбекона одоб, ахлоқ, тарбия, муомала, назокат ва маданият белгилаган эвфемик ифодаси, десак янглишмаймиз.

III. Сўз-эвфемалар орқали ифодалаш. Тиббий эвфемаларнинг ифода шаклига асосланувчи мазкур усул миллий характерни намоён этишда муҳим ўрин тутаяди. Миллий-этник хусусиятнинг қуйидаги сўз-эвфемалар орқали ифодаланиши фикримизнинг далилидир:

Ҳомиладорликнинг илк даврларида кўпчилик аёлларда бошқоронғулик ёки фан тилида айтганда токсикоз ҳолати кузатилади. (“Ташхис”, 2016. №32, 21-б.) *Уни чилла даврида тўсишига ўргатсангиз, бас, памперс тақишига эҳтиёж қолмайди.* *Қизнинг юзига гул тошиб чиқди.* (“Шифо-инфо”, 2017. №12. –Б.6.)

IV. Ибора-эвфемалар орқали ифодалаш. Тиббий эвфемалар эркин (сўз бирикмаси) ёки турғун бирикма (ибора) билан ифодаланади. Бу миллий-этник характерни ифодалашда ибора-эвфемаларга алоҳида ўрин ажратади. Миллий, маданий хусусиятлар ибора-

эвфемаларда ўз аксини топса ва бу ҳодисанинг бир кўриниши ёки ифода воситаси деб қаралса, қуйидаги мисоллар унинг ўзига хос ва бошқа усуллардан фарқли жиҳатларини намоён қилади:

Тирноққа зор (бефарзанд; фарзанд кўролмаслик,), *ўзини олдирган* (касали кучайган, жисмонан заиф) *дарддан фориғ бўлиш* (соғайиш; касалликдан// оғриқдан қутулиш), *қулоғи оғир* (қар; эшитмайдиган//эшитиш қобилияти заиф), *дунёдан кўз юмди* (ўлди), *жони чиқди* (ўлди), *кўзи ёриган* (туққан// фарзандли бўлган), *азият чекиб келаман* (матнда: *аллергиядан қийналган// касалликдан азобланган*) сингари иборалар эвфемик ифода ҳосил қилиши тиббий нутқда реаллашган маъносидан аёнлашади. Бу ибораларнинг эвфемалашуви физиологик жараён, ҳолат, касаллик, ўлим, тана аъзолари фаолиятига оид тушунчаларни номлаш ва тиббиётда мавжуд атамаларини алмаштириш жараёнида миллий-этник қирраларнинг янада кучли ифодасини таъминлайди. Масалан, умумистеъмолда бефарзанд сўзига маънодош *тирноққа зор* ибораси тиббиёт лексикаси учун меъерий *бепошлик* касаллиги, *насл қолдирилмаслик* каби терминлар билан ихтисосий нутқда бефарзандлик семаси остида бирлашади. Идиоматик маънонинг *тирноққа зорлик* образи асосида эвфемик (*фарзанд кўрмаслик* тарзида юмшатиладиган) маъно билан яхлитлашуви миллий-ментал характер ва эмоционал-экспрессив таъсирни кучайтиради. Шу боис бу усулда шаклланган тиббий эвфемалар фаол қўлланади.

Тилимизда касаллик номларининг ўзбекча сўзлар билан аталиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бу тиббий терминология миллий колоритга эга сўзлар билан бойиб боришини кўрсатади. Масалан: *Чилонжийда қуририлган баргини майин эзиб, истеъмол қилинса, чанг чалиши (аллергия), чечак, сафроли қизилчага дори бўлади, сочилса, этни ейдиган ва сувли яралар хоҳ оғзига бўлсин, хоҳ бошқа аъзоларига бўлсин шифо бағишлайди.* (“Шарқ табобати”, 2017. №2. 4-б.) *Зиққинафас, қон туфлаш, зотилжам, йўталга аччиқ бодом, крахмал қўшиб тайёрланган доривор шифодир.* (“Шарқ табобати”, 2017. №2. 5-б.) Тиббий атамалар сирасида *чанг чалиши (аллергия), чечак, сафроли қизилча, зиққинафас, зотилжам* каби касаллик номларининг мавжудлиги, умуман, бундай атамалар нутқда хорижий номларнинг ўзбек тилидаги муқобили сифатида қўлланиши, айти пайтда, тиббий терминларни алмаштириши билан эвфемизацияга имкон яратиши миллийлик омили устуворлашуvidан дарак беради.

Адабиётлар:

1. Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2001. – 22 с.; Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке (Опыт социолингвистического описания): дис. ... канд. филол. наук. – Л., 1997. – 190 с.;
2. Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2009. – 23 б.;
3. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: Филол. фанлари докт... дисс. –Тошкент, 2009. – 325 б.
4. Маджаева С.И. Эвфемизация как способ пополнения медицинской терминологии // Гуманитарные исследование, 2010. – №3 (35). – С.55-61.
5. Омонтурдиев А. Бир сўз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. –45 б.
6. Тиллашайхов М., Усмонхўжаев А., Алиджанов Х. Сир сақланмайдиган касаллик: простатит // Тиббий рисола. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –64 б.

СОВРЕМЕННЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИЗУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Шаринова Д.Г., кафедра русского языка и литературы, БухГУ

Традиционная система обучения несколько отстает от потребностей общества. Концепция современного образования определила цель профессиональной деятельности учителя – сформировать у учащихся способность к успешной социализации в обществе, активной адаптации на рынке труда. Следствием этого становится разработка инновационных технологий в обучении.

Инновационные технологии характеризуются новым стилем организации учебно-познавательной деятельности учеников. Современные педагоги признают, что в развитии творческих способностей, интеллектуальной деятельности максимальные возможности представляет технология проблемного обучения. Значительный вклад в раскрытие проблемы интеллектуального развития, проблемного и развивающего обучения внесли Н.А.Менчинская, П.Я.Гальперин, Н.Ф.Талызина, Т.В.Кудрявцев, Ю.К.Бабанский, И.Я.Лернер, М.И.Махмутов, А.М.Матюшкин, И.С.Якиманска, А.К.Мынбаева, З.М.Садвакасова.

В целом можно говорить о двух группах стратегий: непосредственно влияющих на учение и способствующих на учению.

К числу первых могут быть отнесены:

когнитивные стратегии, которые используются учащимися для осмысления материала, стратегии запоминания – для его сохранения в памяти, компенсаторные стратегии – помогают справиться с затруднениями, возникающими в процессе общения.

К числу вторых – стратегии, связанные с созданием условий для обучения и способствующие преодолению психологических трудностей в овладении языком.

В последние десятилетия в связи с развитием современных образовательных технологий в учебный процесс стали широко внедряться аудио- и видеозаписи, компьютерные программы, дистанционное обучение. Информационные технологии обогащают учебный процесс во многих областях знания, в самых различных условиях обучения и на всех его уровнях. В полной мере это относится к преподаванию иностранных языков особенно за рубежом, где непосредственный контакт с изучаемым языком ограничен.

В рамках данной технологии ученик действительно становится активным субъектом учебного процесса, самостоятельно владеющим знаниями и решающим познавательные задачи. Цель таких методик — активизировать, оптимизировать, интенсифицировать процесс познания. Инновационное обучение предполагает обязательное включение учащихся в деятельность, коллективные формы работы, обмен мнениями.

Особенностями инновационного обучения являются:

работа на опережение, предвосхищение развития;
открытость к будущему;
направленность на личность, её развитие;
обязательное присутствие элементов творчества;

партнёрский тип отношений: сотрудничество, сотворчество, взаимопомощь и др.

Инновациями в образовании называют новшества, нововведения в содержании образования, в формах и методах обучения, в отношениях «преподаватель – студент», использовании информационных технологий обучения, внедрение нового оборудования, в организации учебно-воспитательного процесса, его управлении и др.

Инновационные технологии позволяют реализовать одну из основных целей обучения русскому языку и литературе - дать возможность перейти от изучения предмета как системно-структурного образования к изучению его как средства общения и мышления, а учебно-познавательную деятельность перевести на продуктивно-творческий уровень.

На уроке следует применять перспективные методические приёмы для развития креативных способностей учащихся: кластеры, инсерт (при самостоятельном изучении теоретического материала), заполнение таблиц, двучастный дневник, чтение с остановками, совместный поиск, перекрёстную дискуссию, круглый стол; применять элементы ТРИЗ (технологии решения изобретательских задач): «Удивляй!» (при знакомстве с биографией писателя), «Лови ошибку!»; классическое лекционное обучение, обучение с помощью аудиовизуальных технических средств, тесты, метод проектов (занятия по «Литературному краеведению»).

Использование проектной технологии: повысит и углубит интерес детей; разовьет творческие способности учащихся путем формирования компетентности в сфере самостоятельной познавательной деятельности (приобщение к чтению, развитие любознательности, расширение кругозора), критического мышления; поможет школьникам приобрести навыки работы с большим объемом информации, исследовательские умения (видеть проблему и наметить пути ее решения), коммуникативные умения (работа в группах).

Взаимодействия с группой на уроках и вне их, обеспечения сотрудничества обучающихся на уроке учитель-гуманитарий обязан создавать атмосферу доверия, взаимного уважения между преподавателем и учащимися, вовлекать учащихся в активную самостоятельную деятельность. На уроках - зачётах возможно осуществлять групповую работу, что способствует воспитанию коллективизма, создаются условия для раскрытия и проявления индивидуальных особенностей учеников.

Кроме того, на таком уроке создаётся атмосфера сотрудничества ученик – ученики, а участие консультантов и ассистентов на этапе проверки обеспечивает сотрудничество учитель – ученики.

Для развития интереса к русскому языку и литературе следует включать в урок исторические, этимологические справки, которые могут заинтересовать детей, проводить игровые формы работы: «Составь слово», «Третий лишний», «Переводчик», «Эрудит», «Собери пословицу», «Шеренга», «Перевёртыш», «Паутина слов» и др., использовать творческие эксперименты, метод проектов, нестандартные уроки, конкурсы, олимпиады.

В современном (—информационном!) обществе одним из быстро развивающихся технологий и вызывающий огромный интерес со стороны учащихся является применение интернет ресурсов как инновационный подход к обучению.

Идея использования Интернета в образовании не нова. Уже с начала 1990-х годов национальные и интернациональные компьютерные сети стали широко использоваться в учебных целях в рамках разных образовательных подходов. И учащиеся, и учителя смогли

обмениваться информацией в режиме, не зависящем от времени и места. Новые дигитальные технологии освободили человеческий разум для более креативных задач, что способствует развитию личности. Это позволяет ученикам творчески взаимодействовать и с одноклассниками, и с учителем.

Интернет можно рассматривать как «средство производства», в том числе и в учебном процессе. Он используется и как неиссякаемый источник информации, и как новая коммуникативная среда, в которой можно по-новому организовать учебную работу.

Интернет позволяет организовать реальную, мобильную информационную среду, в которой можно не только черпать информацию, но и решать множество других коммуникативных задач. Его использование помогает повысить мотивацию учащихся, поскольку в случае применения Интернета во время классных и индивидуальных занятий современные ученики получают возможность погружаться в привычную для них информационную среду. В Интернете в учебных целях используются самые разные по масштабам ресурсы — от веб-страничек с интересными учебными материалами (часто тестовыми) до объёмных проектов для полноценного, с точки зрения составителей, дистанционного обучения.

Преподаватель, используя Интернет, может актуализировать материал собственных учебников;

найти дополнительную информацию;

самоконтроля;

материалы;

разместить учебную информацию;

разработать интерактивные обучающие применить различные формы контроля и организовать обратную связь;

осуществлять контакты между разными членами группы; работать с гипертекстами, аудио- и видеофайлами и блогами.

Особенно хорошо использовать интернет-общения с учащимися вузов зарубежных стран при изучении классиков русской литературы, вызывающий большой интерес у зарубежной молодежи. Это дает возможность учащимся рассмотреть смысл произведения с разных сторон.

Главное, чтобы учащимся на уроке некогда было скучать, чтобы им хотелось работать, учиться, а ведь для этого важны и ситуация успеха, которую, как правило, создают нестандартные уроки или элементы уроков, и самостоятельность, к которой ребята приучаются на таких уроках, и творческое отношение к русскому языку, которое воспитывается только на творческих уроках.

Литература:

1. Канарская О. В. Инновационное обучение. СПб,
2. Логвина И., Мальцева-Замковая Н., Рождественская Л. Есть «Надежда»! Итоги сетевого образовательного проекта. Русский язык за рубежом, 4, Мировые образовательные технологии: основные тенденции, проблемы адаптации и эффективность. Материалы республиканской научно- методической конференции, 25-26 апреля, Алматы,
3. Мынбаева А.К., Садвакасова З.М. Инновационные методы обучения или как интересно преподавать: Учебное пособие. А, 2009
4. Никитин А.Ф. Педагогика прав человека. М.,

MAKTABDA AMALIY INTEGRATIV TA'LIM ZARUR

Cho'lliyeva G.T., BuxDU o'qituvchisi

Mohiyat tilshunosligiva ona tilining kognitiv-pragmatik ta'limi masalalari bir-biridan ajralmas tushunchalardir. Zero, tilshunoslik tilimiz va o'zbek tili birliklarining tizimiy imkoniyatlarini ochib beradi, ona tili ta'limi shu imkoniyatlardan samarali foydalanib, ayni bir axborotni yuzlab usul-u vositalar bilan ifodalash yo'llarini, ulardan aniq bir sharoitda qay biri eng qulay va ta'sirchan ekanligini to'g'ri aniqlay olish hamda qo'llashni o'rgatadi. Alohida e'tirof etish kerakki, o'zbek substansial tilshunosligining yutuqlari "ichki bozor"ning zamonaviy ehtiyojlarini qondirish bilan chegaralanib qolmadi: chet el lingvistikasiga ham ta'sir ko'rsatdi va g'arb tilshunoslarining nazariga tushdi. Jumladan, o'zbek germanistlari olimi Nofiza Vohidovanning nemis, Jamila Jumaboyevaning ingliz tili leksikasini o'zbek substansial tilshunosligi yutuqlari asosida yangicha tadqiqi, unda olmon-u ingliz olimlarining o'zlari payqamagan va tavsiflardan chetda qolgan graduonimiya (til birliklarida ma'no darajalanishi) hodisasini Buxoro tilshunoslik maktabining vakillari bo'lgan o'zbek olimi ayollari ochib berganligi o'zbek matbuoti("O'zbekiston ovozi" gazetasi//2008-yil, 29-yanvar soni)da ham, internet sahifalarida ham keng yoritilgan edi.

XX asr boshlarida jadid ma'rifatparvarlari orzu qilgan bolalarimiz kelajagi ravnaqi uchun "onalarga til o'rgatish" (Behbudiy) – zamonaviy o'zbek adabiy tili me'yorlarini belgilash, uni ommaviy va to'g'ri qo'llanilishini ta'minlash – o'zbek formal (me'yoriy) tilshunosligi oldida turgan bosh maqsad edi. Formal tilshunoslikda esa empirik (fahmiy, hissiy, sensualistik, nominalistik, atomistik...) bilish usuli yetakchilik qilardi. Formal tilshunoslikni ratsional (idrokiy, aqliy, nazariy, teoretik...) bilish usuli yetakchilik qiladigan va til birliklarining **tizimiyimkoniyat**larini ochish va tavsiflashni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan substansial tilshunoslik almashtirdi. Bu yo'nalishda o'quvchiga retseptiv ta'limda bo'lganidek bilim – qoida, qonuniyat, xulosa va hukmlar tayyor holda berilib, ularda mazkur nazariy ma'lumotlarni o'zlashtirish va takrorlash talab etilmaydi; o'quv materiallari, ta'limiy topshiriqlar tizimi o'quvchilarga shunday taqdim etiladiki, u o'zi uchun zarur bo'lgan bilimni o'qituvchi rahbarligida mustaqil ish va izlanish natijasida egallaydi. Boshqacha qilib aytganda, o'quvchi ta'lim jarayonining subyekti, o'qituvchi ta'lim jarayonining rahbari mavqeyida bo'ladi. O'quv-biluv jarayoniga shunday yondashgandagina u mustaqil ijodiy tafakkur sohibi va tadbirkor shaxsni yetishtirishga xizmat qila oladi.

Mustaqilligimizning maktab ta'limi oldiga davlat buyurtmasi sifatida qo'ygan va bu umumiy o'rta ta'limning malaka talablari sifatida voqelangan ko'rinishi bugungi ta'limning boshlang'ich, umumiy o'rta, o'rta maxsus va oliy bo'g'inlarining har biri oldiga alohida maqsad qo'ydi. Demak, ona tili ta'limining barcha tur va bosqichlari oldida ham o'ziga xos yetakchi maqsad turadi.

Boshlang'ich bo'g'inda bu maqsad savodxonlikni ta'minlash, adabiy tilning asosiy me'yorlarini singdirish, ulardan amaliy foydalanish ko'nikmalarini shakllantirishdan iboratdir. Ta'limning bu bosqichida reproduktiv (retroskopik) ta'lim usul yetakchilik qiladi va ta'lim materiali, asosan, o'zbek formal tilshunosligi tavsiflariga tayanadi.

Umumiy o`rta ta`lim bo`g`inida ona tili ta`limi oldida turgan bosh maqsad “o`quvchida ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq vaziyatiga mos ravishda og`zaki va yozma shakllarda to`g`ri va ravon ifodalash ko`nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish”dan iborat. Bu maqsad kognitiv-pragmatik ta`lim usuli yetakchiligida substansial tilshunoslik talqinlari va substansial-pragmatik tilshunoslik tayyorlash va ommalashtirishni maqsad qilib qo`ygan ona tili bo`yicha axborot banklaridan keng (har bir maktabxon istagan paytda bimalol foydalana oladigan darajada) ommalashtirilgan ko`rinishlari asosida amalga oshiriladi [1].

O`rta maxsus va oliy ta`limning turli bosqichlarida ona tilini o`qitish oldida ta`limning bo`g`in-u bosqichlariga mos ravishda ixtisosiy nutq madaniyati malaka va ko`nikmalarini shakllantirish, rivojlantirish maqsadi turadi. Bu maqsad reproduktiv va kognitiv ta`lim usullarning har birini o`z o`rnida mahorat bilan qo`llay olish hamda soha nutqining pragmatik tahlili qo`lga kiritgan tavsiflari axborot banki asosida amalga oshiriladi.

Silsiladan ko`rinadiki, ona tilini o`qitishning uzluksiz ta`lim tizimidagi holati va samaradorligi ham substansial-pragmatik izlanishlar muvaffaqiyati bilan uzviy bog`liq. Bu umumiy o`rta ta`lim bo`g`inida yaqqolroq ko`zga tashlanadi. Zeroki, bu bo`g`in oldida dunyoga bo`ylasha oladigan ijodiy tafakkur sohibi, mustaqil fikrli tadbirkor shaxsni yetishtirish maqsadi turibdi. Shuning uchun mazkur bo`g`inda ona tilidan har bir dars, mashg`ulot mohiyatan tafakkur ta`limini taqozo etadi. Buning asosi shuki, birinchidan, ona tili va tafakkur, fikrlash qobiliyati va nutq mohiyatan ayni bir narsaning ikki tomoni – ularni bir-biridan mutlaqo ajratib bo`lmaydi. Shaxsda ulardan biri shakllangan, ikkinchisi shakllanmagan, biri rivojlangan, ikkinchi rivojlanmagan bo`lishi mumkin emas – ular birga shakllanadi va rivojlanadi. Demak, milliy istiqloq sharofati bilan ona tili ta`limi maqsadi, mazmuni, usul va vositalari yangilandi. Yangi maqsad har bir o`quv predmeti o`qituvchisidan o`quv-biluv jarayonini yangi mazmun asosida tashkil etishni va usul-u vositalarni rang-baranglikda boyitib borishni talab etmoqda. Buni to`g`ri anglay olgan o`qituvchigina davr talablariga mos tarzda ishlay oladi.

Inkor etib bo`lmaydigan bir haqiqat bor: Davlat tili maqomiga ega bo`lgan onadek mo`tabar tilimiz–nihoyatda boy til. Uning ta`limi jarayonida butun e`tiborimizni o`quvchida ijodiy tafakkurni shakllantirish va tarbiyalash masalasiga qaratishimiz zarur. Buning uchun ona tili darslarida o`quvchilar o`qituvchi rahbarligi va hamkorligida quyidagilarni bajara olishi muhim:

–muntazam (o`quvchi uchun) yangi bo`lgan so`zlar ustida ishlash va ta`lim oluvchining lug`at zahirasini boyitib borish;

–o`quvchida so`zlarning ma`no nozikliklari, farq va o`xshashliklarini his qilish hamdato`g`ri anglab yetish ko`nikmasini mustahkamlash;

–o`quvchilarnianiq talaffuz qilishga va xatosiz yozishga o`rgatish:

–o`quvchilarni so`zlarni bog`lab gap, gaplardan esa matnlar tuza olish, birikmalardagi ma`noviy va grammatik, matnlardagi mantiqiy xatoliklarni topish va tuzatishga odatlantirish;

–bir fikrni turli vositalar bilan ifodalash, uzilgan fikrning davomini tiklay olishni uddalashga o`rgatish;

–nutq vaziyatini to`g`ri baholash va til imkoniyatlaridan unga mos ravishda foydalanish ko`nikmalarini shakllantirish va malakasini o`stirish.

Bu vazifalar ijrosi uchun maktabda o`quvchini ham, o`qituvchini ham qoidabozlikdan xalos etish, fanlararo integratsion taa`limga e`tibor qaratishi shart. Zero, lingvistik bilimlar ana shu vazifalarni amalga oshirish vositasi bo`lmog`i, o`quvchining aqliy faoliyati zinhor lingvistik qoidalar va til qurilishiga doir bilimlar bilan band qilib qo`yilmasligi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Yoʻldosheva D.N. Ona tili taʼlimi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti. – Toshkent: Oʻzbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2013. – 216 bet.

2.Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари. ЎТДА 6-йигини тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: PTM, 2001.–248 б.

BADIIY MATN TAHLILIDA INTEGRATSION YONDASHUV

Yusupova D.Y., BuxDU magistranti

Oliy taʼlimda “Badiiy matn tahlili” darslari bevosita tilshunoslik va adabiyotshunoslik integratsiyasiga tayanib ish koʻradi. Badiiy matn tahlil qilish jarayonida fonetik birliklarning estetik xususiyatlariga ham alohida eʼtiborni qaratish zarur. Sheʼriy matnda nutq tovushlarining estetik imkoniyatlari tez va qulay idrok etiladi. Chunki sheʼrda oʻziga xos jozibador ohang boʻladi. Bu ohangdorlikka tovushlarni uslubiy qoʻllash natijasida erishiladi. Sheʼriyatda asosan, **alliteratsiya** (undoshlar takrori), **assonans** (unlilar takrori), **geminatsiya** (undoshlarni qavatlash) kabi fonetik usullardan foydalaniladi [1].

Nasrda ham, nazmda ham unlilarni choʻzish, undoshlarni qavatlash, tovushlarni takrorlash, soʻzlarni notoʻgʻri talaffuz qilish, tovush orttirish yoki tovush tushirish kabi fonetik usullar yordamida ekspressivlik taʼminlanadi. Tovushlarni uslubiy qoʻllash bilan bogʻliq qonuniyatlarni yozuvda “aynan” ifodalash imkoniyati cheklangan. Biroq talaffuz va bayon muvofiqligiga fonografik vositalar yordamida erishish mumkin. Buni Oʻzbekiston Xalq shoirasi Halima Xudoyberdiyeva sheʼrlari misolida kuzatishimiz mumkin.

1.Unlilarni birdan ortiq yozish. Bunda unlini choʻzib talaffuz qilinganligi tushuniladi. Unlini choʻzib talaffuz qilish orqali lirik qahramonning voqelikka munosabati oydinlashtiriladi. Ilmiy adabiyotlarda mazkur usul orqali belgining meʼyordan kuchsiz yoki ortiq ekanligini ifodalashda foydalanilishi taʼkidlanadi. Masalan,

Tomirida Toʻmaris qoni oqayotgan shoiri maydondan qochib erka tuygʻularga panalamaydi. U faqatgina intim hislarga ham bogʻlanib qolmaydi. Yuragida “ona arslon in qoʻygan” shoiri otasi, onasi kabi oddiy moʻte inson sifatida “tiz choʻkkancha yashab” oʻtmoqqa also koʻnmaydi. U butun elda, yurtda erk shamoli esishini istaydi. Ijodkor istak-xohish bilan cheklanib chetda tomoshabin boʻlmoqchi ham emas. U mustaqillikdan oldin yozilgan sheʼrida yalov tutib gʻaflatdagi yurtdoshlarini oʻygʻotmoq uchun yaratgandan “Turk, Turonni koʻtarmoqni oʻzimga ber” deb iltijo qiladi.

Otam, onam koʻngli yigʻlab, boʻsha-a-b oʻtdi,

Otam, onam yogʻiyga par toʻsha-a-b oʻtdi,

Otam, onam tiz choʻkkancha yasha-a-b oʻtdi,

Xudo, endi madingni tizimga ber.

Koʻklamlarim taloshlardatalo-o-n boʻldi,

Uvuz etda kuydim, yigʻi, oʻla-a-n boʻldi,

Yozim–balogʻatga yetgan nolo-o-n boʻldi,

Endi o z o d qoʻshiqlarni kuzimga ber.

Soviy-soviy muzlagan dil muzliklarim,

*Eriy boshlab so‘z ochmoqda so‘zliklarim.
Qaytsa, qaytmas bo‘lib ketgan o‘zliklarim,
Turk, Turonni ko‘tarmoqni o‘zimga ber.*

(“Turk, Turonni ko‘tarmoqni o‘zimga ber” she‘ridan)

She‘r misralarida qofiya tarkibida unililarni birdan ortiq yozish shu so‘z ifodalayotgan leksik mazmunga qo‘shimcha davomiylilik ma‘nosini ham yuklaydi va unda ohangdorlikni kuchaytirishga xizmat qiladi.

Halima Xudoyberdiyeva shunchaki she‘rparast emas yoki vatan haqida jimjimador misralar yozib o‘z yozganlarining ketidan kerilib yuradigan shuhratsevar ham emas. U vatanini, elini butun borlig‘i bilan sevishini tabiiy hol deb hisoblaydi, o‘zini uning bir parchasi, o‘zligi deb biladi. Shuning uchun ham u yurtini, xalqini asrash uchun: “*Mendan qay ish lozim bo‘lsa, Barchasiga tayyorman!*” deb xitob qiladi. Bu ijodkor – xalqparast. Bu shoira– yurtparast. Nega?! Chunki u uchun turkiy eli “*Iymoni(m)ga o‘rab yurgan boyligi(m)*”: shoraning yozganlari “*eli(m)ning jon-jigariga ko‘zmunchoq*”, u shu yurt, shu el uchun “*boshdan oyoq HURLIKni kiy*”gan. Shu boisdan shoira xudodan ham, avvalo, eliga, yurtiga omonlik tilaydi va shunday yozadi:

*Dilda o‘sib, nurab yurgan boyligim,
Bor dunyodan so‘rab yurgan boyligim,
Iymonimga o‘rab yurgan boyligim,
Turk elimni shafqatingga zo-o-r qilma.*

*Bor yumushim bitib, ketar mahalim,
Nuray-nuray yitib ketar mahalim,
So‘ray-so‘ray o‘tib ketar mahalim,
Iltijom shu: “Turkistonni xo-o-r qilma”. (“Iltijom shu” she‘ridan)*

Shuningdek, badiiy matnda unililarni birdan ortiq yozish usulidan qahramonning biror nimadan afsuslanishi, hayratlanishi, taajjubga tushishi kabi holatlarini ifodalashda ham foydalaniladi. Masalan, *O-o-o-o...Allaqachon unutdim bari-barini, “Allaqachon” aldamayman men o‘zimni o‘zim. Ortda qolgan muhabbatning qo‘shiqclarini, Eslatma, deb o‘z-o‘zimga tilayman to‘zim...* (“Unutgan ma‘qul” she‘ridan)

*O‘rtoqlarim joni po‘lat, joni qil,
Biri sariq, biri kamqon, biri sil
Hali uz-oq davolanar, uz-oq yil
O‘lmay qolsa bo‘ldi. Qayta bo‘lmas moh*

Qo‘llarimning kishani yo‘q, yo Oллоh! (“So‘nggi oh” she‘ridan)

Mazkur fonografik usuldan badiiy matnda xitob, chaqirish, da‘vat, tinglovchi e‘tiborini jalb qilish, hatto istehzo qilish holatlarini ifodalashda ham foydalanilishini kuzatish mumkin. Shoira “Sulton qaroringni ber!” nomli she‘rini Shahobiddin Muhammad an-Nasaviyning “Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti” kitobidagi quyidagi lavhadan ta‘sirlanib yaratadi:

“Bu fojialardan ko‘p ta‘sirlangan sultonning onasi, ahli ayoli unga yukindi: “Allohni o‘rtaga qo‘yib iltijo qilamiz. Bizni o‘zing o‘ldirib asirlikdan qutqar!” U noiloj barchasini suvga cho‘ktirishni amr etdi”. Dunyoda haqiqiy erkak zoti borki onasini, ahli ayolini har qanday sharoitda har nedan, har qanday xavfdan, hatto begona nazardan ham himoya etadi. Bilamiz, yurt, millat qayg‘usi jismi joniga singgan milliy qahramonimiz Jaloliddin Manguberdi onasi, ahli ayolini dushman iskanjasidan qutqarmoq uchun ularning hayotiga o‘zi nuqta qo‘yish amrini berishga majbur bo‘ladi. Halima Xudoyberdiyeva Jaloliddin Manguberding ilojisiz, ammo

o'sha vaziyatdagi eng to'g'ri qarori bugun bizga ham zarurligini aytadi. Yo'q, u buni shunchaki aytmaydi. Bugunning beparvolariga istehzo bilan aytadi: yurtning har bir erkagi Jaloliddin sulton, har bir ayoli uning oqila zavjasi, mard onasi kabi bo'lishini istaydi. Yurt, uning har siqim tuprog'i uchun o'zidan, yurtdoshlaridan jonfidolik so'rab shunday yozadi:

*Sulton, qahringni ber,
Qahrlanaylik,
So'kilsin osoyish ko'ngilning choki.
Sulton, zahringni ber, zaharlanaylik,
Bemormiz, bu zahar sog'aytsin toki.
Yoronlar!
Biz **hambi-i-ir** sultonlanaylik
Uning yulbars ruhin o'zga o'tkarib,
Bo'laylik sultonga suyukli qayliq,
Sultonning onasi bo'laylik, g'arib...
Hatto
Xayolidan boryapman o'rlab,
Bizda-da **bi-i-ir** yashab, ko'karsin sulton.
Dunyoga larzalar solarak gurlab,
Turkiy qavmlarni ko'tarsin sulton!
Qodir Alloh,
Bir bor kechsin shunday hol,
Keyin,
Keyin mayli, ne g'am chekdirsin,
Yog'iy oyog'ida qilmasdan poymol.
Bizni onasiday...
Xotiniday bizni...
Daryo suvlarida o'zi cho'ktirsin.*

Ha, har na etsa, Vatan etsin, Yurt etsin, "yog'iy oyog'ida qilmasdan poymol". Shoira beparvo kun o'tkazmoqni yashash deb bilmaydi. Shu boisdan ham beparvolarga istehzo etayotganligini she'r bandida bir necha o'rinda unililarni cho'zish orqali ifodalaydi.

Halima Xudoyberdiyeva ijodidan fonetik hodisalar rang-barang qo'llanilgan misollarni ko'plab topish mumkinki, bu hamisha til va adabiyot, ularning ta'limi mushtarakligidan dalolatdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Мирзаев И. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари матни поэтикаси таҳлиliga бағишланган янги тадқиқот ҳақида//Филология.10-чиқиш. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2010.–214 б. –26-29-б.
2. ХудойбердиеваҲ. Осойишташам. Шеърлар, назм.–Тошкент: Ўзбекистон, 2017.–168 б.

ONA TILI MASHG'ULOTLARIDA FANLARARO ALOQADORLIKNI TA'MINLASHNING AHAMIYATI

Til ta'limida grammatik bilimlarning ko'p va xo'p berilishi yoki o'quvchi xotirasiga tilshunoslik asoslarining ketma-ket singdirilishi ham ona tilidan DTS(malaka talablari)da ko'zda tutilgan uzviylik emas. (Odatda, ona tili dastur-u darsliklarida belgilangan mavzularni tahlil qilsak, muayyan mavzu doirasida berilgan nazariy ma'lumotlar ijtimoiy ehtiyojga o'xshab ko'rinadi. Masalan, 6-sinf "Ona tili" darsligida "Fe'ning vazifa shakllari" mavzusi ta'limida fe'ning vazifa (xoslovchi) shakllari hisoblangan harakat nomi, sifatdash, ravishdashning ta'riflari tavsifa etiladi va shu o'rinda harakat nomi nima, sifatdash deb nimaga aytiladi yoki ravishdashning ta'rifini yod bilish, o'zlashtirish, fe'ning vazifa (xoslovchi) shakllarini hosil qiluvchi qo'shimchalar va ularning turlari haqidagi ma'lumotlar [2] ijtimoiy ehtiyojdek ko'rinadi. Biroq sanab o'tganlarimiz sun'iy holat bo'lib, ijtimoiy ehtiyoj darajasiga ko'tarila olmaydi. Sababki, o'rta umumta'lim maktablarida tahsil olgan biror o'quvchi hayoti davomida nutqi tarkibida ishlatilgan birliklar (nutq tovushi, bo'g'in, urg'u, ohang, so'zshakl, so'z birikmasi, gap, matn va h.larning lingvistik ta'riflarini bilishga zarurat sezmaydi. Zero, til ta'limining oltin qonuni – ta'lim oluvchi tinglaganini to'g'ri tushuna olishi, xatosiz o'qib hamda uqib bilishi, bexato yozish malakasini egallashi, asosiysi, qayerda, nimani, qanday shaklda aytishni bilishi kerakligidan iborat.)

Uzviylik bir sinf yoki bir fan doirasida chegaralanib qolishi ham mumkin emas. Zero, ta'limni globalashtirish, ya'ni ta'lim-tarbiya jarayoniga kompleks yondashishni amalga oshirish shu kunning dolzarb masalalaridan biri ekanligini inobatga olsak, inson hayoti o'tmish, hozir va kelajak bilan uzviy bog'lanmasa, o'z mazmunini yo'qotib, fayzsiz va zavqsiz bir hodisaga aylanib qolganidek, ona tili ta'limi jarayonini ham adabiyot, tarix, biologiya, kimyo, geografiya, qolaversa, ta'limning barcha tur va bosqichlarida o'qitiladigan o'quv predmetlari bilan mushtarak holda bog'lama ekanmiz, ta'lim uchun sarflagan vaqtimiz, mehnatimiz zoye ketaveradi. Hozirgi kun ta'limi o'quvchilarni borliqni yaxlit bir tizim sifatida qabul qilishga o'rgatishi, hodisa va voqealar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni tushunish ko'nikmasini hosil qilishi, fanlararo aloqadorlik, har bir fanga taalluqli umumiylik va shu umumiyliklarning xususiyliklarda yuzaga chiqishi, mohiyat, imkoniyat hamda sababning hodisaviylik, voqelik, oqibat holatlaridagi o'zaro munosabati va ularning bir-biriga ta'sirini anglashga yordam berishi zarur.

"Xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq"[1] ekan, respublikamizda uzliksiz ta'lim-tarbiya tizimi integratsiyalashuvini ta'minlash, mazkur jarayonni takomillashtirish, shu asosda ta'lim sifatini jahon andozalariga moslashtirish eng dolzarb vazifa bo'lib qolaveradi. Zero, butun ta'lim tizimini, jumladan, umumta'lim maktablarini isloh qilish, uning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, axborot asrida o'z o'rnini topa oladigan, jahon andozalariga mos raqobatbardosh, intellektual salohiyatga ega bo'lgan kadrlarni tayyorlashda davlatimiz bosh islohotchi bo'lib maydonga chiqqanligining asosiy sababi ham shu vazifa ijrosi bilan kesishadi. Fanlararo bog'liqlik asosida o'quvchi shaxsining to'la rivojlanishi, tez o'zgaruvchan hayotga har taraflama tayyor bo'lishi, ularning mustaqil ravishda bilim olish ko'nikmalarini, ijodiy fikrlashini rivojlantirish, ulkan axborot makonida axborotlarni tanqidiy nuqtayi nazardan to'g'ri izlash, tanlab olish, oldida turgan muammolarni nafaqat ko'ra bilish, balki ularni ifodalash va hal eta olish yotadi.

Maktab ona tili ta'limida fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish jarayonida o'quvchilarda dunyoqarash, tashqi muhitga ongli munosabat, vatanga, ota-onaga, do'stga muhabbat, sadoqat, so'z sehrini seza olish va tilga ehtirom tuyg'ulari, har bir kishi uchun zarur bo'lgan milliylik, milliy g'urur, mustaqillik, tashabbuskorlik, aniqrog'i, dunyoni bilish hamda ijtimoiy hayotga to'la moslashish sifatleri tarbiyalab boriladi. Ana shu mantiq maktabda ona tili ta'limini o'rta mumta'lim bosqichining boshqa o'quv predmetlari bilan bog'lab o'qitish zaruratini izohlaydi. Bu zarurat ona tili ta'limi maqsadining ro'yobini ta'minlash vositalaridan biriga aylanadi. Zero, ona tili ta'limi maqsadining ro'yobini ta'minlash uchun tegishli davlat ta'lim standarti(malaka talablari)da quyidagi uch parametr asosida ish ko'rish muhimligi belgilab qo'yilgan:

1. *Ijodiylik;*

2. *Mustaqil fikrlash;*

3. *Fikr mahsulini nutqiy vaziyatga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish* [3].

Ya'ni

–o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'z g'alar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy kompetensiyani rivojlantirish;

–o'quvchilarda grammatikaga oid o'zlashtiriladigan bilimlarni (fonetika, leksikologiya, so'zning tarkibi, so'z yasalishi, morfologiya, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish;

–ona tilining keng imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda to'g'ri va ravon bayon eta olishni rivojlantirishga qaratilgan lingvistik kompetensiyalarni shakllantirish[5]dan iborat.

Berilgan parametrlar o'quvchilarning lug'at boyligini oshirish, og'zaki va yozma nutq madaniyatini shakllantirishni nazarda tutadi. O'quvchining so'z boyligi qancha ko'p bo'lsa, uning nutqi, imloviy savodxonligi ancha yuqori bo'ladi. O'quvchilarning so'z boyligi esa bevosita ona tili mashg'ulotlarida boyitib borilishi lozim. Ta'limda nafaqat bilim berish, balki uni qanday yetkazib berish ham muhim sanalib, o'quvchilarga dars jarayonida ilmiy bilimlar bilan birga axloqiy, estetik ta'lim-tarbiya ham berib borilar ekan, bunda fanlararo integratsiyalashuv jarayoni muhim rol o'ynaydi va ta'lim samaradorligini oshiradi. Ta'limda integratsiyalashuvni ta'minlash har bir o'qituvchining qobiliyati va mahoratiga bevosita bog'liq.

O'quvchini mustaqil fikrlay oladigan shaxs sifatida kamol topishida ona tili ta'limining ham, ona tili o'qituvchilarining ham roli beqiyos. Shunday ekan, mustaqil fikrlay oladigan shaxsni tarbiyalashi zarur bo'lgan o'qituvchining o'zida chuqur bilim, tajriba, yuqori darajadagi malaka, iqtidor va bilimni yetkaza olish mahorati to'la shakllangan bo'lishi, ayniqsa, uning zamon bilan hamnafas fikrlaydigan bo'lishi talab qilinadi. Zero, bugun ona tili ta'limining asosiy maqsadi ijodiy fikrlovchi shaxsni tarbiyalashdan iborat ekan, har bir dars mavzusi, unda qo'llaniladigan ta'lim vositalari, darsda beriladigan topshiriqlar ham shunga mos tarzda tanlanishi zarur. O'qituvchi darsga tayyorlanish jarayonida o'quvchilar tafakkurini o'stirish uchun vazifa turlarini tanlaydi, darsning materialini va uni o'zlashtirishda bolalar bajaradigan aqliy faoliyat mashqlarini ham belgilab oladi. O'quvchilarga beriladigan nazariy bilim tildan ongli foydalanish imkonini bergandagina ahamiyatli. Darsda belgilab olinadigan tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlar orqali beriladigan bilimlarda o'quvchilarning ma'naviy va axloqiy xislatlari tarbiyalanib boradi. Shuning uchun ham o'qituvchi dars loyihasini tayyorlar ekan, dars maqsadi o'rganilayotgan bo'lim maqsadiga, o'rganilayotgan bo'lim maqsadi esa mazkur o'quv predmetining xususiy maqsadiga mos ravishda oydinlashtirilishi va shu maqsad asosida

o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyati shunday tashkil etishilishi lozimki, belgilangan maqsad to'liq amalga oshsin.

Chunonchi, yangi dars boshlanishida yoki o'tgan darsni so'rash va mustahkamlash qismida turli xil ta'limiy o'yinlar va topshiriqlardan unumli va samarali foydalanish, dars jarayonini maktabda o'quvchiga ona tili o'quv predmeti bilan parallel o'qitiladigan boshqa o'quv predmetlari (masalan, adabiyot, tarix, chet tili, geografiya, botanika, biologiya, zoologiya kabilar) bilan aloqadorlikda shakllantirish– o'quvchilarning darsga qiziqishlarini oshiradi, ta'lim samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Masalan, ona tilidagi “Sintaktik aloqa” (8-sinf) mavzusi fizikadagi “Kuch” (7-sinf) va ximiyadagi “Valentlik” (8-sinf) mavzulari bilan o'zaro aloqador. So'zlarning lug'aviy hamda grammatik ma'nolari orasidagi bog'liqlik so'z birikmasi hamda gap tarkibini yuzaga keltiradi: *qizil gul* (gul–o'simlik; tirik mavjudlik. Uning gul kosasidagi yaproqlari rangi qizil bo'lishi mumkin. Demak, *qizil gul* birikmasida [qizil]+ [gul] hosilalari mantiqan biri ikkinchisini talab qiladi (Bu fanda leksik valentlik deyiladi). Grammatik jihatdan esa [rang-tus sifati]+[turdosh ot; o'simlik nomi] sifatida morfologik uyg'unlik(valentlik)ni yuzaga keltirgan.) Biz hech qachon *qizil sevgi*, *qizil tuyg'u*, *qizil chopmoq*, *qizil uxlamog* yoki *semiz gul*, *oriq gul*, *sal gul*, *xiyla gul*, *qovurigan gul*, *ichiladigan gul* deya olmaymiz. Chunki bu birliklarning tarkibidagi so'zlar bir-biri bilan moslashmaydi.

Fizikada jismlarning o'zaro ta'sirini tavsiflovchi fizik kattalik *kuch* deyiladi [4]. Kuch – o'zaro ta'sir va bog'lanish, demakdir. Masalan, magnitni temir qoshiqqa yaqinlashtirsak, temir qoshiq magnit tomonga harakatlanadi va u magnitga yopishadi. Ammo magnitni bir parcha taxtaning ustiga qo'ysak ham, u magnitga yopishmaydi. Nega? Javob oddiy: temir qoshiqning ichki potensiyasida magnit bilan tortish va tortilish kuchi bor. Taxta parchasida esa bu xususiyat yo'q.

Valentlik atamasi, eng avvalo, kimyo faniga tegishli bo'lib, biror kimyoviy element atomining boshqa element atomlaridan muayyan sondagisini birlashtirib olish xossasidir. Ximiyada “bir valentli”, “ikki valentli”, “ko'p valentli” atamalari ishlatiladi. Buni qanday tushunish kerak? Chunonchi, H₂O (suv) – suv molekulasida bitta kislorod atomi (O) bir valentli bo'lib, u vodorod (H) atomining ikkitasi bilan birikkan. Demak, bu yerda kislorod ikki valentli(H₂)dir.

Ammiak tarkibida (NH₃)gi azot (N) bir valentli, vodorod (H) esa uch valentlidir.

Demak, sintaktik aloqa ham, kuch ham, valentlik ham o'zaro ta'sir va bog'lanish, demakdir. Qachonki, ona tili o'qituvchisi o'quv predmetlari mavzulari orasidagi aloqadorlikni ziyraklik bilan topib, o'quvchilar shuuriga oson va sodda tarzda singdira olsa, ya'ni o'quvchi tafakkurini turli hodisalardagi assosiativ aloqadorliklarni anglash va topishga odatlantirsa, ona tili ta'limi maqsadining ro'yobi ta'minlanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Karimov I.A. Yuksak malakali mutaxassislar–taraqqiyot omili.–T.: O'zbekiston. 1995.–128 b.
2. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – T.: Tasvir, 2017. – 183 b.
3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. – Т.: Шарк, 1999. – 304 б.; Umumiy o'rta ta'limning ona tili fanidan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi.–Toshkent, 2017.–69 b.
4. Habibullayev P. va b. Fizika. 7-sinf uchun darslik.–Toshkent: O'zbekiston, 2017.–68-b.
5. www.uzO'rta ta'limning umumta'lim fanlari bo'yicha malaka talablari. Ona tili fani

НУТҚИЙ МУЛОҚОТНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ ҲАҚИДА

Зарипова А., БухДУФилология
факультети 2 курс талабаси

Нутқий мулоқот ўз навбатида бир неча босқичларга бўлинади. Булар: нутқий мулоқотнинг бошланиши (саломлашиш), нутқий мулоқотни сақлаш (суҳбат жараёни) ва нутқий мулоқот якуни (хайрлашиш). Хайрлашиш — маънавий тамойилларга асосланган хатти-ҳаракат шакли, нутқ одоби унсури. Ҳар қандай нутқий мулоқот тури хайрлашиш билан якунланади. Худди саломлашишдаги сингари хонани тарк этадиган ёки ким учун мақбул бўлса, у биринчи бўлиб хайрлашади. Худди шундай талаб қўл бериб Хайрлашишга ҳам тааллуқли: катта биринчи бўлиб кичикка қўл узатади. Ташриф буюрувчининг хизмат хонасидан бирор ишга алоқадор масала ҳал этилгандан кейин чиқиб кетиши олдидан суҳбатдошига стол устидан қўл узатиши ножоиз ҳисобланди. Ёши ўзидан катта шахс ёки аёл билан суҳбатлашган ижтимоий ходим учун энг яхши йўл қуйидагилар ҳисобланади: ташриф буюрган, хайрлашиш учун ўрнидан туриб кетишга чоғланганда ўриндан туриш. Кексайган, айниқса, ногирон киши кетаётганда уни эшиккача кузатиш одобдан бўлади. Суҳбатнинг якуни сифатида хайрлашиш бир қатор ўзига хос вазифани ўтайди: биринчидан, бу одатдаги одобга риоя этиш; иккинчидан, коммуникатив алоқани якунловчи бир ҳаракат.

Нутқий мулоқотнинг ҳар бир босқичи вербал ёки новербал шаклда ўз ифодасини топади. Шу ўринда хайрлашиш ҳам вербал ва новербал кўринишларга эга бўла олади.

Масалан, («хайр», «кўришгунча», «яхши қолинг», «хайр, кўришгунча») ва новербал — айтилган сўзга қўшимча тарзда енгил таъзим, қўл ҳаракати ва ҳ. орқали намоён бўлиши мумкин. Чунончи, *Одамлар соддалиги! Одамларнинг софлиги... азиз армонлари. Йўқ, булар мени бу дунёга сиздирмайди. Мен қаяққа боришим керак? Қора ерда мен ётсам бўлмасмиди! - Акбарали қабр тошидан бошини кўтарди. – Мен яна ўзимни ўйляпман. Наҳотки, шундан бошқага ярамасам? Бирзумлик хато... Бир нафас тубанлик... уни энди бутун ҳаётни бериб ҳам тузатиб бўлмайди. – Акбарали ўзининг ҳайкалига қаради. – Хайр... Бектемир ака ...* (А.Мухтор. Чинор).

Кеча мазор бошига бориб, дадангни мазорини суваб келдим. Раҳматли орзу-ҳавасингни кўролмай кетди. Тунов кун Собиржондан хат келган экан, сени сўрабди. Яхши, дедим. ишқилиб, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл (Ў. Умарбеков. Совға).

Ёки: *Иброҳимбий: Буйругингиз қайтармоқ қўлимдан келмайдир, қабул этаман. Бироқ бир кун менинг ҳам ўлимимга ҳукм чиқарарсиз, хоқоним!*

Хон: Қабул этдингми?

Иброҳимбий: Қабул этдим.

Хон: Эмди чиқиб, сақловда ётингиз. Эрта билан ёрлиқларингиз чиқар. Иккаласи ҳам дуо қилиб, енгил тазим ила чиқиб кетарлар (А. Фитрат. Абулфайзхон).

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, нутқий мулоқотнинг якуний босқичи — хайрлашувдир. У нутқий мулоқотнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – С. 52.
2. Карцевский С. Об *асимметричном* дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и извлечениях. Ч. II. – Москва: Просвещение, 1965. – 85 с.
3. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. – Калинин: КГУ, 1985. – С. 12-18.
4. Султон И. Асарлар. Тўрт томлик. 1-том. Драматургия. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 440 б.
5. Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 358 б.
6. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 365 б.
7. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 270 б.
8. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. – Тошкент, 2001. – 102 б.

“XONA” – O`ZAK MORFEMA VA QO`SHIMCHA MORFEMA SIFATIDA

Dildora Tosheva

BuxDU O`zbek tilshunosligi kafedrasida
o`qituvchisi, PhD.

Dunyoda juda ko`p millat va elat vakillari istiqomat qilib, ularning har biri o`z yashash tarzi, urf-odat va tiliga egadir. Yillar o`tgan sari fan-texnika rivojlanadi, millatlar orasida turli munosabatlar mustahkamlanib boradi. Bularning bari har bir millatning yashash tarziga ta`sir etishi bilan bir qatorda, uning tilida ham o`z aksini topadi. Shuning uchun ham, dunyoda hech bir til yo`qdirki, unda boshqa tillardan so`z o`zlashmagan, o`z sofligini saqlab qolgan bo`lsa.

O`zbek tili ham uzoq tarixga ega bo`lgan, kundan-kunga taraqqiy etib borayotgan tillardan biri hisoblanadi. Fan-texnika rivoji, boshqa davlatlar bilan bo`layotgan o`zaro iqtisodiy, madaniy va diplomatik munosabatlar natijasida o`zbek tili o`z lug`at sarhadini boyitib bormoqda.

Jumladan, tarkibida “**xona**” leksemasi mavjud bo`lgan va o`zbek tilida doimiy tarzda, kundalik hayotda qo`llanib kelinayotgan so`zlarni o`rganadigan bo`lsak, ularning har biri bir-biridan nozik ma`no qirralari bilan ajralib turadigan xususiy gramatik ma`no kashf etishining; shuningdek, ba`zi bir leksemalar semalari o`zaro mazmuniy yaqinlikka moyil bo`lib, umumiy gramatik ma`noni hosil qilishining guvohi bo`lamiz. O`zbek tilida “**xona**” leksemasi asosida birikkan so`zlar yuzdan ortiq bo`lib, ularning ba`zilarida “**xona**” – **o`zak morfema** vazifasini bajarsa, ba`zilarida “**xona**” – **qo`shimcha morfema** bo`lib kelgan. Shuningdek, boshqa bir guruh leksemalarda qo`shma so`zning tarkibiy qismi vazifasini ham bajargan.

“**Xona**” fors-tojik tilidan o`zlashgan so`z bo`lib, “**uy, turar joy, bino**” kabi ma`nolarni anglatadi. O`zbek tilida bu so`z: “**turar joyning alohida ajratilgan har bir bo`limi**” ma`nosida

qo'llaniladi. Quyida o'zbek tilida mavjud va "xona" leksemasi asosida birikkan so'zlar keltirilgan bo'lib, ular turli mazmun-mohiyatni kashf etishi bilan xarakterlanadi.

1. Ishratxona
2. Qovoqxona
3. Mayxona
4. Bangixona (tojik tilida gaplashadigan sheva vakillari nutqida uchraydi)
5. Qimorxona
6. Choyxona
7. Xonashin (tojik)
8. Xonavayron
9. Tirxona
10. Yotoqxona
11. To'yxona
12. Bazmxona
13. Xonaqoh
14. Darsxona
15. Pirxona (tojik)
16. Hojatxona
17. Pashshaxona
18. Boloxona
19. Xonadon
20. Qorovulxona
21. Mehmonxona
22. Selxona
23. Xashakxona
24. O'likxona
25. Qushxona
26. Muzxona
27. Qo'riqxona
28. Eshakxona
29. Otxona
30. Tovuxona
31. Qo'yxona
32. Axlatxona
33. Omborxona
34. Pillaxona
35. Qamoqxona
36. Bandixona
37. Cho'chqaxona
38. Gulxona
39. Molxona
40. Issiqxona
41. Kutubxona
42. Arixona
43. Kaptarxona (bo'lakdan butunga o'tish: butun qishloq shunday nomlanadi)
44. Somonxona
45. Itxona
46. Og'ilxona
47. Tug'ruqxona
48. Ishxona
49. Korxona
50. Xo'rakxona
51. Oshxona
52. Sartaroshxona
53. Kushxona
54. Jinnixona
55. Nozimxona
56. Bojxona
57. Kasalxona
58. Shifoxona
59. Qiroatxona
60. Rasadxona
61. Kirxona
62. Tintinxona
63. Arabxona
64. Xonabod
65. Hamxona
66. Xonadosh
67. Xamirxona
68. Qahvaxona
69. Tandirxona
70. Barakxona
71. Somsaxona
72. Novvoyxona
73. Ustaxona
74. Rasmxona
75. Suratxona
76. Dorixona
77. Omonxona
78. Ta'ziyaxona
79. Tomoshaxona
80. Qalandarxona
81. Tezakxona
82. Tahoratxona

- | | |
|---|------------------|
| 83. Saroyxona | 126. Shaltoqxona |
| 84. Bosmaxona | 127. Sharobxona |
| 85. Tijoratxona | 128. Juvozxona |
| 86. Ziyoratxona | |
| 87. Darvozaxona | |
| 88. Qabulxona | |
| 89. Samovarxona | |
| 90. Tobutxona | |
| 91. Xonaki | |
| 92. Qurtxona | |
| 93. Bedaxona | |
| 94. Tullakxona | |
| 95. Loyxona | |
| 96. Hushyorxona | |
| 97. Urug`xona | |
| 98. G`amxona | |
| 99. Xudoyixona (Bahovuddindagi
qo`y so`yilib qurbonlik
qilinadigan joy) | |
| 100. Fahshxona | |
| 101. Fohishaxona | |
| 102. Islovotxona | |
| 103. Xayolxona | |
| 104. Xazinaxona | |
| 105. Xaloxona | |
| 106. Xastaxona | |
| 107. Xilvatxona | |
| 108. Xilxona | |
| 109. Xobxona | |
| 110. Xonazod | |
| 111. Xonali | |
| 112. Xonanishin | |
| 113. Xonasallot | |
| 114. Xonaqohnishin | |
| 115. Xosxona | |
| 116. Jilovxona | |
| 117. Xo`rakxona | |
| 118. Ijodxona | |
| 119. Chakkaxona | |
| 120. Bo`zaxona | |
| 121. Choyxonachi | |
| 122. Ibodatxona | |
| 123. Sarxona | |
| 124. Chuchvaraxona | |
| 125. Elchixona | |

Ushbu leksemalar orasidan *omonxona* – mahsulot; *dorixonona* – dori-darmon sotiladigan bino degan xususiy gramatik ma’noni hosil qiladi. Shuningdek, *xamirxonona, qahvaxonona, tandirxonona, baraxxonona, novvoyxonona, somsaxonona* kabi leksemalar – iste’molga mo’ljallangan mahsulot tayyorlanadigan bino; *qiroatxonona* hamda *rasadxonona* – turli ilm sohalarini o’rganishga mo’ljallangan bino; *o’likxonona, qushxonona, muzxonona, qo’riqxonona, eshakxonona, xashakxonona, otxonona, tovuqxonona, qo’yxonona, cho’chqaxonona, molxonona, arixonona, kaptarxonona, itxonona, axlatxonona, omborxonona, pillaxonona, qamoqxonona, bandixonona, gulxonona, kutubxonona, issiqxonona, somonxonona, og’ilxonona* kabi so’zlar guruhi esa, – **turli narsa-buyum, hayvon va insonlar saqlanadigan hudud** umumiy gramatik ma’nosi asosida leksemalarning mazmuniy guruhini hosil qiladi.

Demak, boshqa tillardan so’z o’zlashtirish barcha millat vakillari uchun foydali bo’lib, bu ularning jahon taraqqiyoti bilan hamnafas bo’lishi, shuningdek, o’z ona tili rivoji uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Buni biz fors-tojik tilidan o’zlashgan “**xona**” so’zi asosida o’zbek tilida hosil bo’lgan va hozirga qadar qo’llanilib kelinayotgan leksemalar misolida aniqlashga muayassar bo’ldik.

BUXORO ETNOTOPONIMLARI

B.E.Qilichev (BuxDU)

N.B.Adizova (BuxDU)

O’zbek tili lug’at boyligining bir qismini etnonimlar tashkil etadi. Etnonimlar ma’lum bir hududda yashab kelayotgan etnik guruhlar haqida ma’lumot beruvchi lisoniy birlik sanaladi. Ular asosida paydo bo’lgan joy nomlari etnotoponimlar deb yuritiladi. Etnotoponim elat va qavmlar yashab kelgan joylar, hududlarni muayyanlashtirish va aniqlashga xizmat qiladi. Shuning uchun etnotoponimlarni to’plash, tadqiq etish nafaqat tilshunoslik, balki tarix, etnografiya, arxeologiya, geografiya, o’lkashunoslik sohalari uchun ham qimmatli ma’lumotlar beradi. Etnotoponimlar madaniyat va ma’naviyatimizning turli yo’nalishlari doirasida keng qamrovli izlanishlar olib borishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Etnonim va etnotoponimlarni o’rganish borasida K.MarqaeV, A.Otajanova, A.TuroboV, D.Madrahimova, A.Ergashevlar tadqiqot ishlari yaratgan. Z.Do’simov va X.Egamovlarning lug’atida etnonimlar haqida ayrim qiziqarli ma’lumotlarni keltirgan [8].

Etnotoponimlar ko’p asrlar mobaynida tabiiy holda yuzaga kelgan nomlardir. Ularning ijodkori, yaratuvchisi esa oddiy xalq hisoblanadi. Etnotoponimlar, bir tomondan, ma’lum obyektning atoqli oti, juda qadimiy so’z bo’lsa, ikkinchi tomondan, xalqning tarixini aniqlashtirishga yordam beradi. Etnotoponimlar sifatida bugungi kunda saqlanib kelayotgan millat nomlari xalqlarning moddiy va madaniy aloqalarini ham o’zida aks ettiradi. Millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar tarixiy ma’lumot tashishdan tashqari, mahalliy millat tiliga ham o’z ta’sirini ko’rsatadi. Bunday etnotoponimlarni Buxoro viloyati miqyosida ham kuzatishimiz mumkin. Masalan, *turkon* (Buxoro tuman Ko’chkumar QFY, Turkon MFY, Yurinbolo QFY), *o’zbek* (Olot tuman; o’zbekon – Buxoro tuman Qo’shxodim MFY, Shergiron QFY; Romitan tuman; Quyi O’zbekon – 64-sonli “Otbozor” QFY; O’zbekobod – Kogon tuman) kabi bir qancha millat nomlari asosida yuzaga kelgan etnotoponimlarni uchratishimiz mumkin.

Bulardan tashqari, tarixiy vaziyat sababli O‘zbekiston hududiga ko‘chib kelgan va shu yurt xalqiga singib ketgan millatlarni ham uchratamiz. Bulardan biri sifatida arab millatni ko‘rsatishimiz mumkin. Tarixdan ma‘lumki, VI-VII asrlarda ayrim arab elatlari birlashdi va Arab xalifaligi tashkil etildi. Ular bosqinchilik yurishlari natijasida boshqa xalqlar hududiga ham tarqalib ketdi. Shulardan biri O‘rta Osiyo arablaridir. Ular shu hududda yashab, o‘zlarini arab deb nomlovchi etnik guruh bo‘lib, ajdodlari VII-XIV asrlar davomida kelib o‘rnashib qolgan. O‘zbek, turkman va tojik millatining tarkibiga kirgan. O‘rta Osiyo arablarining asosiy qismi O‘zbekistonning Buxoro, Samarqand va Qashqadaryo viloyatlarida, shuningdek Farg‘ona vodiysi shimoliy-sharqiy qismida yashaydi [2, 388-389]. Arab etnonimi bilan bog‘liq nomlar viloyatning markazi Buxoro shahri va 8 ta tuman hududida uchraydi: *Arabon, Arablar, Arabxona, Katta Arablar, Katta Arabxona, Qal‘ayi Mir Arab, Yuqori Arabxona, Arabsaroy, Tarob-Arabxona, Arabguzar, Arabdiyor, Arababdol* kabi.

Buxoro viloyati hududida mo‘g‘ul etnonimi asosida shakllangan etnotoponimlarning salmog‘i ham keng. T.Nafasov B.Karmisheva fikriga tayanib, mo‘g‘ul – qadimgi turkiy qabilalardan biri ekanligi, keyinchalik o‘zbek xalqi tarkibiga singib ketligi haqida ma‘lumot bergan hamda mo‘g‘ul istilosi davrida Mo‘g‘ulistondan kelib O‘zbekistonda o‘troqlashib qolgan turkiy qabilalar alohida etnik birlik sifatida mo‘g‘ul deb atalganligini qayd etgan [5, 173]. Turli etnik munosabatlar natijasida hozirgi O‘zbekistonning ma‘lum bir qismlarida mo‘g‘ullar yashaydigan ba‘zi hududlar paydo bo‘lgan. Mahalliy aholi ularning o‘z xalqi nomi bilan atay boshlashgan va bu keyinchalik mo‘g‘ullar istiqomat qilayotgan joyga nisbatan ham qo‘llanilgan. Mo‘g‘ullar kelib o‘rnashgan joy shu nom bilan atala boshlangan va bugungi kunda bu hududlarda mo‘g‘ul millatiga mansub kishilar istiqomat qilishmasa-da, xalq nomi etnotoponim sifatida saqlangan. Bular jumlasiga quyidagilarni kitish mumkin: *Mug‘ulon, Mugolon, Mo‘g‘ilon, Mug‘ullar*, Etnotoponimlar tarkibidagi –on qismi ko‘plikni ifodalab kelgan. Mazkyr qo‘shimcha o‘zbek tilidagi –lar ko‘plik shakliga mos keladi.

Viloyat toponimiyasida qozoq etnonimi ishtirokida bir nechta joy nomi mavjud. Qozoqlar bugungi kunda Qozog‘iston Respublikasi tub aholisi, turkiy tillardan birida so‘zlashuvchi xalqning nomi [3, 593]. Ularning etnogenezi turli ko‘chmanchi qabilalarning uzoq muddat davomida aralashuvi sharoitida kechgan. Qozoqlarning qadimgi ajdodlari saklar, usunlar, albanlar, vikinglar va boshqalardan iborat bo‘lgan. VI-VII asrlarda Qozog‘istonning janubi-sharqida yashagan qabilalar G‘arbiy Turk xoqonligi tarkibiga kirgan. XII asr boshlarida Qozog‘iston hududiga qoraxitoylar bostirib kirgan va ular mahalliy aholi bilan aralashib ketgan. XIII asrda qozoqlar nayman xoni boshchiligida birlashib hozirgi qozoq yerlaridan tashqari Mo‘g‘ul va Rossiya yerlarini bosib oladi, hamda Oltin O‘rda nomli yirik imperial davlatni tashkil etadi. Oltin O‘rda davlati XV asr o‘rtalarida parchalanadi. XVI asr boshlarida qozoq qabilalari Qozoq xonligiga birlashadi (ilgari Qozoq xonligi hududida yashagan o‘zbek qabilalari Shayboniyxon boshchiligida hozirgi O‘zbekiston hududiga ketadi). Qozoqlarning qabila-urug‘lari tarixan 3 guruhga bo‘linib, alohida hududlarda yashaganlar. Ular juzlar deb atalgan (Katta juz, O‘rta juz, Kichik juz) [4, 46].

Xullas, qozoq millati siyosiy tarqoqlik oqibatida Markaziy Osiyoning O‘zbekiston va boshqa davlatlarida jon saqlab qolish maqsadida kelib o‘rnashib qolgan, shuning natijasida Buxoro viloyatida ham qozoq millati asosida etnotoponim shakllangan deyish mumkin. Bunday etnotoponimlarning quyidagi shakllari mavjud: *Qozoqon, Qozoqovul* kabi.

Birinchi etnotoponim tarkidagi –on, yuqorida qayd etilganidek, ko‘plikni ifodalagan. Ikkinchi etnotoponim esa qo‘shma gap shaklida bo‘lib, [etnonim+ovul] qolipida yasalgan. Ovul

mo'g'ul va turkiy tillarga oid qadimiy so'z bo'lib, mo'g'ulcha *ayl* – *yurtlar to'dasi; oila, xonadon; qora uy, uy, hovli, xo'jalik* ma'nolarini o'zida jamlagan [5, 189]

Turkman millati nomi asosida shakllangan etnotoponimlarga ***Turkmanlar, Turkman o'g'li*** kabi joy nomlarini kiritish mumkin. Turkmanlar ham siyosiy jarayonlar natijasida bizning hududlarga kelib o'rtnashib qolgan. Turkmanlarning etnogenezida mahalliy daxmassagetlar, shuningdek, sarmatlar, alanlar qabilalari, qisman qadimgi Marg'iyona, Parfiya va Xorazm davlatlari aholisi qatnashgan. 1-ming yillik o'rtalarida Kaspiy bo'yi cho'llarida turkiy qabilalar, IX asrda o'g'uzlar paydo bo'lgan. Ular turkmanlarning etnogenezida muhim rol o'ynagan. O'g'uzlarning asosiy guruhi XI asrda shimoli-sharqdan kelib, mahalliy aholi bilan aralashib ketgan. XV asrda turkman elati shakllangan. XX asrgacha turkmanlarda qabila-urug'larga ajralish saqlangan. Ulardan eng yiriklari: takalar, yovmutlar, ersari, solurlar, sariklar, gyoklan va choudorlar bo'lgan. Turkman xalqi hozirda O'zbekiston, Shimoliy Kavkaz, Astraxon viloyati va Rossiya Federatsiyasining bir nechta shaharlarida, Afg'oniston, Eron va Turkiyada yashaydi [6,668]. Shu jumladan, Buxoro viloyatining ba'zi hududlarida ham turkman xalqining istiqomat qilganligi haqidagi ma'lumotlarni bugungacha saqlanib kelinayotgan etnotoponimlar orqali bilish mumkin.

Qoraqalpoqlarning eng qadimgi etnogenezi Amudaryo deltasi va Orol Kaspiybo'yi cho'llarida miloddan avvalgi VII-IV asrlarda yashagan sak-massaget qabilalari bilan bog'liq. VI-VIII asrlarda mahalliy aholi bilan turkiy qabilalar qisman aralashib ketgan. VIII-X asrlarda bijanak (pecheneg) va o'g'izlar muhitida qoraqalpoq millati shakllana boshladi. Chingizxonning bosqinchilik harakatlari vohani cho'lga aylantirgan, bu Amudaryo quyi oqimi atroflarida yashagan aholining ko'plab ko'chib ketishiga sabab bo'lgan. Qoraqalpoqlar g'arbga, O'zbo'y, Volga va Ural tomonga ko'chib o'tganlar. U yerda Oltin O'rda tarkibida bo'lganlar. Ular Rashididdin asarida "qavmi kulohi siyoh" deb atalgan. Qoraqalpoqlarning aksariyat qismi XVI-XVIII asrning o'rtalarida Sirdaryoning o'rta va quyi oqim bo'ylari hamda bir qismi Orol mintaqasida yashashgan.

Ma'lumotlarga ko'ra qoraqalpoq – turkiy xalqlardan biri. O'zbek xalqining ham qoraqalpoq urug'i bo'lgan, shuningdek kenagas urug'i tarkibidagi bir shaxobcha nomi ham qoraqalpoq [5, 388]. Bu etnonim asosida shakllangan etnotoponim Buxoro viloyatida ***Qoraqalpoq*** shaklida uchraydi.

Yuqorida sanalganlardan tashqari viloyat toponimiyasida afg'on etnonimi ishtirokidagi ***Afg'onon***, xitoy etnonimi asosida shakllangan ***Xitoyon*** nomlai uchraydi.

Aytish mumkinki, viloyat hududida ko'plab etnotoponimlar mavjud. Ular turli davrlarda, turlicha sharoitlar asosida paydo bo'lib, bugungi kunga qadar tilimizda faol qo'llanib kelinmoqda. Demak, millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar tarixiy muhit, shart-sharoit haqida axborot tashish bilan bir qatorda, millat leksikasiga ham o'z ta'sirini o'tkazadi va mahalliy aholini etnik tarkibini ifodalovchi nomlar – etnonimlar jamiyat taraqqiyoti ta'sirida yo'qolib borsa-da, aholi manzillarining maxsus atoqli nomi sifatida toponimik leksikonda saqlanib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, 1-том. –Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981, 50-б.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 1-жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000, 388-389-б.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, 2-том. –Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981, 593-б.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 11-жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2005, 46-б.
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Тошкент, “Муҳаррир”. 2009, 430 б.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 8-жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2004, 668-б.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б.
8. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 174 б.

O‘ZBEK TILIDAGI MATNLARNI ERKIN KONTEKST ASOSIDAGI GRAMMATIKA YORDAMIDA TAHLIL QILISH

Saodat Ashurova

ToshDO‘TAU talabasi (Toshkent)

O‘zbek tilidagi gap tarkibida so‘zlar tartibining o‘zgarib turishi va agglyutativ tillarga xos tabiati erkin kontekst asosidagi grammatika yordamida tahlil qilishning ishlab chiqilgan qoidalariga har doim ham mos tushavermasligining boisidir. Birinchi muammo gapdagi so‘zlarning grammatik belgilari bilan semantik xususiyatlari birgalikda aniqlanganda bartaraf etilishi mumkin. Ikkinchisi esa tahlil jarayonini: yana bir bosqich – morfo-sintaktik bosqichni talab etadi. Ma’lumki, barcha turkiy tillar singari, o‘zbek tilidagi gaplar tarkibida so‘zlarning tartibi ham kontekstga qarab o‘zgarib turadi. Avtomatik tahlil jarayonida esa bu kabi prosodik belgilarni aniqlash qiyin. Bu vazifani so‘zlar tartibi, morfologik belgilar va statistik tahlil bajaradi. O‘zbek tilidagi “*Bola yozdi*” va “*Yozdi bola*” gaplarining sintaktik modeli 1-rasmdagi kabi bo‘ladi.




1-rasm

Yuqoridagi kki xil sintaktik daraxtni ifodalash uchun quyidagi ikki qoidani kiritish mumkin:

1. S: NP VP
2. S: VP NP


Bu texnika gapdagi soʻzlarni belgilangan kategoriyalarga ajratish bilan amalga oshirildi. Aniqroq va tezroq natijaga erishish mashinaning shu til strukturasi qanchalik oʻrgana olishi, yaʼni sintaktik analiz qilingan korpus tarkibidagi matnlarning hajmi va xilma-xil qurilishga ega ekanligiga bogʻliq boʻladi.

Bundan tashqari, belgilashga soʻzlarning semantik vazifasini aniqlab quyidagi holda kiritish mumkin (2-rasm).



2-rasm

“Ukam kitobni oʻqidi” gapida ikkita otlı birikma bor. Ularning biri ega vazifasida kelgani uchun uni S (Subject) bilan belgilab olamiz. Ikkinchisi toʻldiruvchi vazifasida kelgan va uni O (Object) deb belgilash mumkin. Bu turdagi grammatikada gaplarni tahlil qilganda ularni kichik maʼnoli qismlarga ajratish zarur. Koʻp hollarda bunday kichik birliklar soʻzlarni tashkil qiladi. Bundan tashqari punktuatsion belgilarning ham alohida ajratilishi maqsaga muvofiq boʻladi. Boshqa tuzilmalar tokenlarning kombinatsiyasidan hosil boʻladi. Shu sababli sintaktik daraxt modelida tokenlar shu daraxtning barglarini tashkil etadi. Tokenlarni daraxt modelining barglari sifatida tahlil qilish ingliz va boshqa xorijiy tillar uchun qulay boʻlishi mumkin. Chunki ushbu tillardagi soʻzlar kam holatlarda grammatik(soʻz yasovchi emas) qoʻshimchalarni oladi va ularni aniq bir kategoriyaga kiritib qoʻyishning oʻzi kifoya. Turkiy tillar qatori oʻzbek tilida ham gap birgina kesimning oʻzidan hosil boʻlgan boʻlishi mumkin. Bunda kesimning tarkibidagi koʻmakchi morfemalar gapning zamoni, egasi, maylini aniqlashtirib keladi. Shu uchun ingliz tilidagi matnlarni tahlil qilish uchun ishlab chiqilgan qoidalarni har doim ham oʻzbek tilidagi matnlarning sintaktik analiziga toʻgʻridan toʻgʻri tatbiq etib bolmaydi. Oʻzbek tilidagi “Bormadik” gapi bilan ingliz tilidagi “We did not go” jumlasining sintaktik daraxt modelini tuzganimizda ham bu farq yaqqol seziladi (3-rasm).




3-rasm

Ingliz tilida boʻlishsizlik, zamon kabi kesimlik shakllarining alohida kombinatorik birlik (soʻzlar) bilan ifodalanishi mashinaning til strukturasi oʻrganishi va keyingi misollar uchun tatbiq eta olish qobiliyatini oshiradi. Statistik yondashuv asosida keyinchalik mashinaning oʻzi


ham mustaqil jumlar tuza olish imkoniga ega bo‘ladi. O‘zbek tilida kesimlik shakllari so‘z tarkibida kelgani uchun kompyuter bir so‘z sifatida qaraydi. Natijada sintaktik va semantik tahlil jarayonida ayrim xatolarga yo‘l qo‘yadi.

Ishik universitetining mutaxassislari bo‘lgan Berke O‘zench va Erjan Solakning fikriga ko‘ra, turkiy tillar uchun avtomatik sintaktik tahlil jarayonini morfemik tahlildan boshlash kerak²⁴. Bu jarayonga kirishishdan oldin mutaxassislar tomonidan qaysi qo‘shimchalarni alohida qism qilib ajratish kerak, qaysilarini bir guruhga birlashtirish kerakligini aniqlashtirib olish zarur. Ularning fikriga ko‘ra, turk tilidagi bo‘lishsizlik va zamon qo‘shimchasini alohida guruhlariga ajratishni, shaxs-son qo‘shimchalarini esa, zamon qo‘shimchalari bilan bir guruh qilish mumkin. Buning asosiy sababi zamon va shaxs-son qo‘shimchalarining doimo ketma-ket tartibda kelishidir. Shunda turk tilidagi *“Gelmeyeceğim(Kelmayman)”* gapining erkin kontekstli grammatikadagi sintaktik tahlili quyidagi ko‘rinishga ega bo‘ladi:



4-rasm

Bu yondashuvni, ko‘plab turkiy tillar qatori, o‘zbek tili uchun ham qo‘llash mumkin. Bu holatda *“Kelmayman”* gapi quyidagicha sintaktik daraxt modeliga ega bo‘ladi.



5-rasm

Bu sintaktik daraxt orqali tahlil uchun ikkita grammatik qoida joriy qilish mumkin:
1.S: VP.

2.VP: VS Neg TP.

Bu yerda S- boshlang‘ich belgi (gap), VP(verb phrase)- fe‘lli birikma, ya‘ni, aniq fe‘l uchun noterminal belgi, VS(Verb stem)- fe‘lning asosi, Neg(negative)- bo‘lishsizlik qo‘shimchasi, TP (Tense and person)- zamon va shaxs-son qo‘shimchalarini ifodalaydi.

²⁴ Berke Özenc, Ercan Solak. Syntactic annotation of Turkic languages/International conference on Turkic Language processing(TURKLANG)– Simferopol, 2019

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Chomsky, N. Formal properties of grammars// Information and control– New Jersey, 1959. №2. 137-167-p.
- 2.Hoffman, B. The computational analysis of the syntax and interpretation of " free" word order in Turkish. IRCS Technical Reports Series, 1995.
- 3.Göksel, A., & Kerslake, C. *Turkish: A comprehensive grammar*– Abington: Routledge, 2004.
- 4.Dönmez, İ., & Adalı, E. (2018). Context Free Grammar For Turkish. Süleyman Demirel Üniversitesi Fen Bilimleri Enstitüsü Dergisi, 2018.№ 22(2). 552-561-p.
- 5.Berke Özenç, Ercan Solak. Syntactic annotation of Turkic languages/International conference on Turkic Language processing(TURKLANG)– Simferopol, 2019

TIL KO'NIKMALARINI EGALLASHDA DIDAKTIK O'YINLARNING AHAMIYATI

Sabohat Bozorova

ToshDO'TAU katta o'qituvchisi,

Ibodot Bozorova

Navoiy davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

Didaktik o'yinlar eng ko'p qo'llaniladigan ta'lim sohalaridan biri xorijiy tillarni o'qitishdir. Sinfda o'ynalgan o'yinlar vositasida o'quvchi beixtiyor bir qancha ma'lumotlarni o'rganib oladi.O'yinlar til o'rganuvchining o'zini erkin his etishi va faol harakat qilishiga imkoniyat yaratadi.O'yin vositasida o'rganilgan bilimlarning xotirada oson va uzoq vaqt saqlanishi tadqiqotlarda isbotlangan. Insonning o'zi uchun qiziq tuyulgan narsani e'tibor bilan o'rganishi barchaga ma'lum. Hayotda turli faoliyatlarni amalga oshirish imkonini beruvchi o'yinlar ta'lim jarayonida so'zlashuv, yozish, tinglash va o'qish kabi til ko'nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Chunki til o'zaro ta'sir va muloqotni talab qiladi.

Bolalikda til ko'nikmalari o'yin jarayonida boshqalar bilan muloqotga kirishish orqali hosil qilinadi.Ma'lum bir bosqichda bolalar atrofdagi hamma narsani anglash uchun savol-javob tarzidagi muloqotni amalga oshiradi.Diqqat bilan qaralsa, bu jarayon bolaning nazarida o'yindan iboratligi seziladi.Ona tilini o'rganishda shu darajada ahamiyatli bo'lgan o'yin asosidagi bu faoliyatdan xorijiy tillarni o'qitishda ham samarali foydalanish mumkin.

Xorijiy tillarni o'qitish ta'lim-tarbiya jarayonining muhim masalalaridan sanaladi. Xorijiy tillarni o'qitishda talabalarning zerikishiga yo'l qo'ymaslik, ularning qobiliyati, qiziqishi va istaklarini hisobga olish zarurligi mutaxassislar tomonidan ta'kidlanadi.Chunki til o'rganish uzoq vaqt, sabr, g'ayrat va jiddiy mehnatni talab qiladigan jarayondir.

Ta'lim jarayonida didaktik o'yinlardan foydalanish turli fikrlarga sabab bo'lmoqda.Bir guruh mutaxassislar fikricha, o'yin o'quvchi va o'qituvchini an'anaviy ta'lim muhitidan

uzoqlashtirib ta'limni odatdagi qoida va tartiblardan xalos qiladi. Bunday yondashuv darslarning yanada mazmunli o'tishini ta'minlaydi va ko'zlangan maqsadga tezroq yetilishiga xizmat qiladi.

O'yinning ta'limda qo'llanilishi tarbiya muhitining faqat ta'lim muassasasi bilan chegaralanadigan jarayonida boshlangan holat emas. O'yin bolaning ta'lim olishni boshlashdan oldingi hayotida ham muhim o'rin tutadi. Shu bois pedagoglar o'yinni bolaning aqliy va jismoniy rivojlanish jarayonining ajralmas parchasi hamda ta'limdagi muhim vosita ekanligini e'tirof etadi. Bola o'yin asnosida tabiiy yo'l bilan o'rganadi va jarayonga jami sezgilarini jalb qiladi.

O'yin va o'rganish orasidagi aloqa, o'yinning ta'limda o'qitish usuli sifatida qo'llanilishini ta'minlagan xususiyat nima? O'yin ma'lum maqsadga yo'naltirilgan, jismoniy va aqliy qobiliyatni talab etadigan, ma'lum joy va vaqtda o'ziga xos qoidalar asosida tashkil qilinadigan, ijtimoiy moslashuv, zakovat hamda ko'nikmalarni rivojlantiruvchi, ayni paytda ko'ngil ochuvchi mashg'ulot turidir.

O'yin insonni hayotiy ehtiyojlarni ta'minlashda kerak bo'ladigan ijtimoiy munosabatlarga o'rgatadi. O'yinlar vositasida g'alaba va mag'lubiyat tuyg'ulari his etiladi, xato qilish, uni tuzatish imkoniyati beriladi. Shu jihatlari bilan shaxsda ijtimoiy, psixomotor, aqliy va boshqa turdagi rivojlanish yuzaga keladi.

O'yin o'rganuvchiga qiziq bo'lmagan, uni bezdiradigan narsalarni qiziq holga keltiradi, qiziq tuyulgan narsani o'rganishga ishtiyoq paydo qiladi. O'yin paytida hayotdagiga o'xshash sahnalarning yaratilishi, turli vaziyatlar bilan bog'liq fikrlarning paydo bo'lishi haqiqiy hayotda insonga yordam beradi. O'yinlar ta'limning ajralmas elementi sifatida qo'llanganda ta'lim samaradorligining sezilarli darajada oshishi bir qancha tadqiqotlar natijasida asoslangan.

Xorijiy til ta'limida o'yinlar ikki maqsadda ishlatiladi. Bulardan birinchisi til bo'yicha egallangan bilimlarni to'g'ri qo'llashdir. Grammatik o'yinlar shu maqsadga xizmat qiladi.

Nutqning ravonligini ta'minlashga qaratilgan kommunikativ o'yinlarda tilning tuzilishi, grammatik qoidalar ikkinchi planda bo'ladi. Shu bois ularda grammatikadagi xatolarga ahamiyat berilmaydi. O'yin vositasida o'rganish faol ta'lim hisoblanadi. Hozirgi pedagogikada o'yin ta'lim vositasi sifatida baholanadi. An'anaviy ta'lim tarafdorlari esa o'yinlarni samarali faoliyat deb bilmaydi, hatto, darslarda ulardan foydalanmaydi ham. Aslida, o'yinlar insonning aqliy rivojlanishi va til o'rganishida muhim ahamiyat kasb etadi.

O'yin vositasidagi ta'lim o'quvchi uchun tabiiy muhit va erkinlik yaratadi, insonni ijtimoiy munosabatlarga tayyorlaydi. Shu bilan birga insonning xayolot olamini kengaytiradi ham. Ba'zi o'yinlar kichik guruhlar tarzida o'ynalsa, ba'zilarida o'quvchilar 2 guruhga ajratiladi. Dars jarayonida qo'llaniladigan o'yinlarni diqqat bilan tanlash lozim. Bu oson ish emas. Darsning samaradorligi qisman shu tanlovning to'g'ri bo'lishiga bog'liq.

O'yinlar dars mavzularini mustahkamlashga xizmat qilishi lozim. Butun darsning o'yinga asoslanishi to'g'ri bo'lmaydi. O'qituvchi o'yinning talabning bilim darajasi, yoshi, o'rganilayotgan mavzuga mos bo'lishini hisobga olishi kerak.

Shunda ko'zlangan maqsadga erishiladi.

“*Quloqdan quloqqa*” o‘yini til ta’limida foydalanish mumkin bo‘lgan o‘yinlardan biridir. Bu o‘yinni qisqa vaqt davomida osongina tashkil qilish mumkin. O‘qituvchi, sinfdagi o‘quvchilarning yoshi va til bilish darajasini hisobga olgan holda, ulardan birining qulog‘iga bir jumlanı aytadi. O‘quvchi esa bu jumlanı boshqa bir o‘quvcining qulog‘iga aytadi. O‘yin shu tariqa davom etadi va oxirgi o‘quvchi jumlanı ovoz chiqarib aytadi. Agar jumla o‘zgargan bo‘lsa, qaysi o‘quvchi xatoga yo‘l qo‘ygani aniqlanadi.

Mantiqiy tafakkur va matematik mashqqa asoslangan o‘yinda sonlar o‘rganilayotgan tilda takrorlanadi. O‘quvchilarga turli raqamlar beriladi. Birinchi raqamdagi o‘quvchi o‘z raqamini va navbat bermoqchi bo‘lgan sinfdoshining raqamini aytadi. Masalan, “Bir-yetti” deyishi mumkin. Yettinchi raqamdagi o‘quvchi ham o‘z raqami va navbat bermoqchi bo‘lgan o‘rtog‘ining raqamini aytadi. O‘yin shu tarzda davom etadi. Xatoga yo‘l qo‘ygan o‘quvchi o‘yindan chiqariladi. O‘yin oxirida o‘quvchilar qarsak chaladi.

Turli darajadagi iqtidorga ega bo‘lgan o‘quvchilarga til o‘rgatishda didaktik o‘yinlar muhim ahamiyat kasb etadi va darslarning samarali o‘tishini ta‘minlaydi. Barcha o‘quvchilarning aqliy qobiliyati hisobga olingan o‘yinlar til o‘rganuvchilarnı rag‘batlantiradi, ularning o‘ziga bo‘lgan ishonchini orttiradi, fan asoslarini egallashini osonlashtiradi.

Xorijiy til ta’limida hozirga qadar mavjud bo‘lgan nazariyalar, tamoyillar tilning 4 asosiy ko‘nikmasi: tinglash, so‘zlashish, o‘qish, yozishning parallel holda olib borilishini yoqlaydi. Bu jarayonga sahna ko‘rinishlarida rol bajarish ham kiritilsa, til o‘rganuvchilarning qiziqishi yanada ortadi. Xorijiy til ta’limida qo‘llaniladigan o‘yinlardan ikkinchi tilni o‘rgatishda ham foydalanish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Aksan, D. (1977). *Her Yönüyle Dil: Ana Çizgileriyle Dilbilim, Türk Dili Kurumu Yayınları: 439, Ankara, 55-65.*
2. Anşin, S. (2006). Çocuklarda Yabancı Dil Öğretimi. D.Ü. Ziya Gökalp Eğitim Fakültesi Dergisi, 6, 19.
3. Aral, Neriman. Çocuk Gelişiminde Oyunun Önemi. Çağdaş Eğitim, Mayıs 2000, sayı: 265.
4. Aytaş, G. (2008). Türkçe Öğretiminde Tematik Yaratıcı Drama Etkinlik ve Uygulamaları. Ankara: Akçağ Yayınları, 146.
5. Başkan, Ö. (2006). Yabancı Dil Öğretimi İlkeler ve Çözümler. İstanbul: Multilingual, 77.
6. Bayyurt, Y., vd. (2009). *Yabancılarla Türkçe Öğretimi*. Anı Yayıncılık, Ankara, 33.
7. Coşkun, Hasan. Türkiye’de İkinci Yabancı Dilin Oyun Yoluyla Etkili Öğretimi. Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, sayı: 1, Güz 2008.

8. oban, Bilal (2006).Orta Öğretimde ve Üniversitelerde Eğitsel Oyunlar, Nobel Yayınları. Ankara.
9. Demircan, (2005).Yabancı Dil Öğretim Yöntemleri. İstanbul: Der Yayınları, 204.
- 10.Ekmekçi, Özden, Ekmekçi, Turgut.Yabancı Dil Öğretiminde Benzetleme ve Oyun Etkinliđi. İZLEM Yabancı Dil Öğretimi Dergisi, 4, 1980, 20-25.
- 11.Wright Andrew, David Betteridge, Michael Buckby (2005) Games for Language Learning, Cambridge University Press.

2-ШЎБА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

САМАНДАР ВОҲИДОВ ШЕЪРИЯТИДА СЕВГИ-МУҲАББАТ МАДҲИ

Сафаров О., Филология фанлари доктори, профессор,
Сафарова Х., БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти

Бухоройи шарифда радиожурналистика тараққиётини, айниқса, тележурналистика ва телепублицистиканинг қарор топиши ва ривожини таниқли шоир ва мутаржим, ҳозиржавоб публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Самандар Воҳидов фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмади. Чунки у XX асрнинг 70-йилларидан янги асрнинг дастлабки ўн йиллигидаги қирқ йилдан зиёдроқ даврдаги бутун ижобий-ижтимоий фаолиятини шу соҳа равнақига бағишлаб, эл-юрт ободлиги ва озодлиги куйчиси даражасига кўтарила олди.

Самандар Воҳидовнинг “Кафтимда гул”, “Қатраларда нур ёнар”, “Оламдан ранг излаб”, “Хаёлинг мен билан” каби қатор тўпламларидаги шеърлар китобхонлар қалбидан аллақачон ўрин олган. Шоир ижодида севги-муҳаббат мавзуида ёзмлган шеърлар анчагина. “Тун”, “Мен сени унутдим деган кун”, “Беғубор ҳислар”, “Бир аёл”, “Отабекнинг жон узаётган Кумуш бошида таваллоси”, “Сенсиз”, “Ёлғон”, “Баҳорга эргашиб қуёш ҳам қайтади”, “Мунаввар нигоҳинг нурли бир дунё”, “Мажнуннинг ҳасрати”, “Қийин”, “Мен кетсам камайиб қолмайди дунё”, “Ҳижрон тунида”, “Сен борарсан, ортингдан”, “Сен нега йиғлайсан?”, “Ё Раб, бу муҳаббатми?”, “Энди сени”, “Видолашдинг”, “Ортиқ тушларингга кирмас эмишман”, “Пинҳона эди ишинг”, “Эй, меҳри мунавварим”, “Қолди қаёнда”, “Бир табассум”, “Менга насиб сирли суҳбатлар”, “Савол-жавоб”, “Чорлов”, “Озорингми, оромингми эди насибам”, “Келмайсанми?”, “Оппоқ туш”, “Умиднинг сўнги эртаги”, “Илтижо”, “Лабларинг қимирлар”, “Ўтинч”, “Кошки”, каби шеърларида бу нозик инсоний туйғу ранг-баранг жилоларда талқин қилинганлиги билан ўқувчилар қалбини энтиктира олувчи эстетик қудрат касб этган. Чунончи, “Тун” шеърида тундаги висолнинг завқи қалбни энтиктирар, “Беғубор ҳислар”да қувлашмачоқ ўйнаётган қизга – қочағон, болақай эса – тутағон бўлиб, қаригунларича чопишаркан:

Қизча юзи оловланади,
Кокилидай тўзғир хаёли.
Бола бироз каловланади,
Ростакамга ҳорган мисоли.[1,34]

Шу аснода икки дилда икки хил туйғу ниш ура бошлайди. Шоир ёшлар қалбида туғила бошлаган бокира севги манзарасини ғоят ишонарли кўрсата олган:

Бола ўйлар: – “Тутсам уялар;
“Чарчади”, – деб ўйлар қизалоқ.
Бола –
Тутмасликни қанчалар истар,
Қизча –
Тутилишни истар ўшандок.[3,23]

Бундай беғубор ҳислар бу ўтлиғ нигоҳ ёки бир ёниқ табассумдан яна чўғлана боради. Ана шунда ошиқ маъшуканинг бир табассум этишини интиқлик билан кута бошлайди, лекин аниқ ўша табассум? Шоир ёр табассумини кутиш изтиробларини ”Бир табассум” шеърида ғоят таъсирли ифодалашга эришган. Ошиқ маъшукасидан дунё эмас, биргина табассумни интиқлик билан кутса, маъшуқа уни минг кўйга солиб азоблашдан ҳузурланади. Ишқ ана шундан ранг ва ўт олиб ёнади ва қалб мулкига айланади:

Тақдиримни шу биргина иқрор ақл этар,
Ё Раб, ишққа иқрорлигинг орми шу қадар,
Дунё эмас, бир табассум тилар Самандар,
Тупроқ ила тўлмайд кўзим бир айла шод,
Бир табассум ҳадя айла, менга паризод...[2,41]

Табассум – маъшуканинг севгига иқрорлиги воситаси, ошиқ уни шу қадар интиқлик билан кутиши сабаби шунда. Бундай табассумга эришган саодатли лаҳзаларда ошиқнинг қалби ҳаприқиб кетади, у оламга сизмай қолади, “оққушдай учиб, юлдузларни учмоқчи” бўлади.

Шоир севги ҳижронини тасвирлашда мумтоз шеъриятга хос анъанага амал қилади, ундаги поэтик образлар ва тасвирий воситаларга ижодий ёндашади: ҳижрон тунга қиёс қилинади. Шеър лирик қаҳрамони тунни тонгга улаб ёр ҳажрида ёнаркан, қалбини зулмат –қоронғулик қоплаган бўлади. Ёр ҳажрида ёнаётган ошиққа кўшилиб, юлдузлар ҳам тун бўйи гул яноғида ёниб, тонгда сўнса, офтоб ҳам тун бўйи ойни сўроқлайди. Булбул ишқ фироғида ёниб шундай нола қиладики, уни тинглагани дарддош етмайди. Ошиқ шу кўйга тушган эса-да, севгилисига “Ширин тушлар кўринг илойим” деган истакни билдириб, умидини узмайди. “Офтоб – ой”, “булбул – ишқ” таносублари, ”тун – кун”, “ухламоқ – ҳормоқ” антонимлари юзага келтирган тазодлар “ҳижрон тунида”ги ошиқ кайфиятини ёрқин акс эттиришга хизмат қилган.

Севгиси рад этилган ошиқ ҳолатидаги нохушлик бунданда баттар. Шоир унинг аҳволини оқ ва қора рангга бўйаб кўрсатади:

Сен борарсан, ортингдан
”Оқ”лар борар эргашиб,
”Оқ”лар – қаро, сен – оқсан,
Оқу қаро қоришиб,

Диққат қилинса, тўртликда “Оқ” товуши 9 марта такрорланиб, тавзиъ санъати юзага келтирилган ва энг муҳими, у “оқ” ва “оҳ” сўзларини бошлаб берган. Севгидан энтиккан қалб оҳ бўлгани ҳолда, ўша севги рад этилгач, ўша оқлик ўрнини “оҳ” эгаллаши, шунда “оқ”лар қора тусга кириб “оқу қора қоришиб”, ошиқ ҳолати қай кўйга тушганини ёрқинлаштирган. Оқу қора – рад этилган ишқ изтироби ранги. Шундай изтироб билан айрилиққа кўнишга мажбур бўлган ошиқ қалбида қора доғлар пайдо бўлиб, кўпайгандан кўпайиб бориши таассуфланарлидир. Бу таассуфни кучайтиришда “Қ” товуши аллитерацияси кўл келган:

...Қора “оқ”га қоришиб,
Қораясан уфқда.
Қалб кўкида ҳар саҳар,
Ортар қора бир нуқта...

Шоир муҳаббат тасвирида оқ ва қора бўёқларни кўп ишлатади. Ошиқ соғинган ёрини тушида кўради. Унда ҳамма нарса оқ-оппоқ рангда: олам ҳам оппоқ, сув ҳам оппоқ! Шу оппоқ оламда қуш қиёфасида учиб юрган ўзи ҳам оппоқ, сув париси қиёфасида сувда

сузиб юрган ёри ҳам оппоқ либосда, кўйинг-чи, тушнинг ўзи ҳам оппоқ. Шеър ҳам "Оппоқ туш" деб сарлавҳаланган. Лирик қаҳрамоннинг тушдаги ҳолатига назар солинг:

Учармиз уфққа шуъладай сингиб,
Дунё силкитади ортдан оқ рўмол.
Учармиз шамоллар лашкарин енгиб:
"Салом, эй мўжиза!
Интизор иқбол!"
Тушнинг тушлигига парвойи палак,
Учиб бормоқдамиз –
Бир жуфт оппоқ куш...[4,56]

Надоматлар бўлсинки, ошиқнинг шу хуш кайфияти оппоқ тушлиги туфайли "тонг отган замбарак"дан тарқаб кетади. Шундай кўргуликка гирифтор этган тонг қилмишига яраша қора бўлади-да!

Қулатди қора тонг отган замбарак,
Рухим қора қонга қорди оппоқ туш.

Шеър шундай яқунланган. Гарчи унда оппоқ туш саробга айланса-да, кайфиятни нохушликка чулғанган эса-да, ҳар қалай тушнинг оппоқ рангдалиги севишганлар муродининг ҳам оппоқлигига умид уйғотади.

Умуман, Самандар Воҳидовнинг армонга айланган муҳаббат, ҳижрон азоби-ю изтироблари туғилган шеърлари бисёр ва улар ҳар қандай юракни забт эта олади. У шундай бир шоирки, нафақат ошиқ ёки маъшуқа қалбини тафтиш этиш билан чекланади, балки лирик қаҳрамон қиёфасидаги ўз мени ёки умуман инсон қалбини тафтиш қилишдан ҳам ҳузурланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Кафтимда гул. (Шеърлар. Авторнинг илк китоби).–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 2,5 б.т
2. Қатраларда нур ёнар. (Шеърлар).–Тошкент: "Ёш гвардия", 1978, 1,25 б.т.
3. Оламдан ранг излаб. (Шеърлар).–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 2,5 б.т.
4. Хаёлинг мен билан. (Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, достон)–"Бухоро" нашриёти, 1997, 10,5 б.т.

ƏLİŞİR NƏVAİ İRSİNİN AZƏRBAYCANDA TƏDQIQI METODİKASI

Almaz Ülvi BİNNƏTOVA, Filologiya elmləri doktoru, professor
AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun
"Azərbaycan - Türkmənistan - Özbəkistan ədəbi əlaqələr"
şöbəsinin müdiri, Bakı

Böyük özbək şairi, türk dünyasının iftixarı, bəşəriyyət dahisi Əlişir Nəvainin ədəbi şəxsiyyəti və irsinin heyrətamiz xarakterdə məzmunu hələ çox əsrlərin tədqiqat mövzusu olacaq, öyrəniləcək, araşdırılacaqdır. Həyat məktəbidir deyiblər. Nəvai irsi elə bir yaradıcılıq məktəbidir ki, bu məktəbdən dərs alanlar Füzuli zirvəsi fəthinə qədər gedib çata biliblər. Əlişir Nəvai, belə

demək mümkünsə, ilk dərslərindən birini, Azərbaycan ədəbiyyatından öyrənib – ustad dərsi alıb, Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatına ustadlıq edib, Əlişir Nəvainin elmi-ədəbi yaradıcılığı öyrənilərək, tədqiq edilərək Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığının önəmli səhifələrində xüsusi yer tutub. 93 il əvvəl Bakıda Birinci Türkoloji Qurultay keçiriləndə Əlişir Nəvai adı bayraq olub, əsərləri nəşr edilərək Qurultay günü türk dünyasının görkəmli simalarına töhfə edilib, bayram şöləni Əlişir Nəvai adına qurulub. Bəli, Əlişir Nəvai Azərbaycanda belə bir uca taxtda əziz tutulub, bu gün də tutulur. “Əlişir Nəvai və Azərbaycan” adlı tədqiqatımızı bir neçə istiqamətdə qruplaşdırmağı münasib bildik.

- *Əlişir Nəvai yaradıcılığının Azərbaycan ədəbiyyatına təsiri*
- *Əlişir Nəvai yaradıcılığına Azərbaycan ədəbiyyatının təsiri*
- *Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında Əlişir Nəvai irsinin öyrənilməsi*
- *Azərbaycan və özbək dillərinin müqayisəli öyrənilməsində Əlişir Nəvai yaradıcılığının rolu və Ortaq türk ədəbi dilinin tədqiqi tarixində Əlişir Nəvai ədəbi irsinin yeri*

1. Əlişir Nəvai yaradıcılığına Azərbaycan ədəbiyyatının təsiri. Əlişir Nəvai fitrətən istedadlı olmaqla yanaşı, həm də çox təvazökar, kübar ədəbli böyük şəxsiyyət olub. Tədqiqata belə bir girişlə başlamağımız səbəbsiz deyil: “Əlişir Nəvai yaradıcılığına Azərbaycan ədəbiyyatının təsiri” tədqiqatı üçün heç bir mənbəyə, heç bir tədqiqatı arayıb-axtarmağa ehtiyac olmur. Mütəfəkkir şair təvazökarlıqla bütün əsərlərinin girişində və ya müəyyən məqamında isnad etdiyi, faydalandığı, ibrət götürdüyü, öyrəndiyi bütün əsərlərin – sənətkarların adlarını çəkir, onlardan nə öyrəndiyini, nələri götürdüyünü qeyd edir. Bu mənada, “Əlişir Nəvai və Azərbaycan” mövzusunun tarixini araşdırmalı olsaq, az qala elə Nəvainin dil açıb sözləri yan-yanaya düzə bildiyi gündən olduğunu deyə bilərik. Bu misaldan, “Məcalisün-nəfais” (“Nəfis məclislər”) əsərinə nəzər salaq: əsər belə bir mətnlə başlayır. “İlk olaraq, Mir Qasım Ənvar həzrətləridir, sirri mübarək olsun. Hər nə qədər rütbələri şairlik payından çox uca və vilayət sahibi kimsələr arasında vəsfləri ifadədən aşmışsa da, həqiqətlər və bacarıqlarını nəzm geyimində könülə xoş gəldiyi üçün nəzmə iltifat etmişlər. Təyəmmün səbəbi ilə bu müxtəsərə (“Məcalisün-nəfais”ə) onların şərəfli adları ilə başlandı. Mirinin əsl Azərbaycanlıdır və doğum yeri Sərab adlı kənddir. O zamanlar 3 ilə 4 yaş arasında idim. Əziz kişilər oxumamı istəyirdilər, bəziləri də şeir oxumama heyrət edərdilər” [1, s.292]. (Nəvai uzaq illərdə qalmış bir xatirə ilə böyük şairə hörmətini izhar etmiş olur: 3-4 yaşın arasında olarkən, əzizlərin (saray əhlinin) təklifi ilə Qasım Ənvarın farsca bir beytini əzbər demiş və məclis əhlinin məhəbbətini qazanmışdır). Qasım Ənvarın “Məcalisün-nəfais”də tutduğu yeri müəyyənləşdirərkən Rusuhi adlı orta əsr şairinin bir beytini təqdim etmişdir:

*Kim o ‘lub macmara gardoni Attor,
O ‘lubdur sham ‘i majlisi Qosim Anvor.
Gulistoninda bulbuldir Xo ‘jandiy,
U bog ‘ning Sa ‘di bo ‘ldi nahl-bandi.
Horiminda edar javlon Tusiy.*

Göründüyü kimi, müəllif burada Mir Qasım Ənvarı Əlişir Nəvainin “Nəfis məclislər”inin şamı – yanar çırağı adlandırır. Yəni, bütün şairləri məhz onun – o şamın ətrafına toplayıb. Ustadına gözəl və layiqli təqdimatıdır. 770 sufi şeyx və alimlərdən bəhs edən “Nəsaimül-məhəbbət” əsərində də Mir Qasım Ənvardan dəfələrlə yazmış, 713-ü şəxs sıralamasında isə ayrıca hekayət [2, s.464-465] təqdim etmişdir. Əlişir Nəvai uşaqlığından ürəyində gəzdirdiyi bu məhəbbətinin nəticəsi kimi, sonralar Cam şəhərində dəfn olunmuş şair Qasım Ənvarın qəbri üzərində məqbərə tikdirmişdi. Əlişir Nəvai “Mühakimətül-lügətəyn” [2, s. 506-533] əsərində

qeyd edir: “Uşaqlığın möcüzələri”, “Gəncliyin qaş-daşları”, “Orta yaşın gözəllikləri”, “Qocalığın faydaları” – bu dörd “Divan”ın şöhrətini çün dünyanın dörd yanına yaymışam, “Xəmsə” pəncəsinə pəncə vurmuşam. Əvvəlcə, “Möminlərin təşvişi” (“Heyrətül-əbrar) bağında təbim güllər açıbdır ki, ona “Sirlər xəzinəsi”ndən (“Məxzənül-əsrar”) Şeyx Nizaminin ruhu başıma dürlər saçıbdır. Elə ki, xəyalım “Fərhad və Şirin” şəbistanına yol tutdu, Əmir Xosrovun nəfəsi (“Şirin və Xosrov”) odundan çıraqımı yandırdı. Eşqim “Leyli və Məcnun” (“Leylavü Məcnun”) vadisinə baş vuranda, Xacə Himməti (öz) “Gövhərnəmə”sindən yoluma gövhərlər səpibdir. Qəlbimə “Yeddi səyyarə” (“Səbai səyyarə”) hakim olanda, Əşrəfin “Yeddi gözəl”indəki (“Həft peykər”) yeddi hurisima peşkəşimdə yaraqlanıb durdu. “İskəndərin divarları”nın (“Səddi İskəndər”) xatirim mühəndisi əsasını salıbdır ki, onda da möhtərəm Cami öz “Hikmətlər kitabı”ndan (“Xiradnamə”) yardım və imdad təbilini çalıbdır [2, s. 520-521; 3, s.14].

Nizami Gəncəvinin “Xəmsə”çilik ənənəsinə Əlişir Nəvai ərəb və fars səddini qıraraq türkcə cavab yazdı. Türk dilini həmin dillərin boyuna qaldırdı. Obrazlar, hadisələr oxşar olsa da, Nəvai öz dühası ilə yanaşdı: yeni rəng, yeni ruh, yeni çalar, yeni ahənglə öz nəqşibəndi baxışı ilə sözə yeni naxış vurdu. Əlişir Nəvai söz nəqqaşı olub. Yuxarıda da qeyd etdiyimiz kimi, şair “Xəmsə”sinin iki dastanının da mövzu sujetini Azərbaycanın böyük klassiklərindən Nizami Gəncəvi və Əşrəf Marağayından faydalandığını lütfkarlıqla qeyd edir.

“Xəmsə”sinin az qala hər ritmində Nizami Gəncəviyə baş əyir, onun söz meydanına girmək, onun pəncəsinin üstünə pəncə qoymağın asan olmadığını yazır (“Fərhad və Şirin” dastanından). Bu meydanda Əlişir Nəvainin Nizami Gəncəvi yaradıcılığına– istedadına heyrətinin ifadəsi onun kübar ədəbinin lirik təcəssümüdür.

*Bu meydanda sanma asandır durmaq,
Nizamilə pəncə pəncəyə vurmaq.
Nizamiyə pəncə uzatsa hər kəs,
Qırılar pəncəsi, murada yetməz
Şir pəncəsi gərək şirlə edə cəng,
Barı şir olmasa, qoy olsun pələng* [4, s. 17].

Teymurilər səltənətində təqib olunan, onun ideologiyasında qəbul edilməyən böyük İmadəddin Nəsimi yaradıcılığına münasibətini, əgər belə demək mümkün olursa, ona ehtiram və sayğısını Məhəmməd Pəhləvanın tərcümeyi-halı və şəxsiyyəti” əsərində Məhəmməd Pəhləvanın dili ilə - aralarında keçən dialoqdan- ədəbi üsuldan istifadə edərək fikrini bildirir:

“Dedi: Sualımız budur ki, şeirləri zaman səhifəsinə keçən türkcə şeir yazan şairlərdən hansı daha yaxşı söyləyib? Və sənin əqidəncə, hansına yaxşı deyə bilərik, sən kimi bəyənirsən?

Mən dedim: Hamısı yaxşı söyləyir, mən bəyənirəm.

Pəhləvan dedi: Sən qeyri-müəyyən və səmimi davranışını bir tərəfə qoy, doğrusunu söylə. Hamısını bəyənirəm deyirsən, amma hamısı bir deyil axı, əlbəttə aralarında fərq var.

Mən dedim: Mövlana Lütfi hazırda hər kəsin qəbul etdiyi, bəyəndiyi, bu qövmin ustadı və söz mülkünün sultanıdır.

Pəhləvan dedi: Nə üçün Seyid Nəsimini demədiniz?

Mən dedim: Xatirimə gəlmədi və əgər yadıma düşsə də, Seyid Nəsiminin nəzmi özgə rəngdədir, o zahir əhli şairləri kimi nəzm söyləmir, bəlkə həqiqət yolunda şeirlər yazır. Bu sualda sənin məqsədin məcaz yolunda söz söyləyən xalqdır”.

770 sufi alim və şeyxlərdən bəhs edən “Nəsaimül-məhəbbət” (“Sevgi şehləri”) əsərində İmadəddin Nəsimiyə yer ayırır: “ İmadəddin Nəsimi rum və türkmən dilində şeir söyləyibdir və

nəzmində həqiqət və ürfan həddən çoxdur. Bu yerlərdəki şeir əhlinin onun dərəcəsinə şeir söyləyəni yoxdur. Həmin təqlid əhli (yəni, onun ətrafındakılar) onun məzhəbində nöqsan tapıb mühakimə edərək şəhid etdilər. Dərisinin soyulması haqqındakı hökm məşhurdur, edam vaxtı bu şeiri deyibdir:

*Qiblədir üzün, nigara, qaşların mehrablar,
Surətin müşəf, vəli mişkin xətin e'rablar.*

və bu şeirin təxəllüsü belə tamamlanır:

Ey Nəsimi, çün müyəssər oldu iqbalı vüsal,

Qoy dərinə soysa soysun bu palid qəssablar [2, s.486; 5, s. 204].

İmadəddin Nəsiminin vəfatından cəmi 24 il ötmüş Əlişir Nəvai anadan doğulub. Bu mənada, İmadəddin Nəsiminin edam vaxtı dediyi misralar – şeir Əlişir Nəvainin bu əsərində yazdıqları daha doğru və dəqiq mənbə ola bilər. Əlişir Nəvai bu hadisəni, İmadəddin Nəsimi ağrısını, sözə tutulan bu divanın ağrısını təsadüfən qələmə almayıb. O sözün qəhrinə qalıb, sözün qəhmərinə qalxıb və İmadəddin Nəsimiyə tutulan divanı tarixə bir daha həkk edib. İmadəddin Nəsimi sözünün təsiri Əlişir Nəvaiyə bu ağrıları yazdırıb. Beləliklə, qısa da olsa, bir neçə qeydlə Əlişir Nəvai yaradıcılığına Azərbaycan ədəbiyyatının təsiri məsələsinə nəzər saldıq. Daha geniş səpgidə yanaşsaq, Əlişir Nəvainin Əfzələddin Xəqani, Nizami Gəncəvi, Mir Qasım Ənvar, İmadəddin Nəsimi, Arif Ərdəbili, Əşrəf Marağayi və bir çox klassiklərimizin yaradıcılığından təsirləndiyini, yuxarıda da xatırlatdığımız kimi, elə Əlişir Nəvainin öz əsərləri üzərindən şərh etmək olar.

2. Əlişir Nəvai yaradıcılığının Azərbaycan ədəbiyyatına təsiri: Ustadım Cənnət Nağıyevanın təbirincə desək, Əlişir Nəvai Nizami Gəncəvidən, İmadəddin Nəsimidən böyük heyranlıqla istifadə edibse, XVI əsrdə Fuzulinin elə bir beyti yoxdur ki, Nəvainin təsiri duyulmasın.

Olmuşdu Nəvaiyi-süxəndan,

Mənzuri-şahənşəhi-Xorasan [6, s. 32].

Mir Cəlal “Füzuli sənətkarlığı” monoqrafiyasında yazır: “Ərəblərdə Əbu Nəvas, farslarda Xacə Hafız, özbəklərdə Əlişir Nəvai kimi məşhur və böyük qəzəl ustadı olan şairlər yetişmişdir. Füzuli öz qəzəllərində bütün keçmiş ədəbi irsin nailiyyət və zənginliklərini inkişaf etdirmiş və öz dühası ilə Azərbaycanda lirik şeir sənətinin ən yüksək nümunələrini yaratmışdır. Şeirin dərdinə əlac etmək əzmində olan böyük sənətkar məhz məhəbbət dastanına müraciət edir, məhz Nizami, Nəvai kimi qüdrətli şairlərin toxunduğu mövzudan yazır” [7, s. 45; 258]. Əlişir Nəvai XV əsrdə bütün türk aləminə təsir edən bir şair olub. Amma lirizmin ən yüksək nümunələrini yaradan Füzuli olub. Nəvaidən ustad dərsi alsada, onun türk ədəbi məktəbindən keçsə də, lirizmin ən uca zirvəsini fəth edib. Əlişir Nəvainin “Görgəc” rədifli qəzəlinə yazdığı təxmisdən –

Könlüm açılır zulfu-pərişanını görgəc,

Nitqim tutulur qönçəyi-xəndanını görgəc.

Baxdıqca sənə qan saçılır didələrimdən,

Bağrım dəlinir navəki-müjganını görgəc [8, s.331].

Bu uca zirvə fəthinin ustadı Əlişir Nəvai yaradıcılığı o dövrün bütün qələm adamlarına öz təsirini göstərmişdir. Birincisi, bəşəri mövzuları ilə ədəbiyyat meydanında onu arxa cərgədə qoyan elə bir sənətkar olmadığına görə, ikincisi, türk ədəbi məktəbinin qüdrətli söz varisi kimi, üçüncüsü, onun ədəbi təvəzökarlığı və kübar mədəniyyəti (bu ifadələrin yuxarıda izahını şərh etmişdik). “Əlişir Nəvai yaradıcılığına Azərbaycan ədəbiyyatının təsiri” mövzunu təkcə Məhəmməd Füzuli ilə tamamlamaq fikrində deyilik. Teymurilər varisi Sultan Hüseyn

Bayqaranın səltənəti dövründə Heratda elm, ədəbiyyat, tarix öz qızıl dövrünü fəth etmişdir. Bu yüksəlişin səsi-sədası bütün Şərqi yayılmışdı. Xorasandan, Məvəraünnəhrdən, Azərbaycandan, İraqdan, Rumdan, Hindistandan gənclər həmin səltənətin paytaxtı Herata elm, təhsil dalınca gəlirdilər. Bu gənclərin bir çoxu təhsildən sonra ya öz Vətənlərinə qayıdır, ya da elə Heratda qalıb ədəbiyyat aləmində püxtələşirdilər. Ədəbiyyat aşiqləri Əlişir Nəvainin qurduğu ədəbi məclislərə, ədəbiyyat məktəbinə gedib-gələrdilər.

Hətta mənbələrdən məlumdur ki, Hüseyn Bayqaranın övladlarına dərs verən gənclərin çoxu Azərbaycandan gələn gənclər imiş. Belə gənclərdən biri də Herata oxumağa gəlib, sonralar geri qayıdan, Əlişir Nəvainin “Məcalisün-nəfais” əsərində də haqqında bəhs edilən Mövlana Ziya Təbrizi olmuşdur. Onun Naxçıvanın Ordubad şəhərində doğulduğu qeyd edilir. Ziya Təbrizinin 1520/21-ci illərdə, “Təzkireyi şüəra Azərbaycan” əsərində isə onun 1521/22-ci illərdə doğulduğu qeyd edilir. Mövlana Ziya Hüseyn Bayqara səltənətinin son günlərinə qədər Heratda yaşamış, daha sonra Təbrizə getmiş və orada vəfat etmişdir. O, gözəl qəsidələr müəllifi kimi tanınıb, luğəz və müəmma janrında əsərləri çoxdur. Hətta qəsidələrindən birini Şahqərib Mirzəyə - S.H.Bayqaranın oğluna ithaf etmişdir. Bunlardan başqa, türk və fars dillərində xeyli qəzəl, qəsidə, müəmma və digər janrlarda yazdığı əsərləri vardır. “Məcalisün – nəfais”də Əlişir Nəvai onu belə təqdim etmişdir: “Mövlana Ziya - Təbrizlidir. Qəlbə yaxın, şirin ədalət və məqbul kişi. Kiçik cüssəli olduğu üçün dostların nəşələnməsinə səbəb olur. Təhsil almaq üçün Herat şəhərinə gəldi və o əsnada şeirlə də məşğul oldu, gözəl şeirlər söylədi. Bu mətlə onundur:

*Əgər pərvanə bu gecə canından vaz keçərsə,
Bunda qəribə bir şey yoxdur,
çünki mummun ömür fidanının xəzanı gəldi” [1, s.345].*

Sam Mirzə Səfəvi “Təhfeyi-Sam” təzkirəsində yazır: “Ziya Ordubadi – məşhur Azərbaycan şairi. Gənclik illərində Herata gəlmişdir, orada yüksək təhsilli və istedadlı şair kimi tanınmış, gözəl şeirləri ilə Əlişir Nəvainin şeir məclisinin üzvü olmuşdu. Özbək tədqiqatçı Cəlaləddin Jurayevin yazdığına əsasən, onun luğəz və müəmma janrından bəhs edən əsərləri (“Al-qoz” (luğəz haqqında), “Xall ul-muamma”) İranın Qum şəhərindəki Ayətulla Maraşi adına kitabxanada saxlanılır (11271/II nömrə, 23 vərəqdən ibarətdir). Əsərin sonunda müəllifin adı belə möhürlənib: Mövlana Ziya Təbrizi, Ziyai Ordubadi [5, s.180-183].

XVI əsrdə Herat ədəbi məktəbinin – Əlişir Nəvai məktəbinin sorağı bütün Şərqi geniş səs salır. Şeirə, elmə, sənətə maraqlı gənclər Herata – Əlişir Nəvai adına üz tuturlar. Və burada da (həm Əlişir dövrünün tarixçilərinin qeydlərinə, həm də Əlişir Nəvainin öz yazdıqlarına görə) onlar şeir-sənətin incəliklərini dərinlən öyrənirlər. Hər zaman Əlişir Nəvainin yanında olan Əbdürrəhman Caminin yaradıcılığı onların söhbətləri ilə yaxından tanış olurlar. Əlişir Nəvai “Məcalisün-nəfais” təzkirəsində onlardan bir neçəsinin (Ziyayi, Xülqi, Allahi, Bəsiri) adını çəkməklə yanaşı, o zaman onların məşhur misralarından da nümunələr vermişdi. Həmid Araslının təbirincə desək, “Kişvəri üzərində məşhur özbək şairi Əlişir Nəvainin qüvvətli təsiri olmuşdur. Şair həmişə Nəvaini nümunə götürmüş, onun qəzəlləri səviyyəsində əsərlər yaratmağa çalışmışdır”. Təbriz ədəbi mühitində tərbiyələnmiş, ona həsəd aparən şairlərin təhqirinə dözməyən Kişvəri Əlişir Nəvaiyə pənah aparır. Gözəl şair və istedadlı xəttat ustası kimi tanınan, Azərbaycan (türk) ədəbi dilinin formalaşmasında böyük təsiri olan Nemətulla Kişvəri Dilməqani Əlişir Nəvai taleyinə qibtə hissi ilə yazmışdır:

*Kişvəri şe’ri Nəvai şe’rindən əksik iməs,
Bəxtinə duşsaydı bir Sultan Hüseyni Bayqara [8, s.344].*

Başqa bir qəzəlində Kişvəri yazır:

*Nəvai himmətindən Kişvəri əhli-nəzər boldu,
Cəhan mülkün tutar şeiri nəzər bolsa Nəvainin* [9, s.III].

Kişvəri yaradıcılığında Əlişir Nəvai şeirlərinə yazılmış nəzirələr göstərir ki, o, “nəinki özünə qədərki anadilli poeziyadan, həm də ümumi türkdilli ədəbiyyatın ən mütərəqqi və böyük şairlərindən də bəhrələnməsinin sübutudur [10, s.17].

*Kişvəri divaninin hər beyti-əhli-dərd üçün,
Sanki bir peyki-Nəvaidir, Xorasandin gəlib* [10, s.III].

3. Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında Əlişir Nəvai irsinin öyrənilməsi. Əlişir Nəvai yaradıcılığının Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında öyrənilməsi məsələsini iki istiqamətdə qeyd edə bilərik. İlk olaraq, ədəbi təsir, daha sonra isə ədəbiyyatşünaslıq – tədqiqat məqalələrinin (monoqrafiyalarının) yazılması ilə.

2008-ci ildə bu sətirlərin müəllifi “Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələri” adlı monoqrafiyasını nəşrə hazırlayarkən Əlişir Nəvai yaradıcılığına, təbii ki, xeyli geniş səhifələr ayrılmışdı. Bu zaman “Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında” adlı tədqiqata xüsusi ehtiyac duyulduğunun fərqi vardıq. Əlişir Nəvai irsinin Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında öyrənilməsi və tədqiqi məsələlərinə dair bir əsrlik tarixi vərəqləmək şansını “Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında” [8] adlı kitabı (məqalələr toplusu) 2009-cu ildə nəşr edərək araya-ərsəyə gətirdik. Eyni zamanda, kitabın sonunda Əlişir Nəvai haqqında yazılmış 110-dan artıq kitab və məqalənin biblioqrafiyası göstərilmişdir. Bu nəşrdən keçən son 10 il ərzində Əlişir Nəvai haqqında daha xeyli tədqiqat işləri yazılmışdır. Bu sətirlər müəllifi də Əlişir Nəvai haqqında, ümumən özbək ədəbiyyatı haqqında 20-yə qədər kitab və 300-ə yaxın məqalələr yazaraq kitab və dərgilərdə çap etdirmişdir. Hazırda 500 səhifəlik “Əlişir Nəvainin əsri və nəsr (elmi-filoloji əsərləri)” adlı monoqrafiyası nəşrdədir.

4. Azərbaycan və özbək dillərinin müqayisəli öyrənilməsində Əlişir Nəvai yaradıcılığının rolu və Ortaq türk ədəbi dilinin tədqiqi tarixində Əlişir Nəvai ədəbi irsinin yeri: Orta əsr – Əlişir Nəvai dövr ədəbiyyatını öyrənərkən, tədqiq edərkən ümumtürk ədəbi dili ortaya qoyulur. Əslində Həsənoğlu, İmadəddin Nəsimi dili, Əlişir Nəvai və Məhəmməd Füzuli dili arasında anlaşılmaz bir söz, fikir, ibarə yoxdur. Bu klassiklərin ədəbi dillərini əsərləri üzərindən təhlilə cəlb etməklə illərdir arzuladığımız orta q türk dilinin bünövrəsini görürük. AMEA Əlyazmalar İnstitutunun Nadir nüsxələr Fondunda Əlişir Nəvainin və Məhəmməd Füzulinin bir kitabda cəmlənmiş “Divan”ı vardır. Ədəbi irs uyğunluğu baxımından orta əsrlərdə klassiklərin əsərlərinin – “Divan”larının bir cildə toplanması ənənəvi hal almışdı. Bu baxımdan Nəvai – Füzuli “Divan”larının bir cildə toplanması da həmin ənənənin nəticəsi olaraq yaranmışdı. M.Sultanov. “M.Füzuli və Nəvai divanının birgə əlyazması əlyazması”, M.Adilov. “Nəvai və Füzulinin bir cild içərisində yazılmış “divan”ları haqqında”, C.Nağıyeva “Nəvai və Füzulinin bir cildə tutulmuş divanlarının daha bir əlyazması”, A.Ülvi “Nəvai və Füzulinin divanları bir cildə” adlı məqalələri həmin əlyazmadan bəhs edir [11, s.159-163]. Cənnət xanım Nağıyeva o kitabın səhifələrini vərəqləyərək iki dahinin sözləri arasındakı fərqin olub-olmamasını şərh edərdi. Əlişir Nəvai dilinin bizim kənd ellərində indi də işlək dil olduğunu dönə-dönə qeyd edərdik. Buradan belə bir qənaətə gəlmək olur ki, orta q dil yaratmaq istəyimizi - ədəbi dil üzərində istədiyimiz nəticəni əldə etmək istəyiriksə, klassikləri olduğu kimi elmə, ədəbiyyata, yazımıza qaytarmalıyıq. Əlişir Nəvainin 21 adda elmi-filoloji və nəsr əsərlərinin məzmunu şərhini bir kitabda hazırlayarkən - ən işlək “lüğət” elə Əlişir Nəvainin öz əsərləri oldu. Yəni, Əlişir Nəvai əsərlərini “tərcümə etdim” deyərək ortada bir fikir yoxdur. Elə ki, müasir dilimizə yaxınlaşdırmışıq, o zaman bəli, deyərək ki, Əlişir Nəvaini tərcümə etdim. 2020-ci

ilin ilk ayında Əlişir Nəvainin “Hikmətli sözlər”ini (həmkarlarım Yaşar Qasım və Akif Azalpla birgə) əl içi boyda bir kitabçada nəşr etdik [16]. Kitabçanın titul səhifəsində “tərcümə edənlər” deyə yazsaq da, ürəyimizə yatmadı. Çünki Əlişir Nəvai dili bütün türk dünyasının dili, ortaq türk mədəniyyətimiz, ortaq tariximiz - ədəbiyyat tariximizin ən layiqli nümunəsidir.

Yekun olaraq qeyd edək ki, “Əlişir Nəvai və Azərbaycan” mövzusu iki qardaş xalqın ədəbi əlaqələr tarixinin qızıl səhifəsi, bitib-tükənməyən araşdırma, tədqiqat qaynağı, ədəbi təsir, ədəbi ənənə, ədəbi simalar tarixinin ilkin mənbəyidir. Əlişir Nəvai ölməzdir, o bütün türk dünyası, bəşəriyyət adına böyük tarixi, ədəbi simadır.

ƏDƏBİYYAT:

1. Navoiy, Alisher. Tula asarlar toplami, 10 jildlik, IX jild // Toşkent, Ğafur Ğulom nomidaqi naşriyet-matbaa ijodiy uyi, 2012, 768 bet. – B. 289–453.

2. Navoiy, Alisher. Tula asarlar toplami, 10 jildlik, X jild // Toşkent, Ğafur Ğulom nomidaqi naşriyet-matbaa ijodiy uyi, 2012, 692 bet. – B. 88–506.

3. Nəvai, Əlişir. “Mühakimət ül-lüğəteyn” / Azərbaycan türkcəsinə uyğunlaşdırın, ön söz və qeydlərin müəllifi, prof.Kamil Vəli Nərimanoğlu. – Bakı, “Yurd”, 1999, 64 s.

4. Nəvai, Əlişir. Seçilmiş əsərləri (“Fərhad və Şirin” poeması). – Bakı, Öndər, 2004, 424 s.

5. Ey Nəsimi, cahanı tutdu sözün... “Nəsimi 600” mövzusunda III beynəlxalq elmi konfransın materialları. – Bakı, Elm, 2017, 330 səh.

6. Məhəmməd Füzuli. Əsərləri. Altı cildə. II cild. Bakı, “Şərq-Qərb”, 2005, 336 səh.

7. Mir Cəlal: Füzuli sənətkarlığı (redaktoru ak.H.Araslı). Bakı, Çarşıoğlu, 2018, – 348 səh.

8. Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında (tərt.ed. A.Ülvi). – Bakı, Qartal, 2009, 360 s.

9. Kişvəri. Türk divanı (Avtoqraf nüsxəsi) // Tərtibat və müqəddimə: M. Hüseyini; Mətni transfoneliterasiya edən və redaktoru: P.Kərimov. – Bakı: Nurlan, 2010, 52+53 s.

10. Azərbaycan klassik ədəbiyyatından seçmələr. Üç cildə. II cild.. - Bakı, “Şərq-Qərb”, 2005, 408 səh. XX cildə. III cild ” (Bakı, Elm, 1984-cü il çapı əsasında təkrar nəşr)

11. Ülvi, A. Özbək ədəbiyyatı (ədəbi portret cizgiləri, araşdırmalar). Bakı, “Elm və təhsil”, 2016, 316 səh.

12. Sultanov M. M.Füzuli və Nəvai divanının birgə əlyazması // Məhəmməd Füzuli. Elmi-tədqiqi məqalələr. Bakı: Azərənəşr, 1958. 386 səh.

13. Adilov M. “Nəvai və Füzulinin bir cild içərisində yazılmış “divan”ları haqqında” // Adilov M. Azərbaycan paleoqrafiyası. Bakı, Elm, 2009, 224. 108 səh.

14. Nağıyeva C. Azərbaycanda Nəvai (monoqrafiya). Bakı, “Tural-Ə” Nəşriyyat Poliqrifiya Mərkəzi. 2001. 264 səh.

15. Ülvi A. “Nəvai və Füzulinin divanları bir cildə” - Nəvai və Füzulinin divanları bir cildə // Türkmənistan Elmlər Akademiyası Milli Əlyazmalar İnstitutunda "Əlyazmalar - milli irsin öyrənilməsi əsas mənbəyidir" adlı beynəlxalq elmi konfrans, Aşqabad, 13-14 mart, 2013 464 səh. (məqalə türkmən, rus və english dillərindədir)

16. Əlişir Nəvai. Hikmətli sözlər – Alisher Navoiy. Hikmatli soʻzlar (Azərbaycan və özbək dillərində) // elmi redaktor: akademik İsa Həbibbəyli, tərcümə ed: Almaz Ülvi Binnətova (ön söz müəllifi), Yaşar Qasımbəyli, Akif Azalp. - Bakı, 2020. 50 səh.

ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ ДИАЛЕКТИКАСИ

Исломжон Ёқубов, Филология фанлари доктори,
Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессори

Бир пайтлар Республика болалар газетасида илк машқларини эълон қилиб, беҳад шодланган ёш ўспирин – Турсун Али илк китоби “Зангори овоза” (1979) билан қўшиб ҳисобласак, бизга “Лаҳзалар суврати.”[1] Шеърлар, баллада, дoston, таржималар номли ўн тўртинчи китобини тақдим қилди. [2]

Муҳими, орадан ўтган изланиш, ўрганиш, юксалиш йилларида Турсун Али шеърлари аста-секин пишиб, етилиб, Кува анорларидай ширага тўлди. Турли нашриётлар, газета таҳририятларидаги фаолият унга жўшқин ҳаёт қозонида қайнаш, сўз устида ишлаш, уни жилолантириш асроридан сабоқ берди. Шоир ўз поэтик нигоҳини табиатдан ҳаётга ва аксинча, баъзан ҳаётдан табиатга қаратди. “Етмишвой”лар сафига яқинлашган сари, кўнгил садоларига қулоқ тутароқ, унинг ҳиссиётларини олис болалик, шиддат билан ўтаётган умр, меҳр-муҳаббат ва мурувват соғинчи қамраб ола бошлади.

Турсун Али шеърляти мавзулар қамрови кенг планда кузатилса, одам ва олам муносабатлари ҳақидаги шаффоф ўй-мушоҳадалар билан бойиб борди. Шоир нафақат умрбоқий мавзуларга янгича ҳаёт бахш этиш, балки янги-янги шакллар ахтариш, оҳорли ташбеҳлар излаш, оний кечинмаларга хос лирик ҳарорат ва шиддатни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Эҳтимол, шу боис бўлса керак, унинг хуш насимлар янглиғ “зангор овози” бугун нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ, тожик, рус ва бошқа халқлар дил қулоқларига ҳам бориб етди.

“Лаҳзалар суврати” атиги минг нусхада чоп этилган. Китоб етти фаслдан таркиб топган бўлиб, шоирнинг “Қиш. Болалик ва мен” балладаси, “Тақдир кенгликлари” достони, саксондан ортиқ шеърлари, шунингдек жаҳон шеърляти вакиллари Осип Мандельштам, Бо Пу, Гуан Ханциндан қилинган таржималар ўрин олган.

Биз ушбу мақолада яхлит китоб хусусида эмас, балки, унга кирган, танқидчиликда нисбатан кам таҳлилга тортилган юқорида эслатилган балладаси ва дoston хусусида тўхталишни ният қилдик. Болалигида М.Шайхзоданинг “Капитан Гастелло”, “Муҳаммад тўпчи”, Ҳ.Олимжоннинг “Жангчи Турсун” каби балладаларини ўқиб, улардан парчалар ёд олиб улғайган бизнинг авлод учун олти банд, йигирма тўрт мисрадан иборат “Қиш. Болалик ва мен” асарининг баллада жанрига мансуб этилиши бирқадар ғайритабиий туюлиши мумкин.

Бироқ шеърлий шакллар ҳамиша қатъий чегараланган бўлавермайди. Жумладан, баллада ўрта асрлар француз адабиётида қатъий қофияланиш тартибига эга саккиз мисрадан таркиб топиши, албатта учта банддан иборат бўлиши талаб қилинар эди. Инглиз-шотланд шеърляти ва кейинги даврлар Европа адабиётларида шаклий талаблар анча эркин бўлганидек, қатъий қофияланиш тартибига риоя этилмайди. Банднинг охири мисраси таржеъ сифатида такрорланиб келиши ҳам муҳим шарт саналмайди. Одатда маиший, тарихий, тарихий-афсонавий мавзуларда битиладиган бу типдаги балладалар кичик воқеабанд сюжетга асосланади. Демак, шеърлий асар характерини эпиклик белгилайди. [3.44-45]

Турсун Али “Қиш. Болалик ва мен” балладаси учун тарихий маиший мавзу танлаган. Эпик воқеани тўрт мисралик бандлар асосида баён қилган. Айти пайтда, классик анъанага хос такрорланувчи қисмлар ва умумий ҳажм бирлигини ҳам сақлаб қолган...

Асарда тасвирланишича, тинимсиз ёғётган шўх ва ўйноқи қор, шоир ҳаёлларини тўзғитиб юборади. Изғирин шамоллар уни олис хотиралар қаъри – болалик дамлари кечган манзил-макон сарҳадлари сари етаклайди. Эпик баёнчини ортга қайтариш имконсиз ва ҳаёл кўзгусидан ўчириш маҳол бўлган хотиралар таъқиб қилади:

*Қор ёғар гўёки юрагим сари,
Бош урар кўксимга шўхлик мисоли.
Ҳаёлларим тўзғир қордай сарсари,
Болаликка бошлар қорнинг шамоли.* [1.58]

Дарҳақиқат, шўх ва қувноқ болалик йилларида кутилмаган тасодиф туфайли содир бўлиб, мурғак қалбда ўчмас чандиқ қолдирган бир воқеа унга тинчлик бермайди.

Қаҳратон қиш мавсуми. Ҳовли этагидаги қўл ойнадек тиниқ музлаган кезлар. Муз устида сайр қилишга ишқибоз ёш-яланглар учун йўлдаги ўнқир-чўнқир қамишзорлар тўсиқ бўлолмайди. Муз бетида туртиниб-суртиниб, тирғаниб-сирғаниб “кимўзар” ўйнаётган болаларнинг қий-чуви қўл қучоғини қоплаган. Шу кез, кутилмаганда ўша машъум воқеа содир бўлади:

*Бир кун, ёдимдан чиқмайди сира,
Энг кичик Иброҳим – муз ёрилиб тарс,
Сув остига чўкди тополмай чора,
Биз болалар четда йиғлашдик гурас.* [1.58]

Тарс-тарс ёрилаётган муз. Ўйноқи болалар. “Майдон” четида қаровсиз қолдирилган Иброҳим. Нажотга чўзилган митти қўлчалар. Офат-бало қошида шошиб қолган бетадбир болалар. Оний лаҳзада чуқур сув қаърига чўкиб кетган болакай. Атрофга зир-зир югуриб, юм-юм, из-из йиғлаётган бир гурас бола. Тезда унитилган ўйин. Ҳам жажжи Иброҳим, ҳам катталар олдида ўзини гуноҳкор санаётган, ҳаракатларига масъул, бинобарин ҳар қандай қўламли фожиа залворини биргаликда кўтариш, моҳиятини ҳамжихатликда ҳис этиш, ҳамдардликда енгил мумкинлигини англаб, шу лаҳзадаёқ улғайиб қолган болалар.

Кўринадики, ҳаёл кўзгусидан сира ўчмас бўлиб қолган шу воқеа йиллар ўтиб, мазкур баллада юзага келишига маънавий туртки берган муҳим омилга айланган.

Шоир китобхонни ўша йилларнинг совуқ қишлари сарҳадига олиб ўтиш баробарида, унда зоҳиран ойнадек кўринган муз бу қадар хунук ва хира экани, қўлнинг суви ҳамиша тиниқ эмас, баъзан ўта шафқатсиз, адолатсиз ва ҳатто ёвуз экани билан боғлиқ рангин туйғулар уйғотади. Баллада билан танишгач, олис-яқин манзиллар қорга бурканиб, изғирин шамоллар эсган кезларда бизнинг хотирамизда ҳам Иброҳим билан боғлиқ ўша фожией манзаралар қайта жонланаверади.

Шунда биз, нима учун ҳар йилги қишнинг қори шоир юрагига ёғиши, унинг телба кўнгли болалик йиллари ва йўлларининг ўша хотиралари билан сийнага бош уришини туйамиз:

*Рухим синиб кетар қор заррасидан,
Муз устида ёнар дўстим қўллари.* [1.58]

Танишганимиздай, гарчи ҳар зарра қор шоир руҳини синдиришга қодир бўлса-да, балладани “дўст хотирасига эъзоз”, деб аталмиш муқаддас ва илиқ бир туйғу ушлаб турибди. Шоир бизни ҳодисалар ҳамиша сабаб – оқибат тарзида пайдо бўлмаслиги, дунё

хар кадамда тасодифларга тўла эканидан огоҳ этади. Бинобарин, воқеликка эргашиб қордай тўзғиган хаёлларимизни баллада меҳваригаги ўз-ўзини тафтиш этарок, турмуш ҳодисаларидан ибрат оладиган бедор руҳ ягона нуқтага жамлайди.

Шоир “Тақдир кенгликлари” достонини Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаган. Асар архитектурани таркиби жиҳатидан муқаддима, йигирма бешта ихчам фасл ва хотимадан таркиб топган. Достон муқаддимаси ҳорғин руҳини синиқ ва мунг тўла оҳанглар чулғаган, аммо эркин ҳамда озод истиқболга бўлган умидлари зинҳор сўнмаган йўлчининг самимий дил изҳоридан бошланади:

О, ўзимдан топиб нажот, йўқотмай ўзимни сира,

Йўл юраман,

Озодлик сари,

Эрк сари...

Йўлларимни ютган йўлларга қарайман. [1.92]

Кўл калта, дил ҳорғин, ҳасратлар унсиз. Кўнгилда бош кўтарган фарёд –бу имконсизликда топилган сўнгги имкон. Йўлни қикартириш мақсадида қилинган барча ҳаракатларни бесамар. Чунки йўл турфа илонлар макон тутиб, оташ пурқаетган сахро ва адоқсиз қум барҳанлари бўйлаб ўтади. Бу қўрқинч манзара мунг миқёсини янада кенгайтириб, залворини орттиради. Шунга қарамасдан, барча ҳаракатларга куч, интилишларга қувват бахш этувчи муҳим бир нажот омили бор. Бу йўқотилмаган ўзликдир.

Йўлсизликда гоҳ адашиб, гоҳ шошиб атрофга болалардай жовдираб илгарилаётган кимса қай манзил-макон сари шошади? Суюкли маҳбуби ким? Бадиий матндан бу сингари саволларга ҳам шахсий-интим, ҳам ижтимоий мазмундаги жавобларни топиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам йўл эпик баёнчи қон томирлари янглиғ тармоқланиб кетади. Дуч келган йўллардан саргашта кезиниб, вақтни тизгинлаш илинжида чопаетган йўлчи шамол измидаги булутлар ёхуд тўлқин кўйнидаги балиқлар мисол гоҳ адашиб, гоҳ эгри-бугри сўқмоқлар бўйлаб шошиб ихтиёрсиз илгарилайди. Сержилва дунёда йўлини йўқотган одамларнинг бири бўлиб, аммо инсоний тафт, меҳр-мурувват ва муҳаббат соғиниб илдамлайди. Миллий қадриятлари топталган, шаън-шавкати оёқ ости қилинган бегона муҳитда нимжон шабада мисол елади. Сочлари тилло аёл қиёфасида рамзлаштирилган товусдай товланиб, хиром этаётган буқаламун дунёнинг кўнгилга ёт нағмалари қуршовида руҳан қийналади, эзилади. Бу иложсизлик қайикдай чайқалаётган оғочда ўзини ҳар ён урса-да, гирдоб домига тушмаслик иложини тополмаётган нажотсиз чумолининг аянчли ҳолига қиёсланади. Китобхон ўзини гўё анҳор соҳилида туриб, гирдобнинг аёвсиз домида қолган чумоли янглиғ ҳис этганида, унинг дил нигоҳларига қиш қуёшидай бемадор оҳанглар оқиб киради ва шу совуқлик унинг бутун вужудини қамраб олади:

Мажнунтол сочларин сувга санчади.

Яланг илдизларин ялайди сокин мавжлар. [1.94]

Юқорида келтирилган мажнунтол тасвири эса, ана шу кайфиятни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Уфқ лоларанг тусда доғланади. Бехос қалққан шамол телбавор ва мастона қутуриб дарахтлар шохини эгиб, букиб, синдириб кетади. Чакмоқ чакиб момақалдинок гулдирайди, кўк юзида қора булутлар изғийди. Итлар улийди. Шу ҳолат, шу манзара ичида, аниқроқ айтганда, очунда ёлғиз қолган йўловчининг ҳол-руҳияти ҳаёлимизни яқин ўтмиш воқелиги сари ётаклайди.

Бундай кезде, юракнинг энг ички буржларига гизланган соҳибжамол ёр қиёфасидаги эрк ва озодлик ҳақидаги орзу-хаёл ва армонлардангина таскин топиш мумкин. Эпик баёнчи ҳам шу гўзал қошида чўлпонона антикади. Кўзларга тортилган парда – узун-узун киприклар орасидан сирғалиб, кўзлар дарёсига шўнғийди. Соҳибжамол юз-кўзларидан бўса олиб, сочлар майсазори аро мастона адашади. Бошқачароқ айтганда, анланган гўзаллик вужудига сингиб кетган “мен”лик йўқолиб, ягона борлик пайдо бўлади. Юз, кўз, соч, бармоқ, тил каби узвлар мисолида Эрк отлиг гўзални севган, унинг қалбини забт этган ошиқнинг ажиб оҳанглар қучоғида гоҳ ўлиб, гоҳ тирилиши билан боғлиқ худ ва бехуд ҳоллар унинг мақсад йўлидаги интилишлари қатъийлаша борганидан дарак беради.

Йўл энди болалик хотиралари сари югуриб елади. Турсун Али оламга кўз очган ва камол топган Фарғона сари ўрлаб, довлар ошади. Бошини булутлар силаган юксак тоғ чўққиларида баҳорий шаббодалар ўйнайди. Йўловчи пойида Ҳ.Олимжонни мафтун этган кўм кўк водийлар ястанади. Майсалар саломга бош эгади. Офтоб тафтида ўнгирлардаги қорлар эриб, шарқироқ жилғаларга кўшилади. Ойдин ва чароғон йўл. Боғлар оғушида камалакдек товланаётган боғлар кишини мафтун этади. Муҳими шундаки, бу нафис манзаралар Турсун Алининг ўз туғилган қишлоғи, болалиги ўтган кадрдон ерлар ва азиз одамларга бўлган адоқсиз соғинч туйғуларидан силқиб томчилайди.

Чиндан ҳам, кўкка бўй чўзган дарахтларни гўё шоирнинг орзулари осмон, беғубор болалигига, йўл ёқалаб оқаётган ариқчани, шошқин умрига қиёс қилгулик. Китобхон қишлоқнинг билқиллаган тупроқ йўлларида сарпойчан ва бошланг кезинаётган, ариқчада қийқириб чўмилаётган шоирнинг болалигига эргашиб, қалқиган ҳавода илқис жаранглаган онаизор товушини эшитади. Беихтиёр тарзда унинг қаршисида азбаройи қорни оч жўжиқларига бир бурда нон илиниш ниятида кўримсиз, лойсувоқ тегирмонда қаҳри қаттиқ тегирмончига мўлтираб, жовдираб термулган, сўкишиб талашган ночор ота қиёфаси ҳам бутун бўй-басти билан қад ростлайди. Шунда биз дoston битилаётган кезде, шоир хотирасида қайта уйғонган ўтган асрнинг 50-60- йилларига дахлдор “тарих” нақадар аянчли ва оғриқли эканини ҳис этамиз. Турсун Али бизга калит бергандай:

Ўша лаҳзаларни эсласам туйқус,

Ҳозир ҳам

Бугдойдек янчилар синиққан кўнглим

Хотирот тегирмонида.[1.97]

деб ёзади. Шоир хотираларига эргашиб, дарахтлар мунчоқдек тизилган боғ ҳовлининг зах босган хоналаридан бирида сукунат қучиб ётган онаизор қошида бир нафас тин оламиз. Жон асари қолмай, совиған вужуд ва бир ҳовли чирқиллаган болалар. Кўзлар диллардан тилларга кўчмаган ва сўзсиз англаш мумкин бўлган мунг нафасини уфуради. Зотан, залварли жимлик ҳам, шоир топиб айтганидай, бевақт айрилиқ қаршисида лол қолган отадек “мунғайиб қолган бир мотам”. Яъни оқсоч дунёнинг ўзидай қари ва азим бир мотами.

Денгиздай чайқалган пахтазор аро кун тиғида чопиқ қилаётган қиз-жувонлар сукутида бардош жаранглайди. Метиндай сабр тин олади. Ўз бағирларини чопиқ қилаётган тумонат ичида пақир кўтариб, уларга зилол сув улашаётган бир болакай кезинади. Шубҳасиз, ўзбек деҳқонига меҳр ва олқиш улашаётган бу болакайни яхши таниймиз. Бу онаизорига бўлган бир олам соғинчини бир пақир сувга алмаштирган ўзимизнинг сағир йўловчи. Шоир ёзади:

*Болалигим кўзларида инграйди соғинч,
Болалигим кўзларида гуллар айрилиқ.*[1.97]

Бинобарин, ушбу дoston муайян маънода, ўша ингроқлардан туғилиб, армонлардан куртак очган, орзулардан барг чиқарган ва айрилиқ бўлиб гуллаган гўзал ғунчадир. У бешафқат дунё талотўмларидан баҳс этади. Бизни қишлоқ одамлари қошига чорлайди. Дарҳақиқат, бу дoston:

- Сувга ғарқ бўлиб изсиз йўқолган, қўллари қалтироқ қўйбоқар Эркин ака аянчли тақдири;

- бутун қишлоқ болаларини жонидан ортиқ кўриб эркалайдиган, суйиб, суюниб уйига чорлайдиган, бир дилбандга зор Мурод тоға ва Ширин хола армонлари;

- овулнинг виждони, элнинг иймони бўлмиш Полвон ота соғинчи;

- пайкал четидаги омонат беланчакда талпинган чоғидаёқ оқ сут ўрнига қўланса ҳид – бутефосдан нафас олиб хазон бўлган не-не гулдай гўдаклар ва минглаб ночор оналар ноласи;

- Тошали бригадир қиёфасидаги тоталитар тузумдан ҳайиқиб, хўроз кичқирмасдан уйғониб кўсак чивишга мажбур этилган, “режадаги пахта” ни бажаришга бутун умри, жони ва имконини тиккан авлоднинг дил садолари;

- ҳали алифбо ҳарфларини тузукроқ танитай, санок рақамларини фарқлаёлмай, пахта даласига сафарбар этилган руҳи китобга ташна мурғак болалар армони;

- энг маҳзун ва энг шодон йигитлик мавсумида олис шаҳарда юпун кезинган, ижара уйга ийманиб кириб, тортиниб чиққан бир мусофирнинг ота биродари Асадулла ота хонадонида қисиниб-қимтиниб яшаган кечмиши ва башанг орзулари;

- илк муҳаббат қалбига меҳмон бўлиб, дилида шеър ҳаваси уйғонган соҳир дамлар соғинчи;

- иймон ва эътиқод таянчларини омон асраб қололган йўлчининг бутун бир умр китоби. Дилнинг энтиқиш ва ҳаприқишларининг ифодаси.

- Истиқлол эпкинни юзларни силаб, кўзларни қувнатган бахтиёр дамлар қувончи.

Хуллас, хотира кенгликлари ва юрак боғларида хануз хушқад ўсаётган умр дарахтининг йиллар шамоли буколмаган азамат танаси ва сершоҳ новдалари. Шоир кўксидан отилган Ватан ҳақидаги ҳайқириқдир.

Умуман, Турсун Али дostonга:

- Йўқотилган вақт, ўткан умр – азиз инсонлар ҳасрати, синиқ фарёди, ҳузун ва узун дарду соғинчлари;

- тақдирлар фожиаси, миллат дардларидан кўнгил уммонига ўкинч ва армон бўлиб чўккан ноалар;

- соғинчлардан бағри анор доналаридек ситилган шоирнинг гоҳ сокин, гоҳ саркаш, дилхун ноалари ва истибдод қишанларини парчалаган дилхушу осуд дамларини муҳрлаган.

Бинобарин, “Тақдир кенгликлари” дostonи кўз қарачиғидек ардоқли, момақалдиросдек садоли, чакмоқдек кескир экани сири шундаки, унда замондошимиз умрининг масъуд мавсуми, миллатнинг маҳзун дардларидан самимий роз айтилган. Шоир:

Осмону заминга сачратиб шодлигимни,

Истиқлол йўлидан борурман айқириб.[1.111]

деб ёзганидек, дoston ниҳояси китобхон руҳига ажиб тароват, кўнглига ўтли бир шуқуҳ олиб қиради. Рухимизни эркинликнинг саррин ва ҳузурбахш еллари силаб эсганида,

димоғимизга унинг муаттар бўйлари урилади. Шу мардона руҳ мустақиллик даври авлоди чақмоқ қадамидан нафармон гуллар ундириб, умидбахш тонглар сари етаклайди. Дилимизни сурурбахш орзулар чулғаб, бизни яратувчилик ва бунёдкорлик сари чорлайверади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Турсун Али. Лаҳзалар суврати . Шеърлар, баллада, достон, таржималар. Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, -Т.: 2016
2. Турсун Али. “Зангори овоза” (1979), “Юракдаги сўзлар” (1983), “Ёруғ кунлар” (1985), “Изтироб остонаси” (1992), “Тун товуши” (1993), “Ёлғизим” (1995), “Уйғоқ сукунат” (1999), “Туйғулар ранги” (Сайланма, 2001), “Сокин хайқирик” (2005), “Ой япроғи” (2008), “Гуллаётган юрак” (2009), “Қор шуъласи” (2011), “Сайланма” (2012) ва б.
3. Литературный энциклопедический словарь. – Москва, 1987.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ - МУСТАҚИЛ ТАФАККУРГА ЙЎЛ

Ахмедова Ш.Н., Филология фанлари доктори,
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси профессори

Глобаллашув даврида таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторига янги-янги воситалар кириб келмоқда. Ўқитиш ва таълим жараёни учун булар янгилик эмас. Ушбу иборалар ёнидан жой олган масофавий ўқиш, масофавий таълим ибораларининг кириб келиши таълим тизими такомиллашувини, яъни техника асрининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи кучга айланмоқда. Демак, ўқитиш, таълим, масофавий ўқитиш, масофавий таълим тушунчалари ҳаётимизнинг мазмунига айланиб бормоқда.

Таълим-тарбия жараёнларида масофавий таълим тизимини қўллаш бугун замон талабига айланди. Юртимизда бутун дунёга, инсониятга хавф солиниб турган бир пайтда таълим тизимида амалга оширилаётган масофавий ўқитишдан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бухоро давлат университетида масофали ўқитиш услубий материалларидан (матнлар, аудио ва видео дарсликлар, электрон дарсликлар, онлайн маърузалар, онлайн суҳбатлар, телеграмм каналларидаги алоҳида гуруҳлар) ўқув режаларидаги фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда ва яхши натижа бермоқда. Бу соҳада ишлашни университетимиз республикамиз бўйича биринчилардан бўлиб бошлаган эди.

Масофавий таълим - нафақат тингловчиларга масофадан туриб таълим беришни, балки уларнинг олган билимларини масофадан туриб назорат қилишни ҳам англатади. Масофадан ўқитишда ўқувчи ўзида қулай вақтда ва ҳаттоки, ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши ҳам мумкин. Масофавий ўқитишда ўқиш муддати талабанинг ўзига боғлиқ, яъни талаба ёки малакасини оширувчи педагог ихтиёрий пайтда ўқиши бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча таълим йўналишларида профессор-ўқитувчилар масофадан туриб таълим беришга ўтилди. **Уйда қолиб**, Moodle платформасига фанларини киритиш, маълумотларни тўлдириш билан фаолияти кучайди. Онлайн суҳбатлар, йиғилишлар, МД ВА МБИларнинг дастлабки химоялари ZOOM дастури орқали ўтказилмоқда. Излаган имкон топади деган мақол бугунги таҳликали, синов кунларда ўзининг ҳаётийлигини кўрсатмоқда.

Кўринмас душман ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди, шу билан бирга таълим соҳасини ҳам тез ўзгаришлар қилишга, ҳаёт-мамонт курашида Инсон иродаси неларга қодирлигини ҳам намоён этмоқда. Шунинг учун ҳам янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланмоқда. Таълимда бугунги кунда масофадан ўқитиш тизими қўл келаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Масофадан ўқитиш бу мустақил иш демакдир. Мустақил иш ҳар бир инсоннинг мустақил фикрлаш, тафаккур қилиш ҳолатини баҳолаш, хулоса чиқариш ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Бугунги кунда инсониятнинг тинчлик йўлида бирлашишида, кўринмас душманга қарши биргаликда курашишида, ҳуқуқий онгини ўстиришда масофадан ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланиш учун қулай шароит яратилмоқда.

Юртимизда қабул қилинаётган ва ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир қонунларни халқимиз онгига сингдириб боришда, айниқса, Инсоният ҳаётига хавф солиб турган вирусга қарши курашиш, Президентимизнинг мурожаатларини чекка қишлоқларда яшовчи талабаларга етказишда, уларга таълим беришда масофадан ўқитиш, онлайн, видеоконференциялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тан олиш керакки, ҳозирги вақтда ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Ёшларни ҳозирда компьютер ва у билан боғлиқ бўлган масалалар кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Шу борада масофадан ўқитиш, видеодарслар, аудиокитобларни тақдим этиш, масофадан туриб онлайн мулоқотлар ўтказиш таълимда айна қўл келадиган йўналиш сифатида кўзга ташланмоқда. Бунда талаба компьютер орқали у ўзига керакли маълумотни осонгина топиб ўрганиши мумкин. Бу борада таъкидлаб ўтиш лозимки, Интернетда ишлаш масаласи етарли бўлиши даркор.

Шу билан биргаликда, янги ахборот технологияларни ўқув жараёнига кенг татбиқ қилиш, талабаларга виртуал стендлардан, видео конференциялардан, мултимедияли электрон дарсликлардан фойдаланишларига тўла шароит яратиш, маълумот алмашишнинг тезлигини оширишни асосий мақсад қилиб қўйиш зарурлиги кўринади.

Университетмиздаги 12 йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда масофадан ўқитиш соҳасидаги илғор технологияларни кенгроқ ва чуқурроқ ўзлаштириш, уларни ўзимизга мос ҳолда татбиқ этишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Масофадан ўқитиш бугунги кунда - дунёни ларзага солаётган коронавирусга қарши кураш жараёнида маълум бир юксалиш босқичига кўтарилмоқда. Бунинг албатта, объектив сабаблари мавжуд. Таълим тизимини ташкил этиш ҳар бир даврда турлича бўлиши ижтимоий тизим, мафкуравий қарашларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Ижтимоий — иқтисодий, илмий — техникавий ривожланиш давомида таълим тизими мақсадига эришиш жараёнига нисбатан турлича педагогик ёндашувлар мавжуд бўлган.

Демак, таълим жараёнини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашиб бориши билан масофадан ўқитиш замонавий тус ола бошлади. Чунки таълим тизимининг бош мақсади ҳам етук, юксак малакали, маънавиятли, маърифатли, мустақил фикр юрита олувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Кичик бир зарра, аммо кучли зарра бизга кўзгу бўлди. У жамики онгли мавжудот бўлган инсониятни ҳаракатга келтирди, ўзига, ўзлигига қарашга хатоларни тан олишга ундади, табиат олдидаги, инсоният, жамият олдидаги бурчларни эслатиб қўйди.

Ўзни асраш ва шу қатори бошқаларни ҳам асраш энг катта қахрамонликдир бугун. Айни шу кунларда вазиятни ҳисобга олиб, вақтимизни бефойда нарсаларга сарфламай, жамиятга фойдали Инсон бўлиб етишиш учун курашиш лозимлиги кўринмоқда. Машҳур қорақалпоқ адиби Т.Қаипбергеновнинг “Қорақалпоқнома” роман-эссесиди шундай фикрлар бор: “Одамзот учун иккита қуёш бор- биринчиси табиий офтоб, иккинчиси руҳий офтоб, яъни китоб. Қуёшсиз тириклик йўқ! Китобсиз тириклар қалбини тагин зулмат эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Китобга суяниш, Китобдан ўрганиш, руҳий офтобдан унумли фойдаланиб, ҳаёт қуёшини порлатиб, эътиқодни бутун қилиб, яшашда давом этсак, ҳар қандай ёвни енгишга қодир бўламиз. Чунки масофавий таълим бўлажак замонавий мутахассис кадрларга, бўлажак ўқитувчиларга келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этишга ундайди. Бу эса ундан озод ва обод юртга, мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

ТАРИХИЙ РОМАННИНГ ИНТЕГРАЦИОН СТРУКТУРАСИ

Муродов Ф.Н., Филология фанлари доктори,
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси профессори

Тарихий–адабий бирлик сифатидаги миллий адабиёт ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ҳолда умумжаҳон бадиий жараёни билан жипс боғланган. Шунга кўра, унда жаҳон адабиётидаги муштарак қонуниятлар, тамойиллар ва принциплар мавжуд бўлади.

Ҳар бир миллий адабиёт адабий анъаналарнинг ва янгиликларнинг синкретизми сифатида шаклланади, ҳаракат қилади.

Айрим (миллий) адабиётлар этник, лисоний, давлат – маъмурий, жуғрофий, сиёсий-мафқуравий омиллар асосида муайян гуруҳларни ташкил этиб келган. Жаҳон адабиёти, яхлит адабиётлараро муштаракликнинг асосий таркибий қисмлари бўлган бундай гуруҳлар тарихий категориялар ҳисобланиб, улар вақт ўтиши билан ўзгариши, бошқа – янги гуруҳнинг доирасига кириши мумкин. Йигирманчи асрнинг иқтисодий, сиёсий-ҳарбий, маданий-маъмурий, адабий-бадиий сингари кўп тармоқли, мураккаб муносабатлари, алоқалари, зиддиятлари, анъаналари, янгиликларини ўз бадиий оламида мужассамлаштирган Марказий Осиё адабиётлараро муштараклиги янги тарихий даврнинг, жаҳон бадиий жараёнининг ўзига хос шакли сифатида бунёд бўла бошлади. Бу адабиётлараро муштаракликнинг синкретик бадиий қурилмасида ҳам анъанавий (турк-араб-форс-тожик), ҳам янги (европача) бадиий унсурлар мажмуасининг уйғун(синтез)лашган хусусиятлари, қонуниятлари тажассум топди.

Янгича – Шарқу Ғарб бадиий тажрибаларининг қўшилмасидан ҳосил бўлган адабиётлараро муштаракликлар маҳсули бўлмиш Марказий Осиё тарихий романчилигида адабий ворисийликнинг мураккаб жараёнини, адабиётлараро алоқалар – боғланишларнинг турли шакллари, адабиётлараро жараённинг пировард натижаси ҳисобланган жаҳон адабиётининг етакчи тамойилларини кўриш мумкин. Бадиий тафаккурнинг етакчи хусусиятларини, белгиларини, жанрий шакллари ўз ҳудудига қамраб олган, шу билан бир қаторда, алоҳида, хос аломатларга эга бўлган тарихий

романчилик диалектикаси умумжаҳон миқёсида кечган тарихий–адабий оқимлар, йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ. Шарқ (турк, араб, ҳинд, форс-тожик) фольклорининг жанрлари, қаҳрамони, қаҳрамон типи, сюжет-композицион асослари, тасвирлаш усуллари, воситалари, принциплари, кўламдор бадиий мундарижаси Марказий Осиё тарихий адабиёти таркибига кирган тарихий-адабий бирликларга турли даражада ўз таъсирини ўтказган ва ўтказиб келмоқда.

А.Н.Веселовский, В.М.Жирмунский²⁵ Шарқ ва Ғарб фольклорида қадимдан сюжет, баён мотивлари, қаҳрамон типигаги ўхшашликлар, параллеллар мавжудлиги ҳақида ёзганлар. Бундай ўхшашликлар, параллеллар муштарак тарихий, иқтисодий муносабатлар, дунёқараш, психологик ҳолатлар, ижтимоий ҳаётнинг ўзаро яқин шароитидан келиб чиққан типологик хусусиятлар билангина эмас, айрим халқлар оғзаки ижоди орасидаги генетик-шажаравий боғланишлар, алоқалар билан ҳам изоҳланади.

Фольклор Марказий Осиё адабиётлараро муштараклигини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири сифатида бадиий ҳудуддаги айрим (миллий) адабиётларни тарихий-генетик, типологик жиҳатдан ўзаро боғлаши, бирлаштириши билан бирга уларни жаҳон адабий-бадиий жараёнига туташтириб, жипслаштириб туради. Халқ оғзаки ижодининг бевосита ва билвосита (мумтоз адабиёт орқали) таъсири йигирманчи асрдаги Марказий Осиё адабиётлараро муштаракликнинг барча тарихий - адабий бирликларига мансуб эпик адабиёт жанрларида зухур топган. Шунингдек, турк (“Алпомиш”, “Манас”, “Гўрўғли”, “Китоби Кўрқуд”), турк-форс (Рустам, Хусрав), ҳинд (“Маҳобҳорат”, “Рамаяна”) қаҳрамонлик эпослари, халқ эртаклари, эпик ривоятлар, афсоналар, бадиий образлар шаклланган ёзма эпик анъаналар, бадиий тажрибалар янги адабиётлараро муштараклик шаклининг барпо бўлиши, таркиб топишига ўз улушини қўшди.

Европача эпик, драматик жанрлар, шакллар, уларнинг сюжет, композицион қурилишлари янгидан юзага келаётган Марказий Осиё адабиётлараро муштараклиги доирасига кириб келар экан, тарихий–адабий бирликлар мажмуасининг кўп асрлар давомида шаклланиб бўлган бадиий қурилмалари, усуллари, тасвир воситалари билан мураккаб муносабатлар майдонига кириб келди, зиддиятлар, тўқнашувлардан холи бўлмаган бундай кўп қиррали, кўламдор алоқа-бирлашувлар жараёни жаҳон адабий-бадиий тафаккури тарихида ноёб ҳодиса бўлган янги – Шарқ-Европа адабиётлараро боғланишларнинг ўзига хос шакллари юзага келтирди.

Бундай уйғунлашиш янгича бадиий онгнинг ҳам шакл, ҳам мундарижа, ҳам мазмун оламида намоён бўла бошлади.

Шарқ-Ғарб адабий муносабатлари, ўзаро таъсирлари, бирикиш, бирлашиш ҳаракатини бадиий жанрлар орасида мумтоз ўринни эгаллаган роман шаклининг юксак намуналарида, айниқса, аниқ кўриш мумкин.

“Замона эпоси”, “қирғоксиз уммон”, “эркин шакл” бўлган Марказий Осиё романи – янги типдаги адабиётлараро жараённинг асосий маҳсули, Шарқу Ғарб эпик тафаккурининг синтези, адабий тажриба ва янгиликларнинг синкретизми сифатида юзага келди.

“Фаол кўп тилли оламнинг маданий, адабий-ижодий тафаккури зухуроти” (М.Бахтин) сифатида бунёд бўлган бу роман Ғарб-Шарқ бадиий-поэтик жараёнлари ўзаро

²⁵ Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур. Взаимосвязи и взаимодействие национальных литератур – М.: Наука, 1961.

кесишган, бирлашган нуқтада пайдо бўлди ва жанр тараққиёти йўлининг янги бир босқичига кира бошлади.

А.Қодирийнинг “янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашиб”, халқни “шу замоннинг “Тоҳир-Зухро”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзида мажбурият ҳис этиб” яратган “Ўткан кунлар” романи қадимги Шарқ эпик захираларини янги замон романчилигига омухталаштириш, бирлаштириш бўйича амалга оширилган дадил, улкан тажриба бўлди. Бу бадиий тажрибада Шарқ эпик адабиётининг анъанавий хусусият ва аломатлари (ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик мотивлари, саргузашт унсурлари), қаҳрамон типи, унинг бадиий қурилмасидаги асосий белгилар сақлаб қолинди, Фарб романчилик тажрибасидаги йирик эпик шакл (роман), мазкур бадиий шакл типи (тарихий роман), унинг сюжет – композицион қурилиши синтезлашган бадиий тафаккур қонуниятлари, мезонлари асосида ижодий-концептуал қайта ишланган ҳолда қабул қилинди.

Романнинг “қирғоқсиз” жанрий имкониятлари, кўп қиррали кўламдор бадиий дунёси, унинг жаҳон, коинот миқёсидаги эпик олами, шакл, мундарижа, бадиий тафаккур тарзи нуқтаи назаридан бир–биридан фарқланиб турадиган икки бадиий майдон (Шарқ ва Фарб адабиётлари) туташуви ва бирикиб-қоришиб кетишига, айниқса, кўпроқ имкон, замин яратиб берди.

Марказий Осиё адабиётлараро жараёни ҳудудига кирувчи ўзбек (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”), тожик-ўзбек (“Дохунда”, “Куллар”) адабиётларида улкан эпик жанрнинг дастлабки намуналари тарихий роман шаклида пайдо бўлди. Бу романларда ўтмишнинг бадиий солномалари, яхлит эпик манзаралари тасвирида мураккаб тарихий, рухий-маънавий муаммолар, миллий тарих зухур топди.

Марказий Осиё адабиётлараро жараёнида эпик турнинг катта шакли “тарихий роман” сифатида пайдо бўлиши ўз асосларига эга.

Бу ҳодиса Марказий Осиё романининг генетик-алоқавий жиҳатдан фольклорнинг эпопея жанрига бориб туташидан далолат беради. М.Бахтиннинг фикрига кўра, эпопея олами – миллий қаҳрамонлик тарихи, миллат мозийсининг “ибтидоси” ва “чўққиси” олами, ота ва бобокалонларнинг олами... Эпопея ҳеч қачон ҳозирги замон ҳақидаги, ўз даври ҳақидаги дoston бўлмаган: эпопея азалдан бизга маълум ҳолда шаклланган жанр тарзида ўтмиш тўғрисидаги дoston эди²⁶.

Эпопея (эпос)нинг мукамал шаклий ва жанрий тузилиши, асосий конститутив хусусиятлари Марказий Осиё романи генезиси, таркиб топиши ҳамда унинг тарихий роман шакли учун ўзига хос замин ҳозирлаб берди.

Шу билан бирга, романнинг бадиий мундарижаси эпопеядан фарқли равишда мутлоқ эпик масофадаги воқеликни эмас, А.Қодирий сўзлари билан айтганда, “яқин ўтган кунлар”ни акс эттирди. Марказий Осиё тарихий романининг биринчи намуналари бўлган “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Дохунда”, “Куллар”да тасвирланган давр “яқин ўтган кунлар”дир.

²⁶ Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – С. 401. Яна қаранг: .Бахтин М. Эпос ва роман. М.Олимов таржимаси// Филология масалалари. - Тошкент, 2005. 2-3(9)-сон. – Б. 228-237.

А.Қодирий ҳам, С.Айний ҳам мозийни кенг, чуқур, эпик кўламдор тасвирлаш учун эпос жанрлари орасидан роман шаклини танлаб олганлар. Чунки “ўтмишни ўтмиш сифатида чинакам объектив тасвирлаш фақат романдагина мумкин”²⁷.

Романнинг ҳад билмас улкан эпик майдони ўз ҳудудига улкан тарихий воқеа-ҳодисаларни, шу воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлган, унинг тарихий-ижтимоий оқимини белгилаган халқ, инсон руҳиятининг теранлигини, кўламини муфассал, бадиий таъсирчан ифодалаб беришга имкон яратди.

“Ўткан кунлар” тажрибаси Европа, маълум даражада замонавий Шарқ (араб) эпик адабиётида шаклланган “Вальтер Скотт романи”ни поэтик, бадиий мундарижа жиҳатидан янги сифат босқичига олиб чиқди.

“Ўткан кунлар” адабий-тарихий давр нуқтаи назаридан ўзига хос шароитда, жадид - маърифатпарварлик адабиёти ўз фаолияти, ҳаётини яқунлаётган, адабиётлараро жараённинг янги, синфий-партиявий моҳиятга тўйинган тарихий шакли – “кўп миллатли совет адабиёти” талаблари, ақидалари, “ижодий методи” ҳали ишлаб чиқилмаган бир пайтда юзага келди. Жадид-маърифатпарварлик ҳаракати негизида вужудга келган адабиётлараро муштаракликнинг тасвир принциплари, идеаллари, ғоявий-бадиий концепциялари “Ўткан кунлар”нинг бадиий олами яхлитлиги, эпик баркамоллигини таъмин этди.

“Ҳар бир миллий адабиёт тарихий тараққиёт йўлида бир неча адабиётлараро муштаракликларнинг табиий таркибий қисми бўлиши мумкин”²⁸.

Тарихий шарт-шароит тақозосига кўра Марказий Осиё адабиётлараро муштараклиги “кўп миллатли совет адабиёти” таркибига кирди.

Бу ягона давлат тизимидаги айрим адабиётларнинг ўзаро муносабатга киришишига, бир-бирини маданий-адабий тажрибалар билан бойитиб боришига маълум даражада имкон яратиб берди.

Аммо давлат тузумининг нобоплиги, унинг асосини юзага келтирган таълимотнинг юзаки ва омонатлиги адабиётлараро жараённинг ҳаракатига, диалектикасига, ички тадрижий боғланишларига тўсик бўла бошлади.

Шу тариқа типологик, генетик-шажаравий асосда шаклланган адабиётлараро муштараклик шакллари билан “кўп миллатли совет адабиёти”нинг сунъий, сиёсий-маъмурий ақидалари, мезонлари, “методи” орасида пинҳоний, мурасасиз тўқнашувлар, зиддиятлар рўй бера бошлади. Бундай тўқнашувлар, зиддиятлар оқибатида Марказий Осиё адабиётлараро жараёнидаги тарихий-адабий бирликларнинг ўзаро, шу билан бирга, жаҳон адабий-бадиий жараёни билан алоқалари, таъсирлари сустлаша борди.

Аммо кудратли, чуқур тарихий-маданий илдизларга эга адабиётлараро муштараклик ҳаракати аста-секинлик билан бўлса-да қад ростлай бошлаб, муваққат, ғайритабиий ақидалар асосини емириб, уларни ўз таъсир доирасидан четга сура бошлади. Адабиётлараро жараён оқимининг қуйи қатламларида ички, яширин алоқалар, бирлашиш-чатишувларнинг мураккаб қонуниятлари амал қилаверди.

²⁷ Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – С. 417.

²⁸ Диониз Дюришин и коллектив. Особые межлитературные общности – 5. – Ташкент: Наука, 1993. – С. 62.

Марказий Осиё тарихий романининг кейинги босқичларидаги диалектикаси, тадрижий йўлини, унинг умумжаҳон бадиий тафаккури билан муносабатларини ана шундай чигал ва кўп қатламли тарихий-адабий шарт-шароит доирасида таҳлил қилиш ва баҳолаш зарур бўлади.

Тарихий роман даврнинг муайян “босими”, тазйиқига қарамай, ўз бадиий оламида фалсафий, психологик, ижтимоий, сиёсий муаммоларни акс эттиради, унинг мавзу худудига миллий озодлик ҳаракатлари, уруш, истилолар, ислохотчилик, инқилоблар кириб келади. Бу мавзу ва муаммолар, ўз навбатида, романнинг жанрий табиатига таъсир ўтказа бошлади.

Давр тараққиёти, адабиёт тараққиёти билан боғлиқ ҳолда роман ҳам “шаклланаётган жанр” сифатида жиддий шаклий эврилишларни бошдан кечирди.

Романнинг адабий жанрлар орасидаги ҳукмрон, устувор ўрни унинг бадиий майдонида тарихий адабиётнинг етакчи хусусиятлари, тамойиллари ва қонуниятлари мужассамланишига сабаб бўлди.

Миллий адабиётларда жаҳон, хусусан, Туркистон ўтмишининг қаҳрамонона руҳини ўзининг ҳаётида умумлаштирган тарихий шахсларнинг бадиий образ сифатида ишланиши, тадрижи адабиётлараро жараённинг умумтипологик қонунлари, генетик-шажаравий асослар, тарихий-бадиий бирликлар ва муштаракликларнинг айрим босқичлари (Уйғониш, классицизм, танқидий реализм, жаҳид-маърифатпарварлик, “социалистик реализм”, миллий истиқлол даврлари)га хос специфик жиҳатлар, тамойиллар билан узвий боғлиқ.

Миллий истиқлол давридаги адабиётлараро муштараклик шакли (Марказий Осиё адабиёти) қаҳрамон типини яратишдаги синфий-партиявий, тенденциоз-нигилистик уринишларни ижодий-бадиий тажрибада инкор этиб, жаҳон адабий жараёнининг тарихий шахс образини яратиш бўйича тўпланган бадиий ютуқларини ўзлаштириш, Шарқу Ғарб бадиий-поэтик синкретизмининг янги босқичга олиб чиқиш бўйича фаол ҳаракат майдонига кира бошлади.

Шундай қилиб, жаҳон маданий-эстетик, адабий-бадиий ютуқларини, ижодий тажрибаларини, замонанинг бадиий тафаккурини, дунёқарашини кўп қиррали структурасига жо қилган адабиётнинг образлар олами, сюжет-композицион қурилмаси сўз санъатининг умумтипологик қонуниятлари, тенденциялари, принциплари ва генетик-шажаравий ворислик асосида ривожланиб борди.

Ўзбек тарихий романчилиги йигирманчи аср давомида миллий адабий-бадиий анъаналар, шу билан бир қаторда, жаҳон адабиёти тажриба ва ютуқларини ўзлаштириб ўз тарихий-эстетик тараққиётини давом эттирди. Бадиий оламига миллат, инсоният мозийсида чуқур из қолдирган улкан тарихий воқеаларни жо этди. Башарият учун беминнат хизмат қилган атоқли тарихий шахсларнинг ёрқин образларини яратишга эришди. Тарихий роман бадиий тақомилида тарихий-маданий шарт-шароит, ижодкор истеъдоди билан бир қаторда адабий-бадиий анъаналарнинг ўрни ва аҳамияти муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ ВА АДАБИЁТИДА “ҚОРА ХАТ” МОТИВИ

Ўраева Д. С., филология фанлари доктори,
БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори

Иккинчи Жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг
75 йиллигига бағишлайман.

“Қора хат” 1941-1945 йилларда кечган Иккинчи Жаҳон уруши вақтида босқинчи немис-фашистларга қарши курашга отланиб, жанг майдонида ҳалок бўлган кишиларнинг ўлимини маълум қилиш учун юборилган хатдир. Улар ўлим дарагини етказгани сабабли кўпроқ салбий оттенкага эга “қора” сўзи билан ифода этилган. [2, 47]. “Қора” ранги ёмонлик, ўлим тушунчаларида символлаштирилган. Мана шу асосда оғзаки ва ёзма адабиётда “қора хат” мотиви “ўлим даракчиси” сифатида пайдо бўлган.

“Қора хат” орқали жангчининг ўлими хабари унинг оила аъзоларига, яқинларига етказилгани учун қайғули, ғамли, ташвишли хат маъносида қабул қилинган. У келган ҳар бир хонадонда йиғи, мотам юз берган. Шу боисдан ўша даврларда яратилган кўпгина халқ кўшиқларида “қора хат” мотиви алоҳида кўзга ташланиб туради. Жумладан, бу ҳолат ўзбек халқ кўшиқларида ҳам кузатилади:

Акажоним, жон акам,

Қора хатингни олдик.

Сени ўлган эшитиб,

Ғаму қайғуда қолдик. [1, 167].

Шу тариқа уруш йилларида ўзбек халқ шериятидаги йиғи ва йўқловларнинг мотивлари қаторида “қора хат” мотиви пайдо бўлди.

“Қора хат” мотиви фақат уруш даври фольклори намуналарида эмас, балки уруш ва урушдан кейинги даврларда яратилган достон, баллада, ҳикоя, қисса, роман, драма, трагедия каби жанрлардаги ёзма асарларда ҳам келтирилгани кузатилади. Масалан, таниқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳорнинг “Асрор бобо” ҳикоясида кекса чол кампирнинг ёлғизгина ўғли Ёдгор фронтда ҳалок бўлади. Бу ҳақда келган қора хатни чол кампирдан, кампири эса чолидан яшириб, бир-бирини авайламоқчи бўлишади. Бир-бирига билдирмай, аинҳона йиғлаб-йиғлаб олишади. Ниҳоят, бу сирни Асрор бобонинг яқин дўсти Ҳайдар ота ошкор қилиб қўяди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов урушдан оғир ярадор бўлиб қайтиб, ёш ҳалок бўлган отасига бағишлаб ёзган “Нидо” номли достонида (1964) уруш ва у олиб келган кулфатлар, етказган айрилик жароҳатлари ҳақида тўхталар экан, уни урушда ҳалок бўлган отасини хотирлаб, унга нидо қилаётган ўғилнинг изтироблари шаклида бошлайди. Достонда Рустам исмли боланинг акаси урушдан бир оёғини йўқотиб, қўлтиқтаёқда қайтгани, Хол аканинг урушдан қўлсиз келгани, Талъат деган боланинг эса дадасидан қора хат келгани учун мактабга келмай қўйгани тўғрисида айтилган. Достон хулосасида шоир тинчлик учун, инсониятнинг бахтли келажаги учун кураш нидоси ҳар бир инсон қалбида жаранглаб турмоғи керак демоқчи бўлади.

Таниқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимов ижодида уруш мавзусида ёзилган асарлар алоҳида ўрин тутади. “Қора хат” мотиви унинг “Икки эшик ораси” романи, оналар ҳақидаги “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги ҳикояларда учрайди. Жумладан, “Икки эшик ораси” романида Фотима келин урушдаги эри ҳақида туш кўради. У тушида кап-катта

қизи Ойпопукни бешикка белаётганмиш. Шунда вой, кап-катта болани бешикка белаб эсимни едимми деб мундоқ қараса, бешикда ётган қизи эмас, эри Шокир акаси эмиш... Хотин кишининг тушига бешик кирса, ўнгида тобут кўради, деган гап қулоғига чалингани учун, аёллар туши тескари келади деган халқона ишончни билгани сабабли келинчак тушидан хавотирлана бошлайди. Фотима келин тушидан бежиз хавотирланмаган бўлади. Чунки тез орада Шокир ва Зокирларнинг ўлиmidан хабар – қора хат келади. Шунда Фотима келин: “Туш кўрмай мен ўлай, – дейди инграб. – Бешик кўрмай мен ўлай!” – дея роса нола чекади [3, 165].

Ў.Ҳошимов “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги “Ўрис боланинг ойиси” ҳикоясида Зеби холанинг бир ойда ҳам эридан, ҳам ўғлидан қора хат келгани ҳақида шундай парча бор: “... Қараб туриб Худонинг ишларига ҳам қойил қолмайман. Ота-боладан бир ойда “қорахат” келса-я!” [4, 131]. Зеби хола ана шу воқеадан қаттиқ эзилса-да, ўзини қўлга олиб, тақдирга тан бериб, уруш бўлаётган жойлардан эвакуация қилинган Ваня исмли болани ўғил қилиб боқиб олади. Уни ҳамма гоҳ ўрис бола, гоҳ Ваня деб эмас, Валижон деб эркалашади. Зеби холани эса ўрис боланинг онаси деб чақирадиган бўлишади.

Ўзбекистонда кўпгина аёллар қора хат олиб, эри ўлганини, бошқа қайтиб келмаслигини билишса-да, аввало, эрининг хотирасини ардоқлаб, қолаверса, ҳаётини болаларига бағишлаб, қайта турмуш қурмаганлар, ўзларини ўйламаганлар. Шунинг учун ўзбек адабиётида ана шундай оналар образи гавдалантирилган асарлар алоҳида силсилани ташкил қилади. Шундай асарлардан бири Саида Зуннунованинг “Сурат билан суҳбат” достонидир. Унда эридан қора хат олгач, ўғлини якка-ёлғиз ўстирган онанинг шу ўғли никоҳ тўйдан сўнгги кечинмалари, эри ҳақидаги ширин хотиралари ифода этилган. [5, 206].

Баъзан қора хатлар адашиб ҳам келган. Шу сабаб унга бирданига ишонмаслик, кутиш ҳолатлари ҳам юз берган. Адабиётимизда бундай ҳолатлар тасвири ҳам кузатилади. Масалан, атоқли ўзбек адиби Одил Ёқубовнинг “Диёнат” романида Фазилатхон севгилиси Жаббордан келган қора хатга ишониб, уни кутмай, севмаган кишиси Жамол Бўрибоевга турмушга чиқиб, бахтсиз яшайди.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмидан то 80-йиллари охирларигача ҳукмрон «қизил» империя «Савр инқилоби ғалабаларини мустаҳкамлаш» шиори остида аскарлик хизматини адо этаётган минглаб азамат йигитларни Афғонистондаги биродаркушлик урушига сафарбар қилди. Оқибатда қанчадан-қанча бегуноҳ йигитлар ҳаётдан бевақт кўз юмиб, жасадлари темир тобутларда қайтиб келди. Шу боис ўша даврлар воқелиги акс этган асарларда, асосан, “темир тобут” образи учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи Жаҳон уруши вақтида жангчининг ўлими ҳақида унинг оиласига хабар етказиш вазифасини бажарган қорахат ўша даврда ҳамда ундан сўнг шу уруш воқеликлари ёритилган асарларнинг реаллигини кучайтириш учун асосий ўзига хос мотивларидан бири сифатида хизмат қилган. У бошқа давр асарларида учрамайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Т.: ЎЗР ФА, 1959. – 316 б.
2. Рўзиева М. Ўзбек фольклорига ранг символикаси. – Т.: Фан, 2016. – 208 б.
3. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси: Роман. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – 551 б.
4. Икки эшик ораси: Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари: Роман / “Аср ошган асарлар” – Т.: “Шарқ”, 2016. – 576.

КИНОЯ ВА ТАРЖИМОН УСЛУБИ

Қувватова Д.Х., филология фанлари доктори,
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси профессори,
Мубашира Баротова, мустақил изланувчи

Киноя бадиий асарда турли вазифаларни бажариб келади. Таниқли ёзувчи Эркин Аъзам ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири киноянинг қўлланиши билан боғлиқ. Ўзбек адабиётшунослигидаги Э.Аъзам ижоди ўрганилган тадқиқотларда бу ёзувчи ижодига хос муҳим хусусият сифатида талқин этилган. Бугунги кунда адиб асарлари инглиз ва француз тилларига таржима қилинди. Мазкур жараёнда бир қатор тил воситалари қатори киноя таржимаси ҳам алоҳида эътибор ва таҳлилни талаб этади. Аслият ва таржима мисолида ёзувчи кинояларини муқояса қилишга ҳаракат қиламиз.

Киноя аслида сўзни тесқари маънода қўллаш усули бўлиб, у бадиий асарда тасвирланаётган воқеликка турли муносабатни ифодалайди, қаҳрамон характери қирраларини очишга ёрдам беради. Зеро, "кинояда кулгили ҳолат жиддийлик ниқоби остида, салбий муносабат устунлигида берилади, юморда жиддийлик кулгили ниқобда ифодаланади, сатирани фош этувчи кулгиси орқали эса салбий иллатлар қораланади"²⁹. Э.Аъзам кинояларига шу хусусиятлар кўзга ташланиб туради. Ёзувчи асарларида киноянинг устунлик қилиши тасодиқий эмас, ўз омилларига эга. Ўтган асрнинг 80-йилларда юзага кела бошлаган давр ижтимоий-психологик омил – кишилар ишонган идеал ва реал ҳаёт муносабатидаги номуносибликни англаш кайфияти ёзувчи ижодидаги шу хусусиятни устувор этди. М.Шералиеванинг ёзишича: "1) ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзига хосдиги ва унинг ёзувчи дунёқарашига таъсири; 2) ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик қарашларни тубдан ўзгартириш, янгилаш эҳтиёжининг ижодкорлар талқинида акс этиши; 3) ижодкор табиатининг кинояга мойиллик даражаси"³⁰ билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган.

Ёзувчи асарлари инглизча таржимасида мутаржим кинояни мазмунан ва мантиқан тўғри ифодалашга интилгани сезилиб туради. Мулоҳазаларимизни Э.Аъзамнинг "Ёзувчи", "Аралашқўрғон", "Шовқин" асарларидан олинган мисоллар орқали асослашга ҳаракат қиламиз. "Ёзувчи" ҳикоясида киноянинг қатор намуналари мавжуд: "У ўртамиёнагина ёзувчи эди. Бу энди ҳар балони ўқийвериш осмонга сапчийдиган бўлиб қолган бизга ўхшаш «доно»ларнинг фикри"³¹. «Доно» сўзи киноя бўлиб, ўзбек тилида матндаги тесқари маъноси "доно эмас", "нодон"сўзларига мос келади. Инглиз тилида: He was a writer of average acclaim. According to "sages" like us, that is, who eagerly devoured every book available³². Эътибор берилса, "доно" сўзи "sages" тарзида берилган. Бунда таржимон киноянинг ўзбек тилида берилишини эътиборга олган, қолаверса, юқоридаги сўз ўзбек

²⁹ Тошмухамедова Л. Бадиий асарда кулгунинг эстетик вазифаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, № 2. –Б. 18.

³⁰ Шералиева М. 80-йиллар ўзбек насридаги киноя хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, № 1. –Б. 41.

³¹ Аъзам Э. Жаннат ўзи қайдадир. бир йил битиклари, 2007, -Б.1.(Кейинги мисоллар шу манбадан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади)

³² Erkin A'zam (translated from Uzbek by A'zam Abidov) Farewell to Fairy Tales, 2016, –239p. .(Кейинги мисоллар шу манбадан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади)

тилида ифодаланган киноявий маънони бера олган. “Боз устига – унча-мунча ёзгани мактаб дарсликларига киритилганига қарамай, умр бўйи бирор мансаб-мартабани кўрмагани учунми, ё ўзи ҳам ўлгудек тортинчоқ, хокисорлиги сабабми, «катта» адабиёт вакиллари орасида кирои салмоғи йўқ, бизга ўхшаганлар-ку одам ҳисобига кўшмайдиган камписанд қаламкаш эди” [3.1]. Мазкур матнда “Катта” адабиёт бирикмасида “катта” сўзи киноя бўлиб, бировлар меҳнати, истеъдоди туфайли ном қозонган ижодкорлар назарда тутилган. Инглиз тилида: *Moreover, even though some of his writings were included in scholastic books, for some reason – perhaps because he never held an official post, or perhaps because he was too mild and withdrawn – he was not counted among the representatives of “great literature” and writers like us just disregarded him* [4.239] тарзида берилган. Бунда ўзбек тилидаги каби фақат “катта” сўзи эмас “адабиёт” сўзи ҳам кўштирноқ ичида (“great literature”) берилган. Шу асосда бу ўринда киноя майдони кенгайган.

“Раиснинг қўлёмаси қараб бўлмайдиган бир аҳволда эди. Боз устига, «соқов» мошинкада кўчирилган бу дардисарни пойтахтга қатнаб ўқиган ўша ерлик бир адабиёт муаллими ўзича тузатмоқчи бўлиб баттар расво қилган экан – худди аълочи ўқувчининг «**тўппа-тўғри**» ёзилган иншосига ўхшайди: «борган эди», «келган эди», «айтган эди» [3.2]. Мазкур матнда иккита: «соқов», «**тўппа-тўғри**» киноялари қўлланган. «Соқов» мошинка бирикмасида “соқов” сўзи тескари маънода ишлатилган. Чунки олдинги ёзув машинкаларида ишлаш жараёнида турли шовқинли овоз “чик-чик” тақлид шаклида эшитилган. Яъни “соқов” сўзи тескари маънода “сершовқин” сўзини ифодалаб келади. Инглиз тилида: *“The kolkhoz director’s manuscript was weird. Not only had this “headache” been typed up on an obsolete typewriter, but to make matters worse, some local literature teacher who had studied in the capital had made some “corrections”, too. The manuscript looked like an “excellent” essay by an excellent pupil, who often used flowery turns of phrase and complex grammar* [4.241]. “Соқов” сўзи ўрнида таржимон “obsolete” сўзини қўллаган. Бу сўз ўзбек тилида “эскирган”, “истеъмолдан чиққан”, “кам қўлланиладиган” маъноларини беради. Демак, матнда киноя мазмунидаги “соқов” сўзи маъноси ифодаланмаган. “Excellent” сўзи “**тўппа-тўғри**” сўзи маъносига мос келади. Яъни бу иншонинг яхши савияда ёзилмаганлигини билдириб туради.

“Раис куруқ раҳмат билан чекланадиган нокас эмас экан. Шанба куни Олашовурни юбориб, уни колхозига тақлиф қилди. «Боғи Эрам»ининг ўртасидаги баҳаво шийпонда «**чортанг**» зиёфат берди” [3.3]. “Чортанг” сўзи ўз маъносида тўрт кишинининг суҳбати маъносини беради. “Чортанг форсча 1. Тўрт томони сиқик, камбар, зич. 2. Қизгин, жўшқин, жонли (гап, суҳбат ва шу кабилар)” маъносини билдириб келади³³. Бирок киноявий маънода қаҳрамоннинг баҳаво шийпонда катта зиёфат берганлигини билдиради. Инглиз тилида бу матн қуйидагича ўгирилган: *“The kolkhoz director was no skinflint. On Saturday, he invited the editor to the kolkhoz, sending Olashovur to pick him up. He arranged a fine banquet right in the middle of his beautiful garden* [4.242]. “Чортанг” миллий-маданий хусусиятга эга бўлган реалия ҳисобланади. Шунинг учун таржимада уни айнан бериб бўлмайди. Таржимон шу жиҳатдан келиб чиқиб, мазкур сўзни киноя мазмунида эмас, ўз маъносида “fine banquet” тарзида инглиз тилига ўгирган ва матн мазмунини беришга эришган.

³³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2- жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б.511.

“Ҳадемай матбуотда «хўжалик ташвишларидан ортиб шундоқ ажойиб асар ёзган раис бува»ни шарафловчи қўша-қўша тақризлар пайдо бўлди” [3.3]. Мазкур парчадаги «Хўжалик ташвишларидан ортиб шундоқ ажойиб асар ёзган раис бува» бирикмасида киноявий мазмун бор. Яъни аслида асар раис томонидан эмас, балки унинг номини машҳур қилиш қилиш учун бошқа истеъдодли ёзувчи томонидан қайта ёзилганлигига ишора қилинган. Инглиз тилида бу матн қуйидагича ўгирилган: “It was not long before the local press began running reviews, one after another, praising “the kolkhoz director who wrote such a magnificent book in addition to his main duties in the kolkhoz” [4.242].

“Қизгин «эъжод» дамларида Олашовур унга пайдар-пай чой дамлаб бериб турар эмиш: илҳомингизга барака!” [3.3]. «Эъжод» дамларида бирикмасидаги “эъжод” сўзи ўзбек тилида “ижод” дегани. Раисда гарчи ёзувчилик иқтидори бўлмаса-да, ўзини ижод қилгандек тутиб, бир нарсаларни қоралаш билан машғул бўларди. Шу маънода “эъжод” сўзи ҳақиқий ижод дамларини англатмайди. “Every morning, the kolkhoz director came to his office and wrote at least two pages, mopping the sweat off his brow and double chin with his handkerchief. To support the director in his moments of inspiration, Olashovur would ply him with tea. We, in our turn, should also praise such bravery: bravo, kolkhoz director, bravo!” [4.243]. Инглиз тилида мазкур киноянинг мазмуни ифодаланган: “his moments of inspiration”. Ўзбек тилида “илҳом дамлари” маъносини беради. Айни вақтда бу кинояни “**creation process**” тарзида ўгирилса, матндаги мазмунни янаям тўлиқ ифодалаш мумкин бўлади.

“Аралашқўрғон” ҳикоясида ҳам ёзувчи киноядан унумли фойдаланган. Энди-энди намознинг машқини олаётган оқсоқол тутила-тутила пешинликни ўқиб дахлизга чиққанида, «таътил кунлари бувисига ёрдамга келган» қиз невараси бурчакда турган телефон гўшагини тутқазди” [3.18]. «Таътил кунлари бувисига ёрдамга келган» қиз невараси бирикмасида қўштирноққа олинган сўзлар неваранинг ёрдам учун эмас, дам олиш учун келганлигини билдириб туради. Инглиз тилига: “When the aksakal finished reciting his namaz (he had recently learned how to recite a prayer), his **grand daughter** (who had come to help their grand parents during the summer holidays) passed the telephone receiver to him” [4.270] тарзида ўгирилган. Бунда қавс ичида берилган “who had come to help their grandparents during the summer holidays” бирикмаси юқоридаги киноянинг моҳиятини акс эттиради.

“Афтидан, Каттаконнинг яна бир ҳовлиси муҳарриримизнинг маҳалласида, у ердаги «хонанда»си бизникидан ҳам «хушовоз»роқ бўлса керак” [3.20]. “Хонанда”, “хушовоз” киноя сўзлари мазмунан бир-бирига яқин бўлиб, ҳовлидаги итга ишора қилинган. Инглиз тилида: “Apparently, the Boss had another villa in the editor’s neighbourhood and the “singing dog” there might be even better” [4.274]. “Singing dog” сўзи “хонанда” киноясига мос келади. “Хушовоз” сўзи эса инглиз тилида айнан эмас, мантиқан бадий матн мазмунини бера олган: “might be even better”. Демак, бадий матндаги иккита киноявий сўзнинг биттаси инглиз тилида ҳам кесатиқ маъносини сақлаган, иккинчиси эса мантиқан мувофиқ келади.

“Бирок, серҳиммат дўкандор кўтариб келган оби-новвотга пичоқ санчилган заҳоти фавкулудда ҳол рўй берди: кўрғонимиз осойишталигига «файз» бағишлаб турган Каттаконнинг кучуги туйқус ақиллашдан тўхтади-қолди!” [3.21] “Файз” бағишлаб турган каттаконнинг кучуги бирикмасидаги “файз” сўзи тесқари маънода қўлланган. Яъни

ҳеч қачон ит кўрғон осойишталигига фэйз бағишламайди. Инглиз тилида: “However, just as we were cutting into a watermelon brought by the tradesman, a most extraordinary thing happened: the Boss’s dog that “charmed” the tranquility of the kurgan stopped barking!” [4.276]. Мазкур матнда “charmed” сўзи киноявий мазмундаги “фэйз” сўзига мос келади. Демак, таржимон кинояни тўғри тушунган ва таржимада ҳам уни бера олган.

Ёзувчининг “Шовқин” романида ҳам образлар моҳиятини, характерлар мазмунини очиб бериш мақсадида киноя қўлланилган: “Виканинг хати тагин ёдига тушиб, хаёли “эски дўсти” Суръатга оғди”³⁴. “Эски дўсти” бирикмаси киноявий маънода Виканинг дўсти эмас, шунчаки олдиндан таниган кишиси маъносида келади. Инглиз тилида: “Remembering Vika’s letter again, he began to think about his “old friend” Sur’at” [4.8]. Демак, “old friend” инглиз тилига сўзма-сўз ўтирилган. Буни “**old buddy**”, “**old acquaintance**” тарзида берилса, киноявий мазмунни ёрқинроқ ифодалашга эришиш мумкин бўлади.

“Ўшанда оташин инқилобчи бизнинг Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрган, тоғдек бўлиб донгдор “оқ олтин ижодкорлари” билан тушган катта-кичик суратлари газеталарни тўлдириб юборган” [6.16]. “Оқ олтин ижодкорлари” аслида қўштирноққа олинмаган ҳолатда тасвирий ифода бўлиб, пахтакорлар маъносини беради. Бу ўринда эса сохта шуҳрат эгалари маъносида қўлланган. Инглиз тилида: “All the newspapers carried his photos posing alongside those famous “creators of white gold” Mirzo Ramazon, a simple, romantic Komsomol, named his first child after that bearded man, hoping he would become someone great” [4.14]. “Creators of white gold” бирикмаси ўзбек тилидаги маънони тўлиқ бера олган. Айни вақтда таржимон изоҳ сифатида “cotton pickers” бирикмасини берадики, бу киноявий сўзнинг моҳиятини янада ёрқин ифодалашга хизмат қилади.

“Подумаешь! Мало что! – дея у тагин кинотилга ўтади – инобатли тил, гўё асло эътироз қилиб бўлмайдиган тил; бояги каби “ўткир” хитоб ларга уч-тўртта хос атамани қориштирашгиз – кинотил тайёр-да! – Это жизнь, парень!” матнида [6.24]. “Ўткир” хитоблар бирикмасидаги биринчи сўз киноя мазмунига эга. Яъни “ўткир” сўзи аксинча, саёз маъносини англатиб келмоқда. Инглиз тилида: “Just imagine! See what I mean?”- he says, slipping into film jargon again; just add several terms to those exclamations and you will get the film jargon! – It is called life, my dear, it is life!” [4.21] тарзида матн ўтирилган. Бунда “exclamations” сўзи юқоридаги кинояни таржимаси сифатида берилган. Бирок, биринчидан, мазкур сўз қўштирноқда берилмаган, шунинг учун уни киноя деб ажратиб бўлмайди. Иккинчидан, “ўткир” сўзининг таржимаси берилмаган. “Sharp” ўзбек тилидаги “ўткир” сўзига мувофиқ келади.

“Байрамона киноанжуманларга у “миллий кўринмоқ” учун ял-ял хонатлас либослару зардўзи нимчалар кийиб боради” [6.27]. Бунда “Миллий кўринмоқ” бирикмаси аслида суратан ва сийратан миллий бўлмаган аёлга нисбатан қўлланган. Инглиз тилида: “And therein lies the essence of this lady’s job. She spends her time at various festivals and resorts, clad in her bright khan-atlas5dress and traditional embroidered robe to give her an “ethnic” look (as a matter of fact, Farhod had seen her like that at the Riga film festival)” [4.25]. “Ethnic” look бирикмаси орқали киноя сўзнинг маъноси ифода этилган.

³⁴ Эркин Аъзам, Шовқин Роман, қисса, ҳикоялар, -“Ўзбекистон”, Тошкент, 2011.-10 б. (Кейинги мисоллар шу манбадан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади)

Кўринадики, кинояни кўллаш Эркин Аъзам насрига хос алоҳида хусусиятдир. Киноя орқали ёзувчи ўзи тасвирлаётган давр воқелиги, қаҳрамонлар характерини ҳаётий очиб беришга эришган. Юқоридаги қиёсий таҳлиллар жараёни шуни кўрсатадики, таржима жараёнида мутаржим, асосан, ёзувчи айтмоқчи бўлган поэтик фикрни беришга эришган. Бу унинг, аввало, ўзбек ва инглиз тили лексикасини яхши билишини кўрсатади. Шу билан бирга ўзбек халқи характерига хос жиҳатлар, дунёқараш, урф-одатлар, маросимлар билан боғлиқ акс этган бадий воқелик таржимада акс этар экан, мутаржим шу хусусиятлар ва инглиз тили имкониятларини ҳисобга олган. Бироқ бир қатор киноявий сўзлар реалия характерида бўлгани учун уларни таржимада бериш мушкул. Шу нуқтаи назаридан таржима жараёнида муаммолар келиб чиққанлиги кузатилади.

УМУМФИЛОЛОГИК ТАҲЛИЛ. НАТИЖА ВА САМАРА

Ражабов Д.З., филология фанлари доктори,
БухДУ Филология факультети декани

Бадийликнинг асослари ва мезонлари адабиётшунослик ҳамда лингвистиканинг у ёхуд бу жиҳати билан шуғулланувчи филологларни қизиқтириши табиий. Маълумки, поэтиканинг долзарб масалалари билан шуғулланиш фақат бугуннинг энг муаммоли масаласи бўлмасдан, у бадий сўз тушунчаси пайдо бўлгандан буён бардавомлик касб этиб келаётир. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Қайс Розий, Торозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Аристотелга бориб уланиши шубҳасиз. Инсон ўзлигини англаш баробарида илм ва фаннинг у ёхуд бу жиҳатини мукамал ўрганишга ҳаракат қилсада, бунга биргина инсоннинг умри етмаслиги аён ҳақиқатдир. Қисқаси, поэтиканинг сир-синаотини ўрганишга рағбат ҳар қандай жамиятда, тузумда ва замонда давом этаверган, лекин сира долзарблигини йўқотмаган. Шу тариқа, фанни яхлитликда ўрганиш ғояси доимо илгари сурилган. Ростда, бир матнни ўргансанг-у, бир хилда, агар лозим топилса, қайғурсанг-у, яна тил ва адабиёт деб улар орасига боғловчи қўйсанг?! Аслида шу боғловчининг вазифаси у қадар аҳамият касб этаётгани йўқ. Аммо ана шу биргина “ва” “тилчилар” ва “адабиётчилар”, - деган иккита лагерни пайдо қилдики, улар энди бири иккинчисига даҳл қилмайдиган мустаҳкам қутбга айланиб қолди. “XIX асрнинг иккинчи ярмида филология тилшунослик ва адабиётшунослик фанларига бўлиниб кетди. Натижада матннинг филологик таҳлили ўрнини унинг тилга ва адабиётга доир муаммолари таҳлили эгаллай бошлади”. Ниҳоят, қарийб 100 йилдан ортиқ муддат давомида тил билан адабиёт орасида каттақон хитой деворидан-да ҳашаматлироқ деворни тиклаган Тилчилар ва Адабиётчилар плеадаси шаклланди. Аслида дипломида филолог, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси деб ёзилган мутахассислар пайдо бўлди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олиб чиққан Тилчи ва Адабиётчиларнинг тадқиқ объекти биттаку. Ахир улар умумий тарзда филология масалалари билан таришдиларку. Умуман филологиянинг умумдолзарб муаммоларига даҳл қилганлар сафи ҳар бир замонда ҳам бўлган, бўлмоқда ва албатта, бўлади. Дейлик, Алибек Рустамов, Иззат Султон, Ботирхон Валихўжаев, озод Шарафиддинов, Абдуқодир Ҳайитметов, Тўра Мирзаев, Нуриддин Шуқуров, Баҳодир Саримсоқов, Ҳамид Неъматов, Охунжон Сафаров, Исроил Мирзаев, Ёқубжон Исҳоқов, Ғани Зикриллаев, Абдуҳамид Нурмонов, Иброҳим Ҳаққул каби филолог устозларимиз фаолиятида бунинг у ёки бу

жихатини кўриб келмоқдамиз. Бунга нафақат Шарқ, балки Ғарб халқлари адабиётшунослиги ҳамда лингвистикасида яратилган асарлар асос бўлиб хизмат қилаётир. Жаҳон филологиясида поэтика илмининг билимдонларидан бири ўз вақтида бир ёклама таҳлил усулларига илмий зарба берган, таҳлил тўлақонлиги учун кураш олиб борган йирик олим Роман Осипович Якобсондир. Аммо бўлажак филологларнинг аксарияти шундай исми шарифни устозларнинг сермаъно, бўёқдор маърузалари орқали эшитган бўлсалар-да, бироқ унинг илмий меросидан бохабар эмаслар. Шу боис СамДу амалий тилшунослик, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасининг мудирини, профессор Исроил Мирзаев Роман Якобсон қаламига мансуб ишларнинг бир қисмини ўзбек тилига таржима қилиб, поэтика билан шуғулланувчиларга тақдим этди. Китобдан олинган биринчи таассурот унинг мутахассислар учун қўлланма вазифасини ўтай олиши билан белгиланади. Айтиш мумкинки, юқорида эслатиб ва санаб ўтганимиз кўпгина саиолларга жавоб бера олади. Нафақат ўқувчини, балки ўқитувчини, ўқитувчи тайёрлайдиган таълим муассасалари ходимларини ҳам умумфилолог таҳлил усуллари билан таништиради. Қўлланма, айниқса матн устида мукамал ишлаш, идрокий мустақил мулоҳаза юритишга ўргатишда ғоят қулайдир.

Ундаги эътирофга кўра “шеъринг шакл, афтидан, кишилиқ маданиятининг универсал ҳодисалари сирасига киради ” 5-бет. Шу мантиқдан келиб чиқилган ҳолда мақсад тилшунос ва адабиётшунос тайёрлаш эмас, балки филолог тайёрлаш эканлиги уқтирилади. “саодатманд Августин поэзиянинг фаҳмига етмайдиган кишидан баъмани грамматистнинг чиқиши даргумон деб айеиб юрарди. Иккинчи томондан, поэтика соҳасидаги ҳар қандай тадқиқотчидан тил ҳақидаги фан билан муайян даражада танишиш, уни билиш талаб қилиниди, чунки поэзия вербалъ санъат, бинобарин, у биринчи навбатда, тилдан ўзига хос тарзда фойдаланиш усулига асосланади.” Вахоланки, яхлит бир матнни тўлалигича идрок этиш йўлидан бормаи, уни турлича изоҳлашга бўлган ҳаракат, бир ёклама, айни пайтда, таҳлилни бузиш, нотўғри, номантиқий фикрлайдиган кадрни етиштиришга хизмат қилади. Бунинг олдини олиш учун эса ўша мутахассисни тайёрловчининг ўзи тайёрланган бўлса, нур устига нур бўлади. Янги педагогик технология ва кадрлар тайёрлашнинг энг асосий талаби ҳам шу. Р.Якобсон тилшунослик ва адабиётшунослик ютуқларини яхлит ҳолда таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлар экан, ёзади: “таҳлилнинг тилшуносликка ва адабиётшуносликка оид меътодлари аъло даражада эгаллаган М.Бирвиш, М. Блумфильд, Ю. Лотман, А. Ричеррс каби қатор олимлар поэзия грамматикасини яратишда дастлабки кадамларни қўйган ва аснода кўплаб доно фикрлар айтган бир пайтда, тилнинг структур таҳлили билан шуғулланмайдиган адабиётшунослар бизларни лингвистлар кенг тарғиб қилган аниқ ва қатъий методлар, айтиш мумкин бўлса, “поэзиянинг қаймоғини ўзида акс эттириб, нафис ва кўз илғамас бир нарсани ҳеч қачон тушунтириб беролмайди”, - дея ишонтиришга зўр бериб ҳаракат қилдилар. Лекин шу “бир нарса” тил ва жамиятни, ҳаёт ва борлиқ сирларини ўрганишга илмий ёндашганда ҳам худди шундай “тутқич бермас”дир.

УЛУҒ ВА БОҶИЙ ЧАШМАДАН СУВ ИЧГАН ШЕЪРИЯТ

Шарипова Л.Ф., филология фанлари доктори
БухДУ Ўзбек адабиёти доценти

Шоирларни орзу етаклаб юради. Чин шоир орзулари – халқнинг орзулари. Халқнинг орзулари бепоён, ҳадсиз. Иқбол Мирзонинг “Ўзбек” шеърида охирги банди олқиш билан якунланган. Ҳам орзу, ҳам тилак фольклорга хос олқиш жанри стилизация асосида айтилган. Маълумки, “Фольклор жанрларини ўзлаштириб, уларни ёзма адабиётга олиб кириш жанр стилизацияси ҳисобланади”[2.84.]. Шоир олқишни “шеърим мазмуни” деб ҳисоблайди: “Тўйларга улансин тўйларинг, ўзбек!” У элимиз тарихига назар солиш орқали дардларини ифодалай бошлайди: “Номинг айтар Энасойларинг, ўзбек”. Шоир Нуҳ тўфони ҳақида сўз очади. Тарихни билган инсонгина ўзбекнинг илк бобокалони Нуҳнинг ўғли Ёфас дейилишини, буни ҳатто Навоийдек закийлар ҳам зикр этганликларини англайди. Шундан бошлаб саргашта оху мисол кун кўрган боболаримизнинг дардлари куйларга кўчмиш, “Шундан ҳамон мунгли куйларинг, ўзбек”. Шоир Алп Тегиннинг тошга чегирган ҳикматини эслатиб, ўзбекнинг “болаларидан бошқа қайғуси йўқ” эканини таъкидлайди. Тарихни варақлаш асосида ўзбек халқининг бобокалонларини ёд этиб, ким эканлигини англатар экан, элимизнинг болажонлигини, эътиқодли, иймонли, ёвни ҳам меҳмон қила оладиган жўмард эканлигини сатрларда акс эттиради. Ўзбекни билган, айна дамда, бу улуғ халқни севган ҳар бир инсон унинг тарихидаги қора кунларининг илдизи тарқоқлигида, уюшмаганлигида эканлигини надоматлар билан ўйлайди. Ундаги бу жиҳат Ўрхун-Энасой ёдгорликларидаёқ ифода этилган. Мамлакатимизнинг хонликларга бўлиниб кетган йиллари халқ тарихидаги кейинги фожиаларни келтириб чиқардики, шоир буни сатрлар орқали бизга уқтиради. Лирик қахрамон халқ тарихини бадиий тарзда ёш авлодга етказётган муаррих сифатида намоён бўлади. Бу ҳол Иқбол Мирзо шеърисига хос.

Исмингни айириб кечди асрлар,
Хонликни бекликка бўлган не сирлар?
Кентларга сочилган ўрда, қасрлар...
Қумдан қорилганми лойларинг, ўзбек [1.30.].

Шоир ўқиниб саҳифалаган варақлар тугаб, ўзбекнинг истиқлолга эришган йиллари юз очади. Иқбол Мирзо Лондон, Париж, Рим каби улуғ шаҳарлар она қишлоғи олдида катта қишлоқ бўлиб қолишини ифодалаш билан юртимиз қадрини англата олган. Шоир Ватан дедими, унинг қиёфасини жонлантиришда отасини, волидасини ёд этиши табиий: “Кўлингни кўзимга сурай, отажон”, “Онажон, ҳаволи боғлар муборак”, – дер экан, элини олқишлайди: “Совимасин қўлда чойларинг, ўзбек”; “Буғдойларга тўлсин уйларинг, ўзбек”. Бир қарашда оддий туюлган олқишларни стилизация қилиш орқали шоир халқига тинчлик, ҳамжиҳатлик, файзли ва узоқ умр, тўқинлик, фаровонлик тилай олган. Бугунги замонда оталар кўлида мудом иссиқ чой бўлиши, оналарнинг ҳаволи боғларда юриши шоир олқиш-дуосининг амали ҳам демакдир.

Шоирнинг “Тўё” шеъри халқ лирикасидаги терма кўшиқлар каби турлича фикрни илгари сураётгандек таассурот қолдиради. Аммо шеър бандларидаги мазмунни ўзаро боғлаб турган ғоя бор: қанчалар қудратли бўлмасин, инсон ўткинчи, табиат эса боқий. Аслида табиатдаги боқийлик ҳам нисбийликка эгадир. Шеърдаги ҳар бир фикр ўхшатиш-

чоғиштириш асосида ифода этилган. Инверсия, яъни грамматик тартибни бузиш орқали шеър битадиган шоирлар бевосита тилшуносдирлар. “Гўё” шеърда тил бирликларининг ўзига хос тарзда жойлаштирилиши шоир фикрларини таъкидлаб, бўрттириб кўрсата олган:

Бир дарахтни кўрдим – мағрур, баркамол,
Истаган фаслида гуллайдигандай.
Писандига яқин келмас қор, шамол:
Дуркун барги мангу сўлмайдигандай [1.16].

Биринчи ва иккинчи сатрга диққат қилсак: ўхшатиш эргаш гапли кўшма гап. Айни дамда, кўшма гап таркибида сифатловчи аниқловчи ажратилган изоҳ бўлак бўлиб келган. Кўшма гап кесими таркибидаги ўхшатиш шакли -дай айтилмоқчи фикрга гумон маъносини кўшган. Шоирнинг асл мақсади ҳам шу. “Истаган фаслида гуллайдигандай”, қор, шамолни писанд қилмайдигандай “мағрур, баркамол” дарахт олдида, “зум тўхтаста, сира бўлмайдигандай”, боғни, ўтлоқни ташлаб кетаётган, хасни суриб, тупроқни лойқа қилиб чопаетган ўжар ирмоқ олдида лирик қаҳрамон – “хор, ғариб”. Шоир боқийлик ва фонийликнинг азалий баҳсини ўзига хос услубда ифода этган. Шеър композициясига кўра бир банд тугун, иккинчи банд шу тугуннинг ечими сифатида яратилган. Демакки саккиз бандли шеърда тўрт тугун, тўрт ечим бўлиб, уларни боқий дунё олдида ҳар қандай инсон ожиз экани хусусидаги хулоса бирлаштириб турибди:

Бир кимсани кўрдим, азиз ёронлар,
Фириб берса, чап беролмас шайтонлар.
Йиғмиш дунё, қурмиш турлик ошёнлар,
Гўё бу зот асло ўлмайдигандай [1.16].

Шайтонга ҳам фириб бера оладиган, айёрлиги изидан дунё тўплаган, ўзини гўё асло ўлмайдигандай ҳис қиладиган кимсалар олдида шоир нима?! Дастлаб шу хулоса олдида тўхтаб, ўзини ҳам, лирик қаҳрамонни ҳам ўта ожиз ҳис қилган шеърхонни шоир кейинги сатри билан тўхтади: яхшилар – ёмонлар “юкин ортган кема”. Яхшилар бор экан, дунё ёмонликни тўхтатиб тура олади. Афсуски, яхшилар дунёни ёмонликдан қутқариш учун умрларини бахш этувчи, эҳтимол, ҳаётларини қурбонликка келтирувчи зотлардир. Шеърнинг якуний икки сатри шоир армонларидир:

Сиз нимасиз? Дард сўйладим кимга ман,
Кимлигимни ҳеч ким билмайдигандай [1.17].

Лирик қаҳрамон атрофида юрганлар “нима?” сўроғига жавоб бўладими, “ким?” сўроғигами? Шуниси жуда муҳим. Улар шоирнинг кимлигини билмайдигандай гўё. Шеър сарлавҳаси калит мисол тугунлар ечимини англашимизга кўмаклаша олган.

Шоирнинг ҳажв тиғи Фарғонага хос, Муқимий, Э.Воҳидов, Анвар Обиджон ҳажви каби шиддатли. “Кичкина одам” шеърда халқ мақоллари, иборалари бу тиғнинг ўткирлигини таъминлай олган: “Хўрдани кўтариб, бурдани урар”, “Шимириб ютади, ўпириб ейди”, “Ўз кўмочи бўлса, тортиб қолар кул”. Муҳими, шоир уларни айнан қўлламай, илҳом оқимига солиб олган. Иқбол Мирзо “Бизлар фақир одам”, “Кичик одаммиз” деб юрган “Нафси ўта соғлом, имони майиб”лар ҳақида шундай халқона хулоса қилади:

Юзингни тескари қилсин, илойим,
Одам бўлдингми сен? Қайда одамсан?!
Қўшқўллаб урибди сени худойим,

Сен кичкина эмас,
майда одамсан! [1.38.]

“Гулмисиз, жамбилмисиз, райхонмисиз” дейилиши билан хотирамизда аския жонланади. Аммо Иқбол Мирзо фольклорга хос бу сатрни ошиқ ҳолини тасвирлаш учун ишлатади. Бу сатр ортида ҳажв эмас, ишқ ифодаси яширин. Ёр гулга, ўзбекзаминнинг ифори бетакрор, камтар жамбилига, райхонига қиёсланади. Кутилмаган лутф шеърхон кўнглига сабо мисол кириб боради:

Гулмисиз, жамбилмисиз, райхонмисиз?
Қушмисиз, гулмоҳмисиз, жайронмисиз?
Дурмисиз, инжумисиз, олмосми ё?
Бормисиз ростдан ёки ёлғонмисиз? [1.66.]

Шеърдаги “Қош бўлиб кўнмиш икки куйган ҳилол” сатридаги “икки” сўзида “к” ундоши битта берилса, маъкул. Оҳанг равонлашади.

Халқ қарғанмоқ истамаса-ю, аммо кўнгил оғриқлари тинч қўймаса, гуноҳкорни худога солади. Халқ дардини ўз дарди деб билган шоир “хор келса топтаган тикка, зўр келса дарров бош буккан”ни, “ўшанинг Машрабу Ҳалложга тиккан дорини”, “эл ҳақидан қасрлар қурганни”, “хунари – хоинлик, касби қаззоблик” бўлганларнинг нафси ғорини Худога солади, айна дамда шоир бир улуғ, ўзгармас ҳақиқатни англаб етган:

Аламим тоғча бор, майда дард эмас,
Гарчи қасд олмаган йигит мард эмас,
Лекин Худойимга ёрдам шарт эмас,
Барини Худога солдим-да қўйдим [1.78].

Шоир “Қовоғидан қор ёғади” иборасидан сўз ўйини ҳосил қилар экан, сочи оқарганига ёрнинг қовоғидан ёғилган қор сабаблигини таъкидлайди. Шеърятда сочининг оқлиги йилларнинг бошга ёғдирган қори тарзидаги анъанавий ўхшатиш бор. Шоир шу ўхшатишга таяниб туриб, ўзгача хулоса қилади:

Унинг қовоғидан бошимга ёққан
Қорини Худога солдим-да қўйдим.
Қонимни қайнатиб, жонимни ёққан
Корини Худога солдим-да қўйдим [1.78].

Иқбол Мирзо “Қўқон шамоли”, “Айланай”, “Менинг дардим”, “Бунақаси кетмайди”, “Акаларимга”, “Дадамга”, “Деди”, “Кўзларида” каби ўнлаб шеърларида фольклоризмдан унумли фойдаланади. Гоҳ фольклорга хос оҳанг, образ, мотив, жанрни стилизация қилса, гоҳ халқ қарғиш ва олқишларини қўллаб, аналитик фольклоризмни юзага келтиради ва бугунки ўзбек шеърятда халқ оғзаки ижодидан баҳраманд ижодкорлардан бири сифатида кўзга ташланади. Аксарият шоирлардан фарқли ўлароқ Иқбол Мирзо фольклоризми нозиклик билан сўз ўйинини ҳосил қилиб, унинг ёрдамида инсон руҳияти манзараларини кўриш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 368б.
- 2.Шарипова Лайло. Ўзбек шеърятда фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011. – 154 б.

БАДИЙ ОБРАЗ ТАСВИРИДА АНЪАНАВИЙЛИК

Давронова Ш.Ф., филология фанлари доктори
БухДУ Ўзбек адабиёти доценти

Ҳар қандай образ, энг аввало ташқи қиёфаси, қолаверса, хатти-ҳаракати, табиати, гап-сўзлари, бориққа ва ўзи мансуб муҳитга муносабати жиҳатидан ўзига хосликка эга бўлиш билан бир қаторда ўзидан олдинги қаҳрамонларнинг қайсидир бир жиҳатларини эслатиб туриши ҳам мумкин.

Истиклол даври ўзбек насри, хусусан, романчилигида ҳам воқеликни бадиий ифода этиш, образ яратиш ва тасвирда мукамалликка интилишда мумтоз адабий анъаналардан ижодий озикланиш белгилари сезилади. Айниқса, давр романларининг қаҳрамонлари тасвирини кузата туриб бунга яққол амин бўлиш мумкин. Романнывислар поэтик тимсолнинг яратилишида адабий анъаналарда қўл келган тажрибалардан, бадиий ифода усулларида унумли фойдаландилар.

Янги давр қаҳрамонларига ўтмиш адабиётида яратилган тимсолларга хос характер, хислат, одатлар моҳирлик билан кўчирилди. Бошқача айтганда, тамоман янги образ яратилиб, уларда адабиётда мавжуд бўлган қаҳрамонларнинг айрим белги-хусусиятлари намён бўлди. Ижодкорларга ўз ижодий ниятларини тўлақонли етказишда китобхон ёқтирган, руҳланган, сабоғидан маънавий озикланган образларнинг белги-сифати ёрдамга келди. Жумладан, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар”, “Исён ва итоат”, Қ.Кенжанин “Палаҳмон тошлари”, Н.Эшонкулнинг “Гўрўғли” Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” каби асарларида ўтмиш даврда жаҳон ва миллий адабиёт саҳифасини тўлдирган адабий қаҳрамонларнинг айрим қирраларига муштарак жиҳатлар кузатилади.

Маълумки, Шарқ адабиётида асар қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси тасвирига алоҳида диққат қаратилган. Бу халқ оғзаки ижодиёти намуналарида кенг қўлланилган, қолаверса, ёзма адабиётда ҳам муҳим поэтик ифода воситасига айланган портрет тасвиридаги ўзига хосликда айниқса сезилади. Ўтмиш адабиётда намуна қилиб кўрсатилган қаҳрамонлар ташқи кўринишидаги кўркам қомат, бенуқсон гўзаллик, табиатидаги жасурлик, довюрлик сингари белги-хусусиятларни китобхон кўз ўнгида ёрқин гавдалантириш учун ишлатилган бадиий бўёқлардан бугунги адабий қаҳрамон тасвирида ҳам қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, “Озод” романи қаҳрамонларидан Дилором тасвирини олайлик. Дилоромга ошиқ бўлган Хоин уни шундай тасвирлайди: “Мен Дилоромни деб дунёга келиб, Дилором туфайли ҳалок бўлган бандаман.

Бунда ҳар ким ҳар нарса дейди, мен учун Дилором... гулдан бино бўлган хилқат эди. Қоши қаро гул эди, кўзи қаро гул эди.

Кулса, гул ёғиларди оғзидан, йиғласа – дур!

Юзи шойи атиргулнинг рўмоли каби оч пушти эди. Гапирса, ҳаволар майин тўлқинланиб кетгувчи эди.

Қадам босган еридан ҳам гул унарди, гул!”[3.162]. Ушбу таъриф бизга Шарқ халқлари оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёти орқали таниш бўлган “кулса, гул, йиғласа, дур” маъшуқа қизлар қиёфасини эслатади. Ёки Дилором ва Эран тақдиридаги фожиага сабабчи бўлган Хоиннинг ташқи қиёфасини кузатайлик. Асарда у ўзининг тилидан

шундай тасвирланади: “Ер қаърида шилимшиқ бир нимага ўралиб ётганимга эътибор қилманг. Саккизоёқ каби бир нималар ўсиб чиққан танамдан, улар илонлар каби ўзимни тишлаб-чақадилар. Бўйинимда қорайиб-қорайиб кетган чандиқлар, илонлар ўша жойлардан ўсиб чиқишган” [3.162]. Муҳаббатга ғов бўлгани, ёвга йўл кўрсатганлигини исботлаш мақсадида муаллиф Хоин тимсоли тасвирида ана шундай салбий бўёларни қуюқлаштирган. Асардаги ёв тасвирида ҳам худди шунинг каби қора бўёқларнинг қуюқлаштирилганлигига гувоҳ бўламиз: “Танаси хол-хол, кўзи кўк, юзи қора бу махлуклар кўп замонлардан бери тоғнинг ортидаги ўнгиру пучмоқларда урчиб-кўпайиб ётади дер эдилар. Эшитишимча, одам боласининг гуноҳларидан бино бўлган эмиш”[3.114], тарзида тасвирланади. Ушбу тасвирлар китобхоннинг ёвузликка нафрат хиссини кучайтиришга хизмат қилиши билан характерлидир. Ёки “Бозор” романидаги Қадрия тимсолини Хуршид Дўстмуҳаммад ёруғ ранглардан фойдаланишга интилган ҳолда “Сутга чайилгандай!” оппоқ юзли қилиб тасвирлайди. Бадиий ният тақозосига кўра жамият иллатларига дахлдор ҳаракатлар билан банд бўлган персонажлар тасвирида эса кўпроқ хира бўёқлар ишлатилганлиги сезиладики, бу ҳам албатта, адабий анъаналаримизда синалган ифода усулларидандир. Жумладан, жажман тасвирини олайлик: “Ҳа, бир қарич чикмайди, на олмахонга, на каламушга ўхшайди, чордона қуриб ясланиб ўтирганига ўласанми!.. Сўлагининг кўплигини!..” [1.18]. Ушбу тасвир халқ оғзаки ижоди намуналарида қабиҳлик, ярамаслик, жирканчлик каби хусусиятлар акс этиб турган қахрамонлар тасвирига ўхшашлиги билан диққатни тортади.

Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, замонавий ўзбек романлари қахрамонларининг нафақат ташқи кўриниши тасвири, балки маънавий олами, илохий-маърифий моҳиятида ҳам ўтмиш адабий анъаналарининг изларини илғаш мумкин. Масалан, бутун оламнинг инсон учун хизмат қилиши, инсоннинг мавжудотлар сарвари сифатидаги моҳиятига ишора “Озод” романида қуйидаги сатрларда ёрқин ифода этилганки, унда ҳам мумтоз бадиият намуналарида илгари сурилган қарашларнингифодаси мужассамдир: “Тангрим ҳайвоноту набототга ана шу хислатларни берди, одам боласига хизмат қилсин деди. Бирортасига сўз айтиш ҳуқуқини бермади, аммо ҳол тилига мушарраф айлади. Маъно сўзини айтиш инояти одамда бўлгани учун ҳам сўз айтолмайдиган бошқаларни уларга бўйсундирди” [3.153]. Ушбу фикрлар инсонни сўз билан муқаррам этилганлигини ҳақидаги мумтоз адабиётимизда акс этган қарашларни ўзига хос оҳанги билан давом эттиради.

Ёки бошқа бир фикрга диққат қаратайлик: “Кимдир кимнидир севди, муҳаббатда қуйиб-ёнди дейдилар, бу қуйиб-ёнишдаги Тангрининг иродаси тамомила бошқадир. У зот инсон наслининг давом этишини истагани ичун ҳам бандаларига ана шу қуйиб-ёнишни мукофотга айлантириб ҳадя қилди” [3.156], деб ёзилади асарда. Ушбу жумлаларда ҳам борлиқнинг гултожи бўлган инсон улуғланган. Чиндан, “Озод” романи инсон умрининг қадри ҳақида битилган. Чунки адиб азалдан шарафланган инсонни дунёвий ҳаваслар тўрига ўралиб қолмасликка ундайди. Асарда бани одам наслининг тарихи ва эртаси тафтиш этилиб, бугуннинг одами, яъни замондошимиз ғафлат ва жоҳилиятдан юксалишга чорланади”[2.129].

Хуллас, адиблар инсон характерини тадқиқ этиш ҳамда ўтқир ижтимоий, маиший-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқиб, уларни ҳаққоний образларга сингдириб юбориш жараёнида Шарқ ва Ғарб адабиётида мавжуд анъаналардан фойдаландилар, уларни ижодий ривожлантирдилар.

Бугунги илмий-техник тараққиёт, шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий ўзгаришларни баҳолаш билан бир қаторда ҳамиша инсонни маънавий жиҳатдан тарбиялаш юқини зиммасига олган бадиий адабиёт, хусусан, истиқлол даври ўзбек романчилиги ҳам миллийлик ва қадриятларни улуғлаш вазифасидан оғишмай такомиллашиб бормоқда.

Адабиётлар:

1. Дўстмухаммедов Х. Бозор. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 192 б.
2. Исажон Султон насри бадиияти. – Т.: Турон замин зиё, 2017. – 384 б.
3. Султон И. Озод. / Асарлар: Романлар ва қиссалар. 2-жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – Б. 85-248.

КЎПМАЪНОЛИК ИФОДАСИДА ПАЙҒАМБАРЛАР ОБРАЗИНИНГ ПОЭТИК ФУНКЦИЯСИ

Эшонқулов Ҳ.П., филология фанлари номзоди, доцент,
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси мудири

“Пайғамбар” сўзи “*хабарберувчи*”, “*элчи*” деган маъноларни англатиб, арабча “*набий*” билан маънодош саналади. Аллоҳ ва унинг бандаси орасида илоҳий ҳукмларни етказувчи кишиларга нисбатан қўлланади. Исломий манбаларда 124 минг пайғамбар ўтганлиги ҳақида маълумот келтирилиб, Қунъони каримда Муҳаммад (а.с.) билан бирга ҳисоблаганда, улардан 25 тасининг номи тилга олинади. Илоҳий китобнинг тўртдан бир қисми айнан ана шу пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларга тўғри келади [5, 13]. Нубийлар аҳлидан илоҳий китоблар: “*Забур*” Довуд (а.с.)га, “*Таврот*” Мусо (а.с.)га, “*Инжил*” Исо (а.с.)га ва *Қуръони карим* Муҳаммад (а.с.)га фаришта воситасида туширилгани боис улар “*пайғамбари мурсал*” – “*китобли пайғамбар*” ёки Қуръони каримда энг кўп қўлланган сўзлардан бири “*расул*” [6, 232-233] билан ифодаланиб, бошқа набилардан ажратиб кўрсатилади.

Алишер Навоий ғазалларида Одам (а.с.), Нух (а.с.), Иброҳим (а.с.), Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.), Аюб (а.с.), Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Исо (а.с.) Муҳаммад (а.с.) каби илоҳий китобда номлари тилга олинган, шунингдек, нубувват ва валоят дарёларининг туташган ўзанида тасаввур этилувчи Хизр (а.с.) образларига мурожаат этилади. Бу образлар қуръоний қисса ва сайёр сюжетларнинг қаҳрамонлари сифатида Навоий ғазалларида ўзлари билан мувозий қўлланувчи Ҳавво (Одам а.с.), Ёфас, Сом (Нух а.с.), Намруд (Иброҳим а.с.), Зулайхо (Юсуф а.с.), Шуайб, Намруд, Самурий (Мусо а.с.), Билқис (Сулаймон а.с.), Марям (Исо а.с.), Жибрил ёки Суруш, Билол (Муҳаммад а.с.) кабилардан нубувват аҳлига мансубликлари билан ажралиб туради. Алишер Навоий ва унинг улуғ салафлари ғазалиётида пайғамбарлар ва анъанавий адабий қаҳрамонларга талмиҳ этилишида бир-биридан фарқланувчи жиҳат деярли кузатилмайди. Чунончи, Навоий ва Ҳофиз ғазалиётида Одам (а.с.) ҳақидаги қиссадан бу пайғамбарнинг тупроқдан яралиши, малоикнинг унга сажда қилиши билан бир қаторда, шайтоннинг бўйин товлаши, Момо Ҳавво билан биргаликда Тангри тарафидан емасликлари амр этилганига қарамай, шайтон васвасасига учиб абадийлик дарахти мевасидан, бир ривоятга кўра эса буғдой донасидан еганликлари боис жаннатдан қувилишларига ишора этилади. Нух (а.с.)

ҳақидаги қиссасидан эса Нух пайғамбарнинг узоқ умр кўрганлиги, унинг даврида имон келтирмаган кишиларнинг пайғамбарнинг дуоси билан “Нух тўфони” деб аталувчи Ер юзини қамраб олган сув тошқинига ғарқ бўлганликлари, бундан Нух (а.с.) кемасидагиларгина омон қолгани ҳар иккала шоирни илҳомлантирган:

*Олти ойлиқ Нух тўфонича бузгай даҳрни,
Олти кун қолса кўзум ёши бу тўфони била* [2, 408]

Навоий ошиқнинг изтироблардан кўз ёш тўкишини Нух тўфонининг олти ой давом этганидан келиб чиқиб муболағали тасвирласа, Ҳофиз ғазалидаги ошиқнинг кўз ёшлари Нух тўфонини тўхтата олишга қодир-у, бироқ улар кўнгил саҳифаларидан севиклининг меҳрини ювиб кета олмаслигининг бадий талқини ана шундай муболағани ҳосил қилишга йўналтирилган:

*Сиришки ман, ки зи тўфони Нух даст барад,
Зи лавҳи сина наёрист нақши меҳри ту шуст* [8, 63].

Мазмуни: *Кўз ёшим Нух тўфонини тўхтата олди, бироқ кўнглим лавҳидан сенинг севгингни маҳв этолмади.*

Иброҳим (а.с.) ҳақидаги қиссадан пайғамбарнинг Намруд томонидан гулҳанда ёқиши, бироқ Аллоҳнинг инояти билан Иброҳим Халилуллоҳнинг ундан омон чиқиши Навоий ва салаф шоирни таъсирлантирган:

*Оҳим кўнгилни кўюнг аро солса не ажаб,
Гулзор аро Халил тушар манжаниқдин* [1, 369].

Аллоҳ Ўзининг севикли кишисини оташдан ҳам омон сақлашга қодир мўъжизакор эканлигининг воситачиси бўлган Иброҳим (а.с.) Халилуллоҳ – Аллоҳнинг севикли дўсти саналади. Навоий ошиқнинг ҳижрон азобидан тортган оҳлари унинг кўнглини маъшуқанинг кўчасига олиб борса, ажабланмаслик кераклигини Халилуллоҳнинг ичига тош солиб отиладиган манжаниқдан гулзор ичига тушиб қолганини мисол келириш билан бадийлаштиради. Салаф шоирда ҳам Иброҳим (а.с.) худди шундай тамсил қаҳрамони сифатида намоён бўлади. Фақат бунда ошиқнинг ишқи унинг жонидаги оташга қиёсланиб, Парвардигори оламдан бу оташни гулзорга айлантириб, ундан Иброҳим Халилуллоҳни қутқарганидек, лирик қаҳрамонни ҳам қутқариши билан боғлиқ ўзига хос ўтинч бадий тасвирланади:

*Ё раб, ин оташ, ки дар жони ман аст,
Сард кун з-он сон, ки карди бар Халил* [8, 383].

Мазмуни: *Ё раб, бу оташ менинг жонимдадир. Иброҳим пайғамбар оташини қандай гулистон қилган бўлсанг, буни ҳам шундай совут.*

Яъқуб (а.с.)нинг ўғли Юсуф (а.с.)ни йўқотиб қўйишидан изтиробга тушиб йиғлаганидан халқ безор бўлгани боис унинг шаҳар ташқарисида бир коза қурдириб, шу “Кулбаи аҳзан” – ғам уйида фарёд чеккани, кўзларининг кўр бўлиб қолгани, Юсуфнинг муждаси билан бу кўзларнинг яна мунавварлашгани Навоий ва салафи ғазалиётида тамиҳга асос бўлган:

*Не ажаб очилса кўр ўлган кўзум Яъқубдек
Ким, насими субҳ берди моҳи Канъондин хабар*[2, 129].

“Моҳи Канъон” Юсуф (а.с.)нинг истиоравий ифодаси бўлиб, Навоий уни яна бир карра истиоралаштирган ҳолатда маъшуқа маъносида қўллайди. Насими субҳ – тонг шабадаси ошиққа гўзалликда Юсуф янглиғ якто бўлган севиклисининг хабарини етказгани боис Яъқуб (а.с.)да бўлгани каби лирик қаҳрамоннинг ҳам кўзлари

мунавварлашишидан у ажабланмайди. Ҳофиз ғазалида эса бундай умидворлик Юсуф (а.с.)нинг Мисрдан Канъонга қайтганидек, Яъқуб (а.с.)дай кулбаи аҳзанда қолган ошиқнинг кўнгли бир кун шодликка тўлиши мисолида бадий ифодаланади:

Юсуфи гумгашта боз ояд ба Канъон,
Кулбаи эҳзон шавад рўзе гулистон ғам махўр! [8, 316].

Мазмуни: *Йўқолиб қолган Юсуф Канъон юртига яна қайтади. Ғам емагинки, кулбаи аҳзан – ғам уйи тагин гулистонга айланади,*

Юсуф (а.с.)нинг бениҳоя гўзаллиги, оға-инилар томонидан унинг чоҳга ташланиши, арзон-гаровга сотиб юборилиши, кейинчалик Зулайхо билан учрашиши можаролари, зиндонга ташланиши, Миср хукмдорига айланиши кабилар иккала шоирни ҳам бефарқ қолдирмаган:

Эй Навоий, сен не ҳад бирла анга қул бўлгасен
Ким, беганмас айламакка Юсуфи мисрийни қул[2, 253].

Навоий маломатийлик услубида битилган мақтада лирик қаҳрамоннинг ҳолини ачиниш билан тасвирлайди. Унда тасвирланишича, севикли мисрлик Юсуфни ўзига қул бўлишини ёқтирмайди, шундай экан, лирик қаҳрамон қандай қилиб унга қул бўлишни орзу қилиши мумкин. Бу талмиҳ билан улуғ шоир ҳам маъшукани беназир гўзаллик соҳиби сифатида васф этади, ҳам ошиқнинг ҳолини унга ачиниш билан бадийлаштиради. Ҳофиз эса маъшукани Юсуфдан ҳам гўзал эканлигини васф этади:

Гуфтанд халойиқ, ки тўи Юсуфи сони,
Чун нек бидидим, ба ҳақиқат беҳ аз они [10, 578].

Мазмуни: *Халқ сени: “Иккинчи Юсуф”, - деб айтди, Яхшилаб назар солсам, ҳақиқатда ундан афзал экансан.*

Аюб (а.с.)нинг сабру тоқат тимсоли эканлиги, бутун вужудини қуртлар кемира бошласа-да, унинг эътиқодида собитлиги Ҳофиз ғазалиётида талмиҳга боис бўлмаса-да, Навоий ундан ижодий фойдаланган:

Гар Аюб сабр этти турлук балода,
Вале кўрмади ҳажр шомин балосин[4, 307].

Мусо (а.с.)нинг Шуайб пайғамбар қўли остида ўн йил чўпонлик қилгани, Айман водийсида бир дарахтдан олов чиқаётганида гувоҳ бўлгани ва сеҳрли асо - ҳассо билан “яди байзо” – қўлини қўйнига тикқанида, Тангрининг инояти билан қўллари пирил-пирил порлаши мўъжизалари билан Фиравни ҳайратга солиши, унинг Аллоҳ билан сўзлашгани, Тур тоғида “*Раббим, менга бир кўрин, сенга қарай*” деганида, унга: “*Мени асло кўра олмайсан, фақат тоққа қара, ўрнида тура олса, кўрасан*”, - деган садо келиши кабилар талмиҳларга асос бўлган:

Ростлиқ иршоди бу йўлда қилур толибга пир,
Рост ул янглизки, Мусога асо берди Шуайб[2, 39].

Навоий пайғамбарлар образларидан ишқий ғазалларда баъзан орифона мазмун беришда ҳам унумли фойдаланади. Бунинг учун уларнинг маънавий етуклик тимсолига айлангани улуғ шоирга қўл келади. Шуайб (а.с.) Мусо (а.с.)га асо – ҳассани бергани, яъни уни илоҳий сирлардан воқиф қилгани, Мусо (а.с.)нинг мўъжизакор “асо”си Шуайб (а.с.) иршодининг самараси бўлганидек, ишқ йўлида толибга пир тўғри йўлни кўрсата олади. Улуғ шоир пайғамбарлар орасидаги пиру муридлик муносабатларидан келиб чиқиб тариқат ғояларини ошиқона ғазалга бадий ифодаласа, Ҳофиз Мусо (а.с.)нинг Айман

водийсида Аллоҳ билан мулоқот қилганидек, ошиқнинг маъшуқаси билан ана шундай кўришиш ерига кетмоқчи эканлигини тасвирлайди:

Бо ту он аҳд, ки дар водии Эйман бастем,
Ҳамчу Мусо арани гўй ба микот барем [8, 453].

Мазмуни: *Сен билан Айман водийсидаги аҳдимизга вафо қилиб, худди Мусо каби : “Раббим, менга кўрин, сени бир кўрай”, - деб кўришиши ерига кетайлик.*

Қуръоний қисса қаҳрамонларига талмиҳ этилиши билан боғлиқ лавҳаларда ижодкорларнинг асосан Қуръони карим ва ҳадиси шарифга асосланиши замирида Муҳаммад (а.с.) сиймосига таянилганлиги улардаги исломий нурдан сезилиб туради. “Ҳазойин ул-маоний”даги 37 ҳамд ва шунча микдордаги наът ғазалларда [7, 8] Муҳаммад (а.с.) тимсолининг асосий образлардан бирига айланиши ва уларда қуръоний қисса қаҳрамонларининг етакчи образларнинг васф этилиши учун ёрдамчи образ поэтик функциясини бажариши эса Навоий ғазалиётидагина хос адабий ҳодиса саналади. Шу билан бир қаторда улуғ шоир ошиқона ғазалда васф этилувчи манзар тимсолида севикли ва Муҳаммад (а.с.) маъноларини бирлаштириб, ғазалда тағмаъно ифодаси воситасида поэтик кўпмаънолиликни таъминлайди ва қуръоний қаҳрамонлар образидан ижодий фойдаланиб, ундаги исломий нурни ҳис эттиради. Чунончи, улуғ шоирнинг етти байтли ғазалидан келтирилган иқтибосдаги *“Шоҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ”* мисраси худди шундай поэтик вазифани бажаришга йўналтирилган:

*Жаҳдим андоқдур этишгайменму деб васлингга бот
Ким қабул этман оғир деб чиқса эғнимдин қанот.
Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташла ул юкни этишмак истасанг васлига бот.
Шоҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ
Ким, анинг феъли шитоб эрмиш, мунинг расми сабот.
Кўп Масиҳидин дам урма, қил ҳаётингни туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ анинг туфайлидир ҳаёт.
Меҳр юз кўрмай ўчашиди пардадин чиққач юзунг.
Олғали қўймас сариг юзин қора ердин уёт [3, 80].*

Ғазалнинг матлаъ ва ундан кейинги байтида ёрнинг висолига қайта восил бўлиш истагидаги ошиқнинг ҳаттоки бу йўлда унга кўмаклашиши мумкин бўлган қанот тимсолида мосиводан тамомила воз кечиши ғояси ёр васлига етмоқчи бўлган ошиқ учун сабр тоғида югуришнинг имконсиз эканлиги билан боғлиқ тамсил асосида бадийлаштирилган. Ушбу байтлардаги мазмун ғазалнинг тамомила ошиқона моҳият касб этишидан далолат беради. Кейинги байтдаги шоҳсувор – от минишга машҳур чавандоз буроқининг югуришидан қолган чақин тасвири эса шеърхон тасаввурида муболағавий ифодаланган маъшуқа сиймосини ҳам, Муҳаммад (а.с.) образини ҳам гавдалантириш имконини ҳосил қилади. У ҳолда матладаги олдин воқеяланган висолу кейин яна унга интилиш тасвири фақатгина севикли ёр билан алоқадор бўлибгина қолмай, дастлаб “нури Муҳаммадия”дан руҳлар яратилганида, ошиқнинг руҳан висолга эришганию кейин бу ўткинчи дунёда ундан айро тушганига ишора эканлиги ҳис этилади. Шу тариқа Исо Масиҳнинг у туфайли ҳаёт топганию меҳр – қуёшнинг уялиши билан боғлиқ тасвирларда кўпмаънолилик тадрижий ривожлантирилади. Айни чоқда Навоийга хос бундай кўпмаъноли тасвир услуби шоирнинг ошиқона ғазалиётида пайғамбарлар образи

воситасида ғазалда исломий рух бағишланиб, марказда Муҳаммад (а.с.) сиймоси туришини ҳам сездириб туради.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 3-том, Тошкент: «Фан», 1988.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 4-том, Тошкент: «Фан», 1989.
3. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 5-том, Тошкент: «Фан», 1990.
4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 6-том, Тошкент: «Фан», 1990.
5. Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини. Филол. фан. док. ... дис. авторефер.- Самарқанд, 2019.
6. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. Тузувчи Б.Ҳасан. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 232-233-бетлар.
7. Ғаффорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадий талқини. Филол.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. авторефер. – Самарқанд: 2018, 8-бет.
8. Ҳозизи Шерози. Куллиёт. Душанбе: “Ирфон”, 1983.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ АСОСИДА БАДИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахмедова Ш. Н., филология фанлари доктори,
БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори
Худойқулова Марҳабо, стажёр-тадқиқотчи

Бугунги глобаллашув даврида таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методларини кенг қўллашга эътибор қаратилмоқда. Таълим жараёнида замонавий методларни қўллаш юқори самарадорликка эришишга олиб келишини замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Таълим методларини танлашда ҳар бир машғулотнинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Машғулотларни турли-туман талабалар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш уларнинг ўзлаштириш даражасини кўтаришга олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан талабаларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва талабаларни амалий машғулотларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

“Баҳс-мунозара” усули - бирор мавзу бўйича талабалар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани

бошқариб бориш вазифасини талабаларнинг бирига топшириши ёки ўқитувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир талабани мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда, асосан, талабалар қуйидаги қоидаларга амал қилиши керак:

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Адабиётни ўқитишда, бадиий асарларни таҳлил қилиш ва моҳиятини чуқур англаб етишда бу метод самарали ҳисобланади.

Масалан, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг янги “Донишманд Сизиф” романини шу методдан фойдаланиб, таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун талабаларнинг барчаси бадиий матн билан танишган бўлишлари талаб қилинади.

Қуйида берилаётган “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмасига асосан таҳлил изчиллик билан олиб борилиши лозим.



Масалан, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг янги “Донишманд Сизиф” романини шу методдан фойдаланиб, таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун талабаларнинг барчаси бадиий матн билан танишган бўлишлари талаб қилинади.

“Баҳс-мунозара” методининг босқичларида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Машғулотни олиб борувчи ўқитувчи мунозара мавзусини танлайди: **Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи талабалар нигоҳида.**

Мавзуга оид қуйидаги саволлар ишлаб чиқилади:

- А) Х.Дўстмуҳаммаднинг адабий жараёнда тутган ўрни ҳақида нима биласиз?
- Б) Адибнинг биринчи романи нима учун “Бозор” деб номланган?
- В) “Донишманд Сизиф” романининг ғояси нимадан иборат?
- Г) Сизиф ҳақида қандай маълумотга эгасиз? У қандай образлар сирасига киради?
- Д) Адибнинг янги романи ўқувчининг онгу тафаккурига қандай таъсир кўрсатади деб ҳисоблайсиз? Унга қандай баҳо берасиз?

2. Ўқитувчи талабаларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади. Шу ўринда талабаларнинг ўзлари ҳам бир-бирига савол бериши мумкин.

3. Ўқитувчи талабаларни икки гуруҳга бўлади: оқловчилар ва қораловчилар.

Оқловчилар адибнинг мустақиллик даври романчилигида эришган ютуқлари ҳақида роман таҳлили мисолида фикр билдирсалар (*бу роман адибнинг ютуқларидан бири ҳисобланади; асар ўқувчини сабр-тоқатга, энг муҳими, иродали бўлишига ўргатади, инсон ўзини англай олса, ҳар қандай қийинчиликни енга олади ва ҳ.к.*)

Қораловчилар эса асарнинг ўзларига маъқул бўлмаган жиҳатларини айтадилар: *анъанавий романларга ўхшамайди, сюжети, воқеалар баёни ўқувчини зериктиради, қизиқарли эмасдай ва ҳ.к.*

Шу тариқа баҳс давом этади. Талабалар орасидан тайинланган экспертлар мунозарани кузатиб борадилар.

4. Ўқитувчи ёки экспертлар берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради, бу вазифани бажариш учун талабалардан бирини котиб этиб тайинлаш мумкин. Бу босқичда талабаларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб бериш керак бўлади: “Хатоси бўлса ҳам бу сизнинг фикрингиз”.

5. Ўқитувчи экспертлар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади. Табиийки, “Донишманд Сизиф” романи ҳақидаги ижобий фикр-мулоҳазалар кўпчиликни ташкил этади (*биз бу методни амалиётда худди шу асар таҳлили мисолида қўллаб кўрганмиз*).

6. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади. Юқоридаги баҳс-мунозарадан келиб чиқиб, “Донишманд Сизиф” романига кўпчиликнинг овози билан шундай баҳо берилди: Айрим камчиликларига қарамасдан, Х.Дўстмуҳаммаднинг янги романи ўз ўқувчисини топа олади. Чунки унда Инсоннинг сабр-бардоши нималарга қодир эканлиги, маънисиз ҳаётдан маъно топа билиш, бунинг учун инсон ўзлигини англаб етиши зарурлиги ғояси илгари сурилади. Асар гарчанд анъанавий романларга ўхшамаса-да, истиқлол даври китобхонларининг қалбини забт эта олади деган хулосани берган оқловчилар гуруҳи рағбатлантирилади. Шу билан бирга асарни синчковлик билан таҳлил қилган қораловчилар гуруҳи ҳам баҳоланади.

Адабиётга оид фанларни ўтишда умумий ўрта мактаб, академлицей, касб-ҳунар коллежлари, шу билан бирга олий таълимда филологик йўналишларда, бадий асар таҳлилида “Баҳс-мунозара” методидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади. Биринчидан, ўқувчига мустақил фикрлашни ўргатади; иккинчидан талабалар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади; учинчидан, талабаларда тинглаш ва таҳлил қилиш, оғзаки нутқни ўстириш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” каби интерфаол методлар талабаларни фаоллаштиради, мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказига билим олувчини қўйиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Бу методдан фойдаланиб, ўқитувчи талабани машғулотда фаол иштирок этишга чорлайди. Шу билан бирга бадий адабиётга, унинг сир-асрорларини чуқур англашга қизиқтиради.

ERKIN VOHIDOV – MOHIR SO`Z USTASI

Adizova Nilufar Istamovna, Buxoro shahri,
Buxoro davlat universiteti

So`z sehr-u jozibasi chegara bilmaydi. U inson qalbi, ruhi, shuuri qulfining kalitidir. Har bir so`z ustasi o`zining so`z sezgisi, mahorati, o`ziga xos tasvir usuli orqali uning mislsiz qudratini kashf etadi. U orqali kitobxon qalbiga kirib boradi

Ulug` shoir Abdurahmon Jomiy yozganidek:

So`z oltinga bo`lmagay muhtoj,
Balki oltin boshiga bo`lgay toj.
Dunyoda qancha-qancha tilsim bor,
Uni ochmoq kishigadir darkor.
So`z erur ushbu tilsimotga kalit,
So`zni o`rgan, ochishga jur`at et.

Darhaqiqat, so`z o`zining beqiyos jozibasi ila tilsimotlar kaliti yanglig` yaraladi va go`zallikka oshno har bir qalbni rom etadi. U mahoratli so`z ustasi ijodida olmosdek tovlanadi, dunyolarni kashf etadi. “Nafis so`z, go`zal xayol, husni dil sohibi” [2,35] O`zbekiston Qahramoni, o`zbek xalqining sevimli shoiri Erkin Vohidov ijodida so`z o`zining chinakam qudrati ila bo`y ko`rsatdi. Shoir qalamidan to`kilgan quyma satrlar, samimiy e`tiroflar uning ijodiga oshno har bir qalbni yillar mobaynida o`z asiriga aylantirib bordi. U yaratgan ijod namunalarida har bir so`z, har bir satr go`yo piyolaning jarangidek tiniq, olmosdek yarqiroq, o`ziga xos qiyofa kasb etdi. Shoir ijodiy faoliyati davomida so`zning benihoya keng imkoniyatini, jozibasini ko`rsata oldi. Uning rango- rang xususiyatlarini namoyon etdi. Shoir G`afur G`ulom ta`biri bilan aytganda, “mudragan aruzni uyg`otib yuborgan”, o`z vaqtida birgina “O`zbekim” qasidasi bilan nafaqat O`zbekiston, balki butun O`rta Osiyoni rom etgan sohirqalb shoir ijodida har bir so`z o`ziga xos o`ringa ega. So`zning yana bir muhim- atoqli otlar bilan bog`liq xususiyatlarini, ma`no qirralarini uning “Quyosh maskani” dostoni misolida kuzatamiz. Erkin Vohidov boshqa barcha asarlari qatori ushbu asarida ham tilning lingvistik vositalari imkoniyatlaridan keng foydalanadi, ularni uslubiy maqsadlarini amalga oshirish vositasi sifatida qo`llaydi:

Men bir o`zbek o`g`li,
Kelib daf`atan
Qadimiy **Sayhunning** kanorasidan
Buyuk poytaxtinga qarab turibman
Yuksak **Ostankino minorasidan**. [1, 7]

Dostonning har bir satrida shoirning ona yurtiga bo`lgan muhabbati, faxr-iftixor tuyg`ulari bo`y ko`rsatib turadi:

Hov ana,
U yerda tugaydi o`rmon,
Davomi tutashdir poyonsiz cho`lga.
Cho`l orti men uchun eng aziz makon
O`zbekiston deya atalgan o`lka. [1, 8]

Bir qarashda shoir Ostankino minorasida turib, o`sha davrda poytaxt maqomida bo`lgan Moskva taassurotlari haqida so`ylayotgandek, azim shaharga murojaat etayotgandek tuyuladi:

Moskva!

Nomingdan toshib ilhomi

Ne hassos shoirlar yo`nmagan qalam.

Sen yarim olamning **Dorussalomi,**

Rumosi, Makkasi,

Madinasi ham. [1, 9]

Dostonning keyingi bandida shoir dovrug`I dunyoni tutgan buyuk tarixiy shaxslar Amir Temur, To`xtamishxon, Napaleon nomlarini keltiradi va kitobxon ko`z o`ngida tarixni jonlantirgandek bo`ladi:

Ne janglar ko`rmasdi bu keksa boshing,

Guvoh nayza bo`lgan har bitta qamish

Yog`dirdi ustingdan balolar toshin

Temurdan kaltak yeb qochgan **To`xtamish.**

Necha bor buzdilar,

Yoqdilar seni,

Olam yengolmagan **Napaleonni**

Sening mujiklaring rosa bopladi. [1, 10]

Shoir dostonning yana bir bandida beg`ubor bolaligi kechgan **Oltiariq- so`lim Farg`onani** esga oladi, **Toshkent** nomini tilga olib, Vatanga muhabbatini namoyon etadi:

So`lim **Farg`onaning** munis bag`rida

Bor olti ariqdan suv ichgan qishloq.

Unda

Chorak asr mendan narida

Bolaligim chopar to`zg`itib tuproq. [1, 12]

Keyingi bandda esa **Navoiy, Usmon Nosir, Pushkin** nomlarini tilga oladi. Ular bilan ruhan birga bo`ladi.”**Navoiydek** zot mening bobom bo`lgan “ degan ma`noni satrlarga singdiradi:

Yanglishsam ko`rsatdi menga to`g`ri yo`l

Qutlug` e`tiqodim qiblanamosi.

Yo`lning azobidan egilsa qaddim,

Betin zahmatlardan toliqsa yurak,

Navoiy ruhidan madad so`radim,

Usmondek Pushkindan o`tindim ko`mak.

Yo`limni yoritdi shu ikki mayoq,

Dilimni hamisha to`ldirdi nurga. [1, 14]

Shoir hech bir birlikni shunchaki qo`llamaydi, u har bir so`zga bir olam ma`no yuklaydi. Masalan, dostonning quyidagi bandida shoir H.Olimjon nomi orqali uni “Baxt va shodlik kuychisi”, Fuzuliyini esa tengsiz g`azallar muallifi sifatida tasvirlaydi, Yeseninni qalban o`ziga yaqin tutadi, Gyoteni falsafiy mushohadalarga usta ijodkor sifatida tilga oladi, A.Navoiy “sehr”ini e`tirof etadi:

Olamdan men faqat shodlik izladim,

Menga ustoz bo`ldi **Hamid Olimjon.**

Yuragimga yana bir hamdam topdim
Yesenin she`riga bo`lgach oshino,
Gyote ochdi menga sirlar kitobin
Faust bilan birga sayr etdim dunyo.
Fuzuliy devonin qo`limga oldim,
U soldi ko`nglimga g`azal mehrini.. [1, 14]

Shoir **Sirdaryo, Tyanshon, Orol** ko`li kabi narsa otlari nomlarini ham o`rinli qo`llaydi va ona yurti manzarasini jonlantiradi, har bir kitobxon qalbida shu aziz yurt tuprog`iga mehr uyg`otadi. Boshqa bir bandda esa shoir O`zbekiston ma`nosini “Ona” so`zi orqali ifoda etadi. Bayron, Sulton Jo`ra nomlarini chinakam vatanparvarlik, fidokorlik ramzi sifatida tasvirlaydi. Yevropa, Belorus nomlarini tilga olish bilan u tarixning qora sahifalariga nazar tashlagandek bo`ladi:

Bayron- o`z yurtining suyuk o`g`loni,
O`z eli mehri-la tuzdi-yu navo,
Yunon tuprog`ida uzildi joni,
Bir xalq erki uchun jon qildi fido.
Yeniseyda o`sgan sibirlik yigit-
Unga ham o`z yurti edi keng jahon.
Vaqt kelib o`limga turdi betma-bet,
Yevropaga qildi ko`ksini qalqon,
Yoniq shoir yurak **Sulton Jo`raning**
Belorus yerida qolgan qabri bor... [1, 18]

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Erkin Vohidov teran mushohada, o`tkir nigoh sohibi.

U barchaga tanish tuyg`ularni oddiy, samimiy so`zlar orqali ifoda etadi. Qablarni uyg`otadi, o`tmishning yopilgan sahifalariga nazar solishga, bugunning qadriga yetishga undaydi. Qo`lida tutgan qalami bilan go`zal suratlar chizadi, ona yurtimizning biz bilgan, bilmagan beqiyos manzarasini jonlantiradi. Uning ijodidan xalqimizga xos soddalik, samimiylik ufurib turadi.

O`zbekiston kezsam,-
Ko`nglim **Toshkent**da,
Moskvada sog`indim O`zbekistonim.
Ammo chegaradan qadam bosganda
Vatanimda qoldi yarimta jonim. [1,19]

Adabiyotlar:

1. Erkin Vohidov. Dostonlar. G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti. Toshkent-1973.
2. Erkin Vohidov hayoti va ijodi zamondoshlari nigohida. Toshkent “O`zbekiston”-2018.
3. Ergash Қиличев . Матннинг лингвистик таҳлили. –Бухоро, 2000.

НАВОИЙ ИЖОДИДА УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ ТАЛҚИНИ

Адизова О., БухДУ

Алишер Навоий ҳаётида унинг ўлмас асарлари, боқий мероси, етук ижодкор бўлиб етишишида у туғилиб вояга етган, тарбияланган оила муҳитининг таъсири бекиёсдир. Навоий ҳақида ёзилган манбалар унинг шахс сифатида ҳимматли инсон сифатида хурматли, устозларга садоқатли шогирд бўлганини ошкор этади. Унинг ҳимматлилиги, аввало, истеъдодли инсонларни иқтисодий-маънавий қўллаб-қувватлаганида намоён бўлади. Устозларга хурматини “Насойим ул-муҳаббат”да Навоий ўзи учун қадрли ва хурматли бўлган жуда кўп инсонларни эҳтиром билан ёдга олиб ўтганида кўришимиз мумкин. Улар ҳақида ўз билганларини баён этган. Бобо Пирий, Бобо Хокий, Мавлоно Шарафиддин Яздий ва бошқалар ана шундай кишилардан эди. Масалан, Навоий ўзининг болалик чоғида машҳур тарихчи Шарафиддин Яздий билан учрашгани тўғрисидаги ҳикояни келтириб: “Бу ҳақир сиғарисинда ул букҳада алар хизматларига мушарраф бўлуб, менинг борамда фотиҳалар ўқудилар” (165 бет), – дейди ва уни “донишманд ва соҳибжамол киши”, деб таърифлайди.

Шундай қилиб, “Насойим ул-муҳаббат” китобида Навоийнинг таржимаи ҳоли, унинг атрофидаги кишилар, дўстлари ва устозлари тўғрисида қўшимча муҳим маълумотлар мавжуд. А.Қаюмов таъкидлаб ўтганидек, бу маълумотларнинг аниқланиши ва ўрганилиши Навоий ҳаёти ва ижодини тўлароқ тадқиқ қилишда алоҳида аҳамият касб этмоғи шубҳасиздир.³⁵

Навоийнинг устозлари эътирофи борасида ёзган асарлари, фикр-мулоҳазалари ҳам алоҳида эътиборни тортади. 1492-1494 йили Навоий ўзининг энг яқин дўстлари ва маслақдошларидан бири бўлган устози Абдурахмон Жомий хотирасига бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини ёзганлиги маълум. У Навоий ва Жомий ўртасидаги устоз ва шогирдлик, ижодий ҳамкорлик тўғрисида маълумот етказа олиши билан диққатга сазовордир.

Ҳирот фозилларидан Хожа Абдулазиз Жомий ҳам Навоийга илтифотли бўлган муҳтарам зотлардан бўлган. Бу ҳақда Навоий шундай деб ёзади: “Ва бу фақир борасида илтифотлари кўп эрди ва кўп қатла фотиҳа билан дуои хайр қилибтурлар, умид улки, мустажоб ўлмиш бўлғай” (160 бет). Хожа Абдулазиз Жомий саксон икки ёшида 902 (1496-97) йилда дунёдан ўтган.

Навоийнинг қаҳрамони ҳамиша шоирнинг ўз шахси деб қаралмаслиги керак. А.Қаюмов: “Навоий ўз ўқувчисининг юрак сирларини ҳам баён этади” дея огоҳлантириб ўтади.³⁶ Тўғрироғи, Навоий шеърларини фақат шоир қалбидаги кечинмалар инъикоси деб қабул қилмай, балки умуминсоний туйғуларнинг умумбашарий қонуниятлар асосида кўрсатилмоғи деб қараш тўғри бўлади.

Айни дамда шоир таъмага қарши курашиш заруриятини ҳам ўз асарларида билдириб ўтган. Ҳатто таъмагирликни қоралаш шоирнинг таълим-тарбия ишидаги асосий принципларидан бўлган.³⁷ “Лисон ут-тайр”да Навоийнинг бошқа дostonларида бўлгани каби шоир ҳаёти, кундалик турмушида содир бўлган айрим кўринишларнинг тасвирини

³⁵10-бет

³⁶347-бет.

³⁷283 /3

топамиз. Бу маълумот Навоийнинг ўзи томонидан келтирилаётгани учун ҳам ғоят ишонarli ва муҳимдир”. Дарҳақиқат, “Лисон ут-тайр”нинг охирида “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” сарлавҳали боб бўлиб, унда Навоийнинг мактабда ўқиб юрган пайтида Атторнинг “Мантик ут-тайр” достонини қанчалар берилиб ўқигани тўғрисидаги маълумот бор. Шу маълумот асосида яна Навоий болалиқда таҳсил олган мактабда ўқиш-ўқитиш жараёни қандай уюштирилган эканлигидан хабар топиш, ўша мактабдаги ўқув дастури тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, ўқиш жараёни ва ўқитиш усули билан танишиш мумкин. Чунки шоир бу ўринда ўзи болалиқ чоғида ўқиган мактабда ўқишнинг қандай уюштирилганлигини эсга олиб ўтади. “Лисон ут-тайр” достонида Навоийнинг болалиқ йилларидан шеър ёза бошлагани, бу шеърлар туркий (эски ўзбек) тилида ёзилган экани, ўз шеърларида Навоий ва Фоний тахаллусларини ишлатгани тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Достонда шу тариқа Навоийнинг ижод тажрибасига нигоҳ ташлаб, жуда кўп тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Умуман айтганда, Навоий асарларида учрайдиган абжод ҳисобига алоқадор сатрлар унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни янада ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Навоий ижодида шоирнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидан ўрин олган тўртинчи “Фавойид ул-кибар” девонидаги турлича ҳажмли 32 бўлимлик “Соқийнома”си айрича эътиборни тортади. Чунки бу асар мазмуни Навоий мансуб бўлган муҳит, ундаги ижтимоий кайфият, Навоийнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган кишилар, устозлари, унинг дўстлари, шунингдек, шоирнинг ўз шахсий ҳаётига оид лавҳалар, фикр-ўйлари баёнидан ташкил топган. Шоир унда дунёдан ўтган айрим яқинлари, уларнинг “Бири ҳамсухбату ҳамдарду рафиқ, тукқанимдан дағи юз қатла шафиқ” бўлиб, ҳаётини ё энг яқин дўст, ё ёр, ё фарзанд каби тўлдирганини айтиб ўтади. Айниқса, улар орасида Мирзобек, Мир Дарвеш, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар номини алоҳида тилга олиб ўтади. Уларнинг вафот этганини айтиб, нурли хотирасига ҳурматини баён қилади ва руҳидан ўзига мадад тилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-нихоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б.170.
- 2.Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-нихоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б.347.

“ҲАЙРАТУЛ АБРОР”ДАГИ “ИККИНЧИ ҲАЙРАТ” ТАЛҚИНИ

Амонова З. Қ., Филология фанлари номзоди,
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси доценти
Ахророва З.Р., БухДУ талабаси

“Хамса”нинг ибтидо достони бўлмиш “Ҳайратул аброр” да ҳамд ва наътлардан кейин учта ҳайрат боблари келтирилади. Мазкур боблар достоннинг мазмун-моҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам адабиётшунос олим Н.Комилов: “Достоннинг

мағиз-моҳияти шу бобларда акс этган. Шунга мувофиқ асар «Ҳайратул-аброр» (Пок руҳнинг ҳайратланиши) деб номланган»[2,7] дейди. Иккинчи ҳайрат насрий сарлавҳа билан бошланади. Мазкур ҳайратнинг насрий сарлавҳасида ҳумоюнбол қушнинг малакут оламига сайри ва бу билан боғлиқ ҳайратлар баён этилади. Қуш деганда инсон руҳи назарда тугилади. Бу ўринда “Музаммил” сурасининг 8-ояти «Вазкур исма раббика ва табатгал илайҳи табтило» - “Ва Раббининг исмини зикр эт ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чик” келтирилган.

Турки Хўтан топти чу зебо жамол,
Мушк фишон бўлди насими шамол[1,83]

Мазкур ҳайрат турк гўзали юзини ёпса, насими шамол (ёқимли шамол) мушк(қора тусли, хушбўй нарса) фишон (сочувчи) бўлади, деган байт билан бошланади. Бунда турки хўтан деганда қуёш, мушк деганда қоралиги инобатга олиниб, кечқурун назарда тугилган. Яъни кун ботиб, туннинг кириб келиши ҳақидаги фикр билан бошланган. Аввалги ҳайрат эса, тун кетиб тонг отиши билан бошланган эди. Куннинг ботиб туннинг бошланишини кейинги байтда янада чиройли ташбеҳ асосида ифодалаган:

Урди нафас нафҳаи анбар насим,
Ёпти варақ сафҳаи абҳар шамим.

Яъни анбар насим (хушбўй шамол)эсди ва абҳар шамим (наргиз гули) ўз варақларини ёпди. Гулнинг ўз япроқларини ёпиши кун (сутканинг ёруғ қисми)тугаб, тун(сутканинг қоронғу қисми) бошланишига ташбеҳ қилинган.

Навоий кеча таърифини яна бир неча байтларда бир-бирига ўхшамайдиган ташбеҳлар билан ёритди. Кейин шу тунда одамнинг олам сир-асрорларидан ҳайратга тушиш ҳолатларини баён этади:

Бу кечаким юз тааб ўлди анга,
Бир-биридин бўљажаб ўлди анга,

Яъни бу кеча одамга юз тааб (қийинчилик, машаққат) зоҳир бўлиб, аммо улар бир-биридан ажиб эди. Чунки чарх (фалак, дунё)и мушаъбид (найрангбоз, кўзбойловчи) унга ҳар нафасда турли хил тилсимларни ошкор эта бошладики, буларнинг бари одам учун ажиб ва сирли эди:

Айлар эди чархи мушаъбид шиор
Ҳар нафасе ўзга тилсим ошкор

Навоий найрангбоз фалак ва унинг сирли ажойиботлари ҳақида гапирар экан, албатта тундага осмон ҳолатига баҳо беради:

Кўк бу мушаъбиднинг ўлуб чодари.
Ахтар ўлуб лубати симинбари

Яъни кўк бу мушаъбид (найрангбоз)нинг чодари бўлиб, унда ахтар (юлдуз) лубати (гўзал)симинбар(оқ бадан гўзал)и бўлди. Шундан сўнг, юлдузлар ҳолати ҳам қаламга олинади:

Ҳайати тулоний ила Қаҳқашон,
Чарҳқа сайр этгали йўлдин нишон.

Яъни чарх сайрга чиққанида ҳайат (шакл, кўриниш)и тулоний(узунасига, узунчок) юлдуз ва Қаҳқашон (сомон йўли) унга нишон, йўл кўрсатувчи эдилар. Юлдузлар шакли ҳақидаги фикрларни давом эттирар экан, уларнинг турли шакллари, турли жиҳатларга хизмат қилишини келтириб ўтади:

Ҳайъати гаҳ доира монанд ўлуб,

Савт анга тасбиҳи худованд ўлуб.

Яъни юлдузлар осмонда гоҳ доира шаклида бўлиб, бу худдики Оллоҳга тасбеҳ зикр қилишдаги тасбеҳнинг айланалигига ўхшатишган. Шунингдек, нужумлар ҳолати баъзан пайкар(гавда, сурат)шаклида кўриниб, худдики, ҳаққа муттасил(доим) сано (мақтов, олқиш) айтувчи бўлиб кўринишини зикр этади:

Гоҳ бўлуб пайкари андоқки тил,

Айтур учун ҳаққа сано муттасил.

Навоий ҳамма ёзганларимдан нома қора бўлмади, яъни мукамал битилмади. Битикларнинг бари илоҳ ҳамдини тўла ифодалай олмайди, дея байтларида қайд этади:

Хамасидан нома сиёҳ ўлмайин,

Ёзғони жуз ҳамди илоҳ ўлмайин.

Инсон яна гулшанни мақом айлаб, ҳар бир чаман ичра хиром этганини зикр этади:

Чун яна гулшанни мақом айлади,

Ҳар чамане ичра хиром айлади.

Одам гулшан аро мақом айлар экан, у ерда пари пайкар ниҳон (яширин) эканлигини, худди сипеҳр (осмон) ичра самин гавҳаре (қимматбаҳо гавҳар) солинган дурж(қутгича) кабидир:

Анда ниҳон эрди пари пайкаре,

Дуржи сипеҳр ичра самин гавҳаре.

У гавҳари сарчашмаси (бошланиши) бўлиб, жондин ёруқ, қолаверса, ҳар нимаки бор ундан ёруқ эмас:

Гавҳари сарчашмаи жондин ёруқ,

Ҳарне йўқ андин ёруқ, андин ёруқ.

Навоий иккинчи ҳайратнинг охирида соқийга мурожаат қилиб, менинг жисмим ҳам ўша ҳайрати беҳад бўлган одамдек заиф, нафасим чикқали ҳариф(муқобил) эмас, дейди:

Соқий, эрур жисмим анингдек заиф,

Ким нафасим чикқали эмас ҳариф.

Шоир ҳам ҳайратлари чексиз инсондек, юқоридаги ашёларнинг зокир(Оллоҳни зикр қилишидан) лигидан беҳад ҳайратланган ҳамда жисми заифлашганки, соқий тутадиган жомга оғиз қўя олишга ҳам мадори йўқ. Шунинг учун майни пахта билан оғзимга томиз, дея иккинчи ҳайратга якун ясайди:

Жомға худ мен қўя олмон оғиз,

Пахта била оғзима они томиз.

Иккинчи ҳайрат ҳам ўз номидан маълумки, одамнинг ҳайратланиши билан боғлиқ жиҳатларни камраб олган. Аммо бунда биринчисидан фарқли ўлароқ шоирнинг ўзи ҳам ҳайратлари чексиз инсондек беҳад ҳайратланганлигини ҳам баён этган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. МАТ. 7-жилд. Тошкент 1991 й.
2. Комилов Н. Хизр чашмаси. Тошкент 2005 й.

SADRIDDIN SALIM BUXORIY SHE'RIYATIDA BOLALAR VA BOLALIK MAVZUSI

Bolalik insoniyat umrining eng go`zal, eng samimiy, eng pok qismi bo`lgani sababli go`zallik, samimiylik, poklik tarannumchilari bo`lmish chin shoirlar mudom bolalikni sog`inib she`rlar bitadilar. Chin shoir sanalmish shoir Sadridin Salim Buxoriy ezgulukka xizmat bilan umrguzaronlik qildi. Ustoz shoir ijodida bolalaik, bolalarga mehr-muhabbat va ularga o`git mavzusi alohida o`rin tutadi.

O`ynab ariq labida
Kemalar oqizardilk.
Kemalarga ortilgan –
Orzu, Umid, Bolalik [3.48.].

Bu satrlar she`rxon ko`z o`ngida bolalikning beg`ubor suratini jonlantiradi. “Ariq labi”, “orzu”, “umid”, “bolalik” detalga aylanib, bolalikdagi manzaralarni jonlantiradi. Shoir uchun bolalikning qanday o`tishi – inson hayotining eng muhim jihati. Ariq bo`yida emin-erkin o`ynagan bola ezgu orzular bilan ulg`ayishi tayin. Bola o`ynaydigan o`yinchoq ham juda muhim. Sadridin Salim Buxoriy bu masalaga nasihatimiz yondashmaydi, balki buxorolik mashhur hushtak yasovchi hunarmand usta Hamrobibi obrazini yaratish orqali o`yinchoq masalasiga daxl qiladi. Bir vaqtning o`zida ham hunarmandning ezgu tilakli, tafakkurli ustaligini ko`rsatadi, ham ota-onaga qanday o`yinchoq olish lozimligini uqtiradi. Bu she`rning g`oyaviy jihati, tarbiyaviy tomoni. Shu bilan ta`lim-tarbiyaviy tomoni yakun topgani yo`q: she`r bolani vatanparvarlik ruhida tarbiyalashi bilan ham ahamiyatli:

Bolalar labiga kulgi ulashar
Buxoro loyidan yasalgan hushtak.
Miltiqcha yasashdan qiladi hazar,
Yasaydi bulbulcha, bo`taloq, laylak [2.12.].

Shoirning mahoratiga e`tibor qiling: bolalar labiga kulgi ulashadigan hushtak Buxoro loyidan yasalgan. Eng muhimi, vatanparvar usta miltiqcha yasashdan hazar qiladi. Bolalar o`z vatani tuprog`idan yasalgan bulbulcha, bo`taloq, laylak shaklidagi o`yinchoqlarni o`ynab ulg`ayishini orzulaydi. She`rdagi ko`tarinkilik, o`ynoqi ohang bolalarni o`ziga jalb qila oladi.

Yana bir she`rida ijodkor yoshi ulug` insonlar, bobolar, momolar va ota-onalar har jabhada, har bir ishda o`z farzandlariga to`g`ri o`rnak bo`lishi kerakligini, ularga namuna bo`la oladigan darajaga yashashi lozimligini alohida ta`kidlaydi. Zotan:

Bola borar bobosini yetaklab...
Xavf-xatarsiz yo`laklardan o`tmoqda.
Nevaraning ko`zi bilan ko`rar ul,
Giyohlarni rangin ko`hna tuproqda [4.85.].

Farzandni to`g`ri qilib o`stirgan insonning nevarasi keksaygan bobosiga ko`z bo`la oladi. Shoirning har bir satri she`rxon tafakkurining kengayishiga sabab bo`ladi. Inson keksayganida ko`zdan qolishi tabiiy. Shoir “bobo giyohlarni rangin tuproqda, ko`hna tuproqda nevarasining ko`zi bilan ko`rishini” tasvirlash orqali Buxoroga xoslikni bera olgan. Ayni damda, nevara va bobo munosabatlari orqali bolalik manzaralari namoyon bo`lgan. Shoir ijodida bola va bolalik mavzusi o`zbek xalqi tabiati bilan uzviy bog`liqlikda ifoda etilgani bilan ham alohida ahamiyatga ega.

Darg`aning shogirdi darg`a bo`ladi,
Asl ot toychasi yo`rg`a bo`ladi,

Ustoz qarg`a bo`lsa, bulbul kutma, oh!

Qarg`aning shogirdi qarg`a bo`ladi [2.126].

Bir qaraganda bu to`rtlikning bolaga aloqasi yo`qday. Ammo she`r mohiyatida farzandning, farzand qatorida sanaladigan shogirdning tarbiyasi masalasi turibdi. Ularning ongini nima bilan sug`orsak (mehr suvi yoki aldov), ulg`ayganda xuddi shunday meva olishimiz mumkinligiga ishora bor. Bu masala 2-misrada ot va toy misolida tamsillangan bo`lsa, 3-4-misrada qarg`a va bulbul obrazini zidlash orqali yoritilgan.

Ustoz Sadridin Salim Buxoriy umrini kamtarona, har daqiqa Vatan, el xizmatiga bel bo`glab, ilmi va amalini bir qilib o`tkazdi. Shu sabab o`gitalari inson ruhoiyatiga ta`sir qiladigan tarzda jonli, tabiiy bo`lib, she`rning go`zal badiiyatiga, ohangiga vobastalik kasb etgan:

Senga qarab tosh otganga non ot, bolam,

Boyligini qizg`onganga kon ot, bolam,

Shafqatli bo`l, shavkatli bo`l, pastlik etma,

Obro`yingdan kuyganlarga shon ot, bolam [2.135.].

To`rtlikda satrning kesimi va undalmasi “ot, bolam” radif bo`lib kelgan bo`lsa, “non-kon-shon” to`q qofiya sifatida she`r jarangini ta`minlagan. Muhimi, she`r bolalar tarbiyasiga ta`sir qila oladi. “Bolam” deb samimiy murojaat qilingani sabab quruq nasihat emas, o`git yuzaga kelgan.

Yoshlar orasida kitobxonlikni rivojlantirish, yosh avlodni kitob o`qishga da`vat qilish mamlakatimizda bugungu kunda davlat siyosati darajasiga ko`tarildi. Zero, kitobni sevgan, adabiyotga mehri baland inson yovuzlikka oshno bo`lmaydi. Sadridin Salim Buxoriy – ko`p yillar ilgari kitobxonlikni targ`ib qilgan, millatni kitobxonlik, ma`rifat yuksaklikka yetaklashini ta`kidlagan shoir. U o`z zamondoshi Maxsum usta obrazi orqali kitob yamovchi, qo`lyozmalar, eski kitoblarga qayta “hayot baxsh etuvchi” qahramon timsolini yaratadi:

Aka Maxsum edilar jarroh,

Ammo singan suyaklar emas,

Ammo majruh yuraklar emas,

Faqat, faqat yarador kitob

Qo`llaridan topardi shifo [1.71.].

Sadridin Salim Buxoriy kelajak faqatgina yosh avlodga bog`liq bo`lmay, ota-onalar asosiy halqa ekanini aytar ekan, katta avlod vakili sifatida jamiyatdagi kamchiliklarni o`zini ayblash orqali ko`rsatadi. Shariatni chuqur bilgan, amal qilgan shoir sifatida birovdan ayb qidirmay o`zini ma`lomat qilish bilan o`zgalarga o`rnak bo`ladi:

Bobolar qurgan qasrda biz yashadik shod,

Biz ham qurdik yashasin deb kelajak avlod.

Hikmat shuki: umr o`tar, lekin o`lmaydi,

Buxoroyi sharifini kim etsa obod! [2.127.]

Xulosa shuki, Sadridin Salim Buxoriy she`riyati, ijodi serqirra, mavzular qamrovi keng. Ammo ana shu mavzular orasida farzand tarbiyasi, ota-onalik mas`uliyati, ulug` bobokalonlarimizga munosib izdosh bo`lish kabi ulkan maqsadlar alohidalik kasb etadi. Shoir o`z she`rlari haqida shunday yozadi:

Onamdan mehr hidi taralgan kabi,

Shoirdan she`r hidi taralgan kabi,

Anqisin she`rimdan o`zimning hidim

Dehqondan yer hidi taralgan kabi [2.23.].

Bolalik shoir uchun beg`uborlik ramzi bo`lish bilan birga hammaning e`tiborida bo`lishi shart bo`lgan jarayon hamdir. Sadridin Salim Buxoriyning har bir she`ri mazmundor, ritmi betakror, badiiyati e`tirofqa munosib, shu sababdan kitobxonni ko`p.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sadridin Salim Buxoriy. Buxoroga Buxoro keldi. – Toshkent: Ma`naviyat, 1999. – 104 b.
2. Sadridin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. Saylanma. – Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi NMIU, 2011. – 356 b.
3. Salimov S. Yorug`lik odami. G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at, 1983. – 80 b.
4. Salimov S. Ro`molcha. She`rlar. – Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at, 1988. – 136 b.

RANGIN TAFAKKUR VA NUTQ

Axmedova Nilufar Safarovna,

tayanch doktorant,

O`zR FA O`zbek tili, adabiyoti va folklori instituti

Biz sarlavhada qo`llagan metaforik usuldagi **rangin tafakkur** tushunchasi aslida obrazli tafakkur hisoblanib, u olamni obrazlar harakati vositasida anglash, idrok etishga asoslangan bo`lib, insonning bilish bosqichidagi dastlabki tafakkur shakllaridandir. Tafakkurda kechayotgan bunday obrazlar oqimi, ularning bir-biriga ta`siri bizga borliqni o`rganishda, turli muammolarni hal qilishda asosiy muhim vosita sanaladi. Xo`sh, obrazli tafakkur qanday yuzaga keladi ?

Obrazli tafakkur moddiy hayot bilan aloqador bo`lib, hissiy tasavvurlarga asoslanadi. Obrazli tasavvur taqqoslash, tahlil qilish, umumlashtirishga asoslansa-da, kattalarda bu jarayon his-tuyg`uga boy hisoblanadi. Tashqi olamdan qabul qilingan ma`lumotlar umumlashtiriladi va qayta ishlanadi. Keyingi jarayonlar xotira va tasavvurda kecha boshlaydi. Inson xayolan makon va zamon kengliklariga qorishib ketadi [5:123]. Darhaqiqat, obrazli tafakkur orqali inson o`z orzu-o`ylarini xoh xayolan, xoh hayotda bo`lsin amalga oshiradi. Eng asosiysi, u bu tafakkur orqali faraz qila oladi. Garchand tafakkurida kechayotgan obrazlar o`sha vaqtning o`zida ro`yobga chiqmasa-da, ammo muayyan muddat davomida yuzaga chiqadi. Har qanday yangilik, kashfiyotlar ham aslida dastlab tafakkurda obrazlar vositasida namoyon bo`ladi. Chunonchi, xalq obrazli tafakkuri yordamida bugungi samolyotlarni bir zamonlarda uchar gilamlar timsolida, televizorni oyinayi jahonnamo qiyofasida, hozirgi liftlarni tilsim yordamida ochiladigan g`orlar, turli texnik vositalarni ma`lum masofadan turib boshqaruvchi pulnlarni esa sehrli tugmalar orqali tasavvur qilgan.

Ong voqelikdan tashqarida mavjud bo`lmagani singari obrazli tafakkur ham o`z elementlari, ya`ni obrazlarini hayotning o`zidan (insonning bevosita va bilvosita kuzatishlari asosida) oladi. Obrazli tafakkurni yaratish davomida narsalarning bir xususiyati boshqasiga ko`chishi, ular uchun umumiylik kasb etishi mumkin (Vatan posbonlari – salomatlik posbonlari kabi). Demak, “obrazli tafakkur yordamida narsalarning turli aniq xususiyatlari, xilma-xilligi to`liqroq aks ettiriladi. Obrazda narsani bir vaqtning o`zida turlicha ko`rish imkoni bor. Obrazli tafakkurning muhim xususiyati narsalar bilan ularning xossalari o`rtasidagi odatdan tashqari, ishonish qiyin bo`lgan uyg`unlikning o`rnatilishidir” [3:489]. Bu tafakkur hayotda sodir bo`lmaydigan holatlarni dastlab xayolan ongda yaratadi va shuning orqali insonga ulkan energiya bag`ishlaydi. Obrazli tafakkurning eng qiziq tomoni ham o`zi yaratilgan davrdan bir necha yuz yillar ilgari yurishidadir. Shu sababdan “...bu tafakkur voqelikning ahamiyatli

jihatlarni o'ziga xos usulda aks ettirib, tasavvurlarning o'zgargan shaklida, aniqrog'i, tushunchalarni o'zgargan obrazlarda va doimo harakatda gavdalaniradi" [1:563].

Bunday tafakkur shaklidan foydalanayotgan so'zlovchi, asosan, ikki xil maqsadni ko'zlaydi. Birinchisi, kattalarda o'zi duch kelgan muammoni yechishga qaratilsa, ikkinchisi esa, bolalarda vaziyatni baholash va fikr bildirish uchungina qo'llaniladi. Ya'ni kattalarda turli muammolarni yechish imkoniyati obrazlarning umumiy xarakterga ega ekanligi, narsalarning mavjud xossalarni aks ettirishi bilan yuzaga keladi. Bu tafakkur obrazlar yordamida tasavvur qilish mumkin bo'lgan narsalar bilan aloqador muammolarni hal etishda juda samaralidir. Obrazlar fikran shunday gavdalanadiki, natijada biz izlagan muammoning yechimi juda oson yo'l orqali hal qilinadi [4:235; 2:304].

Shunday qilib, obrazli tafakkurning o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- a) obrazli tafakkurning manbai – xotira yoki tasavvur;
- b) u shunday natijaki, sababsiz paydo bo'lmaydi;
- c) bu tafakkurdagi aniq tushunchalar mavhumlik kasb etadi;
- d) obrazli tafakkurda bir narsa-hodisaning xossasi boshqa biriga ko'chirinishi mumkin;
- e) obrazli tafakkur orqali muammolar yechimi topiladi, vaziyatlardan chiqib ketiladi yoki ularga baho beriladi;
- f) bu tafakkurda hosil qilingan obrazlar aslida borliqda uchramaydi (M.: ota – oila ustuni);
- g) obrazli tafakkur makon va zamon kengliklaridan-da cheksizdir;
- h) bu tafakkur shaklidagi obrazlar doimo harakatda, shu sababli insonni kashfiyotlarga da'vat etib keladi.

Bugungi kunda obrazli tafakkurning eng ibtidoiy ko'rinishi bolalarda kuzatilsa, ijtimoiy-ruhiy salmoqdor shakli ijod jarayonida o'z aksini topadi. Bolalar tafakkuridagi obrazlar tabiiy, qiyinchiliksiz, borliqdagi voqea-hodisalning ta'siri natijasida harakatga keladi. Bu obrazlarning paydo bo'lishiga sabab bolaning kutilmagandan notanish voqea-hodisaga duch kelishidir. Bu holatda bolalarda egosentrik tafakkur o'zini namoyon qiladi, ya'ni o'z fikrini aytish va uni haqiqat deb bilish jarayoni bolada tez fursatlarda jumboqning yechimini topishga da'vat etadi. Natijada bola mavjud tafakkur imkoniyatidan foydalanadi. Masalan, toshbaqani birinchi bo'lgan bola uni yuradigan tosh deb ataydi. Chunki unga tosh predmeti anglatadigan tushuncha ayon. Ammo u biladigan toshlar o'z-o'zidan yurmaydi. Shunda bola tezda xulosa chiqaradi: demak, bu ham tosh, faqat yuradigan tosh.

Ijod jarayonidagi obrazlar odam ruhiyatida paydo bo'lgan muammo (dard) natijasida yuzaga keladi va harakatlana boshlaydi. Ular xuddi o'zanini yo'qotgan daryoni eslatadi. Toki bir tizimga tushmagunicha tinmaydi. Zero, "miya nafaqat oldindan mavjud ma'lumotlarni yodda saqlovchi, qayta tiklovchi yoki ulardan foydalanishni ta'minlovchi organ, balki bu ma'lumotlarga tayangan holda ijodiy qayta ishlovchi hamda o'xshash hodisalarni birlashtiruvchi a'zo hamdir" [6:4].

Ijoddagi obrazli fikrlash bolalardagiga qaraganda o'ta hissiyotga boy. Uning zamirida inson ruhiyatini tarbiyalash, nozik sezimlariga ta'sir qilish hamda estetik didini shakllantirish yotadi.

Tadqiqot manbaimiz bevosita obrazli tafakkurning bolalar nutqida voqelanishi sabab e'tiborimizni quyidagi misollarga qaratamiz.

Ammo bunday obrazli tasavvur bolalarda o'z-o'zidan paydo bo'lavermaydi. Uning yuzaga kelishida ijtimoiy, maishiy, shaxsiy sabablar bo'lishi kuzatiladi. Masalan:

-- *Men hu anavi bulutga yetib unga minib olsam deyman...*

-- *Nega?*

-- *Chunki u yerda hech kim yo'q. Teeeepadan hamma narsani, hamma kishini ko'rsa bo'ladi...Men dadamlarni o'sha yerdan kuzatmoqchiman. Chunki u kishining yana boshqa bolalari ham bor. Ular biz bilan yashashmaydi.* (Buxoro shahri, To'yeva Gulnoza, 5 yosh).

Bola hayotda xohishi bo'yicha amalga oshmayotgan orzulariga xayolan erishyapti va nechadir daqiqa bo'lsa-da, ko'ngli taskin topyapti.

Yoki

--*Oyi, anavi daraxtning kurtaklariga paltocha kiydirib qo'yaylik, sovuqda muzlab qolmaydimi?* (Nurtalak Asadov, Buxoro shahri, "Qaldirg'och" bog'chasi tarbiyalanuvchisi, 4 yosh).

Bu fikrning yuzaga chiqishigacha bo'lgan jarayonda bola o'z tasavvurida daraxt kurtaklari bilan suhbatlashgan, unga yordam bergisi kelgan, sovuqning ta'sirini o'zida his etganligi sababli ham shunday fikrga kelgan.

Ba'zan bola notanish holatlarga o'ziga yaqin hodisalar bilan qiyoslash orqali javob qaytaradi. Masalan, o'zbekchada tojik tili aksentida tez gapirayotgan ayolning nutqiga birinchi marta duch kelgan bola dedi:

--*Aka, nega u kishi menga ruscha gapiryapti?*

Yoki shahar sharoitida yashayotgan qizaloqning birinchi marta tandirni ko'rib:

--*Uyimiz yonyapti!!!* – deb chinqirib yig'lashi (Dilafro'z, 3 yosh) ham shu bahoning bir ko'rinishidir.

Ko'rinadiki, bola o'ziga notanish holatlarga ma'lum xotira manbaidan foydalanib, obrazlarni jonlantirgan holda javob izlay boshlaydi. Natijada u o'z nutqida o'xshatish yoki metaforik ko'chimlarni qo'llaydi. Alohida ta'kidlash lozimki, bolalar o'z nutqida kattalar singari bunday badiiy vositalardan foydalanishni maqsad qilib olmaydi. Balki borliqni o'rganishning bir usuli sanalgan taqqoslash jarayonining o'zida ularda tafakkuriy va nutqiy ehtiyoj tug'iladi.

Mana shu o'rinda bir narsani alohida ta'kidlash lozim. Biz, kattalar, farzandlarimizning bunday o'y-xayollarini ko'pincha e'tiborsiz qoldiramiz. Chunki bu yoshdan o'tib bo'lganmiz, endi biz o'z hayotimizni aql orqali boshqaramiz. Ammo obrazli tafakkur qiladigan bola ulg'ayib boravergach, hayotda turli vaziyatlarning bir necha yechimini topa oladigan, ulardan oson chiqib keta oladigan, hozirjavob bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyot:

1. Ительсон Л.Б. Лекции по общей психологии. – Минск: Хорвест, 2003. –С 563
2. Maklakov A.G. Obshaya psixologiya. –SPb: Piter, 2000. -S.304.
3. Nazarov Q. Falsafaa soslari. –Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2012. – B. 489.
4. Sovremenniy psixologicheskiy slovar (pod redaksiyey Mesheryakov B.G., Zinchehko V.P.). – M.: Praym-Yevroznak, 2007. – S. 235;
5. Rojdestvenskaya N.B. Psixologiya xudojestvennogo tvorchestva. – Sankt-Peterburg: L.C.Yazikavoy sentr, -1995. - S. 123.
6. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. – М.: Просвещение, 1991. – С.4

ИНГЛИЗ АДИБАСИ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА

Ахмедова Хилола, БухДУ,
Ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти

Инглиз адибаси Джейн Остин ижодий меросининг ҳақиқий янгилиниши ва тан олинishi XX асрга тўғри келади. Қисқа ҳаёти давомида ёзувчи ижоди муносиб кадрланмаган, қобилияти, талантининг кучига етарли баҳо берилмаган. Бунинг сабаби, остиншунос Н. Демурованинг фикрига кўра, «Дж. Остин, нафақат Англияни, балки бутун Европани романтик тўлқинлар билан тўлдирган даврда яшаган ва ёзган. Ҳаётлик чоғида ҳам ғалати парадоксга кўра, унинг тақдирига номаълумлик соя солган эди. Кейинчалик, жамоатчиликнинг Остинни тушуниши ва ўқиши танқидий реалистлар томонидан бошланди. Ёзувчи вафот этганидан бир аср ўтгандан кейин Англия биринчи жаҳон уруши арафасида тўсатдан Джейн Остинни “кашф этди”¹.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, адибанинг машҳурлиги ўсишда давом этди ва кейинги вақтларда адибанинг ижоди кенг китобхонлар эътирофига сазовор бўлди. Дж.Сэйтбери и У.Кросс сингари олимлар инглиз романчилик анъанасини давом эттиришда Жейн Остининг асарларини В. Скотт билан бир ўринга қўйиб, уларни янги XIX асрнинг "биринчи романнывислари" сафига киритганлар².

Джейн Остиннинг биринчи биографи, жияни Жеймс Эдвард Остин-Ли ўзининг мемуарларида (1870) ёзувчининг асарлари вақт синовидан ўтганлигини, романлари мунтазам равишда чоп этилганлигини, улар асосида театрлар сахна асарлари яратишгани, кўплаб асарлари экранлаштирилганлиги (масалан, Олдос Хаксли томонидан “Ғурур ва хурофот” романи асосида сценарий яратилганлиги)ни қайд этади»¹. Адиба ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кўплаб тадқиқотлар, таржимаи ҳоллар, шарҳлар яратилган. Англияда Джейн Остин музейи ва жамияти ташкил этилган. Асарларининг кўплаб таржималари чоп этилган. Адиба ҳаёти ва ижоди шу даражада кўп тадқиқ этилганки, остиншунослик соҳаси турли йўналишларга ажратилади. Уларнинг айримларини кўриб чиқайлик:

- анъанавий танқидий-биографик, адибанинг шахсий ҳаёти контекстида унинг ижодий меросини ўша замон воқеалари, даврнинг адабий тамойиллари билан боғлиқликда текшириш (Р.Чэпмен, Д.Сесил, Э.Бейкер, Ф.Брэдбрук, Б.Саутхэм);

- Шаклий йўналиш тарафдорлари Джейн Остин романларини тор шаклий нуқтаи назардан шарҳлайдилар, унинг бошқалардан фарқ қилувчи баён қилиш услуби, чуқур психологик мазмунига етарли даражада эътибор қаратмайдилар. Жамият ҳаётини тасвирлашдан воз кечган психологик камер романларининг асосчиси деб ҳисоблайдилар (М.Ласселс, М.Шорер, Э.Райт, Дж.Везенфарт);

- «психологик» (Л.Лернер, Д.Хардинг, Л.Триллинг) ва психоаналитик таҳлил

¹ Демурова Н. Джейн Остин и ее роман «Гордость и предубеждение»// <http://www.apropos.ru/osten/ost2/html>

² Батафсил кўриш учун: Чечетко М.В. Реалистический роман Джейн Остин (Проблемы творческой эволюции). – автореферат ... канд. фил. наук, Издат. Московск. ун-та, 1979, с.2.

¹ Джейн Остин: Библиографический указатель. – М.: Книга, 1986, с.5.

(Дж.Горер, Л.Хартли, С.Майерс) вакиллари адиба ижодининг асосий мазмун-моҳиятини унинг қаҳрамонлари ички оламини қайта яратишга бўлган ҳаракатда кўрадилар.

• Ижтимоий таҳлил тарафдорлари (А.Кеттл, Р.Олдингтон, У.Аллен, М.Мадрек).

Агар XIX асрда санъат ва адабиётнинг ёрқин намояндалари Вальтер Скотт и Дж.Г.Льюис кабилар нигоҳида Остин ижоди ўз баҳосини олган бўлса, XX асрда у ҳақда энди Виржиния Вульф ва Эдвард Морган Форстер, Ричард Олдингтон ва Сомерсет Моэм, Ральф Фокс ва Кингсли Эмис, Сильвия Таунсенд Уорнер ва Ребекка Уэст, Джон Бойнтон Пристли ва В.С.Притчет каби ижодкорлар, олимлар ёза бошладилар ва адиба ижодини муносиб қадрладилар. Булар орасида Дж. Остин ижодига бағишланган Виржиния Вульф и Эдварда Моргана Форстернинг эсселари бирмунча қизиқарли ва эътиборлидир.

Сомерсет Моэм “Ўнта роман ва унинг муаллифлари” китобининг алоҳида бобини Джейн Остинга бағишлайди³⁸ (1946). Китобда жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридан ўнтаси ҳақида фикр юритилади. Улар ичида рус адабиётидан иккита (“Уруш ва тинчлик”, Ака-ука Карамазовлар”) роман, француз адабиётидан учта («Қизил ва қора», «Горио ота» и «Бовари хоним») роман ва инглиз тилида ёзилган бешта романни тилга олинган Бу бешта романдан иккитаси (“Том Жонснинг тарихи”, «Дэвид Копперфилд») рус китобхонларига таниш бўлган. Яна иккитаси Генри Мелвиллнинг «Моби Дик» ҳамда Эмили Бронтенинг «Чакмоқли бурилиш» асарлари 50-йилларда рус тилида нашр этилган ва кенг китобхонлар оммаси эътиборига тушган. Ва ниҳоят рўйхатдаги ўнинчи китоб – бу Джейн Остиннинг «“Ғурур ва хурофот ” романи эди.

Ёзувчи Ричард Олдингтон ҳаммани ҳаяжонга соладиган саволни ўртага ташлайди. XX асрда Джейн Остин бу қадар машҳур бўлишини ким ўйлабди? Унинг романлари нима учун яшашпти? Уни яратган давр ва услуб ҳеч нимага қарамасдан ўтмишда қолди, аммо нега унинг асарлари ҳамон китобхон қалбини титратиб, ҳаяжонга солмоқда Олдингтон бу саволга ўзи “чунки Джейн Остин ўз қаҳрамонлари ҳаёти билан яшашни билган ва бу туйғуни китобхонга юктира билган катта санъаткор эди” деб жавоб беради.

Джейн Остин ҳақида рус тилида биринчи эътироф 1816 йилда пайдо бўлган, бу “Европа Ахбороти”да «Эмма» романининг чоп этилиши ҳақидаги хабар эди. Кейин анча вақт ўтгач, XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, адиба ижоди ҳақидаги мақолалар, ўнлаб тадқиқотлар, диссертациялар яратила бошланди. Афсуски, йирик инглиз адибаси Джейн Остиннинг асарлари ўзбек кам таржима қилинган. Фақат “Андиша ва ғурур” романи таржима қилинган.

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА НАВОИЙ ШАХСИНING АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ

Бекова Н. Ж., Филология фанлари номзоди
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси доценти

Ҳар бир улуғ шоир ёки ёзувчи, айнаи вақтда улуғ инсондир. Шунинг учун бундай ижодкорларнинг асарларини ўқиш, ўқиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг шахсий ҳаётини ҳам билиш, ҳаётини ижоди билан кўшиб ўрганиш керак. Хондамир

³⁸ Цит. по: Маршак И. От переводчика на русский язык романа Джейн Остин «Гордость и предубеждение» // www.apropospage.ru/osten/marshak.html

таъкидлаганидек, Навоий ўз замондошларини чин инсоний фазилатлари билан қойил қолдирган эди [7.27]. Ҳақиқий инсон, аввало, Худога яқин бўлади. “Ҳайрат ул-аброр”да Навоий Оллоҳга мурожаат этиб:

Айла Навоийни бурун одамий,

Ким бўла олғай бу ҳарам маҳрами,-

деб ёзади [1.22]. Чунки Навоий инсонни “олам ичидаги олам (“олами суғро”), “хужаста туғро”, худо ўз аксини томоша қиладиган ойна (“мирьот”), табиатдаги энг ноёб гул, “ризвон гули”, “шариф ул-кавнайн” сифатида улуғлар экан, бунда улуғ шоир инсонни ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий йўналишда кашф этишга эришган. Одамийлик инсон маънавий камолотининг энг юкори нуқтасидир. Инсонда одамийлик юксак бўлса, у ҳар қандай шароитда пастлашмайди, худбинликка берилмайди, кўркмайди, доим **ВАТАНИНИ** асрайди ва обод қилади, инсон боласини, **ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ** ҳимоя қилади. Зеро, президентимиз **Шавкат Мирзиёев** таъкидлаганидек: “Барчамизга яхши аёнки, **ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ** юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.” Навоийнинг серқирра ва сермазмун фаолиятида эса айни жиҳатларнинг ибратли амалий ифодасини кўрамыз.

Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида ҳикоя қилишича, Ҳусайн Бойқаро Хоразм вилоятидаги ерларни обод қилиш учун Хуросондан уч минг хонадонни кўчирмоқчи бўлиб, мажбурий буйруқ чиқаради. Лекин одамларга ўз туғилган ерларини ташлаб кетиш оғир эди. Навоий ўн бир марта подшоҳга мурожаат қилиб, бу ишдан қайтаришга ҳаракат қилади. Шунда подшоҳ жасоратли Амирнинг эзгу ниятини тушуниб, кўчириладиган одамларнинг миқдорини анча камайтиришга қарор қилади [7.90]. Навоийнинг “Вақфия”да келтирган қуйидаги фикрлари, айниқса, мазкур фикрларнинг ёрқин далилидир: “...ул ҳазратнинг куллуғин иртиқоб қилурда ҳеч наъв ўз ғараз ва маслаҳатим мутасаввар эрмас эрди... Нафсоният боғида орзу ниҳолин интиқоъ илиги била кўнгариб, амал мазраида таваққуъ хирманин фақр ўти била куйдириб, ул хирман куллари фано елига совурдим.

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.

То зулму ситам жониға бедод ўлмас,

ЭЛ ШОД ЎЛМАС, МАМЛАКАТ ОБОД ЎЛМАС [3.253].

Навоийнинг юксак фазилатларидан яна бири, унинг адолат билан иш кўриши, доим ҳақиқат учун курашгани эди. Навоий ҳаётда инсонларнинг аксарият ўринларда ҳали ҳақиқий инсонлик даражасига етмаганини, подшоҳларнинг адолатсиз эканини, вазирларнинг инсофсизлигини, дин пешволарининг иккиюзламачилигини, амалдорларнинг золимлиги ва текинхўрлик билан кун кўришини, бойларнинг очкўзлиги ва хасислигини, олимларнинг илмига амал қилмаётганини, ҳарбийларнинг халқларни талашга ҳирс кўйганликларини (“ишлари талай олғонни таламоқ”), қозиларнинг порахўрлигини, “ошиқман” деганларнинг ҳақиқий ошиқ эмаслигини ҳаётда кўп бор кузатиб, гувоҳи бўлган. Бундан унинг ранжимай иложи йўқ эди. Улуғ мутафаккирнинг қарашича эса, жамиятда инсон қадр-қиммати, аввало, унинг ўз касбига ҳалол меҳнати билан белгиланади, деҳқон ерга яхши ишлов бермаса, боғбон ўз касбини пухта эгалламаса, дарахтларини яхши кўкартира олмаса, хунарманд хунарини элга кўрсата

олмаса, хаттот китобларни хато билан кўчирса, муаллим (“мактабдор”) “беғуноҳ маъсумларга жафокорлиғ” қилаверса, савдогарлар халқни алдайверса, “эл шод, мамлакат обод бўлмас”.

Навоий эса бош вазир сифатида катта бойликларга эга бўлишига қарамасдан, ўз эҳтиёжи учун ўртача бир одам сарф-харажатига лойиқ маблағ олиб қолган, холос. Қолганини **халқ ва мамлакат эҳтиёжларига**, “қуёш янглиғ бир қулча билан тирикчилик ўтказувчиларга”, эрчаю кеч тоат-ибодатда бўлганларга, илм-фан, санъат, маданият ривожини учун зарур бўлган харажатларга, бинолар қуришга сарф этган. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида ҳазратнинг хайрли ишлари ҳақида аниқ маълумотларни келтиради ва “салтанат рукни, мамлакат таянчи, дин ва давлат арбобининг зубдаси, мулк ва миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассиси, покиза ишларга йўлланган, ҳоқоний давлатининг мададкори, султон ҳазратининг яқини” Низомиддин Амир Алишернинг **фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги учун** хонақоҳ, работ, кўприк, ҳовуз ва ҳаммом қурганлигини эътироф этиб, буларнинг номини ҳам бирма-бир келтиради [7.68].

Навоийшунос А.Ҳайитметов айтганидек, Навоийнинг бир кунлик ўртача даромади, Эрон олимларининг ҳисобича, минглаб тиллани ташкил этган [8,124]. Бу улуғ халқпарвар мутафаккир Хуросонда қурган масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, работ, хиёбон, кўприк, ариқ, ҳовуз ва бошқаларнинг миқдори беҳисоб бўлган. Баъзи манбаларда уларнинг сони 300 дан ортиқ, дейилади. Бу хусусда “Вақфия” асарида шундай ёзади: “илигимдан келганча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин кўйдим... Бу ишлар муқобаласида музд тилаб миннат қилмадим, балки муздпарварга миннат дағи туттилар қабул этмадим.

Элдин манга гарчи ғайри захмат йўқ эди,
Айб эрмас, агар музд ила миннат йўқ эди.
Эл бердилар, аммо манга рағбат йўқ эди,
Шаҳ давлатидин буларга хожат йўқ эди ”[3.255].

Навоийнинг таъбирича, халқ ичида улуғлардан бошқа оддий одамларгача ҳарбий хизматчилар ичида амирлик ўрнида базм тузганлардан хорлик жун тўнини кийиб, ожиз ўлтурганларгача, халқ ичида дала даштини омон экинзори сингари кўкартириб, бойлик маҳсулларини ҳосил қилгандек осмондек икки букилиб, машоқ териб, кечгача тирикчилигига етгулик, Ҳулкар юлдузидек бир ҳовуч дон терганларгача, чорвадорлар ичида бойлик даласида ҳар сурук кўйдан йилда ҳамалдек минг кўзи олиб, унга қаноат қилмаганлардан тортиб йўксиллик дараларига қўй бокиб, йилда жадийдек беш эчки ҳақ олганидан шукр қилганларгача бу нотавонга иши тушмаган одам оз топилади. Олийҳиммат Алишер буларга ёрдам қўлини чўзади, ҳожатини раво қилади, аммо ҳақ тилаб, миннат қилмайди. Миннатдорчилик қилиб, иш ҳақи учун бирор нарса тутганларида қабул қилмайди. Чунки “элдин унга гарчи захмат йўқ эди” [4.56]. Олийҳиммат Навоийнинг “Ихлосия” мадрасасида мударрислик қилаётган Бурҳониддин Атоуллоҳга уч мингдан ортиқ динорга мадраса яқинидан ҳовли сотиб олиб бериши, Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввинга эгар-жабдуғи билан бир от инъом этиши, Атоуллоҳ Ҳусайний оиласи билан турар жой масаласида қийналиб қолганда Ҳиротнинг энг яхши жойидан ҳовли олиб бериши инсонпарварликнинг олий намунаси эди.

Навоий бош вазир бўлиб ишлаганида ҳам, ундан кейин ҳам фақат Хуросон ва Ҳиротдан эмас, балки Мовароуннаҳрдан бошлаб одамлар унга арзга келганлар. Навоий кундузлари фақат шу ишларни ҳал қилиш билан банд бўлган. Ижодий иш билан эса

кўпинча кечалари шуғулланган. Навоий бош вазир бўлиб ишлаб турар экан, адолат сўраб келувчиларнинг ёнини олган. Абдурахмон Жомий фақир ва бечораларга ёрдам бермоқчи бўлса, доим Навоийга мурожаат этган ва ундан кўмак олган. Кунларнинг бирида подшоҳ Кундуз вилояти устига ҳарбий юриш қилмоқчи бўлганда, Жомий Навоийга мурожаат қилиб: "Улча мумкин бор, бу юмушнинг манъига саъй қилгайсен ва ул матлуб сурат боғламагай, азимат жазм бўлса, бизга битиб юборгайсен"- дейди [7.58]. Навоий бутун вужуди билан Жомийнинг айтганини амалга оширишга ҳаракат қилган.

Давлат, санъат, адабиёт ва илм-фан ишларига Навоий ҳомийлик қилган даврнинг энг муҳим ютуғи шундаки, мамлакатда унинг ёрдами билан илм-фан, адабиёт, санъат ривожланиб, бу соҳаларда юксак истеъдод соҳиблари етишди. Абдуқодир Ноий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний каби мусиқа арбоблари, Султон Али Машҳадий, Абдужамил Котиб, Султон Али Коиний, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Абдулло Марварид каби хаттотлар, Бехзод, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али Чехракушо, Муҳаммад Наққош каби рассом ва наққошлар маънавият оламининг сўнамас юлдузлари бўлиб, тарихдан ўрин олдилар. У бутун умрини шеър, санъат ва илм аҳллари орасида ўтказган бўлиб, хусусан, 1469 йилдан сўнг, яъни давлат арбоби сифатида халқ ва мамлакат ишлари билан жуда яқиндан шуғуллана бошлагандан кейин адабиёт ва санъат, илм-фан ва мамлакат ободлиги каби масаларга эътибори янада ошди. Шоир "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ўттиз йил давомида Хуросон мамлакатида, хусусан, адабиёт ишлари билан қандай шуғуллангани, қандай раҳбарлик қилгани, вақти келса ҳакамлик вазифасини бажаргани, унинг фикр ва қарашлари ўша давр адабий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутгани ҳақида қўйидагиларни ёзган эди: "Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамоликининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамеъ назм аҳли шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожиб ул-эҳтироми ҳар не, ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким, бу фақир суҳбатига еткурубдурларва хотирга келғон нуқтаки айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибод қилибдурлар, далоийл била аларга хотир нишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларни шоқир ва мамнун билибдурлар"[5,33].

Навоий ўзига тегишли ерларда экин экиб, ҳосил олувчилар, ўзининг чорва молларини, қўйларини боқувчи чорвадорлар, боғбонлар, дўкандорлар ва бошқа касб эгалари, уларнинг ишбошилари билан тез-тез кўришиб, маслаҳатлашиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турган. Навоий ўз ерларида ишловчиларга умумий кўрсатмалар бериш билангина чекланмасдан, хусусан, деҳқончилик масалалари билан яқиндан, ишнинг кўзини билиб шуғулланган. Унинг бундай ишларини Ҳусайн Бойқаро ҳам маъқуллаган. Бу тўғрида Навоий "Вақфия"да ёзади: "...у ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро)нинг буйруғи билан ва таклифи сабабли маош экинзори қуруқ қолмасин, деб бироз деҳқончилик билан шуғулландим. Ва ишим, шариат томони риюя этилгани ва инсоф тарафи лозим кўрганича бўлгани учун, Тангри инояти билан кўп маҳсуллар ҳосил бўлди"[4.57]. Навоий қайси ерни кўлга киритса, уни обод этишга ҳаракат қилган, яхши уйлар қурган, дарахтлар ўтказган, боғу роғлар, гулзорлар яратган.

Бобур Навоийнинг қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси ("қоғоз жувози") бўлганини, Ҳиротда бўлганида уни маҳсус бориб кўрганини ёзади. Шунинг учун Бобурнинг Навоий қурилишлари тўғрисида "Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай",- деб ёзганида катта ҳақиқат бор эди [6.172].

Олийҳиммат Навоийнинг бизга, халққа айтадиган гаплари эса кўп эди. Шоир ўз кўнглида халққа аталган муҳим гаплари, яхши нияtlари борлигидан ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳисоблар ва бир умр ана шу ўйлаганларини ўзига сиғдира оладиган катта асарни ёзишга киришиш имконини кутиб юрар, шундай катта мақсадлар билан яшашни ўзига бахт деб билар, ўз муддаоларининг амалга ошишига умид қилиб яшарди:

Улуғ комлардин эдим бахтиёр,
Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр.

Не тонг бўлса, кўпдин-кўп ар қайғулук,
Таъма бўлса, кимга **улуғдин-улуғ**.

Ва лекин не ғам, Тенгри айлаб карам,
Улуғ муддао берса, мақсуд ҳам [2.638].

Улуғ шоир ва давлат арбоби Навоий биз учун фақат юксак бадий қимматга эга бадий асарлари билангина эмас, балки мазмундор фаолияти, юксак инсоний фазилатлари, тадбиркорлиги билан ҳам ҳамиша ўрнатилган бўла олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Фан, 1990.
2. Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: Фан, 1960.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1998.
3. Алишер Навоий. Вақфия. – Тошкент: Фан, 1991.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд. – Тошкент: Фан, 1998.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур . Бобурнома. – Тошкент: “Юлдузча”, 1989.
6. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.
7. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997.

“НАЗМУЛ - ЖАВОҲИР” РУБОИЙЛАРИДА НАФС ТАЛҚИНИ

Бахшуллаева Н.У., БухДУ 1-босқич магистранти

Ўзбек мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодида ахлоқий-дидактик мавзу етакчилик қилади. Бунинг асосий сабабларидан бири – адабиётнинг “адаб” тарғиби билан шуғулланувчи фан эканлигидадир. Мумтоз ижодкорларнинг инсон камолоти борасида илгари сурган ғоялари барча замонлар учун долзарблик касб этиб келган. Жумладан, нафс мумтоз адабиётимизда ахлоқий-дидактик тарбиянинг ўзаги сифатида ижодкорлар томонидан кўп бора қаламга олинган. Фикримизни биргина мутасаввуф шоир Аҳмад Яссавий меросида “нафси бад”, “нафс йўли”, “нафс илги” сингари истиораларнинг қўлланишида ёки Румий ҳазратларининг “Ақл қўйдир, нафс бўри, иймон эса чўпон. Агар

иймон кучли бўлмаса, нафс ақлини ейди” каби пурмаъно ҳикматларидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодида ҳам мазкур мавзу етакчилик қилади. “Назм ул -жавоҳир” Алишер Навоийнинг ахлоқий-дидактик ғоялари тарғиб қилинган асарларидан биридир. Мазкур асар рубоийлар мажмуидан иборат. Асардаги жуда кўп рубоийларда нафс ва унинг кўринишлари, уни тарбиялаш билан боғлиқ фикрлар тарғиб қилинган. Эътиборингизга улардан айримларига намуна келтирилади:

Ҳирс ўлса қаноат ўтиға ёқ ани
Яъники, адамриштасиғатоқани.
Не раҳнақиҳирсайлагайбоқани,
Маҳкамқилғаймагаркитуфроқани³⁹.

Яъни, агарсендахирс(таъма, очкўзлик) бўлса, униқаноат(шукр) ўтиғаёқ, шу ўтбилануниадамриштасиғатақ(йўқликкаайлантир, йўқот), қара, хирснималаргараҳнасолмайди, агартуфроқ(ўлим) унимаҳкамқилмаса.

Шукрқаноатниюзагакелтиради,қаноатэсасабрнибарпоқилгувчипойдевордир.
Яъники, ҳар не машаққатда бирламчи калит вазифасини ўтовчи гўзал сабр ила нафсни ҳам енгиш энг тўғри ечимлиги таъкидланган. Чунки инсон ўз нафсини, хирсини енголмаса, унга ўлимгина кифоя қилади, бироқ бу инсон учун хайрли ечим эмас. Румий ҳазратлари айтганидек, “Ўлмасдан аввал уйғон”, яъни танинг тупроққа банд бўлмасидан олдин, ўз хирс-у нафсингга ҳоким бўл. Шоир рубоийда келтирилган “адам риштаси” жумласи орқали истиора санъатини моҳирона ҳосил қилган.

Дунё сори бор маву бўл ондин навмид,
Бўлғил йўқса азиз жондин навмид.
Ҳар кимсаки ул бўлди жаҳондин навмид,
Ул бўлмади умри жовидондин навмид.

Яъни, дунё мол-мулки сари борма, ундан умид ҳам қилма. Йўқса, азиз жонингдан умидингни уз, кимки дунё молига умид қилмаган бўлса, у абадий ҳаётга эришибди.

Шоир таъкидича, инсон ҳавойи нафсига берилмай, ундан умидини узиб яшаса, у боқий дунёда абадий яшамоққа ваҲақ васлига умид қилсин.

Алишер Навоийнинг ушбу асарида қўлланган ҳар бир сатр тасаввуф суви билан суғорилгандир. Айни шу ҳолат рубоийларнинг таъсир доирасини кенгайтиради.

Дунё сори хирс ҳар ямондин ортук,
Тарк этмак ани кавну макондин ортук.
Сувсизга сув шавқи бўлса жондин ортук,
Бил, сифлаға мол шавқи ондин ортук.

Яъни, Бу дунё аро хирс ҳар ёмон нарсадан ортиқ, Уни тарк этмак эса икки жаҳондан ҳам зиёда. Агарсаҳрода сувсиз қолган киши учун сувга қониш орзуси жонидан ҳам ортиқ бўлса, сифла – пасткаш одамга мол орзуси ундан ҳам ортиқроқдир. Бошқачароқ қилиб айтганда, хирсга берилган пасткаш кишига мол дунё орзуси, ҳатто, чўлда сувсизликдан ташна бўлган кишига сув ичиш истагидан ҳам зўрроқ. Шоир тасмил санъатидан фойдаланиб гўзал тасвир яратган.

³⁹. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. VII жилд. Ҳайрат ул - аброр. –Т.: “Фан”, 1991.- 392 б.

Дунё била неча зебу ороқилмоқ,
Улзеб ила дўзах ўти барпо қилмоқ.
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,
Уқбо била хушдур ани савдо қилмоқ.

Яъни, дунё (мол-дунё) билан ўзингга қанча зеб, оро берсанг, шу зеб билан ўзинг учун дўзах ўтини барпо қилгандек бўласан. Агар тарки дунё қилиш мумкин бўлмаса, будунёни уқбо(охират) билан савдо қилмоқ яхшироқдир.

Шоир айтмоқчики, бу дунёнинг муваққат гўзалликларига шнобўлиб, ўзингни ўтга ёқма. Агар бу нафсингдан таркидунё қилолмасанг, яхшиси шу умрингда охират билан машғул бўл. Зеро, охиратда жаҳаннам оловида ёнмоқлик бу ҳаётда мол-дунёга меҳр қўймоқлик билан тенгдир. Ҳозирда дунё зеб-тиллолари кўр қилган кўзларни дўзах олови эритиб оқизмасидан, тавба қилмоқлик кераклигини тарғиб қилиш орқали инсонни барча ёмонликлар “доя” си бўлган нафс гулгулаларидан озод кўришни истайди.

Нафсамридаҳарнечакитолпинғайсен,
Кўпгарчибутунлуктиласанг,синғайсен.
Комистаюнечазлғаёлинғайсен,
Нафсинггахилофайлким,тинғайсен.

Яъни,шоирушбурубойсидаинсоннинафсга“қаршитур”сагинадамолишиҳақидасўзл айтиди. Нафсинг буйруғи билан ҳар нарсага талпинаверасанг, қанча кўп хоҳласанг шунча толасан, бу синишлардан халос бўлиш учун нафсингни хилоф айла (қарши тур), тинасан. Юқоридаги мисраларда илгари сурилган бадийий- ғоявий мазмун, моҳият ушбу сатрларда ҳам ўз аксини топган.

Ҳирсофатининафсҳавосибилғил,
Кўймоқанинафсмуддаосибилғил.
Нафсинггааламҳирсбалосибилғил,
Кечмакундинанингдавосибилғил.

А. Навоий кишинингофати –ҳирсининг“инжик”ликлариданэканлигини таъкидлар экан, хирс (очкўзлик) келтириши мумкин бўлган оқибатларни - кишининг ўзига, умрига, руҳига, охиратига ёғрилган заволларда намоён бўлишини бадийий акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий асарларида инсонни разолатга етакловчи омиллар, хусусан, нафс балоси ва уни қандай енгиш ҳақидаги панд-насиҳатлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

ИНТЕГРАТИВНЫЙ ПОДХОД К ТВОРЧЕСТВУ ЗУЛЬФИИ

Гудзина В.А., БухГУ, Бухара

К инновационным формам организации процесса обучения относится интегрированный урок, «в центре которого находятся событие, явление, личность государственного или общественного деятеля, художника слова, созданный путем органического соединения научных знаний» [3].

Современному обществу необходимы хорошо подготовленные специалисты широкого профиля, обладающие системными и функциональными знаниями о мире,

месте человека в нем. Интеграция в школе способствует удовлетворению этой потребности.

Представляет большой интерес внедрение интеграции в процесс школьного литературного образования. Интеграция содержательного и деятельностного компонентов при обучении литературе реализуется на интегрированном уроке литературы. Следовательно, интегрированный урок литературы и есть форма организации учебного процесса, где происходит совмещение содержательного и деятельностного компонентов обучения.

В структурном отношении интегрированный урок многослоен и вариативен. В нем нет четкого разделения на традиционные этапы, присущие общедидактической схеме урока – проверка домашнего задания, сообщение новых знаний, закрепление и обобщение материала. Все эти компоненты вариативно сочетаются в полном или частичном объеме внутри самих пластов, представляющих собой науку или вид искусства, с позиций которого освещается предмет исследования [2].

Интегрированный урок может иметь и традиционную «шаблонную» структуру. Однако при постоянной структуре виды деятельности учителя и учеников постоянно меняются. Различными могут быть и формы уроков. Совмещение многослойности не допускает жесткого разделения материалов разных наук и искусств, проведения между ними искусственного разделения. Оно служит восприятию предмета учащимися в целостности видения, раскрывает многообразие и неоднозначность его восприятия различными исследователями.

Интересна, например, разработка урока «Образ женщины глазами русской поэтессы А.Ахматовой и узбекской поэтессы Зульфийи», когда при построении урока внимание акцентируется не только на общности, но и на различии взглядов на данный предмет двумя выдающимися поэтами XX века, а также на обнаружение в их идиостиле различных творческих подходов к предмету изображения.

Перелистав прошедшего тетрадь
Я поняла, что не жила в полсилы:
В дни счастья не боялась хохотать,
Когда любила, всей душой любила.
(Зульфийа «Мать»)

В узбекской литературе XX века особое место занимает творчество народной поэтессы Узбекистана Зульфийи (1915–1996). Она не только ярчайшая представительница так называемой женской поэзии новейшего периода в узбекской литературе. Зульфийа – поэт-лирик, способствовавший созданию «женской» поэтической школы в национальной литературе XX века, как в своё время Анна Ахматова (1889-1966) – в русской литературе.

В ноябре 1941 года, поэтесса Анна Ахматова была перевезена из осажденного Ленинграда в Узбекистан. «Именно в Ташкенте, я впервые узнала, что такое палящий жар, древесная тень и звук воды. А еще я узнала, что такое человеческая доброта», напишет она в мае 1944 года, когда сможет, наконец, вернуться домой [4].

Почти все стихи, написанные ею в Узбекистане, были о Ленинграде, но Восток всё равно проступал сквозь все тяготы войны. Он подчинял себе, вторгался в суть её стихов, в её творчество:

Мангалочий дворик,
Как дым твой горек

И как твой тополь высок...
Шехерезада
Идет из сада...
Так вот ты какой. Восток!
(Ахматова «Луна в зените»)

В.Г. Белинский утверждал, что лирическое произведение нельзя ни пересказать, ни растолковать, но можно только почувствовать, и то не иначе как прочтя его так, как вышло оно из-под пера поэта, будучи же пересказано словами или переложено в прозу, оно «превращается в безобразную мертвую личину, из которой сейчас только выпорхнула блестящими радужными цветами бабочка» [1].

Лирика действительно апеллирует к чувству, требует сопереживания, – в этом ее сила и в этом трудность ее чтения. Иными словами, понимание художественного произведения начинается не с теоретических знаний, а с переживаний, узнавания своих чувств в произведении.

Средства интеграции используются для погружения в эпоху, для подготовки восприятия, для создания настроения, необходимого для адекватного восприятия лирических произведений. Например, на подготовительном этапе к уроку, посвященному лирике Зульфийи, можно использовать некоторые приемы интеграции в предварительной внеклассной работе:

- экскурсию в виртуальный музей поэтессы,
- знакомство с ее произведениями,
- конкурс чтецов, на котором бы звучали стихотворения Зульфийи.

Интеграция с русской литературой реализуется при чтении стихов русских поэтов о Зульфие. Например, ярко о душевной щедрости Зульфийи сказал поэт Михаил Дудин:

– Здравствуй, Зульфийа!
Я раскрываю книгу и читаю:
Не покоряйся же впредь бытию:
В реку ревущую смело входи!
Помни про лучшую песню свою!

Урок целесообразно закончить словами известного поэта Расула Гамзатова о Зульфие: «...Впервые я услышал это имя – Зульфийа, когда учился в Литературном институте. Само это песенное, весеннее имя взволновало меня, я никогда не слышал такого имени. Когда познакомился с ней лично на съезде писателей в Москве, когда прочитал её стихи, я понял, что она удивительный поэт и удивительный человек, замечательная женщина Востока, которая достойно представляет свой Узбекистан. Не скрою, что порой мы относимся к женщинам-поэтам со скидкой. Но Зульфийа оказалась поэтессой без скидок, чья судьба сплетена с судьбой своего народа».

Изучение произведений Зульфийи на основе интегрированного подхода дает возможность для учащихся школ с русским языком обучения в доступной форме познакомиться с некоторыми особенностями узбекской поэзии, что имеет немаловажное значение для патриотического развития школьников.

Итак, интеграционные связи сближают предметы «русская литература» и «узбекская литература» и в то же время сохраняют их самостоятельность. Осознавая связи между предметами можно увидеть и осознать границы между ними, что позволит глубже освоить научный материал.

Литература:

1. Белинский В.Г. Полное собрание сочинений: В 13 т. Т.5. – М., 1978-1979.
2. Браже Т.Ф. Интеграция предметов в современной школе // Литература в школе, 1996. – С.150-154.
3. Емельянов М.С. Роль интеграции литературы и истории в школьном преподавании // Автореферат дисс.на соиск.канд.наук. – Самара, 2003.
4. Кирпичева Е.В. Интертекстуальный аспект творчества Анны Ахматовой: диссертация... кандидата филологических наук. – Мичуринск, 2009. – С.156.

БАДИЙ МАТНДА УНДОВ СЎЗЛАР

Жалолiddин Ёдгоров, стажёр-тадқиқотчи,
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Адабий асарнинг санъат даражасига кўтарила олиши унинг лисоний таркиби ва асар муаллифининг бадий ифода балоғатига боғлиқ эканлиги шубҳасиз [1]. Шу билан бирга, бадий матн яратилиш жараёни шу қадар мураккаб жараёнки, уни яратаётган субъектнинг онгий ва шуурий тасаввурлар олами айнан матнда акс этиши бир қатор шартлидир. Ҳиссий жараённинг матний омиллар кесишмасида вужудга келишида ўзига хос тўқнашувлар, яъни матн яратилишидаги лингвистик меъёрлар талаби асосида бўй кўрсатади. Ана шундай жараёларда ҳиссий бирликларни илмий бирликларга бўйсунтирган ҳолда матн яратиш бир қадар мураккабдир.

Коммуникатив жараён (ижодкор ва ўқувчи) фақат фикр алмашиш ва информацион контакт бўлмай, балки инсон ҳис-туйғулари, кайфияти, ҳиссиёти билан бевосита алоқадор момент ҳамдир. Ўқувчи матннинг айнан руҳий-таъсирий аураси натижасида ўзининг борлиқ воқелигидан ҳоли дунёсини яратади. Бунда матндаги ундов сўзларнинг қўлланниш координаталарининг ўрни ҳам беқиёсдир, шунинг учун ундовлар ёрқин ва ажралмас стилистик воситалар ҳисобланади. Улар нафақат бизнинг нутқимизни ҳиссий жиҳатдан бой қилади, балки маданиятимизни аниқловчи ўзига хос индикатордир.

Эшитувчига қаратилган эмоционал ундовлар маъно томонидан ички дифференцияга эга бўлганлигидан, уларни (ундовларни) қуйидаги группаларга бўлиш мумкин: 1. Вокатив ундовлар. 2. Императив ундовлар. 3. Урф-одат ундовлари. 4. Табрик ундовлари [2]. С.Усмонов томонидан билдирилган ушбу тасниф лингвистик сатҳда талқин қилинган бўлиб, лингвопоэтик жиҳатдан ўзига хос чекловлар мавжуд. Хусусан, бадий матндаги диалогларда вокатив ундовлар персонажнинг руҳий ҳолати ва ўз суҳбатдошига бўлган симпатиясини кўрсатиб беради.

– Ҳай, ҳай, гиргиттон, тегма ёнгоққа! – шундай деб илдам келди-да, қўлимдаги ёнгоқларни олиб, растак девор оша нарёққа улоқтира берди [3].

Вокатив ундовлар қўлланган бадий матнлар асарнинг асосан кульминацион қисмларида, ёхуд персонажнинг ички оламини, маънавиятини ва ижтимоий онглилик даражасини кўрсатишда кўпроқ қўлланади. Натижада, субъект томонидан асар қаҳрамонларининг характер хусусиятларини тавсифлашга ажратиладиган вақт (матн) тежаллади. Қайсидир маънода, бадий матннинг ишонарлилик даражаси оширилади.

– *Ҳой, Назирбуви, шу бўладиган ишми, ё раиснинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдириб жўнатдикми?*[4]

Ундовлар, биринчи навбатда, гапираётган одамнинг ҳиссий баҳосини ифода этади, иккинчидан, бир вақтнинг ўзида бирон бир нарса ҳақида хабар бераётганда воқеликка муносабатини билдирадилар.

– *Қани, марш! – деди у истеҳзоли кулиб. – Ёзувчи эмиш, ҳозир ким кўп, ёзувчи кўп. Гўрков кам, билдингми?*[5]

Тилшуносликда бу жумлалар эмоционал баҳолаш бўлиб, ундов гаплар тахминий қийматга эга бўлиши мумкин. Бу маъно объектлар, шахслар ёки ҳодисаларни субъектив баҳолаш учун хизмат қиладиган ва кучли ифода, ҳиссиёт билан айтилади. Ҳиссий ва баҳо берувчи жумлалар ҳам ўзига хос ундов жумлаларидир.

– *Ҳа, ҳа, сиз Шамайга ҳам бордингизми? – деб Зиё шоҳичи ажабланди* [6].

Ҳиссий ва баҳоловчи жумлалар суҳбатдошнинг ҳақиқатга модал муносабатини, бу ҳақиқатга субъектив баҳо беришидир. Бундай жумлаларнинг мазмуни сўзлар, иборалар ва уларнинг интонациясидан келиб чиқади. Аксарият ҳолларда ҳиссий-баҳолаш жумлаларидан кейин ишлатиладиган ёндош жумлалар бу тоналикни конкретлаштиради. Худди шу объектни ифодаловчи ҳиссий ва баҳолаш жумлалари бир хил компонентлар шаклида ишлатилиши мумкин. Уларни ташкил этувчи материаллар жиҳатидан фарк қилади. Бу суҳбатдошнинг ҳис-туйғулари кучли ва ёрқин бўлишидан келиб чиқади.

- *“Қора кўзлари, камон қошлари...”*

- *А-а-а, - деди Ҳасанали ва қайтадан қулогини тирқшига олиб борди* [7].

Гап семантикасини шу гап таркибида қўлланилаётган сўзларнинг фақат объектив борлиққа муносабатини аниқлаш билангина тўла изоҳлаш мумкин эмас. Бунга гапнинг нутқ жараёнига, нутқ вазиятига муносабатини аниқлашни ҳам қўшиш зарурати туғилди. Ана шундай амалий эҳтиёж билан лингвистик семантика бағридан лингвистик прагматика ўсиб чиқди [8].

Субъектив баҳони ифодаловчи ҳиссий ва баҳолаш жумлалари объектив воқеликнинг маърузачига таъсирига кўра икки гуруҳга бўлинади: биринчидан, объектив воқеликни ижобий баҳолаш. Бунда объектив воқеликнинг сўзловчига ижобий таъсири натижасида у ҳайратда қолади, қувонади, дам олади ва ҳоказо. Ушбу таассурот таъсири остида у объектив ҳақиқатга ижобий муносабатда бўлиб, уни ижобий баҳолайди.

– *Баракалла, ўғлим, - деди Ҳасанали, - жавобингиз ўз ўйлаганимчадир* [9].

Иккинчидан, объектив воқеликни салбий баҳолаш. Бунда эса объектив ҳақиқат сўзловчига салбий таъсир қилади, натижада сўзловчи хафа бўлади, ғазабланади, нафратланади ва ҳоказо. Шунинг учун у объектив ҳақиқатга салбий муносабатда бўлиб, уни салбий баҳолайди.

– *Э, қўйинг, олмайман. Мен эрингиздан кўп яхшиликлар кўрганман. Ҳақ олсам, уят бўлади-я* [10].

Ўзбек тилида бўлгани каби, бошқа туркий тилларда ҳам, ҳар қандай функционал турдаги жумлалар синтактик курилишни шакллантиришда ҳиссиётларнинг иштироки ва қатнашмаслигига қараб, ундов ва ундов бўлмаган бўлиши мумкин. Декларатив жумлага мос келадиган ундов жумлалари ривоят-ундов деб аталади.

Ҳасанали ҳамон ўзига тикилиб турганини билиб, манглайини қашиган бўлди: – Ҳўш, давом этингиз...[11]

Инсоннинг лисон тараққиёти ривожланган сари ундовларнинг ҳам қўлланиш доираси кенгайиб бормоқда. Борлиқ воқелигида аксланган ҳар қандай ҳодиса бадий матнда лингвистик ҳодиса сифатида намоён бўлиб бораверади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ёўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: Дисс. филол.фан.ном. 2007 й. – Б. 3.
2. Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар. – Тошкент: Дисс...филол. фан. канд. 1962 й. – Б. 68.
3. Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 24.
4. Қаҳҳор А. Ўтмишдан эртақлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017 й. –Б. 164.
5. Саид Аҳмад. Қоракўз Мажнун. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. –Б. 33.
6. Қодирий А. Ўткан кунлар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017 й. - Б.16.
7. Ўша асар. - Б.16.
8. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. - Тошкент: Академнашр, 2013 й. - Б.13.
9. Қодирий А. Ўткан кунлар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017 й. – Б. 25.
10. Саид Аҳмад. Қоракўз Мажнун. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 56.
11. Қодирий А. Ўткан кунлар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2017 й. – Б. 26.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИЙ ТАЛҚИН

Азизбек Ёқубов, Тошкен вилояти,
Зангиота туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётининг етук намояндаларидан бири эди. Унинг оҳанг ва услуб жиҳатидан ўзига хос ҳажвий асарлари ўзбек болалар адабиётида янги йўналишни шакллантирди. Шоир, носир ва драматург “Она Ер” (1974), “Баҳромнинг ҳикоялари” (1980), “Эй, ёруғ дунё”, “Оловжон ва унинг дўстлари” (1983), “Аламазон и его пехота” (1984), “Безгакшамол”, “Кетмагил” (1985), “Масхарабоз бола” (1986), “Аканг қарағай Гулмат”, “Жуда қизиқ воқеа” (1987), “Даҳшатли Мешполвон” (1989), “Ерликлар” (1990), “Мешполвоннинг жанглари” (1994), “Булбулнинг чўпчаклари”, “Одобли бўлиш осонми” (2001), “Танланган шеърлар” (2006), “Ўқ ўтмас болакай ёхуд олтин юрак” (2011), “Ажинаси бор йўллар” (2015) каби қирқдан ортиқдостонлар, қиссалар, шеърлар, ғазаллар, пьесалар, комедиялар ва ҳажвий асарлардан иборат тўпламларни китобхонларга тухфа этганди. Айниқса, унинг “Кўнғироқли ёлғончи”, “Қоринботир”, “Наврўз ва Бойчечак”, “Аламазон” каби пьесалари, “Тилсимой ғаройиб қизалоқ”, “Даҳшатли Мешполвон” [4.267] кинокомедиялари наинки ёшлар ва ўсмирлар, балки катталарнинг ҳам юрагидан жой олган эди.

Ушбу жажжи мақола доирасида сеvimли ижодкоримизнинг айрим шеърлари, шунингдек “Аламазон ва унинг пиёдалари” [1.4-100] қиссаси ҳақидаги кузатишларимизни ифодалаш билан чекланамиз.

Маълумки, болалар шеърлятида лирик субъект бирқадар ўзгачароқ тарзда намоён бўлади. Яъни болалар шоирлари персонажлар нуткига кўпроқ эътибор беришади.

Уларнинг қалбини ҳатти-ҳаракат ва ҳолатлари, ички ва ташқи нутқлари воситасида очишга интилишади. Болалар шоирларининг мақсади ҳам, катталар шеърятининг сингари воқеани тасвирлаш эмас, аксинча воқеа орқали лирик кечинмани ифодалашдир. [3. 91] Шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда, А. Обиджон шеърятининг тасвир қўламида куйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, муайян воқеа таъсирида юзага келган ҳис-туйғу ифодаси;

Иккинчидан, китобхонга уни тасаввур қилдириш маҳорати;

Учинчидан, лирик кечинмага туртки бўлган асоснинг ўқувчига ҳис қилдириш учун етарли экани;

Тўртинчидан, воқелик таъсирида юзага келган оний кечинма боланинг ёшига мувофиқ келиши;

Бешинчидан, болаларнинг фикрлаш тарзи ва ички руҳияти назардан қочирилмаслиги;

Олтинчидан, тасвир ва ифода болаларнинг одам ва оламни англаш тарзи, ҳатто нутқига монанд, шаклан ихчам ва лўнда бўлиши зарурлиги.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шеърятимизда фаол қўлланилган савол-жавоб усули замонавий лирикада Лutfий, Атоий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Муқимий сингари мумтоз шоирлар адабий меросларидаги сингари ошиқ ва маъшуканинг маънавий-руҳий оламини тасвирлашга йўналтирилмайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, савол-жавоб усулини замонавий болалар шеърятининг қўллашда ҳам таъсирчанликни ошириш, ёш китобхон эътиборини жалб қилишга эришиш имкони юзага чиқади. Хусусан, XX аср болалар шеърятининг таниқли вакилларида бири, академик шоир Ғафур Ғулломнинг болаларга атаб битилган: “Яша, дейман, ўғлим!”, “Билиб турибман”, “Мен сўрай сиз жавоб беринг”, “Буни топинг қизларим” каби кўплаб шеърларида ҳам мазкур усулга мурожаат этилиб, гўзал манзумалар яратилганини кузатиш мумкин. Анвар Обиджон ҳам кўплаб ўринларда устоз ижодкорлар лирикасида кенг қўлланилган шу усулга мурожаат қилади.

Хусусан, “Биринчи мақтов” номли шеърда Мамажон ва унинг аммаси ўртасидаги суҳбат-мулоқотлар фикримизни далиллайди. Демак, шоир учун бундай усулни қўллаш мавзунини ёритишда муҳим бадиий-композицион восита вазифасини ўтайди:

– *Кўринмайсан, Мамажон?*

– *Ўқияпман, аммажон.*

– *Ўқишларинг дурустдир?*

– *«Балли!» – деди директор.*

– *Нега «балли» деди у?*

– *Шошиб келар эди у,*

Мен дарров йўл бўшатиб,

Салом бердим ўхшатиб!

Танишганимиздай, шеърда амма билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Мамажон дунёқарашига хос тасвирлар орқали болаликнинг беғубор олами тасвирланади.

А. Обиджон айрим шеърларининг қаҳрамонлари ҳайвону қушлардир. Масалан, “Сиз эшитмаган кўшиқлар” туркумида: “Каклик кўшиғи”, “Ғулғултовуқ кўшиғи”, “Бедана кўшиғи”, “Тўрғай кўшиғи”, “Қарчиғай кўшиғи”, “Мусича кўшиғи” сингари шеърлар мавжуд. Уларнинг персонажлари характерида хос жиҳатлар ўз тилларидан ифода этилади.

Шоир аксарият битикларида кундалик усулини кенг қўллаши билан ҳам ўзбек болалар шеърятининг ўзига хос ўрин тутаяди. “Ботирвойнинг кундалиги” туркумидан ўрин

олган шеърлар фикримизни далиллайди. Чунки шоир 1 январдан 31 декабргача бўлган воқеаларни кунма-кун ёзиб боради. Шу орқали китобхонни умрнинг мазмуни, ҳаёт кадрини билишга ундайди.

*Янги йил кирди, мана,
Қилдик роса тантана:
Дадам шига бормади,
Аям хамир қормади,
Акам иншо битмади,
Мен ҳам китоб титмадим...
Энамда тугаб тоқат,
Пишириб келди овқат.*

Шоир шеърларида бола руҳияти содда, беғубор туйғулари, фикрлаш тарзига хос тарзда очилгани, улардаги жажжи қаҳрамонлар дунёни ўзларича англашга ҳаракат қилишгани, кўпинча кулгили вазият-ҳолатларга тушиб қолишлари билан эътиборни тортади.

Таъкидлаш ўринлики, наинки ўтган аср ўзбек болалар шеърляти, балки мустақиллик даври насри, драматургиясидаги шаклий-услубий изланиш ва жанрий ранг-баранглик, мавзу долзарблиги, мазмун кўламдорлигини шоир, адиб ва драматург А.Обиджон ижодий меросидан ажратиб, яхлит тасаввур қилиш мумкин эмас. Зотан, А.Обиджон давр руҳини теран англари, мавзунини ёритишда болалар ва ўсмирлар қалбига мос оҳанглари нозик илғари, ғоят қизиқарли услубда унга либоси мавзун кийдира оларди. Бу бежиз бўлмай, халқ оғзаки ижоди, бой ёзма адабиёти, илғор жаҳон адабиёти дурдоналарини яқиндан билиш, ҳаётни синчков кузатиш, ҳиссий идрок этганларини асрлар синовидан ўтган ифода йўсинларини ижодий ўзлаштирган ҳолда поэтик ифодага кўчириш орқали юзага чиқарди.

Зотан, Анвар Обиджон жаҳон болалар адабиётининг Д.Дефо, Ж.Свифт, А.Дюма, Ч.Диккенс, В.Гюго, Ж.Лондон, Г.Бичер-Стоу, Э.Войнич, А.С.Пушкин, И.А.Крилов, А.П.Чехов, М.Сервантес, Ф.Рабле, В.Скотт, ака-ука Гриммлар, Х.К.Андерсон, Майн Рид, М.Твен, Р.Стивенсон сингари ўнлаб вакиллари ижодини синчиклаб ўрганган, миллий асосда ижодий ўзлаштирган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам, адибболалар насрига янги образ ва деталларни олиб киришда миллий оҳанглари сақлаб қолишга муваффақ бўлиб келди.

Албатта, бу ҳол А.Обиджоннинг самимиятга йўғрилган тийнати, беғараз, камтарин ва камсуқум табиати, бағрикенглиги ва кенг дунёқарашидан кучли туртки олади. Бундай ижодий тамойилларни унинг “Даҳшатли Мешполвон”, “Мешполвоннинг жанглари”, “Аламазон ва унинг пиёдалари”, “Ялтироқ тугма” қиссалари, шунингдек, “Олтин юракли Автобола” асарларида ҳам кузатиш мумкин.[2] Зоҳиран қаралса ҳам, саналган асарлардаги Мешполвоннинг топқирлигию ботирлиги, оловқалб Аламазоннинг ғаройиб тутумлари, темиртан Автобола хатти-ҳаракатлари зинҳор оддий болаларга хос эмаслигини англаш қийин эмас. Адиб уларни биринчидан, шижоатли – тиниб-тинчимас, иккинчи томондан, эрк ва ҳақиқат, ҳақ-ҳуқуқ йўлида курашчувчи, жасур, болалар сифатида тасаввур қилибгина қолмай, шу эстетик қарашларини ёш китобхонга “юктириш”га ҳам муваффақ бўлади.

Ватаннинг жасур фарзандларига бағишланган “Аламазон” туркумида услублар синтезланиши ўзбек болалар адабиётида янги поэтик ҳодисаларни юзага чиқарди. Бу

киссаларнинг ёш авлодга манзур бўлишини таъминлади.. Бинобарин, “Аламазон ва унинг пиёдалари” қиссасида мавзу, ғоя, сюжет, композиция, образлар тизими, бадиий нутқ ҳам муҳим роль бажаради. Улар бири иккинчисини тўлдиради, изоҳлайди ва жонли руҳини қувватлантиради.

Ёзувчи асарни ёзиш асносида ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлди. Жумладан, “Аламазон” исми тоштақаликлар шеvasида “туркираб ёнаётган гулхан” маъносини англатади. Асар бош қаҳрамони ёшлигидан китобга алоҳида меҳр қўяди. Саводи чиққач, халқ дostonларидаги Равшанбек, Алпомиш каби қаҳрамонлар билан бир қаторда, жаҳон болалар адабиётининг: Чипполино, Буратино, Том Сойер, Геклберри Финниларни ҳам яхши билади. Аламазон бу китобларни шунчаки ўқиш билан чекланмай, улардан таъсирланиб, дўсти Эшмат билан хазина қидириб топиш, сўнгра уни нималарга сарфлаш ҳақида режа тузади. Энг аввало, яйлов этагида ўн минг кишилик стадион, кўп қаватли уй, мрамар деворли каттакон чойхона қуриш, кўчаларга асфальт ётқизиш, кўприкни янгилаш, умуман, қишлоқларида замонавий иншоотлар барпо этиш, ҳатто бутун умри бошланғич синфларга дарс бериш билан ўтган Аҳмадали отага атаб, терак бўйи ҳайкал ўрнатишни кўзлайди.

Демак, ёзувчи ўтган асрнинг 70-80- йиллари учун долзарб бўлган ижтимоий-маиший, маданий-маърифий муаммолар, қишлоқдаги реал ҳаёт манзараларини бадиий ифодага кўчирган. Қисса воқеаларихалқ эртакларга хос йўл, туш, сеҳрли тилсимлар билан боғлиқ анъанавий мотивлар ёрдамида тасвирланса ҳам, Аламазоннинг уйғоқ тафаккури ва бедор қалби ёрқин кўриниб туради. Бошқачароқ айтганда, адиб гоҳ илмий-фантастик, гоҳ реалистик бўёқларда бадиий талқин этган ҳикоялар заминидан реал ҳаёт ҳақиқати ётади. Аламазон тоғаси профессор Оғабек Туркониё олиб келган антиқа дори – уни татиб кўрганда киши худди эртаклардагидек мурод мақсадга етишига қизиқиб қолади. Ҳатто, бунини ўзи ва ўртоғи Эшматда синаб кўради. У Жек Лондоннинг “Уч қалб” китобидаги қаҳрамонлар, уларнинг ёрдан топган беҳисоб хазиналари ҳақида ҳаёл суриб юрганидан, ўзларининг Жандағорида ҳам “хазина бижғиб ётган”ига қаттиқ ишонади. Дори таъсирида ухлагач, тушида Зимистонсарой орқали Юлдузистонга келиб қолади. Яъни қиссада воқеликни ўзга маконга кўчириш усулига мурожаат қилинади.

Юлдузистонда Хумо Хартум, Қўтирлар сулоласи, Искиртлар мамлақати ва улар бошқарган тузум ҳамда одамлари билан танишишга муяссар бўлади. Тиртиқ, Шилтиқ, Қўтир Бешинчи, Малика Мاستон, Идрис Иброҳим, Барри Барака, Фискиддин Макру Мараз, Исом Итту Искартопар, Ҳошим Ҳезиддин Хум каби касб-кор ва феъл-атвор белгиларига кўра киноя-кесатик ва истехзоли қочиримлар билан номланувчи кишилар билан танишади. Жумладан, асарда қўтирлар сулоласи тугаши ва Искирт Биринчининг тахтга ўтириш маросими шундай баён қилинади:

“–Ҳе-хе, ҳе-е-е-ей! Эслилару нодонлар, хафалару шодонлар, гўнг ҳидлаган чўпонлар, гул ҳидлаган жувонлар, эшитмадим демангларо-о-ов!” Жарчининг сўзлаш оҳанги халқ оғзаки ижоди асарларига ўхшаса-да, кескин киноя-кесатикқа йўғрилгани билан ўзига хослик касб этади. Муаллиф шу ритмни сақлаган ҳолда, баённи давом қилдиради:

“–Искирт Биринчи падари олийлари мамлакат аҳолисига катта ғамхўрлик кўрсатиб, бугундан эътиборан уларни ювиниш ва чўмилишдек мушкулотдан бутунлай озод қиладилар... қасддан ювинаётган ёки чўмилаётган пайтда қўлга туширилган балиқпадарлар эса хавфли ғалаёнчи сифатида ачиган зиндонга ташланадилар.” Бола

табиати, фикрлаш тарзи ва нутқиға хос баёндан “катта ғамхўрлик” аслида элда поклик ва софликни тушовлашга хизмат қилиши осонгина англашилиб туради.

Адабиётшуносликда болалар адабиётининг специфик хусусиятлари хусусда гап кетаркан, кўпинчасюжет ва ғоянинг ёшлар ва ўспиринлар билан бир қаторда, катталарга ҳам дахлдор эканига эътибор қаратилади. Албатта, ёш улғайиб, фикр тиниқлашган сари тағмазмун теранроқ илғана боради. Масалан, якка шахс (Искирт Биринчи) истаги учун бутун мамлакат фуқароси ҳам искиртликка юз тутиши тагидаги ишоравий мазмунни илғаш учун замонларни киёслаш даражасида улғайиш ҳам талаб этилади. Шунингдек, ёш китобхон шоир Дуторийнинг алқовидаги оҳангга эътибор қаратади:

“–Ювилмаган бетингиз мунча чиройли, Моғор босган этингиз бунча чиройли, У ёнингиз кир эрур, бу ёнингиз кир...” қабилдаги саъжланиш уни мафтун қилади. Реал ҳаётда бундай ҳол кулгули эканини, Дуторий ҳукмдорни очиқ-ошкор калака қилаётганини фаҳмлайди. Аммо, улғайган сари тафаккури ҳам кенгайиб, адибнинг киноя ва мажозлариботинидаякин ўтмиш ҳаётимиз билан боғлиқ оғир дардтасвирланганини англаб етади. Дарҳақиқат, қиссадаги Юлдузистон, Аждаробод, Елкантоғ, Тандир, Жандағор, Иссиқғор, Қўчқорсой каби жой номлари Гулханийнинг “Зарбулмасал”идаги кабиўзига хос рамзий тамсиллардир.

Эътибор берилса, таҳлилга тортилаётган қиссанинг асосан, муаллиф ва қисман персонаж нутқи асосида шаклланганини кўрамиз. Чунки, А.Обиджон эпик турга мансуб асарларнинг баён тарзини яхши билади. Муаллиф нутқини ўзининг шеърый таланти, иқтидор ва салоҳияти билан зийнатлайди. Бу ҳол қиссадаги эпик тасвирнингглиризм билан уйғунлашувида намоён бўлади. Ёзувчи ўрта асрлар тарихи, собиқ мустабид тузум даври воқеаларини гоҳ халқ дostonлари оҳангида, гоҳ ҳажвга йўғириб, гоҳида болаларга хос тилда акс эттиради. Қизиғи шундаки, асарда келтирилган тарихий жой номлари ва одамларнингисмлари бирорта географик харита ёки тарихий-мемуарларда учрамайди. Аммо, ўша топилмалар китобхонни мушоҳадага ундайди.

Бу бежиз бўлмай, поэтик ифода ва образлар талқинидаги рамзийлик орқали воқеъ бўлади. Асар қаҳрамонлари каби ўқувчи ҳам қиссадаги қишлоқ ва мажозий макон тарихи, улуғ мутафаккирлар қолдирган маънавий меросдан одамлар баҳраманд бўлишини истайди. Дин ва шариат аҳкомларини ҳаминқадар биладиган чала муллалар, тарихий ўтмишни сохталаштирган искирт доҳийларнингнобоб бошқаруви туфайли нопокликка юз тутган мамлакат ҳамда уларнинг тегирмониға сув қуювчи демагог шоирларнинг умри тугаши, мамлакат истикболида нурли кунлар келишиға ишонади. Ёзувчи Хумо Хартум образи орқали бунга ишора қилади. У Аламазон уйқудан уйғонса ҳам, ғордаги одамларни Ёруғ дунёға бошлаб боришға ваъда беради:

“– Азизларим, менға ишонинг, мен барибир сизларни ёлғиз қолдирмайман. Сизларни, сиз билан бирға Юлдузистондаги ҳамма одамларни қоронғи ғордан етаклаб чиқаман...” , дейди у. Қиссанинг бундай оптимистик бадиий ечими адибнинг бадиий топилмаси бўлиб, асар ёзилган даврболалар адабиётида Эрк ва Озодлик мотивини ҳали бирор ижодкор бу қадар жонли ва табиий тасвир этишға муваффақ бўлмаган эди.

Дарҳақиқат, ёруғ дунёға чиқиш масаласи қиссанинг лейтмотивини ташкил қилади. Мустақил Ўзбекистон диёрида умргузаронлик қилаётган бизнинг авлод яқин ўтмиш тарихи билан боғлиқ фожиаларни бундай асарлардаги бадиий талқинлар орқали билар экан, эркинлик ва хурликни янада қадрлашға ўрганади. “Қора туйнук”нинг очилишини орзулаган ва истиклол йилларида ҳам кўплаб асарлари билан китобхонларни хушнуд этиб,

яқиндагина чин дунёга йўл олган А.Обиджон феноменига бўлган ҳурматэҳтироми янада юксалади. Зотан, адиб қиссада тасвирлаган Ёруғ дунё истиқлолга эришиш орзуси бўлиш баробарида, кенг жаҳонга юз тутиш маъноларини ҳам англатади. Бинобарин, “Аламазон ва унинг пиёдалари” қиссасидаги интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёш қаҳрамоннинг ватанпарварлик, юртпарварлик туйғулари мангу барҳаётдир. А.Обиджон халқни онага мамлакатни эса, йўргакланган гўдакка қиёслайди. Шу гўдакнинг камол топиши онанинг меҳри ва ардоғи билан бўлишини уқтиради. Азалий қадриятларини эъзозлаган халқнинг тарих саҳнасида собит қолишига ишонади. Англашиладики, қиссада ўтмиш ва келажак, тарих ва тақдирлар эрк ва озодлик мотивлари ўзаро туташади. Хумо Хартум, шоҳ Феруз, Мажиддин Равшаний, профессор Оғабек Турконий образлари талқинида эса, олис ва яқин тарихимиздаги ҳаёт билан бирга, келажакда қилинажак кашфиётлар ҳам мужассамлашади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анвар Обиджон. Аламазон ва Гулмат. Тошкент, “Маънавият”, 1998
2. Анвар Обиджон. Олтин юракли Автобола. Китобда: Ўқ ўтмас болакай. Т., “Шарқ”, 2005
3. Литературный энциклопедический словарь. – Москва, 1987.
4. Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари. Фафур Фулом номидаги НМИУ, – Тошкент 2006.

SAMANDAR VOHIDOV SHE'RLARINING BADIY-G'OYAVIY TAHLILI

Go`zal Zoyirova, tadqiqotchi

Samandar Vohidov Buxoro adabiy muhitining she'riy merosini har jihatdan boyitgan ijodkoridir. Xususan, u buyuk bobokalonimiz Hazrat Alisher Navoiy g'azallariga ko'rkam muxammaslar bitdi. Va o'zining “muxammaslar guldastasini” “Bu bog'da bahra boqiydur” nomi ostida muxlilariga tortiq etdi. Uning muxammaslari haqida filologiya fanlari doktori, professor Oxunjon Safarov kitob so'zboshisida atroflicha fikr bildirgan. Shoirning “... hazrat Navoiy g'azallariga bog'lagan taxmis-muxammaslarida asl manba tiliga xos poetik ifodaviylik unsurlarini imkon qadar saqlab qolishga intilib, forsiy va arabiy so'z va iboralardan voz kechmagan”ligini, ayrim hollarda “ulug' ustoz yaratgan mubolag'aga hamohang tamoman yangi, kutilmagan mubolag'a yaratib, baytdagi poetik fikrning jozibali ifodalanishiga erishgan” ligini alohida ta'kidlaydi.

Samandar Vohidovning tarjimonlik sohasida amalga oshirgan ijodiy ishlari ham e'tirofga loyiqdir. U Buxoro zaminida yashab ijod qilgan o'ttiz nafar mumtoz ijodkorlarning fors-tojik tilidagi she'riy namunalarini o'zbek tiliga tarjima qildi. Uning “Buxoriylar bo'stoni” kitobi ayni shu yo'nalishdagi ishlarini o'zida mujassam etgan. Bu kitobni Rudakiydan tortib Sadridin Ayniygacha bo'lgan buxorolik shoirlarning nafaqat ijodi, balki, muayyan davr ijtimoiy muhiti haqida ham ma'lumot bera oladigan qimmatli manba sifatida qayd etish mumkin. Shoirning dostonlari, o'nlab she'riy to'plamlaridagi badiiy topilmalari uning boshqalar eshita olmaydigan ohanglarni butun ruhiyati bilan his qila oladigan, tinglay oladigan ijodkor ekanligini ham ko'rsatdi. Uning she'riyatiga baho berish, munosabat bildirish shoir hayotligidayoq boshlangan edi. Buxoro she'rshunoslari o'z diyorining qalami o'tkir bu shoirining har bir satrini maroq bilan kuzatdi, o'qidi, mag'zini chaqishga tutindi. Mana shunday mas'uliyatli vazifani birinchilardan bo'lib, filologiya fanlari doktori, professor Rahim Vohidov amalga oshirgan. U


⁵⁹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз.1952, саҳифа – 47.

⁶⁰“Мўлоқот”, 1995, №1-2, саҳифа – 32.

⁶¹Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. 2013, саҳифа – 28.

шайхлар тилидан айтилган: “Ориф улдурки, сенинг сиррингдин сўз айтқай ва сен хомуш бўлғайсен”⁶² каби фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга моликдир.

Алишер Навоий ҳам орифни сир одами сифатида қуёш нури сувини тоширолмайдиган ёки зоҳиран ўзгариш сезилмайдиган азим дарёга қиёслайди:
Эрур орифқа ганжи файз етса,

Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.

Қуёш акси тушуб дарё ичинда,

Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ⁶³.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. Йигирма томлик. Ҷн еттинчи том. “ФАН”, Тошкент, 2001, 518-б.
2. Алишер Навоий. МАТ. 4-том. “ФАН”. Тошкент. 1989. 512-б.
3. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. Йигирма томлик. Еттинчи том. “Фан”. Тошкент, 1991, 390-б.
4. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф таълимотининг илдизлари. //”Мулоқот”, 1995, №1-2.
5. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар қуллийети. Нашрга тайёрловчилар Қораев Т., Бозоров А. “ЎЗБЕКИСТОН”. Тошкент, 2011, саҳифа – 224.
6. Абдулқарим Қушайрий. Қушайрий рисоласи. Ҳозирлаган: Сулаймон Улудағ. Даргаҳ Йайинлари. Аралик – 1991, саҳифа – 640.
7. Дилором Салоҳий. Тасаввуф ва бадиий ижод. “Наврўз”. Тошкент, 2018. 189-б.
8. Ибн Арабий. Маърифат китоби. Таржимонлар: Эржан Алқан, Усмон Сажид Арий. Ислом классиклари дизиси. Истанбул–2008, саҳифа – 289.
9. Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. ”Баёз”. Тошкент, 2013, саҳифа – 150б.
10. Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. Техрон, 1952., 135-б.
11. Муҳаммад Муъйин. Фарҳанги форсий. Жилди 2. Дол – қоф. Муасасаъ интишорат Амири Кабир. Техрон, ҳижрий-1382 , саҳифа – 2260.
12. Сайид Жаъфар Сажжодий. “Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф”. Техрон, ҳижр.1339, саҳифа – 448.

АЁЛ ТИМСОЛИНИНГ ШОИРОНА ТАСВИРИ

Тозагул Матёқубова, филология фанлари номзоди
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ доценти

XX аср ўзбек адабиёти тарихида академик Ғафур Ғуломнинг ўзига хос ўрни бор. Унинг шеърияти фалсафий мазмундорлиги, инсонпарварлик ғояларининг чуқур ифодаси, нозик туйғу-кечинмалар ифодаси бисёрлиги билан ажралиб туради.

Ғ.Ғуломнинг 1942 йил 12 июлда ёзилган “Хотин” (6. 84) номли 22 бандлик шеъри: *Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат*, сатрлари билан бошланади. Шоир “ҳаё” ни Шарқ, хусусан, ўзбек аёли ахлоқий меъёри ва хулқий гўзаллигининг асосий белгиси деб билади. Шунинг учун андиша ва ибони нафосат туйғуси билан уйғунлаштирган, маънавий юксак

⁶²Алишер Навоий. МАТ. 2001. Саҳифа – 154.

⁶³Алишер Навоий. МАТ. 1989, саҳифа – 512.

фазилатга эга аёлларни шарафлайди. Чунки гўзал инсоний сифат бўлмиш ҳаё кишининг маънавияти, маърифати, номуси ва кўнгил поклиги нишонаси саналади.

Бинобарин, Ғ.Ғулом турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашуви, урбанизация жараёнларининг кучайиши, модапарастлик сингари ижтимоий ҳодисалар ҳаёсизликка салбий таъсир кўрсатишини чуқур англаган. Ўзбек хотин-қизларининг фазилати: ўзини тутиши, муомаласидаги ҳаёлилик, хулқий гўзаллик ва назокат эканини алоҳида уқтиришни истаган. Шу миллат вакили эканидан ғурур ва ифтихор туйган. Аини пайтда, инсон эркинлигини ўзгалар олдидаги доимий масъулият, деб тушунгани боис хулқий хунуқликдан шоир қалби озорланган. Ахлоқийликка зид иллатлар: беҳаёлик, маънавиятсизлик, нопоклик, қалби қаттиқлик, виждонсизликни аёвсиз фош қилади.

Демак, Ғ.Ғулом ҳаёт мақсад-мазмуни, инсон кадр-қиммати ҳақидаги муаммоларни поэтик тадқиқ ва талқин этар экан, маънавият масаласини биринчи ўринга қўяди. Бизнингча, бу мутлақо бежиз эмас. Зотан, пок ақида, бағрикенглик ва биродарлик бобида биз доимо улуг аждодларимиз бўлган кайвони момоларимизнинг латиф фазилатларига эргашамиз, улардан шахсий ўрناق оламиз. Чунки, Шарқ тақводор аёллари азал-азалдан моддий дунё зийнатларидан ўзларини баланд тутиб, оила масъулиятини зиммаларига олишган, содда ва камтарона ҳаёт кечиришган. Кишиларни ҳидоятга даъват этиш ва одоб-ахлоқ тарбияси: хонадонни табаррук манзил деб билиш, маънавий-руҳий покланиш, иймону амал, лутф ҳамда марҳамат бобида кўпчиликка ўрناق бўлишган. Зотан, оила жамиятнинг ўзаги бўлиб, унинг муборак бўлиши жамият барқарорлигини кафолатлайди.

Ислом маърифатида ахлоқ-одоб ўргатиш мукамал таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган. Хусусан, қизларнинг ёшликданок болажон ва эрига меҳрибон бўлишига катта аҳамият қаратилган. Оила қуришда икки жинс бир-бири таъбига муносиб бўлиши ҳамиша эътиборда тутилган. Уйланиш бобида аёлнинг ақлу камолга етганлиги белгиси бўлмиш ушбу фазилатлар: насабда тенглиги, гўзаллиги, ҳалим табиати, хушмуомала, ғамхўр, меҳрибон дилдош, фидойи, мўмина, иймон-эътиқодли, саховатли, солиҳа экани обдон суриштирилган. Масалан, Абу Ҳомид Ғаззолий: яқин қариндош бўлмаган, порсо, хушфеъл, эътиқодли, маҳри енгил, туғишга лаёқатли, афифа (турмушга чикмаган, ёш ва бокира) соҳиб насаб аёл билан шунга лойиқ ва сазовор куёв қовушишини ёқлайди (1. 258).

Бадий адабиётни ижтимоий ҳаёт ифодачиси ва инсонпарварлик ғоялари тарғиботчиси, деб билган Ғ.Ғулом:

Онамсан,

ёримсан,

синглимсан фақат,

Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

деб ёзганида тўла ҳақлидир. Чиндан ҳам аёл – меҳрибон она, севимли ёр, кадрдон сингил ва азиз дўст:

Онам деганимда, оқсоч, жафокаш,

Мунис ва меҳрибон чехранг намоён.

Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,

Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.

Шоир орадан йиллар ўтиб хотирасида муҳрланиб қолган меҳрибон чехрани алоҳида эҳтиром билан хотирлаши бежиз эмас. Бу онаизорнинг яқинлари, кенг маънода эса, инсон

зотига бўлган самимий муҳаббати, сидқидилдан кўрсатган ғамхўрлигию меҳр-шафқатига нисбатан эъзоз-эҳтиром нишонаси.

Зотан, аёл сочларидаги оқлик унинг ўз оиласи, фарзандлари ва юрти учун азиз умрини фидо этишни беқиёс бахт деб билгани белгисидир. У ана шу мақсад йўлида сочи супурги, қўли касов бўлишидан инжишни билмаган ва аксинча шу юмушдан хорижда ҳаётининг маъносини ҳис этолмаган. Камтарин, камсукум умр йўлларида учраган барча машаққатларга сабр-қаноат, эртанги кунга умид билан бардош берган. Бинобарин, оппоқ сочларнинг ҳар толаси сабрли, чидамли ва ғурурли инсон узун умрининг жонли гувоҳидир. Юқорида таъкидланганидай, аёл она бўлиш баробарида, инсон умрининг муайян фаслида севимли ёр мақомини олади. Парирўй санам сочларига мафтун ва гўзал қомастига шайдо бўлиб қолган ошиқ ишқ дардига гирифтор. Ошиғу шайдоликнинг ҳадди аълосига етиши мубталоликдир. Бу кишининг висол соғинчи билан мажнунвор ёнган беқарорлик ҳолати. Ўшандай дардга чалинган кезларда шоиртабиат кимса одатда, ғазал мулкидан нажот топади.

Улғайдим, “Ёр, сенга мубтало бўлдим...”

Кучини кўрсатди шунда ғазаллар.

Инсон умр йўлларида оғишмай илгариларкан, синовларда тобланган дўстлик муҳаббатга, муҳаббат висолга ўз ўрнини бўшатади. Ҳаш-паш дегунча ойу йиллар ўтиб, ошиқ йигит ота, маъшуқа эса она мақомини олади. Кейин эса, бир этак фарзандлар дунёга келади:

Бадавлат чўнтақдан сўм санагандай,

Чуғурчик: қиз, ўғил туғдинг, тасанно...

Шоир тўғри кузатганидай, одатда ўзбекнинг оила бошлиғи давлатмандликни серфарзандлик билан, бели бақувватликни эса болалар сони билан белгилайди. Шундай экан, ҳаёт шами бўлмиш бир гала болалар ғовур-ғувуридан кўзи қувонган кезларда, у ўзини беҳад бахтиёр сезиши, югурик умр мўъжизаси олдида ҳайрат туйиши ҳам табиий.

Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин,

Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош

Ва булар ҳаётда, меҳнатда бутун,

Дубби Акбар каби бўлдилар йўлдош

Ғ.Ғулом аёлнинг она, ёр, сингил, қиз сингари иерархик даражаларини ҳаёт ҳамда меҳнат жабҳасидаги ўзаро ҳамжиҳатлиги билан кузатади. Бу орқали умрнинг югурик ва тақдирларнинг алмашувчан характерини кўрсатади. Шоир мазкур яқинликни “Дубби Акбар” – кишилар юз минг йиллар илгари Осмон шимолий ярим шарида ажратиб кузатишган Олам кутбига яқин жойлашган Катта Айиқ (*Катта етти оғайни, Катта етти қароқчи, Чўмич*) ёруғ юлдузлар туркумига қиёслайди.

Нозик дидли аёллар оила саранжом-саришталиги кафолати экани: Ғ.Ғулом тилидан: *Супурги тегмаган хонумон хароб*, тарзида афоризм даражасида гўзал ва таъсирчан ифодасини топади. Умумлашма характердаги бу ибратли фикрнинг ихчам шаклда ифодаланишида ижодкор ҳаётий тажрибаси катта роль ўйнаган.

Шоир ўз фикрини қиёсий чоғиштиришлар орқали ифодалайди. Бундай ўринларда у баъзан ҳодисаларни кескин қаршилантириш йўлини танлаб, услубий гўзалликни таъминлашга эришади. Шоир таъкидлаш асносида фикр-туйғуни эмоционал тўйинириб, аниқлик ва равшанликни таъминлайди:

Муҳаббат сурмасин қўшни қизига

Олиб беролмасдан умрида бир бор,
Юзинг ҳасратида ҳатто кўзига
Ўргумчак ин қўйган йигитлар ҳам бор.

Шоир аёллар қошу киприкларини бўйядиган жўн пардоз бўёғи ҳақида эмас, балки муҳаббатдан бебаҳра, қиз қалбини тушунишга ноқобил кимсалар хусусида сўзламоқда. Ғ.Ғулом биринчидан, бундайлар ҳасрат дафтариини тўлдирган қайғу-ғам, азоб-уқубат ҳақидаги ёлгон зору нолаларга ишонмайди. “Кўзига ўргумчак ин қўйган” йигитлар ибораси эса кескин кесатиқ ва истехзо ташийди. Чунки, бўғин оёкли ҳашоратга нисбат берилган “йигит” кўзидаги тўр аёл латофати, назокати, ҳаё ва ибоси учун тўсиқдир. Бундайлар аёлга шаҳвоний нафс назари билан боқишади. Иккинчидан, айни шеърда Ғ.Ғулом кўпроқ тинч-тоғув оилаларни бир-биридан айирган ва уларнинг аҳли аёлига човут солаётган бешафқат фашист босқинчиларини назарда тутган. Демак, бадий тил воситасида кураш машаққатлари, давр кишилари қалбидаги дард-изтироблар хусусида ўз замондошларию келажак наслларга хабар беради.

Умуман эса, шоир учун оила муқаддас ячейка. У зинҳор нафс-ҳаво хоҳиши учун вужудга келмаслиги ва аёл зотида даҳл қилинмаслиги керак. Оташин севги-муҳаббат туйғусига ошуфта дили, ёр йўлига интизор юрак туғёнларини эътироф этган лирик қаҳрамон учун икки дил бир-бирига талпинмаган лаҳзаларда борлиқ рангсиз ва оҳангсиз туюлади.

Севинч йўқ, қайғу йўқ, кўклам йўқ, ҳазон,
Худди мақолларда айтилганидек,
Сенсиз келажак йўқ, бемаъни жаҳон,
Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ - эшак.

Кўринадики, шоир халқ оғзаки ижодида мавжуд: *Дарди йўқ - кесак, ишқи йўқ – эшак*, мақолига мурожаат қилган. Бу билан шеърда қисқалик, лўндалик, образлилик ва мантикий тугал маъно ифодасига эришган. Ҳаёт синовидан ўтган чуқур мазмунли юқоридаги иборанинг ритмик шакли кескин ўзгаришга учрамаган. Биз антитезага асосланган, мажозий мазмун ташувчи, севги- муҳаббат мавзусидаги шу қофияли мақол орқали шоирнинг жамиятга муносабати, маънавий- руҳий ҳолати, шеър ёзилаётган лаҳзадаги этик ва эстетик туйғуларини англашимиз мумкин. Демак, Ғ.Ғулом ижтимоий-ахлоқий фикр ифодасида поэтик шакл соддалиги ва ихчамликни ёқлаган.

Ғ.Ғулом учун жисмоний ўлим, руҳий мангуликка даҳлдор. Зотан, бу кураш инсоният тинч ва фаровон яшаши йўлидаги муқаддас саваш. Башарият ҳалокатдан омон қоларкан, инсоният насли ва унинг давомчиси аёл зоти ҳам абадиятга даҳлдордир. Бундан ўзини улкан қониқиш ва ифтихор туйишга ҳақли санаган лирик қаҳрамон ёрига мурожаат этиб дейди:

Ростин айт, бу жангда мен ўлар бўлсам,
Бағри доғ лоладек дилинг ачишар,
Модомики, яшар ҳақиқий башар,
Наслимнинг ҳомийси сен борсан - не ғам.

Кўринадики, шеърнинг қамров доираси бениҳоя кенг. У бугунги авлод ва келажак насллар тақдири, башариятнинг эртаси ҳақидаги фикр-ўйларга туташади. “Хотин” шеърдаги: *Саодат гарови ҳар қандай юмуш*, деган мисра асарда иккинчи жаҳон уруши йилларида отаси, ўғли, акаси ва ёрини фронтга жўнатган ўзбек хотин-қизлари юрагидаги

андак ташвишу ғашликни ҳайдаш, ғалабага ишонч руҳини қувватлантириб, ижтимоий фаолликка даъват этиш пафоси устуворлигини кўрсатади.

Ғ.Ғулом уйда бекорчиликдан зериккан, истиғноли ва талтайган аёлни эмас, балки: *Вафо хунаридир, меҳнат одати*, бўлмиш ижтимоий залворни ўз зиммасига олиш орқали “иблис” мағлубиятини тезлаштиришга улуш қўшувчи серҳаракат аёлни улуғлайди. Шоирнинг *Хонзода қизидай ўлтирма бекор*, сингари таъкидларида эса, бирқадар синфийлик кўланкаси ҳам кузатилади. Аммо шоир “Душман янчилди, деб хабар бўлган чоғ Истиғно базмига менинг ишим йўқ”, - дейиш орқали нозу истиғно ва карашма аёл зийнати эканини буткул инкор этмаслигини намоён этади.

Демак, Ғ.Ғулом ўша ғурбатли кунлар ва фронт ортининг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, аини вазият талаби бўйича фикрлаган кездагина хотин-қизларни меҳнатдаги фидокорлиги жиҳатидан ардоқлайди. Ўғиллар кураш майдонида қон кечаётган бир пайтда, паришон хаёл ва сусткаш бўлиш мумкин эмаслиги масаласида у тўла ҳақ эди. Зотан, оғир кунларда эрларга ҳамдам, ватан ташвишларига камарбаста бўлиш ҳам ўзбек аёлининг энг гўзал фазилятлари сирасига киради.

Дарҳақиқат, кўҳна башар масала “*бўйига гул ўлчаб*” ўстирилган ўғил тақдирига туташганида, миллатимиз аёлларининг “*меҳнат қўёши-ла тунни ёритиши*” га доир кўплаб гувоҳликлар беришга қодир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий Кимёи саодат Рух ҳақиқати Тошкент., Адолат, 2005
2. Мамажонов С.Услуб жилolari. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
3. Матёкубова Т. Ғафур Ғулом бадиияти. – Т.: Фан ва технология, 2006
4. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2004
5. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1983
6. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1984
7. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1984
8. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.11. – Тошкент: Фан, 1989
9. Ғафур Ғулом . Мукамал асарлар тўплами. 12-томлик. Т.12. – Тошкент: Фан, 1990
10. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

“HAYRAT UL ABROR”NING SO‘Z TA‘RIFI BOBIDA SHOIR MAHORATI

Murodova Gulchehra, BuxDU 1-kurs magistranti

Navoiy Sharq mumtoz adabiyoti an’analariga amal qilgan holda o’zining “Xamsa” asarini maxsus kirish boblar bilan boshlagan. Jumladan, “Hayrat ul abror”ning o’n to’rtinchi bobi so‘z ta’rif-tavsifiga bag’ishlangan. Ushbu bobning nasriy sarlavhasidayoq shoir so‘zning inson vujudini yorituvchi yorug` yulduz ekanini, inson tanasi bir ma’dan bo’lsa, so‘z o’sha ma’danning qimmatbaho javohiri ekanini ta’kidlaydi.

Ya’nikim odamzod vujudi osmonining jahonni yoritar yulduzlari va inson zotiga xos bo’lgan konning behisob javharlari bo’lgan so‘z ta’rifida va yaxshi insonlarning bir-biri bilan yaqinlashuviga ularning yaxshi so‘zlari sabab bo’lishini, fazilatli odamlarning o‘zaro ulfatliklariga ham so‘zlarining yoqimli ekani vosita bo’lishini aytadi. Shundan so‘ng, Alisher Navoiy insonga Yaratuvchi tomonidan berilgan so‘z ne’matini ta’riflashga o’tadi. So‘zni

gavharga qiyoslaydi, soʻng bu fikridan qaytib, gavhar hatto soʻz uchun sadaf – idish boʻlishga ham yaramaydi, hattoki, toʻrt sadaf ichidagi gavharga quti ham shu soʻz, yetti qavat osmon yulduzlarining burjlari ham shu deb soʻz sharafining naqadar yuksak va balandligini aytadi:

Soʻz guhariga erur oncha sharaf,

Kim boʻla olmas anga gavhar sadaf.

Toʻrt sadaf gavharining durji ul

*Yetti falak axtariningburji ul.*⁶⁴

Va keyingi misrada ijodkor bu oddiy shabada emas, gullar sochuvchi shabada boʻlib, u naʼmatak va undan toʻkilgan gul yaprogʻiga oʻxshab ketishini aytadi. Shu ikki narsani donishmand odam bir-biriga yopishtirsa, “kofu nun” hosil boʻladi. Yaʼnikim arab tilidagi “kof” va “nun” harflarini qoʻshish orqali “Kun” yaral soʻzi hosil boʻlganiga ishora qiladi.

Qaysi nasim ulki erur gulfishon,

Bargi gulu nastaran andin nishon.

Bu ikki yafrogʻni qachon zufunun,

Bir- biriga qaysa boʻlur “kofu nun”.(56-b.)

Quyidagi baytlarda shoir tilni bir poʻlat xanjarga oʻxshatsa, soʻzni unga qadalgan injularga mengzaydi. Til shu chamanning ochilgan lolasi boʻlsa, soʻz durlari unga qoʻngan shabnamlardir deya fikrini davom ettiradi. Alisher Navoiy dunyoda muqaddas hisoblangan kalomni tasvirlashda goʻzal oʻxshatish va qiyoslardan foydalanganiki, bunday ohoriy oʻxshatishlar badiiy adabiyot durdonasida kamdan kam uchraydi.

Gar xud erur xanjari poʻlod til

Sufti dogʻi injulari soʻzni bil.

Til bu chamanning varaqi lolasi,

Soʻz duraridin boʻlubon jolasi.(56-b.)

Badiiy adabiyotda keng qoʻllaniladigan obrazlardan biri Iso Masih boʻlib, u adabiyotda oʻlgan kishiga jon baxsh etuvchi sifatida maʼlum. Navoiy ham ushbu anʼanaviy timsoldan foydalanib, soʻz oʻlgan odamning tanasiga pok ruh bagʻishlaydi, soʻzdan tandagi ruh halok boʻlishi mumkinligini aytadi. Yaxshi soʻz bilan oʻlganni tiriltira olgani uchun ham Iso paygʻambar oʻzini “Jonbaxsh” degan laqab bilan ataganini fikrining isboti sifatida keltiradi. Bu misrada ijodkor talmeh sanʼatining gʻazal namunasidan mohirona foydalanganini ham kuzatishimiz mumkin.

Soʻzdin oʻlukning tanida ruhi pok,

Ruh dogʻi tan aro soʻzdin halok.

Tirguzub oʻlganni kalomi fasih,

Oʻziga “jonbaxsh” laqab deb Masih.(57-b.)

Shoir nasr va nazm haqida fikr yuritar ekan, fikrini asoslash uchun quyidagi parchani keltiradi: Shohmot taxtasiga donalarni toʻkkan odam bir necha yogʻoch parchalarini uyadi. Birov ikki tomonga u donalarni ikki qatordan qilib tersa, u chiroyli koʻrinadi. Shohmotning ikki tomonidagi ikki qator xuddi ikki misra sheʼrga, toʻrt qator esa sheʼrning ikki matlasiga oʻxshab ketishini aytadi.

Arsada shatranjni ulkim toʻkar,

⁶⁴Алишер Навоий. МАТ.20 томлик. 7 том. Тошкент: Фан, 1991. 55 б.

Quyida tahlilga tortilgan baytlarning betlari misra oʻzida koʻrsatiladi.

Necha yig`och porasidurkim o`kar,
Chunki birov o`lturubon har taraf,
Tersa bisot ichra ani ikki saf.
Har yon iki saf iki misra kibi,
To`rt saf o`lsa, iki matla` kibi.(60-b.)

Ijodkor nasr va nazm haqida so`z yuritar ekan, gulshanda gullarning saf tortib ochilib turishini nazmga, ularning yerda sochilib, to`kilib yotishini esa nasrga qiyoslaydi. Nazm bu qadar yuksak e`zozlanmasa, Tangri so`zida she`r bo`lmas edi deya o`z fikrini quyidagi misra bilan dalillaydi:

Nazm anga gulshanda ochilmog`lig`i
Nasr qaro yerga sochilmog`lig`i.
Bo`lmasa e`joz maqomida nazm,
Bo`lmas edi tengri kalomida nazm.(61-b.)

Alisher Navoiy so`z xususida yuqorida o`zi aytib o`tgan fikrlariga butun umri, butun ijodi davomida rioya qildi. U o`zi bitgan har bir misra, o`zi tuzgan har bir jumlagaga alohida mas`uliyat bilan qaradi. Odatda she`rda ham musiqadagi kabi boshlanishi, asta-sekin ko`tarilib avjga chiqishi va ohista-ohista pastlashib tugashi bo`ladi. Bu xususiyat deyarli barcha shoirlarning she`rlariga xos. Lekin, Hazrat Navoiy o`z she`rlarini birdan avj nuqtadan boshlab, avjda davom ettiradi va avjda tugatadi. Alisher Navoiyning so`z xususidagi fikrlaridan quyidagicha umumiy xulosalar chiqarish mumkin: So`z insonga ato etilgan eng buyuk ne`mat, u tufayli inson hayvondan afzal bo`ldi. Boshqa ne`matlar kabi so`zning ham isrofi bor. Uni isrof qilishdan saqlanish lozim. So`z vositasida insonning fazilati, ma`naviy darajasi namoyon bo`ladi. Nazmga solingan so`zning, ya`ni she`rning martabasi nasriy so`zdan balanddir. Agar nazmning surati – shakli bilan mazmuni bir-biriga mos ravishda go`zal bo`lsa, u yetuk badiiy so`z darajasiga ko`tariladi. Navoiyning barcha she`rlarida mana shu muvozanat saqlangan. “Hayrat ul abror”ning so`z ta`rifiga bag`ishlangan bobda shoir boshqa ijodkorlar uslubida uchramaydigan ohoriy o`xshatishlardan foydalanib, so`z ta`sirchanligiga erishgan.

Adabiyotlar ro`yxati:

1. Алишер Навоий. МАТ.20 томлик. 7 том. Тошкент: Фан, 1991.
2. Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар / Нашрга тайёрловчи, талқин ва шархлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006.

ОБРАЗЫ ЖЕНЩИН В ПРОЗЕ ЗУЛЬФИИ КУРАЛБОЙ КИЗИ

Муртазаева Ф. Р., научный соискатель
кафедры русского языка и литературы БухГУ

От сотворения мира женщина была и есть главным вдохновением для художников, поэтов, певцов и музыкантов. Не будь женщины, человечество лишилось бы многих прекрасных шедевров мирового искусства. Женщина олицетворяет собой мечту и грусть, надежду и безграничную печаль.

Так, не мало важную роль в жизни нашего общества, играет женщина. В целях оказания достойного уважения женщинам нашей страны, повышения их роли и статуса в обществе, воспитания здорового и гармонично развитого поколения, достойного стимулирования девушек, назначается Государственная премии имени Зульфии. Благодаря, такому вниманию загорелось яркое имя в истории современной узбекской

женской прозы, одной из которых является талантливая писательница Зульфия Куралбой кизи

Тематика рассказов Зульфии Куралбой кизи разнообразна, а герои ее рассказов так знакомы, так близки, словно это наши знакомые люди. Почти все ее герои - простые, неполноценные, порой неудачные женщины, измотанные жизненным стрессом и изнуренные трудным путем судьбы.[2, с.130]

Также следует подчеркнуть, что рассказы автора не дублируются, каждая из ее историй удивительна и необычна, которыми невольно увлекается читатель, а женский персонаж изображен с индивидуальным подходом и высокой уникальностью.

Творческий метод писательницы состоит в том, что описывая мир внешний, она открывает читателям мир внутренний, за внешними проявлениями, легко читаются эмоциональные переживания. Этот новаторский приём отметил известный узбекский писатель, литературовед Хуршид Дустмухаммад: «Созданный новый принцип изображения в узбекской прозе, который вызывает много споров и дискуссий среди литераторов и читателей, принадлежит творчеству Зульфии Куралбой кизи. В ее произведениях наиболее ярко отражены все критерии раскрытия внутреннего мира персонажа». [3, с.27]

Обратимся к женскому образу автора из рассказа «Боль» («Изтироб») Фазилят совсем не думает о себе, уже после первых родов она заболела, но не стала сознаваться мужу. Она так мечтала его порадовать, родить ему сына-наследника, что произвела на свет семь подряд девочек, каждый раз рискуя здоровьем, пока это не привело к тому, что она стала инвалидом. Она сама толкает его в объятия другой женщины, так как уже не может быть настоящей женщиной для своего мужа. Она приносила себя в жертву мужу, но так она не смогла быть хорошей матерью своим девочкам, а тем самым заслужить любовь и уважение мужа. Ради желаний мужчины, она предала самое главное, что есть в жизни, она предала более важные вещи – само понятие о жизни и смерти, поставила себя под угрозу смерти, а своих дочерей под угрозу, что мать не сможет их вырастить.

Образ Гузаль из рассказа «Солнце на моей стороне» сталкивается с изменой мужа, но когда пытается его вернуть, его новая жена начинает угрожать самому дорогому, что у неё есть – её детям. Гузаль не пренебрегала детьми, но то, что она старалась прежде всего вернуть мужа, а не детей, поставило её в зависимое положение, когда новая жена Тохира получила возможность шантажировать Гузаль: либо та отстанет от Тохира, либо её детям будет плохо. Гузаль попадает в неврологическую больницу, теперь ей будет сложно вернуть своих детей назад. Но она начинает осознавать те самые глобальные вопросы жизни и смерти., Гузаль поднимает голову в небо: «Лучи сверкающего прямо над её головой солнца слепили глаза. Несмотря на то, что острые как клинок и тёплые солнечные лучи обжигали лицо и вонзались, подобно иголкам, в глаза, она широко открытыми глазами... смотрела прямо на него. «Вчера тоже было здесь. Наверное, ждёт меня...». Гузаль слегка улыбнулась. Гузаль каждый день выходила во двор, ходила до изнеможения, всякий раз смотрела в небо и невольно улыбалась. «Солнце всегда сияет надо мной. Оно моё, ведь оно на моей стороне!» [4, 68].

В рассказе «Любовь и ненависть». Дилдора является сельской девушкой, которая поехала поступать в город. Она поступила в институт, закончила институт, осталась в городе, не вернулась к семье. Мы видим девушку, которая выступает против традиций, у неё есть сила характера. Но эта сила, которую она обратит против себя самой. Дилдора

вовсе не является персонажем, который стремится к разрушению с первых же страниц. Мы можем наблюдать, как девушка проходит путь к «современной женщине», а затем и к архетипу «мстительница». Дилдора готова уничтожить тех, кто её обидел, но при этом собственного счастья она не достигает.

Её образ близок к романтическим героиням начала девятнадцатого века, для которых принципы и серьёзное отношение к любви являются более весомыми, чем любые материальные соображения или поиск выгоды. Она начинает жить с Абдуллой, у которого есть жена. И когда Дилдора предпринимает активные действия, хочет стать женой Абдуллы, тот предаёт её и выгоняет из дома, куда она пришла. Вместо того, чтобы осознать собственную неправоту, найти любовь для себя, собственную, Дилдора продолжает копить обиду. Когда в неё влюбляется Пулат, она подговаривает его сказать, что Абдулла был соучастником его кражи. Она рушит жизнь Абдуллы, но не получает собственного счастья. Автор показывает, что злость, которую женщины копят в душах, разрушает их самих, их собственные жизни. Это не означает, что писательницы выступают против женщин активных, но они предупреждают, что если перестать думать о других людях, судьба отомстит и отнимет счастье. Тот, кто предаёт, будет предан сам.

От произведения к произведению можно увидеть у писательницы разнообразие женских характеров, демонстрируя, что существует немало жизненных ситуаций, где невозможно поставить однозначно плюс или минус. Психологическая точность в отображении персонажей, способствует тому, что женщины-читательницы становятся способными заглянуть в душу каждому, понять, что творится там, какие мотивы управляют чужими поступками, а потому могут стать добрее по отношению к окружающим. Писательницы не останавливаются на демонстрации исключительно положительных женских качеств. В лучших традициях классической литературы, они отображают две стороны женской сущности – и добропорядочных женщин, и грешных. Но и те, и вторые заслуживают сочувствия, так как в первом случае добропорядочные женщины сталкиваются с жестокостью мира, а грешницы страдают и уничтожают собственное счастье из-за собственной слепоты.

И важны не сами муки совести женщины, которая совершила неблагоприятный поступок, а осознание того, что эти поступки не только не принесли результата, но, напротив, оторвали женщину от того, что ей действительно хотелось. Но подобное осознание приходит слишком поздно.

Художественную особенность прозы Зульфийи Куролбой кизи – если в одних рассказах женские образы находятся в оппозиции к мужчинам, они мстительны («Боль», «Ревность», «Любовь и ненависть» и другие), то в другом, женщина хочет выглядеть красивой любимому человеку даже перед смертью («Женщина»). [1]

Таким образом, писательница не даёт моральных оценок происходящему, оставив эту работу читателю, она достигает тем самым высокой концентрации вовлечённости самого читателя в текст. Ярким маркером стиля женской прозы Зульфийи Куролбой кизи является погружение читателя в трагическую историю путём детального описания ситуации без объяснения причин возникших проблем»

Список литературы:

- 1.Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий кўшиқ: ҳикоялар. Т.: Ўзбекистон, 2011,
2. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т.: Янги аср авлоди. 2006. 130-131 бетлар

3. Хуршид Дустмухаммад. Хавас ва Ишонч. Сборник рассказов « Ёвузлик Фариштаси» Тошкент . 2005 . 27с.

4.Камилова С.Э. Жанровые традиции в современном узбекском рассказе.

БОЛАЛАР ПУБЛИЦИСТИКАСИ РИВОЖИ ҲАҚИДА

Ҳамида Нусратова, ф.ф.ф.доктори

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти,

Болалар публицистикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири ижтимоий ҳаётдаги долзарб муаммоларни болаларнинг дунёқарашига мос тарзда етказиб беришдир. Шунинг учун болалар публицисти бўлиш осон иш эмас. Унинг икки муҳим қирраси бор: биринчидан, болаларда ижтимоий фикр уйғота олиш, иккинчидан, шу масалани болаларбоп тарзда уларга етказа билиш. Ўзбек болалар адабиётида ана шундай мураккаб вазифани маромига етказиб уддалаган болалар публицистлари орасида Сафар Барноевнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Унинг публицистик асарларида ўзигагина хос содалик, куюнчаклик, болаларбоп қилиб ёзиш фазилати яққол кўзга ташланиб туради. “Сафарнинг шеърий ва насрий асарларидаги ўйноқилик, жонлилик, қалб тўлқини унинг публицистик чиқишларида ҳам кўзга ташланади... Шу ўринда Сафарнинг болалар адабиётимизда энг оқсоқ жанр ҳисобланган публицистикани жонлантиришга қўшаётган хиссасига тан бериб ўтгим келади”⁶⁵, - деб ёзган эди болалар адиби Ҳаким Назир. Чиндан ҳам, адибнинг публицистик йўналишдаги ижоди, айниқса, мустақиллик йилларида ривож топиб, юқори босқичга кўтарилди. “У истиқлол туфайли мамлакатимизда болаликка муносабат тубдан қайта қурилатганлигига теранроқ разм сола бошлади. Бу ҳол унинг ижодида болалик муаммоларидан баҳс этувчи публицистика фаоллашувига йўл очди. Натижада унинг давр руҳиятига суғорилган қатор долзарб публицистик мақола ва очерклари юзага келдики, булар XX асрнинг сўнгги чорагидаги ўзбек болалар публицистикаси қиёфасини белгилашда аҳамият касб этади”⁶⁶. “Яйлов кезганлар” (1999), “Болаларсиз бу дунё – ғариб”, “Болалик нимадан бошланади”, “Боланинг бошини силанг”, “Қанотланинг, укалар”, “Алдагани бола яхшими”, “Қиблагоҳ”, “Мустақиллик мадҳияси” сингари ўнлаб асарларида уни ҳозиржавоб, қалби қайноқ публицист сифатида кўриш мумкин.

С.Барноевнинг публицистик асарлари шу даражада кўп ва ранг-барангки, уларни батафсил тадқиқ этиш келгусидаги алоҳида илмий вазифалардан ҳисобланади. Бинобарин, адиб публицистик асарларини характери ва жанрига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Публицистик мақолалар: Бу силсилада “Довонлардан ошаётган юрт”, “Болалик нимадан бошланади”, “Буюклари уйғонган диёр”, “Ватаннинг кўз қароғларисиз”, “Ишонч дарахтининг гуллари” каби қирқдан ортиқ мақолалари мавжуд.

2. Публицистик ҳикоялар: Бу силсилада “Хотира тириклик чашмаси”, “Яшаш мактаби”, “Қиблагоҳлар”, “Қанотланинг, укалар”, “ Регистонда ёнган олов” ва бошқа

⁶⁵ Назир Ҳаким. Савобли ижод // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998, 1 май.

⁶⁶ Болажонлик саодати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б.31-32

қатор асарларни эслатиш мумкин. “Уруш болалари”, “Ўтмиш ҳақида ҳикоялар”, “Умрлар жанги” сингари публицистик ҳикоялар алоҳида туркумни ташкил этади.

3. Очерклар: “Бағри бутун олим”, “Академик ўқиган мактаб” ва бошқалар.

4. Публицистик эссе ёки бадиҳалар: “Менинг ошнам Тойлоқов”, “Боболар юрти”, “Болаликнинг армонлари”, “Болалик суврати” ва бошқалар.

Ёзувчининг публицистик йўналишга мансуб яна бир қанча асарлари борки, уларнинг кўпчилиги ўрганилмаган.

“Эркин композиция, биринчи навбатда, ассоциатив тафаккур усулини тақозо қилади. Ҳаётни бадиий публицистик акс эттиришда кенг, чуқур ва бой имкониятларга эга бўлган ассоциатив усулнинг ранг-баранг кўринишларидан ҳар бир ёзувчи эркин фойдалана олади. Бироқ ассоциатив композиция шакли ҳар бир ёзувчи публицистикасида унинг индивидуал ижодий услубига мувофиқ ўзига хос йўсинда намоён бўлади. Масалан, баъзи адиблар публицистикасида **лирик-романтик** ассоциатив композиция шакли кўпроқ қўлланса, иккинчи бир адиб ижодида **тарихий ёки адабий ассоциатив** хусусият муҳим ўрин тутаяди. Бошқа бир ёзувчи эса, **ҳаётий-маиший фактлар ассоциациясига** кўпроқ эътибор қилади”⁶⁷.

С.Барноев публицистикасида иккинчи – тарихий ёки адабий ассоциатив хусусият бош йўналишни ташкил этади. Тилга олинган ҳар иккала асарда ҳам хотираларни келтириш, тарихга саёҳат (экскурс) қилиш йўлидан борилади. “Йўлда қолган кўшиқлар” асарида муаллиф хотиралари ичида кичик воқеалар баёнини бериш ва бу орқали илгари суриляётган ижтимоий фикр-мулоҳазаларнинг ўқувчилар онгига тезроқ етиб бориши кўзда тутилади.

Публицистик асарларда муаллиф иштироки икки хилда бўлади: биринчисидан – муаллиф воқеаларга бевосита аралашиб кетади, иккинчисидан – ташқаридан туриб билвосита муносабат билдирилади. С.Барноевнинг публицистик асарларида кўпинча иккинчи ҳолат кўзга ташланади. Бундан ташқари, айниқса, ҳикояга яқин асарларида, лавҳаларида бошқа персонажлар ҳам қатнашади. “Йўлда қолган кўшиқлар” асарида шўро даврида мевазорлар, тутзорларнинг кесиб ташланишини эсларкан, Тошев каби салла деса каллани олиб келадиган, Ҳамро ака сингари виждонли, юртпарвар инсонларнинг аниқ қиёфаси бир-икки детални келтириш орқали ёрқин чизилади.

С.Барноевнинг бу йўналишдаги асарларига хос яна бир хусусият шуки, уларда публицистик образлилик эҳтиросли эмоционаллик билан қўшилиб кетади. Яъни тасвирланаётган воқеага ёки бирор ижтимоий муаммога эҳтиросли самимий муносабат унинг публицистикасига лирик руҳ бағишлайди. Шунинг учун унинг публицистик лавҳалари, ўйлари лирик фалсафий пафос билан суғорилгандир.

С.Барноев публицистикасига хос яна бир муҳим фазилат – миллий руҳга бойлигида кўринади. Публицист асарларини ўқиб, биринчидан, болалар ўз ўтмишларидан бохабар бўлишади. Иккинчидан, бой далиллар орқали уларнинг онгида миллий бойликларимизга нисбатан ғурур, ифтихор ҳислари уйғотилади. “Йўлда қолган кўшиқлар”да адиб миллат ифтихор билан эслайдиган деталларга кўп эътибор қаратади. Масалан, тут турлари: балх тути, шотут, марвартак, хашаки тут; ёки миллий ўйинлар: чиллак, бекинмачоқ, ланка,

⁶⁷ Тоғаев О. Публицистика жанрлари.– Тошкент: Ёш гвардия.1990.– Б.98.

варрак учирлишлар; тўқайзорда ўсадиган юлғун, чиғил каби дарахтлар; дарё ёқаларидаги тулки, бўри, чиябўри, тўнғиз каби ҳайвонларнинг номлари учрайдики, улар халқимизнинг бой турмуш тарзидан далолат берса, бир томондан, болаларда миллий фахрланиш туйғуларини ўстиради. Шунинг учун адиб публицистикаси ёш авлодда ўзлигига ҳурмат хиссини тарбиялашдек шарафли вазифани бажаришда ҳали кўп хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек болалар публицистикаси тараққиётида С.Барноевнинг алоҳида ўрни бор, истиклол йилларида унинг бу соҳадаги фаолияти янги поғонага кўтарилди. Унинг публицистик асарларида миллий кадриятларимиз, тарихга муносабат, ўзаро ҳурмат, замонавий долзарб муаммолар бола дунёқарашига мос ҳолда ифодаланадики, бу ёш авлодни сергакликка чорлаши, мустақиллигимизни асрашга ундаши билан йиллар ўтса-да, оҳорини йўқотмайдиган асарлардан бўлиб қолади.

Ўзбек болалар адабиётида С.Барноевчалик серқирра ижодкорни топиш қийин: шоир, носир, публицист, жамоат арбоби, маърифатпарвар адиб адабиётшунос, танқидчи сифатида ҳам адабий жараёнга аралашиб, фаоллик кўрсатди. У устозлари, ҳамкасблари ҳақида хотиралар, илмий танқидий мақолалар ҳам ёзди. Масалан, Ойбек (“Ўзбекнинг Ойбеги”), Ғафур Ғулом (“Ёрқин хотира”, Ғафур Ғуломнинг 80 йиллигига, “Қарздорлик”, “Ўзбекнинг мард шоири”, шоирнинг 90 йиллигига), Тошпўлат Ҳамид (“Жонкуяр шоир, мураббий эди”, “Нур эшигин очганлар”), Адҳам Раҳмат (“Бир оғиз ширин сўз”, А.Раҳматнинг 89 йиллигига), ҳамкасблари Шамси Одил (“Ўлимлардан сакраган лочин”), Ҳамза Имонбердиев (“Ҳамзанинг эртақлари”), Турсунбой Адашбоев (“Дўстга дўст сўзи”) кабилар ҳақида ўнлаб хотира мақолалари шулар жумласидандир.

Болалар адабиётининг сергак кузатувчиси сифатида янги нашр этилаётган асарларга муносабат билдириб, ўнлаб тақризлар, обзор мақолалар ёзди. Чунончи, Т.Адашбоевнинг “Оқбура тўлқинлари” китобига бағишланган “Болаликнинг беғубор олами” деб номланган тақризи, “Шеър – самимийлик белгиси” обзор мақоласи шулар силсиласидандир. “Дўрмон хангомалари” туркуми эса С.Барноевнинг ҳажвий истеъдодини намоён этишга асарлари сирасига қирадики, уларни таъдиби этиш навбатдаги вазифалардан биридир.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА КАСАЛЛИКЛАРНИНГ МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР ОРҚАЛИ МЕТАФОРИЗАЦИЯЛАНИШИ

Сарвиноз Нуруллаева, БухДУ таянч-докторанти

Маълумки, ўзини ўраб турган ташқи олами ва унда юз берувчи ҳодисалар сабабини билишга қизиққан ибтидоий одам уни образли тасаввур қилган. Натижада хиссий образлар сифатида мифологик образлар пайдо бўлган. Мифологик образлар барча халқларнинг тилида мавжуддир ва ҳар бир халқнинг миллий, маданий тушунчалари асосида кодлаштирилган. Мифологик образлар инсоннинг идрок фаолияти жараёнида унинг қизиқиши ва билиш эҳтиёжи натижасида ўзи учун мавҳум бўлган ҳодисаларнинг (масалан, касалликнинг) идрокий-тушунчавий умумлаштирилиши сифатида юзага келган[6, 29]. Мифонимлар мифологик образлардан иборат бўлиб, уларни метафоризациялаш воситасида, кўпинча, инсоннинг нафрати ифодаланади. Рус олими Н.Д. Арутюнова “сўзнинг маъноси қанчалик мавҳум ва камситувчи бўлса, шунчалик осон метафоризация қилинади”, деб ҳисоблайди.

Метафора тушунчасини талкин қилувчи энг қадимий ёндашувлардан бири Арасту қарашлари бўлиб, унга кўра, метафора “қисқартирилган мажозий қиёс”дир. А.А.Потебня ҳам ўз даврида метафорани “қисқартирилган қиёс” деб атаган эди. Дарҳақиқат, масалага бир томонлама ёндашилса, бундай номлаш (аташ) метафоризация ҳодисасининг характерига ва айни пайтда ўзбек тили далилларига ҳам мос келади [1,23].

“Метафоризация ёрқин образ яратиш, нутқ қаратилган предметга эмоционал-хиссий муносабатни, баҳони ифодалаш мақсадида сўзларни кўчма маънода қўллашдир. У нутқ адресатига таъсир кўрсатишга хизмат қилади”[10].

Рамз ва метафора, асосан, бадий асарнинг ўзига хос ифода услуби сифатида қўлланилади. Бу шуни англатадики, метафоризациялаш орқали ўқувчининг тасаввурига конкрет образ тасвири етказиб берилади. Қуйида биз замонавий ўзбек шеърятининг айрим намуналари мисолида касалликка нисбатан мифологик образлардан кўчма маънода фойдаланилган баъзи таҳлилларни келтирмоқчимиз.

Бугунги кунда дунё халқларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётига хавф солиб турган воқеликлардан энг каттаси, шубҳасиз, коронавирус пандемияси бўлиб турибди. Барча соҳалар каби бадий адабиёт ҳам унга муносабат билдирмай қолмади, албатта. Замонавий ўзбек шеърятти вакилларининг бугунги кунда ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган ушбу мавзуга оид аксарият шеърларида тождор вирусга нисбатан нафратни ифодалаш мақсадида ёвузлик семасини ташувчи мифологик образлардан фойдаланилган. Жумладан, шоир Зикрилла Неъматнинг “Шифокорларга таъзим” шеъриси бу касаллик иблисга ўхшатилади:

Дунё кезар тожли вирус номли иблис,
Одамзод ҳам ожизлигин этди-ку ҳис,
Ҳамма уйда, аммо сизлар хизматдасиз,
Эй, хокисор, фидойи жон шифокорлар,
Элим дея кўкси қалқон шифокорлар![9]

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланишича, иблис (арабча шайтон) одамларни йўлдан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи махлуқ бўлиб, кўчма маънода нафрат ва ҳақоратни ифодалайди[3, 169].

Юқоридаги мисраларда ҳам иблис образини метафоризациялаш орқали на ирк, на дин, на миллат, на ёш танламас, башарият бошига дард келтирувчи коронавирусга нисбатан нафрат ва ҳақорат ифодаланган. Зикрилла Неъматнинг “Илтимо, уйда қолинг!” номли бошқа бир шеъриси эса шоир иблиснинг алдамчи, айёр экани, унга алданиб қолишнинг оқибати фожиа билан тугагини назарда тутиб, тожсимон вирусга бефарқ бўлиш, ўзини асрамаслик, эҳтиётсизлик ёмон оқибатларга олиб келишини айтмоқчи бўлади гўё. Иблиснинг тузоғидан ҳимоя қилувчи қалқон иймон тўла қалб бўлгани каби касалликдан асровчи кўрғон тоза ва озода уйимиздир. Шу маънода, шоир вирусни иблисга қиёслаганда диний-мифологик қарашлардан йироқлашмаганига гувоҳ бўламиз:

Кезар тожсимон вирус –
Миллат танламас иблис,
Сиз унга бўлмай мухлис,
Илтимо, уйда қолинг![9]

Шайтон – олов ва тутундан яратилган, турли шакл-шамоилга кира оладиган мифологик образ. Кўпинча, у эчки қиёфасида тасвирланади. Ислом ақидаларига кўра, шайтонлар эътиқодли, виждонли одамларни йўлдан уришга ҳаракат қиладилар[2, 87].

Шайтон одамларни бегуноҳлик, беозорлик ниқоби остида нафс, жаҳл, ғазаб, ҳасад кабилар воситасида гуноҳ ва куфр амалларни бажаришга ундайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “шайтон” арабча сўз бўлиб, одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жиноятга, разолатга бошловчи ёвуз рух ёки ёвуз рухларнинг бошлиғи, иблис деб кўрсатилган. Кўчма маънода айёр, қув, алдамчи одамга нисбатан ишлатилади[5, 534].

Кўчқор Норқобилнинг “Карантинда” шеъридан олинган қуйидаги мисраларда ҳам касаллик иблисга тенглаштирилади:

Салом-алик ҳавода қотди,
Босолмайман Сени кўксима...
Тождор иблис чегара тортди
Ўтар бу кун... Дўстим, ўксима[12].

Абдунаби Ҳамронинг “Тазарру” шеъридан олинган қуйидаги сатрларда ижодкор хавфли касаллик туфайли инсон қонида мудраб ётган айрим иллатлар, жумладан, ваҳима, очкўзлик кабилар уйғониб кетганидан ҳайратланади:

Инсон томирида иблис қони бор,
Баъзан йиллаб ётар ҳаракатсиз, сушт.
Наҳотки мудраган ўша унсурни
Уйғотиб юборди कोरोनाвирус?![7]

Қуйидаги мисраларда эса касалликнинг одамзодга азият етказиши, жонини азоблаши иблиснинг ёвузлиги, раҳм-шафқат билмаслиги билан тенглаштирилса, унинг ўлимга сабабчи бўлаётгани Азроилга ўхшатилиб, тожсимон вирусга бўлган нафрат янада кучайтирилиб ифодаланади:

Бунчалар жоҳилсан, эй қизил иблис,
Азият тортмоқда сендан одамзод.
Кудратингни танга гоҳ эттириб ҳис,
Азроил мисоли жон оласан, дод![8]

Инсоният тарихида мавжуд динлар мундарижасида муҳим ўринга эга бўлган Азроил ўлим фариштаси бўлиб, арабчада “Малак ул-мавт” ҳам дейилади. Бадиий ижодда жон олувчи, фотиҳ, босқинчи, бераҳм маъноларини образли ифодалаш учун Азроил метафорасидан фойдаланилади.

Истеъдодли шоир ва журналист Нодир Жонузоқнинг “Коронавирус” сарлавҳали шеърида эса нафс отлиғ бедаво дардни рамзий ифодалаш учун аждар мифологик образи метафоризацияланган:

Юз бошли аждарга ўхшайди қаттол,
Турфа қиёфада қилгай у хуруж.
Не-не кўнгилларда тизилиб қатор,
Не-не юракларда урчийди ғуж-ғуж[11].

Азалдан маълумки, инсонни кўпгина фалокатларга бошлайдиган бало – бу нафсдир. Нафс оқибатида кўп жиноятлар, қинғир ишлар, қоидабузарликлар содир этилади. Дунёдаги энг катта урушлар ҳам нафс (очкўзлик) туфайли бўлиб ўтган, аслида. Шу боис у, кўпинча, аждарга ўхшатилади.

Аждар энг мураккаб ва универсал зооморф мифологик образлардан бири бўлиб, у турли халқлар оғзаки ижодида қанотли, оғзидан ўт пуркайдиган икки ва ундан ортик бошли илон қиёфасидаги афсонавий махлуқ образи сифатида талкин қилинади[2, 23].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ажда(р)хо форсча сўз бўлиб, афсонавий катта илон эканлиги, кўчма маънода қонхўр, ёвуз одамга нисбатан нафратни ифодалашни айтилади[3, 44]. Бадиий ижодда аждаҳо, асосан, ёвузлик ва очкўзлик тимсоли саналади ва кўчма маънода нафс, нафрат маъноларини ифодалашга хизмат қилади.

“Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати”да аждаҳо образи ўндан ортиқ кўчма маъноларда қўлланилиши қайд этилган[2, 23 - 24]. Жумладан, унинг ўта кучли туйғу (масалан, нафс, аёвсизлик ва раҳм-шафқатсизлик), салбий иллатлар (манманлик, очкўзлик, босқинчилик), дард (касаллик, ғам-андух, ташвиш)га нисбатан поэтик кўчимни ифодалашни айтиб ўтилган.

Юқоридаги сатрларда шоир нафсни аждарга қиёслар экан, уни ҳар қандай вирусдан ҳам хавфли касаллик деб ҳисоблайди.

Хуллас, бадиий нутқда ўқувчига алоҳида куч билан таъсир қилиш, образ яратиш учун тасвирий восита сифатида, асосан, метафорадан фойдаланилади ва улар орқали инсоннинг турли эмоцияси экспрессив тарзда ўз ифодасини топади.

Замонавий ўзбек шеърлятида хилма-хил поэтик ва рамзий ифодалар яратишда мифологик образлар ўзига хос ўринга эга бўлиб, ёзма адабиётда ижодкор фольклорга хос мифологик образларни қўллаш орқали уларни ўз мақсади ва ғояси йўлида ишга солади.

Умуман, поэтик нутқда мифологик образлар метафоризация қилинар экан, уларга хос қайсидир сема сақланган ҳолда тимсолий образлар яратилади. Биз буни юқоридаги таҳлиллар асосида кўриб чиқдик. Демак, хавфли касалликларни образли ифодалаш мақсадида салбий мифологик образлар метафоризация қилинади ва бу воқеликка нисбатан ижодкорнинг ҳис-туйғусини (нафратини) ифодалашга ва ўз навбатида, ўқувчига ҳиссий-эмоционал таъсир этишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1983.
2. Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Т.: Чўлпон, 2018. – 100 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2006. – 680 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2006. – 672 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2008. – 608 б.
6. Ўраева Д., Нуруллаева С. “Мифонимлар тўри”га хос хусусиятлар. – Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари (Рес. илмий анжумани материаллари). – Қарши, 2019. – Б. 29-30.
7. Абдунаби Ҳамро. Тазарру фурсати. https://t.me/ijod_bustoni
8. Jasur Esanov. Coronavirus. https://t.me/buxdu_uz
9. Зикрилла Неъмат. Шифокорларга таъзим; Илтимос, уйда қолинг! https://t.me/ijod_bustoni
10. Из истории русского языка. Язык XX века. <https://studfiles.net/preview/1771962/>
11. Нодир Жонузоқ. Коронавирус. @nodir_jonuzoq
12. Кўчкор Норқобил. Карантинда Халқимга. https://t.me/yozuvchilar_uz

ИЖОДКОР УСЛУБИ **(У.Кўчқор ижоди мисолида)**

Насиба Норова, БухДУ таянч докторанти

Ҳар бир адабий-бадий ходисанинг этимологияси бўлганлиги сингари, услубнинг ҳам ўзига хос яратилиш тарихи, талқини мавжуд. Услуб ҳақидаги баҳслар ҳам олимларни доимо қизиқтириб келган.

“Қадимги давр ижодкорларининг услубга доир қарашлари ўрта асрларга келиб, янги қирраларда очила борди. Бироқ услуб нотиклик санъати сифатида ўз мавқеини бир неча асрлар сақлаб қолди. Европада, айнан Франция риторикасида XVIII асрда “индивидуал услуб” сўзи янграй бошлади. Машҳур сўзшунос П.Гиро ушбу атамани дунёни экзистенциалистик ва эссенциалистик кўриш орқали реал ҳаётга татбиқ этди. У услубни санъатнинг бир жиҳати ёки даврнинг бир кўриниши эмас, балки, инсон дунёқарашининг бир озуқаси сифатида ишлата бошлади”[1].

Ўзбек адабиётида услуб ҳақида бир қанча ишлар юзага келган. Бу борада Фитрат, И.Султон, Ҳ.Ёқубов, Ҳ.Болтабоев, Н.Шуқуров, С.Мамажонов, Н.Каримов, Ғ.Мўминов, М.Иброҳимов, Д.Холдоров, Д.Тажибоева, М.Давронов [2] ва бошқа бир қанча олимларимиз тадқиқотлар яратишди.

Абдурауф Фитратнинг ёзишича, “шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борган сайи(н) ўзига махсус услуб ярата бошлайдир. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша бир услуб ҳам борлиққа чиққан бўладир. Услубнинг адабиётда ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар маълумотларнинг эски бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкиндир. Уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга ўқита олган куч услубдир”[2,17].

Худди шу таърифга ҳамоҳанг тарзда адабиётшунос олим Дониёр Бегимқулов : “Услуб бадий ижоднинг, ҳар қандай бадий асарнинг муҳим жиҳатларидан бири, бадий асардаги ғоявий-эстетик моҳият унсураларидан бири сифатида ҳар бир ижодкорнинг ҳаётини ўзига хос, такрорланмас усуллар билан ўз мушоҳадасидан ўтказишидир.

Услуб масаласи ижтимоий воқеликка шеърини муносабат билдиришнинг ўзига хослиги, дунёқараш, мавзу танлаш, образ яратиш, маҳорат масалалари билан бевосита боғланиб келади”[3,402], – деб ёзади.

Демак, услуб ижодкорнинг бевосита маҳорати, индивидуал қирралари билан юзага келади. Яратилган асарларни муаллифини билмасдан туриб ҳам унинг услубига қараб бу Қаҳҳорнинг ҳикояси, Усмон Носирнинг шеъри, Қодирийнинг романи деган хулосага келишимиз мумкин. Услуб ижодкорларнинг даражасини кўрсатадиган кўзгудир.

Дарҳақиқат, шеърятимизда ўзига хос услуб ярата олган ижодкорлар талайгина. Замондошларининг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, қарашлари, кечинмаларини поэтик тарзда тасвирлаш, уни сўз орқали ифодалаш, ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Ўзига хос маҳорати ва услуби билан ўтган асрнинг 70-йилларида шеърятимизга кириб келган ижодкорлардан бири Усмон Қўчқордир.

Шоирнинг ўзига хос ижоди ҳақидаги мулоҳазаларимиз қуйидаги таҳлилларда ўз аксини топади:

Табиат манзаралари кишига кучли эстетик завқ бағишлайди. Чунки ҳар қандай инсон табиатнинг узвий бир бўлаги бўлиб, унинг шахс сифатида шаклланишида табиат ва

табиатга муносабатнинг ҳам муайян ўрни бор. Табиатдаги илоҳий интизом, унинг буюк тартиб ичида, бузилмас мунтазамликда мавжудлиги, табиатнинг беадад қудрати ҳар қандай одамда, айниқса, таъсирчан қалб эгалари шоирларда катта ҳиссиёт уйғотиши шаксиз. Шунинг учун лирик асарлар орасида табиат мавзусидаги битиклар катта ўрин тутди.

Табиат тасвирининг оригинал ифодаси жиҳатидан ҳам Усмон Қўчқор шеърлари диққатга сазовордир. Унинг шеърларидаги табиат тасвири лирик қаҳрамон кайфиятига боғлиқ равишда турли мақсадларга хизмат қилади.

Аёз ҳали бўлмасдан адоғ,
Вазмин-вазмин қадамлар ташлаб,
Қишдан чиқиб келаётир тоғ
Бойчечакни тишида тишлаб.[4,33]

Фолклоршуносликда бойчечак “омонлик”, “ёшлик”, “жўшқинлик” рамзи сифатида талқин қилинади. “Болаларнинг мавсумий маросим қўшиғи. Наврўз элчиси сифатида эрта баҳорда дала-қирлардан териб, ҳовлима-ҳовли юриб, бойчечак улашиб ота-оналарни қутлашган”[5,69]. Метафора асосида қурилган ушбу жумлаларда қиш ҳали ўз тўнини ечмасдан, фақат дарёларнинг лаби гезариб, тоғнинг пойини ўпиб юрган бир маҳал, майсалар энди бош кўтарганда тоғ бойчечакни тишида олиб чиқиши бу - дийдор, янги кунларга ишонч, қут-барака рамзи сифатида берилади. Бевосита тоғнинг жонлантирилиши ташхис санъатини юзага келтирган.

Табиатнинг турли-туман ҳолатларини тасвирлаш ижодкор учун ҳеч қачон пировард мақсад ҳисобланмайди, балки эстетик мақсадга эришишнинг бадиий воситасигина бўлади, дейиш мумкин.

Ҳаёт ва инсондаги ўзгариш ва кечинмалар шоир қалбида синтезлашади. Ижодкор ҳар бир воқелик, ҳаёт ҳақиқатига ўзгача ёндашиб, бадиий маҳоратини ишга солади. Ижодкорнинг бетакрорлиги ҳам у яратган, топа олган образлар қамрови, ҳаётгийлиги, таъсирчан, самимий ва ҳаққонийлигидадир. Бадиий асарни образсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Образларда фойдалана олиши ижодкорнинг ақлий ва ҳиссий қудрати, эстетик идеали ҳамда мантиқий изчил фикрлаш қобилияти билан боғлиқ.

...Камалак-қуёшга тортилган ҳавас,
Қуёшни юракка тортиб киради.
Дарёлар аслида денгизни эмас,
Бизнинг қалбимизни излаб юради[6,17].

Инсон умри муқояса қилинган ушбу мисраларда бевосита табиат тасвири билан боғлиқ ҳолда қалбларга баҳорнинг келиши, қизларнинг кулгуси, дарахтларнинг шовуллаши, дарё-денгизларнинг қирғоғидан тошиши, фаслларнинг алмашилиши, севиш ва севилиш, аммо энг сўнгги ҳикматда сезмай севган дунёдан ажралмоқ камалакнинг етти жилоси янглиғ, қуёш нуридек умримизга сайқал беради. Шоир қуёш таратаётган нурга камалакнинг ҳаваси келганлигини ўхшатса, ёруғликни юракларга қуёш олиб киришини таъкидлайди.

Табиатдан бошқа тазйиқ йўқ,
Хато қилиш учун йўқ хато.
Саҳрога бари бир – иссиғу совуқ,
Хаёл суришга ҳам эринар ҳатто.[7,34]

Ушбу шеър “Саҳро манзараси” деб номланади. Саҳо - “Ўсимлик жуда кам, сувсиз бепоен дашт, чўл”. Саҳо манзарасини рассом каби чизишга ҳаракат қилади шоир. Табиат бу-бебаҳо неъмат. Инсонларнинг табиатга қилган хатолари, ўзларига хато бўлиб қайтиши, сувсиз бепойон даштда яшаш мушкулотлари, хатто юмронлар илонлар...бургутларгача жон сақлаш илинжида курашиши, тазод санъатини қўллаб саҳрога иссиқ-совуқнинг фарқи йўқлиги талқин қилинади. Кейинги бандларда саҳронинг портрети тўлақонли сўз орқали чизилади.

Шуни таъкидлаш керакки, табиатнинг гўзаллигини, қудратини, буюқлигини, покизалигини тасвирлашга бағишланган шеърлар миқдори жуда кўп ва шундай бўлиши табиий ҳам. Чунки ҳар қандай одамнинг кўнглида, хатти-ҳаракатида ижтимоий манфаат, шахсий фойда бўлиши мумкин. Табиат эса одамдан ҳеч нарса қарздор эмас. Аксинча, одам унга ҳар жиҳатдан бурчли. Шунинг учун ҳам шоирлар ўз туйғуларини табиат воситасида рамзан-мажозан ифода этиш имкониятига эгадирлар. Табиат ҳеч кимни алдамайди ва уни алдашларига ҳам йўл қўймайди. Шу жиҳатдан табиат лирикаси миллий шеърятимизнинг самимият қарор топган, шоирларимиз маҳорати ёрқинроқ намоён бўладиган жабҳасидир дейиш мумкин.

Усмон Қўчқор лирикасида яратилган бетакрор образлар силсиласи ана шу қарашни исботлайди. Шоир ҳар бир фасл, тоғ, сой, ой, юлдуз, булут, гиёҳ, хазон, боғ, гул, куш, капалак, денгиз, шамол, тош, камалак, гирдоб, тун, кўз, қуёш, ер каби образлар замирида янги-янги маъноларни жо этади, фавқулотда фикрлар айтиб, қутилмаган ҳаётий хулосалар чиқаради. Ўз фикрига ўқувчини эргаштириб, унинг ҳиссий, ақлий қувватига таъсир этиб, шеърнинг умумий пафосига уни ҳам шерик қилади. Шу боис ҳам айтиш мумкинки, шоирнинг ҳар бир яратган янги образи – янги бир бетакрор хилқат!

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, У. Қўчқорнинг шеърӣ услубида тарихий фактлар, тарихдан мисоллар келтириш, ўзига хос образлар яратиш, фалсафӣ мушоҳадалар қилишга чорлаш, пейзаж тасвирини такрорланмас ташбеҳларда чизиш...каби индивидуал хусусиятлари билан ажралиб туради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Давронова М.Ҳозирги ўзбек шеърӣтида индивидуал услуб поетикаси. Фил.фан.док.диссерт.автореф.,Самарқанд,2019.136бет
- 2.Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. Султонов И.Адабиёт назарияси. Тошкент:Ўқитувчи,2005. Ёқубов Ҳ.Ўзбек прозасида услуб ранг-баранглиги //Ўзбек адабиётӣда жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. Каримов Н.Шеърӣ шакллар ва услубий йўналишлар//Ўзбек адабиётӣда жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. Мамажонов С.Услуб жилолари. – Тошкент: Фан, 1988. Шукуров Н.Услублар ва жанрлар.–Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1973.Болтабоев Ҳ .Наср ва Услуб.Услуб муаммосига бир назар. – Тошкент: Фан, 1992. Холдоров Д.Ижод моҳияти – услуб хосияти– Тошкент:2017
3. Бегимқулов Д.“Шеърӣтимиз юлдузи” //А.Орипов. I жилд Сайланма Тошкент:Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000
4. Қўчқоров У.Ҳаяжонга кўмилган дунё. – Тошкент:Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
5. Сафаров О.Ўзбек болалар адабиётӣ ва фольклори. – Бухоро: 2007.

6. Қўчқоров У.Ҳаяжонга кўмилган дунё. – Тошкент:Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

7. Қўчқоров У.Аксиз садолар. – Тошкент:Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

SAID AHMAD - XOTIRANAVIS

Nilufar Narzullayeva, BuxDU 4-bosqich talabasi

Said Ahmad O`zbekiston xalq yozuvchisi, Davlat mukofotiga sazovor bo`lgan, «Buyuk xizmatlari uchun» va «Do`stlik» ordenlari bilan taqdirlangan, «O`zbekiston Qahramoni» degan yuksak sharaflı unvonga ham ega iste`dodli ijodkordir.

O`zbekiston Qahramoni Said Ahmad hayoti va ijodini o`rganish adib adabiyotga kirib kelgan davrlardayoq boshlangan. Yosh yozuvchi hikoyalarini o`qigan Abdulla Qahhorning unga munosabati, taqrizlari fikrimizga misol bo`la oladi. Said Ahmadning birinchi hikoyalar to`plami “Tortiq” nashr etilishi munosabati bilan A.Qahhor unga taqriz yozadi. Ko`rinadiki, yozuvchi adabiyot jonkuyari sifatida yosh ijodkor oldiga katta talablar qo`yadi, shu bilan birga zaifroq asarlar yaratgan bo`lsa-da, uning ijodida iste`dod uchqunlarini ko`rib, badiiy ijod yo`lini topishiga ko`maklashadi. A.Qahhorning adabiyotga, yoshlar ijodiga befarq emasligi chorak asrdan keyin yozgan ikkinchi taqrizida yaqqol ko`rinadi.

Bundan tashqari O`zbekiston Qahramoni Ozod Sharafiddinov, tanqidchi U.Normatov, adabiyotshunos olim I.G`afurov, adabiyotshunos Sh.Axmedova tadqiqotlarida Said Ahmad ijodi tadqiq etilganini ko`rish mumkin¹. Shu bilan birga Said Ahmad ijodi, asarlaridan namunalar o`zbek adabiyotida o`ziga xos uslub yaratgan ijodkor sifatida umumta`lim makталari adabiyot dasturlariga ham kiritilgan.

So`nggi yillarda uning «Xandon pista» (1994), «Bir o`pichning bahosi» (1995) kabi hajviy hikoyalar to`plamlari chop etildi. Shuningdek, u Oybek, F. G`ulom, A. Qahhor, M. Shayxzoda, Shuhrat, Mirtemir va S. Zunnunovalar haqida xotiralar yaratgan.

Said Ahmad dramaturg sifatida ham tanilgan. U «Kelinlar qo`zg`oloni», «Kuyov» kabi sahna asarlarining muallifidir. Said Ahmad ham qatagon davrining ikkinchi to`lqiniga duchor bo`lgan, qamoq azoblarini tortgan ijodkordir. U «aksilsho`raviy millatchilar guruhi a`zosi, zararli g`oyalar targ`ibotchisi» sifatida ayblanib, Qozog`istonning Qaraganda viloyati Jezkazgan lagerida bo`ladi. Uning «Qorakuz majnun» (2002) hikoyalar to`plami bu haqdagi achchiq haqiqatni ro`y-rost ifodalaydi.

Said Ahmadning «Yo`qotganlarim va topganlarim», 3 jildlik «Saylanma»si, «Qorako`z majnun» va «Kiprikdagi tong» to`plamiga kirgan bir qator qissa va hikoyalari uning istiqlol yillarida zavq-shavq bilan ijod etganidan shahodat beradi. Adibning ko`pgina asarlari qardosh va xorijiy tillarga ag`darilgan.

70-80-yillarda yozuvchilar va san`atkorlar haqida xotira kitoblar yaratish an`anaga aylana boshlandi. «Xotiralar yaratishning afzalligi juda ko`p. U, birinchidan, yozuvchi va shoirlarning hayoti va ijodi, ular yashagan davr, adabiy jarayon haqida qimmatli ma`lumotlar beradi. Ikkinchidan, ular asarlarining yozilish jarayoni, ruhiyati, kayfiyati manzaralaridan, ilmiy

¹ Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. Тошкент. 1999.; Норматов У.Саид Аҳмад. Ижодий портрет. Т. 1978.; Ғафуров И.Прозанинг шоири. Т. 1987.; Ахмедова Ш. Юмор жилolari. Т.1998.

va ijodiy xayollarining to'liqidan xabardor etadi. Uchinchidan, bu omillar ilmiy-nazariy, shu bilan birga ilmiy-badiiy yo'nalishdagi tadqiqot ishlari uchun asos bo'la oladi», - deb yozadi Sh.Axmedova. To'g'ri, ulkan siymolarning betakror ilhom daqiqalari, ijodiy izlanishlari, o'y-xayollari, asarlarini yozilish jarayoni bilan bog'liq holatlar, shaxsiy hayoti bilan bog'liq xotiralar rus adabiyotidagiga nisbatan bizda kam yaratilgan. Shu kungacha talay adiblar haqida o'nlab xotira kitoblari dunyoga keldi. H.Qodiriyning "Otam haqida", zamondoshlari yodnomalaridan tartib berilgan "A.Qodiriy zamondoshlari xotirasida" va «Qodiriyning qo'msab», "Ayniy zamondoshlar xotirasida", Z. Saidnosirovaning "Oybegim mening", N.Karimovning "Zarifa va Oybek" (1990) hamda jamoaning "Oybek zamondoshlari xotirasida", Said Ahmadning "Nazm chorrahasida" hamda "Yo'qotganlarim va topganlarim", K.Qahhorovanning "Chorak asr hamnafas" va jamoaning "Abdulla Qahhor zamondoshlari xotirasida", "Maqsud Shayxzoda zamondoshlari xotirasida" va boshqalar shular jumlasidandir.

Xotiralar ko'p tomonlari bilan essega yaqin turadi. Shu bois unga essening bir shakli deb qarash mumkin. Ammo xotiralarda keltirilgan dalillar sub'ektiv bo'lishi ham mumkin. Chunki xotira yozuvchilar ko'p hollarda o'z sub'ektiv qarashlarini ilgari suraveradilar, binobarin, ularni aniq va tiniq qilib, so'ngra ulardan dalil sifatida foydalanish maqsadga muvofiqligi ko'rinadi.

70-80-yillarda o'nlab mualliflarning bitta qahramon-yozuvchi haqidagi xotiralari yozilgan bo'lsa, 80-yillarning o'rtalaridan boshlab, bitta muallifning bir qancha yozuvchilar haqidagi xotiralari yuzaga kela boshladi. Jumladan, Said Ahmadning A.Qahhor, G'.G'ulom haqidagi xotiralari va h.k

Said Axmadning «Yo'qotganlarim va topganlarim» asari sarlavhasidanoq shu tipdagi asarlarga o'xshamasligi yaqqol ko'rinadi. Chunki adib asar kompozitsiyasini o'ziga xos tarzda quradi. "Yo'qotganlarim" qismida ustozlari G'.G'ulom, A.Qahhor, M.Shayxzoda, Mirtemir, Shuhrat, zamondoshlari Saida Zunnunova, Asqad Muxtor, Turob To'la, O'.Umarbekov haqida samimiy mulohazalarini bayon etsa, "Topganlarim" qismini O'.Hoshimov, N.Aminov, Tog'ay Murod, N.Fozilov, M.Qoriev, To'lan Nizom kabi ijodkorlarga bag'ishlaydi.

Asarning jozibasini ta'minlagan omillardan biri shundaki, adib kim haqida yozmasin, ularni yaxshi bilgan inson sifatida samimiyat bilan, ustozlari, tengdoshlari, shogirdlari haqida katta muhabbat bilan yozadi. Ijodkorga, uning asariga tanqidchi sifatida baho beradi. Masalan, "Mirtemir jon-tani bilan, vujud-vujadi bilan, sabr-bardoshi bilan, o'y-tuyg'ulari bilan shoir edi. Chinakam shoir edi"⁶⁸.

Ayniqsa, adibning Tog'ay Murod haqida yozganlari samimiy va mehrga, hissiyotga to'ralagii bilan kitobxon qalbini titratadi: "Tog'ay Murod o'z ona tilini benihoya yaxshi biladi. Bilgandayam butun ranglari bilan, ohanglari bilan biladi. SHu bois sof o'zbekcha bitadi.

Tog'ay Murod o'zbek tilini kuylatdi. O'zbek tilning jami jilvalarini oftobga solib ko'rsatdi".

Adib xotiralarning yana bir ahamiyatli tomoni shundaki, u faqat xotiralarni keltirmaydi, balki tilga olayotgan shoir yoki yozuvchi haqida fikr yuritar ekan, o'zining adabiyotga doir qarashlarini ham bayon etib ketadiki, bu esa Said Ahmadning adabiy-tanqidiy qarashlarini tadqiq etish zaruratini keltirib chiqaradi.

⁶⁸ Said Axmad. Йўқотганларим ва топганларим. Тошкент. "Шарқ", 1999, 165-бет.

ФОЛЬКЛОР ЖАНРЛАРИ СТИЛИЗАЦИЯСИ МОҲИЯТИ ВА АНЪАНАВИЙЛИГИ

Ражабова М.Б., филология фанлари номзоди,
БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти

Аждодларимиз қолдирган бой маънавий мулк, номоддий мерос бўлган фольклорнинг имкониятларидан ҳаммавақт ижтимоий зарурият сифатида давр ва шароитга мос равишда фойдаланиб келинган. Айниқса, зулм ва зўравонлик, адолатсизлик кучайган даврларда халқ фольклордаги бадиий шакл типлари (жанрлари)дан, уларнинг ифода услуби, анъанавий мотив ва образларидан ўринли фойдаланиб, дилидагини тилида яширин кўринишда ифодалашга уринган.

Фольклор миллат поэтик тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатувчи қадриятлар тизими, унинг маънавий-руҳий ривожланишида муҳим роль ўйновчи манбалардан биридир. Фольклор асарларида мужассамлашган умуминсоний ахлоқий ғоялар замиридаги ҳаётсеварлик туйғуси кўп асрлар мобайнида халқимиз тараққиётининг энг кучли ва ўзига хос жиҳати бўлиб келган.

Сир эмаски, аксарият буюк ижодкорлар ўз асарларининг мавзуси ва ғояси, сюжети ва образлари, композицион тузилиши ва бадиий тилини ишлашда халқ оғзаки ижоди жанр, мотив ва образларидан ижодий озикланганлар.

Фольклор жанри стилизацияси деганда, муайян бир халқ оғзаки бадиий ижодига алоқадор қайси бир анъанавий жанр, жумладан, достон, эртақ, афсона, ривоят, нақл, йиғи-йўқлов (марсия), алла, қўшиқ, латифа, лоф, топишмоқ каби ёки бошқасининг ифода услуби ва бадиий шаклига ўхшатиб, ёзма кўринишда аниқ бир ижодкор томонидан яратилган адабий асар тушунилади.

Фольклорга хос жанрларнинг ёзма адабиётда стилизация қилиниши қадимий ҳодисадир. Фольклор жанрлари стилизацияси бўйича қадимдан муайян ижодий тажриба орттириб келинган. Буни Замахшарий, Фирдавсий, Рабғузий, Навоий, Гулханий сингари қатор ижодкорлар асарлари мисолида далиллаш мумкин. Шунинг учун фольклоризмларнинг қўлланиш даврига кўра бир турини мумтоз фольклоризмлар ташкил қилади. Унинг бир учи буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодига бориб тақалади. Шоир ижодида учрайдиган мақол, луғз (ёзма топишмоқ), олқиш, қарғиш сингари кичик жанрлардан тортиб, базла (латифа), Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайли, Баҳромшоҳ, Искандар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, эртақлар, қўшиқлар, яқин дўстлари вафоти муносабати билан ёзилган марсиялар, қитъалари мазмунига сингдирилган нақллар ва хоказо кейинги давр шоирлари учун ўзига хос адабий тажриба мактаби бўлди.

Ижодкор қайси бир фольклор жанрининг имкониятларидан ўз ижодида фойдаланишни ниёт қилар экан, албатта, уни ўз мақсад ва қарашларини, кечинма ва хулосаларини ифодалаш воситасига айлантиради.

Аналитик фольклоризмда халқ ижоди намунаси ёзма асар таркибида деярли ўзгаришсиз келтирилса, стилизация фольклоризмда фольклор жанри, образи, мотиви ёки оҳангига ижодий ёндашилади. Уларда ижодкорнинг бадиий маҳорати намоён бўлади.

Фольклор жанрлари стилизацияси кўпинча халқнинг кенг тарқалган, оммавий, сеvimли жанрларини яратиш борасидаги ижодий тажрибасини, поэтик анъаналарини

МАҲМУД МУРОДОВ ЭРТАКЛАРИНИНГ БАДИИЙ КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Ражабова Р.З., ўқитувчи,
БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси

Эртақлар халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан биридир. Эртақлар кишиларда ҳаётга муҳаббат уйғотади. Эртақ халқ турмуши, меҳнати, юксак идеалларга масканлиги, халқ ҳаётининг барча жабҳалари билан узвий боғланганлиги билан ҳам ғоятда эътиборлидир. Эртақлар ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишда, болаларни ахлоқ-одобли қилиб ўстиришда, уларнинг онгига инсоний ғояларни ва фазилатларни сингдиришда, инсонни ўз кучи, ўз ҳуқуқи, ўз озодлигини англантиши, ундаги мардлик ва ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотиши билан ҳам маънавий озик бериб келган.

Таниқли ўзбек болалар адиби Маҳмуд Муҳаммадов ўттизга яқин насрий эртақлар яратиб, ўзбек адабий эртақчилиги тараққиётига муносиб улуш қўшган. Адиб адабий эртақларини мавзу йўналишига кўра кўпроқ замонавий руҳда яратилганлигини кузатиш мумкин. Яъни замонавий воқеликлар эртақ шаклида талқин этилган. “Ўн беш паҳлавон ва олов сочар аждаҳо ҳақида эртақ” асари эртақ жанри намуналари сингари “Бир бор экан” деган анъанавий кириш билан бошланган. Яна унда воқелик эртақлардаги каби “экан” тўлиқсиз феъли орқали ноаниқлик билан ифода этилган.

“Ким энг кучли” эртаги бошланмасида воқеаларнинг “яқин ўтган замонда, катта ўрмон томонда” бўлиб ўтганлиги таъкидланади. Бу эртақнинг ғояси ҳам халқлар тинчлигини бузган урушни қоралашга қаратилган. Унда урушда қатнашган замбаракни завод ишчиси олиб кетиб, эритиб, ундан ҳозирги кун учун фойдали ажойиб машина ясайди.

“Сувни ёққа айлантирган паҳлавон” эртаги бевосита тугундан бошланган. Унинг бошланмаси халқ насри анъанасига мувофиқ сажъланган: “Ажиб полвон бор экан, унга шаҳар тор экан. Қақраб ётган кенг чўллар изларига зор экан”. Ушбу гапдаги бор//тор//зор сўзлари ўзарор оҳангдош бўлиб, насрда қофия (сажъ санъати)ни ҳосил қилган. Эртақда чўлнинг тасвири эпик анъанага кўра “одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган ер” деб келтирилган. Унда дев образи ҳам қўлланган. Девнинг келиши халқ эртақларидаги каби тасвирланган: “Ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплаб, қуюн орасидан баҳайбат Дев пайдо бўлди”. У одамзодга “Бир пуфласам ўласан”, -деб дўқ уради. Одамзод эса девнинг дўқ-пўписасини назар-писанд қилмайди. “Мен сеҳргар паҳлавонман. Бу ерларга сув чиқариб, ундан гўшту ёғ, суту боғ яратаман”, дейди. Шунда дев яна унга ўшқариб: “Мўрт ёғоч эгилмас, камон бўлмас, сувни қанча қайнатсанг қуюлмас, ёғ бўлмас”, -дейди. Инсон эса: “Сувни чиқариб олай, изга солай, кейин ундан ёғ оламан”, -дейди. Шундай деб, инсон қақраб ётган чўлга сув чиқариб, чигит экади, уни парваришлайди. Бориб-бориб уруғлар ер кўксини ёриб, ниш уриб чиқиб, бир япроғи тўртта, тўрттаси тўққизта бўлибди. Кейин лозордек чаман-чаман гуллабди. Гуллар зумрад хумчага айланибди, улар пақ-пақ ёрилиб, ичидан оппоқ момиқ қайнаб чиқа бошлабди. Инсон уларни йиғиб-териш, машиналарга солибди. Машинанинг бир томонидан той-той “оқ олтин” чиқибди, иккинчи томондаги қувурдан шариллаб ёғ оқа бошлабди. Буни кўрган Дев енгилганини айтибди ва инсонга офарин дебди.

Кўриниб турибдики, ушбу эртақнинг бадиий тили, сюжети, образлар олами, ғояси ўзига хосдир. Унда “оқ олтин –пахта” етиштирувчи ўзбек деҳқонининг жасорати ва кудрати, меҳнатсеварлиги мадҳ қилинмоқда.

Болаларга пахта етиштиришнинг оғир меҳнатдан иборатлиги уқтирилмоқда. Ундан ёғ олиниши билдирилмоқда.Эртақда вақтнинг ўтиши сажъ билан: “Кун ўтибди, тун ўтибди, тундан кейин яна кун ўтибди” тарзида берилиб, услубда халқ эпик ифода услубига яқинлашиши кўзда тутилган.

“Кўприк” эртагида бир гуруҳ ҳайвон ва қушлар ўзлари яшаётган ўрмон ўртасидан оқиб ўтадиган анҳор устига кўприк қурмоқчи бўлишади. Бу ишга Шер бошчилик қилади. Ҳамма ҳайвону қушлар аҳил -ҳамжиҳат бўлиб ишга киришадилар. Кундуз улкан дарахтларни. Филлар уларни ташийди. Қизилиштон ходалардан тешик ўйибди. Айиқполвон козиқларни қоқибди. Булбулхон қўшиқ айтиб, уларнинг кайфиятини кўтариб турибди. Хуллас, ҳар ким ўз хунари билан қурилишга қатнашибди. Бу ишда фақат танноз Тулки дангасалик қилиб қатнашмабди. Шунинг учун ҳайвонлар кўприк битгач, унга Тулкини яқинлаштирмабдилар. Тулки нариги қирғоққа сакраб ўтмоқчи бўлган экан, анҳорга чўкиб кетишига сал қолибди. Кундузлар уни кутқариб қолишибди. Тулки тоза кулги бўлибди. “Меҳнатдан қочганининг ҳоли мана шундай бўлади”, -деб кичкирибди Хўрозвой. Ишёқмас, дангаса тулки шарманда бўлибди.

Бу эртақлар ҳайвонлар ҳақида бўлиб, мажозий маъно касб этган. У орқали айрим инсонларга хос ишёқмаслик, танбаллик иллатлари қораланмоқда. Эртақ сюжетида инсон персонаж қатнашмаган.

“Энг қимматли нарса” эртагида иккита боланинг бир-бирига тескари бўлган характер хусусияти очиб берилган. Унда Аҳмад исмли бола саранжом, ўйлаб иш қилади. Тошмат эса унинг тескараси эди. Тошмат нон еб турганида қорни тўйиб қолса, бир тишламми ёки бир бурдами –қолган нонни тўғри ерга ташлаб кетар эди. Аҳмад эса дон ёки ушоқларни кўриб қолса, дарров олиб, товукларга, қушларга берарди.

Эртақ мазмуни болаларга ризқ-рўзимиз бўлган ноннинг қадрини уқтиришга қаратилган. Шунинг учун эртақда нон, “ энг қимматли, азиз нарса” деб кўрсатилади. У қимматбаҳо нарса бриллиантдан ҳам устун кўйилади. Болалар ноннинг қиммати тўғрисида баҳслашаётганида, тепаларидан бир лайлак учиб ўтади. Бу лайлак сеҳргар экан. У Тошматнинг қўлидаги нонини бриллиантга айлантириб қўяди. Тошмат нонини еёлмай қийналади. Шу воқеа сабаб у нонни ушоғигача ҳурмат қиладиган бўлади.

“Кўрқмаган енгади” эртагида Қулоқвой, Чиноқвой, Зийрақвой деб аталадиган уч ака-ука қуёнчанинг саргузашти ҳикоя қилинган. Бу қуёнчалар ўрмонда уч бошли тулкига дуч келадилар ва унга биргалашиб зарба берадилар. Маълумки, халқ оғзаки ижодида қуён, асосан, кўрқоқлик рамзини ифодалаб келади. Бироқ ушбу эртақда улар кўрқоқлик қилмайди. Аксинча ботирлик кўрсатадилар. Шунинг учун эртақка “Кўрқмаган енгади” деган сарлавҳа қўйилган ва хулоса берилган.

“Жонли сурат” эртагида Қосимжон исмли болакайни ота-онаси бувисига қолдириб бир ерга борадиган бўлишибди. Аммо у бувиси билан ўтирганида қўшниси бувисини чақириб қолибди. Қўшни касал бўлган экан. Бувиси Қосимжонни ёлғиз қолдириб, қўшнига укол ўйлишга чиқиб кетибди. Қосимжон аслида ақлли, одобли бола экан. Лекин у ёлғиз қолгач, кўнглига келган ишни қилмоқчи бўлибди. Аввал у ойисининг тақинчоқлари солинган кутичани ўйнамоқчи бўлибди. Бироқ бирдан кўзи бувисининг деворда осилган турган расмга тушибди-ю, уялиб кетибди. Бувиси унга худди: “Бўтам, у нарсаларга тегма!”

деётганмиш. Қутичани жойига кўйиб кўйибди. Энди у ошхонага кириб, мураббо ёмоқчи бўлибди. Кейин дадасининг устарасини ўйнамоқчи бўлибди. Аммо ҳар гал кўзи бувисининг расмига тушиб, ўзини тийибди. У бувисини хафа қилгиси келмабди. Шундан сўнг Қосимжон ўйинчоқларини ўйнай бошлабди. Бувиси ҳам шу орада қайтиб келибди ва неварасининг ақлли бўлиб ўтирганидан миннатдор бўлибди.

“Чумчуқ” эртагида ота-она чумчуқларнинг ўз полапонларига меҳрибонлиги, уларни боқиб парваришлари, темирқанот қушларнинг аста-секин мустақилликка ўрганиши, аммо бир куни Аҳмад исмли ёмон боланинг қушларга қарата рагатка отиши, рагатканинг тошига тўнғич полапоннинг кўксини қалқон қилиб, онасини асраб қолишигша интилиши, бунинг натижасида унинг оёғи синиши, Раҳимжон исмли боланинг полапонни парваришлаб тузатиши воқеалари ҳикоя қилинган.

Кўриниб турибдики, эртақда ота-оналарнинг болаларга меҳр-муҳаббати, фидойилиги ва бунинг эвазига болаларнинг ўз ота-оналарига садоқати, ғамхўрлиги ғояси ўзига хос талқин қилинган.

“Аҳилликда гап кўп” эртаги, сарлавҳасиданоқ сезилиб турибди, аҳилликни, биродарликни, яхшиликни улуғлашга қаратилган. Унда ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтарган Булбул образи олқишланади. Мақтанчоқ, ёмон, кўрс йўлбарс эса Булбул олдидаги кўполлиги учун хижолатда қолади. Йўлбарс гул устида сайраб турган Булбулни кўриб: “Жўнаб қол менинг гулимдан, бўлмаса, тилка-тилка қилиб ташлайман”, –деб дўк қилади. Шу пайт унинг кўлига гул тикани кириб, бир-икки кундан кейин панжаси шишиб кетади. Йўлбарс оғриққа чидолмай, йиғлашга тушади. Уни кўриб Қуённинг раҳми келибди ва Йўлбарсни Жайранинг олдига бошлаб борибди. Аммо Жайра бу ишни эпломаслигини айтиб, Қуён билан Йўлбарсни Айиқнинг ёнига бошлаб кетибди. “Айиқ асалариларнинг найзасини олишни билади”, –дебди Жайра. Аммо Айиқ ҳам тиканни суғуриб ололмабди ва уларни Филполвон ёнига бошлабди. Кейин яна улар Бегемотга мурожаат қилишибди. Лекин ҳеч бири Йўлбарс панжасидаги тиканни суғуриб олишолмабди. Ниҳоят, бу ишни Булбул уддалабди. УЙўлбарсга ҳеч нарса демай, тумшуғи билан тиканни олиб ташлабди. Йўлбарс қилмишидан қизариб, аввал Булбулдан узр сўрабди, кейин ҳаммага миннатдорчилик билдирибди.

“Гулсум – табассум ” эртаги “хабардорлар жим қолсин, билмаганлар кулоқ солсин, кулоғига илиб олсин. Бир бор экан Гулсум деган қизча бор экан. У ҳамиша қовоғини солиб юраркан”, деб бошланади. Бундан эса эртақнинг инжиқ табиатли қизча ҳақида эканлиги англашилади. Гулсум қилдан кийик чиқариб, йиғи бошларкан. Қизчанинг бу табиати туфайли бирорта ўртоғи ҳам йўқ экан. Ундан ҳатто ҳовлидаги жониворлар ҳам қочишар экан. Бир куни Гулсумни онаси боғчага берибди. У бу ерда ҳам йиғлоқилигини кўймабди. У йиғласа осмонни булут қоплаб, шаррос ёмғир ёғаркан. Болалар буни сезиб Гулсумдан йиғламаслигини сўрашибди. У бу илтимосдан кейин жилмайиб кўйган экан, кун ёришиб кетибди. Шундан сўнг Гулсум йиғидан табассум яхши эканини тушунибди. Уни ҳамма Гулсум –табассум дейдиган бўлибди.

“Қандай қилиб уйлар номли бўлиб қолди” эртагида Тоҳир, Шоқир, Зоқир, Зоир, Моҳир исмли беш ака-ука онасининг илтимосига кўра, галма-гал қишлоқдаги тоғасидан хабар олиб қайтишади. Дастлаб тоғаси яшайдиган қишлоқ жуда кўримсиз бўлади, аммо йилдан-йилга у ободонлашиб, танимайдиган кўриниш акс этади. Бунинг натижасида унинг “Чангтепа” деган эски номи “Гултепа” деган янги номга алмаштирилади. Кўча ва ҳовлиларга ном берилади.

Хуллас Маҳмуд Муродов мана шундай ранг-баранг мавзуларда, бир-биридан қизик эртақлар яратган. Унинг эртақлари, асосан замонавий мавзуда бўлиб, ўзига хос тарбиявий - эстетик моҳият касб этади. Таниқли болалар ҳикоянависи ва эртақнависи Маҳмуд Муродов ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муносиб улуш қўшган маҳоратли адиблардан биридир. У ўзбек адабиётида болаларнинг энг севимли ижодкорлари қаторидан ўрин олган. Адибнинг кўплаб ҳикоя ва эртақлари ўзбек болалар адабиёти хазинасини бойитди.

Серкирра ижодкор яратган ҳар бир ҳикоя ва эртақ тарбиявий эстетик ҳамда бадиий таъсирчанликка эга. Адиб яратган боғча ҳамда бошланғич мактаб ёшидаги болалар образи ўзига хос. Яхлит силсилани ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос олами билан эътиборни тортади. Ёзувчи ҳар бир бола қиёфасида болаларга хос характер - хусусиятларни, хатти-ҳаракатларни, орзу- интилишларни, дунёқарашни, қизиқишни самимий ифода эта олган. Шунинг учун у яратган болалар образи бир-бирини такрорламайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради ва ўқувчилар меҳрига сазовор бўлиб, эсидан кўтарилмайди.

Адибнинг ҳикоя ва эртақларида турли характердаги, турли қизиқишдаги болаларнинг образи тасвирланган. Уларнинг аксарияти хушхулқлиги, интилувчанлиги, одоблилиги, меҳнатсевар ва меҳрибонлиги билан бошқаларга ўрناق бўла олади. Кўпинча ёзувчи болаларни яхши ва ёмонни, тезроқ фарқлай олишлари учун икки хил характердаги болани ёнма-ён тасвирлайди. Маҳмуд Муродов болаларни севади, уларни кадрлайди. Хусусан, ёзувчи болаларнинг нозик қалбини, орзу-интилишларини, қизиқишларини яхши тушунади. Шунинг у болаларнинг тинч- осуда замонда бахтли, тўқ ва фаровон яшаётганидан қувонади. Ана шу қувонч ва бахтиёрлик ҳисси адиб асарларида бўртиб кўринади. Маҳмуд Муродов асарлари ўзига хос тарбиявий-таълимий моҳиятга эга. Шунинг учун улар орқали юртимиз ёшларини эзгулик сари даъват этиш, улар қалбида ҳур ва фаровон, мустақил турмушимизга шукрона келтириш туйғусини уйғота олган, болалар ҳикоячилигини, адабий эртақ жанрини, унинг насрий турини ғоявий ва бадиий жиҳатдан янада бойитишга муяссар бўлган ёзувчилардандир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жумабоев М. Болалар адабиёти (Дарслик-мажмуа) – Т.: Ўқитувчи. 1994. -256 бет.
2. Жумабоев М. Болалар адабиёти ва фольклор. Дарслик. – Т., 2006. -216 бет.
3. Омилова М. Илк уринишлар ва дастлабки самаралар// “Шарқ юлдузи”, 1968, 11-сон.
4. Сафаров О. Болалик куйчиси. – Т.: Фан. 1978.
5. Матжон Сафо. Китоб ўқишни биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1993. -144бет.6
6. Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. –Т.: Истиқлол, 2005.
7. Муродов М. Боғча бола. Ҳикоялар ва эртақлар. – Т.: Ёш гвардия, 1985. -176 бет.
8. Муродов М. Кичик доктор. Ҳикоялар. – Т.: Ёш гвардия, 1990. -112б.
10. Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Т.: ФАН, 1968.
11. Фозилов Носир. Устозлар даврасида. Ҳикоялар, эсселар ва қисса. – Т.: Ёш гвардия, 1988, 151 бет.

МАҚОЛ, ЗАМОН ва ТАДРИЖ

Й.Ф.Раҳматов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти докторанти.

Мақоллар барча халқларнинг оғзаки ижодида асосий ўринни эгалловчи кичик жанр саналади. Мақоллар ихчам шакл, кенг мазмунга эгаллиги билан бошқа халқ ижоди намуналаридан ажралиб туради. Унда халқ дунёқараши билан бирга миллий тафаккур ўз аксини топади. Мақолларлар халқ тафаккурининг қаймоғи сифатида узоқ тадрижий жараёни кечиради. Улар вақт ўтиши билан ҳам шаклий ҳам маъновий такомилга эга бўла боради. Мақоллар оғзаки ижод намунаси бўлгани боис уларнинг эволюциясини бевосита анализ қилишнинг иложи мавжуд эмас, шунинг учун мақолларнинг ривожланиши ва маъновий тараққиётини ўрганишнинг энг мақбул йўли мумтоз адабий ёдгорликлар таркибида сингдирилган мақолларнинг қиёсан ўрганишдир.

1. Мақолларнинг қўлланиш даврини аниқлаш ва уларни ўзаро солиштириш. Мақоллар жуда қадимий жанр бўлгани билан уларнинг қадимийлигини кўрсатувчи манбаалар ҳам ёзма адабий ёдгорликлар саналади. туркий халқларнинг энг қадимги ёзма ёдгорликлари эса, V-VIII асрда пайдо бўлган тош битиклардан бошланади. Демак, биз халқ мақолларининг дастлабки намуналари сифатида шу ёдгорликларга таянамиз. Бироқ X асрнинг комусий олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғоти-т-турк” асари халқ мақолларининг даврий тадқиқи учун асосий манбаа саналади. Унда уч юздан ортиқ мақол жамланган бўлиб, олим бу мақолларни узоқ йиллар давомида туркий халқлар орасида юриб йиғганлигини таъкидлайди⁷¹. шундай экан девондаги мақоллар билан кейинки даврда яратилган адабий ёдгорликлар таркибида қўлланган мақоллар мақоллар эволюциясини ўрганишда кенг йўл очади. XV-XVI асрнинг мутафаккир шоири Алишер Навоий ижоди халқ мақолларининг такомиллашуви ва ривожланиши учун улкан хизмат қилди. Буюк шоир Алишер Навоий ўз асарларида халқ мақолларини қўллаш баробарида, уларнинг янги-янги вариантларини юзага келишига сабаб бўлди. Унинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хайрат ул аброр” каби панднома асарларида қўлланган ҳикматли сўзлар кейинчалик халқ мақолларига айланиб кетди. Кейинги даврларда яратилган “Бобурнома”(XVII), “Шажарайи Турк”, “Шажарайи тарокима”(XVIII) “Зарбулмасал”(XIX) каби асарлар ва шу давр ичида яратилган туркигўй шоирларнинг шеърий девонларида қўлланган мақолларни қиёслаш уларнинг даврий эволюциясини ўрганишда яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз.

2. Халқ мақолларининг шаклий ва маъновий такомиллашувини ҳам тадқиқ этишда ёзма ёдгорликларнинг аҳамияти катта. Мақол лисоний бирлик сифатида маълум бир даврда шакилланади, бироқ унинг мазмуний тараққиёти доимий равишда ривожланиб, теранлашиб боради. Мақоллар образли тафаккур хулосаси бўлиб, доимий замон билан ҳамнафас яшайди. XI асрда яратилган мақол мазмуни ўша даврда хизмат қилган мантиқини сақлаб қолмайди. Ҳар қандай мақол ўзи қўлланадиган даврнинг ижтимоий турмуши ва жамияти билан ҳисоблашади. Шу давр ижтимоий ҳаётига муносабат билдириш воситаси сифатида маъновий такомиллашади ва даврга мослашади. Бу мақолларнинг маъновий эволюциясини тадқиқ этишда ёрдамлашади. Жумладан, бир пайтлар жамият билан боғлиқ юзага келган мақоллар мазмунан янги давр талабига жавоб

⁷¹ Қаранг. Маҳмуд Қошғарий. Девони луғоти-т-турк. Тошкент. Фафур Фулом. 2017. 14-б.

бермайди ва у ўша давр мақоли сифатида эскиради. Бироқ баъзи мақоллар мазмунан янги давр ҳаёти учун сабоқ вазифасини ўтайди ва у янада такомиллашади, балки мақолларнинг янгидан янги вариантларини ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

3. Мақоллар чуқур фалсафий мазмунга эга бўлиб, ёзма адабиётда улардан фойдаланишдан маълум бир мақсад кўзланади. Мумтоз адабиёт вакиллари ўз ижодий жараёнида халқ мақолларига қайта-қайта мурожаат этадилар. Бунинг сабабини аниқлаш тадқиқотнинг янги бир вазифасини белгилаб беради. Халқ мақоллари ўткир мазмунли ва қатъий ҳуқумга эгаллиги билан ҳеч бир замонда эътирозга учрамайди, балки халқ ўз фикрининг жўяли эканини исботлаш мақсадида халқ мақолларидан фойдаланади. Мумтоз адабиёт вакиллари ҳам ўз асарларида халқ мақолларини қўллашдан уч муҳим мақсадни кўзлайдилар. а) Ижодкор бадий тафакурда етилган ғоявий фикрнинг тасдиқлаш мақсадида; б) Бадий асарда образ яратиш ва унинг характерини шакллантириш мақсадида; с) бадий асар мазмунини бойитиш ва бадий сайқаллаш мақсадида.

Мақоллар дастлаб алоқа аралашув воситаси сифатида шаклланган барқарор бирикма бўлиб, ёзма адабиётга бадий восита сифатида кириб келган, унинг чуқур мазмундан ижодкорлар тайёр материал сифатда фойдаланган. Уларнинг қўллаш жараёнида ўз даври тил хусусиятларига мослаган ва унинг мазмунан бойитишга ҳаракат қилган. Шу асосга кўра биз мақолларнинг тадрижий эволюциясида икки асосий ўзгаришни кузатишимиз мумкин.

1. Шаклий такомил –яъни, ижтимоий тил доимий ҳаракатда бўлиб вақт ўтиши билан тил фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан ўзгариб бориши табиий ҳол. Жумладан мақоллар ҳам лисоний бирлик сифатида сўз каби шаклий жиҳатдан ўзгаради. Бундай ҳолатда мақол мазмунини сақлаган ҳолда шаклий тадрижга ега бўлади.

“Девони луғоти-т турк” асаридан ўрин олган *“Yi;parli;g` kesu;rgu;din yi;par ketsa;, yi;di; qali;r”*(340) мақолга эътибор қаратамиз. Мазкур мақолнинг яратилиш даври номаълум, бироқ ёзиб олинган даври XI аср. Мазкур мақол девонда икки вариантда қўлланган. 1) *“Yi;parli;g` kesu;rgu;din yi;par ketsa;, yi;di; qali;r – мушк идишида мушк тугаса ҳам, ҳиди қолар⁷²”* бу мақол бойлиги қўлдан кетиб, юқи-юрунигина қолган бўлса ҳам, бирор нарса сўралса, унда топилаверадиган киши ҳақида айтилади(340). 2) *“Kizda:ki kiz yi:par – мушк ҳиди мушк қутида сақланиб қолади [“Ипор ҳиди ипор сандигида сақланиб қолади”]. Бу сўз хотинлар оғзининг ҳиди мушкка ўхшатиш вақтда қўлланади. (135)(Мақоллар изоҳи*

⁷² Маҳмуд Қошғарий. Девони луғоти-т-турк. Ғафур Ғулом. Т. 2017. 340.б.

Маҳмуд Қошғарийнинг мазкур асари дастлаб тилшунос олим С. Муталлибов томонидан 1961-1967 йилларда нашрга тайёрланган. “Девони луғоти-т-турк” тўртта китобда нашр қилинган бўлиб, I,II китоблар 1961 йил нашр қилинган, III китоб 1963 йилда нашрдан чиққан, асарнинг индекси 1967 йилда Ўзбекистон фанлар академияси нашриётида нашр қилинган. Олимнинг та’кидлашича: “Биз ўз таржимамизда девоннинг 1333 йилда Истамбулда босилган босма нусхасига асосландик. Ҳолибуки таржимада энг ишончли қўлёзмага асосланиш зарур еди. бироқ бу қимматли ёдгорликнинг бизгача йетиб келган ягона қўлёзма нусхаси Истамбулда сақланиб, биз ундан фойдалана олмаганимиз учун шу босма нусхага асосланишга мажбур бўлдик. Асарнинг босма нусхасида кўр хатоларга йўл қўйилган” I китоб 5 бет.. Асарнинг тўлиқ талқини иккинчи марта 2017 йил шарқшунос олим Қ. Содиков томонидан нашрга тайёрланган. Китобнинг сўз бошисида олим шундай ёзади: “Китоб С. Муталлибовнинг таржимаси асосида қайта ишланган тўлдирилган, ўзгартиришлар киритилган мукамал нашри. Янги нашрни тайёрлашда асар қўлёзмасига таянилди. Туркийшуносликда ўша давр туркийсига бўлган янги қарашлар, асарнинг сўнги йиллардаги талқинларини инобатга олиб, аввалги нашрда йўл қўйилган камчиликлар тузатилди, тушиб қолган ўринлар тикланди. Асарда берилган туркий мисоллар қўлёзмага бирма-бир солштирилиб, транскрипсияга қайта ўгириб чиқилди”. кўринадики, бугунги кунда қўлимиздаги “Девони луғот-т-туркнинг энг мукамал нусхаси 2017 йил Ғафур Ғулом нашриётидан чиққан нусхаси саналади. Шу боис биз ҳам шу китобга асосландик ва керакли ўринларда 1961 йилги нашр билан муқойса қилиб ўрганишга ҳаракат қилдик.

Маҳмуд Қашғарийга тегишли)“ демак бу мақол, Маҳмуд Қошғарий ёзиб олгунга қадар ҳам, эволюцион ривожланишда бўлган.

Биринчи мақол таркибида иштирок этган сўзлар ўша даврнинг жонли тилига хос қадимги туркий тилга мансуб сўзлардир. Мақол грамматик жиҳатдан икки компонентли, гап қурилиши жиҳатдан тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап тарзида шаклланган. Олти сўздан иборат.

Yi`parli`g` (Jiparlig`)- ифорлик – мушк – ясама от – лик қўшимчаси билан ясалган

Kesu`rgu`din (Kesurgudin) – идиш – чиқиш келишигидаги от

yi`par - ифор туб от

ketsa;- шарт майлидаги феъл, эргашган қўшма гап таркибидаги тобе боғланишни вужудга келтирган.

yi`di` (jidi)- ҳиди – III шахс эгалик шаклини олган от

qali`r - қолар - сифатдош шаклидаги феъл.

Мақолнинг иккинчи вариант биринчисига нисбатан ихчам, яъни у бир компонентли содда гап, таркибидаги сўзлар ҳам учта: **Kizda:ki kiz yi`par** - мушк ҳиди мушк қутида сақланиб қолади. (135)

Kizda:ki – қутидаги – замон-макон шаклидаги от

kiz – қути – бош келишик шаклидаги от

yi`par – ифор(ҳид)- бош келишигидаги от. Мақол қадимги туркий тил граматикаси асосидаги гап қурилишига эга бўлиб, биринчи мақолнинг ихчам шакли саналади.

Маҳмуд Қошғарий девон муқаддимасида шундай дейди: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим⁷³” кўринадики, мақоллар ҳамма замонларда ҳам ўз тадрижий ривожига эга бўлган. Мақолларнинг яшаш тартиби оғзаки бўлиб, оғздан оғзга ўтиш жараёнида турли вариантларга эга бўлиши мумкин, қуйидаги мақол ҳудудий вариантлашув ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлган. Одатда, мақоллардаги вариантлашув икки асосда содир бўлади: а) ҳудуд билан боғлиқ вариантлашув, ёки давр ўтиши билан боғлиқ вариантлашув. Девонда қўлланган “ **Yi`parli`g` kesu`rgu`din yi`par ketsa`, yi`di` qali`r**” ва “**Kizda:ki kiz yi`par**” мақоллари ҳудуд билан боғлиқ вариантлашувдир. Олим тақидлаганидек турклар яшайдиган кўп ўлкаларда бўлгани ва улардан мақолларни ёзиб олгани учун девондан бир мақолнинг икки кўриниши ўрин олган. Мақолларнинг янги вариантларининг ҳосил бўлишида вақтнинг ҳам аҳамияти катта.

Мазкур мақол кейинги даврларда ҳам кенг истемолда бўлган, жумладан, Алишер Навоий даврида ҳам ўз мавқеини йўқотман, бироқ тадрижий эволюция натижасида мақол такомиллашиб борган:

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд

Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машҳур эрур⁷⁴.

Байтда қўлланган “**Мушк исин яшурса бўлмас**” мақоли биз юқорида қайд этган мақолнинг XV асрда қўлланган шакли саналади. Мақол ёзма адабиётга кўчар экан у адабиёт қоидаларига бўйин эгади ва асл шаклини сақламайди. Мақол бадиий асар таркибида ижодкор мақсадидан келиб чиқиб қўлланади ва байт вазни ва оҳангига мослашади. Бироқ мақолнинг мазмуний мантиғи сақлаб қолинади. Боис ижодкор мақол

⁷³ Маҳмуд Қошғарий. Девони луғати-т-турк. “Ғафур Ғулом”, Тошкент, 2017. 340-б

⁷⁴ Алишер Навоий. Ғаройиб ус сиғар, 179-ғазал, “Фан”, Тошкент, 1987.162-б.

ёрдамида ўзи айтаётган фикрнинг қимматини ва асар бадииятини оширади. Мақол XI асрда ҳам жонли тилда кенг қўлланган. Шу боис, Алишер Навоий ғазалида мазкур мақолга нисбатан “бу масал машхурдур” дейди. XI асрда қўлланган “*Kizda:ki kiz yi`par*” мақоли XV асрга келиб “*Мушк исин яшурса бўлмас*” шаклига келган. Кўринадики, мақол тўрт аср давомида грамматик структура жиҳатдан бир компонентлигини сақлаб қолган бўлса ҳам, гап қурилиши ва лексик жиҳатдан фарқланади. Бу ҳол мақолнинг шаклий эволюциясини кўрсатади.

Мақоллар доим ҳам даслабки ифодалаган мазмунида қатъий қолмайди. Унинг образли ифодаси қўлланаётган давр таффақурига кўра шу даврга мослашади. Даслабки мазмунига қўшимча фалсафий мушоҳада қўшилади. “*Kizda:ki kiz yi:par*” мақоли Маҳмуд Қошғарий изоҳига кўра “*Бу сўз хотинлар оғзининг ҳиди мушкка ўхшатишган вақтда қўлланишиши*” мазунини берса, Алишер Навоий ғазалида ўзгача мазмун касб этади.

Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,

Ҳар сари қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд

Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машхур эрур⁷⁵.

Ғазалда ёрнинг гўзал тасвири баён этилар экан, аввал унинг жамоли қуёшга, юзи ойга тешбеҳ қилинган, қора сочлари ошиқ бағрини ўртагувчи золимга ўхшатилади ва мақол юкоридаги фикрларга ҳамоҳанг тарзда бу гўзаллик олдида ошиқнинг оғир аҳволин яширишнинг имкони йўқлиги тасдиқланади. Яъни ғазалда мақолнинг бошқа бир мазмуни кашф этилади. “*чин ошиқлик савдосини яширишининг иложи йўқ*” мазмунидаги фикр туғилади.

Мақол кейинги даврларда ҳам ўз мавқеини йўқотган емас. “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида, унинг икки вариант қайд этилади.

Ипор иси сандиқдан кетмас,

Ипор исини яшириб бўлмас⁷⁶ Кўринадики, мақол узоқ муддатли даврий эволюция натижасида ихчам шакл ва мукамал мазмунга эга бўлган. Мақоллар бугунги кунда, “*қилинган хайрли ва яхши иш асло унитилмайди*” ва “*яхшилик, ёки ҳимматни ел орасида яшириб бўлмайди*” каби мазмунларда қўланиб келинади

Хуллас, халқ мақоллари узоқ тадрижий эволюция натижасида сайқал топиб бораверадиган оғзаки ижод намунасинидир.

- Мақоллар вақт ўтиши билан икки асосда такомиллашиб боради: шаклий такомил ва маъновий такомил.
- Мақолларнинг эволюцион ривожланисида мумтоз адабиётнинг ўрни бекиёс, халқ мақолларнинг эволюциясини тадқиқ етишда мумтоз адабиёт асарлари муҳим манба вазифасини ўтайди.
- Мумтаз адабиёт вакиллари асарларида халқ мақоллардан фойдаланар экан, уларни ўз мақсадлари ва адабиёт қоидаларига бўй сўндириб, ижодий фойдаланади.
- Мақоллар қўлланилиш макони ва замонига қараб, шу давр ижтимоий ҳаётига мослашади ва дидактиклик хусусиятини йўқотмайди.

⁷⁵ Алишер Навоий. Ғаройиб ус сиғар, 179-ғазал, “Фан”, Тошкент, 1987.162-б.

⁷⁶ Ўзбек халқ мақоллари.”Фан”, Тошкент. 1987, -200-б.

FITRAT IJODINI O'RGANISHDA TEST TOPSHIRIQLARIDAN FOYDALANISH



Safarova H.O., филология фанлари номзоди,
BuxDU o'zbek adabiyoti kafedrasasi dotsenti,
Гули Qayumova, BuxDU IV kurs talabasi

Bugungi globallashuv davri har bir jarayonga tezkor yangi usul bilan yondoshuvni talab qilmoqda. Ta'lim sohasi ham ana shunday rivojlanib borayotgan sohalar sirasiga kiradi. Bugungi o'qituvchi har bir darsini yangi pedagogik texnologiyalar va interfaol usullar bilan tashkil qilishi lozim.

"Ta'lim to'g'risida"gi qonun hamda "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da belgilab qo'yilgan me'zonlar asosida ta'lim samaradorligini oshirishga erishish har bir pedagog oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Shunday ekan har bir o'qituvchi yoshlar dunyoqarashini o'stiradigan ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanishi hamda "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da belgilanganidek, ta'limning yangi shakl va uslublari, o'quv, shu jumladan, differensiyalashgan dasturlarini amaliyotga joriy etishi zarur.

Ma'lumki, Fitrat hayoti va ijodi bilan tanishish umumta'lim maktablarida faqat 11- sinf [1,4] doirasidagina ko'zda tutilgan. Fitrat hayoti va "Abulfayzxon" dramasi o'rganish uchun jami uch soat ajratilgan. Oldindan shakllangan odat bo'yicha aksar o'qituvchilar ajratilgan soatlarning birinchisini adib hayotini o'rganishga bag'ishlaydilar. Bu borada Q.Yo'doshev va V.Qodirovlarning "7- sinf adabiyot darsligiga o'qituvchilar uchun metodik qo'llanma"da shunday fikrlar keltirilgan: "Yozuvchining umr bayoniga doir ma'lumotlar bilan o'quvchilarning mustaqil tanishib olishlari va tarjimai holini o'rganishga o'qituvchi alohida vaqt sarflamasligi ko'zda tutiladi. Juda zarur deb bilgan o'qituvchilar ijodkor hayotiga doir darslikda bo'lmagan ma'lumotlariga bayon etishlari mumkin. Bu hol bolalarda adib shaxsiga nisbatan hurmat ortishiga sabab bo'ladi va uning asarlariga qiziqish uyg'otadi. Shunda ham bu ma'lumotlar adibning o'rganilayotgan asarini tahlil qilish davomida asqotadigan bo'lishini ko'zda tutilishi kerak. Afsuski, ko'pchilik kasbdoshlarimiz darslikda yozib qo'yilgan biografik ma'lumotlarni aytib berishga butun boshli birinchi soatni sarflashga odatlanishgan" [2,5].

Ayni shu nuqsonlarning oldini olish uchun 9-sinf o'quvchilariga Fitrat hayoti va ijodini o'rganishga bag'ishlangan 1- soatda test topshiriqlari katta foyda beradi. Chunki mavzuni uyda o'qib-o'zlashtirib kelish topshiriladi. Vazifa "Kvadrat test" metodi orqali so'rab olinadi. Masalan:



O'quvchi belgilangan o'q (strelka) bo'yicha mantiqiy bog'liqlikni hisobga olgan holda "???" So'roq belgisi o'rniga kerakli ma'lumotni yozadi.

Bajarilishi: 1886- yilda qanday voqea bo'lgan. Voqea bo'lgan joy Buxoradagi sarrof oilasi.

Javob: shu yil Fitrat dunyoga kelgan.

Noan'anaviy "Kvadrat test" usuli o'quvchilarning mantiqiy fikrlashini o'stirish uchun qulay metod hisoblanadi.

Dars boshlangach uyga vazifa tekshirib olinishi shart. Biroq, bu jarayon uzoq va zerikarli bo'lmasligi kerak. Uyga vazifani tekshirish uchun qulay usullardan biri "Tezkor yoki ekspress testlari" hisoblanadi. Bu usul quyidagicha amalga oshiriladi: Testlarning soni mavzu ko'lamiga qarab 5 yoki 10 ta bo'ishi mumkin. Bu testlar har partaga bir nusxadan tarqatiladi.

1. Fitratning she'riy to'plami nomi berilgan qatorni belgilang?

- A. "Munozar" B. "Sayha"
C. "Bedil" D. "Qiyomat"

2. Fitrat Sank-Peterburgdagi Sharq tillari institutida qaysi fanlardan dars bergan?

- A. Arab B. Fors
C. Turk D. Barcha javob to'g'ri

3. Fitrat qaysi gazeta muharrirlik faoliyatini olib borgan?

- A. "Sadoyi Turkiston" B. "Oina"
C. "Hurriyat" D. "Ma'rifat"

4. Fitratning Istambulda yozgan asarlarini toping.

- A. "Munozara", "Sayha" B. "Abulfayzxon"
C. "Adabiyot qoidalari" D. "Shashmaqom"

5. Fitratning maktab o'quvchilari uchun yaratgan asari qaysi?

- A. "Sarf" B. "Nahv"
C. "Abulfayzxon" D. "Adabiyot qoidalari"

Testlar tarqatilgach quyidagi ko'rinishdagi javob varaqalari tarqatiladi.

T/r	JAVOB VARIANTLARI (to`g`sini bo`yang)			
1	A	B	C	D
2	A	B	C	D
3	A	B	C	D
4	A	B	C	D
5	A	B	C	D

O'quvchi o'zi to'g'ri deb o'ylagan javob turgan katakchani bo'yaydi. Butun boshli jarayon uchun testlar soniga qarab 5 daqiqa yetarli. Bu metod davomida barcha o'quvchilar dars jarayoniga qamrab olinadi.

2-soatda badiiy asar matni ustida ishlashda asar tili ham chetda qolmasligi kerak. Sababi asar tili davr va makon ruhini berib turadi. Ayni shularni o'quvchiga singdirish uchun Fitratning "Abulfayzxon" dramasi matni ustida ishlashda "Express testlar" usuli katta yordam beradi. Bu metodni bir necha turlari mavjud bo'lib biz o'tayotgan mavzuga "Zanjirli test" mos keladi. Metodning sharti quyidagicha:

Asar matnidani olingan parchalarda so'zlar tushirilib qoldiriladi. O'quvchining vazifasi bu o'rinni berilgan so'zlarning mosi bilan to'ldirish. Masalan:

1.Xon: el boshlig'i bo'lg'an beklarim meng'a qul(bo'lmaydilar, bo'lmaylar, bo'lmoqchi emas)

2.Bir uyg'a kirgizdim. Unda(berkinib, yashirinib, yoshirinib) turg'on ikki kishi birdan chiqib yopishdilar. Biroz talashgandan so'ng, boshini kesdilar.

3.Rahimbiy: Otaliq.....(biy, amak, amaki) meni qutlamaysizmi?
Ibrohimbiy: Sizni nega qutlay ekan jiyani?

4.Xayol: (Taxtga qarab) sen fazilatlik bilimlarning qo'l, qanotini uzib tashlading. Inju tizguchi adiblarning qalamlarini o'choq (oloviga, kuliga, supurgisiga) aylantirding.

5.Dalaning erkini, shaharning tinchini, erlarning.....(hayotini, kuchini, g'ayratini), xotinlarning qismatini talatding.

6.Ey qora yurakli(ajdar, boyqush, tulki), bugun senga qolgan vayronani qutlamoq uchun keldim.

7.Insoniylik dunyosi, esini bir yonga to'plab, o'z(ishiga,masalasiga, haqiga) o'zi ega bo'lguncha , sen ham, sen kabilarning ham ixtiyoringizdadir.

8.Ulfat. Hanuz bir narsa demagan, biroq.....(Eron qo'shini, el, arab qo'shini) boshliqlari Rahimbiy sizni o'ldirib qo'ymasin, deb qo'rqalar.

Buhday testlardan foydalanish o`quvchining psixologik, fiziologik, shaxsiy xususiyatlarini, salohiyati va qobiliyatini baholashda xizmat qiladi.

Bugungi kunda innovatsion ta`lim texnologiyalari vositasida umumta`lim maktablarda Fitrat hayoti va ijodini o`rganishda interfaol metodlardan biri hisoblangan testlardan foydalanishning o`ziga xos afzalliklari ham bor. Ular quyidagicha:

1.Zamonaviy ta`limni tashkil etishda qo`yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishish;

2.O`quvchilarning ma`lum mavzu asosidagi bilim darajasini tezkorlikda aniqlash.

Xulosa qiladigan bo`lsak, bu afzalliklar pedagogning dars sifati va samaradorligini oshirishda xizmat qiladi.

Adabiyotlar ro`yxati:

1.B.To'xliyev va boshq. Adabiyot. 11- sinf uchun darslik. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2018.

2.Q.Yo'doshev, V.Qodirov. O'qituvchi kitobi. 7- sinf adabiyot darsligiga o'qituvchilar uchun metodik qo'llanma.- T., 2009.

BIR G'AZAL ASOSIDA ESKI O'ZBEK TILINING LEKSIK XUSUSIYATLARI

Zarina Sayliyeva, o'qituvchi,
BuxDU O'zbek adabiyoti kafedrası

«G'aroyib us-sig'ar»dagi 2-g'azalda 159 so'z ishtirok etib, 118 ta so'zdan foydalanilgan. Bu Alisher Navoiyning yuksak san'atkorligidan dalolat beradi. 118 ta so'zdan hozirgi oddiy kitobxon uchun notanishlari 22 ta. Bu so'zlar va ularning lug'aviy ma'nosi quyidagicha (g'azalda qo'llanilish tartibiga ko'ra):

1. zihi - sabali (bog'lovchi)
2. zuhur - ko'rinish, paydo bo'lish(ot)
3. savdo - fikr, o'y-hayol(ot)

4. kavnayn - ikki olam(ot)
5. otashgoh - o'txona(ot)
6. samandar - afsonaviy qush(ot)
7. sun'(ung) - yasash, yaratish
8. uzor - yuz, chehra(ot)
9. muzmar – yashirin(ravish)
10. xoro – qattiq tosh (ot)
11. partav – nur(ot)
12. gulsiton – yorug'(sifat)
13. xaliloso – Ibrohim payg'ambar
14. malohat – yoqimli(sifat)
15. sarvqad – uzun bo'y(sifat+ot)
16. zeb –ziynat(ot)
17. zebo – go'zal(sifat)
18. inzavo – cheklanish(fe'l)
19. xalq – yaratmoq(fe'l)
20. qoni' – qanoat qiluvchi(ot)
21. hamd – maqtov
22. vasf – ta'rif

Asarda shaklan hozirgi o'zbek tilida mavjud bo'lib, ma'no jihatidan tubdan farqlanuvchi so'z – savdo so'ziginadir. Bu so'z hozirgi o'zbek tilida savdo-sotiq ma'nosida qo'llanilsa, Navoiy davri tilida fikr, o'y- hayol ma'nolarini anglatadi.

G'azal leksikasi Navoiyning juda ko'p so'zlarni ko'chma, metonimik , metoforik ma'nolarda qo'llagani haqida dalolat beradi. Chunonchi, bozor so'zini kavnayn bozori birikmasida – hayot tarzi, hayot tashvishlari ma'nosida; otashgoh –otashdan, o'txona so'zini chaman otashgahi birikmasida - hayot bog'I ma'nosida beradi.

qizarmoq – uyalmoq;

sorg'ormoq – xafa bo'lmoq; ochinmoq;

gul so'zi jannat guli birikmasida ishlatilinish, eng oliy, go'zal mavjudot ma'nosida; tikan – tuban narsa, jannat gulining antonimi sifatida ishlatilgan.

Alisher Navoiy badiiy san'atlarni namoyish qilishda leksik imkoniyatlardan o'ta unumli foydalanadi. Asarning 9 va 10-baytlaridagi zebo va qanoat so'zalaridan unumli foydalanib, qalb san'ati asosida hayratangiz usullar bilan murakkab falsafiy ma'nolarni ifodalashi buning yorqin dalilidir. Chunonchi, Navoiy zebo so'zining yozilishida زيب(zeb) – pardoz, ziynat so'zi (alif) harfining yonida kelishidan yuksak san'at bilan foydalanadi. ا (alif) – go'zal , sar qad ramzidir. Shoir 9-baytda Haq (alif) day qadu-qomatning o'z go'zalligi bilan chegaralanmay, unga zebu-ziynat bag'ishlaganligi natijasida zebo bo'ldi, Ya'nikim, زيب + ا dan زيبا so'zi hosil bo'lishini ta'kidlamoqda. “Zebo” – “زيبا” so'zi zeb berilgan sarv qomat ma'nosida kelgan.

Xuddi shunday mahoratni buyuk mutafakkir 10-baytda ishlatib, qanoat so'zining ma'nosini ochib beradi, Arabchada qanoat “ه” hoyi hutti bilan ya'ni “ت” siz yoziladi: قناعه va ko'p hollarda “qano'a” deb o'qiladi. Qanoat – o'zni tiyish, boriga shukr qilish demak. Inzavo – cheklanish , yashirinish, behuda tashvishlardan o'zni chetga olish, huda-behuda ishga aralashmaslik degani.

Qanoat so'zi ع ا ن ق va ba'zan o'qilmaydigan ه harflaridan iborat. Xuddi ana shu harflar عناق (anqo) so'zi tarkibida va قناع(qoni') – qanoat qiluvchi ma'nosidagi so'zda ham uchraydi.

Ushbu bayt bilan Alisher Navoiy qanoatlikning mohiyati huda-behudalikka aralashmaslik , o'zni cheklashda deya ta'kidlamoqda.

Umuman olganda, Alisher Navoiy ushbu g'azali bilan so'zdan unumli foydalanishning yuksak mahoratini namoyish eta olgan.

3.G'azalning ayrim morfologik xususiyatlari.

G'azalda hozirgi o'zbek tilidan farqlanadigan morfologik ko'rsatgichlar sanoqlidir. Bular (asarda qo'llanilgan tartibda):

1.Chiqish kelishigining –din shaklida qo'llanishi:

- 1)zuhuridin (1-bayt);
- 2)guldin (3-bayt);
- 3)o'tdin (3-bayt);
- 4)ondin (4-bayt);
- 5)nedin (6-bayt);
- 6)o'tidin (6-bayt);
- 7)yuzungdin (6-bayt);
- 8)nedin (7-bayt);
- 9)yoshidin (7-bayt);
- 10)partavidin (8-bayt);
- 11)nedin (8-bayt);
- 12)harfidin (10-bayt).

2.Kesimlik qo'shimchasining –durur shakli.

- 1)mushkuldurur (2-bayt).

3. So'roq olmoshining ne shakli.

- 1)ne (5-bayt);
- 2)nedin (6-bayt);
- 3)nedin (7-bayt);
- 4)nedin (8-bayt).

4. Tushum kelishigining –n shaklida ishlatilishi.

- 1)o'zin (8-bayt);
- 2)qomatin (9-bayt);
- 3)dalilin (10-bayt);
- 4)vasfin (11-bayt).

Qolgan qo'shimchalardagi hozirgi o'zbek tilidan farqli xususiyatlari –ib o'rnida –ub, -ing o'rnida –ung , -ga o'rnida -g'a morfologik xususiyatlar bilan bog'liq bo'lmay, fonetik singarmonizm bilan bog'liqdir.

«G'AROYIB US-SIG'AR»DAGI 2-G'AZALNING FONETIK XUSUSIYATLARI

Zarina Sayliyeva, o'qituvchi,
BuxDU O'zbek adabiyoti kafedراس

Alisher Navoiy eski o'zbek tilining fonetik imkoniyatlarini chuqur bilgan. O'zining “Muhokamat ul-lug'otayn” asarida ham buyuk mutaffakir EO'Tning fonetik xususiyatlari

borasida to'xtalib, she'r tuzish va qofiyalashdagi qulayliklarni e'tirof etib, tildagi unilarning cho'ziq va qisqaligi aruz vazni talablariga juda mos kelishini ta'kidlaydi.

G'azalda "i", "u", "o", "e", "a", "o" unililarini ajratish mumkin. "o" va "a" unililari asarda o'zaro almashinib turadi. Asarda "u" va "o" unililarining qattiq va yumshoqligi jihatidan farqlanuvchanligi kuzatilmaydi. Vaholanki, tadqiqotchilar Ne'matov, Abdullayev, Borovkov, Doniyorov, Rustamov, Umarovlar Navoiy asarlarida bu unilarning qattiq va yumshoq ko'rinishlari borligi haqida fikr yuritadilar.

G'azal materiallari asosida Navoiy tilida istagan unlining "o"dan tashqari cho'ziq va qisqa talaffuz etilishi mumkinligi haqida xulosa chiqarish mumkin. Aruz vazni buni isbotlovchi muhim omildir. Biz quyida har bir unlikning cho'ziq va qisqa talaffuziga misollar beramiz.

1. "i" unlisi.

a) cho'ziq o'qilishi holatlari:

-hi(1-r), ri(2-r), -din(2-r), kim(3-r), bir(4-r), -ri(7-r), -ni(9-r), kim(12-r), -g'ing((14-r), pin(14-r), -g'ing(15-r), pin(16-r), -hi(18-r), -shin(19-r), din(19-r), ding(20-r), din(22-r), ti(23-r), li(24-r), din(28-r), ming(31-r), -li(32-r), shi(33-r), zi(37-r), sing(38-r), din (41-r), ishq(42-r), bi(44-r), miq(44-r), din(45-r), ri(46-r), di(48-r), ming(49-r), ni(49-r), shi(50-r), rin(50-r), bi(51-r), qil(51-r), ding(52-r), din (53-r), ning(55-r), din(56-r), ling (57-r), vi(58-r), din(58-r), ti(59-r), ich(62-r), zin(63-r), li(64-r), bir(65-r), tin(68-r), ni(68-r), bir(70-r), lif(71-r), ni(71-r), ding(72-r), ning(73-r), li(74-r), lin(74-r), in(74-r), qil(75-r), ding(75-r), bir(76-r), lil(77-r), fi(79-r), din(79-r), ding(80-r), qil(84-r), iy(81-r), til (82-r), bir(82-r), ning(83-r), ding(83-r), li(86-r), fin(86-r).

Jami:75 ta

b)g'azalda qisqa "i" unlisining o'qilishi holatlari.

-zi(1-r), bi(6-r), li(12-r), li(14-r), li(16-r), qi(26-r), ki(29-r), g'i(30-r), si(31-r), di(34-r), si(36-r), si(38-r), ni(39-r), ti(43-r), ki(44-r), g'i(47-r), ish(56-r), si(60-r), ki(69-r), ki(78-r), fi(79-r), si(82-r), ti(85-r), qi(87-r).

Jami:24 ta

2. "u" unlisining o'qilish holatlari.

a)cho'ziq o'qilishi holatlari

hus(1-r), nung(1-r), hu(2-r), shub(3-r), mush(10-r), kul(10-r), rur(11-r), rur(13-r), gul(19-r), kul(22-r), rur(28-r), sun'(29-r), ung(29-r), ul(30-r), gu(35-r), nun(36-r), gu(37-r), guz(39-r), gul(41-r), bul(43-r), bul(43-r), zung(45-r), gul(47-r), Uz (48-r), muz(52-r), lur(54-r), gul(59-r), lur(63-r), tuz(66-r), dung(66-r), mun(69-r), ush(77-r), lur(87-r), gup(87-r), rur(88-r), bul(23-r).

Jami: 36 ta

b)"u" unlisining qisqa o'qilishiga misollar

zu(2-r), tu(3-r), bu(5-r), du(11-r), chu(20-r), u(22-r), bu(24-r), qu(25-r), ru (28-r), gu(32-r), u(46-r), gu(86-r).

Jami: 12 ta

3. "a" unlisi.

a)"a" unlisining cho'ziq shakli

har(3-r), sav(4-r), sav(5-r), lar(5-r), la(6-r), kav(6-r), nay(6-r), g'av(8-r), mas(11-r), pay(16-r), man(21-r), dar(21-r), shay(24-r), g'a(25-r), gah(25-r), zar(26-r), gah (26-r), da(30-r), fat(31-r), ga(33-r), ak(35-r), gar(50-r), da(51-r), Maj(36-r), da (38-r), ak(38-r), gar(39-r), Lay(40-r), char(42-r), gar(45-r), da(47 -r), gar(50-r), da(51-r), mar(52-r), bas(53-r), la'(53-r), Far(54-

r), par(57-r), sham'(58-r), gar (59-r), mas(60-r), par(61-r), ra(62-r), hat(65-r), sar(66-r), qad(67-r), lar(67-r), la(70-r), ay(71-r), at(73-r), na(76-r), ham(76-r), har(78-r), hal(79-r), qay(79-r), an(80-r), qay981-r), la(82-r), ham(83-r), kan(85-r), jan(85-r), nat(85-r), vas (86-r), da(87-r).

Jami: 66 ta

b)"a" unlisining qisqa talaffuziga misollar

ga(4-r), da(8-r), ba(10-r), va(15-r), cha(17-r), ga(18-r), ta(19-r), sa(21-r), ga (23-r), ma(48-r), ka(49-r), a(50-r), la(51-r), ma(52-r), ja(57-r), ta(58-r), na(62-r), xa(64-r), ma(65-r), la(66-r), ma(68-r), a(71-r), la(72-r), qa(73-r), da(74-r), za(75-r), da(77-r), la(80-r), Na(81-r), ba(84-r).

Jami: 30 ta

4. "O" unlisining cho'ziq va qisqa talaffuziga misollar.

a)"o" unlisining cho'ziq talaffuziga misollar.

o't(20-r), o't(22-r), bo'l(33-r), ko'z(35-r), kuz(37-r), ko'r(39-r), qo'(42-r), o't (62-r), go'(88-r).

Jami: 9 ta

b)"o'" unlisining qisqa o'qilishiga misollar

lo'(54-r), o'(59-r), o'(63-r).

Jami: 3 ta

5. "e" unlisi.

a)cho'ziq o'qilish holatlari.

se(10-r), le(15-r), dek(21-r), be(34-r), dek(36-r), er(60-r), zeb(69-r), ze(72-r).

Jami: 8 ta

b)qisqa o'qilish holatlari.

se(9-r), e(13-r), e(28-r), ne(33-r), ne(41-r), ne(53-r), ne(61-r), se(83-r), e(88-r).

Jami: 9 ta

6. "O" unlisi.

a)cho'ziq o'qilishiga misollar.

do(4-r), do(5-r), bo(7-r), zo(7-r), g'o(8-r), top(9-r), moq(9-r), top(11-r), g'o (12-r),son(12-r), do(13-r), hon(14-r), hon(15-r), do(16-r), o(17-r), o(18-r), sol(20-r), bot(23-r), do(24-r), moq(26-r), g'or(27-r), on(28-r), bo(29-r), bor (30-r), no(32-r), o(34-r), ro(34-r), lo(40-r), Vo(44-r), zo(46-r), bo(46-r), och (47-r),ro(48-r), lo(49-r), ho(54-r), qon(55-r), xo(56-r), ro(56-r), mo(57-r), ton(60-r), vo(61-r), so(63-r), o(64-r), so(64-r), lo(65-r), qo(67-r), doq(69-r), bo(72-r), no(73-r), vo(75-r), qo(78-r), qo(80-r), vo(81-r).

Jami: 53 ta

b)qisqa o'qilishiga misollar.

o(42-r).

G'azal matnida "o" va "a" almashinuviga misollar.

qizarmoq-qizormoq

sarg'aymoq-sorg'ormoq

g'avg'o-g'ovg'a

G'azal matni Navoiy asarlari tilida lab garmoniyasi va tanglay garmoniyasi mavjudligidan dalolat beradi.

Asarda lab garmoniyasi hukmron bo'lgan quyidagi so'zlarni ajratish mumkin: husnung, tushub, mushkuldurur, sun'ung yuzung, tuzdung;

Lekin lab garmoniyasi qat'iy qonuniyat bo'lmay, uning buzilish holatlari ham oz emas, chunonchi: qilsun, qilurda, erur.

Asar Navoiy davrida tanglay garmoniyasi amalda bo'lganligini ko'rsatib turibdi. Shuning uchun jo'nalish kelishigi –ga va –g'a shakllariga ega. Kimga, kulga, otashgahiga, ishga – yumshoq, quyoshg'a – qattiq talaffuz qilanadigan jo'nalish kelishigiga misol bo'la oladigan shakllarni keltirishimiz mumkin. paydoliq'ing, topmaslig', pinhonlig'ing, sarg'armoqliq' – qattiqlik jihatidan farqlanuvchi “ g' ” ishtirokidagi so'zlar.

THE INTERPRETATION OF PRAISE OF ALLAH IN THE EAST LITERATURE

Mokhinur Sayliyeva, student of master degree,
Bukhara state University

Akhmad Taroziy lived and created works in the 15 th century. He emphasized calling works which devoted God like prayer. He said : “ if someone works for the god , it is called prayer” , if they do penance for one's sins , they read pray” [7, 187]. These words' means are similar to each other. And they full each other. In the research the word we arrange some definitions of the word khmad's aspects and histories. Their maintenance is assonant to these reflections. God's great power is respected and are told. These are khamds. Khamds were existent until Islam. The ancient Greece god's praises, the ‘vedas’ of induism, in the “avesto” Zardush's five songs, works which honored evil harms are ‘khamds’ Zardusht told for glorifying Ahuramazda's definitions. “ hey Mazda, hey you are the base and the progeny of great universe. Come beside us with good purpose and good aim. Give all farewell people blissful existence [1. 343]. According to the historical sources, in many east languages this name was used “ Uxra Mazd”, “Xurmuzd”, ‘Ahuroy Mazd’, in forsy language ‘Ahuramazda and Xurmuzd’. In Zardusht's five songs this name was used these three forms : “ Ahura”, “Mazda”, ‘Mazda Ahura’ . Ahura Mazda was consisted of two words, they are ‘Ahura’ and “Mazda”. The great indian folklore book “Pardjo- patiy” began the “khamd” which devoted ‘Zavron’ 's father. According to this source, Zavron was alone. He created many gods and giants with his power. In Avesto “ Kxurmuzd yasht” Akhuramazda's total names, it may get free giants. We must mention, in all religions telling god's several names is a good effect. For example, in “Avesto” Ahuramazda was described like “wise god”, “Prudent creator”, “bureaucrat” and “solar’. Also in Islam god's 99 names are argument for our mind.

There is an ode devoted to the god of sun Mitra, in Avesto.
And it brings this cart,
Four white horses
Eternal and fleet horses
Living thing which was created with its respiration
Its front leg is from golden
And its back leg is from silver
And the only tie

These four legs were made stronger
Its clean clothes are durable
It has an hook and it is stable.

According to defining G.A.Pugachenkova and L.I.Rempel that in the treasure you may see the reflection of these words which is relating in 5-4 century found from Amudarya. In that two men's appearance was became like sculpture which situated on the cart [8, 75]. The cart was joined four horses. This process went on the age of Akhamonies. According to the information of the "ancient east art" in the bronze sculpture "the god carried goat on his head" which was concerning before century 8-7 described fertileness god who gives his prizes to people. According to writings of G.A.Pugacheva, describing God's image who depended on the earth in preliminary century in the middle east went on like before. During archeological minerals in the land of ancient Sagdiana and Baktrya ceramic sculptures which woman God and the coins which was described the King of Kushan were found. Turned round love's and beauty's eternal model winged angel's image in the east poem and art. We may say according to this information, people told praises to the god who was existent in his imagination until Islam. Religious persuasions, legendary folk-lates, philosophical conceptions and aesthetic theories depended on people's life style and their activities. So our old ancestor venerated to the god who carried on his head goat and winged angels. For example, according to writing some historical source, the god of sagdiana conveyed invigorating forces of the nature. She was who depended on "Avesto" Anaxita, Ashak, Hayrvatats' collected and then various local conditions accommodated appearance. When Alayhissalom started teaching Islam, people who venerating attraction, moon, sun, historical or legendary folktale demanded that "tell us god's appearance who you demand us venerate. In reply this, "ixlos" sura and 'laysa kamislihi shay-un" verset u turns appeared. Corresponding Islom's persuasion that Allah's lineage wasn't proprietor extend like his body. His lineage wasn't characterized neither property. As the god is characterized both figure and color and suffer and taking pleasures. There isn't his similar, his partner and it doesn't become like any his created. As the god carries out his creations straight. Therefore, Allah's decision if he wants to do something, he say "be" and that thing will be carry out. At the time developing thought human started realizing that he is incapable the opposite the only Allah's power. And he asks aid before starting every thing. This heartfelt sense is described in anistically thought. Starting with Allah's praying neither poet nor prose is ancient tradition in east literature our spokesmans of classic literature went on this ritual. Their bases collide to the resoling period of Islamic beliefs. The entrance Khamds and works of east classic literature are Quroni Karim, Khadisi Sharif and ilmi akoid. The first turk oral epic is "Qutadg'u bilig" . it started with the chapter which is consisted of 32 couplets khamd [9, 51-65]. According to analized information, writing the first gazel in the devan like entrance khamds turned round successive tradition in the turk literature. Khofiz Khorazmi and Atoiy's devan was composed corresponding to this tradition. For example, Hofiz Khorazmi's devan starts with khamd which is consisted of 14 couplets and following gazal which is similar to maviza.

The god created the world from nothing ,

He did lover everybody to its beauty

We can explain maintenance of couplet like this: 'God's every thing"- Allah's aim was creating the whole world do lover everybody to its beauty, show off its beauty. The poet expressed his outlooks in a way tasavvuf settling down well-known khadisi-sharif. In next couplets of gazel

lyric hero emphasized that everybody is equal beside the God. He explain although there are many roads which carries to the god but they collide to the only essence.

If there isn't his remembrance in the paradise

Duzax is like paradise with his remembrance

Belief is superior from all things for really musulmans. And the belief is situated in the heart. Poet thinks if you live in duzax, but you remember him every minute, there will be paradise. Poet expressed logic which in this couplet through tazod and tardi aks. Next couplets of gazel was given like maviza.

If you intend to be leader for the truth

Be like alif for the love

Well-known poet Atoiy started his devan with gazel which consisted of 11 couplets [6,6]. There are many ideas about khamd and rehigious and philosophical outlooks.

Hey, showed off herself in nice people's mirror

And looked at that mirror and made me difficult "nice people's mirror" – is phrase, it was used like means pure heart nice people are concerning to enlightenment. The heart – the treasure of Allah's science and his love. Atoiy thought Allah tell his securities through " nice people's mirror". "His convert and visible securities are always obvious in 'nice people's mirror'. In the heart mirror a man who felt endless lights craves this security. Necessity is love. In the piece which was brought by Atoiy Allah's miracle- worker was respected. Poet thought that Allah made prophet Muhammad. The guilty of these miracle was Allah. According to "Islamic Aqid" was explained that prophets' power is incapable if the god doesn't want them to do something. In great poet's devan gazel occupied a special place. In every lyric devans which occupied in "Xazoyi un- ma'oni" the preliminary five gazel devoted Allah's khamd [2; 3; 4; 5]. Fifty gazels in this devan are about Allah's incapable power and his securities. in "Xazoyi un- ma'oni" fards, rubois and qit'a are like khamds. In "Devoni Foni" an appeal to the kham is most important. In forsy devan great poet's ten gazel occupied. Ruboi, qit'a, which are in the collection starts with Allah's madhi. In east classic literature Alisher Navoi was an author who started writing every group with khamd gazel. If it hadn't be like this he would not have account this in rows his own collection. Alisher Navoi expressed Allah's power's virtue through the oyats of "Qur'oni Karim" and he interpreted the beauties of life thought the aqidias of tasavvuf which occupied in the East philosophy. So Allah's creator peculiarity was respected as well as praising him in khamd gazels. Author's philosophical outlooks which about creating and creation were interpreted well in these gazels. Allah's name is situated in the center in like this gazels. The whole of existence's beauty and their perfect are present because of Allah's charm's reverberation. The interactions between the god and the human gave an account well in khamd gazels. The poet wrote that Allah is incomparable who can forgive every slaves' sins. And no one can run away from his wrath. Sinner person who spent his whole life in the public houses may hope his goodwill. But a person who spent his whole life to pray may encounter Allah's determination and his carelessness. Allah's great love, his determination and his incomparable power was characterized. In others every two world was defined managing by Allah's determination. In oter gazels the interactions between Allah and the human about philosophical observations were explained. Because of Alisher Navoi was a great poet he could use in khmd gazels picturesque conveying. Alisher Navoi created a system. He started with "Bismillahir- rahmonir- rohiym" and Alisher Navoi began his every works with religious words. Well, there was a tradition starting every work with

Allah's khamd but neither author began his work like Navoi. Navoi used khamds from fard to oral epic.

Literatury:

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарк, 2001.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-томлик, 4-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1989.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-томлик, 6-том.Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан 1990.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-томлик, 6-том. Фавойид ул-кибор. – Тошкент: Фан 1990.
6. Девони Шайхзода Атойи. С.Рафиддинов нашрга тайёрлаган. – Тошкент:Фан. 1991.
7. Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988.
8. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Москва: Искусств. 1965.
9. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971.

DILSHOD RAJAB – ADABIY ERTAKNAVIS

Salohiddinova Lobar, 1-bosqich magistranti,
BuxDU maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti

Xalq ertaklari ta'sirida yaratilgan yoki ertak janri xususiyatlariga asoslanib yozilgan muallifi aniq ertak adabiy ertak deyiladi. Adabiy ertak ingliz, nemis, rus, fransuz, arab, jumladan, o'zbek adabiyotida ham mavjud, ammo o'zbek adabiyoti vakillari XX asrga kelib adabiy ertaklar yarata boshladi. Ehtimol, ertakchiligimiz boy bo'lgani sababli adabiy ertakka ehtiyoj sezilmagandir. O'zbek adabiy ertakchiligini Abdulla Qodiriy, Abdurauf Fitrat kabi ijodkorlar boshlab bergan bo'lsalar, keyinchalik Sulton Jo'ra, Zafar Diyor, Shukur Sa'dulla, Quddus Muhammadiy, Anvar Obidjon kabi ertaknavislar rivojlantirdilar. Adabiy ertak haqida fikr yuritgan folklorshunos olim, ustoz O.Safarov [3. 20-27; 3. 71-75.], tadqiqotchi B.Ashurov [1.140.] adabiy ertak ko'rinishlarga ega ekanini ta'kidladilar, adabiy ertaklarni tahlilga tortdilar.

O'zbek adabiy ertakchiligiga hissa qo'shgan ustoz ijodkorlar safiga kelib qo'shilgan ijodkorlardan biri Dilshod Rajabdir. Shoirning “Eng buyuk boylik” “Toshning boshi” “T to'g'rida ertak”, “O'g'rining qismati” ertaklari o'quvchilarning e'tiboriga tusha oldi. Ertaklar tarbiyaviy ahamiyatga, badiiy jihatdan pishiqligi bilan e'tirofqa loyiq. “Eng buyuk boylik” ertagining sarlavhasiyoq o'quvchi e'tiborini tortadi. Dunyodagi eng buyuk boylik qanaqa ekan deb o'ylanishi tabiiy:

Qadimgi zamonlarda
Buxoro tomonlarda
O'tgan ekan adir shoh
Ham tadbirkor aql shoh [2.69.].

Shoir shohning qizini ta'riflashga tushadi. Ohorli tashbeh-u, sifatlashlarning betakrorligi o'quvchini mahliyo qiladi. Malikaning shirin so'zi tosh-u muzlarni erita oladi. Uning “Oppoq

qo`li kaftlari momiq bilan ko`rishgan”, ammo malikaning ko`rkidagi asosiy jihat aql-odobidir. Podsho, ertaklardagi kabi, pariroy, yagona qizini kimga turmushga berishi mumkinligini o`ylab, ko`p bosh qotiribdi. Oxiri qaror qilibdi:

Qay yigitning bisoti,
Boyligi bo`lsa behad.
Shoh qizin bergay unga,
Unga bo`lgay toj-u taxt [2.70.].

Ertakning tuguni ana shu satlarda yashirin. Behad boy odam kim? Podsho kimni boy sanab, qizini beradi? Shoir talabgorlar sandiq-sandiq oltin bilan kelishganini tasvirlaydi. Karvon-karvon mollarni ko`rib shoh o`yga toladi. Oqila qiziga munosib inson kim? Shoh talabgorlarni, ularning boyliklarini ko`rib yurib, hech narsasi yo`q bir yigitni uchratib, “Sen nega quruq qo`l bilan kelding?” – deganida yigit quruq qo`l bilan kelmaganini, yoniq yuragini olib kelganini aytadi. Kitobxon yigitning boyligi uning or-nomusi, sog`ligi, go`zal qalbi ekenligini his qiladi.

Topolmadim dunyoda
Kunduz yoqib shamchiroq,
Biror oltin-javohir
Sevgimdan ham qimmatroq.
Tik aytaman yuzingga,
Chin yigitlik so`zimni,
Men sevaman, qizingga
Baxsh eturman o`zimni [2.71.].

Ertak-dostonning kulminatsion nuqtasi kitobxonni hayajonga soladi. Shohning qizi yigitdan so`zidan qaytishini, rahm-shafqat so`rashini, shunda tirik qolishini aytib, qilich yalang`ochlaydi. Yigit so`zida turib, o`limiga ham rozi bo`lgach, malika yigitning poyiga tiz cho`kibdi. Shoh qizini olmos aqli, o`t qalbi bor bo`lgan shu yigitga turmushga beribdi. Shoir ertakni shu bilan yakunlaganda adabiy ertakning qadri, ehtimol u qadar yuksak bo`lmasdi. Dilshod Rajab ertak xulosasini davrga mos tarbiyaviy tarzda ifodalaydi. Aslida bu xulosa eskirmas va umuminsoniydir:

Senga ham shu ulug` baxt,
Nasib bo`lgay ey, o`g`lon.
Qilichning tig`ida ham,
Tik aytolsang so`zingni.
Va kimgadir yurakdan,
Baxsh etolsang, o`zingni [2.72.].

Dilshod Rajabning ertaklaridan biri “Toshning boshi” “t to`g`risida ertak” bo`lib, tovush va harflarning qudratini tushuntirishga xizmat qiladi. Ammo shoir tosh obrazi o`rniga tipratikan obrazidan foydalansa, ma`qul bo`lardi. Negaki, tulki toshni eyolmaydi, buni o`quvchi anglaydi.

Toshdagi “T” harfining jonlantirilishi sherxonni qiziqtirishi tabiiy, ammo tipratikandagi “T” tilga kirsa, tulki tipratikanni yeya olishiga ko`ra voqelik tabiiylik kasb etardi. Ertak qayta ishlansa juda chiroyli, mazmunli adabiy ertak yuzaga keladi:

Tabarruk qorningizdan
Joy olmoqlik baxt, axir,
Faqat bir gapni o`ylab,
Qoldim bekor g`amga man
Mensiz putur yetgusi,

Sizning ulug` nomga ham.
Ya'niki u holda siz,
Ulki bo`lib qolasiz,
Butun o`rmoningizda,
Kulgu bo`lib qolasiz [2.73.].

Shoir “T” ni mahorat bilan jonlantirganki, she`rxon qiziqsinib o`qiydi va tovushlar bo`lmasa, so`zlar hosil bo`lmasligini, noo`rin qo`llansa so`zlar mohiyatini yo`qotishini anglaydi. Ertakda tavze, ya'ni tovush takrorodan o`rinli foydalanilgan:

Tosh qotibdi shunda tosh,
Tunda ajalning o`zi.
Turar tishi g`ijirlab,
Tikib arofat ko`zin [2.74.].

Yuqoridagi satrlarda “T”, “Sh” tovushlari takror kelib, chiroyli ohang hosil qilgan. Bunday misollar keltirib, Dilshod Rajabning ertakchilikdagi mahorati haqida so`z yuritish mumkin. Masalan, uch ertak ham yetti hijoli barmoq vaznida yozilgan. Bu ertakning boshlang`ich sinf o`quvchisi tomonidan ravon, yengil o`qilishiga imkon beradi. Umuman, shoir ertaklari o`zbek bolalar she'riyatini yanchicha sujet va obrazlar bilan boyita oldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ashurov B. Tursunboy Adashboyevning poetik mahorati. – Toshkent: Fan, 2009. –140 b.
2. Dilshod Rajab. Otamning bog`i. – Toshkent: Cho`lpon,1996. – 120 b.
3. Safarov O. Folklor va bolalar adabiyoti // O`TA, 2003. – №6. – B.20-27; yana shu muallif. Turg`unboy G`oyibov – ertaknavis adib // Pedagogik mahorat, 2005. – №1. – B.71-75.

“SARVIQOMAT DILBARIM” ASARI SUJET TIZIMIDA RETROSPEKSIYA USULI

Nodira Sayfiddinova, 2-bosqich magistranti,
BuxDU, O`zbek adabiyoti kafedrası

Hozirgi zamon adabiyotshunosligida “o`tmishga nazar” tushunchasi uch umummazmunda ma`lum: **retrospeksiya (retrospekt), flashback, analeps, analepsis**. Har bir tushuncha “kelajakka nazar” ma`nosidagi o`zining antonomik, ya`ni zid juftligiga ega: **retrospeksiya – prospeksiya, flashpoward, analeps – proleps** [1,30-31].

Badiiy retrospeksiya nazariyasi tarkiban, mazmunan va shaklan murakkab hamda xilmal xil ijodiy-estetik mundarijadir. Badiiy sujet hodisasi barobarida, eng avvalo, shu sujet qurilishining asosiy prinsiplaridan biri maqomida retrospeksiya o`tgan va hozirgi zamonlarning jonli aloqasini ko`rsatish imkonini beruvchi ijodiy ancha keng ommalashgan adabiy usuldir [2,108-113]. Ilmiy yanada aniqroq aytganda, retrospeksiya – “bu voqealar zamonini planlashtirishning hamisha ajralib turadigan usuli, kompozitsiyaviy asoslash vositasi bo`lib, uning oldingi tarixini kengaytirish uchun imkoniyat yaratadi, ahvol-holatini aniqlashtiradi” [3, 43].

Retrospeksiya(*lotinchadan retro- ortga, specto- qarayman*) – o`tmishga murojaat, ma`lum vaqt davomida hayotda bo`lib o`tgan voqealarni fikran tiklash va muhokama qilish.

Retrospeksiya – o`tmishga murojaat adabiy termin sifatida ikkita asosiy ma`noda qo`llaniladi: 1) o`tmishdan keltirilgan sahna(epizod); 2) hikoya qilish uslubi.

Adabiy asarda retrospeksiya kompozitsiya darajasida, muallif pozitsiyasida, asar qahramonini tasvirlashda, tasviry-ifodaviy vositalarda qo`llaniladi. Kompozitsiya darajasida retrospeksiya asar davomidagi biror bir element yoritib berilishini ta`minlaydi(asar sujetiga aloqador muhim voqeani esga olishga to`g`ri kelib qolsa). Muallifning o`z asarida retrospeksiyani qo`llashi kitobxonlarning nafaqat voqealarga, balki qahramonlarga ham e`tibor qaratishga sabab bo`ladi. Asar qahramonini tasvirlashda retrospeksiya uning orzulari, xayollari va xotiralarini o`zida jamlaydi.

Retrospeksiyaning asosiy vazifalari: personajning o`tmish hayoti, ta`rifi, uning fe`l-atvorini anglash va baholash, o`tmish voqealari asosida qahramonning hozirgi hayotiga ta`sir o`tkazish va shu asnosida voqealar rivojini yanada kuchaytirish.

Retrospeksiya usuli badiiy asar sujet tizimida juda muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, dunyo adabiyotida shunday asarlar mavjudki, ularning sujeti retrospeksiyaga tayangan holda yuzaga kelgan. Fikrimiz isbotini biz buyuk qirg`iz yozuvchisi Chingiz Aytmatovning “Sarviquomat dilbarim” qissasida yaqqol ko`rishimiz mumkin. Bu asarga yozuvchi “Ikki hikoyadan iborat qissa” deya izoh berib o`tgan. Buning sababi asar sujeti “Shofyor hikoyasi” va “Yo`lovchi masterining hikoyasi” zamirida yaratilgan. Shuningdek, asarning “Muqaddima o`rnida” qismida muallif qissa sujetining vujudga kelish voqearasini ham batafsil yoritib bergan.

“Sarviquomat dilbarim” asari boshdan-oyoq retrospeksiya usuliga asoslangan holda yozilgan. Asar sujeti muallif (muqaddima o`rnida), shofyor (Ilyos) va yo`lovchi masteri(Boytemir)ning o`tmish voqealari asosida qurilgan. Asarning muqaddima qismida muallif jurnalistlik kasbi taqozosi bilan qissaning bosh qahramonlaridan biri bo`lgan shofyor yigit (Ilyos) bilan qanday tanishganligini izohlab o`tgan. Yozuvchi qissani yozish jarayonida retrospeksiya usulidan unumli foydalangan holda Ilyos va Boytemirning, shuningdek, boshqa qahramonlar taqdirini, ularning o`tmish voqealarini juda ta`sirli ifodalab bergan.

Asar sujeti hayotiy voqealarga tayanilgan bo`lib, buning isbotini quyida qissadan keltirilgan parcha misolida ko`rishimiz mumkin:

“... uzoq fikr yuritishlardan so`ng shunday xulosaga keldim, ya`ni qissani hayotda qay tarzda eshitgan bo`lsam, xuddi shu tarzda yozishim kerak. Men bu qissani ikki kishidan eshitganman, shuning uchun ham qissa ikki hikoyadan tashkil topgan. U ikki kishining boshidan kechirganlaridir. Men nimani eshitgan bo`lsam, shunigina yozyapman. Yaxshisi, qahramonlarnig o`zlari hikoya qilib bera qolishsin.”[4,65]

Yozuvchi bu fikrlarni asar muqaddimasida keltirishi orqali qissaning sujeti retrospeksiya asosida, ya`ni qahramonlar o`tmishi, boshidan kechirgan voqea-hodisalarini bayon qilib berishi zamirida yuzaga kelganligini yana bir bor isbotlaydi. Asarning asosiy sujet voqealari qissa qahramonlaridan biri Ilyosning kechmishi, ko`rgan- kechirganlarini hikoya qilib berishidan boshlanadi. Qissadan ketirilgan quyidagi parcha bu fikrlarimizni tasdiqlaydi:

“... Bularning hammasi hech kutilmaganda yuz berdi. O`sha kunlarda men motorlashtirilgan qismda harbiy xizmatni o`tab bo`lib, armiyadan endigina qaytib kelgan edim. Harbiy xizmatga borgunimcha o`n yillikni tamomlab shofyorlik qilardim. O`zim bolalar uyida tarbiyalanganman. Do`stim Alibek Jonturin mendan bir yil oldin harbiy xizmatdan bo`shab kelib, Ribachedagi avtobazada ishlayotgan edi. Xizmatni o`tab bo`lgach men ham to`ppa-to`g`ri o`sha avtobazaga keldim.” [4,66]

Retrospeksiya usuli kitobxonga asar qahramonlari haqida chuqurroq ma'lumot olishga yordam beradi. Yuqorida keltirilgan parcha orqali biz qissaning bosh obrazlaridan biri Ilyosning kimligi, uning kasbi va yashash sharoiti bilan yaqindan tanishdik. Bunda esa retrospeksiya usulining o'rni beqiyos.

“Sarviquomat dilbarim” qissasi sujeti o'z navbatida yana bir qancha ichki retrospekiyalar (“hikoya ichida hikoya”)dan iborat. Ya'ni asarda qahramonlar o'z o'tmishini hikoya qilib berish jarayonida yana bir qator voqea-hodisalarni ham so'zlab berishadi. Misol uchun, Ilyos taqdiriga tub burilish yasagan hodisani quyidagicha eslaydi:

“Kunlardan birida yangi molxona uchun kolxozga shifer olib borayotgandim. Bu ovul tog` etagida joylashgan bo`lib, unga boradigan yo`l ham xuddi ana shu tog` yon bag`ridagi dasht bo`ylab o`tardi. Mashina bemalol borayotgan edi, yo`l ham selgib qolgan ekan. Biroq ovulga yetay deb qolganimda, mashinam birdan qandaydir ariqqa tiqilib qoldi... Mashinaning ostiga kirishga to`g`ri keldi. Hammayog`im loyga belanib, qora terga tushib, yo`lni og`zimga kelgan so`zlar bilan so`kib yotgan edim, kimningdir shu tomon yurib kelayotgan oyoq sharpasini eshitib qoldim... Jahlim chiqib ketdi. Nimani tomosha qiladi-ya, sirk bormi bu yerda!..

- *Yo`lingdan qolma, kampir! – dedim unga...*

U bo`lsa:

- *Men kampir emasman! – dedi...*

- *Kimsn bo`lmasa? – dedim achchig`im chiqib.*

- *Qiz bolaman.*

- *Qiz bolasan?..*

- *Chiroylimisan?- deb so`radim. ”[4,67-68]*

Yuqorida keltirilgan bu voqea Ilyosning Asal (uning bo`lajak rafiqasi) bilan ilk uchrashuviga sabab bo`ladi. Qissada keltirilgan har bir retrospekiyalarning o`z vazifasi va o`rni bor. Ular kitobxonga asar qahramonlarining xarakteri, tashqi ko`rinishi, ichki dunyosi va taqdirining o`zgarishiga sabab bo`lgan voqea-hodisalarni yaqindan bilib olishga yordam beradi. Xususan, qissada keltirilgan quyidagi ifodalar kitobxonga asar qahramonlarining qiyofasini tasavvur qilishga yordam beradi:

“Qarasam, haqiqatdan ham qoshlari jiddiy chimirilgan va kattakon, ko`rinishidan otasiniki bo`lsa kerak, kamzulini yelkasiga tashlab olgan qizil durrachali, nozikkina qiz turibdi.”[4,68]

“Qop-qora nozik va mayin sochlari qo`ng`iroq- qo`ng`iroq bo`lib bo`yniga tushib turardi. Kamzuli esa yelkasidan sirg`alib tushib ketdi, uni tirsagi bilan tutib turardi,.. Qarashlari jiddiy bo`lsa ham, umuman qiyofasidan mehribonlik va samimiylilik sezilib turardi. Yuzlari oydek, rangi tiniq edi.”[4,69]

Asardan keltirilgan bu portretlar Ilyosning tilidan Asalga berilgan ta'riflar edi. Bu retrospeksiya har bir kitobxon ko`z o`ngida asar qahramoni suratini gavdalandiradi. Bu kabi asar qahramoni qiyofasini tasvirlagan retrospektiv ifodalar qissada bir qator bo`lib, bunga quyida yana bir misol keltiramiz:

“U hali yosh, o`ttizlar chamasidagi, bir oz bukchaygan, ammo baland bo`yli yigit edi. Uning rul chamberagini ushlab olgan salmoqdor, chayir qo`llari, g`amgin, o`ychan ko`zlari va charchab-horiganidan salqib ketgan qovoqlari xotiramda saqlanib qoldi.”[4,59]

Yuqorida keltirilgan bu retrospektiv tasvir orqali muallif qahramoni Ilyosning qiyofasini kitobxon ko`z o`ngida chizib bergan. Bu retrospektiv tasvir har bir kitobxoniga asar qahramoni qiyofasini tasavvur qilishga, uning suratini ko`z oldiga gavdalandira olishga katta yordam beradi. Agar kitobxon asar qahramonlarining tashqi qiyofasini ko`ra olsa, tasavvur qila olsa, u o`sha

qahramonlar bilan butun asar davommida yonma-yon turadi, ularning nafaqat tashqi qiyofasini, balki ichki dunyosini, qalb iztiroblarini ham birgalikda his qiladi, qahramonlar kulsa kuladi, yig`lasa ularga qo`shilib yig`laydi. Asar har bir kitobxonga mana shunday ta`sir qila olsagina u haqiqiy asar darajasiga ko`tarila oladi.

Asar qahramonining tashqi ko`rinishini ifodalagan retrospektiv tasvirga quyida yana bir misol keltiramiz:

“ U mendan ikki yosh katta. U kallasi katta, norg`ul yigit edi, o`zi ancha yosh bo`lsa ham sermulohaza, og`ir, vazmin yigit bo`lib, ajoyib shofyor edi.”[4,89]

Bu parchada Ilyos eng yaqin do`sti Alibek Jonturinning nafaqat tashqi ko`rinishini, balki uning xarakter xususiyatlarini ham kitobxonga tasvirlab bermoqda. Retrospektiv ifodalar kitobxonga asar qahramonining fe`l-atvori, xarakter xususiyatlari haqida ham yaqindan bilib olishga yordam beradi. Quyida keltirilgan parchada Ilyos kasbdoshi Jontoy haqida shunday eslaydi:

“Men uni yoqtirmasdim. U uchiga chiqqan xasis, ayyor va hasadgo`y yigit edi. U boshqalarga o`xshab yotoqxonda turmasdi. Allaqanday bir ayolnikida ijaraga turardi. Aytishlaricha, unga uylanishga va`da berganmish, nima bo`lsa ham uy-joyli bo`lib oladida.”[4,72]

Bu parchani o`qigan kitobxon Jontoyning ichki qiyofasi haqida tasavvurga ega bo`lib oladi va shu qatorda uning salbiy qahramon ekanligini ham anglaydi. Ilyosning Jontoy haqidagi bu fikrlari uning xudbin, ikkiyuzlamachi qiyofasini yaqqol tasvirlagan.

Xulosa qilib aytganda, Chingiz Aytmatovning “Sarviqomat dilbarim ” qissasi sujet tizimida retrospektiv usulning o`rni va ahamiyati beqiyos. Qissada keltirilgan har bir retrospektiv voqea-hodisalar kitobxonga asar mohiyatini, maqsadini yanada aniqroq anglashga va har bir qahramonning dardini yaqindan his qilishga yordam beradi.

Adabiyotlar ro`yxati:

1. Меркулова М.Г. Ретроспекция в английской “новой драме” конца XIX – начала XX века: истоки и функционирование. – М.: Прометей, 2006. – С.30–31.
2. Шодиев Н. Горизонты эпоса. Художественно-эстетическое богатство эпической прозы литератур Средней Азии и Казахстана. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства. 1986. – С. 108-113.
3. Ржевская Н.Ф. Изучения проблемы художественного времени в зарубежном литературоведении. Вестник Моск. ун-та, Серия Х. Филология, 1969, № 5. С. 43.
4. Айтматов Чингиз . Эрта келган турналар. Қиссалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 58-177 б.

MUSLIHABEGIM MISKIN IJODIDA MUHAMMAD ALAYHISSALOM VA AHLI BAYTI TALQINI

Dilorom Sodiqova,

Buxoro shahar 6-IDUM ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi,
BuxDU o`zbek adabiyoti kafedrasida mustaqil tadqiqotchisi

Muslihabegim Buxoro adabiy muhitining ayol ijodkorlaridan biri bo`lib, shoira Miskin taxallusi bilan qalam tebratgan.

Muslihabegim Miskin devonlarida uning tavallud va vafot etgan yillari haqida ma'lumot keltirilmagan bo'lsa-da, adabiyotshunos olimi Mahbuba Qodirova ijodkorning she'rlarini tahlil jarayoniga tortib, uni XIX asrning ikkinchi yarmida faoliyat ko'rsatganligini ta'kidlaydi. Bu boradagi ma'lumotlarni olimi o'zining "XIX asr o'zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri" risolasida bayon etgan [1.168].

Shoira Muslihabegimning Islom dini tafakkuri bilan sug'orilgan she'rlari, g'azallarida Ollohga, payg'ambarlarga, xususan, Muhammad Mustafoga murojaatlar, shu bilan birga, payg'ambarning izdoshlari, ahli xonadoni, pirlar haqida ham fikr yuritiladi. Bu jihat Sharq adabiyotida keng tarqalganligi ma'lum, ammo Miskin ijodidagi mazkur masalaning o'ziga xosligi - unda Olloh, payg'ambar va uning izdoshlaridan tashqari eshon va pirlarning e'tirof etilishi shoiraning nazmiyatida rang-baranglikni keltirib chiqaradi.

Miskinning "Har lahza kunam, az g'ami u oh-u nadomat..." misrasi bilan boshlanuvchi shir-u shakarida ham murojaat payg'ambarga qaratiladi. Shoira nazmiyatidagi betakrorlik ma'nodosh so'zlar, ya'ni sinonimlardan unumli foydalanishidir:

Har lahza kunam az g'ami u oh-u nadomat,
Shoyadki jamolini ko'ray ro'zi qiyomat.
Payg'ambari olam nazare kun tub ba holam,
Ey shohi rasul ,ayla bu qullarni shafuat [2;72] .

Mazmuni: Har lahza u (payg'ambar) ning g'amida oh-u nadomat cheksam, shoyadki qiyomat kunida uning jamolini ko'rish nasib etsa. Olam payg'ambari mening bu holimga nazar tashla, ey shohi rasul bu qullarni shafuat ayla.

Jumladan, shoira "payg'ambar" so'zining o'rniga unga mutanosib ekvivalentlarni qo'llaydi: "Rasul", "Muhammad", "Muhammad Mustafo", "shohi ummat", "shohi payg'ambaron" ("payg'ambarlar sardori"), shu bilan birga, ikki misraning o'zida payg'ambarning o'ziga uchta o'rinli ta'rif va nisbat beradi:

... Ey shahahshohi du olam, afzali payg'ambaron,
Dar du olam hasti tu pushti panohi ummaton [3; 80].

Mazmuni: Ey ikki olam shahanshohi, payg'ambarlarning afzali, ikki olamda ham sen ummatlaring pushti panohisan.

Shahanshohi du olam- payg'ambarga berilgan birinchi nisbat, holbuki, bu ta'rif qator shoirlar ijodida Ollohga ta'rif berishda qo'llanilgan. Ammo, turkiy xalqlarda "ikki olam sarvari" nisbati Muhammad alayhissalomga murojaat sifatida ishlatilganligini bilamiz va bu holatda Muslihabegim aynan mana shu jihatga to'xtalganini taxmin qilsak bo'ladi.

Afzali payg'ambaron – "payg'ambarlarning sardori, a'losi" ta'rifida ham aynan Muhammad Rasulullohga nisbat berishda keng qo'llanilgan. Uchinchi tavsif esa "pushti panohi ummaton" jumlasida ko'zga tashlanadi. Ya'ni "o'z ummatining himoyachisi, rahnamosi" sifati bilan payg'ambarni yana bir bor ziynatlagan.

Muslihabegim Miskinning Ollohga murojaatlari, xitoblari asosan unung ruboiylarida ko'proq ko'zga tashlanadi. Miskinning aksariyat ruboiylari fors-tojik tilida yozilgan. Tangri fazilatlarini sifatlashda shoira turlicha variantlardan foydalanadi, shu bilan birga, har bir ruboiysida o'zining gunohkor va chorasiz ekanligini aytib, parvardigorning himmatiga, marhamatiga muhtojligini qayta-qayta ta'kidlashdan to'xtamaydi. E'tiborlisi, shoira buni rang-barang satrlarda mohirona amalga oshiradi. Jumladan, mazkur jihatni uning quyidagi ruboiysida uchratish mumkin:

Ey podshohi har du jahon, rahm kun maro,

Ey Xoliqi makin-u makon, rahm kun maro,
Ey podshoh, rahm bar holi gado mekun,
Az lutfi xesh ro`zi jazo- rahm kun maro [3;80]

Mazmuni: Ey ikki olam podshosi, bizga rahm qil, ey yer yuzining Xoliqi, bizga rahm qil.
Ey podshohim, gadoning holiga rahm qil, qarindoshlarning lutfi bilan jazo kuni bizga rahm qil.

Oллоhni “podshohi har du jahon”, “Xoliq”, “Podshoh” sifatlari bilan tavsiflarkan, Miskin o`zini bechoraligini istig`fora muhtojligini, qiyomat kunida najot berishni Parvardigordan iltijo qiladi.

Shoira g`azallari va ruboiylarini o`qir ekanmiz, uning Islom dinidan atroflicha xabardor ekanligini anglash qiyin emas. Zero, Miskin payg`ambarning Mahshar kunida ummatlarini himoya qilishiga umid qilish, Muhammad Mustafoning tangrining suyuqli rasuli ekanligi va uning najotkor elchisiligini quyidagi ruboiysida yaqqol namoyonlashtiradi:

Yo rab, shafe`i mo kun ro`zi jazo Muhammad,
Az lutf osiyonro sozi g`ariqi rahmat,
Baxshoy jurmi moro az lutfi xesh, yo rab,
Joyi hama osiy, yo rab, bekun ba jannat [3;80].

Mazmuni: Muslihabegim Oллоhdan Muhammad payg`ambar shafe`ligiga barcha mo`min-mo`minalarning joylarini jannatdan qilishini so`rab zorlanadi.

Navbatdagi ruboiy ham ushbu mazmun-mohiyatni o`zida in`ikos etadi:

Yo rab, tu makun rasvo dar ro`zi jazo moro,
Az hurmati payg`ambar baxshoy gunohi moro,
Az lutf nazar mekun bar so`yi g`aribonat.
Sharmanda makun, yo rab, in bandai xud fardo [3;82].

Mazmuni: shoira nazdida, qiyomatda do`zaxga tushmoq bu sharmandalik hisoblanadi. Shu bois osiy bandalarni Muhammadning ummati bo`lganligi uchun afv etishini aytib, jazolardan qutulmoq istaydi.

Shu bilan birga, Muslihabegim Miskinning “Ey shoh, tuyi az hama kas sarvari a`lo...” deb boshlanuvchi muxammasida to`rtta xalifa ham e`tirof etiladi:

Ey podshohi, har du jahon, shoh Bu Bakr,
Yori tu buvad hazrat Bu Bakr ham Umar.
A seyom buvad Usmon, chahorum- shahi Haydar,
On shohi Husayn-u Hasan- soqiyi Kavsar.
Dorand zi tu umid shafuat hama fardo [2;162].

Mazkur muxammasda Muslihabegim payg`ambar Muhammad Mustafoning izdoshlari Bu Bakr (Abu Bakr)ni xalifalarning kattasi, Umarni uning davomchisi, uchinchisi Usmon, to`rtinchisi esa Husayn va Hasanning otasi Haydar (Ali)ni sanab o`tadi.

Muslihabegim Miskinning “Iymon ovarDani Qusayr ibn Omir” sarlavhasi bilan keltirilgan fors- tojik tilidagi nazmiy hikoyatida Islom dunyosining qator namoyandalari, qolaversa, payg`ambarning oila a`zolari ham tilga olinadi. Muhammad payg`ambar va uning xotini Oisha o`rtasida savol-javob dialog shaklida keltiriladi:

O`shal kun Oisha dediki: “Yo shoh,
Ki sizni qildi Haq olamg`a bir Moh [2;199].

Hikoyatda Oishaning ta`rificha, Parvardigor bu olamga Muhammadni Moh (“Oy”, “Nur”) qilib yuborgan. Ushbu hikoyatning o`zida payg`ambarning kuyovi Ali (Ali Murtazo

sifatida), qizi Fotima Fotimayi Zahro sifatida, Ali va Fotimaning o`g`illari Hasan va Husaynlar to`g`risida ham so`z boradi.

Shoiraning “Oh az in dunyoyi foniyo barno raft, raft...” misralari bilan boshlanuvchi g`azalida boshqa payg`ambarlarning nomlari zikr qilinib, bu dunyoda hech kim abadiy emasligini, hattoki, payg`ambarlar ham Ollahning ixtiyori bilan bu foniyo dunyoni tark etganliklari e`tirof etiladi:

Oh az in dunyoyi foniyo barno raft, raft,

Odam-u Havo chunon az dori dunyo raft, raft [2;82].

Mazmuni: Insoniyatning ilk vakillari Odam Ato va Momo havolar bir kun bu dunyoni tark etdilar.

Jumla payg`ambaron Iso-yu Maryam kani,

Oqibat on jumlagi az dori dunyo raft, raft [2;82].

Mazmuni: Bu dunyoning payg`ambari Iso-yu, uning onasi Maryam qani, ular ham aynan mazkur dunyo sirtmog`idan ketdilar.

Hazrat Ya`qub ham bar dog`i farzandash mudom,

So`xt az dardi g`amash oxir zi dunyo raft,raft [2;82].

Mazmuni: Ya`qub payg`ambar farzandi (Yusuf)ning hijronida kuyib, bu foniyo olamdan o`tdi. Miskin ushbu g`azalda Zikriyo (Zakariyo), Ayub kabi payg`ambarlarni ham tilga oladi.

Muslihabegim Miskin nazmiyatida islom olami, payg`ambarimiz Muhammad alayhissalom va uning sahobalari, ahli bayti madhi bilan bog`liq diniy-falsafiy mavzular salmoqli o`rin tutadi. Albatta, shoira nafaqat ijodkor, balki o`z nazmiy asarlarida ba`zida asosiy qahramondir, biroq misralardagi “man” va “men” timsollari doimo individual xarakterga ega bo`lib qolmay, shu holatdagi barcha insonlarni mujassamlashtiradi. Islomdagi itoatkorlik, istig`for so`rash, sabr va ezgu amal ijodkorning ijodida butun bo`y-basti bilan gavdalanadi.

Shoira Muslihabegim Miskin ijodini sinchkovlik bilan o`rganar ekanmiz, uning she`riyati naqadar nafosatli va purma`no ekanligiga guvoh bo`lamiz.

Adabiyotlar ro`yxati:

1. Qodirova M. XIX asr o`zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri.- Toshkent ;“Fan”,1977.
2. O`zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi qo`lyozmalar fondi. Inv.1962.-273 b.
3. O`zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi qo`lyozmalar fondi. Inv.1277.- 132 b.

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ БАҲОР ҲАҚИДАГИ БИР ШЕЪРИ ХУСУСИДА

Зарнигор Соҳибова, БухДУ таянч докторанти

Маълумки, йил фасллари шеърятда лирик образ даражасига кўтарилган ва бу образлар рамзий-тисмолий моҳиятга эга. Улар кўпинча инсон умрига қиёсланади. Мазкур рамзлар генезиси, аввало, халқ шеърляти, кейинроқ мумтоз адабиёт намуналари билан боғлиқ. Табиат фасллари талқини ўзбек мумтоз шеърлятида, хусусан, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат шеърларида бадиий такомил топган ва анъанавийлашган. Замонавий шеърятда, хусусан, Эркин Воҳидов ижодидафасллар мавзуси нафақат анъана сифатида давом эттирилди, балки ёркин ҳаётийлик ва кучли

ижтимоий мазмун билан бойиди. Бу борада унинг баҳор ҳақидаги шеърлари аҳамиятли. Жумладан, Эркин Воҳидовнинг “Баҳор мустаҳзоди” [1,24] шеъри кўкламнинг инсонга нисбат берилган қиёфасини кўз олдимизда намоён этади. Аввало, мустаҳзод тушунчасини изоҳлаш лозим. “Мустаҳзод” – арабча “ортирилган” дегани. Мумтоз адабиётдаги лирик жанр, ҳар бир мисрасидан кейин ярим мисра ортирилувчи шеър. Мустаҳзоднинг асосий мисралари ғазал типигаги мустақил қофияланишни ҳосил қилса, ярим мисралари ҳам мустақил ҳолда шундай қофияланишга эга бўлади (А-а-А-а, Б-б-А-а, В-в-А-а, Г-г-А-а...). Мустаҳзоднинг ўзиги хос ритмик-интонацион қурилиши ўйноқи оҳангни юзага келтирадики, у қўшиқ оҳангига мос ва куйлаш учун жуда қулай [3,193]. Шеърнинг ўйноқилик уфуриб турган илк мисралариёқ кишида кўтаринки кайфият уйғотади:

Гул фаслида соз олди яна аҳли наволар,
куй бошлади ёна.

Не тонгки, гўзал бўлди жаҳон, еру-самолар,
ҳар тилда тарона [1,24].

Шоир шеърда баҳор сўзи ўрнида “гул фасли” бирикмасини ишлатади. Бу билан кўкламнинг гўзаллик, яшариш фасли эканлигига ишора бор. Кейинги мисраларда пейзаж севги образи билан уйғун тасвирланади:

Кўк бирла замин бир-бирига ошиқу-маъшук,

бир-бирга туташган,

Сочмоқда у борон ила жонбахш зиёлар

ичмоқда бу қона.

Шоир ер билан осмонни “ошиқу-маъшук”, яъни севишганларга ўхшатади. Ер юзини яшилликка бурковчи баҳор ёмғирини эса (“борон” – форсча “ёмғир” дегани [2,129]) “жонбахш зиё” дея таърифлайди. Баҳордаги оддий табиат ҳодисасини бу қадар образли тасвирлаш, бетакрор ўхшатишларни топиш Эркин Воҳидовнинг ўзига хос услубидан далолат беради. Кейинги байтларда шоирдаги севги ва шавқ яна ҳам кучайтирилади. “Зумрад далалар”, яъни яшил кенгликлар қўйнида очилган “шафақгун” лолалар ошиқлар қалбига ўт ёқувчи гўзал аёл образида гавдалантирилади:

Зумрад далалар бағрига ўт қўйди шафақгун
рақс етгучи лола,

Ёндирганидек бизни пари моҳи лиқолар,

ўт насли – жонона.

Баҳорда гулнинг – очилиши табиий ҳодиса, аммо унинг бахтли келинчакка ўхшатилиши шоирнинг такрорланмас топилмасидир:

Гул бошин эгиб жилмаядир, бахтли келинчак,

машшотаси – офтоб,

Булбул тилида нола надир, завқи садолар,

бу – савти замона.

Шеърдаги булбул образи ҳам ўзига хос. У ҳаётга тўла, унга маҳзунлик бегона. Зеро, шоир тасавурида баҳор шундай фаслки, унда бор ҳаётбахшлик жамланган. Шеърнинг охириги мисраларида баҳор образи лирик қаҳрамоннинг Ватанга муҳаббати билан уйғунлашиб кетади. Шоир қалбида баҳор уйғотган яшаш иштиёқи севгилар ичида енг шарафлиси – Ватанга бўлган муҳаббат даражасида ўсиб боради.

... Мен неки ёзар бўлсам, ўзинг боиси назмим,

мадҳим сенга доим,
Битдим яна, жоним, юрагим сенга наволар,
гул фасли баҳона[1,24].

Юқоридаги таҳлилдан қийидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1) баҳор борлиққа бўлган севги рамзи (“кўк бирла замин бир-бирига ошику-маъшуқ”);

2) баҳор кўнгилда эҳтирос уйғотувчи гўзал аёл образида гавдаланади (“пари”, “моҳи лиқо” – форсча “гўзал”[2,399], “жонона”);

3) бахтидан масрур келинчак образида намоён бўлади (“бахтли келинчак”);

4) Ватанга муҳаббатнинг ифодаси бўлиб келади.

Шеърда бошдан охир кўтаринки кайфият, ҳаётдан завқланиш сезилади. Бу кайфият китобхонга ҳам ўтади. Инсонда яшаш иштоёқини кучайтиради, позитив руҳ беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Воҳидов Эркин. Ўзбегим. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 400 б.
2. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.
3. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т.: “Академнашр”, 2010. – 400 б.

АДАБИЁТШУНОС БЕГАЛИ ҚОСИМОВНИНГ “МАСЛАҚДОШЛАР” АСАРИДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ИЖОДИГА МУНОСАБАТ

Тўраева У.Р., ўқитувчи,
БухДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси

Йирик адабиётшунос олим Бегали Қосимов 30 га яқин китоб ва 300 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган. Олимнинг илмий тадқиқотлари ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий алоқалар, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси масалаларига, матншунослик, жадиличлик ҳаракати ҳамда жуда ҳам кенг қисми жадида адабиётини ўрганишга бағишланган. Олим миллий уйғониш даври ижодкорларидан Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов, Саидрасул Азизий, Сўфизода, Нозимахоним, Сидқий Хондайлиқий, Тавалло, Боту, Мирмулла, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Камий ижодларини ўрганиди ва уларнинг фаолияти билан китобхонларни таништирди. Лекин давр тақозоси билан уларнинг мустақиллик учун кураш фаолияти четлаб ўтилиб, маърифатчилигига асосий эътибор берилди. Истиқлол туфайлигина бу ижодкорлар фаолияти ва меросини атрофлича ўрганиш, Ватан ва Миллат манфаати нуқтаи назаридан баҳолаш имконияти туғилди.

Шу нуқтаи назардан, жадиличликнинг шаклланиши, тарихи, манбалари, ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаракатчилик билан алоқаларини умумлаштириш йўлидаги тажрибалари сифатида баҳоладиган Истиқлол фидойилари рукни остида яратилган Маслақдошлар китоби унинг илк тадқиқотларидан биридир. 1994 йилда чоп этилган ушбу кичкина китобда улкан илмий изланиш, тинимсиз меҳнат ва албатта, фидойилик ётибди. Олим ушбу тадқиқотда адабиётимизнинг забардаст уч ижодкори М.Беҳбудий, А.Фитрат, С.Ажзий ҳаёт фаолияти ва уларнинг мудҳиш тақдирини илмий асосланган фактлар билан ёритишга ҳаракат қилди. Бунинг учун олим республика архивлари,

мархумларнинг қариндош –уруғлари, уларга тегишли бўлган суд ҳужжатлари ва ҳукмлари билан синчиклаб танишди. Аниқ ва асосли маълумотларни тўплади. Адабиётшунос олим Маслакдошлар” да Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1975 йил 19 январда Самарқандда руҳоний оиласида туғилганлиги, эски мактаб ва мадрасада ўқиб, қозихоналарда мирзалик, муфтилик қилгани ҳақида маълумот келтиради. Шу ўринда, Бехбудийнинг Тошкентдаги “Туркистон вилоятининг газети”, Оренбургдаги “Вақт” каби газеталарда босилган бир қатор мақолаларига “Муфтий Мамудхўжа Бехбудий” деб имзо чеккани, Арабистон, Миср, Туркия каби Шарқ мамлакатларига (1914), Қозон, Уфага(1903,1904) бориб, жадидчилик ҳаракати асосчиси Исмоилбек Гаспринский билан учрашиб ижтимоий–сиёсий масалаларда субатлар қилганлиги ҳақида маълумотларни келтиради.[2] Бундан ташқари, Бехбудий ўзбек ва тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган. Бехбудий 1905 йилларда ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиси бўлиб танилган. Бу ҳақда Файзулла Хўжаев : “Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатдан ўша замонда Туркистондаги жадидлар орасидан унга тенг кела оладигани бўлмаса керак” деб ёзган эди. [1]

Худди шундай Татар инқилобий адабиётининг асосчиларидан бири машҳур адиб Олимжон Иброҳимовнинг 1916 йилда ёзилган “Тиллари бошқа бўлса-да, кўнгиллари бир” номли мақоласида : “Каспий денгизи орқали чиқиб, мовароуннарга келсак, Самарқанд, Тошканд тийраларинда тўхтаб, бу халқнинг дунёсина кўз солсак, дарсликлар оламинда истамбулли Аҳмад Митхатнинг “Хожаи аввал”и, бизнинг “Муаллими аввал”имиз ўрнига аларнинг Хўжа Бехбудийлари “Адиби аввал”лар ёзғонлигин, “Ойна”, “Садойи Фарғона”, “Осиё”, “Тижорат”, “Хуршид”, “Садойи Туркистон” каби шул ер туфроғинда униб, яшарга тиришқон матбуот ва адабиётларини кўражакмизки, булар шул Туркистон деган бир ўлканинг ҳаётиндаги хусусиятлардан туғилган, шундаки эҳтиёжларга жавоб бўлатурғон емишлардир”, деган фактни келтиради. Мақола муаллифи Бехбудийни Мовароуннаҳр тарақийпарварлигининг рамзи сифатида эътироф этиб, маърифатпарварчиликдаги хизматларини Туркиядаги Аҳмад Митхат фаолияти билан тенг кўради. Бундан кўринадики, Бехбудийнинг Туркистон мактаб-маорифчилигидаги фаолияти ғоят сермахсул ва улкан. У Исмоилбек Гаспринскийни ўзига устоз, ранамо деб ҳисоблайди ва у йўлга қўйган “усули жадид” мактабларини Туркистон ўлкасида қарор топтириш, уларни дарслик, ўқув қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Бу каби мактабларнинг миллий-маданий ҳамда маънавий тараққиётимизда муҳим омил бўла олиши мумкинлиги ҳақида кўплаб жиддий мақолалар эълон қилди. Нашриёт ташкил қилиб, дарсликлар ва қўлланмалар ҳаттоки хариталар босиб чиқарди. “Мунтахаби жуғрофияи умумий”(Қисқача умумий география), “Китобат ул атфол”(Болалар китоби), “Тарихи мухтасари ислом”(Исломнинг қисқача тарихи) “Амалиёти ислом”, “Мадхали жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”), “Мухтасари жуғрофияси русий” (Россиянинг қисқача географияси) каби дарсликлар яратди.

“Бехбудийнинг номи Туркистон генерал губернаторлиги у ёқда турсин, оқ подшонинг ўзига ҳам аён бўлган. Бухоро амири Саид Олимхон уни ўзининг шахсий душмани ҳисобларди. 1919 йил баҳорида ҳукумат айғоқчилари уни Шаҳрисабзда қўлга оладилар, сўнгра яширинча Қаршига олиб келинади ва Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл этилади” , деган маълумот келтириладики бу маълумотнинг қай даражада ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслиги муҳим эмас. [1] Негаки, истиқлолни муқаддас билган, ўз халқининг миллий, диний, маънавий ва маданий тараққиёти учун жонини ҳам

2-jahon urushi yillarini iztirob-u mashaqqatini bir ota hayoti misolida ochib berganida bu kunlar hali unutilib ketadi. Qish ortidan bahor kelganidek, qayg`u va sabr ortidan ham yorug` va yaxshi kunlar kelishi muqarrarligini “Oyning o`nbeshi qorong`u, o`n beshi yorug`” degan xalq maqoli bilan asoslaydi:

Oyning ham o`n beshi bo`larku yorug`,
Yaxshi kunlargacha yetolsak omon.
Hali to`ylar bo`lar elda xushdovrug`
Jujuqlar baxtiga kelar bir zamon!

Adabiyotlar ro`yxati:

1. Ҳожиева О. Шом шуълалари. – Т.: Шарқ, 2010.
2. Шарипова Л. Шеърят ва фольклор. –Т.: Наврўз, 2019.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: Рус. Яз.1981.1-жилд, 115-бет.

ЗАМОНАВИЙ ДОСТОНЛАРДА РОМАНЛАШУВ ҲОДИСАСИ

Ўроқова Н. Ё., ф.ф.ф.д(PhD)

БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Сюжет асосига қурилган достонларга хос муҳим хусусиятлардан бири воқеабандликдир. Бу хусусият уни эпик турдаги асарларга яқинлаштиради. Қолаверса, ХХ асрда шаклланиб, такомил топган ўзбек замонавий достонларига хос жиҳат ҳам уларнинг сюжет асосига қурилганлигидир. Ойбекнинг “Навой ва Гули”, Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд”, Миртемирнинг “Сув қизи”, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” каби асарларида юз кўрсатган сюжет, воқеабандлик жиҳати шоир У.Қўчқор достонларида муваффақиятли давом эттирилди. Унинг “Қувғин”, “Широқ” достонлари бу жиҳатдан аҳамиятли.

Сюжет асосига қурилган достонларда учта муҳим хусусият кўзга ташланади: 1. Мавзу қамровининг кенглиги жиҳатидан эпик асарларга яқинлик, романлашув (У.Қўчқор “Широқ”, “Қувғин”). 2. Эртақ стилизацияси асосида ёзилган достонлар (У.Қўчқор “Чамангул”, “Туронботир”). 3. Лирик достонларда сюжет белгиларининг намоён бўлиши.

Бугунги достонда романга, эпик турдаги асарларга хос қизиқарли сюжет, қаҳрамонлар силсиласи намоён бўлаётир. “Широқ” достонида шоир халқ ривоятини асос қилиб олган бўлса-да, асар қаҳрамонлик қиссаларига моҳиятан яқинлашади.

Лирико-эпик достонларнинг муҳим хусусияти – воқеабандликка асослангани эканлиги адабиётшунослар томонидан эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, Д.Қувватова

унга хос хусусиятларни қуйидагича моделлаштириб кўрсатади: “Лиро-эпик поэмада воқеабандлик, яъни воқеликка лирик муносабат билдириш етакчи бўлади. Буни шартли равишда формула орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

ВОҚЕА + КЕЧИНМА + ВОҚЕА = ЛИРО-ЭПИК ПОЭМА

ЭПИК+ЛИРИК+ЭПИК=ЛИРО-ЭПИК ПОЭМА

Лиро-эпик поэмада эпик тасвир кучлилиқ қилади”⁹⁰. Ўзбек дostonчилиги такомилида сюжет асосига қурилган дostonлар алоҳида бадий тизимни ташкил этади. Уларда замонавий дostonнинг жуда кўп хусусиятлари: воқеабандлик, лиро эпик тасвир, яхлит сюжетнинг мавжудлиги сингарилар кўзга ташланади. Шу маънода бундай дostonларни анъанавий услубда ёзилган, дейиш мумкин. Юқорида Усмон Қўчқорнинг “Қувғин”, “Широқ” дostonларини мавзу қамровининг кенглиги жиҳатидан эпик асарларга яқинлик, романлашув хусусияти бўлган асарлар қаторига киритдик. С.Бройтман лиро-эпик поэма структурасида романлашув жараёни кечаётганлиги, улардаги қаҳрамон ўзининг эпик қаҳрамонлик статусини йўқотганлиги, унинг ўрнида шахс майдонга чиққанлиги, асоси эпик сюжет, ҳаракат қилувчи қаҳрамонлар ва эпизодлар билан бойиганлигини асослайди⁹¹. Шу фикрга таянган ҳолда Д.Қувватова қуйидаги фикрни келтиради: “Адабиётшунос фикрлари лиро-эпик поэманинг даврлар оша кўплаб адабий жанрларга хос хусусиятларни ўз табиатига сингдирган ҳолда ривожланиб бораётганлигини кўрсатади”⁹². Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллар дostonларида синкретлашув, бошқа адабий жанрлар: роман, қисса хусусиятларини ўзида сингдириш муҳим тамойилга айланди. Буни юқорида тилга олганимиз У.Қўчқор дostonлари асослаб туради. Бинобарин, “Қувғин” дostonи бутун инсоният гувоҳи бўлган иккинчи жаҳон уруши даврида ўз юртидан, ўз тупроғидан қувилган жабрдийда инсонлар ҳаёти, уларнинг урушдан кейинги қисмати, фарзандларининг тақдири ҳақида бўлиб, она юртга қайтиш соғинчи билан урган бедор юраклар кечинмалари ва воқеликларидан сўзлайди.

Асар қаҳрамонларининг аянчли тақдири, фожиали ҳаёти, машаққатли умрига сабаб, шубҳасиз, урушдир. Аммо ёв қадами тегмаган, ўз тупроғида ҳалол меҳнат қилиб кун кўриб юрган бутун бир миллатни киндик қони томган ўз она тупроғидан қўйлар подасини ҳайдаган сингари қувиш, уларга паст назар билан қараш ва бунинг ижросини амалга ошириш, уруш бошлаган немисларнинг эмас, балки совет ҳукуматининг, хусусан, давлат раҳбарининг буйруғи эди, аслида. Меҳнатга лаёқатли эркаклари урушда жон олиб, жон бераётган, кексалар, аёллар ва болалар топганларини фронтга жўнатаётган бу эл хоин деб топилади ва оммавий сургун – қувғинга гирифторм этилади. Ана шундай аччиқ қисматга рўбарў келган халқ тақдири, нола-ю фиғонлари, орзу ва армонлари акс эттирилган бу дoston катта инсоний тақдирларни бадий ифодалашни нуқтаи назаридан замонавий романларга яқинлашади.

⁹⁰ Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараккиёт хусусиятлари. ДД. –Тошкент, 2016. –Б. 23-24.

⁹¹ Тамарченко Н., Тюпа В., Бройтман С. Теория литературы в 2-х томах. Том 1. – Москва: Академия, 2004. – 112.

⁹² Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonларининг тараккиёт хусусиятлари. ДД. –Тошкент, 2016. – Б. 22.

Достон бошида шоир: “Дунёда барча Ватанидан қувилган, қувилаётган ва қувиладиган жабрдийдаларга бағишлайман” – деб ёзади⁹³. Асар воқеаларига ибтидо вазифасини бажарган биринчи қисмдаёқ тушкунлик, эзгинлик, ғам-қайғу кайфияти ҳукмрон экани сезилиб туради. Шоир табиат тасвири орқали ўша эзгин кайфиятни таъсирчан ифодалайди:

Кеч кирди. Фалакни қоплади булут,
Куёш малол чекиб уфққа қўйди бош.
Осмонга туташди қирмизи бир ўт,
Увада булутлар алвон, қонталаш [92].

Бир қарашда, шунчаки кун ботиш манзараси тасвирланган қора булутлар исканжасидаги уфққа бош қўйган куёш тасвирида миллат бошига тушажак қора кунларга ишора бор. Одатда, куёш ботгач, осмонга ой чиқади, аммо бу кеча осмонда қонталаш булутлар ҳукмрон, гўё эртанги машъум кундан хабар бераётгандек. “Арши аъло узра гўё бош эгиб Худонинг ўзи ҳам сукутга кетган”.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиёнинг турли худудларига кўчириб келтирилган Кавказ аҳлининг аччиқ фиғони кўчган бу достоннинг кейинги бандларида воқеага муносабат қуюқлаша боради:

Қора денгиз ухлар бир томонида,
Бир ёнда донг қотиб ухлайди Ҳазар.
Тоғнинг ёнбағрида, дарё ёнида
Дарбанд деб аталмиш бир қишлоқ ухлар [93].

Достоннинг биринчи қисми сўнггида асар бошланмасидаги бу оқшом куёшининг нима учун қонталаш бўлиб ботганини шу қисмининг охирги банди изоҳлайди:

Қора тун. Осмонда юлдуз кўринмас.
На шовқин шамол бор, на чакмоқ чақин.
Номаълум бир даҳшат босиб келар, бас,
Яқиндир, улкан бир фалокат яқин [93].

Маҳди исмли йигирма беш ёшли шоир йигит ва унинг оиласи – Нурлана исмли севикли аёли, бир яшар ўғилчаси Мавлуд барчалари бориға шукр, йўғига сабр қилиб, оғир ва таҳликали кунларни бир-бирларининг меҳри билан алқаб ўтказмоқда эдилар. Шундай кунларнинг бирида “девор бўлди Маҳдининг ранги”:

“Ватан учун! Сталин учун!”

Қайси ватан учун, дер Маҳди,
Гўё уйқудадир у ҳамон.
Бирдан синди Маҳдининг шаҳди,
Кўрса – кўча тўла оломон,
Кўкка ўрлар оҳ-фарёд, уввос,
Гўё бирдан қиёмат қўпган.
Кўпга кўплаб тўй келгани рост,
Лек бундай “тўй” келмаган кўпга[96].

Машъум уруш йилларида турли миллатга мансуб халқлар “Ватан учун! Сталин учун!” жангга кирдилар ва жон олиб, жон бердилар. Шундай вазиятда катта идорада кичик, майда миллатларнинг ҳам тақдири ҳал қилиниб, турли ҳужжатларга имзо

⁹³Қўчқор У. Оғир қарвон. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 92 (Кейинги ўринларда шу достондан олинган парчалар бети қавс ичида кўрсатилади).

қўйилаётган эди. Жумладан, Ўзбекистон худудига қувилган қрим-татар халқлари ҳам “халқлар отаси”нинг бу “эътибори”дан четда қолмаган. Уруш ҳаммани қақшатиб турган бир пайтда майда миллатларни бундай камситиш Сталин хунрезлик сиёсатининг яна бир даҳшатли кўриниши эди. Достоннинг уруш мавзусида ёзилган бошқа асарлардан фарқланиб турувчи хусусияти ҳам шунда кўзга ташланади. Агар С.Саййид “Улуғ Ватан уруши” очлиги ҳақида (“Тўполондарё билан хайрлашув”) ёниб сатрлар битган бўлса, У.Қўчқор жуда тийраклик билан халқлар, миллатлар фожиасини кўра олди. Уруш қахрамонликлари ҳақида эмас, унинг фожиалари, хусусан, бутун-бутун халқларни хонавайрон қилган аччиқ қисмат – ватангадолик мавзусида, собиқ тузум давридаги кўзга ташланмайдиган, аслида, инсоният тақдирини ўзида ифода этувчи воқелик ҳақида ёзишга жазм этди. Назаримизда, бу асар ҳозирга қадар адабиётимизда шу мавзуда битилган ягона асар бўлиб турибди. Қолаверса, шоир бу асарни истиқлол шабадалари эсиб турган ўтган асрнинг 90-йилларида яратди. Бу хурфикрлилик, эркин сўз айтиш тамойили билан боғлиқ, дейиш мумкин.

Достонда пода каби ҳайдаб борилаётган оломон, оёқ остида қолиб нобуд бўлаётган болалар, солдатларнинг “Тезроқ юр!” деб берган азобларига чидолмаган заиф, очликдан силласи қуриган аёллар, қариялар, уларнинг ит каби ўлим топиши ҳаққоний тасвирланган:

Бир чеккада уч ё тўрт ёшли
Боласини сиқиб кифтидан,
Ва кўксига қўйганча бошин
Жон бермоқда она, афтидан [97].

Йўлда бора-бора халқ нобуд бўлар, аёллар, болалар тутдай тўкилар, жасадларни эса тошни улоқтиргандай, аскарлар дарёга – Ҳазарга отишарди. Бу тасвирда эпиклик хусусияти кўзга ташланади.

Минглаб одамлар жон берар экан, ваҳшийларча бир буйруқ янграрди “Жасадлар дарёга отилсин!”. Бу жасадлар орасида достоннинг бош қахрамони Маҳдининг рафиқаси ҳам бор эди. У дарё тубига ғарқ бўлади, эмизикли боласи Мавлуд етим қолади. Унга боласи йўлда ҳалок бўлган аёл оналик қилади. Шу ўринда шоир лирик чекиниш қилиб, она деб аталувчи муборак зотларни, уларнинг бекиёс меҳри, қудратини бадий ифода этади. Чунки Маҳдининг ўғли Мавлуд ўзга онанинг меҳри туфайли ҳаётда омон қолади. Назаримизда, она учун бегона бола туйғуси йўқ. Шунинг учун шоир она меҳрини сеҳрга, довулдан кейин эсгувчи насим, шамолга қиёслайди. Кейинги ташбеҳни шоирнинг бадий топилмаси, дейиш мумкин. Қолаверса, бу туйғу нафақат одам боласи, балки хайвонларга ҳам хосдир. Яна шоир бу билан чегараланмайди. У онага барча ёвуз кучларга қарши шафқат дея таъриф беради:

Она меҳри, бу нечук сеҳр,
Довулдан сўнг эсгувчи насим.
То устувор экан шу меҳр –
Ит эмизгай бўри боласин...
У дунёда фалакнинг арши,
Минг разолат, ваҳшат яратган.
Барча ёвуз кучларга қарши
Она деган шафқат яратган... [100].

Айтиш мумкинки, достон бошдан охир маҳзун руҳ билан йўғрилган. Китобхон асарни ўқиш давомида лирик қахрамон дардларига дарддош бўлади, Ватансизлик

фожиасини ҳис этади.Кўринадики, замонавий дostonчилик анъаналари, ифода усуллари шоир У.Кўчқор ижодида ҳам ёркин намоён бўлган. Шу жиҳатларни махсус ўрганиш бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Кўчқор У. Оғир карвон. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 97.
2. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари. Д.Д. – Тошкент, 2016. – 267 б.
3. Тамарченко Н., Тюпа В., Бройтман С. Теория литературы в 2-х томах. Том 1. – Москва: Академия, 2004. – 340 с.

ZAMONAVIY ROMANLARDA AKS ETGAN AYOL FOJIASI TALQINIDA PSIXOLOGIYANING O'RNI

O'roqova N.Y., f.f.f.d (PhD)

Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi,

Choriyeva G. S., Buxoro davlat universiteti talabasi

Iqbol Mirzo – zamonaviy o'zbek adabiyotining zabardast vakili, yosh kitobxonlarimizning sevimli ijodkori. U samimiy she'riyati bilan xalq ko'nglidan joy olishga ulgurdi. She'riyatining jozibadorligi, xalq tiliga yaqinligi, soddaligi, jimjimador bo'yoqlardan xoliligi o'quvchi qalbini rom etadi. Sevimli ijodkorimiz nasri orqali ham adabiyot shaydolari qalbini zabt eta oldi. Hozirgi davrda jamiyat zamon bilan hamnafas yashamoqda. Zamon taraqqiy eta borgan sari bu o'z aksini nasrimizda namoyon etmoqda. Birgina “Bonu” romani misolida olib qaraydigan bo'lsak, adib “Bonu” romani orqali zamonaviy o'zbek romanchiligiga yangichaohangolib kirdi. Asar an'anaviy romanchilikdantubdanfarq qiladi. Ijtimoiy tarmoqlar orqali kunlik maktublarshaklida yuborilgan nomalar jamlanib, roman shakliga keltirilgan, romandareal shaxslar vaaniq fakt asosida ish ko'rilganiyozuvchining zamonaviy romanchilikdagi novatorligidir. Yozuvchi Iqbol Mirzoning “Bonu” romani nomi, aslida, “Bonu” emas edi... Muharrirning aytishicha, romanningaslnomi“Ko'zgudagi kim...” debnomlanishirejalashtirilgan... Ammo asar oxiridabadiiyrahbariyatning fikri bilan shuqarorga kelingan. Shu tariqa, siz-ubizni ko'zyoshlarga cho'ktirgan asar “Bonu” badiiyadabiyotgakirib keldi⁹⁴... Unda yozuvchibiz tengi yoshlarning aldovlar domiga tushib qolgan holatini yoki turfa hayotqiyinchiliklaridan yuragi zada bo'lgan yosh qizlarimizning hayotiniasar bosh qahramoni Bonutaqdiri misolidaso'z yuritadi. Bonu bugungi kun, bugungi hayot bilan yashaydi. Chunki ertangi kunida tumandan boshqa hech nimani ko'rolmaydi. Bonu hozirgi davr o'zbek ayoli siymosida tasvirlangan bo'lishiga qaramay, beayb parvardigor, deganlaridek, yozuvchi uni idealinsondarajasiga ko'tarmaydi, o'z o'rni bilan obrazdagi xato vakamchiliklar kitobxonga ayon bo'ladi. Asar Bonu tilidan so'zlangan bo'lib, yozuvchi deyarli hech bir o'rinda obrazni tahlil etmaydi, balki voqealar rivoji davomida Bonuning o'zi o'zini tahlil etadi. I.Mirzo o'zbek ayoli timsolini yaratish davomida personaj psixologizmiga ham e'tibor qaratadi: ichki

⁹⁴ ... BONU ... telegram sayti. t.me/ Bonu_Iqbol_Mirzo. – 2019-yil, 11-noyabr

monologlarda, his-tuyg'u evrilishlarida obraz psixologiyasini ko'rsatib beradi. "Yiqilayotgan odam tilanchining tayog'iga tirmashadi, cho'kayotgan esa xasga. Meni hayot urib-surib tor ko'chaga tiqib qo'yadi. Istaymanmi-yo'qmi shu ko'chadan ketishga, hamroh tanlash imkonini qidirmay, boriga ko'nib, mutelarcha yo'l bosishga mahkumman. Bu ko'cha meni katta yo'lga olib chiqadimi yoki qashqa peshonam yana borib devorga uriladimi faqat o'zigagina ayon..."⁹⁵. Ko'rinib turganidek, yozuvchi personaj ichki nutqi orqali obraz xarakterini ochib berishga intiladi. Personaj ichki dunyosi, xakteri, ruhiyatini namoyon etishda asardagi ijobiy obrazlar bilan bir qatorda salbiy obrazlar ham alohida ahamiyatga ega. Ular bilan bo'lgan muloqotlarda, dialoglarda obraz ruhiyati yanada yaqqolroq ochib berilgan. Adabiyotshunos I.G'afurovning aytishicha, "roman shu "bozor" zamonida ko'p fojiali damlar, fojiali sho'rishlar, ayriliqlar, xiyonatlar, sharmandaliklar, razolatlarni o'z boshidan kechirgan Bonu degan go'zal qiz – muallimaning tilidan maktublar, kundaliklar, xotiralar tarzi – usulida bitilgan.... Bonu bitiklari o'z hayoti tarixiga misoli girdob, misoli sahro quchog'i kabi olib kirib ketadi. Bir insonga bergan hayot, jon, tiriklik evaziga Xudo uni shunchalar ko'p, chigal, og'irdan-og'ir, mushkuldandan-mushkul sinovlarga tashlaydiki, "axir buning ma'nosi nima?"–deb, kishi yana eng qadim "Ayyub nidosi", "Ayyub sabri"ni eslaydi va Odam Atodan qolgan ekan-da bu dardu sinovlar, deb o'yg'a toladi"⁹⁶. Nohaqliklar, vafosizliklarni o'z boshidan o'tkazgan yoshgina muallima qiz hayoti qalamga olingan bu asar, ayniqsa, yoshlarimiz orasiga jadal sur'atlarda kirib bordi. Yosh kitobxonlar orasida qo'lma-qo'l bo'ldi. Balki bunga sabab xalq dilidagi gaplarni qog'ozga tushirayotgan adibning mahorati, voqealar rivojining real hayotga yaqinligi, asar tilining esa xalqchilligidir. Har bir sahifada o'quvchi xayoliga keltirmaydigan voqealarni ko'rib o'tamiz. Romanning o'ziga xosligi: asar kengmiqyosli voqebandligi, sujet serqirraliligi, voqealar hayotiyliigi va tasvirda personajning ruhiyati, o'zini o'zi taftish etishi orqali obraz xakteri, ichki dunyosining ochib berilishida ko'rinadi. Asar sujetida ayni hozirgi zamon dolzarb muammolari aks ettirilgan.

Asarning asosiy g'oyasini yetkazib beruvchi unsur – sujetdir. Sujet bor yerda, albatta, konflikt bo'ladi. Bu qarama-qarshilik har bir obrazning qiyofasini shakllantirishda katta rol o'ynaydi. Yozuvchi romanda xronikali sujetdan foydalanadi. "Xronikali sujet qahramon taqdirini davriy izchillikda, uning xakterini rivojlantirishda ko'rsata olishi jihatidan ustunlik qiladi. Shu bois ham katta epik asarlarda ko'proq xronikali sujet qo'llaniladi. Xronikali sujetda asarning "badiiy vaqt"i istalgancha kengaytirilishi mumkin: unda "parallel vaqt"da kechayotgan voqeani tasvirlash, retrospeksiya usulida voqea hikoya qilinayotgan vaqtdan uzilib zaminda ortga qaytish usulidan foydalanish imkoniyati juda keng"⁹⁷. Bunday usulni Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar", O'tkir Hoshimovning "Ikki eshik orasi", Sadridin Ayniyning "Qullar" romanlarida kuzatishimiz mumkin. Asar ekspozitsiyasi personajning kitobxonni o'z oilasi va bolaligi bilan tanishtiruvidan boshlanib, dastlabki ziddiyat uchun asos bo'lgan voqea yetilgunga qadar bo'lgan vaziyatni qamrab oladi. Hayotida tub burilishni vujudga keltirgan ziddiyat – bobosining vafoti. Bonu dunyodagi eng qadrdon insonidan ayriladi, bir maromda ketayotgan hayotida ruhiy inqiroz boshlanadi. Bu voqea ta'sirida, eng avvalo, ruhiyatida o'zgarishlar sodir bo'ladi, ruhan tushkunlikka tushadi. Uni bolalik xotiralaridan, ayniqsa, bobosini eslatuvchi xotiralardan ayro tutishga urinishadi. Ekspozitsiya qismida ham retrospeksiya usulini kuzatamiz.

⁹⁵Iqbol Mirzo. Bonu. – Toshkent: Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2018. – B. 264.

⁹⁶O'sha asar. – B. 3.

⁹⁷Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – B.103.

Hozirgi davr haqida soʻzlanib turgan holda bolalik xotiralariga qaytadi. “Xarakter qirralarining shakllanishi asarning turli boblardagi voqealar orqali ochib beriladi. Bunday ekspozitsiya kechiktirilgan ekspozitsiya deyiladi. Biroq asarning qayerida kelmasin, ekspozitsiya har doim bir xil vazifani bajaradi, yaʼni u kitobxonni qahramonlar xarakteri shakllangan sharoit bilan tanishtiradi va ularning keyingi xatti-harakatlarini asoslashga xizmat qiladi”⁹⁸. Asar qahramoni bobosining vafotidan keyingi voqealar oʻz-oʻzidan keskinlashadi. Shu tariqa voqealar ketma-ketligi yozuvchi tomonidan qizgʻin rivojlantiriladi va har bir obrazning qalbini kitobxon oʻzi uchun kashf etadi. Bu sujet orqali oʻquvchiga hayotni jonli tasvirlashda koʻmaklashadi. Roman xarakterlar hayotiyligi, jonli tasavvurga alohida eʼtibor qaratilganligi sababli koʻplab kitobxonlar qalbini maftun eta oldi. Bosh qahramon shunday muammolar girdobiga tushib qoladiki, bir muammoni yechib ulgurmay, ikkinchi muammoga yoʻliqadi. Yaxshi hayotga yetdim, deganda taqdir unga yanada kuchli sinovlar yuboradi. Yozuvchi asardagi personajlarni ularning xarakterlarini real hayotga yaqin, kitobxon ishonadigan darajada individuallashtiradi. Qachonki, kitobxon oʻzi uchun individual deb hisoblagan personaj ruhiyatini anglasa, shu obrazdek oʻylasa, yigʻlaganda yigʻlasa, kulganda kulsa, tom maʼnoda, shu obraz bilan xayolan birga yashasa, u his etgan tuygʻularni anglasa, yozuvchi oʻz maqsadiga erishgan boʻladi. Asar, eng avvalo, tuygʻularga taʼsir oʻtkazadi. Bonuning qalb iztiroblari ichki monologlaridagina bilinadi. Ushbu asar kuchli ehtiroslar ogʻushida oʻqiladigan asar boʻlib kitobxonning butun diqqatini ohanrabodek oʻziga jalb etadi. Yozuvchi maʼlum bir obrazning portretini yaratarkan, turfa xislatlarning umumlashma holatini bitta obrazda uygʻunlashtiradi. Hayot –bu misli bir toʻfon, bu toʻfon birozdan soʻng seni qaysi tomonga burib yuborishini ham bilmaysan. Vaqt oʻtgan sayin insonlar, tuygʻular oʻzgaradi, hayot, aslida, kim qanday ekanligini tushuntirib qoʻyadi. Hayot qizni ming xil sinovlarda toblaydi, goho tugʻilganiga pushaymon boʻlib taqdiriga tan bermoqchi boʻladi, gohida hayotni oʻziga raqib sifatida koʻrib, albatta, hayotdan oʻch olishni koʻngliga tugadi. Atrofida yuz berayotgan voqealarni oʻqib turib, kitobxon hayotda yaxshilar emas, yaxshi rol oʻynaganlar yutadi, degan xayolga borishi tabiiy. Shekspir aytganidek, “Insonni oʻrab turgan olam –sahna, odamlar esa “aktyor”lardir”⁹⁹. Hayotda har kimning oʻz roli bor. Biz “aktyor”larning rolimizning ijobiy yoki salbiyligini faqatgina “Buyuk rejissor” boʻlib beradi, rolimizni qay darajada ijro etish oʻzimizga bogʻliq. “Bonu”da ham xuddi shu holatlarni kuzatamiz. U zulmatga toʻla hayotida yorugʻlik tomon yoʻl izlaydi. Shunday vaziyatlar ham boʻladiki, qaygʻu, alam, nohaqlik, vafosizlik tuygʻularining har birini qayta-qayta boshdan kechiradi. Begonalar-ku mayli, hatto, oʻz qondoshlari, yaqinlari ham koʻngil koʻzqusini chilparchin qilishdan toyishmaydi. Shu tariqa voqealar bosqichama-bosqich rivojlanib, nisbatan keskin vaziyat vujudgakeladi. Shunday asarlar boʻladiki, kulminatsiya bir necha oʻrinda koʻrinadi. “Bonu” romani ham shular sirasiga kiradi. Dilbar va togʻasi bilan boʻlgan munosabatlarda, ular bilan bogʻliq sujetlarda nisbatan keskin vaziyatlar kelib chiqadi. Kulminatsiyadan soʻnggi voqealar zanjiri yakun hisoblanib, ziddiyatlar oʻz yechimini topadi. Asarlardagi har qanday obraz asar boshidan oxirigacha bir xil xarakterni namoyon etavermaydi. Bu holatni, ayniqsa, yirik hajmli asarlarda kuzatamiz. Asar boshida obraz kishida boshqacha tasavvur uygʻotasa, sujet keskinlashgan sari xarakterda oʻzgarishlar sodir boʻlaveradi, yaʼni haqiqatlar oshkor boʻladi. Olmos ham yechimda oʻz “yuz”ini koʻrsatadi. Oʻylab qaralsa, asardagi bu ism ramziy maʼnoda. Olmos... Nega aynan Olmos, boshqa ism emas? Hayotda shunday

⁹⁸Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. –Toshkent: Oʻqituvchi, 1995. – B. 76.

⁹⁹Joʻrayev U., Farmonov R., Ergashev Sh.8- sinf Jahon tarixi. Darslik. –Toshkent: Choʻlpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014.– B. 78.

insonlar bo‘ladiki, o‘z manfaatini yo‘lida nafaqat his-tuyg‘ularini, balki insonlar ular uchun sariq chaqaga arzimasligini ko‘rsatib qo‘yishadi. Xalq orasida boyluk, hirs insonning ko‘zini ko‘r qiladi, degan gaplar bor. Qaysidir ma’noda bu so‘zlar Olmosga ham mos keladi. U ham o‘z manfaatlari – nafs qurbonidir. Bunday holatni O‘.Umarbekovning “Odam bo‘lish qiyin” romanidagi Abdulla misolida ko‘rishimiz mumkin. Abdulla ham muhabbatdan manfaatni ustun qo‘yadi, ikki o‘t orasida qoladi, ammo u bundan xafa emas edi. Bir yoqda manfaat, ikkinchi tomonda muhabbat. Gulchehraga nisbatan tubanlik, ko‘rnamaklik qilib, manfaatni tanlaydi va shu yo‘l bilan hayotda ko‘p narsaga yetishishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘yadi. Har ikki asarni birlashtiruvchi jihat hayotiylikka asoslanganligi, voqealarning jonliligi va, eng asosiysi, yakson bo‘lgan muhabbat, chilparchin bo‘lgan orzular. Har ikki asarda ham har bir qahramonning o‘z o‘rni bor. Olmos, Dilbar va Bonuning tog‘asini bir kitobga qiyoslasak, har bir sahifasini varaqlaganda, yanada yangi qirralari ochila boradi. Asar boshdan hayotdagi oddiy voqealar tasvirlangan kitobga o‘xshaydi. Varaqlagan sayin bir begunoh, ma’suma qizning boshiga tushgan savdolaridan hayratda qolib, achinadi kishi. Muhabbat... Bir qarashda his-tuyg‘ularni junbushga keltiradigan bu tuyg‘u insonni ming ko‘yga solishga qodir. Tuz ham ko‘rinishidan shakarga o‘xshaydi, deganlaridek, muhabbat naqadar iliq tuyg‘u bo‘lmasin, Bonuning barcha kulfatlariga sabab bo‘ldi. U muhabbatiga xiyonat ila javob oldi. Insonning aqli va yuragi birday emas. Bonu ham shu muvozanatni saqlolmaydi. Bonuning holatida ham aql ta’kidlaganini qalb rad etadi. Shuncha qiyinchiliklardan keyin ham muhabbat ustuvorlik qiladi va yana Olmosga ishonib xatoga yo‘l qo‘yadi. Taqdir unga qo‘shqo‘llab “baxtiqarolik to‘ni”ni kiydiradi, chinakam mehr, insoniylikka javoban qabihlik, samimiyatga javoban tubanlikni ko‘radi. Iqbol Mirzo ushbu asar orqali Bonu siyomosida har bir o‘zbek ayoliga xos sabr, nomus, iymon fazilatlarini ko‘rsata oldi. Asar – minglab o‘zbek ayollarining ayanchli qismati, odamlarga mehr berib, qadr topolmagan ma’sumalar hayotidan bir parcha. Bonu har bir qadamida tubanlik, gunoh, aldovga uchraydi. Ammo umidini so‘ndirmaydi, yashashda davom etadi. Yaratgan egam o‘z suygan bandasiga turli sinovlar berib sinarkan. Hayoti davomida naqadar tuban insonlar bilan to‘qnashsa-da, razolat botqog‘iga yanada chuqurroq kirib borayotgan bo‘lsa-da, hayotga bo‘lgan ishonchini yo‘qotmaydi. Ko‘pchilik e’tiboriga tushgan qahramonimiz – Bonuning sabrini mushtariylar va adabiy tanqidchilar Ayyubga qiyoslashadi:

Buncha bardosh qaydan olding Bonujon...
 Sen ko‘rgan kun kammasmidi Bonujon...
 Seni o‘qib ko‘z yoshlarim bo‘ldi qon,
 Senga Ayyub ustozmidi Bonujon¹⁰⁰

Romanni o‘qiganimizda, arzimas muammolar oldida tez taslim bo‘lib, hayotdan noliydigan insonlar uchun Bonuning hayoti ibrat bo‘lishiga ishonamiz. Asar hayotiy voqealarga asoslanishi va kuchli psixologizmi bilan diqqatga molikdir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. BONU... telegram sayti. t.me/ Bonu. Iqbol Mirzo. 2020-yil, 11-noyabr, 23-yanvar.
2. Iqbol Mirzo. Bonu. – Toshkent: Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2018. – 374 b.
3. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – 376 b.
4. Jo‘rayev U., Farmonov R., Ergashev Sh. 8- sinf Jahon tarixi. Darslik. – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. – 218 b.

¹⁰⁰BONU... telegram sayti. t.me/ Bonu. Iqbol Mirzo. 2020-yil, 23-yanvar.

ИЛМИЙ АДАБИЙ ТАФАККУР ВА УСЛУБ МАСАЛАСИ

Насима Қодирова, БухДУ таянч докторанти

Илмий-адабий тафаккур ўзига хос ижод тури бўлиб, фан ва санъат каби икки соҳанинг бирлашувидан вужудга келади. Тафаккурнинг бу шаклида ижодкор ҳар бир айтаётган гапининг қайсидир асосга таяниши, илмий далилланиши, илмий хулосалар чиқарилиши жиҳатдан илм-фанга тегишли бўлса, қабул қилинган матннинг ижодкор кўнгил мумкига айланиб, дунёқарашда акс этиб, унинг тафаккур имкониятлари доирасида қайта яратилиши янги санъат асарининг дунёга келишидир. Ҳақиқий санъат асарларининг ҳеч бири бир-бирини такрорламайди, ҳар бири ўзига хос ва ўзгачадир. Шу сабабдан ҳам бир матн устида бир нечта адабиётшунос тадқиқот олиб бориши, унинг янги-янги маъно қирраларини кашф этиши ва китобхонга тақдим этиши мумкин. Бирок улар бир-биридан қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу фарқ, энг аввало, уларнинг услубида намоён бўлади. Адабиётшуносликда услуб масаласи мураккаб назарий муаммолардан бўлиб, аксарият ҳолларда ижодий метод масаласи билан ёнма-ён тадқиқ этилади. Зеро, бу икки тушунча бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, айнан бир ҳодиса эмас. Рус адабиётшуноси Л.И.Тимофеев бу икки масалани қуйидагича изоҳлайди: “Методда ёзувчини ўзига яқин бошқа ёзувчилар билан боғлайдиган умумий жиҳатлар кўзга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутқ оҳанги ва ҳ.к. намоён бўлади”(1, 411).

Тадқиқот объекти ва таҳлил методи бир бўлган ҳолатда ҳам адабиётшунослар услуби бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқларнинг кўплаб сабаблари бўлиб, қуйидагилар унинг энг муҳимлари ҳисобланади. Энг аввало, ҳар бир ижодкор илмий савиясининг турлилиги, зеро, ҳар бир олим ўз илмий даражаси доирасида таҳлил этади, иккинчи тафовут таҳлил мақсади билан боғлиқ бўлиб, қайсидир олимни бадиият масалалари кўпроқ қизиқтирса, қайсинидир ғоявий масалалар кўпроқ жалб этади, яна кимдир ижодкор лабораториясига диққатини қаратади. Назарийчи олим М.Б.Храпченко “Услуб ҳаётни образли ўзлаштиришнинг ифода усули, китобхонни ишонтириш ва завқлантириш усулидир”(2,98) деб таъкидлайди. Олимнинг ушбу таърифидан услубни белгиловчи, адабиётшунослар ижодидаги яна бир муҳим фарқ, тил воситаларининг қўлланилиши келиб чиқади.

Б.В.Томашевский фикрига кўра услуб деганда қандайдир ўзига хослик тушунилади. “Бу ўзига хослик бадиий тил бўладими, тил воситаларининг ўзига хослиги бўладими ёки кўчма маънода “инсоний хулқ-атвор” хослиги бўладими, барибир ўзига хослик – бу “услуб” сўзи маъносининг биринчи белгиси”(3,11). Албатта, бу каби ўзига хосликка эга бўлиш ижодкордан билим, истеъдод ва маҳоратни талаб этади. Буни теран англаган В.Г.Белинский “услуб – бу талантнинг, фикрнинг ўзи... услубда бутунича одам: услуб - бу фикрнинг оидинлиги, сезиларлилиги. Услуб мудом шахсият, характер каби оригинал. Шу сабабли ҳар қандай улкан ёзувчи ўз услубига эга” (4,79) дея услубни белгиловчи барча хусусиятлар йиғиндиси бўлган шахсиятга аҳамият қаратади.

Алоҳида шахсият бу индивидуаллик. Индивидуал услуб турли шакллар ва воситаларда намоён бўлса-да, унинг хусусиятларини белгиловчи бош омил, ҳаёт, ижодкор мансуб даврдир. Ижтимоий ҳаёт, шубҳасиз, бош омил сифатида услубга ўз таъсирини ўтказди. Ижтимоий ҳаёт ижодкор дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ва таъкидлаш керакки, ҳар бир ижодкор ўзи мансуб давр унинг олдига қандай вазифалар қўяётганига таянади. Ижодкорнинг ўзига хослиги халқ маданияти, адабий мерос, адабий таъсир кабилар билан бевосита боғланган. Шу сабабдан ҳам И.Ҳаққул услуби унинг бошқа адабиётшунослар – Нажмиддин Комилов, Матёқуб Қўшжонов, Наим Каримов, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров каби етук олимлардан ажралиб турадиган индивидуал хусусиятлардангина иборат бўлмай, улар ижодини ўқиб-ўрганганлиги, қўлга киритган ютуқларидан баҳрамандлиги, улар услубини ўрганиш асосида ўз услубини шакллантира борганлиги учун ҳам мустақил, хусусий, айна вақтда улар билан боғлиқ ҳамдир. Иброҳим Ҳаққулни теран фикрлилик, таҳлилда изчиллик, мушоҳадаларнинг ўткирлиги, назарий билимларнинг чуқурлиги, далиллаш санъатида моҳирлиги, баёнда илмий ва бадиий услубнинг ўзига хос қоришиқлиги каби бир қатор хусусиятлар бошқа адабиётшунос олимлардан ажратиб турадиган жиҳатлар бўлиши билан бир қаторда, айна чоғда улар билан боғлайди ҳам. Бироқ бу белгилар у ёки бу жиҳатлари билан умумийлик ҳосил қилса-да, олимда айна ҳолда такрорланмайди.

Хусусий услуб ижодкор иқтидори, интеллектининг ўзига хослиги, таҳлил этаётган матнини қабул қилиши, ҳис этиши, тушуниши ва тушунтиришидаги алоҳидалигини рўёбга чиқаради.

Ҳар бир олим ижодидида сўз ва ифодалар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ижодкор тафаккури ва илмий дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда янги-янги маъно қирраларини касб этади. Бу борада ҳар бир адабиётшунос ёхуд мунаққид ўз дастхатига эга бўлмоғи лозим. Олимнинг тил маҳоратини унинг услубини белгиловчи компонентлардан бири сифатида таъкидлаш ўринли.

И.Ҳаққул ижодидида илмий ва бадиий тафаккурнинг қоришиқлиги, айрим мақолаларда соф илмий тилдан фойдаланилган бўлса, айримларида бадиий тилнинг жозибасини кўриш мумкин. Масалан, олимнинг Ойбек лирикаси таҳлилига бағишланган “Ойбек шеърини ва шахсиятига доир” муаммоли мақоласини кўзидан кечирсак, мақола тилининг ўзига хослигини кўрамиз, олим турли ташбеҳлардан моҳирона фойдаланади: “Оламни мунаввар қилган нур ва ёлқин офтобдан таралгани билан унинг айна ўзи эмас-да” [6,275]. Бу ўхшатиш Ойбек кўнглига тегишли, ушбу жумла орқали мунаққид шоир кўнглининг чексиз уммонлигига, уни ҳар қанча таърифлаган билан бутунлигича, тўла ифодалаб бўлмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, Ойбекка берилган “кашф этилмаган сир”, “сўз сеҳргари”, “сир шоири” каби таърифларда мунаққиднинг шоирга чексиз муҳаббати, ихлоси, шунингдек, Ойбек ижодининг билимдони эканлиги яққол сезилади.

Ижодкор услубида акс этувчи энг муҳим жиҳатлардан бири истеъдоддир. Услубда акс этувчи кўпгина хусусиятлар айнан истеъдод билан боғлиқ. Илмий-адабий тафаккур ҳам фан ҳам санъат билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ижодкордан икки қарра масъулият ва иқтидор талаб этади. Аввало, маълум асарни ижодкор кўзлаган ғоявий мақсадни тўғри англаш, унинг бадииятини ҳис этишдаги истеъдод бўлса, иккинчи англагани ва ҳис этганини китобхонга қайта тақдим этишдаги ўзига хослик ва маҳорат жуда муҳимдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тимофеев Л. И. Основы теории литературы. – М.: “Просвещение”, 1971.
2. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М. 1972
3. Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. Курс лекций. Л.,1959.
4. Белинский В.Г. Полн. соб. соч. Т.8. М., 1955.
5. Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадийи услуб, автор образи. Тошкент-1981.
6. Ҳаққул И. Такдир ва тафаккур. Тошкент-2007.

SIROJIDDIN SAYYID SHE`RLARIDA HADISLARNING BADIY TALQINI

Qudratova M.Sh., o`qituvchi
BuxDU, O`zbek adabiyoti kafedrası

XX asr o`zbek adabiyotiga xos xususiyatlarni kuzatish, ulardan muayyan ilmiy xulosalar chiqarish mutaxassislardan ulkan mehnat va mas`uliyat talab qiladi. Bu asrda biz o`zbeklarning olam hodisalarini qabul qilish va unga yondashish tarzi avvalgi o`nlab asrlardagiga nisbatan jiddiy o`zgardi va bu adabiyot xalqimizning ma`naviy hayotida, badiiy-estetik tafakkur taraqqiyotida alohida bosqich bo`lib qoldi. Cho`lpon, Fitrat, Abdulla Avloniydan boshlab Shavkat Rahmon, Muhammad Yusuf, Halima Xudoyberdiyeva, Usmon Azimgacha bir necha avlod ijodkorlari millat ma`naviy-intelektual hayoti rivojini belgilovchi badiiy barkamol asarlar yaratishdi.

Bu qatorda Sirojiddin Sayyidning ham o`z o`rni bor. Shoir she`riyatining mavzu ko`lami keng, ularda istiqloq shukhi, mustaqillik tarovati va zamonamiz ruhi ufurib turadi. Shu kunga qadar uning “Ruhim xaritasi” “Salqin xarsanglar kaftida”, “Sevgi mamlakati”, “Asragil” kabi o`ndan ortiq she`riy to`plamlari nashr etilgan. Shulardan “Yaxshilik eskirmagay” nomi ostida chop etilgan she`riy hadislari e`tiborimizni tortdi. Chunki, muqaddas Qur`oni Karim va muborak hadislarga tayangan holda diniy-ahloqiy g`oyalarni talqin etib, yangi ijodiy tafakkur yaratishga harakat qilish bugungi she`riyatimizning xarakterli xususiyatlaridan biridir. Bunday she`riy hadislar mustaqillik mafkurasini mustahkamlash va xalqimiz ruhiyatini poklashga xizmat qilmoqda. Zero, Ali ibn Abu Tolib, Muoz ibn Jabal, Abdulloh ibn Umar, Anas ibn Molik, Abu Hurayradan ko`p sanadlar bilan turli shakllarda rivoyat qilinadigan hadisda Payg`ambarimiz sollallohu alayhi va sallam marhamat qiladilar: “Kimki ummatimga dini bilan aloqador bo`lgan qirqta hadis yodlatsa, Alloh taolo uni qiyomat kuni faqihlar va olimlar guruhiga kiritadi”, deyiladi.¹⁰¹

Shoir ham o`zining “Qirq hadis” she`riy turkumini o`ziga xos munajat bilan boshlab, ushbu xayrli ishi uchun Allohdan madad so`raydi:

Dunyoda eng oliy So`z o`zingdiansan,
O`zing bir gap solding balki dilimga.
Xudoyim, qirq eshik ochilmoqdadir,
Xudoyim, yorug` qil so`zni tilimga.

Shundan so`ng “Zamondan koyinmanglar, zero zamonning egasi Ollohdir”¹⁰² hadisini keltiradi. Ushbu hadis ko`pchilik muhadislarimizning kitoblarida keltirilgan. Jumladan, Abu Zar-Jundub ibn Juqoda (r.a) va Abu Abdurahmon Muoz ibn Jabal (r.a)dan: Rasululloh s.a.v.

¹⁰¹ Imom Muhiddin Zakariy ibn Sharaf Navaviy. Qirq hadis. “Sharq” nashriyoti. T.2018, 4-bet

¹⁰² Sirojiddin Sayyid. Asarlar. II jild. “Sharq” nashriyoti. T.2018, 86-bet

dedilar: Qayerda, qaysi zamonda, qay holatda bo`lsang ham Allohdan taqvo qil!, boshqa bir hadisda “Zamondan nolimang, zamonning egasi Ollohdir”¹⁰³ deyiladi.

Sirojiddin Sayyid ushbu muborak hadisni xudo bergan iste`dodi orqali jamiyat ahliga, yoshlar ongiga she`riy satrlari bilan chuqurroq yetkazib berishga harakat qiladi:

Olloh sizga bergan oy va yil uchun
Arzir har lahzaning naqshi bo`lsangiz.
Azaldan yomonga yomondir zamon,
Zamon yaxshi erur – yaxshi bo`lsangiz.
Har kimga dildagi niyati yo`ldosh,
Ezgu maqsadlari bir umr yordir.

**Zamondan hech qachon koyinmangizkim,
Zamonning egasi Parvardigordir.**¹⁰⁴

Insoniylik haqidagi qutlug` tushunchalar va umr mohiyatini aks ettirib turgan bu satrlar o`quvchini o`ziga sehrlab, tortib turadi. Chunki uning satrlarida ona xalqiga bo`lgan adoqsiz muhabbati bor. She`rdagi hech qaysi so`z shunchaki aytilmagan. Jumladan “Har kimga dildagi niyati yo`ldosh, Ezgu maqsadlari bir umr yordir” satrlari ham hadisi sharifga borib taqaladi. Umar roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: “Nabiy sollallohu alayhi vasallam dedilar: “Albatta amallar niyatlarga bog`liqdir. Albatta, har bir kishining niyat qilgan narsasi bo`ladi.”¹⁰⁵

Shoir keyingi she`rini ilm ahliga bag`ishlab, “Mo`tabar zotlar” deb nomlaydi va quyidagi hadisni albatta she`riy shaklda maromiga yetkazib sharhlaydi: “Foydali ilmlarni o`rgatuvchi odamning gunohi kechirilishini so`rab, har bir narsa, hatto dengizdagi baliqlar ham istig`for aytadilar”¹⁰⁶

Ilmu ma`rifatli elning iqboli
Hargiz zalolatga giriftor o`lmas.
Ezgu ilmlarni o`rgatgan zotlar
Ikki dunyoda ham aslo xor bo`lmas.
Yaratgan olamning gardishlarini
Goh qiyosh, goh yulduz, oyda keltirgay.
Shunday insonlarning kamtarin ilmi
Vatanga qanchalar foyda keltirgay.
Farzandlar shul sabab topgaylar kamol,
Yurt shunday zotlarga iftixor aytar.

**Gunohlarin so`rab dengizlardagi
Baliqlar ham hatto istig`for aytar.**

Imom Suyutiy rivoyat qiladilar: Payg`ambar s.a.v. marhamat qiladilar: “Olimga yerdagi va osmondagi barcha narsalar istig`for aytadi”¹⁰⁷

Shoirning “Qirq hadis” turkumidagi she`rlari uchun asos bo`lgan har bir hadisni aniq va ishonchli manbalardan topishimiz mumkinligi, she`rlarining ilmiy va ma`rifiy qimmatini yanada oshiradi. Ijodkor qirq hadisga asoslangan she`rlarida jamiyatning har jabhasiga murojaat qiladi.

¹⁰³ Arbain hadis. Imom an-navaviy. “Sharq” nashriyoti. T.2018, 56-bet

¹⁰⁴ Sirojiddin Sayyid. Asarlar. II jild. “Sharq” nashriyoti. T.2018, 87-bet

¹⁰⁵ Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Islomning madori bo`lgan hadislar. “HILOL-NASHR” T. 2019, 27-bet

¹⁰⁶ Sirojiddin Sayyid. Asarlar. II jild. “Sharq” nashriyoti. T.2018, 87-bet

¹⁰⁷ Qirq hadis. Orifulloh domla Muhammadiy Solihiy o`g`li. G`afur G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. T.2018, 13-bet.

Ularining har birida hayotiy haqiqat va xulosalarini satrlarga ko'chiradi va so'nggida o'z fikrlarini hadis orqali asoslaydi.

Sirojiddin Sayyid ilk she'rlarini yozganidayoq, ustozlari va muhlislari olqishiga sazovor bo'lgan shoir. Negaki, o'z she'rlarida doimo millatning ma'naviy qadriyatlarini ulug'lashga, xalqining dardiyu quvonchlarini, g'am-anduhlariyu armonlarini aks ettiradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Sirojiddin Sayyid. Asarlar. II jild. "Sharq" nashriyoti. T.2018, 87-bet
2. Qirq hadis. Orifulloh domla Muhammadiy Solihiy o'g'li. G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. T.2018, 13-bet.
3. Arbain hadis. Imom an-navaviy. "Sharq" nashriyoti. T.2018, 56-bet
4. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Islomning madori bo'lgan hadislar. "HILOL-NASHR" T. 2019, 27-bet
5. Imom Muhiddin Zakariy ibn Sharaf Navaviy. Qirq hadis. "Sharq" nashriyoti. T.2018, 4-bet

“ЮРАК-АЛАНГА”ДА МУНАҚҚИД ҚИЁФАСИ

Олтиной Курбонова, БухДУ таянч-докторанти

И.Ғафуров тафаккур доираси кенг серқирра олим ва танқидчилар сирасига киради. Мунаққид фақат ҳозирги адабий жараённи кузатиш билан чекланмайди. Бир қарасангиз, ажойиб асарларни таржима қилади, бир қарасангиз, жаҳон адабиётининг татанлари ҳақида мақолалар ёзади, В.Белинскийнинг даҳосидан илҳомланади. Мунаққидни қуруқ баёнчи ёки оддий шарҳловчи эмас, чинакам санъаткор даражасига кўтарадиган фазилатлар Иброҳим Ғафуровнинг китоби – «Юрак-аланга»да ҳам мавжуд.

«Юрак-аланга» Иброҳим Ғафуровнинг сўнгги йилларда ёзилган мақолаларидан тартибланган. Бироқ у ҳар хил мавзуларга бағишланган, ҳар хил муаммолардан баҳс қилувчи ола-қуруқ мақолалар йиғиндиси эмас, яхлит китобдир. Бунга эса мунаққид санъат асарларини тушуниш ва таҳлил қилиш принципларининг ягоналиги, ҳаёт ва адабиётни талкин қилишдаги қарашларининг яхлитлиги, ҳаёт ва адабиётни талкин қилишдаги концептуал яхлитлик туфайли эришган. Мен «Юрак-аланга»ни уқиб чиқар эканман, буюк рус шоири А.С.Пушкиннинг танқидга берган бир таърифини эсладим. «Танқид,- деган эду у,- санъат ва адабиёт асарларидаги гузалликлар ҳамда кусурларни кашф этувчи фандир... Санъатга мухаббат йук жойда танқид ҳам йук». Гарчи бу таърифда адабий танқиднинг ҳамма жихатлари камраб олинган булмаса-да, унда танқиднинг энг муҳим томони таъқидланган. Шу томон, яъни бадий гузалликни кашф қилиш «Юрак-аланга» китобининг етакчи фазилатини ташкил қилади.

Китобдаги мақолалар уч қисмга ажратилган. «Умрларнинг мазмуни» деб аталган биринчи қисмига Ойбек, Шайхзода, Зулфия, Хамид Ғулум, Саида Зуннунова шеърятини ҳамда Абдулла Каххор ва Пиримкул Кодиров насри тугрисидаги мақолалар киритилган. Бу шоирлар ва адиблар ижоди неча марталаб танқидий таҳлид объекти булган, улар ҳақида юзлаб мақолалар, ушлаб китоблар яратилган. Шунга карамай, Иброҳим Ғафуров бу санъаткорлар ҳақида хали ҳеч ким айтмаган гапларни айтишга, улар ижодининг хали кашф этилмаган қирраларини очишга интилади ва бунга

муваффақ булади. У узини ижодкорга ақл ургатувчи донишманд деб ҳисобламайди, аксинча, ҳар мақолада санъаткор шахсиятига, унинг ноёб истеъдодига теран ҳурмат, самимий муҳаббат билан қалам тебратади. Лекин бу ҳурмат ва муҳаббат қуруқ мактовларда намоён булмайди. Мунаққид санъаткор асари баҳонасида ҳаёт ва ижод тугрисидаги мустақил фикрлайди, фикрлаш жараёнида эса китобхон қуз унгида санъаткор шахсиятининг узига ҳос қирралари ҳам, ижоднинг машаққатли ва айни чоғда сурурли онлари ҳам, асар вужудига сингиб кетган гузаллик ва маънодорлик ҳам очила боради. Иброҳим Ғафуров санъаткор ва унинг асари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, йул-йулақай шундай умумлашмалар чиқарадики, уларда санъатнинг умумий муаммолари, мохиятли масалалари лўнда ва ихчам ифодаланган булади.

Шеърят масалалари билан шугулланувчи танқидчилар шуни яхши билишадики, дунёда шеърни таҳлил қилишдан қийинроқ иш йук. Унинг мазмунини баён қилиб бериш билан иш битмайди. Шундай шеърлар борки, унинг мохиятини танқидчиликнинг баёнчи тилига қучирадиган булсак, шеърдаги бутун нафосат йуқолади, у сулиган гулдай жозибасидан маҳрум булади. Шеър таҳлили мунаққиддан жуда нозик қалбни, назокатни талаб қилади. Иброҳим Ғафуров шеър таҳлиliga мохир-унинг мақолаларида шоирларнинг шеъри жамики таровати ва нафислиги билан намоён булади. Бу жихатдан унинг ижодига ҳавас қилса, ундан қўп нарсани ёш мунаққидлар урганишса арзийди. Бирок Иброҳим Ғафуровни фақат шеърят мунаққиди деб ҳисоблаш тугри булмайди.

Иброҳим Ғафуров китобининг учинчи қисмини «Янги нафас» деб атаган ва бу қисмга ёшлар ижодига таалукли мақолаларини қиритади. Бевосита бу мақолалар ҳақида гапиришдан аввал шуни айтиш керакки, Иброҳим Ғафуров мунтазам равишда ёшлар ижоди билан шугулланиб келаётган танқидчи. Айниқса, ёшлар поэзиясида бирон йилт этган асар унинг назаридан четда қолмайди. У фақат айрим шоирлар ёҳуд китоблар ҳақида ёзиш билан чекланиб қолмайди, Айни чоғда ёшлар ижодиётининг принциал масалаларини чуқур ёритувчи салмоқли мақолалар яратади. Бу уринда унинг «Ёш қалбнинг тажрибалари», «Инсон қалбига йул» каби мақолаларини эслаш қифоя. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, сунги йилларда адабиётга қириб келаётган ёшларнинг сони ва салмоғи тобора ортиб бораётганига қарамай, адабий танқид уларга етарли эътибор билан қарамоқда, деб айтолмаймиз.

Иброҳим Ғафуров «Юрак-аланга» китобида Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ, Турсуной Содикова, Олмос, Миразиз Аъзам, Анвар Эшонов каби ёшлар билан бирга, Омон Матжон, Ойдин Хожиева каби тажрибали шоирлар ҳақида ҳам батафсил ёзади. У ҳатто бошловчи шоирларнинг илк машқларини ҳам эътиборсиз қолдирмайди-обзор мақолаларда шеърини меҳнатнинг машаққатларини очиб беради. Танқидчининг бу мақолалари ҳам талабчанлик руҳида ёзилиши билан бирга ёшларга нисбатан том маънодаги ғамхурлик ва хайрихоҳлик сугорилган.

Мунаққид мақолаларини жозибадор қиладиган яна бир омил унинг тилидаги ширадорликда, образлиқда. У қупинча фикрларини афористик шаклда ифодалашга интилади. Масалан, у ёзади: «инсониятнинг дардларини теран англаган одамларгина унинг онгли қурашчиларига айланади». Ёҳуд ҳақиқий поэзия билан назмбозлик уртасидаги фарқни очар экан, мунаққид шундай образдан фойдаланади: «Қофия, турок алифбесини ёдлаб олган саводхон шеърни юракдан эмас, тилнинг учгинасида айтади, бундай шеър нунок хотин қорган ҳамирдай ошмай тош булиб тураверади» .

Китобни хотималовчи «Сунгги нукта хакида»ги сахифалар ҳам жуда бежирим ёзилган. Бундай парчалар, образли ифодалар, образли ифодалар, афористик ифодалар бирлашиб, Иброхим Ғафуров услубига узига хос ранг, бетакрор жозиба бахш этади.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИНИНГ МУАЛЛИФ ТОМОНИДАН ТАҲРИР ЕТИЛИШИ ХУСУСИДА

Азимжон Ҳамидов, 1-курс магистрант
БухДУ Матншунослик ва адабий
манбашунослик йўналиши

Маълумки, ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳаётининг сўнги йилларида умри давомида яратган ғазал, мухаммас, рубоий, мусаддас ва бошқа лирик жанрлардаги асарларини, шу жумладан, олдинги йилларда яратилган девонлари "Бадойиъ ул-бидоя" ва "Наводир ун-нихоя"га киритган шеърларини йиғиб "Ҳазойин ул-маоний" куллиётини тузди. Ижодкор "Ҳазойин ул-маоний"ийғма девонини тўртга тасниф этиб, уларни умрининг тўрт фаслиданкелиб чиқиб номлади ва шеърларини хронологик кетма-кетлик ва девон тузишдаги муайян тамойилларга таяниб жойлаштирди [6, 290-332]. "Ҳазойин ул-маоний"ни тартиб берар экан, улуғ ижодкор олдинги девондаги шеърларини таҳрир жараёнига ҳам тортгани устоз адабиётшунослар томонидан ҳам эътироф этилган [7, 152-155]. Шундай ҳолат дастлаб "Бадойеъ ул-бидоя", кейинчалик эса "Ғаройиб ус-сиғар"дан ўрин олган *"Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга"* мисраси билан бошланувчи ғазал устида ҳам амалга оширилган кўринади. Тўққиз байтгли бу ғазалнинг матни "Бадойеъ ул-бидоя"данқуйидаги кўринишда ўрин олган:

*Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,
Андоқки, қурби тақвию тоат била санга.
Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак хаёл ақлу фаросат била санга.
Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд эта олмас онча фасоҳат била санга.
Изҳори ажз биздин адаб таркидур баче,
Юз минг қусуру нуқсу касофат била санга.
Ҳар тийра рўзгорки, васлингга йўл топиб,
Сендин етиб чароғи ҳидоят била санга.
Лутфунг рафиқим ўлмаса, не ҳадки, еткамен
Боштин-аёқ гуноҳу залолат била санга.
Чун сендин ўзга йўқ панаҳим, қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат била санга?
Исёни кўп Навоийнинггу йўқ уётим,
Истар етишса мунча хижолат била санга.
Лутф айлагилки, мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат била санга [2, 31-32].*

Ғазал тузилишига кўра пароканда (мустикал байтлардан таркиб топган) бўлиб, қофия ва радиф воситасидаундаги турли адабий манзаларнингбир бутунлик ҳосил қилиши кузатилади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай тузилишдаги ғазаллар битишга ҳам майл кўрсатганлиги "Бадойиъ ул-бидоя" дебчасидаги улуғ шоирнинг куйидаги фикрларидан

ҳам англашилади: “Ул жиҳатдин бу девонда ҳамду наът ва маъвизадан бошқа ҳар иўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳваиларга мужиби саркашлиғ ва гамкашларга боиси мушаввашлиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳатосо ва маъвизатосо байт иртиком қилинди...” [2, 21]. Қофия ва радифнинг турли адабий лавҳалардаги ғазал байтларининг эркин боғлаш поэтик вазифани бажаришибу каби ғазалларда байтларнинг ўрни алмашса ҳам, ундаги маънонинг сезиларли даражада ўзгариб кетишига сабаб бўлмайди. Ҳазрат Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” девони таркибидаги биринчи девон бўлган “Ғаройиб ус-сиғар”ни тартиб беришда юқоридаги ҳамд ғазалнинг муайян даражада таҳрир қилганлиги айрим сўзларнинг ўзгартирилиши ва байтларнинг ўрин алмашилишида кузатилади. Фикримизни ғазалнинг умумий мазмунига эътибор қаратиш асосида аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Ғазалнинг матласидаулуғ шоир Оллоҳга мурожаат қилиб, тақво ва тоат ибодати билан Оллоҳга яқинлик ҳосил қилиб, унга ҳамд (мақтов) айтишга ожизлик қилишини баён этади. Шоир бубилан барча тоату ибодати Оллоҳ учунлигини маълум қилиб, чиройли сўзлар айтиш билан Оллоҳни мақташдан ҳам ўзининг ожизлигига диққат қаратиб нолийди. Шу ўринда ижодкор инсон фақат боши саждага етганидагина, яъни намоз ўқиб ибодатни адо этаётган кишигина меърожга чиққандек бўлиши, Раббисига яқин туриб, у билан суҳбат кура олишига [1, 69] ишора қилганини кўрамиз. Кейинги байтда ижодкор Оллоҳ таолога фикру тахайюл (хаёлга келтириш), ақлу фаросатга таяниб хаёл суриш билан етиш ажабланарли ҳол эканлигини муболағавий тасвирлайди:

*Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга*[2, 31].

Ғазалнинг ушбу иккинчи байтидаги “Етмак хаёл ...” бирикмаси “Ғаройиб ус-сиғар”да “Етмак маҳол” билан алмаштиради. Бу эса, шеърхонга байтни тушуниш имкониятини ҳосил қилади. Яъни Оллоҳ таолога фикру тахайюл ва ақлу фаросат билан етиш қийин эканлиги байтда ўз ифодасини топади. Эҳтимол, бунда котибнинг хатоси тузатилгандир. Ғазални ўқиш давомида ижодкор илоҳий китоб “Бақара” сурасидаги “Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта, биз у зотга қайтувчимиз” [5, 23] ояти каримасига ишора қилганини ҳам кўриш мумкин. Ушбу ғазалда Оллоҳ инсонни икки борлик - кўз билан кўринадиган моддий ва кўз билан кўринмайдиган маънавий борлик билан яратгани, кўпинча инсоннинг моддий борлиғи маънавий борлиғидан устун келиши, шу пайт инсоннинг иродаси ҳақни таниёлмай қолиши-ю, бу эса инсоннинг қалб кўзларини беркилишига олиб келиши, бу иллатнинг давоси эса фақат Оллоҳга ҳамд экани ижодкор томонидан юксак маҳорат билан ишораларда намоён этилганини ҳис этишимиз мумкин.

Ғазалнинг учинчи байтида ҳаттоки комилликка эришган киши ҳам шунча ақл-заковати билан Оллоҳга ҳамд айтишда ожиз эканлигини тўғрисида сўз юритилади. Кейинги байтда ижодкор ўзининг ожизлигини бадиий ифодалаб, унга бу ҳолат одат экани ва бундан қутилаолмаслигини айта туриб, юз минглаб камчиликлари билан Оллоҳга интилаётганини баён қилади. Бешинчи байтда, ҳар ким сани ҳузуринга йўл топса, унга ҳидоят нури сандан етган бўлади ва сенга интилади дейилади. Олтинчи байтда ижодкор ўз ҳолидан шикоят қилиб, бошдан-оёғ гуноҳга ботгани боис унга Оллоҳ таолодан лутф етмаса ҳам ажабланарлимаслигини айтиб изтироб чекади. Еттинчи байтда Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигини эътироф этиб, оҳ ва надоматлари билан унга талпингани ўз ифодасини топади. Кейинги байтда ижодкор ўзининг исёнкор эканлигини маломатийлик

услубида бадий ифодалаб, шунча камчилик ва нуқсонлари билан Яратганга интилаётганини баён этишини кузатишимиз мумкин. Ғазалнинг сўнги байтида эса яна Оллоҳга юзланиб, лирик қаҳрамон ундан марҳамат қилишини сўрайди. Негаки, Оллоҳ лутф қилмаса, бутун умр бўйи Унга ибодат қилиб ҳам Унга етиб бўлмайди.

Кўринадики, ғазалда шоирнинг таҳаллуси мақтада эмас, балки саккизинчи байтда келтирилган. Анъанага кўра, унинг мақтада келтирилишининг ғазалнинг шаклий ва мазмуний мукаммаллашувига омил бўлиши Навоийга таҳрир жараёнида кўзга ташланиб қолган кўринади. Шу боис "Ғаройиб ус-сиғар" девонида ушбу ғазалнинг еттичи, саккизинчи ва тўққизинчи байтларининг ўзаро ўрин алмашиб келиши улуғ шоирнинг кейинги адабий ниятининг маҳсули сифатида намоён бўлади. "Бадойеъ ул-бидоя"даги ушбу ғазалнинг тўққизинчи байтининг "Ғаройиб ус-сиғар"даёттинчи байт кўринишида ўрин алмашишига диққат қаратсак, унинг олтинчи байт мазмуни билан ўзаробутунлик ҳосил қилганини кузатишимиз мумкин:

Лутфунг рафиқим ўлмаса, не ҳадки, еткамен
Боштин-аёқ гуноҳу залолат била санга.
Лутф айлагилки, мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга[3, 28].

Олтинчи байтда ижодкор ўз ҳолидан шикоят қилиб, бошдан-оёғ, яъни тамомила гуноҳга ботганини маломат қилган ҳолда Оллоҳ таолонинг лутфи лирик қаҳрамоннинг рафиқи - дўсти бўлмаса, Унга етишга ҳадди бўлмаслигини бадийлаштиради. Кейинги байтнинг "*Лутф айлагилки*" бирикмаси билан бошланиши эса ғазалдаги таъкидни кучайтириб, Яратганга муножот қилиб, Ундан лутф қилишини ўтиниши билан мазмун мукаммаллашади. Худди шундай пароканда ғазалларга хос мазмуннинг қофия ва радиф билангина боғлиқлиги ҳақидаги қарашнинг нисбий моҳият касб этиши аёнлашиб, ғазалнинг мақта ва ундан олдинги байтларининг қуйидаги кўринишда намоён бўлиши ундаги ўзаро ажралмас мазмуний бирликни ҳам ҳосил қилишига замин ҳозирлайди:

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.
Исёни кўп Навоийнинг у йўқ уётим,
Истар етишса мунча хижолат билан санга[3, 28].

Саккизинчи байтда ижодкор гуноҳлари кўплигидан изтироб чекади, мақтада эсау ўз қилмишидан уялмаганини маломат қилиб, исёнкорлигини била туриб, хижолатли ҳолга тушганлигига қарамай Оллоҳга етишни орзу қилганини бадий ифодалайди. Мақтанинг ражо - умидворлик [4, 27] мақомидаги солиқнинг ҳоли билан ниҳояланиши ундаги ўзига хос эҳтироснинг кучайишига, айна чоқда шоир таҳаллусининг мақтада қўлланиши ғазалга шаклий ва мазмуний жиҳатдан мукамалликнинг ҳосил қилинишига омил бўлган. Бу ҳол улуғ шоирнинг ниҳоятда талабчан, синчков ва эътиборли эканлигининг бир кўриниши сифатида намоён бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алимов У. Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) муборак васиятлари. Тошкент: "Movarounnahr", 2014.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. 1-том. Тошкент: "Фан". 1987.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. 3-том. Тошкент: "Фан". 1988.

4. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент: “Ёзувчи”, 1996.
5. Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент: “Чўлпон”, 1992.
6. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Birinchi kitob. Njirtyn: “Tamaddun”, 2018.
7. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

“DEVONI FONIY”DA SO’Z SEHRI

Ismoilova Xumora, BuxDU talabasi

Buyuk so’z sohibi egasi Alisher Navoiy o’zidan juda katta meros qoldirgan. Bu meros adabiyot sahifalarida sallmoqli o’rin egallagan. Navoiy asarlari kirib bormagan xonadon yo’q. uning ruboiy yoki g’azallaridan ikki misra bilmaydigan kishini topish mushkul.

Navoiy asarlari bilan muloqot kitobxonning ichki olami, ma’naviyatining boyishiga katta hissa qo’shadi.

Navoiy ijodini uzoq yillar davomida jiddiy o’rgangan taniqli adabiyotshunos Abduqodir Hayitmetov shunday deb yozgan:

“Mabodo Navoiy boshqa asar yozmasdan faqat “Xazoniy ul-maoniy”ni , hatto uning tarkibidagi bitta devon “Garoyib us-sig’ar” yoki “Navodir ush-shabob”, yoxud “Favoyid ul-kibar” ni yaratganda ham adabiyotimiz tarixida eng ulug’ shoirlarimizdan biri bo’lib qola berar edi. “

Bunga qo’shimcha qilib aytish mumkinki, agar Navoiy boshqa janrlarda ijod qilmasdan , faqat ruboiylari tufayli ham mana shunday ulkan obro’ va martabaga ega bo’laverar edi.

Navoiy lirikasida odam va olam, hayot va uning go’zalliklari madh etilgan. Yuksak insonparvarlik , ezgulik g’oyalari ruboiylari orqali aks etgan.

Men ham Navoiy asarlari bilan tanishib chiqish jarayonida ko’pincha e’tiborimni tortgani shoirning fors-tojik tilida yozib jamlagan ruboiylari “Devoni Foniyy” asari bo’ldi.

Alisher Navoiy nafaqat o’zbek, balki fors-tojik tilida ham Foniyy taxallusi bilan ijod qilgan. For-tojik tili shoir uchun ikkinchi ona tilidek bo’lgan. Fors- tojik tilidagi ijod namunalari to’plab “Devoni Foniyy”ni tartib bergan. 12ming misra she’rdan tashkil etgan bu devonda 72ta ruboiysi o’rin olgan.

Navoiyning forsiy merosi o’z davrida Abdurahmon Jomiy , Kamoliddin Binoiy, Xondamir, Davlatshoh Samarqandiy kabi zamondoshlari tomonidan yuksak baholangan.

Navoiyning “Devoni Foniyy”dan o’rin olgan ruboiylari tuyg’ular va fikrlarning yetukligi, tabiiyligi, favqulotda go’zal va ta’sirchanligi so’z ma’nolarining kamalakdek tovlanishi bilan ajralib turadi. Ruboiylarda falsafiy, axloqiy-ta’limiy, ijtimoiy-siyosiy fikr va mulohazalar yuksak badiiylik bilan ifoda etilgan. Devondagi ruboiylar mavzusi juda keng qamrovli bo’lib, ko’pchiligini ishq muhabbat, axloqiy-ta’limiy, falsafiy ruboiylar tashkil etadi. Ilohiy va majoziy ishq tarannum, insoniy kamolot masalalari, umrni qadrlash, nafsni tiyish, ma’shuqa ta’rif-tavsifi, visol umidi-yu, hijron azoblari devondagi ruboiylarning mazmun mohiyatini tashkil etadi.

Mumtoz adabiyotda ruboiy ikki xil qofiyalanish tartibiga ega: birinchisi, ikkinchisi va to’rtinchi misralari o’zaro qofiyalanadigan oddiy va har to’rtala misrasi qofiyalanadigan taronayi

ruboiy. Taronayi ruboiyni Navoiyning o'zi ruboiya deb ataydi. Devondagi ruboiylar ruboiya yoki taronayi ruboiylardir. Mazkur ruboiy ham :

Davr eli jabr etsa ko'tarma isyon,
Ko'n boriga yo'q tufayli bo'lma sarson,
Tinglash kerak emasmi-gapirma pinhon
So'zlash kerak emasmi- gapirma bir on,

Taronayi ruboiy yoki shoir tili bilan aytganda ruboiya hisoblanadi. Qofiyalari o'zaro a-a-a-a tarzida isyon, sarson, pinhon, bir on qofiyalangan. Qofiya turi muqayyad qofiya sanaladi. Ruboiy fors-tojik tilining ichki imkoniyatlarini , har qanday hol va holatning narsa va predmetning ,hodisaning ta'sirini ona tilida yaratib bera olish imkoniyatini yaqqol ko'rsatib bergan. Axloqiy-ta'limiy mavzudagi bu ruboiyni kishi bir o'qib chiqqanda nima haqidaligini tushunib yetadi. Navoiy o'sha davrdagi yokim hozirgi kun yoshlari uchun nasihat o'git sifatida yozib qoldiradi. Agar jabr yetsa, isyon qilma, boriga ko'nib shukr qil. Yo'g'iga sarson bo'lma, sabr qil. Keying misralarida esa eng yaxshi g'oyani, tinglash kerak emasmi sen hech qachon pinhona tinglama, so'zlash kerak bo'lmagam joyga bir so'z ham gapirma deydi.

Kimman bu jahonda deb bo'lurman hayron,
Yoxud nimaman,nedanman,nega bu jon
Insonmanmi yo tuproq-ermas ayon
Tuproq haqi bilmadim men nechuk inson?

Shoirning bu ruboiysi ham taronayi ruboiy bo'lib, mavzusiga ko'ra zimdan vatan, vatanparlik hissini uyg'otishga xizmat qiladi. O'z oldiga bir necha savollarni qo'yadi. Kimman?, Nimaman?, Nimadanman?, Insonmanmi?, Tuproqmanmi?. Bu ruboiy orqali shuni anglash mumkinki, men dunyoga kelib nima qildim, yashashimdam maqsadim nima, vatanga nima uchun kerakman. Agarda vatan uchun hissa qo'shmasa, tuproqman deydi. Navoiyning vatan, vatanparvarlik haqidagi ruboiylari faqat o'sha davr kishisining kechinmalari sifatidagina emas, balki bugungi avlod, xususan biz yoshlar uchun ham ibrat va namuna maktabi bo'lishi tabiiydir.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ КЎЧИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ражабов Т.А. БухДУ ўқитувчиси

Кўчимлар бизгача асосан тилшунослик назарияси фани орқали ўрганилиб келинган. Сўзнинг ўз маъносидан яна бир бошқа маънода қўлланилишига кўчим дейилишидан биз тилшунослик фани нуқтаи-назаридан олган билимларимиздан келиб чиқиб хулосалар қиламиз. Аммо шеърятимизда ҳам муайян бадий-эстетик мақсадни кўзлаган холда воқе бўлувчи шундай тушунчалар ҳам борки, биз уларни семантик сатҳдаги меъёрдан оғувчи сўзлар деймиз. Бундай сўзлар адабиётшунослигимизда янги тушунчалар ҳосил қилиш, образлар яратиш ва маънони кутилмаганда бошқа тарафга олиб кетиш учун хизмат қилади. Тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида бирдай қўлланиладиган кўчимларни умумий троп номи билан биргаликда ўрганамиз. Тилшуносликда биз кўчимларни асосан метофора, метонимия, синекдоха, киноя каби бир қатор тушунчалар билан биргаликда ўрганамиз. Шеърятимиз мисолида кўрадиган бўлсак

кўчимнинг перифраза, аллегория, рамз каби бир қатор тушунчаларга изоҳ бериб ушбу тушунчаларни ҳам илмий жиҳатдан, ҳам бадиий жиҳатдан мисоллар асосида ҳамоҳанг ўрганишимиз мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, кўчимнинг фақатгина адабиётшунослигимиз доирасида қўлланиладиган тушунчалар ҳам бор. Буларни биз бадиий мисоллар келтириш орқали эпитет, оксиморон, литота, муболаға каби бир қатор тушунчаларга бўламиз. Бу ҳақда Д.Қуроновиқнинг куйдагича маълумот беради. «Албатта, бундай қилишга асос бера оладиган айрим мисоллар борлиги, умуман, бу воситаларда ҳам кўчимга яқин хусусиятлар кузатилиши бор гап. Лекин бадиий матндаги муайян бир асосга (нарсa-ходисалар орсидаги ўхшашлик, алоқадорлик, вазифадошиқ ва ҳк жиҳатдан муштаракликка) таянган ҳолда сўз, базан, сўз бирикмасининг ўз маъносидан бошқа маънода қўлланилиши тушуниш керакки, шунда чалкашлиқлар ўз-ўзидан барҳам топади.»

Аслида шеърятимизда кўчимлар жуда кенг қўлланилади. Кўчимларнинг қўлланилиши ҳам адабиётда катта икки қимсга бўлинади. Масалан, шундай кўчимлар борки тилшунослиқ тарафдан қарасак тўлиқ кўчим ўз олдига қўйган жиҳатларга жавоб бера олади, аммо адабиётшунослигимизда биз буларни ҳамиша ҳам кўчим деб ҳисоблайвермаймиз. Масалан, М.Юсуфнинг “Кечикиш” шеъри мисолида олайлик:

Тушунолмай қолдим қандайдир,

Тошмехрроқ чиқдинг ўзинг ҳам.

Бизни эслаб ҳар замонда бир

Хат ёзиб ҳам қўймайсан бўтам....

Бу ерда тошмехрроқ сўзини кўчим маъносида ҳам қўлласак бўлади, аммо ушбу сўз бизнинг онгимизга шу даражада чуқур ўрнашиб қолганки, биз бунинг оддий бир ҳол сифатида қабул қиламиз. Тош+мехр сўзлари бирлашиб мехр бермайдиган, раҳм қилмайдиган шахс образини гавдалантиришини тасаввур ҳам қилиб кўрмаймиз. Сўзни яхлит борлигича қабул қилиб кетаверамиз. Аммо сўз граматик жиҳатдан бизнинг тушучамизга эмас илмий фикрлашимизга зарурат борлигини таъкидлайди. Бундай сўз ва сўз бирикмаларини қаторлаштириб ташлашимиз мумкин масалан, соат юрди, кун ботди каби. Аслида бу сўзлар ҳам кўчма маънода қўлланган амо биз буларни яхлит қабул қилганимиздек ижодкор ҳам барча сўзларни тайёр ҳолда матнга олиб кирган. Ушбу сўзларга ҳеч қандай бўйқдорлик улашмагани учун ҳам бу сўзлар яхлитланиб қолган. Шунинг учун бу сўзларни бадиият ҳодисаси сифатида тушуниб бўлмайди.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарурки, шеърятимизда анъанавий тарзда учраб келадиган кўчимлар ҳам жуда кўп учрайди. Ошиқ ўзини ёки маҳбубасини тарифлаётган пайтда беихтиёр бадиий кўчимлардан тайёр ҳолда фойдланади, аммо уни ўзи яратмайди. Ушбу кўчимлар юқоридаги мисолимиздан фарқли равишда ўқувчига эстетик завқ беради, хаёлларида образнинг ҳолатини гавдалантиради. Бу хил кўчимлар анъанавий бўлиб аждодлардан авлодларга меърос бўлаётган сўзга ўхшайди. Масалан А.Навоийнинг “Ҳикматлар”ига юзланамиз.

Ошиқеким бўлғой ул бир шўхи гулрухсорсиз,

Ўйла булбулдурки қолмишдир гул-у гулзорсиз.

Бу ерда “гулрухсорсиз” ва “булбул” сўзлари кўчим сифатида ифодаланган ва адабиий-бадиий жиҳатдан эстетик вазифа бажармоқда. Бундай мисоллар айниқса мумтоз шеърятимизда жуда кўп учрайди. Мисол учун “шакар лаб”, “гул юз”, “булбул”, “сарвқомат”, “қоши камон”, “нарғиз кўз” ва ҳақозо. Худди шу тарзда бир қанча образлар

бугунги давр шеърятимизга кириб келганлигини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Масалан, М. Юсуф ижодини кузатиб туриб ушбу фикрларимизга исбот топамиз.

Кўрғошинга қалқон бўлди ўт кўкраклар,
Кафан бўлди қонга ботган оқ ятаклар,
Сўнги макон бўлди баъзан чакалаклар,
Одамдай ҳам ўлмадингиз босмачилар...

Ушбу иккала мисолни бир-бирига солиштириш орқали ҳам бир-бирига ўхшашликни, ҳам бир-биридан жиддий фарқланишни кўришимиз мумкин. Юқоридаги мисолда “гулрухсорсиз” сўзининг табиий равишта шеърга олиб кирилганини таъкидлаб ўтдик, аммо “ўт кўкраклар” бирикмаси бу шоирнинг ижод маҳсули. Бу ерда шоир ватанининг озодлиги учун жонини фидо қилган босмачиларни таърифлаб, уларни ватанига бостириб кирган душманлар учун тирик қалқон бўлганлигини алоҳида таъкидлаган. Иккала кўчимни ўзаро солиштириб туриб ҳар иккаласининг бир-бири билан узвий алоқада эканлигини аммо Навоий кўчимни байтга таййор ҳолда, М. Юсуф эса ижодий жиҳатдан қайта ишлаб бандга олиб кирганликларини кўришимиз мумкин.

Кўчимларнинг яна бир шундай тури борки, бунда муаллиф томонидан алоҳида бир ғоя илгари сурилади. Бунда муаллиф ўзи ўйлаган, ҳис қилган тушунчани кўчимга солиб, образли қилиб китобхога етказиб беради. Бу ҳолат эса ўз навбатида шеърдаги ифодавийликни, тасвирийликни кучайтиришга хизмат қилади. Биз бундай кўчимларни шартли равишда “муаллифнинг шахсий кўчими” деб, яна бир бошқа тадқиқотчи ўз салоҳиятидан келиб чиқиб яна бир бошқа номлар билан ифодалашни мумкинлигини айтиб ўтиш керак, албатта. Шу хилдаги кўчимларгина ёзувчининг муайян бадиий-эстетик мақсадини кўзлаб маълум бир сўзнинг маъносини бошқа бир сўзга кўчиришни англатадики, бу орқали шоирнинг бадиий тил маҳорати хусусида гап борганда, аввало шу хил кўчимларни инобатга олган мақулдир. Масалан, А.Ориповнинг қуйдаги мисраларини мисол қилиб олайлик.

Миттиларга улкан кўринар олам,
Улканлар наздида миттидир дунё.
Дейдилар, Гулливер деган бир одам
Аён кўрган эмиш уларни гўё.

Ушбу жумлалар муаллифнинг шахсий фикрлари натижасида дунёга келган. Шоир шу асосда кўчма маъно ҳосил қилишда шахсий фикрини лўнда, ифодали ва албатта шеърятнинг олдида қўйилган бош мақсади фикрни ифодали беришга эришганлигини кўришимиз мумкин. Шеърни гўзал қилиш билан бир қаторда нарса ходисалар ўртасида макон ва замондаги ўзаро алоқадорликка таянган ҳолда бирининг номини иккинчисига кўчишини таъминлаган. Яники шоир “Миттилар” “Улканлар” сўзлари орқали метонимия усулида маъно кўчишини ҳосил қилган. Бу ерда шоир митти одамлар ва улкан одамлар демайди, балки буни ўқувчи ўзининг ҳиссий нуқтаи-назаридан келиб чиқиб сезади. Бу мисолга икки хил ёндашиш мумкин. Яни оддий кўз билан қараганда бу одамларнинг биологик жиҳатдан гавда тузилишини элатади, аммо тадқиқотимиз тарафидан қарасак бу инсонларнинг маънавий қиёфасини ўзида акс эттиради. Ҳар икки қарашда ҳам ушбу сўзлар метонимия деб номланувчи маъно кўчишига яққол мисол бўлади. Шу ўринда метонимик маъно кўчиши ҳақида икки оғизгина сўз. Шеърятда метонимия тилшуносликка ўхшаб турли хил маъноларда учраши мумкин. Масалан, шеър суйижетида воқеаланаётган нарса-ходиса, жой ва шахсларнинг воқеа ўрни билан алоқадорлик асосида ном кўчиши.

Стадион гуввиллайди,
Одам лиқ тўла.
Бу ерда ҳам бўлмиш турфа тил овоз.
Уларнинг барчасин қучиб бир йўла,
Дўстим деб атамоқ ғалати бир оз.(А. Орипов)

Бу ерда стадион гуввуллашени шоир бадий жихатдан тасвир этади. Аслида стадион гувиллаши мумкинми? Йўқ, асло, стадион гуввилламайди, балки стадионга йиғилган минглаб инсонлар бир нафасда тасаввур қилиниши учун, воқеа қандай бўлаётганлигини англаш учун шоир биргина сўз билан бир неча қуённи уриб қўяди. Стадионга ҳам инсонга хос бўлган муайян бир ифодани бериб уни воқеанинг бош омилигига айлантиради. Бундай мисолларни мустақиллик даври ўзбек шеъриятдан жуда кўплаб топишимиз мумкин: хона ичи жонланиб қолди, бутун шаҳар қатнашди, оғир кун, омадли йил, ёруғ кеча тарзида. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида метонимия билан бир қаторда кўчимнинг метофора тури ҳам кенг қўлланади.

Метофара (юнонча *metaphora* - кўчириш) бир нарсанинг номини бошқа нарса номига улар ўртасидаги маълум ўхшашлик асосида кўчиришдир. Адабиётшуносликда бир нарса-ҳодисанинг номини бошқа бир нарса-ҳодиса ёрдамида очиш метафориклик, шу асосга қурилган образни метофорик образ деб юритилади. Демакки тил хусусиятларидан келиб чиқсак бир сўз бир неча маънода қўлланилиши мумкин, яни шаклдошлик ҳосил қилиши мумкин. Бу усул шеъриятимизда ниҳоятда кенг тарқалган усуллардан бири саналади. масалан оддийгина палак сўзини мисол қилиб олайлик.

Иблисни раҳбар деб қарши олдилар,
Балки, сайладилар ундан ҳам ортиқ.
Пойига ипақдан палак солдилар,
Сўнг юксак бир тахтни этдилар тортиқ. (А.Орипов)

Айтиш мумкинки шоир мисралари давомида қовун ёки тарвузнинг палагини назарга олмаган, балки тарихийлик мақомига кириб кетган бир сўзни китобхонлар учун қайта жонлантириб беришга ҳаракат қилган. Аслида бу ерда назарда тутилаётган палак сўзи халқимизнинг урф-одатига кўра, қизларни қуёвга узатиш учун гул (кашта) ипақли матолар тайёрланади. Шоир бу ерда сўз бойлигини ишга солиб иблисга қанчалар ҳурмат кўрсатилаётганини ифодалашга ҳаракат қилган. Бу орқали эса соҳа мутахасислари учун этималогик сўзлар луғати учун манба ҳам тайёрлаб қўйган.

Метофора шеъриятда моҳиятан яширин ўхшатиш бўлиб, унда ўхшатилаётган нарса шеър мисраларида тилга олинмаганлиги ҳолда, унинг маъносини ўхшаётган нарса (яни уни ифодалаётган сўз)га юкланиб бораверади. Бу орқали ижодкор сўзни ўйнатиш ва ўқувчини ўйлантириб қўйиш каби бир қатор мақсадларга эришади. Аслини олганда ҳам шеъриятнинг бутун гўзаллиги шунда намоён бўлади. Албатта, ижодкорга бу ўринда ўхшатилаётган нарса-ҳодисаларнинг айнан ўхшашлигини талаб қилинмайди, балки икки нарса-ҳодисага хос белгилардан бирортаси асос учун олинади. Аслида шеъриятни жумбоқлар гўзал қилади. Метофорик руҳда ёзилган шеърни математик мисол сифатида ечиш, ёки топишмоқдай топиш мумкин. Дейлик “олтин куз”, “олтин давр” бирикмаларининг биринчисида ўхшатиш асоси учун “ранг”, иккинчисида эса “қиммат” олинган. Бадий матндаги метофоранинг маъноси ғоят серқирра, чунки у ўзаро алоқага киришган бошқа сўзлар билан бирга мазмуний бутунликни ташкил қилар экан улар билан алоқада ҳосил бўлган тушунчалар туфайли маъно диапозонини кенгайтиради. Масалан,

матндан ажратиб олган ҳолда “сув синди” бирикмасининг маъноси жуда хира, унинг метофора эканлигини идрок қилиш учун ақлни зўриктириш талаб этилади. Умуман олганда сув синди сўздан ҳеч бир маъно англашилмайди. Шеърятнинг кучи шу ерда номоён бўладикки бу жанрда ҳар қандай сўзни образ даражасига чиқариб, ажойиб ташбеҳлар ҳосил қилиш мумкин. Масалан, Рауф Парфининг

Сув остида ятирайди тош,
Харасангларда синади сувлар.

Сатрларида бадиий матндаги бирикма маъноси ёрқин номоён. Хўш бу ҳол қандай кечди. Бир қарашда “сув синиши” учун унинг ойнага ўхшатилиши зарур, лекин шеърда сув ойнага ўхшатилган эмас. Шунга қарамай ўхшатилган алоқалар асосида “остида ялтираган тош” кўринадиган даражада тиниқ сувни ойнага ўхшата оламиз ва шунинг учун ҳам унинг “синиши” табиий кўринади.

Кўчим турларини тадқиқ қилиш жараёнида биз бевосита синекдоха усули билан тўқнаш келамиз, чунки синекдоха усули ўзига ёндош қилиб барча кўчим турларини қамраб олади. Синекдоха бутун қисм алоқаси асосидаги маъно кўчиши, метонимиянинг бир тури, кўринишидир. Бунда шоир тамонидан олға сурилган фикр тўлиқ очиб берилмайди, балки маълум бир қисми ифодаланади. Ўқувчи ушбу қисмдан бутунни тушуниб олаверади. Бу жараён аслида қийин бўлмай, балки ўқувчи матнда илгари сурилган асосий образни тезда англаб олади. Бу орқали шоир қандайдир бир ғализ, қофияга тушмайдиган сўзнинг ўрнига образли ва таъсир кучи кенг бўлган фикрни бериб ўтиши мумкин. Масалан Бобур Бобомуроднинг “Онамсиз тўйим ўтди” шеъридаги куйдаги мисраларни олайлик.

Қариндошлар жам бўлди,
Ёру дўст ҳамдам бўлди.
Юраккинам кам бўлди –
Онамсиз тўйим ўтди.

Бу ерда лирик қаҳрамон атрофига аланглаб дўстлар ва қариндошларнинг орасидан онасини қидиради, лекин онаси тўйга қатнашолмалиги аниқ эди. Шоир бу ўринда бир нечата сўзни ишлатиши мумкин эди, бироқ шоир “юраккинам” сўзини танлаб бадиий-эстетик маҳорат яратади. Юрак тиббий жиҳатдан одамнинг тана аъзоси, лекин бадиийлик бунини яққол инкор қилади. Юрак инсон тана парчаси бўлса ҳам сатрда лирик қаҳрамоннинг энг суякли одами онасининг образида гавдаланади.

Умуман олганда юқорида кўрган миздек синекдохада ҳам маъно алоқадорлик асосида кўчади. Агар маъно чизиғи орасидаги боғлиқлик узилиб қолса унда маъно кўчаётган сўз оддий бир лексик тушунчага айланиб қолади. Бу пайтда эса биз ушбу сўзга ўз аташ маъносига қарагандай қарашимиз мумкин. Натижада эса бу сўз шеърда умуман алоқаси йўқ сўздай кўринади. Шу сабаблар унга метонимиянинг бир тури (унинг микдорий кўриниши) сифатида қаралади. Аммо бу дегани синекдоха ҳамда метонимияни бир нарса деб олишимизга ҳизмат қилмайди. Оддий деҳқонча тилда олиб қарайдиган бўлсак метонимияда асосан сўз тежалади, бир маънони англантишга ҳизмат қилган икки сўзнинг бири тушириб қолдирилиб унинг юки ҳам қолган сўзга юкланади. Шу тарзда метонимияда фалсафийлик кучайиб сўз бошқа-ю, маъно бошқа кўринишга келиб қолади. Синекдохада эса бир тушунчани бошқа ном билан аниқроқ қиладиган бўлсак, сўзни бошқа тушунча билан изоҳлаб чиқади. Натижада эса мусиқийликка асосланган, халқ оғизаки

ижоди наъмунаси асосида янги шеър пайдо бўлади. Масалан Хуршид давроннинг “Кулол муҳаббати” шеъридаги илк банд

Сахардан то оқшомга қадар,
Кўкда порлар ёнмагунча ой.
Эртак сўйлар сархуш бармоқлар,
Эртак тинглар қизил рангли ой...

Бунда “эртак сўйлар” деганда, кулол ўз ишига бутун меҳри, қалб кўри билан берилган ижоднинг сеҳрли онлари назарда тутилади. Эртак сўйлаётган бармоқлар – қисм, у бутунни - кулолни англатади. Методора билан синекдоханинг бирлиги ифоданинг гўзал ва таъсирли бўлишини таъминлайди. Гўё йирик планли кино кадри каби сеҳрли бармоқлар тафтидан ийиб, гўзал бир шаклга кираётган чархдаги лойни шеърхон кўз олдига келтиради. Синекдоха билан бир қаторда шеърятимизда кўчимнинг аллегория деб номланган тури ҳам қўлланади. Жуда кўп ўринларда ушбу икки тушунча бир-бирини тақазо қилиб келади.

Аллегорияда шеърятда учрайдиган кўчимларни аниқ қилиб ифодаловчи сўзлар киради (мас, тулки). Манашу аниқ тушунчаларни зоҳирий олиб қараганда мавҳум тушунча билан биргаликда қўллаб унинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади (тулки-айёрлик). Шу сабабли бошқа кўчимлардан тубдан фарқлаиб, халққа тушунарли бўлган яхлит сўзларни ифодалаш учун кўчма маънода қўлланилади. Мас, Ш. Раҳмон шеърларининг бирида лирик қаҳрамоннинг тоғдаги кечинмаларини тасвирлайди:

Аммо тоғдан тушганим сари,
Сезар эдим бадбўй исларни,
Кўрар эдим тулки, қашқирлар,
Тўнғизлар-у илон изларин...

Келтирилган шеърининг парчадаги “тулки”, “қашқир”, “тўнғиз”, “илон” сўзлари аллегория бўлиб, улар матнда инсонга хос хусусиятлар орқали маълум тоифдаги кишиларни билдиради. Бу орқали инсонга хос бўлган камчиликлар кўрсатиб берилади.

Аллегорик образнинг тасвир кўриниши билан мазмун кўриниши бир-бирига мос келмайди, яни аллегорик образда тасвирланаётган нарса ўзини эмас, муаллиф кўзда тутаётган маънони ифодалайди. Масалан шоир ҳақиқатдан ҳам тулки ҳақида шеър ёзган бўлса бу аллегорияга мисол бўлмайди. Шеърдаги тасвирланаётган тушунчалар кўчма маънода қўлланилиб таффақкур қатламига таъсир қилсагина бу аллегория ҳисобланади. Аллегорияда ўқувчи матнни ўқиб туриб шаклга эмас, балки мазмунга қараб тушунча ҳосил қилиши керак. Бу хилдаги кўчимлар асосан ёш жиҳатидан анча кичкина бўлган ўқувчилар учун адабий қўлланма бўлади. Биз адабиётда кўп учратадиган утопик руҳдаги асарлар ва шеърининг наъмуналар аллегорияга мисол бўлиши мумкин. Масалан,

Бойўғли эса
Отасини сотган чалдеворлар пулига
Хорижда ўқиб келган.
Отаси энди унга
Тунни хатлаб берган.
Бойўғли тунлар султони.
Бироқ тунда ишланмайди. Савод керакмас.
Шунинг учун ҳам
Унинг нима билишини тусмоллаб бўлмайди.

Фахриёрнинг “Қушлар саводхонлиги” шеърдан олинган ушбу парчадаги бойўғли – аллегорик образ, у асло ўз маъносида тушунулмайди, шундай тушунмаслик лозимлиги матнданок аён бўлиб туради. Яни ўқувчи бу шеър асло қушларга бағишланмаганини сезиб туриши керак. Ушбу шеърдаги кўчимлар орқали жамиятнинг ўзига хос қачиликлари ва инсонларнинг аслига тўғри бўлмаган ҳаёт тарзлари кўрсатиб берилишига ҳаракат қилинган. Шеърда анъанавий аллегориялардан саналувчи “Бойўғлига” янгича маъно юклайди, унинг воситасида иктисодий ислохотлар жараёнида устомонлик билан ортирилган бəҳисоб давлат (отаси сотган чалдеворлар) ҳисобига барча имкониятлардан фойдаланиб қолган (хорижда ўқиб келган), эндиликда тунги кафеларда айшини сураётган “бой ўғиллари” тасвирланади. Бойўғли адолатсиз равишда ўзига номуносиб бўлган ўринга келиб қолган инсонларни кўрсатиб беради. Аллегорик образларнинг бир қисми миллий маданият йўналишида кўп такрорланадиган турғун маънога эга бўлганки, бу жиҳат билан улар эмблемага яқинлашади. Мас, миллий адабиёт наъмуналаримизга кўра Ҳотами Тойда – саҳийлик, Рустамда – жасурлик, Исо Масихда - жон бағишлаш, Юсуфда – гўзаллик, Марямда - бокиралик, Намрудда – кибр каби маънолар муқимлашган. Аллегорик образларнинг бошқа бир қисми эса кўзда тутилган маънога ишора қилишни тақазо этади (масаллардаги “қиссадан ҳисса” каби). Бунда ёзувчи воқеа атрофидаги гапларни баён қилади. Коса тагида ним коса тарзда кўрсатиб беради. Агарда эмблемада сўз юритилаётган ҳодисани мана деб ўқувчига тутқазиб берилса, аллегорияда шу сўзга ишора қилади. Ишора қилинган сўзнинг маъноси нимага тенг эканлиги эса ўқувчининг дунёқараши натижасида кўрсатиб берилади. Кўпинча аллегорик кўчимлар назарда тутган маъно қизгин баҳс-мунозаралар натижасида юзага чиқиб боради. Албатта, бу жараёнда ижодкор ўз фикрини ўқувчи тезроқ англаб етиши учун маълум бир ишоралар бериб боради. Айнан шу ишоранинг мавжудлиги аллегорияни рамздан фарқловчи муҳим жиҳатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. У.Ҳамдам “Янги ўзбек шеърляти” “Адиб” Тошкент – 2012
2. Ҳ.Умаров “Адабиёт назарияси” “Шарқ” Тошкент – 2002
3. И.Ҳаққул “Ижод иқлими” Фан-2009
4. Д.Қуронов “Адабиётшунослик луғати” “Академнашр” Тошкент-2010
5. У.Тўйчиев “Ўзбек адабиётида бадиийлик” “Янги аср авлоди” Тошкент- 2011
6. Norboyev B. Nayotni poetik talqin etish tamoyillari va mahorat muammolari. Filol. fan. d-ri..dis. avtoref. -Toshkent: 1996, 54-bet.
7. [http:// ziyonet.uz](http://ziyonet.uz) internet sayti.
8. [http:// kh-davron.uz](http://kh-davron.uz) internet sayti.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ КЎЧИМНИНГ КИНОЯ ВА КИНОЯВИЙЛИК ҲОДИСАЛАРИ СИФАТИДА УЧРАШИ

Хайруллаева М., БухДУ магистранти

Киноя – мумтоз адабиётшунослигимизда кенг тарқалган мажознинг бир тури ҳисобланади. Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг асарларида киноянинг луғавий маъноси ҳақида “Бир нимани дерлар, лекин андин ўзга нимани ирода қилурлар” тарзида ифодалайдики, бу

тариф бизнинг илмий мақоламиз йўналишига мос келади. Атоуллоҳ Ҳусайний бошқа бир ўринда ўз фикрни тўлдириб қуйдагича аниқлаштиради “Киноя андин иборатдирким, бир маънони лозиму табиъ бўлган кўп арбоби қошига кўп бориб келмак анга лозиму табиъ маъно учун ясалгон лафз ила ул тарзда табдил қилурларким, агар ул лавзнинг ўз ясоғин идора қилсалар ҳам раво бўлур...” мазкур таърифга “Фазл арбоби қошига кўп бориб келмак анга лозиму тобе бўлган кўп кашф этмоқ била таъбир этилиптир...” ушбу мисолининг келтирилганлигидан биз билишимиз мумкинки, киноя мумтоз адабиётимизда ҳам алоқадорлик асосидаги кўчим деб тушунилгани англашилади. Ҳозирда кўчимнинг турлари илмий жиҳатдан анчагина мукамал ўрганилганини ҳисобга олинса кинояни кўп ҳолларда метонимия деб юритилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти мисолида олиб қарайдиган бўлсак бу тушунча ҳозирги адабиётшунослигимизда ирония терминининг муқобили сифатида фаол қўлланилади. Агарда биз ушбу тушунчага жуда соддалик билан қарайдиган бўлсак, кўчим тури сифатида киноя сўз ёки бирикмаларни асл маъносидан бошқа, тескари маънода қўллаш демакдир. Бу асосан шеъриятда пичинг орқали юзага чиқариладиган кўчим турларидан биридир. Бунда шоир билса ҳазил, билмаса чин мақолига амал қилади десак ҳам янглишмаган бўламиз. Метофора ва метонимияга кўчимнинг асосий турлари сифатида қараб, бошқа кўчим турларининг улардан келиб чиққани назарда тутилса, кинояни метофара типидagi кўчим яни “тескари ўхшатиш” асосидаги маъно кўчиш дейиш мумкин. Албатта биз фикримизни ойдинлаштириш учун кинояни метонимиянинг тури сифатида баҳолашимиз ҳам мумкин. Демак бундан кўринадики киноя ўзи ифодалаётган фикрнинг йўналишига қараб кўчимнинг қайсидир хусусиятига яқинлашади. Бироқ ўзида сақлаб қолган имкониятларидан фойдаланиб алоҳидалик хусусиятларига эгаллиги билан фарқлани туради. Масалан,

Ҳайрон менинг собиқ синфдошларим,

Сенга не етишмас, дейди, кулишар.

Ўзларича тушунгандай бўлишар,

Уйларига таклиф қилишар. (М.Юсуф)

М.Юсуф синфдошларининг ўзини ва шоир қалбини асло тушунолмаслигига ишора қилиб, мисраларда “тушунгандай бўлишар” деб айтадики, бу моҳиятан тескари ўхшатишдир. Бу орқали шоир ўзининг дардларини тўкиб солади ва айни вақтнинг ўзида шеъриятни, инсон қалбини тушунмайдиган синфдошларининг устидан захархандалик билан кулиб ҳам ўтади. Бу ўринда шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, кинояга фақат кўчим турларидан бири сифатидагина қараш мунозарали масала. Киноя ўзида кўчимга алоқаси бўлмаган хусусиятларини ҳам умумлаштиради. Бу орқали биз билган тилшунослик назарияси қонунларига зидлик кайфияти пайдо бўлади. Жумладан, кинояда кўчимнинг ўхшатиш объектисиз ҳам намоён бўла олиши уни бошқа кўчим турларидан фарқлайди. Демак шу ўринда бир нарсани қоида сифатида қабул қилишимиз мумки. Киноя ўхшатишсиз, яни кўчимсиз кўчим ҳосил қиладиган ягона кўчим туридир. Бу ҳолат қандай бўлади? Оддийгина шеърда кимнингдир бирон хусусиятини танқид қилиш учун “яхши” деган сўзни тескари маънода қўллаш учун оҳангни ўзгартириб айтишнинг ўзи кифоя. Ёки бўлмаса бирон бир нарса жуда кам бўлсаю, шоир шу нарсани танқид қилмоқчи бўлса бунга жуда кўп деб айтади халос. Ўқувчи эса ўз навбатида айтилаётган фикрнинг тўғри таҳлилини ўзи тушуниб олаверади. Масалан,

Эртагим чўзилди, менинг эртагим...

Эртага энди бу дунёдан ўтсам,
Ҳаёт, азизим, сен хафа қилмагин,
Менинг ширингина қизларимни ҳам. (М.Юсуф)

Бу ўринда М.Юсуф ўз умрини киноя асосида “Эртагим чўзилди” деб айтадики, бунда аллужияорқали маъно кўчирилади.

Киноянинг бошқа кўчимлардан яна бир фарқи шундаки у кўрсатувчанлик ифодаси сифатида тилнинг барча сатҳларида ва шу сатҳ унсурлари (товуш, интонатция, сўз, жумла ва х.) воситасида ифодаланиши мумкин. Бу кўпинча ўқиган шаклда эмас, балки айтилганда ёки эшитилганда овознинг интонатциясидан билиб олишимиз мумкин. Кўчим нафақат сўзни тесқари маънода қўллаш, балки жумлани киноявий тартибда тузиш ва шунга мос оҳанг ёрдамида ҳам юзага чиқарилиши мумкин. Масалан,

Саҳардан шомгача мўлтираб, кўзинг
Кўрмай қолгунича чопдинг далангни.
Ўғрилиқ қилмасанг, айт ахир ўзинг,
Қандай боқаяпсан шунча болангни.

Бу ерда шоир ҳеч нимани кўчимга асос қилиб олмайди, ҳеч қандай ўхшовчи ва ўхшатиловчи сўзлардан фойдаламайди. Ўзи тесқари маънода ифодаламоқчи бўлган сўзни кўштирноққа олиб ҳам ўтирмайди, шунчаки ўзи ифодаламоқчи булган сўзни юқоридаги мисраларнинг кайфиятидан келиб чиқиб тўғрилигича ифодалайди халос. Шу ерга келганда яна бир қоида яратишимиз мумкин, демак, киноя шаклга таъсир қилмай туриб ҳам маъно томонидан кўчим ҳосил қилиши мумкин.

Киноя асосан адабиёда, хусусан шеърिया та киноявийликни юзага келтиради. Яни бунда шеър сюжети ифодаланаётган пайтда комиклик кўринишларидан бири кўрсатиб борилади. Шоир воқеликка ўзининг луғавий-ҳиссий муносабатини бериб боради. Ушбу жараёнда муаллиф бутун асар воқелигига ёки унинг бир қисмига (айрим характерларга) нисбатан киноявий муносабатда бўлади. Ушбу муносабатни ўқувчида ҳам англаши учун имконият яратиб боради. Асар композитсияси киноявий нуқтаи-назарни ифодалашга мос равишда қурилади. Бу жараёнда шоир ўзи яратаётган образини кўкка кўтариши ва бу билан образ ҳеч нимага арзимаслигини кўрсатади. Ёки бўлмаса яратаётган образини тўғридан-тўғри кулги остида танқид қилади. Бу орқали ўқувчига ҳиссий таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Масалан,

Қизиқувчан иштиёқ
Унга тинчлик бермасди.
Кўйлакни ҳам аямай
Симёғочга тармашди.
Чиқди, кўрди, ўқиди,
Ким ақдан озибди?
“Эҳтиёт бўл, симёғоч –
Бўялган”, деб ёзибди.(Э. Воҳидов)

Бу ўринда кўришимиз мумкинки, қизиқувчан Матмуса ўзи учун “оламшумул кашфиёт” қиламан деб янги куйлагидан айрилиб қолди. Баҳолангки Матмуса бундан ҳеч нима ютмади. Фақатгина ўзига тегишли бўлмаган янгиликни биламан деб бошқаларга кулги бўлгани қолди. Шу ўринда шоир жамиятни ҳам танқид қилиб ўтади. Яни симёғоч бўялган деб кўринмайдиган жойга ёзиб қўйгандан нима наф? Буни ўқийётган ўқувчи албатта ўзининг ёки кимнингдир шу аҳволга тушганини эслайди. Бу ердаги симёғоч

жамиятда учрайдиган ва ҳеч кимга наф келтирмайдиган янгиликлар образи бўлса, Матмуса кўр-кўрона бошқалар тўғри деб кўрсатган йўлдан кетаётган инсонлар образидир.

Шеърятда киноявий муносабат идеал ва воқелик ўртасидаги кескин номуофиқликни англашдан туғилади. шунга кўра киноявийликнинг мақсади фақат кулги ҳосил қилишгина бўлиб қолмай вазиятнинг қанчалик жиддийлиги ва ҳатто фожеавийлигини ҳам таъкидлаб кўрсатишдан иборат бўлади. Киноявийликда тасдиқ орқали инкор ёки инкор орқали тасдиқ маъноси ифодаланилади. Масалан,

Бўйдоқ эди Матмуса,
Узоқ турмай ўйланиб,
Қишлоғига қайтди у
Ул санамга ўйланиб.
Ҳеч гап эмас бахт келса,
Айтар омад деб буни:
Уч ой ўтмай жононнинг
Яқинлашди ой-куни.

Ушбу мисолдан ҳам кўришимиз мумкинки идеал ва воқелик ўртасида боғлиқлик узилиб кулгили ҳолат юзага келган. Тўққиз ой давом этиши керак бўлган туғриқ жараёни уч ойда амалга ошади. Буни Матмуса ўзининг қобилиятига йўяди ва атрофдагилар ҳам буни олқишлашиб ундан маслаҳат олишади. Бу ерда киноя енгил кулги ҳосил қилиб кўймай балки ижтимоий фожеани юзага келтиради. Яни Матмусага одамлар хатлар ёзиб унинг бу қаҳрамонлигини тасдиқлайдилар. Аслида эса ўқувчи онги буни инкор қилиб туради. Киноянинг кучи ҳам худди манашу ерда намоён бўлади.

Киноявийлик комикликнинг алоҳида тури сифатида юмор ва сатирадан аввал пайдо бўлган етакчилиги билан ифодаланади. Яни объектдаги комик зиддият кўпроқ муаллиф муносабати орқали юзага чиқарилади. Муаллиф ўзи учун нотўғри деб ҳисоблаган нарсани ўқувчига етказиб беради. Г. Поспеловнинг айтишига кўра киноя ва унинг юқорирок даражаси бўлган сарказм комикликнинг асосий турлари юмор ва сатиранинг субъектив томонини ташкил этади. Яни воқеликни маънавий-ахлоқий (юмор) ёки ижтимоий (сатира) мавқеидан идрок этиш жараёнида муаллифда киноя ёки сарказм туйғуси тузилади. Кўп ҳолларда киноявийликка юмор ва сатиранинг фониди юмаристик ва сатирик асарларнинг ёрдамчи воситаси деб қаралади. Бироқ киноявийлик юмаристик ёки сатирик бўлмаган асарларда кузатилиши мумкин. Масалан (Ф. Де ларошфуко максималари, Умар Ҳайём рубойлари). Яни киноянинг юмор ва сатирадан фарқи шундаки у фақат кулги ҳосил қилмайди, балки жиддий фикрларни беришда ҳам ишлатилади. Объект танламаслиги субъект кайфиятидан келиб чиқиб ҳар қандай объектга ҳам қаратилиши мумкинлиги туфайли Г. Поспелов унга пафос турларидан бири сифатида қарамайди. Шундай бўлсада киноявийликка муаллиф эмотционаллиги типларидан бири (В. Хализев) сифатида қараш зарур;

Сўнги давр шеърятимиз тараққиёти давомида киноявий муносабатнинг бутун асар тузилишида белгилашдаги аҳамияти ортди. Агарда биз узоқ даврдаги адабиётимизни олиб қарайдиган бўлсак, киноявий муносабат фақат кичик жанрлардаги асарлар (масалан халқ латифалари, Умар Ҳайём рубойлари) йўналишини белгилаган бўлса мутақиллик даври ўзбек шеърятда (Э. Воҳидов “Донишқишлоқ латифалари”) бошдан-оёқ киноявийликка асосланган. Бу китобнинг киноявий барча хусусиятларни эътиборга олган ҳолдагина бадиётга доҳил асар ҳисоблаш мумкин бўлади. Киноявийлик бадиийлик ифодаси

сифатида “Ўзим учун мен”нинг “бошқалар учун мен” дан кескин ажралганлиги ва фарқланиши натижасида юзага келади. Киноявий “мен” ташқи борлиққа ичдан алоқасизлиги, у билан муносабатда бўлмаслиги билан характерланади.

Деди: санъат ким учун?
Санъат ҳамма учунми?
Мен ҳам энди бу ишда
Синаб кўрай кучимни.
Қатъиятли Матмуса
У оғзига сўз олди.
Уйга келиб сандикдан
Пайтавалик бўз олди.
Тоғорага ранг қорди,
Бўлсин учун созгина,
Қўшди тарнов сувидан,
Кўй қийидан озгина.
Кўлчўпни сиз сўраманг,
Топқирликдан камоли-
Гулдек мўйқалам бўлди
Эчкисининг соқоли.

Бу ерда Матмусанинг менлиги бўшқаларнинг менлиги билан тубдан фарқ қилади. Яни музейда юрган Матмуса у ердаги суратларнинг маъносини умуман тушунмайди ва агарда рассомлик шундай тушунарсиз бўлса ўзи ҳам ижод қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолади. Умуман санъатдан хабари йўқ Матмуса чизган сурат бутун оммани лол қолдиради. Мутахасислар ушбу янги усулда чизилган суратга бир тойнинг пулини бериб олишлари киноявийликни юзага келтиради.

Киноявий асар муаллифи масалани ахлоқийлаштирмайди (бу айни пайтда ахлоққа зид нуқтаи-назар эмас), муаллиф қаҳрамон ва воқеликни баҳолар экан ҳатто анашу баҳо принципидан ҳам четлашиб уларга бошқа тарафдан назар ташлайди. Зеро, киноявийлик сатира ва юмордаги каби реалликни баҳолаш билан чекланмайди, шу боис ҳам воқелик ва бадий асардаги ҳар қандай ижтимоий-маънавий, базан эстетик идеал ёки ғоявий – ҳиссий муносабат киноянинг объекти бўла олади. Шу маънода киноя “ҳукм устидан ҳукмдир”. Киноявий нуқтаи-назар субъекти ҳамма нарсдан – нафақат қаҳрамон, балки умуман воқеликдан четлашган, узилган ҳолда уларни юқоридан кузатади. Шунга кўра киноявий нуқтаи-назар эгаси нафақат объектдан, балки ўз-ўзидан ҳам четлашган бўлади. Бу эса ўз навбатида китобхондан, ҳам ўзидан, маънавий-ахлоқий қарашларидан, эътиқод ва аъмолигидан четлаша олиш (вос кечиш эмас), уларга четдан назар ташлай олишни талаб қиладикки бусиз ўқувчи киноявий модусдаги асар бадиатини тушуна олмайди. Киноя кўчим тури сифатида ўхшатишга асосланган ҳолда ҳам, умуман ўзи киноявийлик ҳосил қилиш учун ҳам хизма қилаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. У.Ҳамдам “Янги ўзбек шеърляти” “Адиб” Тошкент – 2012
2. Ҳ.Умаров “Адабиёт назарияси” “Шарқ” Тошкент – 2002
3. И.Ҳаққул “Ижод иқлими” Фан-2009
4. Д.Куроноф “Адабиётшунослик луғати” “Академнашр” Тошкент-2010
5. У.Тўйчиев “Ўзбек адабиётида бадийлик” “Янги аср авлоди” Тошкент- 2011

6. Norboyev B. Hayotni poetik talqin etish tamoyillari va mahorat muammolari. Filol. fan. d-ri..dis. avtoref. -Toshkent: 1996, 54-bet.

7. [http:// ziyonet.uz](http://ziyonet.uz) internet sayti.

8. [http:// kh-davron.uz](http://kh-davron.uz) internet sayti.

КОННОТАТИВ МАЪНОНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

О.Н.Муртазоев

БухДу 2 – босқич талабаси

Сўз семантикасини ўрганиш, денотатив ва коннотатив маъноларни чегаралаш, бу маъноларнинг нутқда воқеланишида тил воситаларининг ўрни, қийматини белгилаш каби масалалар ҳозирги давр тилшунослигида долзарб ҳисобланади. [1]

Маълумки, тил бирликлари семантикаси фақат денотатив (аташ) маъноси билан чекланиб қолмай, уларда қатор коннотатив маънолар ҳам мавжудлиги ва бундай маънолар “стилистик бўёк”, “қўшимча маъно”, “экспрессив маъно оттенкаси” каби атамалар билан юритилади. Коннотатив маъно тил бирликларининг барчасида мавжуд. Бу ҳақда тилшуносликда турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи олимлар сўзнинг коннотатив (қўшимча) маъноси сўз семантикаси компонентига кирмайди десалар, бошқа тилшунослар коннотатив маъно сўз семантик структурасининг бевосита таркибий қисмларидан бири деб қарайдилар.[2]

Яна бир гуруҳ тилшунослар фикрича, коннотация сўз прагматикасининг бир қисми деб таърифланади. Илмий адабиётларда эса коннотация денотацияга илова қилинган тил бирлигининг коннотатив маъно ифодаси, уни атрофини ўраб олган қўшимча семаларидир, деган фикрларни билдирадилар.[3]

Коннотация тил бирликлари семантикасига кирувчи семантик мавжудлик бўлиб, у нутқ субъектининг борлиққа эмотив баҳолаш ва услубий белгиланган муносабатини ифода этади.[4]

Анъанавий тилшуносликда коннотацияни тадбиқ этишда худди шу тарздаги прагматик баҳо остида тушунилади. Фикримизча, тилда доимий ҳолатга эга бўлган прагматик ахборот лингвистик қизиқиш туғдиради. Шу фикрдан келиб чиқиб, биз прагматик деб сўзловчи томонидан тил бирликларида мустақамланган куйидаги уч нарсани тушунализ: ахборот предметга борлиқни, ахборот мазмунини ва адресатни.[5]

Коннотация сўзининг биринчи марта тилшуносликда термин сифатида қўлланишини кузатиш мураккаб, бироқ XIX асрнинг ўрталарида синонимик луғатлар назарияси ва уларни яратиш амалиёти билан боғлиқ бўлган инглиз лексикографик адабиётида коннотация термини қўлланилган. Ўша даврда коннотация сўзининг изоҳига бевосита киритиладиган лексик маъноларнинг “қўшимча” (модал, эмоционал-экспрессив) элементлари деб қаралган. Иккинчидан, коннотация нарса ва борлиқнинг бошқа объектини қонуний баҳолаш назарда тутилади. Бунда бу баҳолаш сўзнинг бевосита лексик маъносига киритилмаган.

XX асрга келиб, “коннотация” сўзининг юқорида кўриб чиқилган маъноларидан ташқари яна бир неча маънолари борлиги аниқланди. Шу изоҳлар талқинида “коннотация”га турли таърифлар берилди. Жумладан, коннотация деннотацияга қарама-қарши маъно, коннотация-сўзнинг синтактик валентлиги, коннотация-мажозий унсурларга асосланган кўчма маъно, коннотация-лексик маънонинг мажбурий бўлмаган қўшимча иккинчи даражали (факультатив) унсур эканлиги қайд этилган.

Европа ва рус тилшунослигида “коннотация”, “коннотатив маъно” терминлари И.А Мельчук, Л.И Иорданская, А.К Жалковский, К. Бюллер, А.В Исаченко, Р.Токарский, Е.Бартминский каби етук олимларнинг ишларида учрайди. Коннотация сўзининг эволюцияси ва унинг турлича қўлланиш тарихи А.В Баровская ишларида тўлиқ ёритилган. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Э.Ж Уотли XIX асрнинг энг машҳур китоби “Selection of synonyms” (1951)даги сўз бошисида коннотацияга таъриф берилган: “коннотация сўзининг изоҳида бевосита киритиладиган лексик маъноларнинг қўшимча (модал, экспрессив-эмоционал) элементлари” деб таърифланган. Кейинги йилларда лисоний бирликларнинг коннотатив аспектига қизиқиш ортган бўлсада, коннотация тушунчаси турли фан доирасида турлича талқин этилмоқда. Жумладан, услубшуносликда коннотация услубий маъно сифатида қаралиб, уни эмоционал бўёқ билан боғлаб ўрганилади. Тилшуносликда коннотацияга прагматик маъно сифатида қаралади. Маънони систем аспектда ўрганувчи семасиологлар коннотацияга “экспрессив бўёқ”, “эмотив ифода” тарзида қарайдилар. Психологик йўналишдаги тадқиқотларда эса коннотацияга семантик ассоциациялар сифатида ёндашилади. Ушбу терминга қандай баҳо берилмасин, барибир унинг асосий вазифаси нутқ прагматикаси билан бевосита ва узлуксиз боғланган таъсир этиш функциясидир.

Сўз семантик структурасини ўрганишда икки хил коннотация мавжудлиги қайд этилади: ингерент коннотация-сўз контекstdан ташқари олинган ҳолатда унга хос бўлган коннотатив маъно ва адгерент коннотация – сўзда маълум контекstdа ҳосил бўладиган коннотатив маъно. Ички коннотатив маъно сўз семантикасининг таркибий қисми бўла олиши ва бўла олмаслигини аниқлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Инглиз тилида: “beautiful” сифати унинг синонимлари: pretty, attractive, lovely сўзлари чиройли, гўзал, жозибали деб таржима қилинади. Beautiful сўзига нисбатан attractive “қўшимча бўёкли сўздир”.

Масалан: She was beautiful girl so we need

- but not beautiful, she was so **attractive**, I mean

Мисолда кўринадики beautiful га нисбатан attractive сўзида коннотатив маъно кучли ифодаланган. Сўздаги “қўшимча маъно” маълум интонация билан айтилганлиги сабабли экспрессивлик кучли ифодаланган.

Сўзнинг семантик структурасига кирувчи парадигматик муносабатлар билан белгиланадиган коннотатив маъно оттенкаларига қуйидагилар киради:

1. Сўзловчининг ижобий-нейтрал-салбий муносабати ифодаланган сўзлардаги маъно оттенкалари.
2. Муносабат даражасининг белгиланиши.

3. Сўзнинг қўлланиш доирасининг белгиланиши (нейтрал-кўтаринки, нейтрал-диалектизм, нейтрал-жаргонизм, нейтрал -эвфемизм)

Шундай қилиб, коннотация, коннотатив маъно тушунчаси тилшуносликда бир қадар ўрганилишига қарамай бу соҳада жиддий илмий изланишлар олиб боришни давр тақазо этмоқда.

Коннотатив маънонинг нутқда воқеланиши, унинг барча тил сатҳларида ўрганилиши бўйича қатор илмий изланишлар олиб бориш тилшунослар олдида улкан вазифаларни қўймоқда.

Адабиётлар

1. Говердовский В.И История понятия коннотации. Филологические науки- М.1972. №2,-С 46.
2. Телия В.Н Коннотативный аспект семантики номинативных единиц- М.Наука 1986. -С 144.
3. Қиличев Э, Қиличев Б. Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши. Ўзбек тили ва адабиёти . –Т. 2006. №6-Б.68-71.
4. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти.Филология фанлари номзоди диссертациясиавтореферати –Т. 1998-29 б.
5. Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.2009.-21б

БАДИЙ УСЛУБНИНГ ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРИ

О.Н.Муртазоев

БухДУ 2-босқич талабаси

Бадий матн тилнинг барча сатҳлари бўйича тил бирликлари имкониятларини очиб беришда асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун бадий асарга ҳар қандай тилнинг имкониятлари доирасини кўрсатувчи манба сифатида қаралади. Бадий матн тахлили бўйича тилшуносликда турлича ёндашувлар асосида тадқиқ методлари ишлаб чиқилган, бу соҳада тил бирликларининг нутқий ифодаланиш даражасида илмий хулосалар чиқарилган.[1] Бадий матн ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўплаб асосли хулосаларнинг чиқарилишига замин яратган.

Биз ушбу ахборотимизда бадий тасвирда учрайдиган фонетик воситалар ва уларнинг услубий хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз. Маълумки, тавсифий фонетикада нутқ товушлари, уларнинг хосил бўлиш типлари, ўзгариши, бўғин, интонация, пауза, урғу каби фонетик ходисалар ва уларга хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилади. Нутқий алоқа

жараёнида қайд қилинган ҳодисалар яхлит бир система (тизими)га бирлашиб ягона нутқий актни юзага келтиради.[2] Шундай нутқ занжирини ҳосил қилишда сегмент ва суперсегмент элементлар деярли бир хил иштирок этади. Фонетик воситаларда ифодалаётган “ қўшимча бўёқ”нинг жозибадорлиги тилнинг турли сатҳларида ўзаро алақадорликда намоён бўлганлиги сабабли,уларда умумий имкониятлар катта бўлади.Шунингдек, бадий матннинг эстетик таъсирчанлигини таъминлашда тилнинг товуш кўриниши билан боғлиқ услубий имкониятларни ўзгариш катта аҳамиятга эга.

Фонетик услубият ҳақидаги дастлабки фикрлар тилшунос Ш.Баллининг “Французская стилистика “ китобида баён қилинган. Олим ушбу асарида нутқ товушлари интонация воситасида сўзловчининг турли хил эмоциялари ифодаланишини кўрсатиб берган. Стилистика бўйича етук олимлар М.Р. Сенкеевич,И.В.Арнольд,Г.М.Вышневецкая, С.М.Гайдучик, М.И.Говердовский [3] лар “қўшимча маъно “ бошқа тил бирликларига нисбатан фонетик воситалар орқали кучли ифодаланишини алоҳида қайд этадилар.

Бадий тасвирда унли товушларнинг турлича талаффузи (асосан чўзиқ талаффузи)қатор услубий вазифа бажаради. Булар: шодланиш,хайратланиш,таажуб,изтироб,ўқиниш, ғазабланиш, маъюслик, иккиланиш кабилар.

Масалан: Инглиз тилида: *Santiago – o-o !* (И.Войнич)

Ўзбек тилида :Болалар бирдан қичкиришда: *Урее-й, Кино-o-o !* (С.Ахмад)

Унлиларда бўлганидек, ундош товушларда ҳам бу ходисани кўриш мумкин. Сўздаги бир ундошнинг такрори (иккиланиш) у ифодалаётган экспрессив бўёқ миқдори даражасини белгилайди.

МАСАЛАН:

What ever have you get there ?

Chocolate creams and English toffee

-Who this is **I** - luxury for a king?

-**R-r**-really? Well you must get him.

-**S**-some more tomorrow and give me these to take with me. No, let me **p-p**-put th toffee in my pocket.

Қутилмаганлик, кўркиш, довдираш ёки кучли ғазаб кабиларни тўла акс эттиришда ҳам ундош товушлар персонаж нутқида иккилантиришлиши мумкин. Масалан: Маликжон довдираб қолди:- Ас-салом-**м** деди тутилиб,

к-келинг .

Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тилларида эмоционал- экспрессивлик тилнинг турли сатҳларида мавжуд бўлиб,улар бадий тасвирнинг таъсирчанлигини, асар жозибадорлигини таъминлашда муҳим фоностилистик восита бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР.

1. А.А Липгарт. Основы лингвопоэтики. М BARSS. 2006, стр 5
2. И.Ҳожиалиев. Интонациянинг нутқий мулоқотдаги ўрни: Ўзбек тили ва адаб.Т 2002, № 2
3. И.В.Арнольд. Стилистика современного английского языка. М.Просвещение 1990 стр 20-211; В.И.Говердовский. История понятия коннотации. М.филологические науки. М,1972 № 2

ТИЛ ВА ТАРЖИМА

Тўхсанов Қаҳрамон Раҳимбоевич

филология фанлари номзоди, доцент.

Фарсий адабиёт намуналарини туркийга, аксинча, туркий сўз санъати намуналарини фарсийга ўгириш қадим анъана сифатида яшаб келаётир. Зеро “икки қардош-жондош халқ мустақкам дўстлиги, ҳамдасту ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси бўлган ўзбек-тожик адабий алоқалари - бу қардошлик каби узок тарихга эга. Бу алоқалар Абулқосим Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий ва Ҳайдар Хоразмий, Саъдий Шерозий ва Сайфи Саройлардан бошланиб, тараққий этиб келмоқда”¹. Бу анъана Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдек икки буюк сўз санъаткори яшаб, ижод этган даврда беқиёс юксакликка кўтарилди. Ана шу қутлуғ анъанани бизнинг давримизда ҳам муваффақият билан давом эттираётган фидоий таржимонлар борлиги миллий маънавиятимизнинг улкан ютуғидир.

Бу борада икки заҳматқаш шоир ва таржимон – Жамол Камол ва Асқар Маҳкам хизматлари таҳсинга лойиқдир. Уларнинг Мавлоно Румий “Маснавий”сини ўзбек тилига ўгириш жараёнида тил бойликларидан фойдаланиш имкониятларини қиёслаш ғоят кизиқарли мулоҳазалар сари етаклашига шубҳа йўқ.

Бадиий таржиманинг асосий манбаи сўздир. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, бадиийлик услубни сақлаш, мазмун ва шакл муштарақлигини эътиборга олиш жараёнида сўз - хал қилувчи аҳамиятга эга. Тилнинг асосини сўз ташкил этади. Аммо алоҳида олинган товуш ёки бирор грамматик қўшимчанинг ўзи мустақил маъно англатмайди. Шу боис бирор тил хусусида сўз борганда, дастлаб ўша тилнинг сўз бойлигига мурожаат қилинади. Албатта, ҳар бир сўз, - ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари, бир қанча мажозий маъноларга ҳам эга. Бу ҳодисанинг тилшуносликда полисемия (кўп маънолик) деб юритилиши ҳам - яхши маълум. Таржима жараёнида сўзнинг айна шу жиҳатидан ташқари, маънодош (синоним)ликка ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Маънодош сўзларга оид чуқур билим ва уларнинг ижодкор онгидаги бой захираси таржима жараёнида сўзнинг ўз тилига мансуб муқобилларини топишда, сўз такрорининг олдини олишда катта ёрдам беради.

“Маснавий”нинг биринчи китоби “Дебоча”си - 35 байтдан иборат. Мазкур байтлардан бир нечасининг икки таржимон томонидан ўгирилишини кузатиш асосида

¹ Саломов Ф., Комилов Н. Дўстлик кўпириклари. – Тошкент: 1979. - Б 144.

Ўзбек тили луғат бойлигининг анча кенг имкониятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Аслият: К-аз найистон то маро бубридаанд,

Дар нафирам марду зан нолидаанд (1,16)

Асқар Маҳкам таржимаси:

Ким найистондан мени то кесдилар,

Ҳасратимдан мард-аёл дод этдилар.³

Жамол Камол таржимаси:

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,

Нолишимдан эл ҳама ўртандилар (1,8)

Келтирилган байт таржималарини аслият билан қиёслаш ҳар икки таржимон бадий имкониятлари ҳақидаги муҳим хулосаларни беради.

Бунинг учун, аввало, байтда келган баъзи сўзларнинг маъноси луғатда қандай изоҳланганлигини кўрайлик. Жумладан, луғатда “*нафир*” сўзининг 1) *карнай, сурнай*; 2) *бонг, фарёд, садо, гавго, гулгула* каби маъноларда келиши қайд этилган.⁵

Жамол Камол “*нафир*” сўзида мужассам бўлган маънони ўқувчига етказиш мақсадида “*нолиш*” (*нола, оху воҳ, фарёд, фиғон, нола қилишни бошлаш, нола қилишга киришиш*) сўздан фойдаланган. Бизнингча, таржимоннинг “*нафир*” ўрнида унинг “*нола, фиғон, фарёд*” каби маъноларига тенг келувчи сўзни қўллаши ўзини оқлайди.

Асқар Маҳкам таржимасида эса “*нафир*” сўзига билвосита маънодош бўлган “*ҳасрат*” сўздан фойдаланилган. Луғатда қайд этилишича, “*ҳасрат*” сўзи *афсус, дариг, пушаймонлик, гам, гусса, андуҳ, орзу, майл, қаттиқ исташ маъноларида қўлланади*.⁶ Демак, таржимон “*нафир*” ўрнида “*ҳасрат*” сўзини қўллаш чоғида унинг *гам-ғусса, андуҳ* каби маъноларига таянган.

Иккинчидан, Жамол Камол жуфт сўз бўлмиш, умумлаштириш маъносига эга “*марду зан*” ўрнида “*эл*” сўзини қўллаган. Демак, таржимон байтда “*марду зан*” орқали кўпчиликни ифодалашни мақсад қилинганини яхши англаган. Асқар Маҳкам эса жуфт сўзни деярли такрорлаб, “*зан*” сўзи ўрнида унинг ўзбекча “*аёл*” вариантини қўллаш билан қаноатланган. Бу, ўз навбатида, “*мард-аёл*” кўринишидаги матнга у қадар сингишмаган ифодани келтириб чиқарган. Албатта, “*мард*” сўзи ўзбек тилида ҳам фаол қўлланади. Аммо юқоридаги бадий матн - бундан мустасно. Чунки у мазкур сўзни айни шундай шароитда қўллашни тақозо этмайди.

³ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт, 29-бет.

⁵ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷ. I. Саҳ. 839.

⁶ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷ. II. Саҳ. 737.

Учинчидан, форсий байт сўнгидаги “нолидаанд” сўзини Жамол Камол “ўртандилар” тарзида ўгирса, Асқар Маҳкам “дод этдилар” тарзида таржима қилади. Луғатларда “дод” сўзининг бошқа маънолар қатори фиғон, нола, шикоят каби маъноларни ҳам англатиши қайд этилган. Демак, таржимон “дод” сўзининг айна шу маъносидан фойдаланган. Форсий “нолидаанд”ни “оҳ-воҳ қилмоқ” маъносида ўгиришни маъқул кўрган. Гарчи “ўртандилар” сўзидаги маъно жилоси “дод этдилар” бирикмасидаги маънодан кучлироқ бўлса-да, ҳар икки таржимон най эшитилгандаги таъсирланиш ҳолатини тўғри англаб тўғри ифодалаган, дейиш мумкин:

Сина хоҳам шарҳа-шарҳа аз фирок,

То бигўям шарҳи дарди иштиёқ (1,16)

Асқар Маҳкам таржимаси:

Сийна истармен фироқдан поралар,

Шавқ дардидан десам афсоналар (1, 30)

Жамол Камол таржимаси:

Сийна истармен тўла дарду фирок,

Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ (1, 8)

“Сийна” – кўкрак, мажозан қалб, дилдир. Кўринадики, аслиятдаги биринчи сўз ҳар икки таржимон томонидан сақланган. “Хоҳам” сўзини ўгиришда ҳам таржимонлар бир хил йўл тутиб, “истармен”дан фойдаланишган. “Шарҳа-шарҳа”нинг ўзбекча таржимаси “парча-парча”дир. “Фироқ” эса ўзбекча айрилиқ, жудолик сўзлари билан маънодош.

Ҳар икки таржима байтда сўзма сўз ўгиришдан кўра, ижодий таржима имкониятларидан фойдаланиш майли устиворроқ бўлса-да, мазмунда нуқсон кўзга ташланмайди. Жумладан, иккинчи мисрада “шавқ” (орзумандлик, майл, рағбат, нафс орзуси каби маъноларга эга) ва “афсона” (қисса, достон, ҳикоят, нақл, сафсата, ёлгон каби маънолари бор) сўзларидан фойдаланган Асқар Маҳкам аслиятдаги “иштиёқ дардини шарҳ айлаш”ни ўз услубида ифодалаган. Жамол Камол ҳам шакл ва мазмун мутаносиблигига эришиб, аслиятдаги қофияни сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Шунга кўра, юқоридаги байт таржимасида ҳар икки таржимон ўзбек тили лексик имкониятларидан усталик билан фойдаланган, дейиш мумкин.

Яна бир мисол:

Оташ аст ин бонги ною нест бод,

Ҳар кй ин оташ надорад, нест бод! (1, 16)

Асқар Маҳкам таржимаси:

Най садоси оташедур, бод эмас,

Кимда оташ йўқ – одамзод эмас (1,34)

Жамол Камол таржимаси:

Ўт эрур найнинг навоси, ел эмас,

Кимда ўт йўқдир, йўқолсин, эл эмас (1, 8)

Аслиятдаги “отаиш” сўзининг ўзбекча муқобили *олов, гулхан, ўтдир*. Аслиятдаги “бонг” – *савт, овоз, наво* маъноларида, “бод” эса *ел, шамол, шабада* маъноларида қўлланган. Айни шу мантиқдан келиб чиқсак, Мавлоно дастлабки мисрада “*Бу найнинг навоси ўткинчи шамол эмас, балки ўт эрур*” мазмунидаги фикрни ифода этган. Таржима байтларга назар солинса, Асқар Маҳкамнинг енгилроқ йўл танлагани аёнлашади: таржимон “отаиш” ва “бод” сўзларининг ўзбекча муқобилларини излаб ўтирмасдан, ҳар икки сўзни таржимада ҳам такрорлашни маъқул кўрган. Жамол Камол эса “отаиш”ни “ўт”, “бонг”ни “наво”, “бод”ни “ел” тарзида таржима қилиб, байтнинг анча равон ва тушунарли таржимасига эришган. Мазкур таржима аслиятдаги маъно-мазмунни айнан бера олиши билан диққатга сазовордир:

Сирри ман аз нолаи ман дур нест,

Лек чашму гўшро он нур нест (1,16)

Асқар Маҳкам таржимаси:

Сиррим оху нолишимдан дур эмас,

Бу қулоқ, бу кўзда лек ул нур эмас (1, 33)

Жамол Камол таржимаси:

Сиррим эрмас нола-оҳимдин йирок,

Гарчи нур кўзу қароғимдин йирок (1, 8)

Форсий “дур” сўзининг маъноси – *узоқ, узоқлаштирамоқдир*. Асқар Маҳкам байт таржимасида аслиятдаги “дур” сўзини сақлаб қолган. Бундай йўл маълум маънода ўзини оқлайди. Жумладан, туркий мумтоз мерос намуналари кўздан кечирилганда, улар матнида “дур” сўзи анча фаол қўлланганини кузатиш мумкин. Бироқ бугунги китобхон, айниқса, форсийдан беҳабар ўқувчи мисра мазмунини дарҳол англаб олиши - қийин. Иккинчи мисра таржимаси эса аслиятдаги сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиб, ўз ўрнида қўллаш натижасида анча равон чиққан. Жамол Камол таржимасида ҳам худди аслият ва Асқар Маҳкам таржимасидаги каби қофия ва радифларни сақлаб қолиш йўлидан борилган. Бу, ўз навбатида, байтнинг асл оҳанг ва мантиғини таржимада ҳам такрорлаш имкониятини яратган.

Умуман, ҳар икки таржимон “Маснавийи маънавий”дек нодир дурдонани китобсевар ва маърифатпарвар халқимиз маънавий мулкига айлантириш йўлида катта жасорат кўрсатди. Уларнинг бу жасорати келажакдаги умидбахш ва янада муваффақиятли таржималарга замин яратиши - шубҳасиз.

Адабиётлар

1. Мавлоно Жалолоiddин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. 864 бет.

2. Мавлоно Чалолуддин Муҳаммади Балхӣ. Маснавийи маънавий. Бар асоси матни Р. Николсон ва муқобил бо нусхаҳои дигар.- Техрон. Нашри замон. 2001. Саҳ 727.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ИНВЕРСИЯ ВА ФОЛКЛОР ХРОНОТОПИ МАСАЛАСИ

Н.Худойбердиева

БухДУ 2 -босқич магистранти

Инсон ҳаётида содир бўладиган ҳар бир ҳаракат, воқеа вақт билан боғлиқ ҳолда кечади. Вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажак тушунчалари билан боғлиқлиги ҳаммага аён ҳақиқатдир. Бадиий адабиётда эса бу ҳодиса бирмунча мураккаброқ шаклларда акс этади, чунки асардаги воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам бирин-кетин хронологик тартибда содир бўлавермайди. Бадиий вақт одатда асар персонажининг хатти-ҳаракати, унинг характери ва кайфияти, портрети ҳамда асар сюжет ва композицияси орқали юзага чиқади.

Адабиётда бадиий идрок этилган замон ва макон аро уйғунлик хронотоп деб аталади. Адабий-бадиий хронотопда макон ва замон аломатларини бир бутун ва аниқ идрок этиш мумкин. Бу ерда вақт тиғизлашади, бадиий нигоҳга айланади; макон эса вақт, сюжет ва тарих ҳаракати доирасида жадаллашади ҳамда кенгайди. Замон аломатлари маконда кўринса, макон замонда ўлчанади ва анланади. Бундай қоришиқ аломатлар оқидамида бадиий хронотоп табиати намоён бўлади.

Бундай ўзига хослик биринчи навбатда тарихий инверсия аталмиш ҳодисада намоён бўлади. Айни инверсия моҳиятан шунга олиб келадикки, бунда мифологик ва бадиий тафаккур ўтмиш доирасидаги мақсад, идеал, адолат, баркамоллик, инсоннинг уйғунлашган ҳолати, жамият ва ҳоказо категорияларида чекланиб қолади. Жаннат, олтин аср, қаҳрамонлик асри, илк ҳақиқат тўғрисидаги мифлар – табиий ҳолатлар, асл ҳуқуқлар ва бошқалар хусусидаги бир қадар қадим тасаввурлар – айнан тарихий инверсия ифодаси ҳисобланади. Унинг бироз юзакироқ таърифини келтириб айтиш мумкинки, бу ўринда нимаки ўтмишда бўлиб ўтган дея тасвирланса, аслида, келажакда рўй бериши мумкин ёки келажакда рўй беради.¹⁰⁸ Моҳиятан у ўтмиш воқелиги эмас, балки келажакнинг мақсади, бурчи ўлароқ намоён бўлади. Келажакда аниқ реаллик мавжуд эмас, яъни келажак номаълум ҳиссиётлар, хаёллар, башоратлар ва бошқалар асосида қурилади. Ўтмиш ва ҳозирда эса реаллик қуввати ва ишончлилик, ҳаққонийлик мавжуд. Келажак қанчалик узун туюлмасин, мазмун аниқлигидан ҳоли. Шу тариқа барча ижобий, идеал, керакли, қутилган нарсалар тарихий инверсия йўли билан ўтмишга, баъзи ҳолларда ҳозирга

¹⁰⁸ Mixail Baxtin. Romanda zamon va xronotop shakllari. T. “Akademnashr”, 2015 y. 121-bet

тегишли ҳисобланади. У ёки бу ҳодисани реалликка бағишламоқ учун фолклор хронотопидан фойдаланилади. Биз бундай ҳодисани ўзбек адабиёти намуналарида ҳам кузатишимиз мумкин.

Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясида биз бирмунча тарихий инверсия ва фолклор хронотопи ҳодисасига дуч келамиз. Ҳикоя қаҳрамони Ўсар аканинг бошидан ўтказган ғайриодатий кечмиши ҳаётда мавжуд реаллик касб этмайди. У қачонлардир мавжуд бўлган ёки ҳозир ҳам мавжуд деб қаралган жинлар ва париларни кўз ўнгида кўриши, улар яшайдиган маконга тушиб қолиши, улар билан суҳбатлашиши каби тасвирларида фолклор хронотопининг намунасини кўришимиз мумкин.

Ўсар ака кеч пайти уйига қайтиш учун қисқа йўлдан – қуюқ дарахтлик майдондан ўтмоқчи бўлади. Йўлда кетаётиб бир ёруғликка кўзи тушади. Бу чакалакзорда бундай ҳолатни кўриб ҳайрон қолади. *“Мен донг қотиб бир неча вақт туриб қолдим. Дарҳақиқат, бойқушлар уяси бўлган бу вайронада бундай воқеанинг юз бериши кишини, албатта, ҳайрон қилар эди. Ҳолбуки, мен шу кун эрталаб ҳам шу майдондан ўтган эдим. Бу ерда бирор бир зиёфат бўлатурган бўлса эрта билан унинг асари кўринар эди”*.¹⁰⁹

Ўсар ака вақти бемаҳлда бошқа маконга тушиб қолади. Яъни маконлар инверсиялашуви юз беради. Халқимизда “кеч юришнинг хосияти ёмон” деган бир нақл бор. Бунинг асоси эса фолклордаги жинлар, парилар, махлуқотлар кечкурун изғиб юрийди, деган қарашдир. Шунга асосланиб, асарнинг худди шу ўрнида замон ва маконнинг интеграциялашувини ҳам кузатамиз (замон: кеч пайти; макон: жинларнинг макони).

Таъкидлаш керакки, ёзувчи тарихий инверсияни беришда хаёлот, хотира, туш, башорат, миф, афсона, ривоят ёки нақл кабилардан фойдаланади. “Жинлар базми” ҳикоясида Абдулла Қодирий тарихий инверсияни **хаёлот** асосида берса, “Ўткан кунлар” романида эса Кумуш ўлимини олдиндан сезиши, яъни келажакда қандайдир кўнгилсизлик бўлишини, қайсидир маънода **башорат қилишини**, онасига ёзган сўнгги мактубидан ҳам кўриш мумкин: *“Келаси ойдан жуда юрагим уюшадир... Кечалари кўкка қараб келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман”*. Хат сўнггида: *“келаси ойдан қўрқаман... Кўришмасак мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёр-у дўстлар ҳам”*, - дейди. Кумуш ўз ўлимини олдиндан ҳис қилади, келажакда мудҳиш воқеа бўлишини башорат қилади. Худди шу кўнгилсизликни Отабек ҳам юрагидан ўтказади: *“Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа, чунки Кумушни кўрган сайин уста Алим фожиасини хотирлар эди. Уста Алим фожиаси ўтмишда бўлиб ўтган, аммо Отабекнинг келажакда ҳам рўй бериши мумкин бўлган ҳодисага ишора этади. Шу орқали тарихий инверсия юзага келади. Отабек ва Кумушнинг кўнглидан ўтган келажакдаги нохушликлар, Кумушнинг ўлимидан биров аввал Отабекнинг кўрган тушида янада ойдинлашади. Энди ёзувчи тарихий инверсияни беришда туш мотивидан фойдаланиб, фолклор хронотопи асосида ёритади: “Туш кўрар эди: “Чаманда гуллар очилган эмиш... Бу гулшан унинг ўзиники эмиш. Ул ранго ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш. Теваракдан келган ёвдан хавф бор эмиш. Ханжар ушлаб ёвга қарши чиққан эмиш... Ёв қочган эмиш... Ёв орасида онаси ҳам бор, отаси ҳам кўринар эмиш... Қайтиб чаманга*

¹⁰⁹ Abdulla Qodiriy. Tanlangan asarlar. “Sharq” nashriyoti. 2014 y. 834-bet.

*кирса бир сигир гулни босиб, янчиб ўтлаб юрган эмиш... Сигир эмас – сариқ сочлик албасти эмиш... Дармонсизланган ва ханжари қўлидан тушкан эмиш... Дунёни қоронгулик босган эмиш”.*¹¹⁰

Гулшан – бу Кумуш, сигир, сариқ сочлик албасти эса, Зайнабдир. Ёзувчи келажакда бўладиган фожеани тасвирлашда фолклор образларидан фойдаланиб, асар пафосини янада кучайтиради. Ҳикояни мутолаа қилган ўқувчи тарихий инверсия ҳодисаси орқали келажакда рўй берадиган фожеаларнинг содир бўлишини олдиндан ҳис қилади. Отабек ёвлар орасида ота-онасини кўриши, бу фожиага қайсидир маънода уларнинг ҳам айби борлигига ишора эди. Чунки Отабек ота-она орзуси деб иккинчи бор уйланишга рози бўлганди.

Умуман олганда, бадий асарда тарихий инверсиянинг хаёлот, башорат ёки туш мотивлари орқали берилиши келажакка ёки ўтмишга ишора этилади. Энди келажак тарихий инверсия орқали маълум даражада реаллашади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихий инверсия ўтмиш ва бугун орқали келажакни, ёки аксинча келажак орқали ўтмишни ифодалашдир. Келажакни бирмунча реалликда тасвирлайди, ёки келажакка ишора этади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тарихий инверсия ва фолклор хронотопи нафақат ўтмиш, бугун ва келажакни боғловчи восита сифатида, балки асар пафосини кучайтирувчи восита сифатида ҳам қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mixail Baxtin. Romanda zamon va xronotop shakllari. T. “Akademnashr”, 2015 y. 121-bet
2. Abdulla Qodiriy. Tanlangan asarlar. “Sharq” nashriyoti. 2014-y. 294-bet.

КОММУНИКАТИВНОСТЬ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Мусаджанова Гулчехра Абдуманоповна

Совместная общеобразовательная программа
КФУ и НУУЗ имени Мирзо Улугбека, преподаватель,
г. Ташкент

Инновационное развитие образования непосредственно связано с коммуникативной направленностью обучения. Термин коммуникация прочно входит в понятийный аппарат социально-гуманитарных знаний, необходимых для современных специалистов любого профиля. Стали нужны специалисты, обладающие наравне с профессиональными навыками, коммуникативной культурой, коммуникативной грамотностью и компетентностью как в рамках родного языка, так и в иноязычном

¹¹⁰ Abdulla Qodiriy. Tanlangan asarlar. “Sharq” nashriyoti. 2014-y. 294-bet.

общении. Ориентация на коммуникативную компетентность специалиста связана с его будущей деятельностью. Подготовка к общению должна стать неотъемлемой частью профессиональной подготовки широко образованного специалиста, а способность к организации профессионального общения в любой среде – одним из основных требований в его квалификационной характеристике. Термин «коммуникация» был введен в научный оборот в начале XX в. «Коммуникация» – (лат.) *communicatio* – совещаться с кем-либо)

- 1) путь сообщения (напр., воздушная к., водная к.);
- 2) форма связи (напр. телеграф, радио, телефон);
- 3) акт общения, связь между двумя или более индивидами, основанные на взаимопонимании; сообщение информации одним лицом другому или ряду лиц;
- 4) массовая коммуникация – процесс сообщения информации с помощью технических средств массовой коммуникации (печать, радио, кинематограф, телевидение) численно большим, рассредоточенным аудиториям.

Коммуникативная подготовка студентов вуза включает в себя:

- 1) коммуникативные навыки и умения (совершенствование монологической и диалогической речи, умение вступать в беседу и вести её, умение творчески развивать свои мысли и чувства и др.);
- 2) коммуникативную культуру (овладение умениями и навыками общения, посредством соотнесения своего речевого действия с нравственными, культурными, социальными ценностями своего народа);
- 3) коммуникативную компетентность (изучение норм, правил и технологий общения);
- 4) коммуникативный потенциал личности (динамика коммуникативных свойств и коммуникативных способностей личности студента).

Современное общество нуждается в специалистах, достаточно хорошо владеющих культурой речи, и поэтому при их профессиональной подготовке следует четко представлять, чем характеризуется особенность конкретной профессиональной деятельности. Ориентация на коммуникативную компетентность специалиста связана с его будущей деятельностью. Подготовка к общению должна стать неотъемлемой частью профессиональной подготовки широко образованного специалиста, а способность к организации профессионального общения в любой среде – одним из основных требований в его квалификационной характеристике. Под коммуникативной компетентностью понимают успех какого-то общего дела, создающего условия для сотрудничества людей, чтобы осуществить значимые для них цели. Деловое общение содействует установлению и развитию отношений сотрудничества и партнерства между коллегами по работе, руководителями и подчиненными, партнерами и конкурентами [Леонтьев 1997]. Именно знания правил делового общения и основ культуры речи помогут предпринимателю, бизнесмену, менеджеру достаточно четко представить себе степень надежности партнера, его способность к соглашению, компромиссу, а также уровень его готовности к групповой

работе и т. д. Эти знания позволят определить, насколько эффективными могут быть деловые отношения с конкретным человеком. Решением указанного круга задач заняты преподаватели, обеспечивающие лингвистическую подготовку студентов всех специальностей. Содержание Программ языковых дисциплин определяется коммуникативными потребностями студентов в научно-профессиональной сфере, целями и задачами обучения родному и неродным языкам как способу грамотной организации научной деятельности. «Основная цель курса – формирование у будущих специалистов коммуникативной компетенции – способности решать лингвистическими средствами реальные коммуникативные задачи в конкретных речевых ситуациях научной сферы. К задачам относятся: умение давать оценку полученной информации, извлекать новую информацию из текстов, составлять тексты основных учебно-научных, научно-популярных жанров, выступать на профессиональные темы» [Леонтьев, 1997]. Таким образом, для студентов всех специальностей основным объектом обучения представляется научно-профессиональная речь. Обучение профессиональному общению, начатое на первом этапе вузовского становления, предстоит продолжить на занятиях базового и профилирующего циклов. Особое место при этом должно отводиться учебному предмету «Русский язык». Анализ программы данного курса показывает, что обучение профессионально ориентированному общению, имеющему целью формирование устойчивых речевых умений и навыков, является актуальной проблемой на современном этапе. Данный курс предусматривает развитие четырех взаимосвязанных направлений, определенных в программах общеобязательного цикла:

Часть первая. Основные понятия теории и практики речевой коммуникации.

Часть вторая. Развитие коммуникативных навыков и речевых умений при чтении научных текстов по специальности.

Часть третья. Развитие навыков и речевых умений на уровне компрессии научной информации. Совершенствование технологии продуцирования письменной речи в учебно-профессиональной и научно-профессиональной сферах.

Часть четвертая. Культура устной речи и особенности речевого поведения в профессиональной сфере. Курс этот совершенно необходим в системе вузовской подготовки студентов в качестве базового компонента в работе по формированию профессиональной коммуникации специалиста.

Дисциплина «Русский язык» имеет своей целью одновременное формирование у студентов трех основных видов компетенции: языковой, речеведческой, социокультурной. Сумма указанных компетенций выводит лингводидактический формат на понятие коммуникативной компетентности. Общество требует от выпускника вуза, как высокой профессиональной грамотности, так и достаточного уровня владения культурой речи, обеспечивающего целесообразное общение в разных сферах коммуникации. Коммуникативная направленность обучения... дисциплины «Русский язык» как обязательного компонента подготовки дипломированного специалиста. Курс «Русский язык» имеет ярко выраженную практическую направленность и призван продолжить работу по формированию у будущих специалистов речевых навыков и умений, обеспечивающих как адекватное восприятие «чужих» текстов, так и продуцирование

собственных речевых произведений в соответствии с ситуацией общения. Практика показывает, что студенты хорошо владеют только одной из разновидностей русского языка – разговорной, а это не тот язык, на котором им придется осуществлять профессиональную деятельность. Поэтому внимание должно быть уделено изучению монологической речи и социально-этическим аспектам общения, речевому и деловому этикету. Обучение грамотной, стилистически выверенной речи невозможно без привлечения материала по функциональной стилистике, предполагающей целенаправленную работу по овладению языковыми особенностями всех разновидностей научного стиля речи – собственно научного, научно-учебного, научно-популярного, научно-официального и др. Особое внимание необходимо уделять экстралингвистическим особенностям научного стиля. Студентам предстоит освоить специфику лексического наполнения текстов, характеризующих определенную отрасль знаний. Речь идет не только об усвоении терминологической лексики, но и об умении отграничивать ее от лексики общенаучной и профессиональной. В типовой программе особое внимание уделяется терминологической лексике русского языка: понятие о терминах, их особенностях, узкоспециальная и общенаучная терминология, терминологические словари, работа над интернациональными словообразовательными элементами, входящими в состав терминов, нахождение в тексте и анализ общенаучных и узкоспециальных терминов, составление терминологических словарей по специальности. Общенаучная и профильная лексика может быть активизирована в процессе обучения, когда ставится задача глубокого и всестороннего освоения содержания термина. Профильная или узкоспециальная лексика может быть представлена в минимальном объеме при условии знания преподавателем-филологом специализации студента. Ведь общеизвестно, что язык специальности, в частности специальная терминология, – это наиболее информативная часть логико-понятийного аппарата, без которого невозможно говорить об адекватном освоении не только профильной дисциплины, но и освоении широкого научного знания в целом. Не менее важна работа по освоению словообразовательных и синтаксических особенностей научного стиля речи. Большую роль играют те умения и навыки, которые были введены на начальном этапе освоения научного функционального стиля. В связи с этим большую роль играет неукоснительное следование принципу учета индивидуальных особенностей студентов. Необходимость разно уровневого подхода обусловлена инновационными подходами к процессу вузовской подготовки специалистов. Один из путей формирования навыков владения научным стилем – компрессия научного текста – умение сокращать текст, вычлняя основную информацию. Лингвистические исследования делить текст на законченные смысловые части, составлять вопросы и планы. Это в дальнейшем может позитивно сказаться на усвоении студентами научных жанров в рамках научно-технического профиля (аннотация, инструкция, патент, описание и т. п.). Преподаватели, обеспечивающие дисциплину «Русский язык», учат студентов правильно использовать все богатство языка в своей речи, поэтому большое внимание уделяется стилистическому анализу текста (озаглавливание текста, определение основной мысли текста, определение стиля, типа, жанра текста, цели высказывания, функции языковых средств и стилистических приемов). Не остается без внимания культура устной речи и особенности речевого поведения в профессиональной сфере, причем эта работа носит полилингвальный характер, ориентированный на усвоение знаний из области культурологии и страноведения. Студенты должны знать основные понятия культуры

речи (точность, богатство, чистота, выразительность, логичность речи), нормы произношения и ударения, культуру речевого поведения в профессиональной сфере, этику речевого поведения, особенности делового общения, речевой этикет, деловой этикет.

«Речевая культура – визитная карточка специалиста любого профиля. В процессе говорения проявляется не только степень овладения коммуникативными умениями и навыками, но и общая культура человека» [А. Леонтьев, 1997]. Формирование речевой культуры студентов является одной из задач в рамках главной цели подготовки специалиста с высшим образованием – формирования профессионального идеала. Таким образом, дисциплина «Русский язык» имеет своей целью одновременное формирование у студентов трех основных видов компетенции: языковой, речеведческой, социокультурной. Сумма указанных компетенций выводит лингводидактический формат на понятие коммуникативной компетентности. Общество требует от выпускника вуза как высокой профессиональной грамотности, так и достаточного уровня владения культурой речи, обеспечивающего целесообразное общение в разных сферах коммуникации. И эту задачу решает введение дисциплины «Русский язык» как обязательного компонента подготовки дипломированного специалиста.

Литература:

1. Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1980. <http://uywwgricpijg.elivgroup.ru/imgr?keyword=slovar-inostrannih-slov-1980&charset=utf-8>
2. Леонтьев А. А. Психология общения. – 2 е изд., испр. и доп. – М.: Смысл, 1997. – 365 с.
3. Ахмедьяров К.К. и др. Типовая учебная программа по русскому языку. – Алматы, 2009.
4. Темирбекова Г.А., Калдыкозова С.Е «Коммуникативная направленность обучения русскому языку» «Вестник международной академии» - М., 2016.

ALISHER NAVOIYNING “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONI HAMD BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI.

Temirova Mohichehra

BuxDU magistranti

Navoiyning ijodiga qiziqish har bir davr uchun xosdir. Bugungi kunda esa shoir mahoratining o`ziga xosligini o`rganish ancha taraqqiy etdi. Bu sohada matnshunoslik fanining xizmatlari beqiyos. Ayniqsa, shoir asarlarini solishtirish, ilmiy-tanqidiy matnlarini yaratish va nashr etish ishlari alohida ahamiyatga ega.

Har bir davr uchun Alisher Navoiydek buyuk ijodkorning asarlarini nashr qilish va ulug' bir merosni avlodlarga bus-butunligicha hamda o'z ma'nolariga putur yetkazmay, aynan shoirning fikrlarini yetkazish biz mutaxassislar zimmasidadir.

Shu sabab Navoiyning "Layli va Majnun" dostonlari nashrlarining qiyosiy tahlilini o'rganishni oldimizga maqsad qildik. Bunda asosan shoir asarlarini nashr qilishdagi yo'l qo'yilgan ayrim xatoliklarni aniqlash va eng maqbul nashrlarni saralashdan iboratdir. Nashrlarni qiyoslashda birinchi e'tiborimizni, albatta, an'anaviy boblardan biri hamd qismlarini solishtirishga qaratdik. "Layli va Majnun" dostoni 1965, 1990, 1992, 2011, 2013 - yillarda nashr qilingan. 1965-yilgi o'n besh tomlikning 8-tomida dostonning an'anaviy hamd, munojot va na't kabi maxsus boblar zamon mafkurasining tazyiqi ostida olib tashlangan. Shu sababli biz 1990-va 2013-yilgi nashrlarni qiyosladik. Qiyoslash natijasida quyidagilar e'tiborimizni tortdi: 1992-yilda Suyma G'aniyeva muharrirligi ostida chop etilgan 20 tomlik "Mukammal asarlar to'plami"ning 9-tomida:

Ey siymini aylading zarafshon,

Tunning shab'asini gavharafshon

misralari berilgan. 2013-yilda Sayfiddin Rafiddinov muharrirligida chop etilgan 10 tomlik "Alisher Navoiy asarlari" kitobining 7-tomida esa yuqoridagi misra quyidagicha o'zgargan:

Oy siymini aylading zarafshon,

Tunning shabasini gavharafshon.

1990-yilgi "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida chop etilgan "Layli va Majnun" kitobida esa ushbu misra tushirib qoldirilgan. Mustaqillikdan keyingi nashrlarda dostonning ilmiy-tanqidiy matni orqali misra qayta tiklangan. Misrada oying kumushga tashbeh qilinishi va tunda chiqqanda oltindek tovlanishi, tunning shu'lasi yoqutdek nur yog'diruvchi ekanligi ifodalangan. Ya'ni: Oyni kumush aylading, oltin sochdi, tunning qorong'usini gavhar yog'dirib yoritdi.

Bizning fikrimizcha, "oy" o'rnida "ey" deb yozilishi to'g'ri deb bilamiz. Chunki, "An'anaviy boblardan biri 'hamd'" qismida Ollohning madhi beriladi, shu sababli "ey" deyish joiz. Hamd qismiga e'tibor bersak, haqiqatdan "Ey" deya Olloh madhi ko'p bora ishlatilganiga guvoh bo'lamiz. Shu o'rinda imloga ham e'tiborimizni qaratadigan bo'lsak, "shaba" so'zida tutuq belgisi qo'llanilmaydi. "Alisher Navoiy asarlarining izohli lug'ati" kitobida ham bu o'z isbotini topgan. Arab tilida unli harflar yozilmasligi bizga ma'lum. Qo'lyozmani o'qishda xatolik bo'lgan bo'lishi mumkin. Shularni inobatga olgan holda 20 tomlik nashr maqbul deb bilamiz.

Aslini olib qaraganda, Navoiy fikrlarini to'la anglamoq, uning g'oya va qarashlarini asl holicha yetkazish, asosiy vazifa sanaladi. Qayd etish joizki, shoirning adabiy merosini har gal o'rganish natijasida yangi bir qirrani kashf etamiz.

Kuzatishlarimiz natijasida hamd qismining o'zida nashrlar orasida ancha farqni sezdik. 1990-yilgi Botirbek Hasanov muharrirligida chop etilgan "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida chop etilgan "Layli va Majnun" kitobida:

Kecha anga bo'lmasun debon biym,

Berding nargisi mash'ali siym.

misrasi 1992-yilda Suyma G'aniyeva muharrirligi ostida chop etilgan 20 tomlik "Mukammal asarlar to'plami"ning 9-tomida:

Kecha anga bo'lmasun debon biym,

Berding nargisga mash'ali siym,.

2013-yilda Sayfiddin Rafiddinov muharrirligida chop etilgan 10 tomlik "Alisher Navoiy asarlari" kitobining 7-tomida esa yuqoridagi misra quyidagicha o'zgargan: Kecha anga bo'lmasun debon biym,

Berding nargisga debon biym.

Nargis guli juda ham nozik, nafis gul hisoblanadi. Uning rangi odatda sariq yoki oq rangda bo'ladi. Navoiy nozikkina nargis gulining zimmasiga tunde zimiston olamni kumushdek tovlantirib yorug'lik sochishiga ishora qilgan. Demak, Olohning mo'jizasini qarangki, mittigina gulda shunday bir ajoyib yorug'lik, nafislik hamda ohangrabolik bor. Bunday mo'jiza: olamning yaratilishi, tun, kun, oy, quyosh, yulduzlarning, bahor, kuz, qish fasllari va ulardagi tabiatning o'ziga xos jilolari, insonning yaratilishi, yo'qdan bor, bordan yo'q bo'lishi-bular hammasi yaratganning beqiyos qutratidan nishonadir. Bularni aks ettirish, so'zning qutratini namoyon etish esa, Navoiydek dahoning mo'jizasi desak yanglishmaymiz. Shoirning "Layli va Majnun" dostonida bu manzaralar hamd qismida mohirlik bilan tasvirlangan. 1990-yil nashr ettirilgan "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida chop etilgan "Layli va Majnun" kitobidagi misralardan mazmuni to'g'ri anglash uchun baytni tahlilga tortamiz:

Gulga beribon zumurradiy taxt,

G'uncha kibi aylading javonbaxt.

Ya'ni: Gulga zumrad toshdan taxt berdingki, g'uncha o'zini baxtiyor ayladi.

Demak, baytda "nargisga" deb olinsa anchayin to'g'riroq bo'ladi. Nashrlardagi ushbu farq faqat mazmunda farqlangan, ammo qofiyada o'zgarish sodir bo'lmagan.

Vahob Rahmonov va Naim Norqulov muallifligida chop etilgan "O'zbek adabiyoti bo'stoni" seriyasida chop etilgan "Layli va Majnun" kitobida ayrim xatoliklar uchraydi. Xususan,

Andoq chu tuzaldi kadxudoliq,

Bu nav' o'ldi ato-anoliq.

misralari berilgan. Xuddi shu misralar Porsoxon Shamsiyev ilmiy-tanqidiy matn asosida nashr etilgan "Mukammal asarlar to'plami"da quyidagicha keltirilgan:

Andoq chu tuzildi kadxudoliq,

Bu nav' o'ldi ato-anoliq.

Ya'ni: Oллоh uylanish va ota-onalikni yaratdi. Misra mazmunidan ko'rinib turibdiki, "tuzildi" so'zi joizdir. 1990-yilgi nashrda "tuzildi" so'zi "tuzaldi" tarzida berilib, ma'noni butkul o'zgartirib yuborgan. 2013-yilgi nashrda esa "tuzildi" so'zi "tuzuldi" so'ziga o'zgargan. Shu kabi imloviy xatolikka yo'l qo'yilgan.

Vahob Rahmonov muallifligidagi kitobda yana bir misra berilgan.

Kunduz sanga bir gadoyi rusi,

Xursheddin egnida qadusi.

1992- va 2013-yilgi nashrlarda esa "qadusi" so'zi "kadusi" tarzida yozilgan. "Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati" kitobida "kadusi-qovoq" degan ma'noni bildirganiga guvohi bo'lamiz. Lug'atlarda "qadusi" so'ziga berilmagan. Shu sababli, "bu - so'z imloviy xato yozilgan,"- degan xulosaga kelish mumkin.

Demak, Alisher Navoiy asarlari nashrini qiyosiy o'rganish shoir g'oya va fikrlarini kitobxonga aniq yetkazish uchun muhim sanaladi. Imkon boricha ulug' shoir asarlari nashrini ilmiy-tanqidiy matn bilan solishtirib, kamchiliklarni, har xilliklarni bartaraf etish lozim.

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ

(“Девони Фоний” мисолида)

Назора Бекова,

Бухоро давлат университети доценти,

Маҳлиё Иброимова,

Бухоро давлат университети магистранти

Ўзбек адабиётининг бобокалони Мир Алишер Навоий форс тилида ҳам сўз кадрини баланд кўтарган мумтоз санъаткор эди. Икки тилда ҳам ижодини санъат даражасига кўтариш ва Абдурахмон Жомий сингари устозлар таҳсинига сазовор бўлиш Алишер Навоий номини яна ҳам маҳбуб ва улуғвор қилди. Унинг форсий қасидалари, ғазал, рубоий ва марсиялари нафақат бадиий сўз усталари, шоиру фозиллари, балки тожикзабон халқ орасида ҳам шуҳрат қозонган. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида форсий асарлари халқ орасида машҳур бўлиб, мухлислари уларни севиб ўқишларини алоҳида таъкидлаб қўйган. Шунга қарамай, ҳалигача биз бу бебаҳо мероснинг тўла шеърий таржимасига эга эмасмиз. Атоқли адабиётшунос олим **Натан Маллаев** XX асрнинг 60-йилларидаёқ ”Девони Фоний”ни поэтик таржима қилиш устида иш бошлаш, мураккаб вазифани амалга оширишда нозимлик йўлидан эмас, шоирлик йўлидан бориш, таржиманинг оригинал билан ёнма-ён умр кўришига эришиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган.

Ғафур Ғулом, Шоислом Шомуҳаммедов, Чустий, Абдуқодир Ҳайитметов, Жамол Камол, Носир Муҳаммад, Саид Ғани, Олимжон Бўриев, Эргаш Очилов,

Абдуҳамид Пардаев каби таржимонлар шоирнинг форсий меросидан намуналар таржима қилганлар.

Адабиётшунос олим **Эргаш Очилов** таъкидлаганидек, “Девони Фоний” таржимаси йўлидаги энг жиддий қадамни Ўзбекистон халқ шоири, забардаст таржимон **Жамол Камол** қўйди. У таржима отлиғ тубсиз уммон қаърига шўнғиб, жуда кўп бебаҳо марваридларни олиб чиққан. Улар ҳозирги кунда “Ўзбек таржима адабиёти” деган мухташам кошонани безаб турибди”.

Жамол Камол **Алишер Навоий** форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани анъанавий вазнда – аруз жилоси билан таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган (Мир Алишер Навоий.Фоний гулшани (Ғазаллар ва қасидалар).Тошкент, 2011). Масъул муҳаррир Асрор Самад, сўз боши муаллифи Иброҳим Ҳаққул.

Филология фанлар доктори **Иброҳим Ҳаққул** таржимоннинг улуғ хизматларини шундай баҳолайди:”Шеърӣ таржимани ўқиш насрий таржимага нисбатан ўзгача фикр ва таассурот уйғотиши, энг муҳими, Навоийнинг санъатхонасига яқинлаштириши шубҳасиздир. Бу хайрли иш тўхтаб қолмаслиги керак. Чунки Навоий форсий шеърятининг ҳажми ҳам, миқёси ҳам салмоқли. Ундаги турли лирик жанрда ёзилган шеърларни ўзбекчалаштирилиши Фоний-Навоийнинг форсий ижод қилган даҳо шоирлар сафидаги мавқеини яқиндан билишга хизмат қилади. Бу китоб шу жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқдир.”

Дарҳақиқат, таржима матни равон, ғализликлардан холи, Фоний-Навоий ғазал ва қасидаларга сингдирган бош ғоя ўзбекчада ҳам тўла акс этган. Айниқса, “**Ситтаи зарурия**” қасидалар туркуми таржимасида мутаржимнинг муаллиф илгари сурган ғоя, бадий мақсадни бекаму кўст ҳис қилиб, ёрқин акс эттирганида кўриш мумкин. Бу асарни таржима қилиш таржимондан нафақат бадий таржима қонуниятларини, балки илоҳиёт, ислом, абжад, тасаввуф, пайғамбарлар тарихидан чуқур хабардорликни талаб этади. Мазкур таржиманинг баркамоллигини Жамол Камолнинг юксак маърифий билимга эга эканлиги таъминлаган.

Мутаржим тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланган, таржимон интуицияси унга катта ёрдам берган. Таржималар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан аслиятга мувофиқ чиққан. Жамол Камол Навоийнинг ҳассос руҳи, шеърларидаги жўшқин ифода, уларнинг ич-ичидан келиб чиқадиган маъно-мазмунни беришга ҳаракат қилади:

Лолаву гул аз тажалли ту ба хуби

Кумрию булбул зи шавқи ту ба алоло

(Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент, 2002, 18-том, 10-бет).

Ул лолаю гуллар бари ҳуснинг ила кўркам,

Ҳам кумрию булбулга етиб шавқи алоло (“Фоний гулшани”, 10-бет).

Маълумки, бадиий таржимада муаллиф ва мутаржимнинг услубий ва руҳий яқинлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Айни жиҳатдан олиб қараганда, Жамол Камол илми, ирфони ва руҳонияти юксаклиги билан ҳазрат Навоийга қўпроқ яқиндир. Фаридиддин Аттор асарлари Навоийни болалигидан сеҳрлаб қўйгани, мафтун айлагани барчамизга аёндыр. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Жамол Камол ҳам Атторнинг ашаддий мухлисидир. Ўзбек ўқувчилари неча ўн йиллар давомида машҳур мутасаввиф шоир ва авлиё Фаридиддин Аттор асарларини она тилида ўқиш орзуси билан яшаб келганлар. Ниҳоят, уларнинг орзуси ортиғи билан ушалди. Таниқли шоир ва забардаст мутаржим Жамол Камол “Мантиқут-тайр”, ”Илоҳийнома”, “Асрорнома”, ”Булбулнома”, ”Панднома”, ”Уштурнома” асарларини таржима қилиб, ўзбек атторномаси қасрини қуришга киришди. У Навоий даҳоси назари тушган, севиб ўқиган асл манбаларни таржима қилиб, халқимиз маърифий даражасини оширишга ҳам улкан ҳисса қўшмоқда.

Зеро, Жамол Камол Навоий ижодиётига муҳаббатини китобнинг дастлабки саҳифаларидаёқ ўзига хос тарзда шундай ифодалаган:

Ишқинг, юрагинг эрса, Навоийни ўқи,

Иймон тирагинг эрса, Навоийни ўқи,

Ихлос керагинг эрса, Навоийни ўқи,

Ҳар не тилагинг эрса, Навоийни ўқи.

Форсий-арабий, қадимий сўзларнинг кўп ишлатилиши Жамол Камолнинг Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билишидан ҳам гувоҳлик беради. Зеро, бу сўзлар ўз табиий оқими билан келмаса, уларни матнга зўрлаб тиқиштириш керакли натижани бермайди. У сохта бежамадай матнга ёпишмай туради. Жамол Камол эса уларни маҳорат билан қўллаб, матннинг гўзал ва табиий чиқишини таъминлаган, Навоий ғазалларига хос теранлик, орифона ва ошиқона руҳ, ҳассос туйғулар мавжи таржимада ўз аксини топган:

Куши ба хубию жонбахши аз суҳан,ки чу ту

Набуда Оллоҳ-Оллоҳ, Масиҳу Марям хуб.

Агарчи ўлдурур хуснинг, ҳамоно тиргизур сўзинг,

Бу янглиғ бўлмаган, ё Раб, Масиҳо ёки Марям хуб

(“Фоний гулшани”, 198-бет).

Закий ва талабчан таржимон Жамол Камол мазкур китоб ўқувчилар қўлига етиб келиши билан аввало, ўзи китобни танқидий назар билан қўздан кечириб, баъзи техник хатоларни, жумладан, 16-бетнинг 4-байтидаги “остида”сўзини “устида”, 111-бетдаги 1-байтдаги ”маломат” сўзини “малолат”, 275-бетнинг 2-байтидаги ”ўргатувчи” сўзини

“Ўргатгувчи” тарзида тузатиб ўқиш узрини айтиши унинг Навоий даҳоси олдидаги улкан масъулиятни астойдил ҳис этганлигининг далолатидир.

Хулоса қилиб айтганда, **Жамол Камол** “Девони Фоний”нинг давр тақозо этган ва ўқувчилар талаб қилган гўзал, бадий бақувват таржимасини яратишга киришди. Бу таржима ўқувчилар томонидан ҳам, адабий жамоатчилик томонидан ҳам қизғин кутиб олинди, чунки дурдона асарларнинг ҳар бир янги ва яхши таржимаси ўзбек адабиётининг ютуғидир.

O‘ZBEK XALQ DOSTONLARINI O‘QITISHDA KREATIV YONDASHUV

Abdumurod TILABOB

TDO`TAU dotsenti, filologiya fanlari nomzodi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev xalqaro baxshichilik festivali ochilishiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqida ta’kidlaganidek: “...Tengsiz ma’naviy boyligimiz bo‘lmish mumtoz san’atni, xalq ijodining nodir namunalarni asrab-avaylash va rivojlantirish, uni kelgusi avlodlarga bezavol yetkazish jahondagi ilg‘or fikrli olimlar va san’atkorlarning, davlat va jamiyat arboblari, barcha madaniyat ahlining ezgu burchidir” [1, 1].

Xalq og‘zaki ijodi hamisha xalqning badiiy tarixi, milliy va ma’naviy qadriyatlarining sarchashmasi bo‘lib kelgan. Shuning uchun ham istiqloldan so‘ng xalq og‘zaki ijodiga bo‘lgan e’tibor yangicha bir mazmun kashf etdi. Biz o‘z tariximiz bilan, ma’naviy, milliy merosimiz bilan haqli ravishda faxrlanamiz. Vatanimizning turli burchaklarida qad rostlagan minoralar, osori atiqalar nafaqat o‘tmishimizning ko‘rki, balki kelajak avlodlarimizning ham faxri, g‘ururi buyukligini namoyon etuvchi tarixiy obidalaridir. Xuddi ana shu minoralar kabi asrlarga bo‘y berib turgan bizning yuzlab dostonlarimiz ham mavjuddir. Bu ulkan badiiy obidalar jahon madaniyatida o‘zining munosib o‘rniga ega.

Darhaqiqat, barkamol avlod tarbiyasi bugungi kunimizning eng dolzarb vazifalaridan biridir. Zero, tarbiya kamolotning ilk qadami. Inson ruhi ham ma’naviy oзуqasiz, tarbiyasiz oјiz qoladi. Ruhda pinhon eng katta xazina rivoj topmaydi. Natijada mamlakat ravnaqini ta’min etuvchi kuch – inson kamolga etmaydi, ma’naviy qashshoqlik boshlanadi...

O‘zbekistonda ma’naviyatni yuksaltirish uchun izchil, keng qamrovli davlat siyosatining olib borilayotganligining bosh sababi ham ushbu nuqtada oydinlashadi. Folklor asarlari, ayniqsa dostonlarimizni o‘rganish, ularda kuylangan epik qahramonning yurt mustaqilligi, xalq ozodligi va shaxs kamoli yo‘lidagi ibratli hayotini yosh avlod ongiga singdirish globallashuv jarayonida yashayotgan xalqimiz uchun muhim ahamiyatga egadir.

Ma’lumki, kreativlik inglizcha “create” so‘zidan olingan bo‘lib, yaratish ma’nosini bildiradi. Kreativ fikrlash muayyan masala yuzasidan fikrlash, bir nuqtaga turli rakursdan yondashishni anglatadi [3, 1].

Biz quyida ma'naviyatimizning ajralmas bo'lagi bo'lgan o'zbek xalq dostonlaridagi ayrim lavhalarni ajdodlarimizdan meros qolgan boshqa manbalar, jumladan, hikmatlar, mumtoz adabiyot namunalari bilan qiyosiy tahlil etamiz. Maqsad – o'quvchida ma'lum voqea-hodisa mazmun mohiyatini idrok etishda kreativ yondashuv, yangicha tafakkur tarzi malakasini yanada kamol toptirishdir.

Dostonlarimizda fe'l-atvori shakllangan, mustaqil fikrlash qobiliyatiga ega bo'lgan inson bilan uchrashamiz. Xalq og'zaki ijodidagi har bir janr, xususan, dostonlar bevosita yoki bilvosita yosh avlodni tarbiyalash maqsadini amalga oshiradi. Xalq og'zaki an'anasi asosida tarbiyalangan shaxs odamlar bilan munosabatda bo'lishni, o'zidan kattalarni hurmat qilishni, kichiklarga mehr berishni, himmatli, olijanob bo'lishni singdirgan. Shuning uchun ham biz xalqimiz og'zaki ijodini xalq pedagogikasining asosiy omillaridan biri sifatida o'rganamiz, imkon qadar yoshlarga yetkazishga, bu ijodga nisbatan qiziqish uyg'otishga harakat qilamiz.

*To'xta bolam, bir nasihat aylayin,
Dushmanlaring bordir o'ngi-so'lingda,
Bilganlarim alvon-alvon so'ylayin,
Falokatni bilmay qolma yo'lingda.*

*Avvalo hurmat qil o'sgan elingni,
Ham supirib toza qib yur yo'lingdi.
Yomon so'zdan doim saqla tilingdi,
Tilning do'st-dushmanligin bil, bolam.*

“Dalli” dostonidan keltirilgan bu parcha ma'lum ma'noda “Ogohnoma”, kamolga eltuvchi kalomlardir.

So'fi Olloyor:

*Kalidi ganji ma'noniy zabondur,
Anga bir nuqta ziyod bo'lsa ziyondir...
Kishi sanchiq so'z aytsa, sen chiq andin,
Yomondin qoch, yomondin qoch, yomondin [5, 81] , -*

deganda zabon, ya'ni tilning insonga ham do'st, uni noo'rin, nojoiz ishlatish dushman orttirishini nazarda tutgan bo'lsa ajab emas.

“Iymon keltirmaguningizcha jannatga kirolmaysiz, bir-birlaringizni yaxshi ko'rmaguningizcha iymon keltirgan sanalmaysiz. Sizga oralaringizda mehr-muhabbat paydo qiladigan amalni o'rgataymi? – Oralaringda salomni yoyinglar”, -deyiladi ulug' vatandoshimiz Imom Buxoriy rivoyat qilgan hadisda.

Endi xalq dostonini kuylayotgan baxshidan eshiting:

*Oldingdan kim kelsa, salom berib o't,
Yiqilganga doim yordam berib o't,
Shirin-shirin tildan kalom berib o't,
Kaloming qimmatin, qadrin bil, bolam.*

Kishi do‘stining yurish-turishi, odob-axloqi ta‘siriga beriluvchan bo‘lishi ruhshunoslar tomonidan ta‘kidlanadi. Binobarin, farzandlarimizning kim bilan do‘st-ulfat bo‘layotganiga ahamiyat berishimiz muhimdir. Xalq baxshisi bu borada biz ota-onalar nomidan farzand-larga quyidagi o‘gitni beradi:

*O‘zing yur, o‘zgani yo‘ldosh demagin,
Siynalib kelgandi hech do‘st demagin,
Ayyorning qo‘lida sarson bo‘lmagin,
Ayyorning aylana so‘zin bil, bolam.*

Bu satrlar o‘zbek xalq maqollaridagi “Do‘st bilan sirdosh bo‘l, Ishiga doim qo‘ldosh bo‘l”, “Do‘st bo‘lsang, do‘stingning aybini tuzat”, “Do‘st gilaga chopar, Dushman - hiylaga”, “Do‘stingga otilgan kesakning changi sening ko‘zingga tushar”, “Yomon do‘st – ko‘lanka”, “Yomon do‘st – qora bulut soyasi” kabi hikmatlarning dostonidagi badiiy ifodasidir.

Inson dard, g‘amsiz yashashi amri mahol, biroq dard, g‘am kelganda yoningizda bir hamdardning bo‘lmasligi chinakam g‘amdir:

Kimsaga gar g‘am yetar, g‘amxori bo‘lsa g‘am emas,
Ul erur g‘amkim – yetib g‘am topmagay g‘amxorliq, [3, 52] - deydilar Alisher Navoiy.
Dostonlarimizda do‘stning, do‘stlikning ana shu o‘ta nozik nuqtasiga e‘tibor qaratiladi:

*Yo‘ldosh topsang aslo oldin o‘tmagin,
Yo‘ldoshing yuragi, dardin bil, bolam.*

(Shu dostonidan)

Dostonlarimizda doim takrorlanib keluvchi misra bor:

Dam shu damdir o‘zga damni dam dema...

Bu – hayot atalmish bebaho ne‘matning ajib ta‘rifi, undan qanday foydalanish lozimligiga doir yo‘riqnomadir nazarimizda. Ha, hayotning, vaqtning qadr-qimmatini anglagan, dunyoning inson ko‘zini chalg‘ituvchi, uni ezgulik, kamolot yo‘lidan og‘dirib, adashtiruvchi qutqulariga aldanib qolmagan inson chinakam oqil, chinakam baxtlidir.

Dostonlarimizdagi bu hikmatli misraning salmog‘ini, unda yashirin mazmun-mohiyatni teran anglash uchun quyidagi hikmatga diqqatingizni qaratamiz:

“Dunyoni qidirgan kimsani dunyo yerga uradi. Dunyodan yuz o‘girgan kishi esa dunyoni kim esa ham, parvo qilmaydi. Dunyoni sevgan kimsa mol-dunyosi ko‘p bo‘lganlarning quli bo‘ladi. Dunyoning ozi yetarli, ko‘pi esa to‘yimli emas.

Kechasi va buguni bir bo‘lgan kimsa aldanibdi. Kechasi bugunidan xayrli bo‘lgan kimsa esa zararga yo‘liqibdi. O‘zida nuqson ko‘rmagan kimsaning nuqsoni ko‘p” (*“Mashhurlardan mashhur so‘zlar” kitobidan*).

O‘zbek xalq dostonlarida ma‘naviy-axloqiy qadriyatlar, inson kamolotiga to‘sqinlik qiluvchi illatlar shunchaki pand-nasihat bilan emas, balki jonli, ta‘sirli voqea-hodisalar, nozik detallar orqali yetkazilishiga guvoh bo‘lamiz. Bir necha misol.

“Alpomish” dostonining bir variantida ustoz huzuriga ta’lim olish uchun yo’lda ketayotgan yosh Alpomish bir qushni quvadi. Qush bir devor kovagiga kirib ketadi. Qushni tutolmagan Alpomish o’sha kovakni loy bilan suvab tashlaydi. Ma’lumki, oradan bir necha muddat o’tgach, Alpomish zindonga tushadi va u yerda yetti yil yotadi. Zukko o’quvchi bu detaldan “Hatto bir qushga yetkazilgan ozor albatta jazosiz qolmas ekan...” degan xulosa chiqaradi.

Muhtaram ustoz, filologiya fanlari nomzodi Omonulla Madayev “Alpomish bilan suhbat” risolalarining “May-qabohat tuzog’i” nomli bo’limida Alpomishdek mard, jasur, hamma o’rnak oladigan qahramonning chohga tushishiga asosiy sabab – nafs qutqusiga berilib, may ichganligida ekanini ta’kidlaydilar.

Ha, baxshi may yomon ekanini aytmaydi, balki u keltiradigan xunuk oqibatlarini ko’rsatish orqali bu narsadan saqlanish maqsadga muvofiqligiga ishora beradi.

XV asrda yashab ijod etgan ulug’ vatandoshimiz Abdulloh Isfahoniy “Rohat al-qulub” asarida sharobxo’rlikning quyidagi oqibatlarini sanaydi: “Har kim sharob va aroq ichishni odat qilsa, Xudoyi taolo uni bir og’riqqa giriftor qilgay, uning dil-u davosi bo’lmagay. Sharobxo’rda o’nta illat bo’ladi: 1) Ko’zining nuri ketar; 2) Jigari kasal bo’ladi; 3) Qo’rqoq bo’ladi; 4) Bemazago’y bo’ladi; 5) Yuragi og’riq bo’ladi; 6) Xalq orasida bee’tibor bo’ladi; 7) Hargiz to’yimas; 8) Xalqqa dushman ko’rinib, odamlar orasida beobro’ bo’ladi” [2, 85-86].

Dostonlarimizda ot egarlash epizodi xalqimiz orasida ot tarbiyasini mukammal biluvchi sinchilar ko’plab bo’lganidan va yilqichilik ilmi a’lo darajada rivojlanganidan dalolat beradi. Biroq biz yana bir jihatga diqqat qaratishimiz lozim. Dostondagi hikmatli so’zlar, ibratli fikrlar, axloq-odobga doir qarashlar ot egarlash jarayonida ishlatiladi:

*Yomon odam mudom qilar g’ovurdi.
Lof aytganda botmondan ham ovirdi(r),
Bismillo deb soldi otning ustiga.
Sochog’i zumratdan zarli davirdi,
Gana-gana bandalaring joyildi(r) (johildir),
Xudo qilgan ishga banda qoyildi(r).*

Dostonning badiiyligini ta’minlab turuvchi “... o’z davrining axloq kodeksi sifatida jaranglovchi bunday misralarni doston mundarijasidan sira ham ajratish mumkin emas” [4, 123].

Demak, xalq dostonlarini tahlil qilishda tarixiy manbalar, ajdodlarimizdan qolgan madaniy-ma’rifiy meros namunalari, jumladan, mumtoz adabiyotimiz vakillari ijodiga murojaat qilgan o’quvchining yangicha tafakkur tarzi rivojiga ijobiy ta’sir etar ekan.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning xalqaro baxshichilik san’ati festivali ochilishiga bag‘ishlangan marosimdagi nutqi // Xalq so‘zi gazetasi, 2019-yil, 7-aprel. – №68(72-98) son. –B.1.

2. “Ajdodlarimiz ma’naviy merosidan”, Toshkent-2014.
3. Alisher Navoiy. Hikmatlar Toshkent: «Sharq». 2016.
4. Jumanova S. Noodatiy fikrlash mahorati yoxud kreativlik qanday shakllantiriladi? //Ma’rifat gazetasi. 2019-yil, 5-iyul.
5. Mirzayev T. Alpomish dostonining o‘zbek variantlari. – Toshkent; 1968.
6. So‘fi Olloyor. Saboti Og‘ziyn. Toshkent «San’at» jurnali nashriyoti, 2009. – B.81

IBORALARNING KOMMUNIKATIV VAZIFALARI

Ro‘ziyev N.Q., Raximov M.M. (BDU)

Frazeologik birliklar tilimizni ta’sirchan, mazmunli hamda jonli bo’lishini ta’minlovchi birliklar sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday birliklarni nutqda qo’llanilishi so’zlovchining intellektual salohiyatini belgilab bergani bois, ularni nutq vaziyatida, qolaversa badiiy talqinda bajaradigan funksiyalarini alohida ta’kidlab o’tish joiz.

